**Key words:** connecting verb, auxiliary verb, adverb, leading verb, auxiliary verb, grammatical categories of the verb, complex auxiliary phrase, morphological notation, phonetic notation.

Ma’lumki, fe’llar leksik va grammatik xususyatlariga ko‘ra ikki guruhga bo‘linadi. Ular mustaqil hamda yordamchi fe’llardir. O‘quvchilarning aksaryati matnda mustaqil va yordamchi fe’llardan ko‘makchi fe’llarni ajratishda, qo‘shma fe’lni ko‘makchi fe’lli so‘z qo‘shilmasidan farqlashda, mustaqil va ko‘makchi felning o‘rnini aniqlashda, ko‘makchi fe’llarning mustaqil - yetakchi fe’lga bog‘lanib kelish imkoniyatlarini bilishda va ular ifodalaydigan modal ma’nolarning, ya’ni xususiy grammatik ma’nolarning nozik uslubiy qirralarini bilishda biroz qiynalishadi. Albatta, maktab hamda bir qator oliy o‘quv yurti darsliklarida fe’lning analitik shakliga, jumladan, ko‘makchi fe’lli so‘z qo‘shilmasiga to‘xtalib o‘tilgan, lekin shunga qaramay o‘quvchi va talabalar bu mavzu bilan bog‘liq yuqoridagi muammolarga duch kelishadi. Biz amaliyotdagi mana shu muammoga mavjud manbalarga tayangan holda to‘xtalmoqchimiz.

Tilimizda ellikka yaqin shunday fe’llar borki, ular mustaqil fe’l vazifasida ham (o‘rnidan turdi, singlisiga qaradi), ko‘makchi fe’l vazifasida ham (qarab tur, tura boshladi) kela oladi. Bu fikrdan ma’lum bo‘ldiki, faqat ko‘makchi fe’l vazifasida keladigan yordamchi fe’llar yoq ekan.

Ko‘makchi fe’l vazifasida kelgan so‘zlar mustaqil-yetakch i fe’lga bog‘lanib, ko‘makchi fe’lli so‘z qo‘shilmasini hosil qiladi. Ko‘makchi fe’llar doim yetakchi-mustaqil fe’lga bog‘lanib keladi, matnda esa avval yetakchi, keyin ko‘makchi fe’l keladi. Masalan, o‘qib kel, o‘qiy qol, yoza boshla, yozib tashla.

Yetakchi fe’l ko‘makchi fe’lni qabul qiluvchi ravishdoshdir. Ko‘makchi fe’llarning 27 tasi eng faol ishlatiladi. Aniqroq aytganda, ko‘makchi fe’l vazifasida keladigan fe’llar:

| | | |
|---|---|---|
| 1) boshla | 10) bit(bitir) | 19) sol |
| 2) yoz | 11) yet | 20) ko‘r |
| 3) bil | 12) tush | 21) qo‘y |
| 4) yot | 13) yo‘q | 22) yubor |
| 5) yur | 14) o‘l | 23) tashla |
| 6) o‘tir | 15) qara | 24) ol |
| 7) kel | 16) boq | 25) ber |
| 8) bo‘l | 17) tur | 26) qol |
| 9) chiq | 18) bor | 27) ket |

Ko‘makchi fe’llarning yetakchi fe’lga uch xil yo‘l bilan bog‘lanishi kuzatiladi. Ular:

- Asosan -b/-ib ravishdosh qoshimchasi vositasida bog‘lanadi. Bu ko‘rsatkich yetakchi fe’l tarkibida bo‘ladi. Masalan, yopishtirib olmoq, shilinib chiqmoq, eshitib turmoq, uloqtirib yubormoq

1. Safar akaning aytishicha, arqonni o‘sha kursiga kamida “besh yuz” markali sement bilan yopishtirib olgan: qimirlasa terisi shilinib chiqadi. 2. Yigitlar uchinchi qavatda doming o‘ynab o‘tirishar, shaqir-shuqur tovushlar pastdan bemalol eshitilib turardi. 3. U ko‘kimtir pullarni silatb, uloqtirib yubordi. (O‘. Hoshimov).

- -a/-y ravishdosh qo‘shimchasi vositasida. Bu ko‘rsatkich ham yetakchi fe’l tarkibida bo‘ladi. Masalan, hayday qolmoq, bilmay qolmoq qo‘ya qolmoq

1.Tupurdim o‘sha brigadirligiga! Hayday qolsin. ( O‘.Hoshimov) 2. Fotima ikkovini tanishtirishni ham bilmay qoldi. ( A. Qahhor) 3. … “Ha ishqilib ikkovining ham boshi omon bo‘lsin” deb qo‘ya qolar, bu “yo‘q” degani edi.

- Shuni unutmaslik kerakki, ayrim ko‘makchi fe’llar yetakchi fe’lga hech qanday grammatik ko‘rsatkichsiz bog‘lanish imkoniyatiga ega. Bunda har ikkala qism bir xil shaxs-son shaklida bo‘ladi hamda (-) chiziqcha bilan ajratib yoziladi. Masalan, aytdim- qo‘ydim, aytding-qo‘yding, aytdi-qo‘ydi. Ko‘makchi fe’lli so‘z qo‘shilmasining mazkur shakli juft fe’l deb ham yuritiladi.

Ko‘makch felli so‘z qo‘shilmasi tuzilishiga ko‘ra sodda va murakkab bo‘ladi.

Sodda ko‘makchi fe’lli so‘z qo‘shilmasida bitta yetakchi, bitta ko‘makchi fe’l bo‘ladi. Masalan, ko‘r/ib qo‘ymoq, chiq/ib qolmoq, tushun/ib yetmoq. angla/b olmoq: 1.Ko‘rib qo‘ysin! Odamlar bekor o‘tiribdi.(O‘.Hoshimov) 2. Ko‘ylaklik olib bermasangiz tom orqasidan ko‘ylaklik uzatadigan chiqib qoladi.

Murakkab ko‘makchi fe’lli so‘z qo‘shilmasida bitta yetakchi fe’lga ikki va undan ortiq ko‘makchi fe’llar bog‘lanib keladi. Bunday hollarda ham har bir ko‘makchi fe’l o‘zidan oldin kelgan fe’lga ravishdosh qo‘shimchasi orqali bog‘lanadi. Masalan, ayt/ib berib tura qol, so‘rab qo‘ya qol. Ho to‘rdagi cholni ko‘rdinglarmi, yonidagi chollarga Navoiy g‘azallarini o‘qib berib o‘tiribdi. 2. Harna bo‘lsa Xudoning bergani, olib qo‘ya ber, yaxshi gapingni ayama. (A.Qahhor) 3.Fotima uning erdan chiqganini dadasiga aytmay qo‘ya qoldi. (A.Qahhor).

Murakkab ko‘makchi fe’lli so‘z qo‘shilmasida har bir ko‘makchi fe’l o‘z ma’nosi bilan qatnashadi. Uning birini tushirib qo‘ysak, unga xos ma’no ham yo‘qoladi: aytib berib tura qolmoq-harakatning holatga aylanishi; aytib berib turmoq harakatning davomiylik ma’nosini ifodalayapti; aytib bermoq-harakatning bajarilishiga qarshilik yo‘q.

Shuni unutmaslik kerakki, ba’zan bitta ko‘makchi fe’l bilan bog‘lana oladigan yetakchi fe’llar uyushib kelishi mumkin. Bunda ko‘makchi fe’l eng oxirdagi mustaqil fe’ldan keyin yoziladi va u boshqa yetakchi fe’llarga ham tegishli bo‘ladi. Masalan, Sen ko‘rmayapsan, oshna, oy botib, yulduzlar birin-ketin so‘nib boryapti. Mavzular tugab, vaqt esa tig‘izlashib boryapti. Misollardan ko‘rinyaptiki yetakchi va ko‘makchi fe’llar o‘rtasida so‘z ham kelishi mumkin ekan.

Fe’lning grammatik kategoriyalari hamda ko‘makchi fe’lli so‘z qo‘shilmasi. Ma’lumki, fe’l so‘z turkumida beshta grammatik kategoriya mavjud. Ularning fe’lning harakat tarzida o‘rni quyidagicha:

Bo‘lishli-bo‘lishsizlik kategoriyasining ma qo‘shimchasi ham ko‘makchi, ham yetakchi fe’l tarkibiga kela oladi. Masalan, aytib yurma, o‘ylab ko‘rma, kelmay tur, o‘qimay qo‘ydi, olmay qo‘yma, kirmay qo‘yma.

Nisbat kategoriyasining o‘zlik va orttirma nisbatlarining qo‘shimchalari faqat yetakchi fe’l tarkibida keladi: artinib oldi, yopinib chiq, yuvina boshladi, kiyintirib qo‘y, yozdirib bo‘ldi. Majhul nisbatning qo‘shimchasi esa doim ko‘makchi fe’l tarkibida bo‘ladi: aytib qo‘yildi, tozalab bo‘lindi, so‘rab chiqildi. Birgalik nisbatning ko‘rsatkichi odatda ko‘makchi fe’l tarkibida: aytib o‘tishdi, o‘qib berishdi, yoza boshlashdi. Yetakchi tarkibida unumsiz bo‘lsa-da, kela

oldi: ishlashib bo‘ldi, ko‘rishib ketdi, o‘ylashib oldi. Ba’zan ham yetakchi, ham ko‘makchi fe’l tarkibida kelishi mumkin: ishlashib ketishdi, aytishib turishdi.

Fe’lning zamon, mayl, shaxs-son kategoriyalarining ko‘rsatkichlari ko‘makchi fe’l tarkibida bo‘ladi: tugab bor/yap/ti, o‘ylab ko‘rishsa, ketib bor/moq-da/man(-san) ...), yozib bo‘l/di/m(-ng...). qarab qo‘y/a/man(-san,-di...).

Demak, nisbat va bo‘lishli-bo‘lishsizlik qo‘shimchalari yetakchi fe’l tarkibida ham, ko‘makchi fe’l tarkibida ham ma’nosiga qarab qo‘shilib kelishi mumkin, zamon, mayl, shaxs- son qo‘shimchalari esa ko‘makchi fe’llarga qo‘shilib keladi.

Fe’lning sifatdosh, ravishdosh, harakat nomi, ya’ni vazifadosh shakllarining qo‘shimchalari ko‘makchi fe’llar tarkibiga qo‘shilib keladi. Masalan, o‘tib borar, sinib yotgan, yonib bitgan, aytib o‘tiribdi, yetib kelgach, tinglab o‘tirgani, anglay olish, ko‘ra bilish.

Ko‘makchi fe’lli so‘z qo‘shilmasi odatda morfologik yozuv tamoyilida yoziladi, chunki yetakchi va ko‘makchi fe’llar ajratib yoziladi. O‘z navbatida ber ko‘makchi fe’li mustaqil fe’lga -a ravishdoshi vositasida bog‘lansa, ver shaklida o‘qiladi hamda yetakchi fe’l bilan qo‘shilib yoziladi. Masalan, ayta ber - aytaver, yoza ber-yozaver. Ol ko‘makchisi yetakchi fe’lga -a ravishdoshi bilan bog‘lanadigan bo‘lsa, elliziya hodisasiga ko‘ra yetakchi fe’l tarkibidagi -a qo‘shimchasi talaffuz va yozuvda tushib qoladi. Ko‘makchi fe’lli so‘z qo‘shilmasining qismlari esa qo‘shib yoziladi: yoza oldi yozoldi, bora oldi boroldi. Demak, mazkur ikki ko‘makchi fe’l fonetik yozuv tamoyiliga ko‘ra ham yozilar ekan.

Ko‘makchi fe’lli so‘z qo‘shilmasi shaklan fe’l + fe’l shaklidagi qo‘shma fe’lga o‘xshab ketadi, lekin unutmaslik lozimki, fe’l + fe’l shaklidagi qo‘shma fe’lning har ikki qismi o‘z ma’nosi bilan turadi: sotib olmoq, olib kelmoq, ishlab chiqarmoq. Ko‘makchi fe’lli so‘z qo‘shilmasining ma’nosi esa yetakchi fe’l ma’nosiga teng bo‘ladi: yozib tashla yoz, ishlab tur ishla, ko‘rib qoldi ko‘rdi, pishib yetgan pishgan: 1. “Vannochka" degani shuki, po‘latquvur uzunasiga kesiladi, plita armaturasi bilan devor armaturasi o‘rtasiga qo‘yib payvand qilib yuboriladi.(O‘.Hoshimov) 2. O‘zi bir chekkaga chiqib oldi-da o‘rinbosarnimi, bosh injenernimi ishga soladi (O‘.Hoshimov) 3. Mulla Norqo‘zi ertasiga samovarga chiqqanida yana panjarani yozib o‘zi bilgan ochiq ayollarni sanab chiqdi.(A.Qahhor) Bu holat tabiiy, chunki ko‘makchi fe’llar lug‘aviy emas, balki o‘ziga xos xususiy grammatik ma’no ifodalab keladi. Lekin yuqorida keltirilgan misollarda ko‘makchi fe’lli so‘z qo‘shilmalari mustaqil qo‘shma fe’l sifatida ham qo‘llanishi mumkin. Masalan, 1. Rasulovning millatga qayishishiga tan berdim. Go‘r qazish, murdani ko‘mish uchun buxorolik uchta soldatni tayyor

qilib yuborayotgan edi. (Said Ahmad) 2. Polkovnik chiqib ketgandan keyin Norqobil boshchiligida gulxan atrofida maslahat majlisi bo‘ldi. (Said Ahmad) 3. Mahbuslar kechqurun barakka kelishlari bilan nazoratchilar ularni sanab, ustlaridan qulflab chiqishdi. (Said Ahmad)

Shunday qilib ko‘makchi fe’lli so‘z qo‘shilmasi va qo‘shma fe’llarni farqlashda ularning gapda qo‘llanishi qanday mazmun kasb etganligi, ko‘makchi fe’llar yakka holda qo‘llanganda ma’no anglatishiga e’tibor berish lozim.

**Adabiyotlar:**

1. Amonov U. Ona tili ( Morfologiya) “Durdona”,- Buxoro.: 2021
2. Rahmatullayev Sh. Sistem tilshunoslik asoslari “Universitet”,- T.: 2007
3. Sayfullayeva R., Mengliyev B., Boqiyeva G., Qurbonova M., Yunusova M., Abuzalova M. Hozirgi o‘zbek adabiy tili “Fan va texnologiya”,- T.: 2009
4. Shoabdurahmonov Sh., Asqarova M., Hojiyev A., Rasulov, Doniyorov X. Hozirgi o‘zbek adabiy tili “O‘qituvchi”,- T.:1980
5. Tursunov U., Muxtorov A., Rahmatullayev Sh. Hozirgi o‘zbek adabiy tili “O‘zbekiston”, - T.: 1992

**РЕЗЮМЕ**

O‘quvchilarning aksaryati matnda mustaqil va yordamchi fe’llardan ko‘makchi fe’llarni ajratishda, qo‘shma fe’lni ko‘makchi fe’lli so‘z qo‘shilmasidan farqlashda, mustaqil va ko‘makchi felning o‘rnini aniqlashda, ko‘makchi fe’llarning mustaqil - yetakchi fe’lga bog‘lanib kelish imkoniyatlarini bilishda va ular ifodalaydigan modal ma’nolarning, ya’ni xususiy grammatik ma’nolarning nozik uslubiy qirralarini bilishda biroz qiynalishadi. Maqolada ko‘makchi fe’lli so‘z qo‘shilmalarining mustaqil fe’llardan farqi, ularning qo‘llash o‘rinlari xususidagi qarashlar o‘z ifodasini topgan. Mazkur muammolar yuzasidan ilmiy asoslar keltirilgan.

**РЕЗЮМЕ**

Большинство учащихся отличают вспомогательные глаголы от самостоятельных и вспомогательных глаголов в тексте, отличают сложный глагол от словосочетания со вспомогательным глаголом, определяют положение самостоятельного и вспомогательного глагола, испытывают небольшие затруднения в познании возможностей вспомогательных глаголов. в привязанности к самостоятельному - ведущему глаголу и в знании тонких стилистических аспектов выражаемых ими модальных значений, т. е. конкретных грамматических значений. В статье описаны отличия вспомогательных глаголов от самостоятельных глаголов, взгляды на места их употребления. Приведены научные обоснования этих проблем.

**SUMMARY**

Most students distinguish auxiliary verbs from independent and auxiliary verbs in the text, distinguish a complex verb from a phrase with an auxiliary verb, determine the position of an independent and auxiliary verb, and experience slight difficulties in understanding the possibilities of auxiliary verbs. in attachment to the independent - leading verb and in knowledge of the subtle stylistic aspects of the modal meanings they express, i.e. specific grammatical meanings. The article describes the differences between auxiliary verbs and independent verbs, views on the places of their use. Scientific justifications for these problems are given.

# “ALFIYYA” ASARINING YOZILISH SABABLARI VA UNING ARAB GRAMMATIKASIDAGI MAVQEYI

***Ochilov A.D.***
*O’zbekiston davlat jahon tillari universiteti*
*Arab tili tarjima nazariyasi va amaliyoti kafedrasi stajor-o’qituvchisi*
***Tojiyeva Z.Z.***
*O’zbekiston davlat jahon tillari universiteti*
*Arab tili tarjima nazariyasi va amaliyoti kafedrasi stajor-o’qituvchisi*

**Tayanch so‘zlar:** Ibn Molik, “Alfiyya”, mavqe’, “Al-Xulosa”, nazm, “Al-Kofiya”, grammatika.
**Ключевые слова:** Ибн Малик, «Альфия», положение, «Аль-Хулоса», поэзия, «Аль-Кофия», грамматика.
**Key vords:** Ibn Malik, “Alfiyya”, position, “Al-Xulasa”, poetry, “Al-Kafiya”, grammar.

Ibn Molikning “Alfiyya” asari. Ibn Molikning asl ismi Muhammad ibn Abdulloh ibn Molik at-To’iy al-Jayyoniydir. Uning “Alfiyya” asari arab grammatikasidagi muhim manbalardan biri sanaladi. Ushbu asar she’riy uslubda yozilgan bo’lib, o’zida nahv va sarf ilmining xulosalarini qisqa va tushunarli tarzda shakllantirgani bilan keng shuhrat topgan. Shu sabab o’laroq asar “Al-Xulosa” nomini ham olgan. Tarix mobaynida olimlar va adiblar tomonidan bu asarga katta e’tibor berilgani, tasannolar aytilgani ham uning qadri qanchalar yuksak ekanini ko’rsatib bera oladi.

“Alfiyya” she’riy matni, aslida, Ibn Molikning boshqa kitobi - “Al-Kofiya Al-Shofiya” asarining qisqartirilgan shakli bo’lib, muallif unda ilmiy xulosalarini rajaz she’riy uslubida yoritgan. Shu bilan birga ba’zi o’rinlarda ayrim masalalar borasida arab tili olimlarining ixtilofli fikrlarini keltirib, o’zi qaysi fikrga suyanishini ham bayon qilib o’tgan.

Ushbu kitob olimlar e’tiboridan shu qadar chuqur o’rin olganki, hatto arab tili grammatikasi doirasi yozilgan boshqa kitoblar til o’rganuvchilari orasida deyarli eslanmay qo’yilgan. Olimlar tomonidan “Alfiyya” asariga teng yoki

undanda manfaatliroq boshqa kitob yozganlik da’vosi ham kuzatilmagani ham asarning martabasini yana bir bor ko’rsatib beradi.

Yuqorida aytilganidek, “Alfiyya” asari arab tili o’quvchilari orasida keng shuhrat topgan bo’lib, boshqa kitoblarga qaraganda uni yodlashga, sharhlashga qaratilgan e’tibor ancha kuchli bo’lgan. Buning sababi - asar tilga oson so’zlar ila chiroyli shaklda ta’lif etilgani, nahv va sarf ilmlari unda qisqa va ma’noli holatda ifoda etilib, mavzulari qulay tartibda joylashtirilgani va har biriga daqiq yondashilganidir.

Shuningdek, Ibn Molikning boshqa asarlari ham bor. Ular orasida keng tarqalgan va mashhur bo‘lganlari - “Al-Kofiya al-Shofiya”, “Alfiyya” va “Tashil al-Fava’id” kitoblardir. Asarlarning har biri Ibn Molik ilmiy faoliyatining alohida bosqichini ifoda etadi.

“Al-Kofiya al-Shofiya”ni grammatika borasida ensiklopedik asar desa bo’ladi. Mazkur asar 2750 baytni o’z ichiga oladi. Ibn Molik keyinchalik bu asarni qisqartirib boshqa kitob - “Alfiyya”ni ta’lif etgan. “Alfiyya”da “Al-Kofiya al-Shofiya”da mavjud ixtiloflar, muammoli masalalar tushirib qoldirilgan. Shu sabab ham “Alfiyya” hozirgi kunga qadar nahv o‘rganuvchilari uchun qulay manba bo’lib qolmoqda.

Asar nomlanishi va mavqeyi. “Alfiyya” asarining nomlanishiga kelsak, she’riy matnning baytlar soni mingtaga yetgani shunday nom olishida asosiy sabab sifatida ko’rsatiladi.

Aslida, “Alfiyya” atamasi ilk bor boshqa olim - Ibn Mu’tiy tomonidan qo‘llanilgani manbaalarda qayd etilgan. U ham nahv ilmining olimlaridan biri bo’lib, to‘liq ismi Zaynud-Din Abu al-Husayn Yahyo ibn Abdul-Mu’tiy ibn Abd an-Nur az-Zavaviy al-Mag‘ribiy al-Hanafiydir. U 564 hijriy yilida tug‘ilib, al-Qasim ibn Asakir kabi olimlar davrasida ta’lim olgan. Ibn Mu’tiyning asarlari soni ham bir nechtaga yetadi. Lekin “Alfiyya”si ular orasida alohida o‘rin tutadi. Shuningdek, Ibn Mu’tiy adabiy va ilmiy nasrlar muallifi ham hisoblanadi. Ibn Mu’tiy “Alfiyya” kitobining oxirgi baytida ushbu asarining mukammalligi va undagi nazm jamiki shoirlar yozgan nazmlarning eng chiroylisi ekanini ham aytadi.

Yuqorida ta’kidlanganidek, Ibn Molikning kitobi “Alfiyya” deb nomlanishida uning baytlari sonining ahamiyati katta. Ibn Molikning o‘zi ushbu nomni asarning uchinchi baytida aytadi:

مقاصد النحو بها محوية  وأستعين الله في ألفية

“Nahv ilmi maqsadlari ana shu kitobda mujassamdir,

“Alfiyya” borasida yordam so‘raganim Allohdir”.

Asarning ikkinchi nomi - “Al-Xulosa” esa nazmning oxirgi baytlaridan olingan. Ibn Molik aytadi:

أحصئ من الكافية الخلاصة كما اقتضئ غن بلا خصاصة

“Xulosa”ni (nahv borasida) kifoya deb bilaman,

U kitob biror kamchiliksiz mukammaldir”.

Kitobning arab grammatikasidagi mavqeyini olimlar Sibaveyhning “Kitob” asari darajasiga tenglashtiradi. Nahv ilmi borasida “Kitob” so’zi yolg’iz holda ishlatilsa, so’zsiz Sibaveyhning asari tushunilishi ma’lum va mashhur. Xuddi shu tarzda, agar “Alfiyya“ so‘zi biror qo‘shimchasiz ishlatilsa, Ibn Molikning “Alfiyya”si nazarda tutilishini ta’kidlashgan.

“Alfiyya” asari nahv borasidagi o‘zining ahamiyati, mukammalligini hozirga qadar yoqotmagan bo‘lib, bugunga qadar o’quvchi-talabalar tomonidan keng murojaat qilinuvchi asosiy manbalar qatoriga kiradi. Asar o‘zining mazmunan boy hamda tizimli tuzilgani bilan o‘quvchilarni jalb etadi.

Ibn Molik asarda nahv ilmining murakkab masalalarini aniq va tushunarli tarzda bayon qila olgan. Bu esa asar soha mutaxassislarining diqqat markaziga tushishiga yana bir sababdir. Balki, tarix mobaynida “Alfiyya”ga olimlar ko‘plab sharhlar, xoshiyalar yozishganining boisi ham shu.

Asar yozilish sabablari. Asarda Ibn Molikning ilmiy g‘oyalarining mohiyati va eng muhim fikrlari jamlangan. “Alfiyya”da Ibn Molik o‘zining avvalgi ba’zi xato qarashlaridan voz kechgan va to‘g‘ri deb topgan fikrlarini bayon etgan, shu sababli bu asar uning nahv masalalari borasida yakuniy qarashlari sifatida qaralishi mumkin.

Shuningdek, “Alfiyya” asarida fe’llarning tuslanishini batafsil yoritib berilmaydi, bu borada alohida bob ajratilmaydi ham. Bu holat Ibn Molikning boshqa kitobi - “Lamiyat al-Af‘al” (Fe’llar Lamiyasi) asarini yozishiga turtki bo‘lgan bo’lishi mumkin.

“Alfiyya”ning tuzilishiga ta’sir ko‘rsatgan asosiy omillar quyidagilardir:

Ibn Mu’tiyning “Alfiyya” asaridan ta’sirlanish: Ibn Molik “Alfiyya”ning kirish qismida buni eslatib o‘tgan:

و تقتضى رضا بغير سخط فائقة ألفية ابن معطي

“Mamnuniyat ila kitobdan rozi bo‘lursan,

(asarda) Ibn Mu’tining “Alfiyya”sidan ortig‘ini ko‘rursan”.

Ushbu baytlardan ko‘rinadiki, Ibn Molik Ibn Mu’tining “Alfiyya”sini o‘qigan va undan ta’sirlangan. So‘ng ana shunday uslubda kitob yozishni istagan.

“Kofiya” asarini qisqartirish: Bu Ibn Molikning “Al-Kofiya” nazm asarini yozgandan keyin uni juda uzun va ko‘plab misollar va dalillar ila to‘lib-toshgan deb hisoblagani va shu sababli uning qoida va ahkomlarini soddalashtirishga

zarurat sezgani. U “Alfiyya”ni yozishni boshlaganida, nahv qoidalari va ahkomlarini to‘liq yoritishga e’tibor qaratgan, bu haqda “Alfiyya”ning kirish qismida shunday deyilgan:

و أستعين الله في ألفية  مقاصد النحو بها محوية
بقرب الأقصى بلفظ موجز  وتبسط البذل بوعد منجز

“Alfiyya” borasida yordam so‘raganim Allohdir,
Nahv asoslari unda mujassamdir.
Qisqa so‘zlar ila uni bayon etarman,
U ila mo’l-ko‘l foida olursan”.

3. Ibn Molik, she’riyatning turli janrlarida mohir ijodkor sifatida tanilgan, ayniqsa, uning she’riy asarlari nafaqat keng miqdorda, balki yuqori sifatda ifodalanganligi bilan ajralib turadi. As-Suyutiy Ibn Molikning she’riy mahorati haqida shunday deydi: “Uning uchun she’r yozish juda oson edi; rajaz, ta’vil, basit kabi she’riy shakllarni osonlik bilan yozar edi”. Nahv, tilshunoslik va qiroatlar bo‘yicha yozgan she’rlari o‘n mingdan ortiq baytlarni tashkil qiladi.

**Adabiyotlar:**

1. Mualliflar jamoasi. “An-Na’im” arabcha-o‘zbekcha lug’at. - Namangan: Namangan nashriyoti, 2018. - 805 b.
2. Ibn Kasir. Al-Bidoya van-Nihoya. – Bayrut: Darun-Nashr, 2012. – 4 jild.
3. Shamsiddin Zahabiy. Siyar a’alimun-Nubalo. – Qohira: Mu’assasatul-risola, 1982. – 22 jild.
4. Yahyo ibn Mu’ad az-Zavaviy. Ad-durrotu alfiyyatu fi ‘ilmil-a’robiyyati. – Bayrut: Darus-Salom, 2006. – 670 b.
5. Muhammad ibn Abdulloh ibn Molik. Alfiyya. – Damashq: Nahdetmisr, 2015. – 30 b.
6. Ahmad Aliy Al-Hanodiriy. Alfiyyatu ibn Malik tahlil va naqd. – Madina: Ja’miatu Ummul-Quro, 1989. – 260 b.
7. Muhammad ibn Ahmad al-G‘oziy. Sharhu Alfiyyatu ibn Molik bayna ‘Aqil va al-Xudriy. – Nabulus: Darul-‘ilm, 2005. – 465 b.
8. As-Suyutiy. Iqtiroh va usul an-nahv. – Damashq: Darul-Birutiy, 2006. – 591 b.

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqolada arab tili grammatikasi olimlaridan biri Ibn Molikka tegishli “Alfiyya” asari - nomlanishi, boshqa kitoblar orasidagi mavqeyi va yozilish sababi haqida ma’lumot berilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В этой статье представлена информация о произведении «Альфия», принадлежащем одному из ученых арабской грамматики Ибн Малику - его название, положение среди других книг и причина написания.

**SUMMARY**

This article provides information about the work "Alfiyya" by one of the scholars of Arabic grammar, Ibn Malik - its title, its position among other books, and the reason for its writing.

# ONA TILI DARSLARIDA ORGANAYZERLARDAN FOYDALANISH USULLARI

***G`ulomova X.***
*ChDPU dosenti*
***Bakiyeva H.***
*TDPU PhD, dotsent*

**Tayanch so`zlar:** ta'limiy organayzerlar, mantiqiy tafakkur, mantiqiy tahlil, "Klaster", "Venn" diagrammasi, "T" grafik organayzeri, "Jadaval" grafik organayzeri, "Nima uchun? Organayzeri", "Baliq skeleti", "Chalakashtirilgan mantiqiy zanjirlar ketma-ketligi" organayzeri.

**Ключевые слова:** образовательные организаторы, логическое мышление, логический анализ, «Кластер», диаграмма «Венна», графический органайзер «Т», «Таблица», «Почему?» органайзер, «Рыбий склет», органайзер «Последовательность запутенных логических цепочек».

**Key words:** educational organizers, logical thinking, logical analysis, "Cluster", "Venn" diagram, graphic organizer "T", "Table", "Why?" organizer, "Fish cage", organizer "Sequence of entangled logical chains".

Oliy ta`limda ona tili o`qitish metodikasining maqsadi - talabalarni umumiy o`rta ta`limda ona tili fanini o`qitish jarayoniga tayyorlash, ya`ni kasbiy kompetentligini shakllantirishdir. Mazkur fan talabalarni ona tili ta'limining shakli, metod va vositalari bilan tanishtiradi va ularni ta`lim jarayoniga tatbiq etishga tayyorlaydi. Oliy ta`limda o`qitiladigan ona tili o`qitish metodikasi fani fan asoslarini talabaga o`rgatish jarayonini va talabalarning o`rgatilganlarni maktab amaliyotiga tatbiq etish ko`nikmalarini o`z ichiga oladi.

O'quvchilarni mantiqiy fikrlashga o'rgatishda ta'lim organayzerlari muhim o`rin tutadi. O`quvchilarning grammatik tushunchalarni o`zlashtirishlarida, nutqiy qobiliyatini o'stirishda uning fikrlash qobiliyatini ishga solish talab qilinadi. Negaki, nutqni tafakkurdan ajratib rivojlantirish mumkin emas.

Hayotdagi narsa-predmetlarning nomi va ular haqida fikr bildirish uchun o'sha narsa-predmet anglanadi va unga munosabat bildiriladi. O'qituvchi nutq ustida ishlash bilan bir vaqtning o'zida o'quvchilarning tafakkuri ustida ishlaydi, ularda tushunarli, aniq, izchil va asoslangan fikrlashni tarbiyalaydi.

Ona tili darslarida grammatik va orfografik tushunchalarni egallash jarayonida muayyan fikrlash faoliyatining yuz berishi bevosita mantiqiy tafakkur tarbiyasi bilan chambarchas bog‘liq. Mantiqiy fikrlashning asosiy usullarini ona tili ta’limida grammatik tushunchalarni egallash usuli sifatida qo‘llash mumkin. Grammatik tushuncha va qoidalarni mantiqning analiz va sintez, umumlashtirish, hodisaning o‘xshash va farqli xususiyatlarini aniqlash va taqqoslash, tasniflash va sistemalashtirish usullaridan foydalanmasdan anglab va egallab bo‘lmaydi.

Mantiqiy fikrlashning dastlabki usuli tahlil. Til ta’limida tahlil bilan sintez chambarchas bog’langan bo’lsa-da, mashq matnlari tahlili asosida o’zlashtiriladigan bilimlarni umumlashtirish o’quvchilar uchun ancha qiyinchilik tug’diradi. Sintez ta’lim amaliyotida kam uchraydi. Chunki mantiqiy tahlil, odatda, alohida emas, balki boshqa o’quv-biluv faoliyatining (umumlashtirish, tasniflash, tizimlashtirish, xulosalarni shakllantirish) tarkibiy qismi sifatida amalga oshiriladi. Tahlil va sintezning birlashtirilishi tushunchalarni ta’riflashda asos bo’lib xizmat qiladi.

Bugungi kunda ona tili o`qitish ta`limida qo`llab kelayotgan ta`limiy organayzerlar o`quvchilarni mantiqiy va mustaqil fikrlashga undaydi, tahlil qilish va tarkiblash ko`nikmalarini o`stiradi, mavzuga doir ma`lumotlarni ongli o`zlashtirishlarini ta`minlaydi, xotirada saqlab qolishlariga yordam beradi. Organayzerlar o`quvchilarning bilim, ko`nikma va malakalarini tizimlashtiradi, sistemaga soladi. O`quvchilar bilimini nazorat qilish va baholash imkonini beradi.

Organayzerlar tarmoqlashning bir turi, unda ochiq qolgan o`rinlar to`ldiriladi. Organayzerlarda birlamchi ma`lumotlarning ham, ikkilamchi ma`lumotlarning o`rni ham ochiq qoldirilishi mumkin. O`quvchi ochiq qolgan o`rinni to`ldiradi. O`quvchilar yozgan ma`lumotlarining to`g`riligini muhokama jarayonida yoki o`qituvchining ko`rsatgan slaydlar orqali aniqlab olishishadi. Masalan, “Klaster”, “Venn” diagrammasi, “T” grafik organayzeri kabilar. O`quvchi topshiriq asosida ochiq qolgan qismni to`ldiradi. Ochiq qogan joyning ma`lumotini topib to`ldirishda o`qituvchi tomonidan berilgan ma`lumot yordam beradi.

Ona tili darsliklarida berilgan chizmalarda ma`lumotlar to`liq yozib qo`yiladi. Bunday grafik organayzerlar fikriy jarayonlarni ko`rgazmali taqdim etuvchi ta`lim vositasi sifatida xizmat qiladi. Organayzerlarni til hodisasini tushuntirishga, tasniflashga, umumlashtirishga, o`quvchilarning bilimini mustahkamlash va nazorat qilishga ko`ra tasniflash mumkin.

Ona tili darslarida quyidagi kabi o`rganayzerlardan foydalaniladi:

Ma`lumotlarni tarkiblash va tarkibiy qismlarga bo`lib chiqish, o`rganilayotgan tushunchalar o`rtasidagi aloqa va o`zaro bog`liqlikni o`rnatishga doir o`rganayzerlar: klaster, toifalash, insert, B/B/B.

Ma`lumotlarni tahlil qilish, solishtirish va taqqoslashga doir o`rganayzerlar: “T” –jadvali, Venn diagrammasi.

Ma`lumotlarni aniqlash, uni hal etish, tahlil qilish, rejalashtirishga doir o`rganayzerlar: Baliq skleti, piramida, nilufar guli sxemalari, ierarxik diagrammasi, “Kaskad” tarkibiy – mantiqiy sxema.

Mavzu yuzasidan o`quvchilarning bilimlarini amaliyotga tatbiq etish ko`nikmalarini aniqlashda foydalaniladigan organayzerlarda ma`lumotlar uchun ochiq joylar qoldiriladi. O`quvchi qaysi tarmoq ochiq bo`lsa o`sha joyning ma`lumotini to`ldiradi. Bunda o`quvchilar o`qituvchi tomonidan yozilgan yo`llanmalar (topshiriqlar) asosida faoliyat olib boradi. Bu vazifalarni o`quvchilar yakka tartibda yoki guruh bo`lib bajaradilar. Masalan, so`zning morfemik tarkibi yuzasidan o`quvchilarning o`zlashtirish darajasini aniqlash va mustahkamlash maqsadida professor A.G`ulomov , dotsent R. Ikromova, M.Hamroyevlar quyidagi “Jadval” grafik organayzerlarini tavsiya etgan:

| № | So`zlar | Asos | So`z yasovchi morf. | Shakl yasovchi morfema | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | *Vatandoshlarimizning* | *Vatan* | *-dosh* | Lug`aviy sh.yas. | Sintaktik sh.yas. |
| | | | | *-lar* | *-imiz* *-ning* |
| 2 | … | | | | |

(A.G`ulomov)

| *Vatandoshlarimizning* | vatan | -dosh | -lar | -imiz | ning |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| asos | | | | | |

(R.Ikromova.)

M.Hamroyev ona tilidan amaliy mashg`ulotlar uchun tilshunoslikning barcha bo`limlari yuzasidan tahlil qoliplarini ishlab chiqan . Ular talabalarni mustaqil ishlashga yo`llaydi, vaqtni tejaydi, har bir talabani baholash imkoniyatini beradi. Bu organayzerlardan ham maktabda to`liq foydalanish mumkin.

Izlanishga asoslangan **“Jadaval” grafik organayzerini** sintaksisni o`rgatish jarayonida qo`llash tayanch tushunchani, uning muhim xususiyatlarini ifodalash orqali mavzuning muhim tomonlarini o`zlashtirishni ta`minlaydi. Masalan, talaba 2-grafaga berilgan qolipga mos gap tuzib yozadi, ergash gapli qo`shma gap haqidagi tushunchalarni 1-grafaga, shu gap ta`lifni 3-grafaga yozadi. Bu organayzer asosida o`quvchilarni mustaqil izlanish asosida xulosalar – ta`rif chiqarishga o`rgatadi.

| Tushuncha | Formula | Ta`rif |
|---|---|---|
| (o`quvchi to`ldiradi) | -gach, | |

Ko`makchilarning vazifasi va ular ifodalaydigan racticin ma`nolarni formula asosida gap tuzish va uning tahlili orqali aniqlaydilar. Ko`makchilarning racticin vazifasi va racticin ma`nosini yozib, unga ta`rif beradilar.

Ta`limiy organayzerlarning ochiq qolgan bo`lagini yakka, guruh-gurug bo`lib to`ldiriladi. Jamoaviy bo`lib bajarilgan ishni guruhlar o`zaro nazoratdan o`tkazadi va taqdimotga chiqadi. Yo`l qo`yilgan xato va kamchiliklar rangli bo`r yoki rangli qalamlar yordamida to`g`rilanadi. O`qituvchi o`quvchilar faoliyatini nazorat qilib boradi.

**Ierarxik (klasterlash) o`rganayzer** funksional tashkiliy tuzilma bo`lib, uni ona tilini o`qitishga tatbiqi talabalarni mantiqiy fikrlashga undaydi, maktabda ona tilini o`qitishda bo`limlararo bog`liqlikka asoslanishlariga turtki beradi. Masalan, ona tili bo`limlari orasidagi bog`lanish:

Fonetik tushuncha------ orfografiya bilan (ong+la --- angla)

Fonetik tushuncha------sintaksis bilan ( ohang, to`xtam)

Fonetik tushuncha ------orfoepiya bilan (to`g`ri talaffuz)

Fonetik tushuncha----- leksikologiya (so`z ma`nosini farqlaydi) va hokazo.

Grammaik hodisalarni taqqoslash orqali umumiy va farqli xususiyatlarini aniqlashtirishda **qismlari kesishgan organayzerlardan** foydalaniladi. Bunga Venn diagrammasini misol qilib keltirish mumkin.

**“Venn diagrammasi” organayzeri (metod)** ikki va uch hodisaning ayrim hamda umumiy xususiyatlarini solishtirish, taqqoslash, qarama-qarshi qo`yish orqali yoritish va umumlshtirish, xulosalash imkoniyatiga ega. O`qituvchining mavzuni tushuntirishida mazkur organayzer o`quvchilarning mantiqiy va tizimli fikrlashini, taqqoslash, tahlil qilish ko`nikmalarini rivojlantiradi.

Venn diagrammasi asosida mavzu yuzasidan o`quvchilar bilimi nazorat qilinishi ham mumkin. Bunda har bir to`g`ri fikrga qo`yiladigan ball oldindan belgilab olinadi. Topshiriq bo`yicha har bir guruh fikrlarini alohida ranglarda yozadi, shuningdek, har bir o`quvchi ham fikrini alohida rangda yozishi mumkin. Bu har bir guruh yoki o`quvchi o`zining fikrini himoya qilish imkonini beradi. Masalan: doskaga ikki yoki uch qismdan iborat diagramma chiziladi, ular ichiga racticin hodisa nomi yoziladi. Doskaga taqqoslanayotgan hodisalarning umumiy va xususiy belgilari raqamlar ostida yozilgan ma`lumotlar ilinadi. Har bir guruh tanlagan raqamlarini doiralar ichiga yozadi. Fikrlar nihoyasiga yetgach, o`qituvchi va talabalar hamkorligida to`g`ri va noto`g`ri javoblar aniqlanadi.

To`g`ri javobga 3 ball qo`yilgan bo`lsa, noto`g`ri javob uchun 3 ball olib tashlanadi.

**Venn diagrammasini quyidagi mavzularda qo`llash mumkin:**

1. Sifatdosh, ravishdosh, harakat nomi mavzusini o`rgatish va nazorat qilishda.
2. Sifat va ravish so`z turkumlarini qiyoslash orqali farqlashga o`rgatishda.
3. Ot va harakat nomining leksik va racticin belgilarini qiyoslashda.
4. Son, so`roq olmoshi va miqdor ravishlarini qiyoslash orqali farqlashga o`rgatishda va hokazo.

**T – grafik organayzeri** yutug`i vaqtni tejashga, yakka tarbibda o`quvchi bilimini aniqlashga, fikrlash qobilyatini oshirishga, mavzuni qaysi qismini o`zlashtirgan yoki o`zlashtirmaganini aniqlashda qo`l keladi. Salbiy jihati shundagi, o`quvchi nutqining rivojlantirmaydi, muloqotga kirishish imkoniyati bo`lmaydi. Biroq yozma ifodalarni misollar bilan og`zaki to`ldirishi mumkin. Masalan, bir xil mavzudagi voqealarning (matnning) bayon qilish uslubidagi farqlarni yoritishda qiyosan yondashish imkonini beradi. Masalan: o`quvchiga publisistik va ilmiy uslubdagi matn beriladi. O`quvchilar matn tahlili orqali matnni qaysi uslubdaligini asoslaydi.

**”Nima uchun?“ organayzeri.** Bu organayzer o`quvchilar o`zlashtirgan o`zaro yaqin nazariy bilim, ma`lumotlarni qiyosiy tahlil etishga yordam beradi, nutqiy jarayonda o`rinli foydalanish ko`nikmasini shakllantiradi. Masalan, miqdor bildiruvchi so`zlar (son, miqdor-daraja ravishlari, miqdorga ishora qiluvchi olmoshlar), yordamchi so`z turkumlari (bog`lovchi, ko`makchi va yuklamalarning bog`lash vazifasi hamda racticin ma`nosini qiyoslab o`rgatishda) yuzasidan tashkil etish mumkin. Bunda o`quvchilarni erkin fikrlashga va dadil harakatga yo`llash uchun quyidagi maslahatlar beriladi:

1. Aqlingizga nima kelsa shuni yozing.
2. Yozishda imlo va uslubiy xatolardan cho`chimasdan yozing.
3. Ajratilgan vaqt tugaguncha yozishni to`xtatmang. Xayolingizga boshqa g`oyalar kelmaguncha qog`ozga rasm chizib turing.

Masalan, *qancha, necha* olmoshlari ifodalagan miqdor ma`nosini son ifodalagan miqdor ma`nosidagi farq va oxshashlikni, ular birga qo`llanadigan so`zlarni, gapdagi vazifasini (*necha ractici – o`n ractici; nechta o`quvchi – o`nta o`quvchi* – aniqlovchi) qiyosan tahlil qilish bilan bog`liq fikrlarini, ularning hayotiy masalalar bilan bog`lashi (sonlarlar ichida sehrli sonlar borligi), qaysi matnlarda (ertaklarda, dostonlarda) ko`p qo`llanishi sababini (3, 7, 20, 40, 90 marosimning nomini ifodalashi), voqealarni bo`rttirib ko`rsatish maqsadida ishlatilishini (*3 kecha-yu 3 kunduz yo`l yurdi.* (Orada o`quvchi Uch og`a-ini botirlar rasmini chizishi mumkin… ).

**”Baliq skeleti”** organayzeri. Muammoni qo`yish va hal qilishning mazkur modeli bir qator muammolarni ta’riflash va yechib ko`rishga imkon beradi. Bir

varaq oq qog`ozda (vatmanga) baliq skeleti (boshi, kemirchagi, qovurg`alari) chiziladi .

Yuqoridagi qovurg`alarga muammolar yoziladi, pastidagi qovurg`alariga esa uyqoridagi muammoning mavjudligini yoki uni hal qilish yo`llari, (o`qituvchi o`z oldiga qo`ygan maqsadga qarab) isbotlovchi dalillar yoziladi.

Baliq skeleti modelining afzalligi shundaki, mazkur sxema muammolarning o`zaro bog`liqligi, ularning barcha xususiyatlarini o`zida aks ettiradi. Masalan:

Baliq skletining bosh qismiga: “Fonetika bo`limini o`rganish uchun zarurat bormi?

Yuqoridagi qovurg`aga:

1-qovurg`a: Nutq o`rganlarini fonetika bo`limida o`rganishga insonda qanday ehtiyoj bo`lishi mumkin?

2-qovurg`a: Nutqiy bo`laklarni o`rganish so`zlovchiga “yordam beradi, yo`q, yordam bermaydi” deb ikki xil qarash asoslimi?

3-qovurg`a: Urg`uning fonetikada o`rganilishi qanday asosga ega?

4-qovurg`a: Unlilarning lablanish yoki lablanmasligi, hosil bo`lish usuliga ko`ra tasnifi, o`rniga ko`ra old qator va orqa qator tasniflashga qanday munsabatdasiz? Har ikkisi ham usul yoki o`rniga bog`liq emasmi?

5-qovurg`a: Undosh tovushlarni jarangli va jarangsiz tarzida tasniflashda nimaga asoslanish eng to`g`ri yondashuv bo`ladi?

6-qovurg`a: Urg`u tilshunoslikning qaysi bo`limining o`rganish ob`yekti bo`lishi kerak?

Sxemali va rasmli organayzerlardan matn yaratishda foydalaniladi. Tilshunoslikka oid atamalar mavhum tushunchalarni ifoda etishini hisobga olgan holda mualliflar ona tili darsliklarida bunday organayzerlardan foydalanadilar.

**Adabiyotlar:**

1. Sh.M.Mirziyoyev. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Гармони. –Т.: 2022.

2. Umumiy o`rta ta`limning MO`D. Umumiy o`rta ta`lim maktablarida ona tili fanini o`qitishni rivojlantirish konsepsiyasi. –T.: 2020.

3. О.У.Авлаев, С.Н.Жўраева, С.Р.Мирзаева. Таълим методлари. –Т.: Наврўз нашриёти. O‘quv-uslubiy qo‘llanma. 2017.

4. G‘ulomov A., Qodirov M. Ona tilini o‘qitish metodikasi. – T: Fan va texnologiyalar, 2012.

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqolada o‘quvchilarni mantiqiy fikrlashga o‘rgatishda ta’limiy organayzerlarining o`rni va uni ishlab chiqishga qo`yiladigan talablar, tashkil etish usullari xususida so`z yuritiladi.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье рассматривается рол организаторов образования в обучении учащихся логическому мышлению, требования к его развитию и методы организации.

**SUMMARY**

This article discusses the role of educational organizers in teaching students to think logically, the requirements for its development, and methods of organization.

# DIFFERENSIALLASHGAN ADABIY TA'LIM TIZIMIDA MATN TAHLILIGA DOIR ADABIY-NAZARIY TUSHUNCHALAR USTIDA ISHLASHNING ILMIY METODIK ASOSLARI (XALQ DOSTONLARI MISOLIDA)

***Matkarimova S.Sh.***
*Chirchiq davlat pedagogika universiteti*
*Boshlang'ich ta'lim nazariyasi kafedrasi o'qituvchisi*

**Tayanch so'zlar:** folklor, xalq og'zaki ijodi, doston, metod, darslik.
**Ключевые слова:** фольклор, устное народное творчество, эпос, метод, учебник.
**Key words:** folklore, oral folk art, Epic, method, textbook.

Zamonaviy maktabda adabiy ta'limning maqsadlaridan biri o'quvchilarni so'z san'ati bilan tanishtirishdir. Bu umumiy va kitobxonlik madaniyatini tarbiyalashga, maktab o'quvchilarining muloqot qobiliyatlarini rivojlantirishga yordam beradi. Bu borada folklorning o'rni katta bo'lib, ular bilan tanishish maktab o'quvchilarining og'zaki nutqini rivojlantirishga imkon beradi va o'z milliy madaniyati tarixini chuqur anglashlariga yordam beradi.

"Xalq og'zaki ijodi" bo'limi – maktab adabiyoti kursidagi eng an'anaviy bo'limlardan biri bo'lib, ixtisoslashgan maktablar zamonaviy dasturlarida mazkur bo'limning mazmuni, janr xilma-xilligi qayta ko'rib chiqildi va yangilandi. Shuning uchun ham uni o'rganish tizimini batafsil ishlab chiqish adabiyot o'qitish tizimida dolzarb bo'lib turgan muammolardan biridir.

Aslida bu muammo nafaqat ixtisoslashgan, balki an'anaviy maktab adabiyot darslarini o'qitishda ham o'z dolzarbligini yo'qotmagan. Ushbu omillar muammo qariyb bir asrlik tarixga ega ekanligidan dalolat beradi.

Ko'pchilik metodist va o'qituvchilar (V. Yu. Stoyunin, V. P. Skogshn, V. I. Vodovozov, F. I. Buslayev, Yu. M. Sokolov, M. A. Ribnikova) xalq og'zaki ijodini o'qitishni xalqning dunyoqarashini tushunish usuli deb bildilar. V. Ya.Stoyunin folklorni o'quvchilarni xalq ma'naviy hayoti bilan tanishtirish vositasi deb hisoblagan; "Bizning zamonamizda ayniqsa, xalqqa yaqinlashish

zarurati ongi vujudga keldiki, bundan, albatta, bu xalqni bilishning birinchi ehtiyoji kelib chiqadi" (169, 170-bet).

V.I.Vodovozov xalq og‘zaki ijodida, eng avvalo, uning ulkan tarbiyaviy ahamiyatga ega ekanligini ko‘rdi, chunki "qo‘shiq, doston va ertaklarda odamlar o‘zlarining eng yaxshi fikrlari, intilishlari va umidlarini mujassam etganlar. Asrlar o‘tishi bilan ular o‘z kuch-qudratini, jozibasini yo‘qotmagan, shu tufayli ham xalq og‘zaki ijodi o‘zida qimmatli ta'lim va tarbiyaviy materialni ifodalaydi" (40, 72-bet).

M. A. Ribnikova va Yu. M. Sokolovning folklorni o‘rganishga bo‘lgan yondashuvlari uning badiiy adabiyot va she'riy til taraqqiyotidagi rolini tushunish bilan belgilanadi.

Maktabda folklorni o‘rgatishdan maqsad o‘quvchilarga xalq og‘zaki ijodining boyligini va xalqning bitmas-tuganmas ijodiy kuchini ochib berish, bolalarga xalq she'riy asarlarining hissiy tajribasini targ‘ib qilishdir.

Ma'lumki, M.A. Ribnikova o‘quvchilarning estetik tuyg‘ularini, ularning ijodiy tafakkurini rivojlantirishga qaratilgan darslarning yagona uslubiy tizimini yaratgan metodist olimlardan biridir.

Metodist o‘quvchilar nutqini rivojlantirish ishining dastlabki bosqichi – badiiy nutq bilan tanishish sifatida xalq og‘zaki ijodiga alohida e'tibor qaratadi.

Ixtisoslashgan maktab o‘quvchilarning yorqin va noyob folklor obrazlarini idrok etishida, og‘zaki xalq ijodiyoti asarlarini o‘rganishida folklor "ijod laboratoriyasi"ga kirib borishi muhim ahamiyatga ega.

Xalq og‘zaki ijodi asarlarini o‘rganish yo‘llari adabiy ta'limning umumiy vazifalari bilan belgilanadi. Shunday vazifalardan biri adabiy asarni chuqur, mustaqil idrok etishga qodir, estetik did, umumiy va kitobxonlik madaniyatiga ega bo‘lgan malakali o‘quvchini tayyorlashdir.

Aksariyat zamonaviy metodist olimlar folklor asarlarini o‘rganishni ushbu maqsadga erishishning boshlang‘ich bosqichi sifatida qabul qilishadi.

Bu yondashuv ko‘plab joriy dasturlarda o‘z aksini topgan.

Ixtisoslashgan maktab adabiyot dasturida (biz tadqiqotimizda unga tayanamiz) folklor asarlarini o‘qitishda uning yuksak badiiyat namunasi ekanligini singdirish janriy xususiyatlari bilan tanishtirishdan boshlanadi.

Olimlarning folklor asarlarini o‘rganish muammolariga ko‘p bora murojaati va bu sohadagi ko‘plab tadqiqotlar maktab amaliyotida og‘zaki xalq og‘zaki ijodi asarlarini o‘rganish yo‘llari masalasi haligacha yakuniy hal etilmaganligini isbotlaydi.

Demak, masalaning dolzarbligi, birinchidan, ixtisoslashgan adabiy ta'limda xalq og‘zaki ijodi asarlarini o‘rganish muammosining janr o‘ziga xosligini

hisobga olgan holda yetarlicha uslubiy ishlab chiqilmaganligi; ikkinchidan, tanlangan muammoni hal qilishning samarali vositalarini topish zarurati bilan belgilanadi.

Agar folklor asarlarini o‘zlashtirish jarayonida xalq og‘zaki ijodining har bir janrining o‘ziga xos xususiyatlarini ham, ularning o‘zaro bog‘liqligini ham hisobga oladigan tizim qo‘llanilsa, xalq og‘zaki ijodining kichik janrlarini o‘rganishning uslubiy modeli ham shunday bo‘ladi. Ularning kattaroq janrlar (xalq dramasi) bilan bog‘lanishiga qaratilgan bo‘lib, bu maktab o‘quvchilarining o‘qish ko‘nikmalarini, shuningdek, og‘zaki va yozma nutqini samarali yaxshilash imkonini beradi.

Shunga ko‘ra maqolada ixtisoslashtirilgan maktabda xalq og‘zaki ijodi asarlarini o‘rganishning uslubiy tajribasini umumlashtirish; xalq og‘zaki ijodining differensial adabiy ta’lim tizimidagi o‘rni va rolini aniqlash; turli janrdagi folklor asarlarini o‘zaro munosabatlari va o‘zaro kirib borishini o‘rganish zarurligini asoslash; folklorning kichik janrlarini o‘rganishning uslubiy modelini va xalq dostonlarini o‘rganish tizimini ishlab chiqish; folklorning turli janrlarini o‘rganish, ularning o‘zaro munosabatlarini hisobga olgan holda, o‘quvchilarning ijodiy faoliyatini faollashtirishning eng samarali usul va usullarini aniqlash; maktab o‘quvchilarining kommunikativ va nutq qobiliyatlarini rivojlantirishga yordam beradigan vazifalar turlarini aniqlash kabi vazifalar belgilab berildi.

Quyida “Ravshan” dostoni yuzasidan ijodiy fikrlashni rivojlantirishga yo‘naltirilgan ba’zi usullarni tavsiya etamiz:

Obrazlarning asardagi ahamiyatini o‘rganish maqsadida RASHM strategiyasi texnologiyasini qo‘llash mumkin.

RASHM strategiyasi – bu ma’lum bir mavzu bo‘yicha yozma matnlar yaratish. Ushbu strategiya improvizatsiyaga tayyorgarlikni shakllantirishi bilan ahamiyatli. Strategiya o‘quvchidan ma’lum miqdorda ko‘nikmalarga ega bo‘lishni talab etadi va nazariy bilimlarni amaliy qo‘llash, materialni takrorlash darslarida samarali usul hisoblanadi.

R – rol, o‘quvchi kimning nomidan yozishini tanlaydi.

A – u murojaat qiladigan auditoriya.

Sh – shakl, material qanday shaklda yoziladi (latifa, hikoya, dialog, eslatma)

M – mavzu, matn nima haqida bo‘ladi.

Xalq og‘zaki ijodining “Ravshan” dostoni yuzasidan “RASHM” strategiyasini o‘tkazish namunasi:

O‘quvchi Og‘a Yunus pari (enasi) va Xasanxon (otasi) nomidan Ravshanga “sog‘inganligi” mavzusida xat yozadi.

R – Og‘a Yunus pari (enasi) va Xasanxon (otasi),

A – Ravshan,

Sh – xat,

M – sog‘inch tuyg‘usi.

Doston badiiyatini o‘rganish maqsadida Doira bo‘ylab xat yozish” texnologiyasidan foydalanish tavsiya etiladi.

Doira bo‘ylab xat yozish” texnologiyasi guruh shaklida faoliyat yuritishni o‘z ichiga oladi. O‘quvchilar nafaqat berilgan mavzu haqida o‘ylashlari, balki o‘z fikrlarini guruh a’zolari bilan muvofiqlashtirishlari kerak. Guruhning har bir a’zosida qo‘lidagi qog‘ozga berilgan mavzu bo‘yicha bir nechta jumlalarni yozadi, so‘ngra varaqni yonidagi sinfdoshiga uzatadi, u o‘z fikrlarini davom ettirishi kerak. Qog‘ozdagi xat o‘z egasiga qaytguncha davom ettiriladi.

“Ravshan” dostonini o‘rganish jarayonida bu texnologiya nazariy bilimlarni mustahkamlashga qaratiladi. O‘qituvchi har bir guruhga dostonda mavjud badiiy til vositalarini topib, misoli bilan yozib borishni taklif etadi. Guruhlar ko‘proq ma’lumot topishga rag‘batlantirilib turiladi. O‘quvchilar taxminan quyidagi ma’lumotlarni aniqlab yozadilar:

Talmeh san’ati:

— E bolam Ravshanjon, muddaong Avazning qizi — Gulanor bo‘lsa, aslo g‘am yema! “Qizi borning nozi bor” degan, shunday-shunday deydi-da.

Sifatlash san’ati:

Jiyronqush ham shunday ot: to‘rt oyog‘i teng tushgan, biqini yoziq keng tushgan, qarchig‘ayning havosi tekkan.

Qofiyalar nasr:

Ravshanbek otini hovlidan chiqarib, ota-enasidan g‘oyibona rozi bo‘lib, ko‘chaning yuzi bilan, odamlarning izi bilan gulday jaynab, suqsurday bo‘ylab, parvoz aylab, taraqqos boylab, ostida Jiyronqush oti har usulda o‘ynab borayotir.

Ana endi Ravshan polvon otasining so‘zlariga javob berib, ko‘ngli buzilib, yurak-bag‘ri ezilib, ko‘zining yoshi tizilib, boshidan o‘tgan sir-savdosini otasiga aytib, o‘zidan o‘tganidan xabardor qilib, bir so‘z aytayotir.

| Go‘ro‘g‘li | Hasanxon | Ravshan |
|---|---|---|
| Mard | Sher haybatli | Mard |
| Qo‘rqmas | Yo‘lbars kelbatli | Polvon |
| Polvon | Qoplon yurakli | Qo‘rqmas |
| | Arslon bilakli | Haybatli |
| | Mard | Ravshan |
| | Polvon | |

Dostonning til uslubini tadqiq qilish maqsadida darslikda berilgan doston matniga tayanib Go‘ro‘g‘li, Hasanxon va Ravshanning badiiy portretini o‘z so‘zlaringiz bilan matn ko‘rinishida yaratishga harakat qiling topshirig‘ini bajarish topshiriladi. Bunda o‘qituvchi doston matnidagi qahramonlar qiyofasini yaratishga xizmat qiladigan so‘zlardan foydalanishni tavsiya etadi.

Xulosa qilganda, turli folklor janrlaridagi asarlarni ularning o‘zaro bog‘liqligini hisobga olgan holda o‘rganish ularning estetik va badiiy o‘ziga xosligini chuqurroq anglash, maktab o‘quvchilarida xalq og‘zaki ijodi xalq og‘zaki ijodining ajralmas qatlami sifatidagi g‘oyalarni shakllantirishga xizmat qiladi.

**Adabiyotlar:**

1. Safo Matjon. Maktabda adabiyotdan mustaqil ishlar. (O’qituvchilar uchun metodik qo’llanma)-T: “O’qituvchi”,1996

2. Shermatova U.S. Aesthetics of nature in Cholpon’s work // Academic research in educational sciences volume 1 | ISSUE 3 | 2020 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2020: 4.804

3. Husanboyeva Qunduzxon, Niyozmetova Roza Adabiyot o‘qitish metodikasi/o‘quv qo‘llanma/ Toshkent: “Innovatsiya-Ziyo”, 2020, 352 b.

4. Shermatova U.S. Aesthetics of nature in Cholpon’s work // Academic research in educational sciences volume 1 | ISSUE 3 | 2020 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2020: 4.804

5. Matkarimova, S. S., & Umaraliyeva, M. N. (2023). O‘tkir Hoshimovning psixologik tasvir mahorati (“Urushning so ‘nggi qurboni” hikoyasi misolida). European Journal of Interdisciplinary Research and Development, 13, 253-255.

6. Matkarimova, S. S. (2023). Badiiy asarlar: ertak, hikoya mazmunini o ‘zlashtirish metodikasi (2-sinf o ‘qish va ona tili savodxonligi darsligi misolida). O’zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 2(19), 151-155.

7. Маткаримова, С. Ш. (2020). Адабиёт фанини ўқитишда дарсликларнинг аҳамияти. Science and Education, 1(Special Issue 3), 127-133.

8. Маткаримова С. Ш. Қ. (2023). Ихтисослашган мактаб адабиёт дарсларида ёзувчиларнинг таржимаи ҳолини ўрганишда илмий-методик ёндашувлар. Academic research in educational sciences, 4(11), 5-14.

9. Matkarimova , S. (2023). Forming creative thinking through creative tasks. Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal, 4(5), 144–153. https://doi.org/ 10.37547/mesmj-V4-I6-22

10. Matkarimova S. (2023). Technologies for studying people’s oral creation samples in differential literary education (for the example of folk epistles). Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal, 4(5), 154–160. https://doi.org/10.37547/mesmj-V4-I6-23

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqolada xalq og‘zaki ijodi namunalarini o‘qitishda o‘quvchilarning kreativ tafakkurini texnalogiyalar asosida rivojlantirish bayon etilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье описывается развитие креативного мышления учащихся на основе технологий в обучении по образцам устного народного творчества.

**SUMMARY**

This article describes the development of students’ creative thinking based on technology in teaching based on the patterns of oral folk art.

# BADIIY ASAR QAHRAMONLARINING XARAKTER XUSUSIYATLARINI O‘RGANISH ASAR TAHLILINING UZVIY ELEMENTI SIFATIDA

***Shermatova U.S.***
*Chirchiq davlat pedagogika universiteti*
*O‘zbek adabiyotshunosligi kafedrasi dotsenti*

**Tayanch so‘zlar:** obraz, xarakter xususiyati, personaj, tashqi qiyofa, vaziyat, buyumlar tasviri.

**Ключевые слова:** образ, черта характера, характер, внешний вид, ситуация, изображение предметов.

**Key words:** image, character trait, character, appearance, situation, image of objects.

Badiiy adabiyotning asosiy mazmunini kishilarning jamiyatdagi tutgan o‘rnini, o‘zaro munosabat va aloqalarini tasvirlab ko‘rsatish tashkil qiladi. Tanqidchilar obrazni kishi hayotining suratidir deya talqin qiladilar. Asarda tasvirlanadigan kishilar obrazi – asarning asosiy tarkibi sanaladi.

Yozuvchi personajning obrazini yaratishda tanlangan mavzusiga aloqador ma’lumotlarni, tajribalar va o‘z shaxsiy nuqtai nazarini obrazning harakat va xususiyatlari, dunyoqarashi vositasida tasvirlaydi. Muallif hayotni qanday tushunsa, uni qanday ko‘rishni istasa, ana shu istaklarini obrazda mujassamlashtiradi.

Ma’lumki, personajlarning xarakterli xususiyatlarini o‘rganish asardagi voqealar yo‘nalishini va qahramonning ayrim epizodlardagi harakatini kuzatish yo‘li bilan amalga oshiriladi. Personajning voqealar rivojidagidagi ishtiroki asar voqeasini bayon qilish orqali o‘rganib boriladi.

Qahramonga umumlashma-xulosalar, mantiqiy yakun chiqarish yo‘li bilan emas, balki uning ayrim xususiyatlarini imkon boricha aniqlash orqali tavsif beriladi.

7-sinf o‘quvchilariga qahramon xarakterining faqat ba’zi xususiyatlarini aniqlash uchun har qanday asarni emas, balki tushunilishi yengilroq va

personajning o‘ziga xos xususiyatlarini bemalol aniqlash mumkin bo‘ladigan asarlar tavsiya qilinadi.

Ma’lumki, badiiy asarlarda yagona syujet hamda uning rivojida qahramonning ayrim personajlar bilan munosabat va to‘qnashuvlari tasvirlangan epizodlar bo‘ladi. Shu epizodlar yig‘indisi asarning umumiy mazmunini tashkil qiladi. Shuning uchun ham qahramonni o‘rganish jarayonida ayrim epizodlarni o‘rganib borish qulay va osonroq yo‘ldir.

L.R.Muminova **TUD** procesi balalardıń fizikalıq, psixologiyalıq, intellektuallıq, etnik-mádeniy, til hám basqa qásiyetlerin ulıwma tálim sistemasına kiritiliwi ekenligin tán alıw menen birge, inklyuziv tálimniń maqseti, wazıypaları, principleri hám engiziw basqıshların da júdá tereń analiz etken. D.A.Nurkeldiyeva hám V.S.Alimova Daun sindromlı balalardı inklyuziv tálim sharayatında oqıtıw usılların kórsetip bergen.[1:56]

**TUD** oqıtıw procesin beyimlestiriw menen túrlendiriw baǵdarı boyınsha V.V.Voronkova[2:27], A.M.Zmushko[3], L.I.Solnceva[4] hám t.b. jańa dúzetiw pedagogikalıq texnologiyaları N.N.Malofeev[5], L.M.Shipicina [6], T.V.Egorova[7], E.V.Reznikova[8], N.V.Shevcova[9], M.L.Baranova[10] hám t.b. miynetlerinen hám tájiriybelerinen paydalanıwǵa boladı.

Oqıtıw nátiyjelerin bahalawdı túrlendiriwdiń 2 usılı qollanıladı: oqıw jobasınıń sheńberinde, jeke bilim traektoriyasındaǵı maqsetlerge sáykes, jeńilletilgen tapsırma túrinde hám elektiv oqıw jobasınan alınǵan tájiriybelik maqsetler menen wazıypalarǵa baylanıslı tapsırmalar túrinde (sociallıq ádet, jámiyetlik ómirge qatnasıw, óndiriste jumıs islewge tayarlıq, jeke qızıǵıwshılıq hám t.b.).

Ózgeshe bilim alıw zárúrligi bar balanıń oqıw materialın iyelew standartın túrlendiriw kelesi háreketlerden kórinedi:

- klastıń basqa oqıwshıları menen birqatar barlıq proceslerge qatnasa aladı;
- ózine arnalǵan jeke bilim traektoriyasın basshılıqqa aladı;
- uzaq múddetli maqsetler menen tikkkeley wazıypalardı orınlaydı.

Balalardıń barlıǵın oqıw materialı tiykarında birge oqıtıwǵa boladı, biraq nátiyjelerin tańlaw zárúr hám de bilim alıwda ózgeshe zárúrligi bar balalardıń nátiyjeleri onıń jeke oqıw jobasınıń maqsetleri hám wazıypaları menen sáykesleniwi tiyis. Oqıw materialların iyelew standartların túrlendiriwdiń áhmiyetli tiykarǵı oqıw jobasınıń tapsırmasına uqsas, biraq jeńilletilgen túrin orınlay alıw bolıp tabıladı.

**TUD** procesinde balalar menen jumıs islewde anıq járdem kórsetetuǵın psixologiyalıq-pedagogikalıq xızmet bolıwı tiyis. Onıń wazıypasına balalar menen qarım-qatnas ornatıwda rawajlandırıwshı yamasa dúzetiw jumısı ǵana emes, sonıń menen birge, bahalaw xızmetin qollap-quwatlaytuǵın ortaq usıllar, oqıwshılar menen jumıstıń birdey strategiyasın belgilew boyınsha pedagoglar menen hám ata-analar menen turaqlı awqam ornatıw kiredi. Individual rawajlandırıw baǵdarlamaların tayarlaw, psixologiyalıq-pedagogikalıq konsilium arqalı ámelge asırıladı. Zárúr bolǵan jaǵdayda oqıw baǵdarlaması beyimlesedi yamasa oqıw jobasındaǵı pánler boyınsha jeke oqıw baǵdarlamaları dúziledi. Jeke dúzetiw, rawajlandırıw hám oqıw baǵdarlamalarınıń mazmunı balanıń jasın emes, onıń aqılıy rawajlanıwınıń dárejesin, jeke rawajlanıw ózgesheliklerin, balanıń kompensaciyalıq múmkinshiliklerin esapqa ala otırıp anıqlanadı. Bilim beriw procesin shólkemlestiriw barısında densawlıqqa qolaylı pedagogikalıq-dúzetiw tártibin úyreniw zárúr.

Psixologiyalıq-pedagogikalıq qollap-quwatlawdıń paydalılıǵı psixologiyalıq, pedagogikalıq, medicinalıq diagnostikanıń hám ulıwma kórsetkishlerdiń maǵlıwmatları tómendegi maǵlıwmatlar tiykarında anıqlanadı (2-súwret).

**TUD** sharayatında muǵallim klastaǵı ózgeshe bilim alıw zárúrligi bar balanıń oqıw háreketin hám olardıń klass jumısına qatnasıw sapasın, oqıw maqsetlerin belgilewi, sabaqta kútiletuǵın nátiyjelerdi bahalawı zárúr. Ol ushın muǵallim **TUD** strategiyaların iyelewi tiyis. Olar tómendegishe:

- tájiriybede tekserilgen oy-pikirler menen koncepciyalardı yadlaw;
- rolli oyınlardı qollanıw;
- interaktivlilikti joqarılatıw;
- oqıwshılarǵa kórsetpeli qurallardı tarqatıw hám olar menen bárqulla baylanısta jumıs alıp barıw;
- anıq jetiskenliklerge erisiwde xoshametlerdi hám onıń túrli usılların jiyi qollanıw (upaylar, sertifikatlar, juldızshalar hám t.b., sonday-aq nátiyjelerge erisiwdiń kórsetpeli sızılmaları);
- oqıtıw usılların túrlendiriw: qoldaǵı bardı ǵana qollanıp qoymastan, balanıń qızıǵıwshılıǵın oyatatuǵınday informaciyalıq hám texnologiyalıq izleniste bolıw; sanlı mediakontentlerdi;
- audio hám videojazbalar menen kompyuterlik baǵdarlamalardı paydalanıw;
- tapsırmalardı hám olardı orınlaw waqtın tártipke salıw, máselen, qábiletli balalarǵa quramalı tapsırmalar beriw;
- psixikalıq rawajlanıwında irkinishi bar oqıwshılarǵa ádettegiden kóbirek waqıt bóliw;

– sóylewi buzılǵan balalarǵa ańsat aytılatuǵın, qısqa hám jeńil tekstler beriw; esitiw kemshiligi bar balalarǵa kóbinese jazba tapsırmalar usınıw;
– oqıwshılardıń sózlik qorın qollanıwdaǵı leksikalıq birliklerge sáykeslendiriw;
– jeńil autizmli balalarǵa kórinisli kórsetpeli qurallar usınıw hám tirek-qozǵalıs apparatı buzılǵan oqıwshılardıń motorikasın qáliplestiriwge kúsh salıw zárúr;
– oqıwshılarǵa jiyi sorawlar qoyıw hám sorawlardıń quramalılıq dárejesin qadaǵalaw;
– talqılaw procesine oqıwshılardı tolıq qatnastırıw ushın balalardıń belsendiligin qollap-quwatlap, baǵdarlawshı sorawlar qoyıw;
– dástúrli juwaplar menen, tapsırmalardı orınlawdıń túrli usılların qollanıw:
– diagrammalar islew, modeller qurastırıw, videoǵa túsiriw hám t.b.;
– oqıwshılardı intalandırıw, jeke ózgeshelikleri menen qızıǵıwshılıqların qollap-quwatlaw;
– mashqalalı oqıtıwǵa tán baǵdarlar menen birge, “Bul jaǵdayda oǵan qalay járdem beriwge boladı?”, “Usı máseleni basqa qanday jollar menen sheshiwge boladı?” sorawların qollanıw arqalı metakognitiv baǵdarlarǵa jetelew;
– refleksiyanı jiyi qollanıw arqalı oqıwshılardıń ózin baqlaw, óz qátelerin kóriw hám dúzetiw, ózin belsendilendiriw, maqset qoyıwın janlandırıw;
– sanlı tanıstırıw, elektron kórgizbe, avtorlıq didaktikalıq kontent;
– kórsetpeli-kórinisli resurs sıyaqlı kreativ usıllar menen tapsırmalardı qollanıwdı kúsheytiw;
– keri baylanıs, tikkeley baqlaw, introspekciya, toparlıq hám juplıq bahalaw sıyaqlı oqıtıw strategiyaların qollanıw.

Juwmaqlap aytqanda, TUD sharayatında pedagoglar maqsetli tayarlanbasa, usı nátiyjelerge erisiwde qatar tosıqlar payda boladı. Bul tosıqlar shańaraqta, bilimlendiriw mekemelerinde de hám máhellede de dús keliwi tábiyiy bolıp tabıladı. Izertlewimiz procesinde TUD sharayatına pedagoglardı kásiplik tayarlaw, bilimlendiriw klasteri formasında inklyuziv tálimdi ámelge asırıwǵa tayınlıǵın qáliplestiriw hám de bul procestiń natiyjeliligine tásir etetuǵın pedagogikalıq sharayatlardı támiynlew boyınsha ilimiy-izertlewler jetkilikli emesligi anıqlandı. Inklyuziv tálimge tayarlaw texnologiyaların jetilistiriw boyınsha tómendegi usınıslar islep shıǵıldı:

1. Metod birlespe jıynalıslarında oqıtıwshılardıń ózgeshe tálim mútajlikleri bolǵan balalar menen islew boyınsha tájiriybelerin óz-ara analiz qılıw hám ámeliyatta qollanılatuǵın metodikalıq, psixologiyalıq, shólkemlestirilgen

mashqalalardıń operativ sheshimin tabıw jolların engiziwge qaratılǵan seminar-treningler ótkerip barıw.

2. Pánler kesiminde milliy oqıw baǵdarlamasına tiykarlanǵan akademikalıq keyslar islep shıǵılǵan jaǵdayda oqıtıwshılar ushın videosabaqlar seriyasın islep shıǵıw hám ámeliyatqa engiziw.

3. Mekteplerde imkaniyatı sheklengen balalar hám de olardıń ata-anaları, jaqınları erisken jetiskenliklerine arnalǵan social kórgezbeler, ushırasıwlardı úzliksiz shólkemlestirip barıw.

4. TUD sharayatında oqıwshılar menen nátiyjeli islewdi támiyinleytuǵın metodlar, texnologiyalar hám de bilimlendiriwge tiyisli resurslar bankin shólkemlestiriw hám tájiriybeli oqıtıwshılardıń jumısların respublika kóleminde en jaydırıp barıw zárúrligi tuwıladı.

**Ádebiyatlar:**

1. A.B.Mamatova. Inklyuziv ta'lim sharoitida imkoniyati cheklangan o'quvchilarning nutqini o'zbek folklori vositasida rivojlantirish. pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (phd) dissertatsiyasi avtoreferati Toshkent – 2023, 56

2. Воронкова Валентина Васильевна | Дефектологический факультет МГГУ им. М.А.Шолохова (mggu-sh.ru).,С-27

3. Репозиторий БГУИР: Проблематика инклюзии в профессиональном образовании (bsuir.by)

4. Солнцева л.И. Тифлопсихология детства. – м., 2002 Содержание (studfile.net)

5. Малофеев Николай Николаевич / Кафедра логопедии МПГУ (logo-mpgu.ru)

6. Шипицына Людмила Михайловна – тема научной статьи по наукам об образовании читайте бесплатно текст научно-исследовательской работы в электронной библиотеке КиберЛенинка (cyberleninka.ru)

7. Теоретические подходы к инклюзивному образованию людей с особыми образовательными потребностями – тема научной статьи по наукам об образовании читайте бесплатно текст научно-исследовательской работы в электронной библиотеке КиберЛенинка (cyberleninka.ru)

8. Е. В. Резникова. Книги, рецензии, отзывы (bookmix.ru)

9. Шевцова Н.В. | Педагогическая периодика. Каталог публикаций (websib.ru)

10. Модель деятельности службы ранней психолого-педагогической помощи в дошкольном образовательном учреждении – тема научной статьи по наукам об образовании. (cyberleninka.ru)

**РЕЗЮМЕ**

Maqolada iknlyuziv ta'limning ahamiyati va imkoniyati cheklangan bolalar bilan olib boriladigan pedagogik-psixologik ishlar haqida ma'lumotlar keltirilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В статье представлена информация о значении инклюзивного образования и педагогико-психологической работе с детьми с ограниченными возможностями здоровья.

**SUMMARY**

The article provides information on the importance of inclusive education and pedagogical and psychological work with children with disabilities.

# O‘QUV MATNLARINI BOG’LANISHLI NUTQQA OID KO’NIKMALARINI O‘QUVCHILARDA SHAKLLANTIRISH

***Hamrayeva M.***
*Qarshi davlat universiteti doktoranti*

**Tayanch so‘zlar:** o‘quv matni, bog’lanishli nutq, anglash,ko’nikma, mashq,muhokama.
**Ключевые слова:** учебный текст, связная речь, понимание, умение, упражнение, обсуждение.
**Key words:** educational text, connected speech, comprehension, skill, exercise, discussion.

Kirish. Buyuk kelajak taraqqiyoti tomon odimlab borayotgan mamlakatimizda kadrlar masalasi, yosh avlod tarbiyasi birinchi o'rindagi muhim masalalar qatorida bo'lib qolmoqda. Zeroki, O'zbekiston ravnaqi, kelajagi shu yoshlar, ya'ni zamonaviy kadrlar qo'lida ekan, jamiki e'tibor ularning hur fikrli bo'lishi, jahon ta'lim standartlariga mos kela oladigan ta'lim olishi buyuk kelajak uchun qo'yilayotgan mustahkam poydevordir. O‘zbekistonda olib borilayotgan tub islohatlar mazmuni yosh avlodni ma’naviy yetuk, intellektual salohiyatli barkamol avlod qilib tarbiyalashga qaratilgan. Har bir mamlakatning taraqqiyoti, istiqboli, farovonligi, ma’naviy yuksalishi, jahonning eng rivojlangan davlatlar qatoridan o‘rin olishi – bilimli, yuqori intellektual salohiyatli, qalbiga va ongiga ezgu fazilatlarni mujassamlagan yoshlarga bog‘liq hisoblanib, har jihatdan yetuk va barkamol, Vatan taqdiri uchun sidqi dildan xizmat qiladigan, fidoyi, iymonli avlodni voyaga yetkazish, o‘qitishni sifatli va mazmun jihatdan yuqori pog‘onalarga olib chiqish avvalo o‘qituvchi va tarbiyachi murabbiylar zimmasiga sharafli va ayni paytda mas’uliyatli vazifani yuklaydi. Tabiiyki hozirgi ta’lim islohotlari sharoitida ham barkamol avlod tarbiyasi haqida gapirar ekanlar: «Vatanimizning kelajagi, xalqimizning ertangi kuni, mamlakatimizning jahon hamjamiyatidagi obro‘-e’tibori avvlambor farzandlarimizning unib, o‘sib, ulg‘ayib, qanday inson bo‘lib hayotga kirib borishga bog‘liqdir.»

Adabiyotlar tahlili va metodlari.Tadqiqot jarayonida Kadrlar tayyorlash milliy dasturi, Ta’lim to‘g‘risida qonun, Sh.Mirziyoev asarlari, mavzuga doir adabiyotlar

hamda internet manbalaridan foydalanildi.Maqolani yozish davomida nazariy-deduktiv xulosa chiqarish,analiz va sintez, mantiqiylik tamoyillari qo'llanildi.

Muhokama.Nutq- fikrni bayon etish vositasi bo'libgina qolmay,uni shakllantirish quroli ham hisoblanadi.Fikr nutqning psixologik asosi vazifasini bajaradi,uni o'stirish sharti esa fikrni boyitishdir.Aqliy faoliyat tizimini egallash asosidagina nutqni muvafaqiyatli o'stirish mumkin.Shuning uchun o'quvchilar nutqini o'stirishda materialni tayyorlash, takomillashtirish,mavzuga tegishli materiallar bilan ishlash,mantiqiybfikrlashga yo'naltirilaigan ish turlariga katta e'tibor qaratiladi.

Tafakkur til materiali yordamida nutqiy shakllantirilsa va bayon etilsagina,muvafaqiyatli bo'ladi.Tushuncha so'zlar yoki so'z birikmalari bilan ifodalanadi,shunday ekan,u til vositasi bo'lgan so'zda muhim aloqa vositasi hisoblanadi.Kishi tushuncha ifodalaydigan so'z (so'z birikmasi)ni bilsagina,shu tushunchaga asoslangan holda tashqi nutqda fikrlash imkoniga ega bo'ladi. Nutqda fikr shakllantiriladi,shu bilan birga,fikr nutqni yaratadi."Nutq tafakkur bilan chambarchas bog'langan. Nutq bo'lmasa ,tafakkur ham bo'lmaydi,til materiali bo'lmas,fikrni ifodalab berish qiyin".

Fikrni nutqiy shakllantirish uning aniq,tushunarli,sof,izchil,mantiqiy bo'lishni ta'minlaydi.Tilni egallash shu tilning fonetikasini,lug'at tarkibini,Grammatik qurilishini bilib olish,fikrni takomillashtirish uchun, tafakkurni o'stirish uchun shart-sharoit hozirlaydi. Bilimlar,dalillar,har xil axborotlar tafakkurning ham,nutqning ham materialidir.Nutq tafakkur jarayonini o'rganishning

*1-rasm.Bog'lanishli nutqni o'stirish ko'nikmasi.*

*2-rasm.Matnli mashq turlari.*

muhim vositasi bo'lib xizmat qiladi. Nutqdan o'quvchi fikriy rivojining asosiy o'lchovlaridan biri sifatida foydalaniladi.O'quvchining barcha o'quv predmitlaridan materialni o'zlashtirishi va umumiy aqliy rivojlanishi haqida fikr yuritganda,u yoki bu mavzuni o'quvchi o'z nutqida (yozgan inshosida, axborotida,qayta hikoyalashda,savollarga bergan javobida)qanday bayon eta olishiga qaraladi.

O'quvchilar nutqini o'stirish ularga aniq ko'nikmalarini singdirish lozim. Boshlang'ich sinf o'quvchilari mustaqil mashq sifatida bog'lanishli nutqini o'stirishda quyidagi ko'nikmalarga ega bo'ladilar:

O'qituvchi o'quvchini bayon,insho yozishga tayyorlashda shu mashqning pedagogik maqsadini,o'quvchilarga nimaga o'rgatishni,tafakkuri va nutqini qanday boyitishni ,shuningdek,mashqlar izchilligida shu bayon va inshoning tutgan o'rnini aniq ko'z oldiga keltirish kerak.Shuning uchun o'quvchilarning bog'lanishli nutqini o'stirishga oid mashqlar rejasi tuzib olinadi.Rejada o'quvchi yoshiga mos bayon va insholar hisobga olinadi.

Metodik an'anaga ko'ra matnli mashqlar quyidagi turlari mavjud.Ular:

Har uchala janr uchun foydalaniladigan materiallarda ham ,qurulish vositalarida ham,til vositalarini tanlashda ham o'z xususiyatlari mavjud bo'lib, bu insho,bayon yoki matn yozayotganda o'qituvchi va o'quvchi matnning janr xususiyatlarini hisobga oladi.

**Tasvir.** Tasvirda sujet,qatnashuvchi shaxlar bo'lmaydi.Unda tabiat,hayvon va boshqa predmitlar tasvirlanadi.O'quvchilar o'qish savodxonligida berilgan matnlarni o'qib,qayta hikoya qilishadi.O'qigan matnlaridan bayon yoki insho yozadilar.Tasvir o'quvchilar uchun qiyin janrlardan biri hisoblanadi.Boshlang'ich sinf o'quvchilari tasvir janiri orqali bayon yoki insho yozish bilan chegaralanadi.

**Hikoya.** Boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun mos janr.Chunki,bu janr jo'shqin,jonli,ta'sirchan bo'ladi."o'qish savodxonligi"kitobida hikoyalar ko'p berilgan bo'lib,bunda o'quvchi hikoyalarni o'qib o'ziga xulosa chiqaradi.

**Muhokama.** Bog'lanishli matnni qiyin shakli hisoblanib,boshlang'ich sinflar dasturida muhokama tarzida insho yozdirish tavfsiya qilinmaydi.Boshlang'ich sinf o'quvchilari muhokama elemintlaridan foydalanadilar.Masalan,"Qishda

qushlarga in qurib berish kerak”,”Qushlar inlarini buzish mumkin emas” mavzularida o’g’zaki hikoya tuzilsa,muhokama janri albatta ishtiroki ko’rinadi.

**Xulosa.** O’qituvchi bog’lanishli nutqni rejalashtirganda ,turli janrda mashq bajarish kerakligi aytiladi. O’quvchilar hikoya, tasvir va muhokama janrlarini o’rganadilar. Bunda hikoya janrida ko’proq matnlar tuzdiriladi. Boshlang’ich sinf o’quvchilarini bog’lanishli nutqini egallash darajasiga qarab, matnga tasvir va muhokama elimentlari ham qo’shib boriladi. Hozirgi paytda bolalarning yuqori darajada aqliy va nutqiy rivojlanishini, ularning til qobiliyatlari shakllanishini ta’minlash imkonini beruvchi bolalar o‘quvini tashkil etishning maqbul shaklini qidirish ishlari olib borilmoqda. Bolani har tomonlama rivojlantirish uning insoniyat tajribasi, bilimlari, qobiliyati va madaniyatining saqlovchisi bo‘lgan kattalar bilan muloqoti tufayli insoniyatning ko‘p asrlik tajribasini o‘zlashtirish asosidagina amalga oshiriladi. Bu tajribani faqat insoniy muloqotning eng muhim vositasi – til orqaligina berish mumkin. Til – hayotimizning ajralmas qismi bo‘lib, biz unga o‘z-o‘zidan bo‘lishi shart bo‘lgan narsa sifatida qaraymiz.

**Adabiyotlar:**

1. Ta’lim to‘g‘risida. O‘zbekiston Respublikasining Qonuni. – T.: O‘zbekiston, 2020.

2. Yo`ldosheva D.N. Ona tili ta‘limi maqsadining tadrijiy taraqqiyoti. – Toshkent: O`zbekiston Milliy ensiklopediyasi, 2013. – 168 b.

3. Lerner I. Ya. Didakticheskiye osnovы metodov obucheniya Tekst. / I. Ya. Lerner.–M.: Pedagogika, 1981. –186 s.

4. To‘xliyev B., Shamsiyeva M., Ziyodova T. O‘zbek tili o‘qitish metodikasi. –T., 2010. – 184 b.

5. Qosimova K., Matchonov S. Ona tili o‘qitish metodikasi Boshlang‘ich ta’lim fakulteti talabalari uchun darslik.- Toshkent.”Nosir”nashriyoti 2009.321-330-bet

6. Hamroyev M., Muhammedova D. Ona tili.-Toshkent,2008. 330-333-bet

7. Xosiyat Abdurasul qizi Abduqahhorova. Ona tili mashg‘ulotlari o‘quv topshiriqlarining berilishi va ularning mazmuni. Academic Research in Educatition Sciyences ISSN:2181-1385 Volume 3 ISSUE 5 2022. 237-243-bet

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqolada o‘quv matnlarini bog’lanishli nutqga oid ko’nikmalarini shakllantirish yo’llarini o’rgatadi.

**РЕЗЮМЕ**

Эта статья научит вас способам формирования навыков, связанных с связной речью с учебными текстами.

**SUMMARY**

This article will teach you ways to build skills related to connected speech with educational texts.

# МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

***Исматова Д.Ш.***
*Профессионал таълимни ривожлантириш институти бош мутахассиси*

**Таянч сўзлар:** замонавий тенденциялар, индивидуал таълим, интеллектуал таълим тизимлари.
**Ключевые слова:** современные тенденции, индивидуальное образование, системы интеллектуального образования.
**Key words:** modern trends, individual education, intellectual education systems.

Раҳбар ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириш замонавий таълим тизимида, айниқса, таълим тизимини жадал ўзгартириш шароитида муҳим вазифа ҳисобланади. Шу муносабат билан ўқитувчиларнинг малакасини оширишнинг бир қанча замонавий тенденциялари ва ёндашувлари мавжуд:

- Таълимни рақамлаштириш: ахборот технологияларини ривожлантириш ва электрон таълим ресурсларидан (ЭТР) фойдаланиш билан раҳбар ва ўқитувчилар учун онлайн курслар ва вебинарларни ўтказиш мумкин бўлди. Ушбу ёндашув таълим олиш имкониятларини ошириш ва турли минтақаларда кўплаб раҳбар ва ўқитувчиларни қамраб олиш имконини беради.
- Касбий жамоалар: тажриба ва билим алмашишга қаратилган раҳбар ва ўқитувчилар ҳамжамиятларини яратиш раҳбар ва ўқитувчиларнинг малакасини оширишнинг самарали усули ҳисобланади. Бу ҳам расмий профессионал уюшмалар, ҳам ижтимоий тармоқлардаги норасмий мулоқот гуруҳлари бўлиши мумкин.
- Индивидуал таълим: раҳбар ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ҳар бир шахсга индивидуал ёндашиш орқали амалга оширили-

ши мумкин. Ўқитувчининг эҳтиёжлари ва билим даражасига қараб, унга индивидуал ўқув дастурлари тақдим этилиши мумкин.

- Амалиётга йўналтирилганлик: малака ошириш нафақат назарий билимларни, балки амалий кўникмаларни ҳам ўз ичига олиши керак. Бунинг учун маҳорат дарслари, семинарлар ва бошқа амалий машғулотлар ўтказилиши мумкин.
- Конференция ва семинарларда қатнашиш: конференция ва семинарларда қатнашиш раҳбар ва ўқитувчиларга таълим тизимидаги мавжуд тенденциялар ва ўзгаришлардан хабардор бўлиш имконини беради. Шунингдек, таълим соҳасидаги ҳамкасблар ва мутахассислар билан тажриба алмашиш имконини беради.

Раҳбарлар ва ўқитувчиларнинг малакасини оширишда индивидуаллаштирилган таълим жуда самарали бўлиши мумкин. Бундай ёндашув машғулотларни ҳар бир иштирокчининг индивидуал эҳтиёжларига мослаштириш имконини беради, бу эса машғулотларнинг мотивацияси ва самарадорлигини оширади.

Индивидуаллаштирилган таълимнинг асосий афзалликларидан бири бу ҳар бир иштирокчининг ўзига хос ўқув эҳтиёжларига эътибор қаратиш қобилиятидир. Бундай таълим турини ташкиллаштиришда интеллектуал таълим тизимлари фойдаланилади.

Интеллектуал таълим тизими раҳбарлар ва ўқитувчилар малакасини ошириш учун самарали восита бўлиши мумкин. Бундай тизимлар машинани ўрганиш(machine learning) ва маълумотларни таҳлил (data mining) қилиш асосида яратилиши мумкин, бу уларга ҳар бир иштирокчининг индивидуал эҳтиёжларига мослашишга имкон беради ва энг мос ўқув материаллари ва ўқитиш усулларини таклиф қилади.

Интеллектуал таълим тизимларининг асосий афзалликларидан бири бу ҳар бир иштирокчининг индивидуал эҳтиёжларига автоматик равишда мослашиш қобилиятидир. Тизим иштирокчининг билим ва кўникмалари каби маълумотларини таҳлил қилиши ва иштирокчига ўз таълим мақсадларига эришишга ёрдам берадиган энг мос ўқув материаллари ва ўқув усулларини таклиф қилиши мумкин.

Интеллектуал таълим тизимларининг яна бир муҳим афзаллиги — иштирокчиларнинг тараққиётини автоматик равишда баҳолаш қобилиятидир. Тизим иштирокчиларнинг муваффақияти маълумотларини таҳлил қилиши ва қийинчиликка дучор бўлганлар учун қўшимча ўқув материаллари ва ўрганиш усулларини таклиф қилиши мумкин, бу эса уларнинг малакасини оширишга ёрдам беради.

Раҳбарлар ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириш учун интеллектуал таълим тизимини яратиш учун мақсадли аудитория эҳтиёжларини батафсил таҳлил қилиш ва тегишли ўқув материаллари ва ўқитиш усулларини ишлаб чиқиш керак. Кейин, ҳар бир иштирокчининг шахсий эҳтиёжларига мослаша оладиган тизимни яратиш учун машинани ўрганиш ва маълумотларни таҳлил қилишдан фойдаланиш керак.

Умуман олганда, интеллектуал таълим тизими раҳбарлар ва ўқитувчилар малакасини оширишда кучли восита бўлиши мумкин. Бу иштирокчиларга ўрганишдан максимал даражада фойдаланиш имконини беради ва уларга ўқув мақсадларига энг самарали тарзда эришишга ёрдам беради.

Ҳар бир иштирокчининг индивидуал эҳтиёжларига мослашиш интеллектуал таълим тизимларининг асосий афзалликларидан биридир. Ушбу мақсадга эришиш учун тизим бир неча босқичлардан ўтиши керак:

1. Ҳар бир иштирокчи ҳақида маълумотлар тўплаш. Ушбу босқичда тизим ҳар бир иштирокчи ҳақида билим, кўникма, маълумот, касбий тажриба, қизиқиш ва афзаллик каби маълумотларни тўплайди.

2. Маълумотларни таҳлил қилиш. Ушбу босқичда тизим тўпланган маълумотларни таҳлил қилади ва ҳар бир иштирокчининг индивидуал эҳтиёжларини аниқлайди.

3. Шахсий ўқув дастурини ишлаб чиқиш. Таҳлил натижаларига кўра, тизим ҳар бир иштирокчи учун индивидуал ўқув дастурини ишлаб чиқади, бу унинг ўқув мақсадларига эришишда энг самарали бўлади. Дастур турли ўқув материалларини, топшириқларни, тестларни, машқларни, бошқа иштирокчилар билан ўзаро муносабатларни ва бошқаларни ўз ичига олиши мумкин.

4. Тараққиётни баҳолаш. Тизим ҳар бир иштирокчининг муваффақиятини баҳолайди ва ўқув дастурини уларнинг эҳтиёжларига қараб мослаштиради. Агар иштирокчи қийналаётган бўлса, тизим қўшимча ўқув материалларини таклиф қилиши ёки дастурни қайта ишлаб чиқиши мумкин.

5. Қайта алоқа. Тизим иштирокчиларга ўз фаолияти ва тараққиёти ҳақида фикр-мулоҳазаларни тақдим этиб, уларга ўз фаолиятини қандай яхшилаш мумкинлигини тушунишга ёрдам беради. Шунингдек, у тизимга ҳар бир иштирокчи учун тренинг дастурини мослаштиришга ёрдам беради.

6. Дастурий таъминотни мунтазам янгилаш. Тизим доимий равишда маълумотларни таҳлил қилади ва иштирокчиларнинг ўзгарувчан эҳтиёжларини қондириш учун дастурни янгилайди.

Умуман олганда, ҳар бир иштирокчининг индивидуал эҳтиёжларига мослашиш интеллектуал таълим тизимининг самарадорлигининг асосий

элементидир. Ушбу ёндашув орқали тизим иштирокчиларга ўз таълим мақсадларига эришишда ёрдам берадиган энг мос ўқув материаллари ва ўқув усулларини тақдим этиши мумкин.

**Адабиётлар:**

1. "The Skillful Teacher" , Stephen D. Brookfield - Jossey-Bass, 1990.
2. "Effective Teaching: A Guide for Educating Healthcare Providers", Stephanie L. Ziajka, Emily B. Lardner - Jones and Bartlett Publishers, 2017.
3. "Leadership in Higher Education: A Handbook for Practicing Administrators" Arthur Sandeen, Margaret J. Barr - Routledge, 2017.
4. "Teaching What You Don't Know" , Therese Huston - Harvard University Press, 2009.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада раҳбар ва ўқитувчиларнинг малакасини оширишда интеллектуал таълим тизимларидан фойдаланиш имкониятлари ва амалга ошириш босқичлари келтирилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье представлены возможности использования систем интеллектуального образования и этапы реализации в повышении квалификации руководителей и учителей.

**SUMMARY**

The article presents the possibilities of using intellectual education systems and the stages of implementation in advanced training for managers and teachers.

# TA’LIMDA “TPACK” MODELI ASOSIDA DARS JARAYONLARINI TASHKIL ETISH METODIKASI

***Tuxtaboyev S.X.***
*Qo‘qon davlat pedagogika instituti*

**Tayanch so‘zlar:** TPACK texnologiyasi, kontent bilim, pedagogik bilim, texnologik bilim.
**Ключевые слова:** технология TPACK, знания о содержании, педагогические знания, технологические знания.
**Key words:** TPACK technology, content knowledge, pedagogical knowledge, technological knowledge.

Kirish. Bugungi kunda ta‘lim tizimi rivojlanib borayotgani sari pedagog xodimlarga ham turli ta‘lim texnologiyalarini dars jarayonida qo’llash muhim ahamiyat kasb etmoqda. Ta‘lim jarayonlarini rivojlantirishda pedagogik texnologiyalarni qanday foydalanish mumkinligini o’rganish o’qituvchilar oldida turgan muhim vazifa hisoblanadi. Maqolada qo’llanilgan pedagogik metod va texnologiyalar o'qituvchilarga dars jarayonida talabalarni faolligini oshirish hamda ularning sohasi bo’yicha bilim, ko’nikmalarini shakllantirishga xizmat qiladi.

Muhokama va natija. Hozirgacha o’qituvchi - pedagoglarimiz tomonidan foydalanib kelingan va hozir ham darsda foydalanishga aksariyat o’qituvchilar qo’llayotgan an’anaviy metod va usullar haqida qisman to’xtalamiz. O’quv jarayonining sifati ko’p omillarga bog’liq bo’lib, ular orasida o’qitishning usul va metodlari hal qiluvchi ahamiyatga ega. Metod va usullar o’quvchilar tomonidan bilimlarni ongli va chuqur o’zlashtirishiga, ularda mustaqillik va ijodiy faollikning rivojlanishiga yordam beradi. O’qitish metod va usullarini tanlashda o’qitiladigan fanning xarakteri, bolalar va talabalarning yoshlik xususiyatlari, tayyorgarlik darajasi va boshqalar hisobga olinadi. Ta‘lim metodlari va usullarini tanlash o’qituvchi tomonidan darsda hal qilinishi mo’ljallangan masalaga bog’liq bo’ladi. Ya‘ni yangi materialni bayon etishda bir xil metod va usul qo’llanilsa, uni mustahkamlashda boshqa xil usul, mavzuni

umumlashtirishda yana boshqa xil metodlar qo’llaniladi. Darsning turli bosqichlarida puxta o’ylangan va samarali usullar va metodlarni tanlash juda muhimdir.

TPACK(Technology, Pedagogy and Content Knowledge) – pedagogik texnologiy bo'lib, uchta turdagi bilimlarni - texnologik, pedagogik va kontent bilimlarini o’z ichiga oladi (1-rasm).




*1-rasm. TPACK modeli*

Kontent bilimi - bu o'qituvchilar dars jarayonini samarali o’tkazish uchun o'zlashtirishi kerak bo'lgan bilimlar: - faktlar, nazariyalar, g'oyalarni anglatadi. Bunda o’qituvchilar o’zlariga tegishli fanni va o’quv dasturini chuqur tushunishlari kerak.

Dars jarayoni faqat kontent bilimga asoslanga bo’lsa talabalar bilimni faqat eshitish orqali hech qanday pedagogik uslublarsiz to’g’ridan to’g’ri tarzda egallashadi. Beriladigan bilimni bu usulda bayon qilish uzoq vaqt davomida o’quvchi - talabalarning diqqatini tutib turish hamda ularning fikrlashini faollashtirish, dalillash, isbotlash, tasniflash, ta‘riflar berish, tizimga keltirish, umumlashtirish kabi pedagogik usullarni o’zida mujassam etadi.

Pedagogik bilimlar - o’qituvchilarning barcha o‘quvchilar uchun samarali ta‘lim va ta‘lim muhitini yaratishga qaratilgan maxsus bilimlari tushuniladi. Modelning bu qismi o'qituvchilarning o'qitish va o'rganishga oid amaliyotlar, jarayonlar va usullar haqidagi bilimlarini tavsiflaydi. Umumiy bilim shakli sifatida pedagogik bilimlar ta'lim maqsadlari, qadriyatlari va maqsadlarini o'z ichiga oladi.

Pedagogik bilimlar ta‘lim tizimining rastional yo‘llarini ishlab chiqaruvchi jarayon bo‘lib, unda o‘qituvchi asosiy mas’ul shaxs hisoblanadi. Chunki uning asosiy vazifasi axborotni o‘quvchilarga tez, aniq va tushunarli tarzda yetkazib berishidan iborat.O‘quvchilar yangiliklarni qabul qilishlari va bunga moyilliklari hamda fe’l-atvori har xil bo‘lishiga qaramay o‘qituvchi o‘quvchilarni mustaqil fikrlash, mushohada qilish, xulosa chiqarishga o‘rgatish lozim. Bunda o‘quvchi asosiy harakatlanuvch kuch bo‘lib, o‘qish, mutolaa qilish, chizma chizish, proeksiyalar formulalarini tushunib asboblarni ishlata olishi, bir-birlari bilan do‘stona munosabatda bo‘lib, oldilariga qo‘yilgan muammolarni yechishda bir-birlariga yordam berish ularning asosiy vazifasi

hisoblanadi. Ta‘lim tizimida sodir bo‘layotgan o‘zgarish va yangilanishlar o‘quvchilarga yangi bilim, ko‘nikma va malakalarini berish bilan bir qatorda yoshlarimizni o‘ziga va boshqa insonlarga jamiyatga, davlatga, tabiatga nisbatan o‘zgarishning vatanparvarlik g’oyalarini ongiga va qalbiga singdirishini ham ko‘zda tutadi.

Texnologik bilimlar - axborot kommunikatsiyalari bilan bog'liq bilimlar bo’lib, dars jarayonini tashkil etishda foydalaniladigan turli texnik va dasturiy texnologiyalarni o’zichiga oladi.

XXI asr axborot texnologiyalari asri, deb bejiz atalmayapti. Bugungi kunda dunyo miqyosida axborot kommunikatsiya tizimi yuksak darajada rivoj topib bormoqda va bu boshqa sohalar qatori ta’lim sohasiga ham jadal kirib borib, uni yanada sifatli tashkil etishga o‘z ta’sirini ko‘rsatmoqda. Shu nuqtayi nazardan bugungi kun o‘qituvchisi texnologik bilim asosida darslarni tashkil etishda AKTdan foydalanishni chuqur bilishi, tahlil qila olishi va yangilik yaratish darajasida bilimli bo‘lishi, darsni tashkil etish jarayonida barcha o‘quvchilarga tushunarli, oson, qiziqarli usullarni tanlashi va qo‘llay olishi, zamonaviy AKT va multimedia vositalari, kompyuterlardan foydalanishi, o‘quvchilarni ijodiy, mustaqil ishlashga undashi juda muhim omil hisoblanadi.

TPACK modeli asosida uch uslub birlashtirgan holatda dars jarayonlarini tashkil etish asnosida o’quvchi-talabalarning ta‘lim olish sifatini oshirishga, darsdagi ijodiy faolliklarini bir maromda ushlab turishga xizmat qiladi.

Metodik jihatdan olib qaraganda, dars jarayoni faqat pedagogik bilim yoki texnologik bilimni o’ziga asoslanmasligi lozim. Sababi bu holatda o’quvchi-talabalar mavzuni tushinishda faqat bir tomonlama bilimni o’zlashtirishlari mumkin xolos. Talaba darsda yuqori aniqlikka asoslangan nazariy bilimlarni pedagogik mahorat hamda axborot kommunikatsiya tizimlari(AKT) asosida egallashi uning bilim samaradorlik ko’rsatkichlarini yuqori bosqichga olib chiqadi. Bunda quyidagi bilim kesishmalarini ko’rishimiz mumkin:

1. Pedagogik content bilimi. Bu bilim kesishmalari asosida talabalar hech qanday AKT orqali bilim olmasdan, to’g’ridan to’g’ri nazariy bilim va to’g’ri tanlangan pedagogik uslub asosida bilimlarni egallashadi. Bunday dars jarayonlari ko’proq ma‘ruza o’tish uchun foydalanilganda natijasini sezishimiz mumkin.

2. Texnologik kontent bilimi (TCK) texnologiyalar va ta‘lim maqsadlari o‘rtasidagi munosabatlarni aks ettiradi. Bunda dars jarayonlari turli xil dasturlar hmada AKT lar orqali tashkil qilinadi. Bunda talabalar bilimni

umumiy mazmuniga etibor qaratishdan tashqari ko'proq zamonaviy axborot texnologiyalari orqali ma'lumotni qabul qilishlari mumkin.

Xulosa. Dars jarayonlarini tashkil etishda o'qituvchi-pedagog tomonidan TPACK modelining yuragi bo'lgan texnologik, kontent hamda pedagogik bilimlar birlashmasi tanlagani ta'lim jarayonida eng kata samaradorlikka erishishga xizmat qiladi. Sababi o'quvchi-talaba yoshlar bir vaqtning o'zida mazmunan to'g'ri tuzilgan bilim, yuqori darajadagi pedagogik texnologiya asosidagi mavzulashtirilgan bilim hamda zamonaviy kompyuter va axborot texnologiyalardan foydalangan holda bilimlarni puxta egallashadi.

**Adabiyotlar:**

1. Egamanazarova, S. X., & Siddiqov, I. (2023, January). Zamonaviy ta'limda scribing interaktiv vizual aloqa vositasi sifatida. In E Conference Zone (pp. 62-69).

2. Sevaraxon, E. (2023). New innovative technologies to engage students in the learning process. Gospodarka i Innowacje., 41, 469-475.

3. Qizi, R. F. X., & Mahammadyusufovich, I. S. (2023). Oliy ta'lim muassasalarida mutaxassisilik fanlarni o 'qitishda elektron o 'quv qo 'llanmalardan foydalanishning statistik tahlili. Science and innovation, 2(Special Issue 14), 493-496.

4. Qizi, R. F. X., & Mahammadyusufovich, I. S. (2023). Oliy ta'lim muassasalarida mutaxasisilik fanlarini o 'qitishda multimediali mobil ilovadandan foydalanishning statistik tahlili. Al-Farg'oniy avlodlari, 1(4), 277-280.

5. Rasulova, F. K. (2023). Improving teaching using mobile applications in developing the creative activity of future it teachers. International journal of social science & interdisciplinary research ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 12(12), 113-119.

6. Egamnazarova, S. (2023). Infografik xizmatlarga umumiy qarashlar.

7. Sarvarbek, T. (2023). Principles of teaching web-oriented programming languages in the educational process. Gospodarka i Innowacje., 41, 486-489.

8. Sarvarbek, T. (2023). The use of digital technologies in the organization of distance education and its theoretical. asia pacific journal of marketing & management review ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 12(10), 85-90.

9. Kh, T. S. (2023). The Role Of The Python Programming Language In Teaching "Web-Oriented Programming Languages" And The Methodology Of Its Use. Onomázein, (62 (2023): December), 2150-2154.

10. Xasanboy o'g'li, T. S. (2021). Organization of educational process aimed at students with disabilities in the organization of distance learning. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 2(12), 261-263.

**РЕЗЮМЕ**

Maqolada oliy ta'lim jarayonida talabalarga ta'lim berishda jarayonida "TPACK" texnologiyasidan foydalanishning metodikasi yoritiladi hamda uning imkoniyatlari va ta'limdagi ahamiyati bayon etiladi.

**РЕЗЮМЕ**

В статье будет освещена методика использования технологии "TPACK" в процессе обучения студентов в высших учебных заведениях, а также ее возможности и значение в образовании.

**SUMMARY**

The article highlights the methodology of using "TPACK" technology in the process of teaching students in the process of higher education and describes its capabilities and importance in education.

# TA’LIMDA MANTIQ TUSHUNCHASI VA O‘QUVCHILARDA MANTIQIY FIKRLASHNI RIVOJLANTIRISH

***Suyunova N.A.***
*Toshkent davlat texnika universiteti doktoranti*

**Tayanch so‘zlar:** mantiq, mantiqiy fikrlash, matematika, ta’lim, izchil fikrlash tarzi, abstraksiya, ijtimoiylashish, ijodiy fikrlash, norasmiy mantiq, rasmiy mantiq, simvolik mantiq, matematik mantiq.

**Ключевые слова:** логика, логическое мышление, математика, образование, последовательное мышление, абстракция, социализация, творческое мышление, неформальная логика, формальная логика, символическая логика, математическая логика.

**Key words:** logic, logical thinking, mathematics, education, consistent thinking, abstraction, socialization, creative thinking, informal logic, formal logic, symbolic logic, mathematical logic.

Mantiqiy fikrlash - bu mantiq qoidalariga asoslangan tizimli va aniq fikrlash jarayonidir. Bu jarayon faktlar va dalillarga asoslanib xulosalar chiqarishni, mantiqiy bog‘lanishlar va sabab-natija munosabatlarini aniqlashni o‘z ichiga oladi. Mantiqiy fikrlashda inson muammolarni hal qilish uchun qoidalar va prinsiplarni qo‘llaydi, mavhumlikdan saqlanib, aniq va tushunarli xulosalarga erishishga harakat qiladi. Bu ko‘nikma turli sohalarda, jumladan matematika, huquq va kundalik hayotda muhim ahamiyatga ega. Shuningdek, u insoniyatning umumiy intellektual rivojlanishi va bilimlarning kengayishi uchun asosiy omillardan biridir.

Davlat darajasida yuzaga keladigan turli xil muammolarni hal qilishda mantiqiy fikrlash muhim. Masalan, ijtimoiy muammolar, iqtisodiy inqirozlar, ekologik muammolar va boshqa masalalarni tizimli va dalillarga asoslangan holda mantiq yordamida hal qilinadi. Ilm-fan sohasida ham mantiqiy fikrlash katta rol o‘ynaydi, chunki u nazariyalarni sinash va dalillar asosida xulosalar chiqarish imkonini beradi. Shu sababli, davlat ta’lim va ilm-fan sohasini rivojlantirishda mantiqiy fikrlashni rag‘batlantirishi lozim. Bu jamiyatning umumiy intellektual salohiyatini oshirishga yordam beradi.

Mantiq va mantiqiy fikrlash oliy ta’lim va umumta’lim maktablardagi ko‘pgina fanlarda muhim rol o‘ynaydi. Bunga misol sifatida Slovakiya universitetlarida o‘tkazilgan mantiq va mantiqiy fikrlashga doir tadqiqotni natijalarini keltirsak bo‘ladi. Bunda, 15 ta universitet talabalaridan 1429 kishi ishtirok etgan va ma’lumotlari baholangan. Standartlashtirilmagan bilim testi mantiqning tanlangan elementlaridan tuzilgan 15 ta topshiriqdan iborat edi. Qatnashchilarning jinsi, yoshi, o‘rta maktabni tugatish imtihonlari turi va ota-onalarning eng yuqori ta’lim darajasi bo‘yicha o‘rtacha natijalarda sezilarli farqlar aniqlandi.

Tadqiqotchilar talabalarning test natijalarini talabalarning ta’lim sohalari bo‘yicha taqqosladilar. O‘rtacha hisobda matematika-informatika yo‘nalishi talabalari 67,4%, ya’ni eng yuqori, muhandislik 61%, iqtisod 57,9% va gumanitar fanlar 54,7% muvaffaqiyatga erishdilar.

Bundan ko‘rinib turibdiki mantiq vositalari, ularning elementlari yoki qismlari deyarli barcha fanlarda, tabiiy fanlar, ijtimoiy fanlar, iqtisod va huquq sohalarida qo‘llaniladi. Mantiq aniq va izchil tafakkur ilmi bo‘lib, bu fansiz hech bir fanning uddasidan chiqib bo‘lmaydi va o‘z takliflarini bayon qilish va isbotlashda barcha fanlar reja yoki instinkt bilan, mantiqiy qadamlar qo‘yadi va mantiq qoidalarini qo‘llaydi.

Har bir davrdagi akademik tadqiqotda mantiqni o‘rganish va undan foydalanish fundamental ahamiyatga ega bo‘lgan. Tadqiqot intizomi sifatida mantiq 20-asrning birinchi yarmida o‘zining eng katta rivojlanish bosqichini ko‘rsatdi, ammo tadqiqotlardagi barcha yutuqlar bilan solishtirganda uning nisbiy ahamiyati kamaydi. Buning sababi nimada? Ma’lumotlariga ko‘ra, buning sababi ixtisoslashuv, tabaqalashuv va haddan tashqari ko‘p o‘rganishdir. Ushbu hodisa tufayli talabalarga universitet mantiqni fan sifatida taklif qilsa ham, uni tan olishdan qochishadi. Xo‘sh, unda mantiqni qanday qilib rivojlantirish mumkin va qachon uni o‘rganishni boshlash kerak?

**Mantiqni o‘rganishni qachon boshlash kerak?**

Ta’limga qiziqqan ota-onalar va o‘qituvchilarning mantiqqa oid eng ko‘p so‘raladigan savollaridan biri bu: “O‘quvchimga qachon mantiqni o‘rgatishni boshlashim kerak?”

Albatta, javob: “U tayyor bo‘lganda”. Bu odatda yettinchi-to‘qqizinchi sinf o‘quvchilari o‘rtasidagi sodir bo‘ladigan jarayondir. Aynan shu yoshda ko‘plab bolalar narsalarning sabablarini jiddiy o‘rganishni boshlaydilar. Ular konkretlik bilan qanoatlanmaydi, balki mavhum g‘oyalarni tushuna boshlaydi va qadrlay boshlaydi.

Bolalar hozirgi vaqtda mantiqqa oid g‘oyalar bilan mutlaqo notanish emas, ular matematikada allaqachon duch kelishgan. Ammo matematika miqdoriy munosabatlar sohasida abstraksiya bilan shug‘ullansa, mantiq sifat munosabatlari doirasidagi abstraksiya bilan shug‘ullanadi. Matematika ham, mantiq ham abstraktsiya bilan shug‘ullanadi, lekin matematika buni miqdorlar bilan bajaradi; mantiq (hech bo‘lmaganda an’anaviy shaklda) buni til bilan bajaradi.

Mantiqiy va izchil fikrlash tarzi turli yo‘nalishdagi o‘quvchilar uchun zarurdir. Chunki u turli xil kelib chiqadigan (ijtimoiy, gumanitar, texnik, tabiiy) hodisalarni o‘rganish uchun zarur bo‘lib, shaxsiy fazilatlarni, o‘ziga va atrof-muhitga tanqidiy munosabatni rivojlantirishga yordam beradi. U o‘quvchida o‘rganilayotgan hodisaning asosiy elementlarini aniqlash asosida keng ko‘lamli gipotezalar, innovatsion g‘oyalar va muammolarni hal qilish qobiliyatini shakllantirishga yordam beradi. Shuning uchun ham o‘quvchilarning mantiqiy tafakkurini rivojlantirish matematika o‘qitish nazariyasi va amaliyotining hamisha diqqat markazida bo‘lib kelgan.

**Mantiqni qanday qilib rivojlantirish kerak?**

Deyarli hamma mahorat singari, mantiq ham to‘g‘ri mashqlar va faoliyatlar orqali yaxshilanishi va rivojlanishi mumkin. Ulardan ba’zilarini ko‘rib chiqamiz:

- Ijtimoiylashish, boshqacha qilib aytganda, yangi munosabatlar o‘rnatish sizning nuqtai - nazaringizni kengaytiradi. Shu tarzda, vaziyat va fikrlarga turli tomonlardan yondashish qobiliyati bilan ko‘proq va ko‘proq mantiqiy fikrlash qobiliyatiga ega bo‘lishingiz mumkin.
- Miyamizning chap yarim shari mantiqiy fikrlash uchun mas’ul bo‘lsa-da, asosan miyamizning o‘ng yarim shari tomonidan boshqariladigan ijodiy faoliyat mantiqiy fikrlashni rivojlantirishga yordam beradi. Shuning uchun, bolalaringizni tasavvur o‘yinlarini o‘ynash, rasm chizish, bo‘yash, yozish va musiqa chalish kabi ijodiy faoliyat bilan shug‘ullanishga undash lozim. Bundan tashqari, bu vazifalar ijodkorlikni talab qilganligi sababli, ijodiy fikrlash bolalarga maktabda yaxshiroq bo‘lishga yordam beradigan qobiliyatlarini tabiiy ravishda rivojlantiradi.
- Mantiqiy fikrlash qobiliyatini oshirishning eng yaxshi usullaridan biri bu odatda haqiqat sifatida qabul qilgan narsalar haqida savollar berishdir. Bunday savollarni berishni odat qilish sizga vaziyatlarni to‘liqroq ko‘rishga yordam beradi va vaziyatlarga mantiqiy va ijodiy yondashish imkonini beradi.

Misol uchun: Ota-onalar: "Havo sovuq, chunki ..."

Bola: "... qor / qish / yomg‘ir yog‘moqda."

Sirli kitoblar va hikoyalarni o‘qish orqali ham mantiqiy fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirishingiz mumkin.

Aqliy o‘yinlar va topishmoqlar kabi boshqotirma o‘yinlari har doim qiziqarli mashg‘ulotlardir. Biroq, bu mantiqiy fikrlash qobiliyatlarini yaxshilashga yordam beradigan faoliyatlar eng aktivlaridandir

Haddan tashqari stress mantiqiy fikrlashning eng yomon dushmanlaridan biridir. Lekin ishonib bo‘lmasada, ko‘pchilik bolalar kattalarga qaraganda ko‘proq stressni boshdan kechirishadi.

Bolalar stress holatini boshqara olsa, ular diqqatni jamlash va mantiqiy qarorlar qabul qilishda qiynalmaydilar. Va stressni boshqarishning eng yaxshi usullaridan biri bu ongni mashqlaridir.

Kundalik hayotimizda mantiq bir necha ko‘rinishlarda namoyon bo‘ladi: **Norasmiy mantiq** - biz odatda kundalik fikrlash jarayonlari uchun foydalanadigan mantiq. Bu sizning boshqalar bilan shaxsiy muloqotda olib boradigan mulohazalar va dalillardir va ular faktlarga asoslanmagan, balki sub’yektivdir.

Masalan: Oybek ishga ketayotganda narvon ostidan o‘tdi. Oybek bugun ishdan haydaldi.

Xulosa: Narvon ostidan o‘tish - omadsizlik.

Izoh: Bu xurofotga asoslangan taxmin. Bu faktga asoslangan mantiqqa ega emas.

**Rasmiy mantiq** deduktiv fikrlashni talab qiladi va fikrlar faktlarga asoslangan bo‘lishi kerak va ular rasmiy xulosaga olib kelishi kerak.

Masalan: Velosipedlarda ikkita g‘ildirak bor. Jasur velosipedda ketmoqda.

Xulosa: Jasur ikkita g‘ildirak orqali ketmoqda.

Izoh: Xulosa faktlarga asoslangan, shuning uchun xulosa haqiqatdir.

**Simvolik mantiq,** nomidan kelib chiqqan holda, belgilarning bir-biri bilan bog‘liqligiga e’tibor qaratadi. Matematik jarayon orqali xulosalarning to‘g‘riligini tekshirish imkoniyatiga ega bo‘lish uchun mulohazalarni belgilaydi.

Masalan:

A- Agar barcha sutemizuvchilar bolalarini sut bilan boqsa,

B- Agar barcha itlar bolalarini sut bilan boqsa,

C- Barcha itlar sutemizuvchilardir.

Xulosa: A∧B=C

Izoh: A va B mulohazalardan C xulosaga kelinadi.

Matematik mantiq. O‘z-o‘zidan ma’lumki, barcha matematik muammolar mantiqqa asoslangan va ularning har biri faktlarga asoslangan yagona natijaga ega. Matematik mantiq rasmiy mantiqni matematikaga tatbiq qilganligi sababli, matematik mantiq va simvolik mantiq ko‘pincha bir-birining o‘rnida ishlatiladi.

Xulosa. Shuni ta'kidlash kerakki, ko'pchilik zamonaviy mantiqchilar mantiqning til san'ati sifatidagi nuqtai nazarini ma'qullamaydilar. Ular matematikani mantiqning kengaytmasi sifatida ko'rishadi.

Demak, zamonaviy mantiqni o'rganish uchun o'quvchida dastlabki matematik tushunchalar bo'lishi va matematik elementar amallarni bajara olishi kerak. Shundagina o'quvchida mantiq va mantiqiy fikrlash qobiliyati rivojlanadi va albatta, bu jarayonda ota-onaning roli juda muhim.

Natijalarga ko'ra, ota-onasi oliy ma'lumotga ega bo'lgan o'quvchilar ota-onasi o'rta yoki boshlang'ich maktabni tugatganlarga qaraganda yaxshiroq natijalarga erishgan. Bizning taxminimizga ko'ra, bu o'quvchining butun maktab ta'limi davomida ota-onalarning ko'proq umidlari va talablari bilan bog'liq bo'lishi mumkin. Shu bilan birga, oliy ma'lumotli ota-onalar o'z farzandlarini o'qish, o'quv dasturini o'zlashtirish va tushunishda ko'proq darajada qo'llab-quvvatlashlari va ijobiy namuna bo'lishlari mumkin. Ular, shuningdek, bolalarning keyingi ta'lim bosqichlarini davom ettirishlarida va ularning o'qishlarini moliyaviy qo'llab-quvvatlashda muhimroq ishtirok etadilar.

**Adabiyotlar:**

1. Martin Cothran 2020, 1-Aprel "Mantiq qanday o'qitiladi"

2. N. A.Tarasenkova, I. A. Akulenko Bohdan Khmelnytsky, Cherkassiya Milliy universiteti, Ukraina "Umumta'lim maktabida fan ixtisosligi bo'yicha o'quvchilarning mantiqiy tafakkurini shakllantirish va rivojlantirish masalalari"

3. S.Bakir, E.Öztekin-Biçer, va Ö.Biçer, (2015). "Ilmiy fan o'qituvchilarining mantiqiy fikrlash va kognitiv rivojlanish darajalari"

4. Zoltan Feher, Ladislav Jaruska, Katarína Szarka, Eva Tothova Tarovaz "Oliy o'quv yurtlarida talabalarning fanlar nuqtai nazaridan mantiqiy fikrlashi" STEME Education Volume 8 - 2023

5. https://www.nifdi.org

6. https://www.mentalup.com

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqola umumta'lim maktablari o'quvchilari va oliy ta'lim talabalaridagi mantiqiy fikrlash jarayonini rivojlantirishga qaratilgan. Bunda mantiq ustida olib borilgan ba'zi tadqiqot natijalari keltirilgan. O'quvchilarga qachon va qanday qilib mantiqni o'rgatish masalalari qo'yilgan va ushbu masalalar yechimlari berilgan. Mantiqni rivojlantiruvchi faoliyatlar va kundalik hayotimizdagi mantiq ko'rinshlariga izoh berilgan.

**РЕЗЮМЕ**

Данная статья направлена на развитие процесса логического мышления у учащихся средних школ и студентов высших учебных заведений. Вот некоторые результаты исследований по логике. Представлены вопросы о том, когда и как преподавать учащимся логику, и даны решения этих вопросов. Объясняются занятия, развивающие логику и появление логики в нашей повседневной жизни.

**SUMMARY**

This article is aimed at developing the process of logical thinking in secondary school students and students of higher education. Here are some results of research on logic. Questions about when and how to teach logic to students are presented, and solutions to these questions are given. Activities that develop logic and the appearance of logic in our daily life are explained.

# VIRTUAL LABORATORIYALAR ASOSIDA O‘QUV JARAYONINI SHAKLLANTIRISH METODIKASI

***Ishkobilov F.X.***

**Tayanch so‘zlar:** ta’lim muassasalari, virtual laboratoriya, apparat va dasturiy ta’minot, modellashtirish jarayoni, kompyuter imitatsion modellar, amyoba.

**Ключевые слова:** образовательные учреждения, виртуальная лаборатория, аппаратное и программное обеспечение, процесс моделирования, компьютерные имитационные модели, амеба.

**Key words:** educational institutions, virtual laboratory, hardware and software, modeling process, computer simulation models, amoeba.

Ta’lim muassasalarida virtual laboratoriyalarni o‘quv jarayoniga joriy etish haqida so‘z borganda ularning mazmuni, mohiyati hamda vazifalariga to‘xtalib o‘tish lozimdir.

Xorijiy hamda mahalliy olimlarning virtual laboratoriyaga bergan ta’riflariga ko‘ra masalan, (A.V.Truxin): Virtual laboratoriya bu to‘g‘ridan - to‘g‘ri eksperiment o‘tkazishga imkon beradigan apparat - dasturiy ta’minot jamlanmasidan tashkil topgan bo‘lib unda real obyektlarning xossalarini qamrab olgan dasturiy ta’minotdir. Bunda foydalanuvchi va dasturiy ta’minot o‘rtasida interfeys tez, oson va qulay sharoitlarda amalga oshiriladi. Virtual laboratoriyaning alohida xususiyatlaridan biri bu masofadan bilim olish imkoniyatining mavjudligidir. Virtual laboratoriyalarda shug‘ullanish bu haqiqiy laboratoriyada olib borilayotgan jarayonlarni imitatsiya qilish orqali amalga oshiriladi. Shuni ta’kidlash lozimki, virtual laboratoriyadan foydalanishda barcha jarayonlar kompyuter yordamida imitatsiya shaklida modellashtiriladi.

Bundan ko‘rinib turibdiki, virtual laboratoriyalar apparat va dasturiy ta’minotdan tashkil topgan bo‘lib, uning tarkibida real obyektni modellashtirish jarayoni qamrab olinadi.

Shu o‘rinda tabiiy savol tug‘iladi virtual laboratoriyalarning haqiqiy laboratoriyalardan qanday farqlari bor?

Virtual laboratoriyaning asosiy vazifalari sifatida quydagi amallarni keltirish mumkin:

- masofadan foydalanish imkoniyatini yaratish;
- mustaqil ishlash uchun imkoniyat yaratish;
- ekologik toza muhitda laboratoriya mashg‘ulotlarini olib borish;
- ko‘zga ko‘rinmaydigan nozik jarayonlarni modellashtirish imkoniyatini yaratish;
- laboratoriya sharoitida olib borilishi mumkin bo‘lmagan jaryonlarni ko‘rsatish.

Yuqorida keltirilgan vazifalarni amalga oshirish uchun virtual laboratoriyaning ichki va tashqi xossalarini namoyon qiladigan imitatsion modellar (dasturiy ta’minot) ishlab chiqish talab etiladi.

Tajribalarni imitatsion modellarini yaratish uchun dasturiy ta’minot yaratish va undan foydalanish interfeyslarini ishlab chiqish. Virtual laboratoriyalarning asosiy afzalliklari quydagilardan iborat:

- qimmatbaho asbob - uskunalar sotib olish uchun zaruratini yo‘qligi;
- fizik va kimyoviy jarayonlarda reagentlar hamda turli xil xomashyolarni sotib olmaslik;
- moliyalashtirish jarayonlarida tejamkorligi: (laboratoriya jihozlari qimmat bo‘lganligi sababli ayrimlarini sotib olishga imkoniyat yo‘qligi);
- eksperiment natijalarini aniq ko‘rsatmaydigan hamda eskirgan asbob - uskunalarni almashtirish imkoniyati;
- o‘quvchilar yoki foydalanuvchilar uchun xavfsizlik ta’minlanganligi;
- bundan tashqari, kimyoga aloqador asbob – uskunalar bilan bir qatorda sarf materiallari ham talab qilinadi (reagentlari), ularning narxi esa ancha yuqori. Albatta, kompyuterni apparat va dasturiy ta’minot ham arzon emas, kompyuter texnologiyalarining universalligi va uning keng tarqalishini va undan uzoq muddat foydalanish xarajatlarni qoplaydi.

Mavzuning tub mohiyatini qamrab olgan jarayonlarni imitatsion modellashtirish har doim ham mumkin bo‘lmaydi. Kompyuter ekranida bu jarayon vizual ko‘rinishda ya’ni, obrazli shaklda nomoyish etiladi.

Zamonaviy kompyuter texnologiyalari bu jarayonlarni imitatsiya qilib beradi, birinchi tomondan virtual laboratoriya sharoitida jarayonlarning nozik qismlarini ko‘rsatish va jarayonlarni kuzatish imkoniyati yaratilsa, ikkinchi tomondan, bu jaryonlarni takror ko‘rish imkoniyatining yaratilishi o‘quvchilar uchun mustaqil shug‘ullanishga imkoniyat yaratadi.

Yuqorida keltirilgan fikr mulohazalarni amaliy virtual laboratoriyalarda ko‘rsatish maqasadida “Zoologiya” darsligida mavjud mavzular bo‘yicha

ishlab chiqilgan virtual laboratoriyalarni keltiramiz:

Soxta oyoqlilar sinfini kompyuter imitatsion modellar asosida ularning hayotiy jarayonlarini o‘rganish va turlari bilan tanishish hamda amaliy va laboratoriya mashg‘ulotlarining modellari ishlab chiqilgan va ular quydagilardan iborat (1-rasm):




*1-rasm. Amyoba proteus imitatsion modeli.*

Imitatsion modellari ko‘rinib turibdiki, amyoba, tartibsiz shakldagi protoplazmatik bo‘lak bo‘lib, u doimo o‘z shaklini o‘zgartiradi, chunki uning soxta oyoqlari tanasining turli joylarida doimiy ravishda cho‘zilib va tortilib turish jarayonlarini kuzatiladi (2-rasm).




*2-rasm. Amyoba harakatining imitatsion modellari.*

Yuqoridagi imitatsion modellar amyoba bilan bog‘liq jarayonlarni ko‘rsatadi. Amyobalarning harakati endoplazmadagi sitoplazmaning kuchli oqimlarini yo‘nalishi bilan oqimni amalga oshiriladi, bu esa o‘z navbatida ektoplazma (tashqi qismi)da psevdopodiya shaklida protrusionni keltirib chiqaradi. Endoplazma (ichki qismi)ning muhim qismi bu o‘simtaga oqadi. Ushbu imitatsion modellar Amoeba limax harakatiga taqlid qilingan holda ishlab chiqilgan (3-rasm).

Keyingi imitatsion modellar amyoba harakatini “Yurish” shakli bo‘yicha ishlab chiqilgan bo‘lib, unda amyoba butun pastki yuzasi bilan emas, balki faqat ba’zi nuqtalar asosida tekislik bilan aloqa qilishini ko‘rishimiz mumkin. Shu bilan birga, orqa soxta oyoqlari tanaga tortiladi va amyoba oldinga qadam

*3-rasm. Yurish amyobasining imitatsion modeli.*

tashlab soxta oyoqlarini yana va yana oldinga hosil qilib, harakatlanishini ko‘rsatiladi (4-rasm).




*4-rasm. Oziq-ovqatlarni amyoba tomonidan ushlash imitatsion modeli.*



*5-rasm. Oziq-ovqatlarni amyoba tomonidan ushlashni va uni hazm qilish jarayonining imitatsion modeli.*

Imitatsion modellarda amyoba harakatlanayotgan vaqtida turli xil mayda jismlarga duch kelishi yoki oziq-ovqatning o‘zi u bilan to‘qnashishi ham mumkin. Bir hujayrali hayvonlar suv o‘tlari, bakterial hujayralar, organik detritlarning zarralari va boshqalari bilan oziqlanadi. Agar obyekt yetarlicha kichik bo‘lsa, amyoba uning atrofida har tomondan harakatlanishi va oz miqdordagi suyuqlik bilan birga tutib olish jarayonlari ishlab chiqilgan. Ushbu imitatsion modellarda taqdim etilgan oziq-ovqatlarni soxta oyoqlari orqali yutishi hamda hazm qilish holatlari ko‘rsatilgan (5-rasm).

Soxta oyoqlilarning yana bir oziq-ovqat iste’mol qilish usullaridan biri bu - pinotsetoz orqalidir ya’ni, suyuq moddalarni soxta oyoqlilar tomonidan so‘rib olish jarayoni bo‘yicha imitatsion modellari keltirilgan bo‘lib, ushbu holatni quyidagi imitatsion

modelda kuzatish mumkin (6-rasm).

Bu imitatsion modellarda amyobaning ektoplazmasida nay shakliga ega bo‘lgan g‘ovak hosil bo‘lganini, unga atrofdagi suyuqlik so‘rilishi, hosil bo‘lgan pitositar vakuola kesilishi va sitoplazma ichida yotishi va oziqlantirish mexanizmi yordamida amyoba, go‘yo suyuqlikni “ichishi ko‘rsatilgan”.




*6-rasm. Oziqlanishning pinotsetoz ko‘rinishi imitatsion modeli.*

Shunday qilib, kompyuter imitatsion modellar asosida yaratilgan virtual laboratoriyalarni ko‘rish, o‘rganish, tahlil qilish, taqqoslash, muhim xususiyatlarni aniqlash va animatorga xos obrazli shaklda takrorlangan boshqa mantiqiy operatsiyalar orqali o‘quvchilar yoki o‘rganuvchilar amyobalarning morfologiyasi, anatomiyasi va fiziologiyasi haqida tushunchalar shakllantiriladi.

**Adabiyotlar:**

1. Ишқобилов Ф. Х. Компьютер имитацион моделлари асосида ўкувчиларнинг зоология фани бўйича билимларини ошириш методикаси //Современное образование (Узбекистан). – 2021. – №. 10 (107). – С. 57-63.

2. Ishkobilov F. K., Eshkobilov S. K. Use of mobile applications in distance education //universal journal of law, finance and applied sciences. – 2023. – Т. 1. – №. 8. – С. 48-53.

3. Ishkobilov F. X. Python dasturlash muhitidan foydalanib ekonometrika masalalarini yechish // Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 43. – №. 4. – С. 24-28.

4. Ishkobilov F. X., Eshqobilov S. X. Umumta’lim maktab o'quvchilari uchun vizual dasturlashni o'qitish metodologiyasining asosiy omillari //Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 21. – №. 4. – С. 223-226.

5. F.X.Ishkobilov “Umumta’lim maktablarida o‘quvchilarning bilim va malakalarini virtual laboratoriyalar asosida shakllantirish texnologiyasi”. Diss. (PhD). 2023. 140 b.

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqolada ta’lim muassasalarida virtual laboratoriyaning metodik imokoniyatlarini shakllantirishning mazmuni, mohiyati hamda vazifalariga to‘xtalib o‘tilgan. Maqolada real obyektlarning xossalarini qamrab olgan kompyuter imitatsion modellar asosida virtual laboratoriyalar ishlab chiqilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье речь идет о содержании, сущности и задачах формирования методических возможностей виртуальной лаборатории в образовательных учреждениях. В статье виртуальные лаборатории разрабатываются на основе компьютерных имитационных моделей, охватывающих свойства реальных объектов.

**SUMMARY**

This article focuses on the content, essence and tasks of forming the methodological capabilities of the virtual laboratory in educational institutions. In the article, virtual laboratories are developed based on computer simulation models covering the properties of real objects.

# BO‘LAJAK QISHLOQ XO‘JALIGI MUTAXASSISLARINING KOMPETENSIYAVIY SAMARADORLIGINI OSHIRISH MASALALARI TO‘G‘RISIDA

***Buranova D.A.***
*Andijon qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalari instituti o`qituvchisi*

**Tayanch so`zlar:** kasbiy faoliyat, oliy ta`lim jarayoni, o‘quv jarayoni, mutaxassislik, qishloq xo`jaligi, kompetensiya, kompetensiyaviy yondashuv, kasbiy kompetensiya, qobiliyat darajasi, kasbiy faoliyat, kasbiy rivojlanish.

**Ключевые слова:** профессиональная деятельность, процесс высшего образования, учебный процесс, специализация, сельское хозяйство, компетентность, компетентностный подход, профессиональная компетентность, уровень способностей, профессиональная деятельность, профессиональное развитие.

**Key words:** professional activity, higher education process, educational process, specialization, agriculture, competence, competence approach, professional competence, ability level, professional activity, professional development.

Kirish. Har bir sohaning kasbiy faoliyatida mutaxassislarni tayyorlash sifati muammosi so‘nggi paytlarda tobora dolzarb bo‘lib bormoqda. Oliy ta’lim muassasalari sonining o‘sishi, shu jumladan nodavlat (tijorat) ta’lim xizmatlarining ham ulushinning ortib borishi oliy ta’lim sohasida sifatli bilim, jamiyatga kerakli mutahassis tayyorlashga bo‘lgan talablarning yanada ortishiga sabab bo‘lmoqda. Bu esa ta’lim dargohlari erkin o‘rtasida raqobatining o‘sishiga olib kelmoqda.

Adabiyotlar tahlili. Bugungi kunda fan, ta’lim, sanoat, ishlab chiqarish va zamonaviy texnologiyalarning tez sur’atlarda rivojlanishi oliy ta’lim dargohlaridan o‘zlarining ta’lim dasturlarini doimiy ravishda takomillashtirib borishni taqozo etmoqda.

Shu bilan birga oliy o‘quv yurtlari ba’zan ta’lim sifatiga zid bo‘lsa ham o‘zlarining asosiy iste'molchisi - talabalarning talablari va ehtiyojlarini hisobga olishga intiladi. Bu boradagi ko‘p uchraydigan muammolardan biri hozirgi ta’lim mazmunining zamonaviy iqtisod va sivilizatsiya talablari bilan mos emasligidadir.

Kompetensiyaga asoslangan yondashuv dastlab Angliyada ishlab chiqilgan va bu shunday yondashuv bo‘lganki, uning paydo bo‘lishi bevosita ta’lim doirasida emas, balki professional sohaning ma’lum bir buyurtmasiga javob sifatida yuzaga kelgan.

Asosiy muammo – ta’lim tizimining samarasizligi. Bu ta’lim jarayonining barcha ishtirokchilari tomonidan sezilmoqda. Muvaffaqiyatli mutaxassisning sifat fazilatlarini aniqlash muammosi bilan bog‘liq holda yuzaga kelgan “kompetentlik” va “asosiy kompetentsiya” tushunchalari dastlab o‘tgan asrning 1970-yillarda AQShda biznes sohasida qo‘llanila boshlangan.

Tadqiqot metodologiyasi. Dastlab, kompetensiya hattoki maxsus kasbiy bilim va ko‘nikmalar bilan qarama-qarshi qo‘yilgan, ya’ni kompetensiya muvaffaqiyatli kasbiy faoliyat bo‘lib, unga mustaqil, mahsus universal komponentlar sifatida qarala boshlangan.

Tabiiyki, savol tug‘iladi: “Kompetentsiyalarni o‘rgatish mumkinmi?”

Ta’lim sohasi asosiy tushunchalari - bilim, ko‘nikma va malakalar bilan ish yuritadi. Ammo kasbiy soha esa kompetensiyalar bilan shug‘illanadi. Professional soha talab darajasida buyurtma sifatida o‘z e’tirozlarini qayd etishi mumkin. Ta’limning vazifasi olingan bilim, ko‘nikma va malakalarni kasbiy sohada talab qilinganidek ma’lum bir kompetensiyalar darajasida qayta o‘zgartirishdan iborat.

Muhokama va natijalar. Kompetentsiya nima? Kompetentsiya bu – ma’lum bir faoliyat yoki harakatni foydali, samarali (yuqori saviyada) bajarish, yana shuningdek ustalik, bilimdonlik, mohirlik bilan amalga oshirish demakdir. Ko‘pgina mualliflar kompetentsiyani Evropa Ta’lim Jamg‘armasi (ETJ, 1997) atamasi bilan bog‘lashadi. Bu esa ishga joylashish jarayonlarida nomzodga qo‘yiladigan talablarga muvofiqligi, ya’ni maxsus mehnat funktsiyalarini bajarish qobiliyatiga mos keladi. Ya’ni kompetentsiya bu - mutahassisning jamiyatga kerakli (arzirli) masala yoki muammolar to‘plamini hal qilishga qaratilgan harakatlarining samaradorligini baholash natijasi - xarakteristikasidir.

Bilim, ko‘nikma, qobiliyat, motivlar, qadriyatlar va e’tiqodlar kompetentsiyaning mumkin bo‘lgan tarkibiy qismlari sifatida qaraladi, lekin bu belgilar o‘z-o‘zidan insonni butunlay barkamol qila olmaydi.

Kompetensiya bu - talabaning ma’lum bir sohada samarali ishlab chiqarish faoliyati uchun zarur bo'lgan oddiy holatda begona, oldindan belgilangan ijtimoiy talab (me’yor).

Kompetentsiya bu - talabaning tegishli kompetentsiyaga ega bo‘lishi, shu jumladan uning unga va faoliyat mavzusiga nisbatan shaxsiy munosabatidir.

Kompetentsiya bu - talabaning allaqachon shakllangan shaxsiy sifati (sifatlari to‘plami) va ma’lum bir sohada minimal tajribasi hamdir.

Kompetensiya bu - o‘quvchining ma’lum bir sferada samarali faoliyat yuritishi uchun oldindan zarur bo‘lgan ijtimoiy talablar (normalar)dir.

Hozirda qishloq xo‘jaligida avvalo yuqori malakali, oliy ma’lumotli mutaxassislar-kadrlarning yetishligi o‘tkir muammo bo‘lmoqda. Davlatimiz uchun qishloq xo‘jaligi sohasidagi institutlar va texnikumlarni bitiruvchilaridan iborat yangi avlod vakillarini kerakli tarmoqlarda saqlab qolish masalasi juda muhimdir.

Hozirgi vaqtda ish beruvchilar talablariga javob beradigan mutaxassis tayyorlash uchun avval samarali o‘qitish usullari, yetarli rivojlangan moddiy-texnika bazasi, zamonaviy kompyuter-o‘qitish vositalari va strategik hamkorlar zarur.

Qishloq xo‘jaligining samaradorligi ko‘p jihatdan rahbar va mutaxassislarning tayyorgarlik darajasi va ishbilarmonlik fazilatlariga bog‘liqdir. Bozor iqtisodiyoti sharoitida ularning ahvoli sezilarli darajada o‘zgarib bormoqda, endi ular yirik, o‘rta va kichik korxonalarning o‘zaro yangi tashkiliy sistemasida ishlashlariga to‘g‘ri keladiki, ular bozor iqtisodiyoti sharoitida mustaqil ravishda mahsulot ishlab chiqaruvchilar hisoblanadilar.

Hozirda kadrlar tayyorlashning kasbiy tarkibi o‘zgardi, ta’lim dasturlari va o‘qitish uslublariga nisbatan sezilarli o‘zgartirishlar kiritilgan, shuningdek ish beruvchilar bilan hamkorlikda kichik biznes va yuqori texnologiyali ishlab chiqarishlar uchun yangi mutaxassislik va predmet(fan)lar joriy etilgan. Agrar soha mutaxassislari uchun kengaytirilgan turli mavzular bo‘yicha dasturlar muvaffaqiyatli amalga oshirilmoqda.

Xulosa. Shuni ta’kidlash joizki, so‘ngi yillardan boshlab ish beruvchi o‘zining ta’lim jarayonidagi o‘rnini belgilab oldi: ta’lim dasturlarini ekspertizadan o‘tkazishda ishtirok etish, kasbiy kompetensiyalarni alohida aniqlash(baholash), ta’lim dasturlarini kompetent yondashuv asosida shakllantirish, kasbiy kompetentlikni rivojlantirishda zamonaviy vositalar ta’minotini yaxshilash, professor-o‘qituvchilarni attestatsiyasi va mutaxassislar tayyorlash sifatini baholashda ishtirok etish shular jumlasidandir. Natijada birgalikda o‘tadigan tadbirlar rejasi va ijtimoiy sheriklik shartlari ishlab chiqildi, sifatli samarali professional (kasbiy) ta’limni tashkil etish sohasida uzoq muddatli hamkorlik shartnomalari tuzildi, bitiruvchi mutaxassisning kompetensiyalari aniqlab (belgilab) olindi, ta’lim dasturlari mazmunan ekspertiza qilindi, darsliklar tayyorlash va diplom oldi amaliyotlarining mazmuni aniqlandi, yangi fan dasturlari kiritildi.

Shunday qilib kompetent yondashuv talabalar tomonidan bilim va ko‘nikmalarni bir biridan o‘zaro ajratilgan alohida-alohida holda emas, balki

ularni bir butun holda o‘zlashtirishni ko‘zda tutadi. Shunga ko‘ra o‘qitish metodlari sistemasi o‘zgaradi, yoki boshqacha aniqlanadi. O‘qitish metodlarini shakllantirish, qurish, tanlash, saralash asosida ta’limda bajarilishi kerak bo‘lgan kompetensiya va funksiyalar tuzilmasi yotadi.

**Adabiyotlar:**

1. Dilfuzakhan Anvarovna Buranova. “Issues of the development of professional competences in the education of agricultural specialists”. International Journal of Education, Social Science & Humanities. Finland Academic Research Science Publishers ISSN: 2945-4492 (online) | (SJIF) = 7.502 Impact factor Volume-11| Issue-5| 2023 Published: |22-05-2023|. https://doi.org/10.5281/zenodo.7960592.

2. Qulmatova, B. A.,Buranova, D. A.(2022). The role of digital technologies in agriculture. ISJ Theoretical & Applied Science, 04 (108), 362-365. Soi: http://s-o-i.org/1.1/TAS-04-108-46 Doi:https://dx.doi.org/10.15863/TAS. Scopus ASCC: 1700.

3. B.Qulmatova. D.Buranova. “Ta’lim jarayonida elektron ta’lim va ananaviy ta’limning integrasiyasi”. NamDU ilmiy axborotnomasi. 2020.2-son. 366-373 bet.

4. Н.Каримов, Б.А.Қулматова, Д.Буранова. “Ақлли қишлоқ хўжалигини юритишда рақамли технологияларнинг жорий этиш масалалари”. «The XXI Century Skills for Professional Activity» International Scientific-Practical Conference. TASHKENT, UZBEKISTAN 2021, MARCH 15.

5. Н.Каримов, Б.А.Қулматова, Д.Буранова. “Қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларнинг жорий этиш масалалари”. Academic research in educational sciences volume 2 | issue 3 | 2021.

6. B.Qulmatova. D.Buranova.“Problems of mathematical modeling in the cultivation of agricultural products” Academic research in educational sciences volume 2| issue 6|2021.Issn:2181-1385.Scientific journal impact factor(sjif) 2021:

7. B.Qulmatova. D.Buranova. “Oliy ta’limda zamonaviy ta’lim texnologiyarini qo‘llashning afzalliklari”. Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў³. Nukus. 3/4-2022 жыл. ISSN 2181-7138. Илимий-методикалық журнал. 56-59 betlar.

8. D.Buranova. “Bo`lajak qishloq xo`jaligi mutaxassislarida kasbiy kompetentlikni rivojlantirish”. Vol.2 No.4 (2023): Journal of Integrated Education and Research(ISSN: 2181-3558). #2(4).Collection D:

9. D.Buranova. “Qishloq xo’jaligi oliy o’quv yurtlarida talabalarni kasbiy-kommunikativ tayyorlash”. “Экономика и социум” №3(118). 2024. ISSN: 2225-1545; 2541-9285. www.iupr.ru.

10. D.Buranova. “О задачах по улучшении эффективности использования базой данных студентов в процессах цифровизации сельского хозяйства”., International Journal of Education, Social Science & Humanities. Finland Academic Research Science Publishers ISSN:2945-4492(online)|(SJIF)=8.09. Impact factor. Volume-12|Issue-3|2024 Published:|22-03-2024| https://farspublishers.org. https://doi.org/10.5281/ zenodo. 10902034. 1042-1046 бет

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqola qishloq xo‘jaligi bo‘lajak mutaxassislarining kompetentsiyaviy samaradorligini oshirishning ayrim muammolariga bag‘ishlangan bo‘lib, unda yosh mutaxassislarni tayorlash mazmuni, uslublari va texnologiyalari haqida so‘z boradi.

**РЕЗЮМЕ**

Данная статья посвящена некоторым проблемам о повышении эффективности компетенции будущих специалистов сельского хозяйства, в нём речь идёт о содержании, методах и технологиях подготовки молодых специалистов.

**SUMMARY**

This article is devoted to some problems of increasing the efficiency of the competence of future agricultural specialists; it deals with the content, methods and technologies of training young specialists.

# YOSHLARNI HARBIY VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASHDA BUYUK SARKARDALARNING HAYOTI, JASORATI VA QAHRAMONLIKLARI HAQIDAGI MA'NAVIY-MA'RIFIY ISHLAR TIZIMINING TARBIYAVIY AHAMIYATI

***Maxmudov U.M.***
*Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti erkin tadqiqotchi*

**Tayanch so'zlar:** yoshlarning ta'lim –tarbiyasida buyuk siymolar me'rosi, Temurbeklar va Jaloliddin Manguberdi maktablari, yoshlarga yaratilgan shart-sharoitlar, mahallalarda yoshlar bilan ishlash.

**Ключевые слова:** наследие великих деятелей молодежного образования, школы Темурбека и Джалалуддина Мангуберди, условия, созданные для молодежи, работа с молодежью в микрорайонах.

**Key words:** legacy of the great figures of youth education, schools of Temurbek and Jalaluddin Manguberdi, conditions created for youth, work with youth in microdistricts.

Yoshlarni harbiy-vatanparvarlik va ma'naviy-axloqiy jihatdan tarbiyalashni yanada kuchaytirishga qaratilgan chora-tadbirlarni amalga oshirishda xalqimizning qadimiy tarixi, buyuk ajdodlarimiz merosi va ularning harbiy san'atni rivojlantirishga qo'shgan hissasini chuqur o'rganish muhim ahamiyatga ega. [1]

Hozirgi kunda bu ma'naviy merosdan harbiy xizmatchilarni vatanparvarlik, insonarvarlik, fidoyilik, an'analari ruhida tarbiyalash va ularning mohiyatini yosh avlod ongi va ruhiyatiga singdirishga e'tibor qaratilmoqda.

Milliy armiyamiz saflariga o'z yigitlik burchini o'tash uchun kelgan yoshlarimizga boshlang'ich tayyorgarlikdan dastlab ularga xalqimizning boy ma'naviy merosi, madaniyati, urf-odatlari, buyuk ajdodlarimiz va qaxramonlarimizning tarix zarvaraqlariga muhrlangan jasorati, ularni milliy ozodlik va mustaqillik yo'lida qilgan xizmatlari hamda harbiy san'atni rivojlantirishdagi sa'yi harkatlarini o'rganishdan boshlaydi. Bu esa o'z navbatida harbiy xizmatga ilk qadam qo'ygan yoshlarda vatanparvarlik, Vatanga sadoqat, kindik qoni to'kilgan ona zaminni himoya qilish, buyuk ajdodlarimizdan

faxrlanish va g‘ururlanish tuyg‘ularini oshiradi hamda kundalik faoliyatda dasturilamal bo‘lib xizmat qiladi. Shuningdek, ushbu ishlarning davomi o‘laroq ma’anviy-ma’rifiy tayyorgarlik mashg‘ulotlari, buyuk ajdodlarimizning tavallud kuniga bag‘ishlab o‘tkaziladigan uchrashuvlar, davra suhbatlari, intellektual o‘yinlar, ijodiy ishlar, badiiy kechalar, turli tanlovlar, teatr va kinolarni hozirgi kunda o‘z ahamiyatga ekanligini aytish joizdir.

Amir Temurning “Temur tuzuklari” yoshlarimiz tarbiyasida milliy va umumdavlat ahamiyatga molik dasturilamaldir. Chunonchi, strategik ahamiyatga molik asarda harbiy-vatanarvarlik tarbiyaning muhim elementlari bayon etilgan. Bo‘lajak Sohibqiron Movarounnahrning yagona hukmdori bo‘lish, buyuk saltanat barpo etishni o‘z oldiga maqsad qilib qo‘ydi, o‘zining porloq istiqboliga katta umid hamda ishonch bilan qaradi va bunga erishdi ham. Uning ruhiyati nafaqat tug‘ma bahodirigi va jasorati bilan, balki ayni paytda Allohga bo‘lgan ishonchu e’tiqodi bilan mustahkamlangan edi.

Hozirda buyuk sarkarda davlat arbobi, Sohibqiron Amir Temurning qoldirgan boy tarixiy, ma’naviy, madaniy va ilmiy merosi nafaqat harbiy xizmatchilar hamda o‘sib kelayotgan yosh avlodni ta’lim tarbiyasida muhim ahamiyat kasb etib kelmoqda. Sohibqironning yurt ravnaqi, xalq faroqvonligi, xalqini tinch va osuda hayot kechirishini ta’minlash uchun Armiyasiga qaratgan e’tibori, ilm-fanni rivojlantirish yo‘lida olib borgan ishlari, yosh avlodni intellektual salohiyatini oshirishda keng qamrovli ishlari, shuningdek, ko‘plab davlatlar bilan o‘rnatgan diplomatik aloqalarini yosh avlodga namuna qilib ko‘rsatishimiz mumkin.

Amir Temur nafaqat harbiy yurishlarga, balki davlatni mustahkamlash, obodonlashitirish, iqtisodni ko‘tarish ishlariga ham katta e’tibor qaratgan edi, ayniqsa, shayxlar va din peshvolariga tayandi. Savdogar va hunarmandlarga imkon yaratib, tashqi va ichki savdoni yo‘lga qo‘ydi. Ilm-fan va san’at taraqqiyoti uchun xomiylik qildi. Natijada me’morchilik, naqqoshlik, musavvirlik yuksaldi. Samarqand dunyoning eng go‘zal shaharlaridan biriga aylandi. Ko‘plab shahar va qishloqlarda katta ko‘lamdagi qurlish va tiklash ishlari amalga oshirildi. Bu davr Turon sivilizatsiyasining Temuriylar bosqichi sifatida e’tirof etildi. “Biz kim, Mulki Turon, Amiri Turkistonmiz. Biz kim millatlarning eng qadimi va eng ulug‘i turkning bosh bo‘g‘inimiz”,-degan so‘zlari Turon hukmdori Temurbekning hayotiy maqsadi va matlabi edi.

Yurtimizda yoshlarni qo‘llab-quvvatlash va ularni ijtimoiy himoya qilish bo‘yicha olib borilayotgan isloxatlar shuni ko‘rsatmoqdaki buyuk sarkarda bobomizkabio‘ziyashabturganhududniobodonlashtirish,ko‘kalamzorlashtirish, hunarmandchilik va musavvirlikning eng yuqori natijalarini ko‘rsatish, iml-

fanning asl egalarining mukammal ijod namunalarini namoyon etish uchun barcha shart-sharoitlar yaratib berilgan. Intellektual salohiyatga ega bo‘lgan yoshlar ongiga buyuk ajdodlarimizning qilgan ezgu ishlarni singdirishimiz va e’tibor qaratishimiz zarur. Buning uchun dastlabki poydevorni o‘sib kelayotgan yosh avlodni ota-onasi, keng jamoatchilik, mahalla faolligi, maktabgacha ta’lim muassasalari orqali ta’lim va tarbiyaga, ilm-fanga to‘g‘ri yo‘naltirib borshimiz maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Buyuk ajdodlarimiz farzandlarning ta’lim-tarbiyasida juda katta tajriba maktabini yaratgan, sog‘lom bola jismoniy va ma’naviy barkamol insondangina tug‘ilishi, kelajakda jamiyatga va oilasiga foyda keltirishini ota-bobolarimiz teran anglab yetishgan.

Amir Temur bobomiz ham aynan o‘zi har tomonlama yetuk va barkamol bo‘lgani uchun, kelajak avlod davlat va jamiyat hayotida juda katta o‘rin tutishini o‘z aql ko‘zi bilan avvaldan ko‘ra olgan hazrati inson edi.

U avvalo farzandlarni dunyoga keltiradigan ota-onalarning ma’naviy va jisman sog‘lomligini talab etgan. U ichkilik, chekish kabi zararli illatlarga qarshi kurashgan, yoshlarning yengil-yelpi hayotga o‘rganishiga, qiyinchilik va mehnatu mashaqqatlarsiz hayot kechirishiga, aysh-ishratlarga berilishiga hamda benikoh farzand tug‘ilishiga qarshi bo‘lgan.

Har qanday jamiyatda insonlar yuksalsagina, yuksak salohiyatli, ma’rifatli, ziyoli avlod shaklansagina, avloddan avlodga o‘tib kelayotgan buyuklarning ilmiy meroslarini o‘rganish, uni hayotga tadbiq etib har tomonlama rivojlanib borayotgan yoshlar olgan ilmiy va amaliy bilimlarini amalda sayqallab borgan insonlar bilan ma’naviy-axloqiy sifatlar namoyon bo‘lgan o‘sish kamolotida nafaqat minglab milyonlab yoshlar, insonlar, ziyoli xalq, butun boshli jamiyatda yurt ravnaqiga, xalq faravonligiga ulkan hissa qo‘shuvchi yuksak bilim va salohiyatli, keng tafakkurga ega bo‘lgan, o‘zining yangi keng qirrali g‘oyalari bilan ilm-fan ravnaqiga o‘z hissasini qo‘shib, innavatsion g‘oyalar yaratib xalq manfaatiga xizmat qiluvchi yoshlar yurti ulug‘ mutafakkir bobomiz takidlaganlaridek Abu Nasr Farobiyning “Fozil odam yurti”ga asos solinsa ajab emas. Bu muqaddas zamindan ne-ne daxolar, olimlar, sarkardalar hali hamon dunyo jamiyatini lol qoldirib kelayotgan buyuk matafakkir, allomalar yetishib chiqqan. Bu ko‘hna diyor o‘z bag‘rida buyuk astronomlarni, qomusiy olimlar, geodeziya, geografiya, algebra, tibbiyot, fizika, kimyo, falakiyot, musiqa fanlarining faylasuflarini, asarlari dunyoning o‘nlab tillariga tarjima qilingan islom dunyosida hadis ilmining sultoni deya nom qozongan muhaddislar, shoh va shoirlar va bir qancha ilmiy yo'nalishlarda faoliyatlarini olib borgan serqirra donishmadlarni kamolotga yetkazgan.

O‘rta Osiyoning bir necha ming yillik tarixi mobaynida ajdodlar tomonidan vatanparvarlik, fidoyilik, xalqparvarlik fazilatlarini yosh avlod ongiga singdirishga alohida e’tibor berib kelingan.

Qadimgi yozma yodgorliklar, bitiktoshlar, xalq og‘zaki ijodi namunalari, dostonlar rivoyatlarda tilga olingan, tasvirlangan voqea-hodisalar, ularning ishtirokchi va qahramonlari aks ettirilgan obrazlar fikrimizning dalilidir.

Hozirgi kunda bu ma’naviy merosdan harbiy xizmatchilarni vatanparvarlik, insonarvarlik, fidoyilik, an’analari ruhida tarbiyalash va ularning mohiyatini yosh avlod ongi va ruhiyatiga singdirishga e’tibor qaratilmoqda. [2]

Zahiriddin Muhammad Bobur uzoq yillar davomida o‘rta asr Sharq madaniyati, adabiyoti va she’riyatida o‘ziga xos o‘rin egallagan adib, shoir, olim bo‘lish bilan birga yirik davlat arbobi va sarkarda hamdir. Bobur keng dunyoqarashi va mukammal aql-zakovati bilan Hindistonda Boburiylar sulolasiga asos solib, bu mamlakat tarixida davlat arbobi sifatida nomi qolgan bo‘lsa, serjilo o‘zbek tilida yozilgan “Boburnoma” asari bilan jahonning mashhur tarixnavis olimlari qatoridan ham joy oldi. Uning nafis g‘azal va ruboiylari turkiy she’riyatning eng nodir durdonalari, risolalari esa islom qonunshunosligi, she’riyat va til nazariyasi sohalariga munosib hissa bo‘lib qo‘shildi.

Sharq xalqlarining ta’lim va tarbiyasida inson xulqini belgilovchi bir qancha mezonlar bo‘lib, shulardan biri jamoat orasida yoshi ulug‘, mansabdor, ilmli va hurmatli shaxslar oldida o‘zini qanday tuta bilish, ota-onani hurmat qilish, ular xizmatini so‘zsiz bajo keltirish, ota-ona oldida o‘zini axloqli tutish, ota-onaning ham o‘z farzandi uchun mehribon, jonfido bo‘lishi kerakligiga qarab baholash alohida o‘rin tutgan. Bobur ijodida vatanparvarlik tuyg‘usi yetakchi o‘rinni egallaydi. U Vatanga bo‘lgan muhabbat va sadoqat, shaxsning vatanparvarligi, yetukligi, milliy iftixori kabi fazilatlarida aks etishini ta’kidlaydi. Yuksak badiiy did, chin insoniy axloq soxibi bo‘lgan Bobur qaysi shaharda, qaysi davlatda bo‘lmasin, xalqlar o‘rtasida vatanparvarlikni keng targ‘ib etadi.

Hozirda yosh avlodni ma’naviy-axloqiy va vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda buyuk mutafakkirlarimizning faoliyati katta ahamiyat kasb etadi. Ular qoldirgan ma’naviy meros necha-necha avlodlarni ma’naviy-axloqiy kamolotga da’vat etib, yuksak vatanparvarlik ruxida tarbiyalab kelmoqda. O‘sha davr allomalarimizning axloq-odob, ta’lim va tarbiya borasidagi dono fikrlari madaniyatimizni yanada ravnaq toptirishda, hozirgi yoshlarning ma’naviy dunyosini boyitishda, ularni yuksak axloqiy fazilatlar ruhida tarbiyalashda muhim ahamiyatga egadir. Shunday ekan, bugun yosh avlodni ajdodlarimizning mana shunday boy ma’naviy merosidan oziqlanishsa, o‘zlarining ma’naviy, axloqiy va intellektual sifatlarini shakllantirishsa, maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Temuriylar sulolasining vakili shoh va shoir Zahiriddin Muhammad Boburning ma'naviy merosida yoshlarni bilim olishga, odobli, axloqli bo'lishga da'vat etish g'oyasi ustun turadi. Bobur bobomizning insonlarni birodarlikka, inoqlikka, shafqatli, insofli bo'lish, Vatanni e'zozlash, ma'rifatparvarlik va axloqiy g'oyalari hozirgi davrda yosh avlodni ta'lim va tarbiyasida katta ahamiyat kasb etadi.

Yoshlarni vatanparvarlik tuyg'usining kuchayishiga sabab bo'luvchi buyuk srakarda, xususan, Jaloliddin Manguberdi bobomizning ko'rsatgan jasoratlari ko'p asrlar o'tsa hamki, o'z qadr qimmatini va ahamiyatini yo'qotmaydi. Ular yoshlar qalbida Vatanparvarlikdek Oliy tuyg'uga xizmat qilish shijoatini jo'sh urdirib turadi. Ajdodlarimizning harbiy salohiyati tarixini o'rganish yosh avlod qalbida Vatanga muhabbat tuyg'usini uyg'otishda alohida ahamiyatga ega.

Ne-ne podshohlar Chingizxonga taslim bo'lib, oyog'iga poyandozlar to'shaganida Jaloliddin unga mardonavor qarshi chiqdi, o'n bir yil davomida Turkiston, Hindiston, Eron zamin va Qofqozda kuchlarni birlashtirib, hurriyat tug'ini baland ko'tardi, poydor davlat tuzishga, mo'g'ul qo'shinlarini ketmaket mag'lub etishga muvaffaq bo'ldi.

Vatanimizni ko'p ming yillik tarixi el-yurtimizni bosqinchi, yovuz kuchlardan himoya qilish, millatimizning erkinligi va or-nomusini asrash yo'lidagi buyuk voqealarni, bu kurashlarda jasorat va mardlik ko'rsatgan buyuk shaxslarning nomlarini asrlar davomida o'zining yorqin xotirasida saqlab kelmoqda. Jaloliddin Manguberdi-ona yurt himoyachisi, jasur sarkarda va davlat arbobi, xalqimizning Spitamen, Muqanna, Najmiddin Kubro, Amir Temur singari tarixda o'chmas iz qoldirgan milliy qahramonidir. Jaloliddin Manguberdi bor yo'g'i o'ttiz ikki yillik qisqa hayoti davomida elu yurt uchun, xalq ozodligi uchun so'nmas xizmat qilishga ulgurgan ulug ajdodimizdir.

Sulton Jaloliddin Manguberdi o'z elining baxtu saodati uchun hayot-momot janglarida jon fido etdi. Lekin dunyoda hech qanday xayrli ish bejiz ketmaydi. Millat ruhi, odamzotning ozodlik sari intilishi abadiydir. Oradan bir asr o'tib, sohibqiron Amir Temur Jaloliddin Manguberdi boshlagan ozodlik kurashini yangi sharoit va ulkan miqyoslarda davom ettirdi. Ona yurtimnzni bosqinchilardan xalos qilib, markazlashgan qudratli davlat barpo etdi. Hayot bor ekan, davlat, el-yurt bor ekan, o'zing tug'ilib o'sgan, ota-bobolaring hoki yotgan, ertaga farzandlaring kamol topadigan tuproqning har bir qarichini muqaddas bilib, uni himoyalash, zarur bo'lsa, bu yo'lda jon fido etishga tayyor turish kerak.

Tarixi qariyb uch ming yilga boradigan, buyuk fan va madaniyat o'lkasi bo'lgan, jahon sivilizatsiyasiga bebaho hissa qo'shgan ulug' zotlar vatani

dunyoga ma’lum va mashhur. Bu yurt tengsiz allomalar, aziz-avliyolar, podshohu sarkardalar, botir va pahlavonlarni ko‘p ko‘rgan. Ular orasida milliy qahramonimiz Jaloliddin Manguberdining betakror nomi yulduzdek charaqlab turadi. Sulton Jaloliddin siymosi O‘zbekistonning faxru g‘ururidir. U bizning milliy ozodligimiz, istiqlolimizga tajovuz qilmoqchi bo‘lgan har qanday yovuz kuchga qarshi tik turib kurashishga, mardonavor zarba berishga qodirligimizning tasdig‘i va timsolidir. Bu bahodir zotning muborak nomi va uning ko‘rsatgan qahramonliklarini yosh avlod ongiga singdirish, buyuk ajdodlarimizdan faxrlanish va g‘ururlanish tuyg‘ularini shakllantirish muhim ahamiyatga ega.

Jaloliddinning el-ulus, Vatan ozodligi va mustaqilligi yo‘lidagi fidoyiligi. Mislsiz jasorati mangulikka daxldordir. Istiqlol nashidasini surayotgan mustaqil O‘zbekistonda ulug‘ ajdodlar ruhining e’zozlanayotgani bejiz emas. Zero, anashu aziz va muqaddas Vatan oldidagi xizmatlarining, bugun biz erishgan istiqlolgacha ham buyuk ajdodlar ming xalq, yurt ozodligiga qo‘shgan hissasining tan olinganidir. [3]

Mustaqillikka erishgandan keyin dastlab chorak asr davomida milliy tiklanish bilan shug‘ullanishga to‘g‘ri keldi. Endilikda milliy tiklanishdan milliy yuksalishga o‘tganimizdan keyin, uchinchi Renessansga erishishni davlat rahbari strategik vazifa etib qo‘ydi. Haqiqatan tarixan olganda biz ikki Renessansni boshdan kechirdik: birinchisi IX - XII asrlar, ikkinchisi XIV asr oxirgi choragi - XVI asr birinchi choragi.

Birinchi Renessansda yurtimizdan Farg‘oniy, Xorazmiy, Forobiy, Beruniy, Ibn Sino, Yusuf Xos Hojib, Mahmud Qoshg‘ariy, Mahmud Zamaxshariy kabi buyuk daholar, buyuk muhaddislar - Buxoriy, Termiziy, mutakallimlar - Moturidiy va Abul Muin Nasafiy hamda boshqa atoqli dunyoviy va diniy allomalar shuuri olamni yoritdi.

Ikkinchi Renessansda - Ulug‘bek, G‘iyosiddin Jamshid Koshiy, Qozizoda Rumiy, Ali Qushchi, Lutfiy, Jomiy, Navoiy, Behzod, buyuk meъmorlar, bastakorlar, musavvirlar, tarixchilar chiqib, bugun ham dunyoni lol qoldirayotgan asarlar yaratdilar.

Har ikki Renessans davrida biz dunyoning ilg‘or, mutaraqqiy xalqlari qatorida edik. Agar yana shunday darajaga erishmoqchi bo‘lsak, Uchinchi Renessansni amalga oshirmog‘imiz zarur.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti topmonidan olib borilayotgan keng ko‘lamli islohatlarda yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ularni ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash va bandligini ta’minlash borasidagi ishlarni manzilli va maqsadga yo‘naltirilgan holda tashkil etish bo‘yicha bir qator vazirlik va

idoralarga aniq topshiriqlar belgilab berildi. Jumladan, 2024-yilda ushbu yo‘nalishdagi ishlarni yangi sifat bosqichiga olib chiqish, yoshlarga hayotda o‘z yo‘llarini topish, adashganlarni to‘g‘ri yo‘lga qaytarish va sog‘lom hayot kechirishlari uchun barcha shart-sharoitlarni yaratishda jamoat tashkilotlari, respublika miqyosida yoshlar biriktirildi.

Biriktirilgan yoshlar 7 toifaga ajratildi va har bir toifa yoshlari bilan samarali ishlarni tashkil etish uchun yo‘l Harita va Harakatlar rejalari ishlab chiqildi. Ushbu tadbirlar maktab o‘quvchisidan tortib oliy ma’lumotga ega bo‘lib ishsiz yurgan yoshlarni qamrab olgan. Ularni har tomonlama qo‘llab-quvvatlash davlat siyosati darajasida olib borilmoqda.

O'zbekistonda bugun jadallik bilan kechayotgan ana shunday islohotlar, jamiyatdagi yangilanishlar mamlakatda kezayotgan uyg'onish ruhidan dalolatdir. Uchinchi Renessans uzoq istiqbol masalasi emas. U bugun, ushbu onda jamiyatimiz, uning har bir jabhasida muttasil etilib kelayotgan real voqelikdir. Ishonchimiz komilki, yurtimizda boshlangan bu yangilanishlar izchil davom etadi va xalqimiz orzu qilgan buyuk davlat, farovon kelajak barpo etishda mustahkam poydevor bo'ladi.

Biz buyuk ajdodlarimiz bilan faxrlanishimiz, g’ururlanishimiz kerak, faqat g’ururlanishning o’zi yetarli emas, kelinglar, o’zimiz ham, xuddi ular kabi, mana shu bebaho merosga o’z hissamizni qo’shaylik!

Yoshlarda Jaloliddin Manguberdi va Zahiriddin Muhammad Bobur haqidagi tasavvurlarni shakllantirish, bugingi kunning eng asosiy vazifalardan biri.

Tarixsiz, tarixiy shaxslarsiz kelajakka intilib bo’lmaydi, mo’g’ul imperiyasining asoschisi Chingizxon aytganidek bu olamda Jalollidinga teng keladigan sarkarda yo’q. U quruqlikda sher, suvda esa nahang kabi kurashadi deb ta’kidlab o’tdi. Aynan biz bugungi kun yoshlarimizga buyuk ajdodlarimiz shaxsi sifatida ko’proq ma’lumot bersak nur ustiga a’lo nur bo’ladi.

Yuqorida yurtimizda yoshlarga yaratilgan shart-sharoitlar va keng imkoniyatlarning ma’lum bir qismlarigagina to‘xtalib o‘tdik. Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki yoshlarni harbiy vatanparvarlik ruhida tarbiyalash bo‘yicha keng qamrovli islohatlar olib borilmoqda. Har bir o‘quvchi maktab davridanoq yoshlar siyosatidan, yaratilgan imkoniyat va imtiyozlardan to‘g‘ri va unumli foydalansa oldimizga qo‘yilgan ezgu maqsadlarning bir qismiga erishgan bo‘lamiz.

**Adabiyotlar:**

1. Yangi O‘zbekiston Strategiyasi O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev Toshkent: “O‘zbekiston nashriyoti”, 2021 y.

2. O‘zbekistonda ijtmioiy fanlar. 1999 y.

3. https://мудофаа.уз.
4. e-mail: ahayitbay@inbox.ru
5. https://t.me/XORAZM_MARKAZ-2021
6. https://t.me/QurilishSohasidaMMT_MARKAZ

**РЕЗЮМЕ**

Yoshlarda vatanparvarlik fazilatlarini shakllantirishda buyuk sarkardalar, mutaffakkir allomalarimiz, davlat arbobi, Amir Temur, Zahiriddin Muhammad Bobur, Jaloliddin Manguberdi kabi yurtparvar, mard va jasur bo‘lish bilan bir qatorda yuksak salohiyatli, ma’rifatli, avlodni tarbiyalshdagi o‘rni va ahamiyati. Avloddan avlodga o‘tib kelayotgan ta’lim va tarbiya, buyuklarning ilmiy meroslarini o‘rganish orqali uni hayotga tadbiq etish, har tomonlama rivojlanib borayotgan yosh avlodni ma’naviy-ahloqiy sifatlari, yoshlarimizga davlatimiz tomonidan bugungi kunda yaratilib berilayotgan shart-sharoitlar ijtimoiy, harbiy sohada olib borilayotgan islohatlar yuzasidan fikrlar ifodalangan.

**РЕЗЮМЕ**

В формировании патриотических качеств у молодежи роль и значение великих лидеров, наших мыслителей, государственного деятеля Амира Темура, Захириддина Мухаммада Бабура, Джалолиддина Мангуберди, а также смелости и отваги, в воспитании поколения с высоким потенциалом и просвещением. . Воспитание и обучение передавались из поколения в поколение, применяя их в жизни путем изучения научного наследия великих, духовно-нравственных качеств молодого поколения, развивающегося во всех аспектах, условий, созданных для нашей молодежи нашим сегодняшним государством, социальных, Военные мнения были высказаны относительно реформ, проводимых на местах.

**SUMMARY**

In the formation of patriotic qualities in young people, the role and importance of great leaders, our thinkers, statesman Amir Temur, Zakhiriddin Muhammad Babur, Jaloliddin Manguberdi, as well as courage and bravery, in raising a generation with high potential and enlightenment. . Education and training were passed on from generation to generation, applying them in life by studying the scientific heritage of the great, spiritual and moral qualities of the young generation, developing in all aspects, the conditions created for our youth by our current state, social, military opinions were expressed regarding the reforms, carried out locally.

# PEDAGOGNING KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIGI

***Allaberdiyeva K.X.***
*Termiz davlat pedagogika instituti Maktabgacha ta'lim metodikasi kafedrasi o'qituvchisi, pedagogika fanlari bo'yicha falsafa dotori (PhD).*

**Tayanch so'zlar:** pedagog, muloqot, shaxs, faoliyat, madaniyat, ilmiy-nazariy, tashkiliy-metodik, jarayon, qobiliyat.
**Ключевые слова:** педагог, общение, личность, деятельность, культура, научно-теоретический, организатsионно-методический, процесс, способности
**Key words:** pedagogue, communication, personality, activity, culture, scientific-theoretical, organizational-methodical, process, ability

Kirish.Pedagogga xos bo'lgan mahorat asosini tashkil etuvchi pedagogik muloqot madaniyati uning talabalar jamoasi, ota-onalar, hamkasblar hamda rahbariyat bilan uyushtiriladigan muloqot jarayonida namoyon bo'ladi. Bunda, ayniqsa, pedagogning talabalar jamoasi bilan o'zaro muloqoti muhim ahamiyatga ega. Pedagog talabalar bilan muloqotga kirishish, uning samarali bo'lishiga intiladi.

Pedagogik muloqot madaniyati bu pedagogning talabalar jamoasi, ota-onalar, hamkasblar, rahbariyat bilan pedagogik odob hamda muloqot talablariga muvofiq holda uyushtiriladigan suhbatidir.

Adabiyotlar tahlili. F.Qodirova, Sh.Shodmonova, D.Boboeva, D.Abduraximova, Z.Azizova, N.A'zamova, A.Arifdjanova, G.Ibragimova, Sh.S.Sharipov, E.G'oziev,B.Karimova, K.Mamedov, N.Rejametova, D.Sobirova, I.Tuychieva, A.Xo'jaqulov, T.Chabrova, M.Berdievalar tomonidan bolalarda mustaqil bilish faolligini oshirish, maktabgacha katta yoshdagi bolalarda tasviriy savodxonlik elementlarini shakllantirish masalalari tadqiq etilgan. Neyropedagogika fani rivoji, ta'lim oluvchilarni har tomonlama uyg'un rivojlantirishning neyropedagogik jihatlari Dj.Gulyamov, B.Xodjaevlar tomonidan o'rganilgan.

Tadqiqot metodologiyasi: Tadqiqotda ilmiy va ilmiy-uslubiy adabiyotlarni tahlil qilish va umumlashtirish, pedagogik kuzatuvlar, pedagogik tajriba usullaridan foydalanilgan.

Tahlillar va natijalar: Muloqot jarayonida talaba tomonidan bildirilayotgan fikrlar, uning qarashlari shaxsni yaqindan o‘rganish uchun imkoniyat yaratadi. Talaba shaxsini yaqindan bilish, uning ichki kechinmalari, o‘y-fikrlari, his-tuyg‘ulari, orzu-umid, maqsad va hayotiy intilishlaridan xabardor bo‘lish pedagogik jarayonning metodik, ruhiy jihatdan to‘g‘ri tashkil etilishini ta’minlaydi. Zero, bu jarayonda pedagogik talaba shaxsiga xos yosh, psixologik va shaxsiy xususiyatlarni inobatga olgan holda faoliyatni tashkil etadi. Muloqot jarayonidagi axborot almashinuvi talabaning o‘zaro ijtimoiy jarayonlar, shaxs kamolotining kechishiga doir ma’lumotlar almashishini ta’minlaydi.

Xulosa. Pedagogning kommunikativ kompetentlik sifatlariga ega bo‘lishi, o‘z ustida izchil ishlashi, kun sayin yangilanib borayotgan bilimlarni o‘zlashtirishga intilishi, o‘quv axborotlarini talabalarga qiziqarli tarzda yetkazib berish uchun mashg‘ulotlarga tayyorgarlik ko‘rishga ijodiy yondasha olishi talab etilmoqda.

Ta’lim tizimida talabalarga sifatli, foydali, muhim, zarur, kerakli va amaliy ahamiyatga ega ma’lumotlarni tizimli ravishda yetkazib bera olishi uchun bugungi kun pedagogi axborotlarni tezkor qabul qilish, qayta ishlash va talabalarga samarali, qiziqarli tarzda yetkazib berishning uddasidan chiqa olishi zarur. Bu esa pedagogning kommunikativ kompetentlik sifatlari, pedagogik mahorat asoslari hamda kreativlik qobiliyatiga ega bo‘lishini talab etadi.

Pedagogik muloqot ruhiy-psixologik ta’sir kuchiga ega. Shu sababli uni tashkil etishda muloqot jarayonining ijobiy bo‘lishini ta’minlash pedagogning zimmasiga katta mas’uliyatni yuklaydi. Agarda to‘g‘ri tashkil etilgan pedagogik muloqot talabada qo‘rquvning yuzaga kelishi, ishonchsizlikning tug‘ilishi, diqqat, xotira va ish qobiliyatining susayishi, nutq me’yorining buzilishi kabilarga sabab bo‘lsa, aksincha, nazariy-pedagogik va amaliy jihatdan to‘g‘ri tashkil etilgan muloqot yuqoridagi holatlarning aksini keltirib chiqaradi. Natijada talabalarda o‘qishga va mustaqil o‘rganishga, fikrlashga bo‘lgan qiziqish ortadi.

Pedagogik muloqot quyidagi yo‘nalishlarda tashkil etiladi.

Pedagog va talabalar o‘rtasida hamkorlikni qaror toptirish esa har qanday vaziyatda ham ular o‘rtasida o‘zaro axborot almashinuvi samarali ro‘y berishi uchun sharoit yaratadi. Bu jarayonda pedagog talabalarning eng yaqin maslahatchisi, yo‘lboshchisi va rahbariga aylanadi. Muloqot chog‘ida talabalar tomonidan o‘z shaxsini, “meni”ni, qadr-qimmatini yetarlicha baholash va o‘z




oldidariga hayotiy maqsadlarni qo‘ygan holda olg‘a intilishlarini ta’minlashga jiddiy e’tibor qaratish lozim

Pedagog rahbarligi yoki uning yo‘l-yo‘riqlari, ko‘rsatmalariga asosan o‘quv mashg‘ulotlari va tarbiyaviy ishlarni tashkil etishda ham muloqot muhim ahamiyat kasb etadi. Ayni shu vaqtda muloqotning faoliyatni tashkil etish vazifasi namoyon bo‘ladi. Yaqin-yaqingacha faoliyatni tashkil etishda pedagogning yetakchiligi, uning bevosita rahbarligi ustuvor omil bo‘lgan bo‘lsa, zamonaviy sharoitda rollar almashinuvi yetakchi o‘ringa chiqdi. Endilikda aksariyat hollarda talabalarning o‘zlari ta’lim va tarbiyaviy jarayonlarni mustaqil uyushtirish imkoniyatiga ega bo‘ldilar. Biroq, bu degani, ta’limiy va tarbiyaiy ishlarni tashkil etish davrida pedagogning o‘rni va roli mutlaqo aks etmaydi, degani emas. Pedagog bu jarayonda rahbar, yetakchi, maslahatchi, ekspert sifatida namoyon bo‘ladi va talabalarni pedagogik jarayonlarni ilmiy-nazariy, tashkiliy-metodik jihatdan to‘g‘ri uyushtirishga yo‘naltiradi.

Pedagogik muloqotni tashkil etishda, ayniqsa, pedagog yordamiga muhtoj o‘quvchilarga alohida e’tibor berishi, har bir o‘quvchida turli o‘quv fanlari asoslarini o‘zlashtirishga nisbatan qiziqtirish usullarini, hamkorlik va ijodkorlikka asoslangan mehnatni tashkil etishni oldindan o‘ylab qo‘yishi lozim. Milliy va jahon ta’limi amaliyoti pedagog, o‘qituvchilar tomonidan tashkil etilayotgan muloqotni bir necha turga ajratish mumkinligini ko‘rsatadi.

Pedagogik muloqot turlari




O‘qituvchilar o‘z faoliyatlarida muloqotning muayyan turlariga tayanib ish ko‘radi.Qolaversa, pedagog tomonidan jamoa bilan muloqotni uyushtirish texnikasini doimiy ravishda tahlil qilib borish maqsadga muvofiqdir. Ma’lum vaziyatlarda pedagog rahbar sifatida talabalar faoliyatlarini boshqaradi. Bu jarayonda ham muloqot yetakchi omil hisoblanadi. Biroq, muloqotning samaradorligi rahbar sifatida namoyon bo‘layotgan pedagog tomonidan qanday muloqot uslubining tanlanganligi bilan belgilanadi. Odatda, pedagogning rahbar sifatidagi muloqot usullari quyidagi uch turga ajratiladi.

Pedagogik muloqot uslublari quyidagi mazmunga ega:




1. Avtoritar uslub. Bunga ko‘ra talabalar tomonidan barcha turdagi faoliyatning tashkil etilishi, mazmuni, shakli, metod va vositalarining barchasi faqat pedagog tomonidan belgilanadi. Talabalarning har qanday tashabbuslari rag‘batlantirilmaydi, aksincha, buyruq, ko‘rsatma, yo‘llanma berish, shuningdek, jazolash choralarini ko‘rish orqali talabalarga ta’sir etiladi. Hatto talabalarning faoliyatlari ijobiy baholangan vaqtda ham ularga bo‘lgan ta’sir turli kesatiqlar bilan bayon etiladi. Ya’ni: “Sendan ijobiy xatti-harakatni kutmagan edim?!”, “Buni qara-ya, nahotki o‘zgargan bo‘lsang!?”, “Qara-ya, birgina a’lo baho olish bilan o‘zingni yaxshi inson bo‘lib qolgan deb hisoblaysanmi!?” va h.k. mazmundagi rag‘batlar, ular asli ijobiy holatni e’tirof etishga yo‘naltirilgan bo‘lsa-da, talabani yangi yutuqlariga ilhomlantirmaydi. Aksincha, unda ta’lim

olishga, ta'lim muassasasiga va pedagoglarga nisbatan sovuqqonlikni yuzaga keltiradi.

2. Demokratik uslub. Unga ko'ra pedagog pedagogik faoliyatni tashkil etishda jamoaning fikriga tayanib ish ko'radi. O'quv mashg'ulotlari va tarbiyaviy ishlarni shakillashtirishda har bir talabaning fikrini inobatga olishga, ularni umumlashtirgan holda eng samaralisini tanlab olishga intiladi. Muhokamalar chog'ida barcha talabalarning ishtiroklari ta'minlanadi. Talabalar tomonidan bildirilayotgan tashabbuslar qo'llab-quvvatlanadi, mavjud imkoniyatlardan kelib chiqqan holda bu tashabbuslar amaliyotga tatbiq etiladi. Bu uslubdan foydalanayotgan pedagog zimmasidagi vazifa faqatgina talabalarning faoliyatini nazorat qilish, tuzatishlar kiritishdan iborat emasligini anglab yetadi. Asosiy e'tiborni talabalarning yutuqlarini e'tirof etgan holda yoki ularning xatolarini o'zlariga anglatgan holda samarali tarbiya chorasini ko'rishga qaratadi. Har bir talabaning yutug'i alohida e'tirof etiladiki, bu esa ularni yangi zafarlarga erishishga ruhlantiradi. Ushbu uslubga asoslanib ish ko'radigan pedagog har bir talabaning qiziqishlari va qobiliyatlarini hisobga olgan holda bajariladigan ishlarni to'g'ri taqsimlashga harakat qiladi, faol talabalarni taqdirlab borishni faoliyatining asosiy yo'nalishi sifatida belgilaydi. Pedagog talabalar bilan muloqotni o'rnatishda iltimos, maslahatga tayanib ish ko'radi.

3. Liberal uslub.Odatda bu uslub pedagog va talaba munosabtlarining kelishuvchanlikka asoslanishini ta'minlay-digan uslub sifatida e'tirof etiladi. Bu uslubga ko'ra ish yuritadigan pedagog talabalar tomonidan sodir etilayotgan salbiy holatlarga ham e'tibor bermaslikka intiladi. Talabalarni tartibga chaqirish, vaziyatdan kelib chiqqan holda ularning faoliyatini to'g'ri baholab, jazolash zarur bo'lgan vaziyatlarda ham indamaslikni odat qilib oladi. Bu esa talabalarning odobsiz, yalqov, mas'uliyatsiz bo'lishlariga olib keladi. Liberal uslubni ma'qul ko'radigan pedagog talabalar hayoti bilan mutlaqo qiziqmaydi, ularning faoliyatlariga aralashmaydi, hal qiluvchi vaziyatlarda mas'uliyatni o'z zimmasidan soqit qiladi. Ayrim holatlarda bir-biriga zid bo'lgan fikrlarni ham birdek ma'qullaydi. Bu tahlitda ish ko'radigan pedagog obro'ga ega bo'lmaydi. Chunki unga ishonish mumkin emas.

Pedagogik faoliyatni tashkil etishda pedagogning nafaqat o'zi, balki uning ijobiy ta'siri asosida talabalar ham muloqot madaniyatini o'zlashtirib borishlari lozim.

Muloqot madaniyati – muloqot jarayonini axloqiy me'yorlar, ijtimoiy talablarga muvofiq tashkil etish asosida suhbatdoshni tushuna olish ehtiyoji va qobiliyatiga egalik.

Ta’lim amaliyoti pedagogik muloqot jarayonida o‘qituvchilar tomonidan quyidagi kamchiliklarga yo‘l qo‘yilishi ko`rsatiladi:

– ehtiyotsizlik;
– shaxsiyatparastlik;
– suhbatdoshni ortiqcha majburlash;
– sustkashlik;
– o‘zini juda yuqori yoki past qo‘yish;
– haddan tashqari jonbozlik ko‘rsatish

“Fan-texnika taraqqiyotining hozirgi bosqichida, ishlab chiqarish munosabatlarining jadallashuvi, xalq xo‘jaligining turli jabhalarida yangi texnologiyalarning joriy etilishi va shu kabi qator omillar inson ruhiyatiga oldingilariga qaraganda ko‘proq jismoniy, ruhiy zo‘riqishlar bermoqda”. Pedagog faoliyatida ruhan yoki jismonan toliqqan talabalarda ruhiy hamda jismoniy charchoqlarni bartaraf etishga ham e’tibor qaratish talab qilinadi. Mazkur talab salbiy ruhiy omillar ta’siri kuchaygan, katta hajmdagi axborotlar bilan to‘qnashish ro‘y berayotgan mavjud sharoitda ayniqsa muhim ahamiyat kasb etadi. Talabalarda ruhiy va jismoniy toliqishlarni bartaraf etishga qaratilgan pedagogik faoliyat “relaksopediya”(lot. “relaxation” – quvvatsizlik, zaiflashish, ruhan yoki jismonan holda toyish; holdan toyishni bartaraf etish pedagogikasi) deb nomlanadi. So‘nggi yillar jahon ta’limi amaliyotida ushbu pedagogika imkoniyatidan keng foydalanilmoqda.

Pedagogik relaksatsiya – talabalarning hissiy faoliyati, ruhiy-jismoniy quvvati va ishchanlik qobiliyatini qayta tiklash

Murakkab vaziyatlar (imkoniyati cheklangan, fanlarni o‘zlashtira olmaydigan yoki tarbiyasi og‘ir talabalar bilan ishlash)da relaksopediyaning pedagogik, psixologik imkoniyatlaridan o‘rinli, maqsadli, samarali foydalanish kutilgan natijalarni beradi. Relaksatsiya sharoitida bugungi kunda keng ommalashgan trening va avtotreninglar ijobiy muhitning hosil bo‘lishini ta’minlaydi. Ulardan foydalanish vaqtida talabalar tashqi va ichki ta’sirlardan himoyalangan bo‘lib, ularga faqatgina pedagogning ishontiruvchi ovozgina eshitiladi. Bu esa pedagogning ta’siri va uning samarasini yanada oshiradi.

Relaksatsiya jarayonida talabalar pedagogning qo‘llab-quvvatlashlarini his etishlari, uning mehr-muhabbatidan bahramand bo‘lishlari, hamdarligini his qilishlari lozim. Shundagina talabalardagi ruhiy zo‘riqish, jismoniy toliqishlarni bartaraf etish uchun psixologik muhit yuzaga keladi.

Mushaklar relaksatsiyasi (ya’ni mushaklarni bo‘shashtirish) davrida o‘z-o‘zini ishontirish va axborotga ta’sirchanlik yuqori bo‘ladi. Shuning uchun ham o‘z-o‘zini ishontirishga yo‘naltirilgan trening va avtotreninglarni

uxlash va uyqudan turishdan oldin qo‘llash samarali hisoblanadi. Mushaklar relaksatsiyasining samarali kechishi uchun o‘qituvchi mushaklarni bo‘shashtirishga yordam beradigan metod va vositalardan xabardor bo‘lishi darkor.

Talabalarning ruhiy zo‘riqish va jismoniy toliqishlarini bartaraf etish maqsadida relaksatsiya asoslarini nazariy jihatdan o‘zlashtirib qolmay, ulardan amaliy jihatdan foydalanishni ham bilishlari zarur.

Kommunikativ ta’sir ko‘rsatish – talabalar bilan muloqotda bo‘lish, ularga to‘g‘ri yondoshish, pedagogik nazokat bilan ularga tarbiyaviy, irodaviy va hissiy ta’sir etish hisoblanadi.

Ta‟limiy mazmundan, vaziyatdan, holatdan kelib chiqib, har qanday Pedagogning maqsadi auditoriyada “Rivojlantiruvchi muhitni” yaratishdan iborat.

Ya‟ni:

– talabalarga faoliyatga undovchi motivatsiya berish;
– talabalarni mustaqil ishlatish, o`quv faoliyatiga undash orqali tushuncha, tasavvur va ko`nikmalarni shakllantirish. Kerakli ma`lumotlarni qidirish, o`z faoliyati loyihasi va uning amaliyotga tatbiq etish, ish maqsadini anglash va natijaga ma`suliyat bilan yondashish;
– talabalar tomonidan mavzuni, maqsad, vazifalarini murakkablik darajasini, shakl va usullarni mustaqil ravishda tanlash;
– talabalarni loyiha ustida guruhlarda ishlashga o`rgatish mavzu va muammolarni aniqlash, vazifalarni taqsimlash, rejalashtirish, bahs-munozara natijalarini muhokama qilish va baholash.
– talabalarni turli xil shakldagi munozaralardagi ishtiroki.
– talabalarda o`z harakatlarini tartibga solishni shakllantirish.
– baholash tizimi orqali talabalar o`z bo`lg`usi natijalarini takomillashtirish, o`z darajalariga va natijalariga baho berib, ularni yanada takomillashuviga erishish.

Zamonaviy o`qituvchining asosiy kompetensiyasi:

1. O`z ta`limiy kamchiliklarini mustaqil tuzatib, talabalar bilan birga o`qishnibilish.

2. Talabalarni mustaqil faoliyatini rejalashtirish va tashkil etishni bilish.

3. O`quv jarayonini sahnalashtirish, bunda turli xil faoliyat usullaridan foydalanish, ularga talabalarning moyilligi va qiziqishiga qarab ishlarni taqsimlash ko`nikmasiga ega bo`lish.

4. Tadqiqotchilik tafakkuriga, talabalarda tadqiqotchilik ko` nikmasini tashkil etishni bilishi kerak.

5. Talabalarni yutuq va rivojlanishlarini baholash tizimidan foydalanish.

6. O`quv jarayonida kompyuter texnologiyalaridan foydalanishni bilish.

7. Dars jarayonida suhbat va bahs-munozara olib borish, talabalar o`zlari hoxlab aytmoqchi bo`lgan fikr, qarash va munosabatlarini bayon eta olishlariga yo`naltirilgan muhit yaratish. Nafaqat talabalar bir-birlari bilan, balki o`qituvchi bilan ham shaxsiy qarash va munosabat, tanqidlarni tahlil qilishlari kerak.

**Adabiyotlar:**

1. Axmedova M.T. Pedagogik kompetentlik. Uslubiy qo`llanma.-T:.BROK CLASSERVIS, 2016.-84b

2. Muslimov N.A. kasb ta`limi o`qituvchilarining kasbiy kompetentligi

3. Ziyomuhammedov B. Pedagogik maxorat asoslari. O`quv qo`llanma.-T:. TIB-KITOB,2009.

4. Xo‘jaqulov A.E. Maktabgacha ta’lim tashkiloti tarbiyalanuvchilarida oilaga qadriyatli munosabatni shakllantirish: pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori. ... diss. avtoreferati. – T., 2020. – B.17-18.

5. A.K.Xamrayevna . Maktabgacha yoshdagi bolalarga talim-tarbiya berishda innovatsion texnologiyalarini qollash asosida bolalarning ijodiy faolligini oshirish samaradorligi // - Innovation in the modern education system, 2023.-B.62-66

**РЕЗЮМЕ**

Pedagogik muloqot madaniyati – pedagogning talabalar jamoasi, ota-onalar, hamkasblar, rahbariyat bilan pedagogik odob hamda muloqot talablariga muvofiq holda uyushtiriladigan suhbati

**РЕЗЮМЕ**

Культура педагогического общения – беседа педагога с обучающимися, родителями, коллегами, руководством, организованная в соответствии с требованиями педагогического этикета и общения.

**SUMMARY**

Pedagogical communication culture - a conversation of a pedagogue with the student body, parents, colleagues, management organized in accordance with the requirements of pedagogical etiquette and communication.

# BO‘LAJAK MUTAXASSIS AGRONOMLARNI SHAXSIY-KASBIY RIVOJLANLANISHGA YO‘NALTIRISH, INTEGRATIV YONDASHUVNI TAKOMILLASHTIRISH VA ULARNING KASBIY TAYYORGARLIGINI OSHIRISH METODIKASI

***Alijonova M.R.***
*AndQxi dotsenti, p.f.b.f.d (PhD)*

**Tayanch so‘zlar:** kasbiy kompetentlik, integrativ yondashuv, kasbiy tayyorgarlik, integratsion ta’lim.

**Ключевые слова:** профессиональная компетентность, интегративный подход, профессиональная подготовка, интегрированное образование.

**Key words:** professional competence, integrative approach, professional training, integrated education.

Kirish: Oliy ta’lim tizimida sifatli kadrlar tayyorlashda bo‘lajak mutaxassislarning o‘zi tanlagan kasbi va mutaxassisligi bo‘yicha puxta bilim berish asosida kelgusi amaliy faoliyatida o‘z funksional vazifalarini mukammal bajarishga tayyorlash yo‘nalishlarida olib borilayotgan ilmiy tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishlar jarayonida oliy ma’lumotli mutaxassis shaxsiga va ularning faoliyatiga qo‘yilayotgan zamonaviy talablar asosida ta’limni modernizatsiya qilish, yangilash hamda ta’lim mazmunini izchil rivojlantirib borish bilan bir qatorda, bo‘lajak mutaxassislarga belgilangan malakaviy talablarni ham shaxs va jamiyat extiyojlariga muvofiq izchil takomillashtirib borish zarurati mavjud.

Mamlakatimizda ta’lim tizimining tubdan isloh qilinishi va xalqaro globallashuv ta’sirida informativ, integrativ, kommunikativ yondashuvlarning yuqori darajada dinamik sur’atlar bilan o‘sishi, innovatsion, zamonaviy axborot-kommunikatsiya va ilmiy-metodik ta’minot tizimi yordamida ularning kasbiy kompetentligini rivojlantirish bugungi kunning davr talablaridan biri bo ‘lib e’tirof etilmoqda.

Asosiy qism. Oliy ta’lim jarayonlarini zamonaviy rivojlanishlar bilan muvofiqlashtirishda va takomillashtirishda bo‘lajak mutaxassislarning kasbiy tayyorgarligi, ya’ni ularning professionalligi, kompetentli bo‘lishi alohida e’tirof etiladi. Chunki malakali kadrlar tayyorlash jarayonlari samaradorligini ta’minlash yo‘nalishidagi zamonaviy talablar bo‘lajak mutaxassislar kasbiy kopetentliligini shakllantirish va rivojlantirishga xizmat qiluvchi innovatsion va integratsion ta’lim jarayonlarini samarali tashkil etishni nazarda tutadi. Bizning tadqiqot ishimizning ilmiy- nazariy, metodologik asosi sifatida bo‘lajak mutaxassis agronom kasbiy kompetentligini tizimlilik, mutaxassis mahoratni egallash, shaxsiy-kasbiy rivojlanishga yo‘naltirish va integrativ yondashuvni takomillashtirish kompetentli yondashuv tanlab olingan. Shu nuqtayi nazardan, tizimlilik mazmun- mohiyatida subyekt va obyekt o‘zaro bevosita bog‘langan va kommunikatsiya, informatsiyani nazariy o‘rganib amaliyotga tatbiq qilish jarayonida bir-birini takomillashtiruvchi transformatsiyalovchi elementlardan tashkil topgan yaxlit tizim (hosila) sifatida qaraladi.

Har bir bo‘lajak mutaxassis agronomda kasbiy kompetentliligini rivojlantirish va ularning kasbiy tayyorgarligini oshirish dolzarb masalalardan biridir.

Tadqiqqot olib borishdagi kuzatish va tahlillar bo‘lajak mutaxassis agronomlarda kasbiy kompetentlikni rivojlantirishning nazariy asoslarini o ‘rganish, uni sintez qilish, oliy ta’lim muassasalarida integrativ yondashuvning mashg‘ulot jarayonida ijobiy samara berishi, pedagogik-metodik imkoniyatlarning amaliy tatbiq qilinishi , shu faoliyat jarayonida kasbiy bilim, amaliy ko‘nikma va nutqiy malakalarning takomillashuvi muhim ahamiyat kasb etadi. Shu bois, integrativ yondashuv asosida bo‘lajak mutaxassis agronomlarda kasbiy kompetentlikni rivojlantirish shaxsiy -kasbiy, kreativ sifatlarini zamon talablariga muvofiq o‘stirish soha mutaxassislar tayyorlovchi oliy ta’lim muassasalari professor-o‘qituvchilariga katta mas’uliyat yuklaydi.

Tadqiqot ishimiz doirasidagi o‘quv- metodik, pedagogik -psixologik hamda ilmiy manba va maxsus adabiyotlar tahlili, shuningdek, oliy ta’lim muassalalari tajribasini yaqindan o‘rganib chiqish natijasida quyidagilar aniqlandi: oliy ta’lim muassalalarida o‘qiyotgan bo‘lajak mutaxassis agronomlarda kasbiy kompetentlikni rivojlantirish, ularning kasbiy tayyorgarligini oshirishda, turli o‘quv predmetlararo aloqadorlik, matematika, fizika, kimyo, mantiq, nutq madaniyati, adabiyot, psixologiya, pedagogika, falsaga, infomatika, xorijiy tillarni o‘qitish kabi fanlarining integratsiyalashuvi, ularning funksional imkoniyatlarini tadqiq qilish; oliy ta’lim muassalalari talabalarining tahsil olish jarayonida kelgusida turli innovatsion metodlarni nazariy va amaliy

qo‘llash ko‘nikmasini rivojlantirishning psixologik shartlarini yoritish; kasbiy tayyorlikning shakl va metodlarini takomillashtirish; kasbiy ko‘nikmalarning “me’yoriy model” tuzilishi va tizimini ishlab chiqishdan iborat.

Ilmiy va metodik adabiyotlarni, soha mutaxassislarining tadqiqot ishlarini o‘rganib tahlil qilish natijasida shu ma’lum bo‘ldiki, bo‘lajak mutaxassis agronomlarda kasbiy kompetentlikni rivojlantirishning umumnazariy va metodik masalalari muayyan darajada yoritib, nazariy-metodik jihatdan boyitilgan

Mazkur tadqiqot ishimizning sifat va samaradorligini oshirishda bo’lajak mutaxasis agranomlarda kasbiy kompetentlikni rivojlantirish pirovardida bu sohadagi keng ko’lamli ishlarni bajarish uchun yetuk izlanuvchan, tashabbuskor, raqobatbardosh mutaxassis bo’la oladigan yoshlarning ilmiy va kasbiy faoliyatini mukammal takomillashtirishimiz zarur. Shu bois, avvalo, ularda professional ta’lim va bu ta’lim faoliyatining to’g’ri tashkil qilinishi kasbiy ko’nikma va malakalarning egallanishi bilan mutanosiblikda yuzaga keladi.

Taniqli akademik O‘.Q.Tolipov bo‘lajak o‘qituvchilarda kasbiy ko‘nikma va malakalarni rivojlantirishda pedagogik texnologiyalarning o‘rni hamda ahamiyati uni ta’lim jarayoniga qo‘llashning muhim tomonlarini tadqiq qilgan.

O.A.Abduquddusov tomonidan integrativ yondashuv kasb ta’limi o‘qituvchilarini tayyorlash jarayoniga muammosi tahliliy o‘rganilgan.

Pedagog olim professor N.A.Muslimov bo‘lajak kasb ta’limi o‘qituvchisida kasbiy-pedagogik sifatlarni rivojlantirishning ilmiy-metodik asoslarini tadqiq etib, mutaxassislarning yangi avlodini rivojlantirish, ma’naviy-axloqiy jihatdan yetuk, mustaqil dunyoqarashga ega, ijodiy fikrlovchi, umuminsoniy va milliy qadriyatlarga sadoqatli barkamol shaxsni tarbiyalab, voyaga yetkazish masalalariga alohida e’tibor qaratgan.

M.B.O‘razova “Bo‘lajak kasb ta’limi pedagogini loyihalash faoliyatiga tayyorlash texnologiyasini takomillashtirish” mavzusida tadqiqot olib borib, pedagogika fanlarini o‘rganishda bo‘lajak kasb ta’limi o‘qituvchisining pedagogik loyihalashtirishlar bilimi asosida tayyorgarligi modelini pedagogik loyihalashtirish orqali bo‘lajak kasb ta’limi pedagogining tayyorligini bosqichma-bosqich rivojlantirish texnologiyasi ishlab chiqilgan.

Metodist olim A.R.Xodjabayev esa o‘zining tadqiqot ishida talabalarni kasb egallashga yo‘naltirish o‘quv- pedagogoik jihatlarini uning metodik ta’minotining pedagogik asoslarini ishlab chiqqan hamda ularni amaliyotda qo‘llash yo‘llariga to‘xtalib, mazkur jarayonini ta’minlovchi qator omillar majmuasi va shart-sharoitlari aniqlangan izoh berilgan tizim sifatida

tavsiflangan. Talabada kasbiy kompetentlik rivoji bevosita o‘qitish ishlari samaradorligi bilan belgilanadi. Shu bo‘yicha A.K.Rahimov tomonidan quyidagicha yondoshiladi: “O‘qitishni rivojlantirish talabalarning har tomonlama rivojlanishi, faol yondashuvni rivojlantirish, bilim va ko‘nikmalarni mustaqil egallashi. Bu yerda o‘qituvchi axborot beruvchi, bilim va haqiqat yetkazuvchi emas, balki talabalar faoliyatining faolligini oshiruvchi, izlanish jarayonining tashkilotchisi hisoblanadi.

U.N.Nishonaliev ilmiy tadqiqotida kasb ta’limi pedagog shaxsining innovatsion sifatlari tadqiq etilgan. Bo‘lajak mutaxassis agronomlarda kasbiy kompetentlikni rivojlantirishda pedagogning ko’plab sifatlari qatori innavatsion sifatlar muhim ahamiyat kasb etadi.

Bo‘lajak mutaxassis agronomlarni tayyorlash jarayonida bu jihat markaziy o’rin egallabgina qolmay balki, ularning pedagogic insoniy, shaxsiy takomillashuviga asos bo’ladi. Shu nuqtayi nazardan bo’lajak mutaxasis agranomlarga kasbiy kompetentlikni rivojlantirishning nazariy va uslubiy metodik talablarni egallashlari asoslidir. Shuningdek, O‘zbekistonda o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi rivojlanishining ijtimoiy-pedagogik va nazariy-metodologik asoslari H.F.Rashidovning dissertatsiya ishida o’z tasdig’ini topgan. Bizningcha, bo‘lajak mutaxassis agronomlarda kasbiy kompetentlikni rivojlantirish uzliksiz ravishda olib borilishi uning asl mohiyatini tadqiq qilishga yordam beradi. Shu bilan bir qatorda bo‘lajak mutaxassis agronomlarda kasbiy kompitentlik belgilanga talablarda rivojlanib borishi uchun o’quvchi yoshlarga umumiy o’rta ta’lim va kasb-hunar ta’limida zaruriy imkoniyatlarni yaratish maqsadga muvofiq. U.I.Inoyatov kasb-hunar ta’limi muassasalarida ta’lim sifatini nazorat qilish va boshqarishning nazariy va tashkiliy-metodik asoslarini ilmiy asoslagan.

Boshqaruv va nazorat har bir sohada raqobat muhitini vujudga keltirib, rivojlanish, yuqori sifat va samaradorlik omili bo‘lib xizmat qiladi.

Q.T.Olimovning “Maxsus fanlardan o‘quv adabiyotlari yangi avlodini yaratishning nazariy-uslubiy asoslari” tadqiqotida metodik ta’minot yaratishning pedagogic nazariy, o’quv uslubiy, amaliy asoslanishi e’tirof etilgan. Zamonaviy adabiyotlarning yangi avlodini yaratish konsepsiyasi ilmiy asoslanib, o‘quv jarayoni sifatini oshirish bo‘yicha ilmiy-uslubiy tavsiyalar ishlab chiqilgani yoritilgan. Bo’lajak mutaxasis agranomlarda kasbiy kompitentlikni rivojlantirishda o’quv-metodik ta’minot mazmuniga, integrative, innavatsion, aksiologik, kommunikativ yondashuvlarni singdirish vas hu asosda yangi o’quv adabiyotlarni turli xil shakl va ko’rinishda yaratish

bugungi ta’lim va qishloq xo’jaligidagi dolzarb muammolar yechimiga ijobiy ta’sir ko’rsatadi.

Bo‘lajak mutaxasis agranomlarda kasbiy kompetentlikni rivojlantirishda innovatsion metod va ilg’or pedagogik texnologiyalarni ta’lim jarayoniga tadbiq etish va undan o’quv jarayonida foydalanish ko’zlangan natijaga erishishga yordam beradi.

Binobarin, xorijiy o’qitish tizimida kompetentli yondashuvga oid mazmun mohiyatining nazariy tahlili shuni ko’rsatadiki, o’rgatish zarur bo’lgan faoliyat xulq namunalarini ishonchli va valid ifodalash asosida ta’lim mazmunini ishlab chiqishni nazarda tutuvchi kasbiy-amaliy ta’lim avvaldan konstruktivizm va bixeviorizm falsafasiga asoslangan.




Xulosa. Shunday qilib bo’lajak mutaxasis agranomlarda kasbiy kompetentlikni rivojlantirishda kompetentlik-pedagogik-metodik kasbiy tayyorgarlik - kasbiy kompetentlik va bo‘lajak mutaxassis agranomlarda kasbiy kompetentlik kabi to’rtlikda chambarchas holda tizimli, shaxsga yo’naltirilgan mehnat faoliyatini boshqarishga qaratilgan jarayonlarni har tomonlama tadqiq etoish imkonini beradi. Qo‘yilgan muammoni hal etish uchun «kompetentlik», «kasbiy kompetentlik», «Bo‘lajak mutaxassis agranomlarda kasbiy kompetentlik»tushunchalari mohiyatini aniqlashga asosiy omillarga tayanish ayni muddaodir.

**Adabiyotlar:**

1. Tolipov U.K. Oliy pedagogik ta’lim tizimida umummehnat va kasbiy ko‘nikma va malakalarni rivojlantirishning pedagogik texnologiyalari: Dis. ...ped.fan.dokt. - T.: 2004. -314 b.

2. Xodjaboev A.R. Uchebno-metodicheskiy kompleks podgotovki uchiteley trudovogo obucheniya. Metod. rekom.- T.:,UzNIIPI, 1989. - 93 s.;

3. Rahimov B.X. Bo‘lajak o‘qituvchida kacbiy-madaniy munocabatlarning shakllanishi: Ped. fan. nomz. ... dicc. – T.: 2004. – 160 b.

4. Nishonaliev U.N. Formirovanie lichnosti uchitelya i trudovogoobucheniya. Problemы i prospektivы - T.: Fan, 1990 – 85-s.

5. Rashidov X.F. Teoretiko-metodologicheskie i spesialno-pedagogicheskie osnovы razvitiya srednego spesialnogo, professionalnogo obrazovaniya v Uzbekistane. Diss. ... dokt. ped.nauk. - T.: 2005. - 311 s;

6. Inoyatov U.I. Teoreticheskie i organizatsionno-metodicheskie osnovы upravleniya kontrolya kachestva obrazovaniya v professionalnom kolledje. Diss. … dokt. ped. nauk. – T.: 2003. – 327 s.

7. Olimov Q.T. Maxsus fanlardan o‘quv adabiyotlari yangi avlodini yaratishning nazariy-uslubiy asoslari: Dis. … ped. fan. dokt. – T.: 2005. – 286 b

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqolada bo‘lajak mutaxassis agronomlarda kasbiy kompetentlikni rivojlantirishning nazariy asoslarini o‘rganish, uni sintez qilish, oliy ta’lim muassasalarida integrativ yondashuvning mashg‘ulot jarayonida ijobiy samara berishi, pedagogik-metodik imkoniyatlarning amaliy tatbiq qilinishi, shu faoliyat jarayonida kasbiy bilim, amaliy ko‘nikma va nutqiy malakalarning takomillashuvi, integrativ yondashuv asosida bo‘lajak mutaxassis agronomlarda kasbiy kompetentlikni rivojlantirish shaxsiy-kasbiy, kreativ sifatlar bayon qilingan.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье исследуются теоретические основы развития профессиональной компетентности будущих специалистов-агрономов, ее синтез, положительное влияние интегративного подхода в процессе обучения в высших учебных заведениях, практическое применение педагогических и методических возможностей. Описаны профессиональные знания в процессе этой деятельности, совершенствование практических навыков и речевых навыков, развитие профессиональной компетентности у будущих специалистов-агрономов на основе интегративного подхода, личностно-профессиональных, творческих качеств.

**SUMMARY**

This article examines the theoretical foundations for the development of professional competence of future agronomist specialists, its synthesis, the positive impact of the integrative approach in the learning process in higher educational institutions, the practical application of pedagogical and methodological capabilities. Professional knowledge in the process of this activity, improvement of practical skills and speech skills, development of professional competence of future agronomist specialists based on an integrative approach, personal, professional, and creative qualities are described.

# ESHITISHIDA NUQSONI BO‘LGAN O‘QUVCHILARINI PSIXOLOGIK-PEDAGOGIK TAVSIFLARI

***G‘aynazarov B.D.***
*Andijon qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalar instituti*
*O‘zbek tili, pedagogika va jismoniy madaniyat*
*kafedrasi katta o‘qituvchisi*

**Tayanch so‘zlar:** sadoqat, barkamol, dunyoqarashga, tafakkur, intellektual salohiyat, sensor

**Ключевые слова:** лояльность, совершенство, мировоззрение, мышление, интеллектуальный потенциал, сенсор.

**Key words:** loyalty, perfection, worldview, thinking, intellectual potential, sensor.

Kirish. Eshitishida muammolari bo‘lgan bolalar kishilik jamiyatigagina xos bo‘lgan ma’naviy boylik va qadriyatlarni psixik jarayonlarining o‘zgacha rivojlanishi oqibatida mustaqil holda egallay olmaydilar. Eshitishning inson hayotidagi o‘rni beqiyosdir.Inson va atrof muhit doimiy o‘zaro aloqada bo‘lib, ushbu aloqadorlik turli xil: ko‘rish, eshitish, teri, ta’m, hid bilish, harakat analizatorlari orqali amalga oshiriladi. Eshitish analizatori barcha analizatorlar ichida eng ahamiyatlilaridan sanaladi. I.M. Sechenovning fikricha, ko‘pgina insonlarda eshitish sezgilari boshqa barcha sezgilarga nisbatan kuchliroq bo‘ladi.Ya’ni inson atrof-olamni anglashda sezgi a’zolari ichidan eshitish analizatorini eng ko‘p ishga soladi. [74] Eshitish yordamida atrof olamning turli-tuman tovushlari anglanadi. Quloq insonning tashqi muhit bilan aloqa qilishida vosita bo‘ladigan sezgi a’zolari (organi)dan biridir.

Eshitish organining vazifasi tovushlarni baland, yuqori va yoqimliga ajratishdan iborat.Tovush muhitning tebranishli harakati. Yuqori tovush jismning tebranish tezligini aniqlash bilan o‘lchanadi va u «Gs»(gers) bilan belgilanadi.Inson qulog‘ining tovushlarni eng sezuvchanlik chegarasi 1000-4000 Gersgachadir.

Eshitish idrokining buzulishi oqibatida insonning boshqalardan ajralib qolishi uning rivojlanishida shu qadar ko‘p muammolarni keltirib chiqaradiki, L.S.Vigotskiy ushbu o‘ziga xos muammolarning yuzaga kelishini o‘zaro bir-biriga tobe bo‘lgan sabablar bilan asoslab beradi: “Ijtimoiy tarbiya nutqning rivojlanmaganligiga, nutqning rivojlanmasligi jamoa (kollektiv)dan ajralib qolishga, jamoa(kollektiv)dan ajralib qolish esa bir vaqtning o‘zida ham ijtimoiy tarbiyani, ham nutq rivojlanishini tormozlaydi”. [50]

Zaif eshituvchi bolada inson uchun o‘ta zarur bo‘lgan analizator-eshitish faoliyatining to‘liq emas, qisman buzilishi yuzaga kelgan. Ushbu meyordan chetga chiqish nutqning biroz shakllanishigagina imkon beradi: bola atrofdagilar nutqini qanday eshitsa, shunday o‘zlashtiradi. Zaif eshituvchi bolaning nutqi rivojlana olmasdan qolmay, balki buzilgandir ham.

Surdopedagogika tarixiga nazar tashlasak, turli davrlarda eshitishida muammolari bo‘lgan bolalarni tadqiqot obyekti sifatida o‘rgangan pedagog va olimlar ular orasida u yoki bu holda murojaat etilgan. (J.Kardano, V.I.Fleri, J.Itar, ). Eshitishida qisman nuqsonlari bo‘lgan bolalarni kuzatgan pedagoglar ularning u yoki bu murojaat etilgan .Eshitishida muammolari bo‘lgan bolalar sensor rivojlanish masalalari bir necha asrlar mobaynida ko‘plab o‘qituvchi va metodistlarining e’tiborini jalb qilganiga qaramay, eshitishida muammolari bo‘lgan bolalar sensor rivojlanish holatlari, uni meyorga tenglashtirish yo‘llarini ilmiy asoslagan ishlab chiqish, zamonaviy surdopedagogikaning, ya’ni maxsus maktablardagi ta’lim – tarbiya jarayonini tashkil etish bo‘yicha yondoshuvlarning yangi yo‘nalish olishiga o‘zining qoldirgan boy ilmiy merosi bilan ushbu kunda ham ilm ahlini lol qoldirayotgan L.S.Vigotskiy tomonidan maxsus ta’lim tizimi masalarini yoritib bergan qator asarlar turtki berdi. Olimning 1938 yilda Moskvada bo‘lib o‘tgan kar bolalar maktablari o‘qituvchilari anjumanida qilgan ma’ruzasi maxsus muassasalar ishini tubdan isloh qilish, uni hayotga yaqinlashtirish g‘oyalari bilan yo‘g‘riltirilgan “Jismoniy kamchiligi bor bolalarni tarbiyalash tamoyillari” nomli maqolasi (1924 y.)da asosida olib borildi. [50] L.S.Vigotskiy anjuman ishtirokchilari e’tiborini maqola e’lon qilingandan keyin o‘tgan davr mobaynida rivojlanishida muammolari bo‘lgan bolalarning ta’lim-tarbiyasi jarayonida uncha katta o‘zgarishlar yuz bermagani, uning hamon meyorda rivojlanayotgan bolalarning ta’lim va tarbiyasiga mos holda olib borilmayotgani, shu sababli ushbu kunga qadar ham maxsus muassasalardagi ta’lim-tarbiya ishlari yetarli darajada samara bermayotgani haqidagi dalillarga qaratdi. U o‘zining qator maqolalari asosida olib borgan ushbu ma’ruzasida maxsus maktablarda ta’lim-tarbiyaning asosiy masalasi sifatida uning meyorda rivojlanayotgan bolalar ijtimoiy tarbiyasining

umumiy tamoyillari va uslublari bilan yaqin aloqasini qo‘yadi. Uning fikricha, maxsus maktablarni yangi asosda qayta qurishga yo‘naltirilgan katta ijodiy ish olib borish lozim. “Biz bu ishning asosiy yo‘nalishlarini yoki, aniqroq qilib aytganda, yo‘nalish nuqtalarini belgilab olishimiz kerak”, - deydi u.

L.V.Vigotskiy rivojlanishida muammolari bo‘lgan bolalarga mo‘ljallangan maxsus pedagogikani ijtimoiy tarbiyaning umumiy tamoyil va usullari bilan bog‘lash, maxsus pedagogikani umumiy pedagogika bilan uzviy bog‘lash imkonini beradigan tizimni topish maxsus maktabning bosh vazifasi ekanini ta’kidlaydi.

O‘zining barcha imtiyozli tomonlariga qaramay, maxsus maktabga xos bo‘lgan eng katta-asosiy kamchiliklar bu ularning o‘z tarbiyalanuvchisini nonutqiy bo‘lmagan sharoitlar bilan tashkil etilgan jamoaning tor doirasi bilan cheklab qo‘yishida, deb hisoblaydi. Bu yerda atrofdagi hayotdan ajralgan, cheklangan kichik olam yaratiladiki, unda hamma narsa bolaning kamchiligi hisobga olingan holda rejalashtirilgan va moslashtirilgan, hamma narsa uning diqqatini o‘z jismoniy kamchiligiga qaratadi hamda uni haqiqiy hayotga to‘laqonli moslashtirmaydi. Shunday ekan, bolani alohida kichik olamdan chiqarish maxsus maktabning bosh vazifasi bo‘lmog‘i lozim.

Bolalarni bunday ajratishda maktab ular uchun qat’iy rejalashtirilgan hayot tarzini yaratadi va ularning o‘ziga xos xulq-atvorini shakllantiradi. Maktab-internatdan tashqaridagi hayot haqida esa bolalar cheklangan bilimga ega bo‘ladilar. Olimning fikricha, ular asosan o‘z kamchiliklarini uncha sezmagan holda o‘zlarining yasama olamlarida kun kechiradilar. Shuning uchun, masalan, eshitishda nuqsoni bor bolalar sensor tarbiyaning rivojlantirishga uncha katta ehtiyoj sezmaydilar. Natijada eshitishida nuqsoni bor bolalarning sensorikasini rivojlantirishga qaratilgan hatto juda yaxshi rejalashtirilgan ish ham talabdagi natijani bermaydi.

Eshitishida nuqsoni bo‘lgan tayyorlov va 1- sinf o‘quvchilarini sensor rivojlantirish texnologiyasi 3 blokdan tashkil topgan:

1. Rang
2. Shakl
3. Sonlarni o‘zlashtirish uchun tayyorganlik

Xar bir blok o‘zlashtirish ketma-ketligi, qo‘llaniladigan usullar, ushbu usullar bo‘yicha o‘yinlar, materialni kun davomida mustahkamlash kabi bo‘limlar yoritilgan.

RANG

Bolalarni quyidagi ranglar bilan tanishtiriladi:

1. Qizil-ko‘k-sariq

2. Zangor: to‘q zangor, och zangor, och zangor;

3. Qora-kulrang-oq;

4. Oshqovoqrang-jigarrang;

Usul. Qizil-sariq-ko‘k ranglari bilan tanishtiriladi. Farqlash-nomlash-sistemalashtirish kabi usullar qo‘llaniladi.

Jihozlar: 10ta qizil, 10ta ko‘k yoki 10 ta sariq piramidka o‘yinchog‘ining aylanalari, aylanalar ranggi bir xil bo‘lishi kerak faqat katta kichikligi bilan farqlanishi kerak.

Tasniflash uchun o‘yin

Huddi shu rangdagi predmetni top

Bolalar juftini hosil qiladilar. o‘qituvchi har bir juft bolaga qizil, sariq, ko‘k rangdagi kartochkalar tarqatadi. O‘qituvchi har bir qog‘ozdagi yasvirni qanday rangdaligini aniqlab har xil rangdagi piramidkalar aralashmasi turgan stol oldiga yaqinlashadilar. Qog‘ozida qizil rang tasvirlangan bolalar qizil rangli piramida aylanalarini, qog‘ozida ko‘k rang tasvirlangan bolalar ko‘k rangli piramida aylanalarini tanlaydi. O‘yin oxirida bolalar barcha rangdagi aylanalarni (to‘rtburchaklar, uchburchaklar, kublar) birlashtirib parovoz holatiga keltiradi va har bir vagonchasni alohida ranggiga urg‘u bergan holatda aytib o‘tadi va mustahkamlaydi.

Nomlash uchun o‘yinlar

Predmetning ranggini ayt

Bola (yoki o‘qituvchi) qo‘liga (qizil, ko‘k, yoki sariq) rangdagi tayoqcha yoki koptokchani ikkala qo‘lidan biriga yashiradi bolalarga bu predmetlar uning qaysi qo‘lida ekanligini topishini taklif etadi.

Kiyimni qanday rangda ekanligini top

Bir dona o‘rinni bo‘sh qoldirgan holatda bolalar aylana shakllarda stulchalarga o‘tiradilar. Boshlovchi aytadi: yonimdagi o‘ng tomonda bitta joy bo‘sh, uni qizil kiyimdagi qizcha egallashini hohlayman (yoki, ko‘k ko‘ylakdagi bolacha) egallashini xohlayman.

Kun davomida o‘rganilgan materialning mustahkamlanishi o‘qituvchining ranglar haqida olgan ma’lumotini mustahkamlash uchun tarbiyachilar bolalarning kun davomidagi faoliyatini har xil o‘yinlar tarzida olib borish kerak.

Bu faoliyatni qanday va qachon olib borish kerak? Bu masalani quyida keltirilgan va ta’limning boshqa bosqichlarida ham qo‘llash mumkin bo‘lgan o‘yin va mashqlar yordam beradi. Asosiysi – bolalarning rangga bo‘lgan diqqatini oshirish. Bolalarni kitobdagi rasmlar bilan tanishtirishda tarbiyachi asosan o‘rganilayotgan rangga asoslangan rasmli kitoblarni tanlashi kerak.

Pedagog bolalar bilan rasmli kitoblarni ko‘rib chiqadi va o‘rganadi. Tarbiyachi bolalar bilan muloqoti davomida bolalarga o‘zlari yoqtirgan ranglarini aytishni taklif qiladi. Rasm chizish davomida tarbiyachi bolalarga berilgan ranglar asosida (ko‘k, qizil, rariq) ranglardan foydalanishini taklif etadi. Qo‘l mehnati asosida narsalar yasash davomida ham bolalar tarbiyachi tavsiya etgan rangli qog‘ozlardan (qizil, ko‘k, sariq) lardan foydalanadi.

Xulosa qilib aytganda, ta’limiy tajriba-sinovning mazmuni va metodikasini ishlab chiqishda eshitishida kamchiligiga ega bo‘lgan tayyorlov sinf bolalarning ta’lim-tarbiyasida o‘quv reja, dasturlar tayyorlov sinfda ”Ilk qadam” maktabgacha ta’lim muassasasi davlat o‘quv dasturiga tayanildi va 1 sinfda esa “Elementar matematika”, “Tevarak atrof bilan tanishtirish, “Nutq o‘stirish”, “Tasviriy san’at” darslar mazmuniga sensor tarbiya ishlanmalari kiritildi va texnologiyamizning 3 bloki bo‘yicha ulardagi mavzular takomillashtirildi.

**Adabiyotlar:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekistonning yangi taraqqiyot davrida ta’lim-tarbiya va ilm-fan sohalarini rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2020 yil 6 noyabrdagi PF-6108-sonli Farmoni. https://lex.uz/docs/5085999

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2017 — 2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar Strategiyasini “Yoshlarni qo‘llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili”da amalga oshirishga oid Davlat Dasturi to‘g‘risida”gi 2021 yil 3 fevraldagi PF-6155-sonli Farmoni. https://lex.uz/docs/5260791

3. Kukushkina O.I. Ispolzovaniye informatsionnix texnologiy v razlichnix oblastyax spetsialnogo obrazovaniya // Avtoreferat dissertatsii. Moskva, 2005 g. - 58 s.

4. Gaynutdinov X.M. Proforiyentatsionnaya i sotsialnaya adaptatsiya vipusknikov shkol gluxix v usloviyax Uzbekistana.: Avtoref.dis...kand. ped. nauk. – M.: NIID APN. 1990.

**РЕЗЮМЕ**

Ta’lim respublikamizni ijtimoiy taraqqiyotida ustuvor deb e’lon qilingan, demak O‘zbekistonimizning kelgusi rivojlanishiga o‘zining munosib hissasini qo‘sha oladigan har tomonlama yetuk, barkamol insonni tarbiyalash hozirgi kunning eng muhim vazifasi sanaladi.

**РЕЗЮМЕ**

Образование объявлено приоритетом социального развития нашей республики, а это значит, что важнейшей задачей современности является воспитание всесторонне зрелой и всесторонне развитой личности, способной внести достойный вклад в будущее развитие. Узбекистана.

**SUMMARY**

Education has been declared a priority for the social development of our republic, which means that the most important task of our time is the education of a fully mature and comprehensively developed personality capable of making a worthy contribution to future development. Uzbekistan.

# BO‘LAJAK MUTAXASSISLARNI O‘QITISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNING ROLI

***Qambarov A.M.***
*Andijon qishloq xo‘jaligi va agrotexnologiyalar instituti*
*“O‘zbek tili, pedagogika va jismoniy madaniyat”*
*kafedrasi katta o‘qituvchisi*

**Tayanch so’zlar:** ta’lim, pedagogik texnologiyalar, didaktik jarayonlar.
**Ключевые слова:** личност студента, инноватsiя, педагогическая технология, учебный протсесс, воспитателный протсесс, сотсиалная культура студента, профессионализм.
**Key words:** personality of the student, innovation, pedagogical technology, educational process, educational process, student social culture, professionalism.

Respublikamizda ijtimoiy-siyosiy va iqtisodiy holatlarning jadal sur’atlarda rivojlanishi pedagoglar, chunonchi qishloq xo‘jaligi sohasidagi oliy ta’lim pedagoglari oldiga pedagogik nuqtai nazardan quyidagilarni qayta ko‘rib chiqish va takomillashtirishni taqozo etadi. Oliy ta’lim muassasalaridagi talabalarni tarbiyalash texnologiyalarini;

- talaba yoshlarni tarbiyalashning integrallashgan, bosqichma-bosqich ta’lim-tarbiya mexanizmini ishlab chiqish va uni bevosita amaliyotga, ta’lim tizimiga joriy qilish;
- talaba yoshlarni tarixiy, milliy, umuminsoniy qadriyatlar ruhida tarbiyalash;
- sog‘lom ijtimoiy muhitni shakllantirish orqali milliy g‘oyani ularning qalbi va ongiga singdirishga erishish;
- yaxshi tayyorgarlikga ega bo‘lgan, sifatli mutaxassis tayyorlashda asosiy e’tiborni nafaqat mutaxassis tayyorlashga emas, balki aqli raso komil insonni, milliy g‘oya bilan tarbiyalangan, ijodiy fikrlaydigan va axborotlarga tanqidiy nuqtai nazardan ishlov beradigan, vatanimizda bo‘layotgan turli o‘zgarishlar va hodisalarni o‘z qalbida his qiladigan, buning ravnaqi uchun jon kuydiradigan, hayotiy muammolarni hal qilishda uzoqni ko‘rabiladigan professionalni tarbiyalashga qaratmoq zarur. Mamlakatimizda barcha sohalar bo‘yicha jadal rivojlanish, modernizatsiya qilish kechayotgan bir paytda,

qishloq xo‘jaligi xodimlarini tayyorlaydigan oliy ta’lim muassasalarida ham, ta’lim tarbiya jarayoniga yangicha yondoshishni, shaxsni har tomonlama (ma’naviy barkamol, ijodiy fikrlaydigan, hayotning barcha ko‘rinishlarida muvaffaqiyatli echim qabul qilaoladigan) rivojlantirishni taqozo etadi. Ta’lim jarayonidagi maqsadlarining zamonaviy sharoitlarga mos ravishda o‘zgarib borishi tarbiyaning mohiyatini yangicha talqin qiladigan integrallashgan ta’lim tarbiya tizimini takomillashtirishni olg‘a suradi. Tarbiyaviy faoliyatning zamonaviy konsepsiyalarida tarbiyaning mohiyatini ochib beruvchi bir qancha tushunchalar mavjud:

- tarbiya shaxsni rivojlanishini maqsadli yo‘naltirilgan boshqarish jarayoni ko‘rinishida
- tarbiya shaxsni rivojlanishi uchun shart-sharoitlarni yaratish ko‘rinishida
- tarbiya shaxsni ijtimoiy shakllanish jarayonini boshqarish ko‘rinishida lichnosti
- tarbiya shaxsni rivojlanishini qo‘llab-quvvatlovchi psixologik-pedagogik jarayon ko‘rinishida
- Alhosil, tarbiya bizlar uchun yo hayot – yo momat, yo najot – yo halokat, yo saodat – yo falokat masalasidir
- Ta’lim-tarbiya jarayoni individning faqatgina bilim, ko‘nikma va malakalarini shakllantirib qolmasdan, balki tarbiyalanuvchi shaxsiga kompleks ravishda ta’sir etuvchi ijtimoiy muhit doirasida amalga oshadi
- Ta’limni tarbiyadan, tarbiyani esa ta’limdan ajratib bo‘lmaydi – bu sharqona qarash, sharqona hayot falsafasidir
- Tarbiya bilan bir bolani oltin etmoqlik mumkin, tuproq ham qilmoq ham qilmoq mumkin. Barcha keltirilgan tushunchalar tarbiyaning asosiy bosh g‘oyasini aks ettiradi – shaxsning potensial imkoniyatlarini va dolzarb rivojlanish yo‘nalishlarini, uning kasbiy imkoniyatlari va talablarini, o‘zini-o‘zi anglab etishga, o‘zini-o‘zi boshqara olishga tayyorgarligini. Tarbiya qanday qilib shaxsni ijtimoiy shakllanish jarayoniga ta’sir ko‘rsatadi? Shaxsning ijtimoiy shakllanishi muvaffaqiyatli, vataniga sodiq bo‘lishi uchun tarbiya konkret tarzda nimalarni ta’minlashi mumkin? Shaxsni ijtimoiy shakllanish jarayonini boshqarish bo‘yicha tarbiyaning funksiyalari qanday? Bu savollar, ko‘rinib turibdiki izlanishlarni, uning echimlariga ijodiy yondashishni, nazariy jihatdan asoslashni va amaliyotda uni amalga oshirishning usullari, metodlarini aniqlashni talab qiladi. Olib borilayotgan amaliy-ilmiy izlanishlar doirasida yosh avlodni barkamol ruhda tarbiyalash, komil insonni voyaga etkazishdagi izchillik, inson qalbida Vatanga sadoqat ruhini shakllantirishda milliy-ma’naviy va umuminsoniy qadriyatlarning o‘rni va roli qay darajada ekanligini tahlil qilib, kelajak

avlodni, xususan axborot texnologiyalari va qishloq xo‘jaligi sohasidagi talabalarni, munosib tarbiyalashning o‘quv-uslubiy tizimini yaratish ko‘zda tutilgan. Buyuk davlat, buyuk kelajagimizga erishish uchun oqil, ma’rifatli, ayni paytda o‘zining o‘tmishi, ulug‘ qadriyatlari, millati bilan faxrlanadigan va kelajakka ishonadigan insonlarni tarbiyalashimiz kerak. Biz oldimizga tarbiya sohasini yanada takomillashtirish bo‘yicha konkret masalalarni qo‘ymoqdamiz:

- na faqat raqobatbardosh mutaxassislarni ;
- bozor iqtisodiyoti talabiga mos keladigan;
- shaxsiy maqsadlariga erishaoladigan va manfaatlarini muxofaza qilaoladigan mutaxassisni tayyorlash emas.

Amerikalik psixolog olimlar R.Karnikau va F.Makelrouning o‘rganishlariga ko‘ra shaxsning tabiiy fiziologik-psixologik imkoniyatlari muayyan shakllarda o‘zlashtirilgan bilimlarni turli darajada saqlab qolish imkonini beradi. Ya’ni shaxs: manbani o‘zi o‘qiganida 10 %; ma’lumotni eshitganida 20 %; sodir bo‘lgan voqea, hodisa yoki jarayonni ko‘rganida 30 %; sodir bo‘lgan voqea, hodisa yoki jarayonni ko‘rib, ular to‘g‘risidagi ma’lumotlarni eshitganida 50 %; ma’lumot (axborot)larni o‘zi uzatganida (so‘zlaganida, bilimlarini namoyish etganida) 80 %; o‘zlashtirilgan bilim (ma’lumot, axborot)larni o‘z faoliyatiga tatbiq etganida 90 % hajmdagi ma’lumotlarni yodda saqlash imkoniyatiga ega.

Shunga ko‘ra interfaol o‘qitish “ta’lim jarayonining asosiy ishtirokchilari – o‘qituvchi, o‘quvchi va o‘quvchilar guruhi o‘rtasida yuzaga keladigan hamkorlik, qizg‘in bahs-munozalar, o‘zaro fikr almashish imkoniyatiga egalik asosida tashkil etiladi, ularda erkin fikrlash, shaxsiy qarashlarini ikkilanmay bayon etish, muammoli vaziyatlarda yechimlarni birgalikda izlash, o‘quv materiallarini o‘zlashtirishda o‘quvchilarning o‘zaro yaqinliklarini yuzaga keltirish, “o‘qituvchi – o‘quvchi – o‘quvchilar guruhi”ning o‘zaro bir-birlarini hurmat qilishlari, tushunishlari va qo‘llab- quvvatlashlari, samimiy munosabatda bo‘lishlari, ruhiy birlikka erishishlari kabilar bilan tavsiflanadi”.

Bizning bosh maqsadimiz ijodiy salohiyatga ega bo‘lgan, ilmiy dunyo qarashi shakllangan, yuqori madaniyatli va fuqorolik ma’suliyatini anglab etgan, zamonaviy kasbiy faoliyatni puxta egallagan, kelajagimizning porloq ma’naviy tamoyillari bilan sug‘orilgan, haqiqiy ruhan tetik mutaxassisni tayyorlash.

**Adabiyotlar:**

1. Orlov K. A. Osobennosti formirovaniya gumannosti na otdelnых etapax razvitiya lichnosti// Sovershenstvovanie uchebno-vospitatelnogo protsessa v obrazovatelnom uchrejdenii: sb. nauch. trudov. – M.: MGGU im. M. A. Sholoxova, 2007. – S. 162-165.

2. Xajieva I. A., Yusupov F. K probleme vospitaniya obrazovannogo i intellektualno razvitogo studenta v sovremennoy sotsiokulturnoy situatsii //Ilm sarchashmalari, UrDU, Urganch. – 2012, №11. – 86-89 s.

3. Abdulla Avloniy. Turkiy Guliston yoxud axloq. T. O‘qituvchi. 1992. – 14 b
4. Ibraximov A. Vatan tuyg‘usi. T. O‘zbekiston. 1996. – 110 b. Karimov I.

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqolada o‘qitishda innovatsion texnologiyalarning roli va ta’lim metodlari dastlab pedagog ongida muayyan yo’nalishdagi faoliyatning umumlashma loyihasi tarzida namoyon bo’lish xususiyatlarini ko’rish mumkin. Mazkur loyiha amaliyotga o’qituvchi va o’quvchilar faoliyatining o’zaro tutashuvi, o’qitish va o’qishga qaratilgan aniq harakatlar, amallar yoki usullar majmuasi sifatida joriy etiladi. Metod boshqa shakllarda namoyon bo’lmaydi, buning boisi ta’lim metodi o’zida umumiy holda faoliyatning didaktik modelini ifoda etadi.

**РЕЗЮМЕ**

В работе, реч идет о формировании личности студента нового типа, умеющего адекватно ориентироватся и действоват в изменяющейся сотсиокултурной ситуатсии, т. е. студент вуза должен быт гуманным, гуманно образованным, способным менят себя и сотсиум, быт способным активно решат насущные проблемы профессионалной деятелности.

**SUMMARY**

In job, the speech goes about formation of the person of the student of a new type able adequately to be guided and to work in varied By sociological culture of a situation, i.e. the student of high school should be humane, Humanely formed (humanely educated), capable to change itself and sotsium, be capable actively to decide (solve) essential problems of professional activity.

# ZAMONAVIY TA’LIMDA O’QUVCHILARNING MANTIQIY FIKRLASH QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISH

***Akmaldinova F.***
*Andijon davlat pedagogika instituti*
*Boshlang’ich ta’lim metodikasi kafedrasi o’qituvchisi*

**Tayanch so’zlar:** fikrlash, mantiq, tafakkur, bilish, analiz, sintez.
**Ключевые слова:** мышление, логика, мышление, знание, анализ, синтез.
**Key words:** thinking, logic, thinking, knowledge, analysis, synthesis.

Yurtimizda so‘ngi yillarda olib borilayotgan islohatlar samarasi o‘laroq ta’lim tizimiga qo‘yilayotgan talablar va ularning mazmun-mohiyatiga alohida e’tibor qaratilib, Harakatlar strategiyasi hamda uning uzviy davomi Taraqqiyot strategiyasida ta’lim tizimini tubdan isloh qilish, ta’lim sifati va samarasini oshirish, ta’lim xizmatining tashkiliy-huquqiy asoslarini rivojlantirish borasida yetarlicha chora-tadbirlar belgilab berildi.

Bugungi umumiy o‘rta ta’lim tizimida olib borilayotgan islohatlar negizida ham o‘quvchi shaxsini har tamonlama rivojlantirish, uni barkamol avlod etib voyaga yetkazish o‘qitishning asosiy maqsadini tashkil etadi. Ayni vaqtda umumiy o‘rta ta’lim o‘quvchisining jahon standartalariga javob bergan holda ijtimoiy muloqot madaniyatiga ega bo‘lishi, glaballashuv sharoitida yuz berayotgan axborotlarni mustaqil sharxlay olishi, uning mazmunidan to‘g‘ri hukm va xulosa chiqara olish malakasiga ega bo‘lishi muhim ijtimoiy ahamiyatga egadir.

Shu o‘rinda Muhtaram Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyevning “Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma’naviy salohiyatga ega bo‘lib, dunyo miqyosida o‘z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo‘sh kelmaydigan insonlar bo‘lib kamol topishi, baxtli bo‘lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz”, – degan fikrlarini qayd etishni o‘rinli deb bilamiz. Mana shu safarbarlikning asosiy yuki esa, albatta, o‘rta ta’lim bosqichida amalga oshiriladi. Sababi “milliy

o‘zlikni anglashning o‘sib borishi, vatanparvarlik, o‘z vatani bilan faxrlanish tuyg‘usining shakllanayotganligi, boy milliy, madaniy-tarixiy an’analarga va xalqimizning intellektual merosiga hurmat” “Ta’lim to‘g‘risidagi Qonun”da mutaxassislar tayyorlash tizimini tubdan isloh qilishning muhim omillaridan biri sifatida qayd etilgan.

Hozirgi globallashuv sharoitida o‘quvchi shaxsini tarbiyalash zamon va taraqqiyotning talabi bilan o‘qituvchidan kuchli intelektual qobiliyat va pedagogik mahorat talab qilmoqda. Sababi, rivojlanagan va rivojlanayotgan mamlakatlarning yutug‘i ham ta’lim jarayoniga qo‘yilayotgan talablarning samaradorligi hisobidan yuz berayotganligini inkor eta olmaymiz. Chunki bugugungi kun o‘quvchisini barkamol shaxs etib tarbiyalashga erishish, kelajakda mamalakatning har bir sohadagi rivojlanishiga bevosita bog‘liq hodisa hisoblanadi. Yurtimizdagi ta’lim sohasida yuz berayotgan islohatlar ortida mustaqil fikrlaydigan, yuz berayotgan siyosiy-ijtimoiy jarayonlarni teran tahlil eta oladigan, mamalakat taraqqiyotida o‘zining pozitsiyasiga ega bo‘lgan, dunyoqarashi keng, zakiy, zukko barkamol avlodni tarbiyalash masalasi turibdi. Bunga erishish esa o‘quvchini shaxs sifatida shakllantirishda uning fikrlash jarayonlarini to‘g‘ri rivojlantirishdan boshlanadi.

Fikrlash – bu inson sezgi organlari va aqliy faoliyatining birligi natijasi o‘laroq, mustaqil ravishda tahlil qilish, umumlashtirish, induktiv va deduktiv xulosalar chiqarish, taqqoslash, aniqlashtirish, mavhumlashtirish kabi fikriy operatsiyalardan foydalangan holda amalga oshriladigan aqliy faoliyatdir.

Rus olimi V.M. Klarin fikrlashni quyidagicha talqin etadi: “Normal insonni fikrsiz tasavvur qilib bo‘lmaydi. Har on, har daqiqada inson miyasi qandaydir fikrlar bilan band. Ularni tartibga solish, keragiga qaratish, ichki yoki tashqi nutq yordamida uni yechish - fikrlash jarayonidir”. Olimning qarashlaridan anglash mumkinki, fikrlash jarayoni til va tafakkur munosabatining mahsuli. Mantiqning o‘rganish obekti bo‘lgan tafakkur fikrlashning yuqori pog‘onasi sifatida nutq jarayonlarida amalga oshadi.

Tadqiqotchi B.Norboboyev o‘zining mantiqiy fikrlashni rivojlantirishga qaratilgan ilmiy izlanishlarining birida: “Fikrlash – shaxs bilish faoliyati jarayoni bo‘lib, voqealikni bevosita va umumlashgan holda aks etishi bilan xarakterlanadi. Fikrlash fanlararo tadqiqoqtlarni, kompleks fanlarni o‘zida mujassamlashtiradi. Fikrlash insonga haqiqat hodisalari o‘rtasidagi aloqalarni topish imkonini beradi, lekin aniqlangan bog‘liqlik haqiqatdan vaziyatnign aniq holatini aks ettirish uchun u obektiv, to‘g‘ri yoki boshqacha aytganda, mantiqqa tayangan, mantiq qonunlariga mos bo‘lishi kekrak”, ekanligini ta’kidlaydi.

Bilamizki, insoniyat qadimdan ma’lum bir qonuniyatlar o‘lchovida harakatlangan. Nafaqat insoniyat, balki butun olam, xoh u tabiat bo‘lsin, xoh u inson anglayolmaydigan sirli hodisotlar bo‘lsin, doimo o‘ziga xos mantiqiylikka ega bo‘ladi. Yoki hech bo‘lmaganda bashariyat bunday hodislarga mantiqiy izohni topishga harakat qiladi. Xullas, odam va uning atrofida yuz berayotgan barcha jarayonlar, inson fikrlashining keng ma’noda tafakkurining taraqqiyoti muayyan mantiqiylika tayanadi. Demakki, har qanday fikrlash jarayonlari (ijodiy, tanqidiy, kereativ, eksperemental va boshq.) mantiqiylikdan uzilmagan holatda sodir bo‘ladi. Mantiq ilmida qator izlanishlar olib borgan olimlardan biri V.I.Kirillov tabiat, jamiyat va inson o‘rtasidagi o‘zaro aloqadorliklarda obektiv va subektiv mantiqiylik borligini to‘g‘ri ajratib berganligini alohida etirof etishimiz mumkin. Haqiqatdan ham yon atrofda sodir bo‘layotgan jarayonlar, qolaversa tafakkurimizda yuz berayotgan hodisalarda muayyan mantiqiylik bor ekanligini doimo his etib turamiz. Agar bu jarayonlar mantiqiylikdan uzilsa, ularning ahmiyati ham, qiymati ham yo‘qoladi.

Aytish kerakki, o‘quvchi shaxsini tarbiyalashda ham uning fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirar ekanmiz, bilish jarayonlarida o‘quvchining mantiqiy fikrlashga o‘rgatish borliqni to‘g‘ri o‘zlashtirishida va o‘zgartirishida muhim hodisa sanaladi.

Mantiqiy fikrlashga bilish jarayonlarining eng qadimiy va umrboqiy turi sifatida qarashimiz uning ahamiyatini yanada barqarorlashtiradi. Shu o‘rinda mantiq so‘zining lug‘aviy ma’nosiga ahamiyat qaratsak, “mantiq” so‘zining kelib chiqishi arabcha so‘z hisoblanib (grekcha “logika” atamasiga mos keladi), uning ma’nosi «fikr», «so‘z», «aql», «qonuniyat» kabi ma’nolarni anglatadi. Uning ko‘p ma’noligi turli xil narsalarni ifoda qilishda o‘z aksini topadi. Xususan, mantiq so‘zi, birinchidan, obektiv olam qonuniyatlarini, ikkinchidan, tafakkurning mavjud bo‘lish shakllari va taraqqiyotini, shu jumladan, fikrlar o‘rtasidagi aloqadorlikni xarakterlaydigan qonun-qoidalar yig‘indisini ifoda etishda ishlatildi.

Dastlab mantiq ilmini Aristotel alohida fan sifatida shaklllantirdi. U mantiqni o‘rganadigan obektlar ko‘lamini aniqlab berdi. Aristotel mantiqni “ma’lum bilimlardan noma’lum bilimlarni aniqlovchi”, “chin fikrni xato fikrdan ajratuvchi” fan deya e’tirof etadi. Bundan anglashiladiki, mantiq ilmining maqsadi o‘z-o‘zidan insonni mantiqiy fikrlashga o‘rgatish, yuritilayotgan mulohazlarning aniqligi va isbotliligiga erishishdir.

O‘rta Osiyoda ham falsafa va mantiq mustaqil fan sifatida taraqqiy etdi. Bunda Farobiy, Ibn Sino, Beruniy, Umar Hayyom, Alisher Navoiy, Bedil kabi buyuk mutafakkirlarning xizmati katta bo‘ldi. Farobiy o‘zining „Mantiqqa

kirish“, „Ilmlarning kelib chiqishi va tasnifi” asarlarida mantiq masalalariga ilmiy bilish metodlari deb qaragan Farobiy fikricha, mantiq insonlarni bilish jarayonidagi turli xato va adashishlardan saqlaydi. Farobiy tushuncha, hukm va ularning turlari, xulosa chiqarish, sillogizm va uning figuralari, moduslarini tahlil qildi. Sillogizm va isbotlash usuli eng to‘g‘ri, haqiqatga olib keluvchi usul deb hisobladi.

Gegel esa, falsafa mantiq shaklida mavjudligini, uning o‘rganish ob’yektini tafakkur tashkil etishini, mantiqning asosiy vazifasi haqiqatni aniqlash, unga erishish yo‘llarini o‘rganish ekanligini ta’kidlaydi. Allomalarnig fikrlaridan ayon bo‘ladiki, mantiq ilmining vazifasi uning obekti bo‘lgan tafakkur va uning shakllari (tushuncha, hukm, xulosa), qonuniyatlari (yetarli asos, ayniyat, nozidlik, istisno) orqali borliqni to‘g‘ri anglash va munosabatlarni to‘g‘ri tahlil etishga qaratiladi. Anglash jarayoni esa bevosita mantiqiy fikrlash jarayonida sodir bo‘ladi.

Aytish joizki, mantiq dalil keltirish va xulosa chiqarish prinsiplarini o‘rganuvchi falsafiy tadqiqotdir. Formal fan sifatida mantiq abstrakt unsurli tizimlarni tadqiq etadi, bu unsurlar ta’kid yoki argumentlar bo‘lishi mumkin. Mantiq muammolari o‘zi ichiga paradokslar, xatolar, sabab va oqibatlar orasidagi bog‘lanishlarga oid savollarni oladi. Mantiq – to‘g‘ri tafakkur yuritishning asosiy qonunlari va shakllari haqidagi fan. Demak mantiqning quroli – tafakkur hisoblanadi.

Xulosalardan kelib chiqib mantiqiy fikrlashni quyidagicha talqin etishga harakat qilamiz. Mantiqiy fikrlash – fikrlashning eng yuqori darajasi bo‘lib, u fikrlarning uzviy bog‘langan ketma-ketligini isbotlangan holda, mantiqiy qonuniyatlar talabiga mos ravishda til va tafakkur birligidan hosil bo‘luvchi aqliy mushohada. Shuningdek, uning xarakterli tamoni, mantiqiy fikrlash – barcha fikrlash jarayonlarining yadrosi hisoblanadi.

Demak, har qanday fikr mantiqiy yondashuvdan kelib chiqadi. Insonning mantiqiy tafakkurini rivojlantirish uning butun bilish jarayonlarida hamda uning ijtimoiylashuvida, dunyoqarashlarida muhim omil sanaladi. Shunday ekan, har qaysi jamiyatda ham mantiqiy fikrni rivojlantirish muhim vazifalardan biridir.

Ba’zi tadqiqotchilarning fikricha, mantiqiy fikrlashni faqat o‘quv fanlarini o‘rganish orqali rivojlantirish samarasiz, bu yondashuv mantiqiy fikrlash texnikasini to‘liq o‘zlashtirishni ta’minlamaydi va shuning uchun mantiq bo‘yicha maxsus o‘quv kurslari zarur (Yu. .I.Vering, N.I.Lifinseva, V.S.Nurgaliev, V.F.Palamarchuk). Boshqa bir guruh tadqiqotchilar (D.D.Zuev, V.V.Kraevskiy) o‘quvchilarning mantiqiy tafakkurini rivojlantirish o‘quv fanlarining o‘ziga xos fan mazmuniga urg‘u berish, ularda uchraydigan

mantiqiy amallarni aniqlash va tushuntirish orqali amalga oshirilishi kerak, deb hisoblaydi. Ammo bu masalani hal qilishda qanday yondashuv bo‘lishidan qat’iy nazar, ko‘pchilik tadqiqotchilar o‘quv jarayonida mantiqiy fikrlashni rivojlantirishda quyidagilarni belgilaydilar: o‘quvchilarda kuzatilgan obektlarni taqqoslash, ulardagi umumiy xususiyatlar va farqlarni topish qobiliyatini rivojlantirish; obektlarning muhim xususiyatlarini ajratib ko‘rsatish va ularni ikkilamchi, ahamiyatsizlaridan chalg‘itish (mavhum) qobiliyatini rivojlantirish; o‘quvchilarni har bir komponentni tushunish uchun obektni uning tarkibiy qismlariga ajratish (tahlil qilish) va qismlarning va yaxlit obektning o‘zaro ta’sirini o‘rganishda aqliy ravishda ajratilgan narsalarni bir butunga birlashtirish (sintezlash) ni o‘rgatish; maktab o‘quvchilarini kuzatishlar yoki faktlardan to‘g‘ri xulosa chiqarishga o‘rgatish va bu xulosalarni tekshira bilish; faktlarni umumlashtirish qobiliyatini shakllantirish; o‘quvchilarda o‘z hukmlarining haqiqatini ishonchli isbotlash va noto‘g‘ri xulosalarni rad etish qobiliyatini rivojlantirish; o‘quvchilarning fikrlari aniq, izchil, izchil va asosli bayon etilishini ta’minlash.

Jumladan, professor Sh.Yusupova o‘z tadqiqot ishida mantiqiy fikrlash qonuniyatlarini o‘quvchilarga singdirish nutqiy qobiliyatlarini rivojlantirishda

muhim omil ekanligini qayd etib, “Hozirgi o‘zbek adabiy tilini o‘qitishda mantiqiy qonunlarni e’tiborga olish nutqqa, til o‘qitishga til va nutq, til va tafakkur dialektikasi asosida qarashni talab etadi”, degan edi.

Respublikamiz olimlarining umumta’lim makatabi o‘quvchilarning mantiqiy fikrlashini rivojlantirish borasida turli fanlar kesimida olib borgan ilmiy tadqiqot izlanishlari ham bu jarayonni muhim faoliyat ekanligini isbotlab bergan. B.X.Xo‘jayev tadqiqot ishida umumta’lim maktablari o‘quvchilarining mustaqil fikrlashini shakllantirishning asosiy omillarini sanab o‘tar ekan fikrlashga matiqiy yondashuvsiz erishib bo‘lmasligini uqtiradi. Sh.O.Toshpo‘latova esa fizika darslarida mantqiy fikrlashni rivojlantirish fizik hodislarni o‘rganishda eng zaruriy sharti ekanligini ta’kidlagan. Pisixolog Sh.R. Samarova esa o‘quvchilarining fikrlash jarayonlarini diagnostika qilishda asosiy e’tiborni ularning mustaqil va mantiqiy fikrlashiga qaratadi. Bu jarayon bola shaxsini ijtimoiylashuvida muhim ahamiyatga ega ekanligini ko‘rsatib bergan. M.R. To‘raboyeva o‘zining ilmiy izlanishlarida talabalarda kerativ kompetensiyalarni shakllantirish avvalo ularning fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish bilan uzviy bo‘g‘liqligini ta’kidlaydi. Kerativ kompetensiyalarni mantiqiy tafakkurning mahsuli deb qaraydi.

Umumta’lim maktablarida o‘quvchilarning mantiqiy fikrlashini rivojlantirish, unga yangi bilim berish kabi muhimdir. Bilim qurol bo‘lsa, mantiq undan

foydalanish qobiliyatidir. Ma’lumki, mantiqiy fikrlashni rivojlantirish bilimlarni o‘zlashtirish bilan bir vaqtda amalga oshirilishi kerak. Mantiqiy fikrlash tug‘ma iste’dod emasligini hisobga olib, o‘quvchilarning bu boradagi qobiliyatlarini shakllantirish kichik maktab yoshidanoq amalga oshirilishi kerak. Yuqori sinf bosqichlarida mantiqiy fikrlashni rivojlantirish bosqichi amalga oshirilib, bunda o‘quvchilar borliqni teran tafakkur qila olish malakasiga ega bo‘ladilar.

Yuqori sinf o‘quvchilari mantiqiy fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish masalasiga yondashuvlar turlicha bo‘lishga qaramay, tadqiqotchilarning o‘quvchilarda mantiqiy fikrlash qobiliyatlarini tarbiyalashdagi qarshlaridan kelib chiqib, biz ham o‘quvchilarda mantiqiy fikrlashni rivojlantirishning asosiy omillarini quyidagicha belgiladik:

O‘quvchilarning o‘rganilayotgan predmetlarni taqqoslashga, ulardagi o‘xshashliklar va farq qiluvchi jihatlarini aniqlashga o‘rgatish;

O‘quvchilarga predmetlarni tarkibiy qismlarga (analiz) bilish maqsadida ajratish alohida tashkil etuvchi qismlarni yaxlit predmet sifatida birlashtirish (sintez) hamda bu jarayonda qismlar o‘rtasidagi munosabatlarni aniqlashga o‘rgatish;

Predmetlarning eng muhim va ikkinchi darajali xususiyatlarini ajratib olishga o‘rgatish o‘quvchilarga kuzatish va mavjud faktlar asosida to‘g‘ri xulosa chiqarish;

Xulosalarni tekshirish, ishonarli tarzda isbotlash, yolg‘on mulohazalarni inkor qilishga o‘rgatish;

O‘quvchilarning o‘z fikr-mulohazalarini ma’lum bir tartib va ketma-ketlikda, asoslangan holda, bir-birini inkor qilmaydigan mulohazalar yordamida bayon qilishlarini nazorat qilish.

Shunday qilib, o‘quvchilarning mantiqiy fikrlashni rivojlantirish pedagogik va ijtimoiy zaruriyat bo‘lib, bu barkamol avlod tarbiyasidagi muhim omil hisoblanadi, Zero, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 29 apreldagi “O‘zbekiston Respublikasi xalq ta’limi tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-5712-sonli Farmonida “xalq ta’limi sohasiga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va innovatsion loyihalarni joriy etish, o‘quvchilar tomonidan o‘zlashtirish kompetentligini kengaytirishni ta’minlovchi zamonaviy ta’lim texnologiyalaridan foydalanishni kengaytirish, o‘qitish metodikasini takomillashtirish, ta’lim-tarbiya jarayoniga individuallash-tirish tamoyillarini bosqichma-bosqich tatbiq etish” kabi vazifalar belgilab qo‘yilgan . Mazkur vazifaning samarali hal etilishi, o‘z navbatida, ta’lim jarayonida mantiqiy fikrlashni rivojlantirish maslalasiga ham mas’uliyat bilan yondashish zarurligini taqozo etmoqda.

**Adabiyotlar:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-son Farmoni

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”-ги ПФ-5712-сон Фармон – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 29.04.2019 й., 6/19/5712/3034-сон, 2019 й.

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 28.01.2022 yildagi PF-60-son

4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 14.

5. Гончарова, О. С. Развитие логического мышления на уроках математики в начальных классах / О. С. Гончарова. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2012. — № 10 (45). — С. 329-331.

6. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: “Знание”, 1989 г. С. 75.

7. M.Sharipov, D.Fayzixo'jayeva. Mantiq. Toshkent; - 2004. – 300 b. ( -B. 5.).

8. Nishonova Z.T. Oliy maktab psixologiyasi. Toshkent, 2003y. 34-b.

9. Ходжаев Б.Х Умумтаълим мактаби ўқувчиларининг мустақил фикрлашини шакллантиришнинг дидактик асослари(5-7-синф тарих фанлари мисолида) пед.фан.намзоди. дисс.2009.

10. Юсупова Ш.Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили дарсларида ўқувчилар тафаккурини ўстиришнинг илмий-методик асослари (академик лицейлар мисолида): пед. фан. док.… дисс. – Тошкент, 2005. – 250 б.

11. https://uz.wikipedia.org/wiki/Mantiq

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqolada zamonaviy ta’limda o’quvchi shaxsini barkamol etib tarbiyalashda ularning fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish jaryonida mantiqiy tafakkurning o’ziga xos ahamiyati xususida so’z boradi. Mantiqiy fikrlash barcha fikrlash faoliyatini asosiy mexanizmi ekanligi, bu jarayon o’quvchini borliqni o’zlashtirish harakatlarida va unga munosabat bildirish jarayonida muhim omilekanligi ilmiy asoslanib berilgan. O’quvchilarning mantiqiy fikrlashini rivojlantirish zamonaviy ta’limning dolzarb masalalaridan biri ekanligi ta’kidlanadi.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье говорится об уникальном значении логического мышления в процессе развития его мыслительных способностей в развитии личности школьника в современном образовании. Научно доказано, что логическое мышление является основным механизмом всей мыслительной деятельности и что этот процесс является важным фактором в попытках учащегося овладеть существованием и в процессе реагирования на него. Подчеркивается, что развитие логического мышления учащихся является одной из актуальных задач современного образования.

**SUMMARY**

This article talks about the unique importance of logical thinking in the process of developing their thinking abilities in the development of the student's personality in modern education. It is scientifically proven that logical thinking is the main mechanism of all thinking activities, and that this process is an important factor in the student's attempts to master existence and in the process of reacting to it. It is emphasized that the development of students' logical thinking is one of the urgent issues of modern education.

# SHARQ MUTAFAKKIRLARINING AXLOQIY TARBIYA HAQIDAGI PEDAGOGIK QARASHLARI

***Shomuratova N.D.***
*Urganch davlat unversiteti "Pedagogika va psixologiya" yo'nalishi talabasi*

**Tayanch so'zlar:** e'tiqod, andisha, yaxshilik, yomonlik, sharm, xayo, nomus, axloqiy ong, axloqiy mafkura, milliy qadriyat, odat, tarbiya, baynalminallik, insof, adolat.

**Ключевые слова:** вера, отношение, добро, зло, стыд, скромность, честь, нравственное сознание, моральная идеология, национальная ценность, привычка, воспитание, интернационализм, честность, справедливость.

**Key words:** belief, attitude, good, bad, shame, modesty, honor, moral consciousness, moral ideology, national value, habit, upbringing, internationalism, honesty, justice.

Kirish. Sharq mutafakkirlarining axloqiy tarbiya borasidagi pedagogik qarashlari, ularning islomiy an'analariga asoslangan adabiyotlar, ma'ruzalar va darsliklar orqali o'qitishni o'z ichiga oladi. Bu qarashlar, talabalarga islomiy etika, insonparvarlik va ijodiylik ruhini rivojlantirishni hedef qiladi. Ular, talabalarni adolatli, insongarchilik qiluvchi va mehnatkor insonlar sifatida tarbiyalashni muhim ko'rsatadi. Axloqiy tarbiya pedagogik qarashlari shuningdek, o'quvchilarga maslahat berish, ularning fikrini e'tiborga olish va ularning insoniy yondoshmalarini rivojlantirishga asoslanadi. Bu qarashlar, talabalar uchun ideal inson modelini yaratishni ham maqsad qilar. Sharq mutafakkirlarining axloqiy tarbiya borasidagi pedagogik qarashlari, shuningdek, diniy, ma'naviy va milliy maqsadlarni ta'lim va tarbiyalash usullari yordamida o'rganishga va samarali o'qitish jarayonini amalga oshirishga e'tiroz etadi. Bu qarashlar asosan Islom dinining ma'naviy nazorati bilan bog'liq bo'lib, talabalarning insoniyat manzaralari, adolat, muhabbat, hurmat va fe'l-afzallik qoidalari bilan tanishib chiqishini ta'minlaydi.

Sharq mutafakkirlarining axloqiy tarbiya borasidagi pedagogik qarashlari ko'plab faktorlarga bog'liq bo'ladi, masalan:

1. Adabiyotlar va maruzalar: Axloqiy tarbiya uchun muhim adabiyotlar va maruzalar tuzilishi zarurdir. Bu adabiyotlar talabalarga insonlik qiymatlarini o‘rgatishda yordam beradi.

2. Muhokama va muntazam munozara: Talabalarni o‘stiruvchi muhokama va muntazam munozara usullari fikrlarni takomillashtirishda muhim ahamiyatga ega.

3. Mustaqil fikrlashni rag‘batlantirish: Talabalarga mustaqil fikrlashni rag‘batlantirish orqali ularning fikr bildirish va tushunchalarini ifoda etish yetukligi rivojlanadi.

4. Maqsadli amaliy mashg‘alalar: Amaliy mashg‘alalar orqali talabalar samarali o‘rganuvchi sifatiga ega bo‘ladi va amaliy hayotda mustaqil ravishda ish bajarishi uchun tayyorlashadi.

5. Tadbirkorlikni rag‘batlantirish: Talabalarga tadbirkorlik ruhiyatini rivojlantirib, yangi yaratuvchi yondoshmalarga yo‘naltirishi talaba ozi uchun mustahkam imkoniyat yaratadi[1].

Ushbu pedagogik qarashlar sharq mutafakkirlarining axloqiy tarbiyasiga oiddir va ularning insonlik qiymatlarni oshkor etilishi uchun katta ahamiyatga ega.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Axloq-ijtimoiy ong shakli bo‘lib, ijtimoiy hayotning hamma sohalarida insonning xulq-atvorini yo‘lga solib turadigan talablar, normalar va qoidalardan iboratdir. O‘quvchilarning axloqiy tarbiyasi ta’lim tizimining yetakchi vazifalaridan biridir. Bu borada O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning “Tarbiya qancha mukammal bo‘lsa, xalq baxtli yashaydi”,-degan fikri bunga yaqqol misol bo‘la oladi. O‘quvchilarni jamiyat manfaati uchun qilinadigan mehnatga ilhomlantirish o‘qituvchining eng muhim vazifasi hisoblanadi. O‘quvchining jamiyatga bo‘lgan munosabatida milliy birlik, birdamlik, va hamkorlik tuyg‘ulari, turli xalqlarga bo‘lgan hurmat kabilar yaqqol namoyon bo‘lishi zarur. O‘rta Osiyo mutafakkirlarining axloq haqidagi fikrlari, o‘gitlari shunday kuchga egaki, ular o‘quvchilar qalbida insoniylik urug‘larining unib chiqishiga, katta hayot yo‘liga olib chiqishiga yordam qiladi. Bu borada Sharq mutafakkirlaridan biri hisoblangan, Ismoil Al-Buxoriy “Axloqning yaxshi bo‘lish, taomning pokizaligi, rostlik va omonatga xiyonat qilmaslik shart, dunyoviy ishlardan chetda qolgan bo‘lsang ham zarar yo‘qdir”,-deb yozadi.[2].

Shuningdek, Farobiyning fikricha, insonning axloqli, sahovatli va aql-idrokli bo‘lishida bilimlarni egallash muhim ahamiyatga egadir.Inson bilim orqaligina o‘z maqsadiga erisha oladi.

Abu Nasr Farobiy axloqiy madaniyatning fazilatlaridan hisoblangan sahovat masalasiga alohida e’tibor bergan. Shuni aytish kerakki, xalqimiz axloq-

odobni qadimdan ulug‘lab kelgan. Chunki axloqodob insonga husn, latofat va nazokat bag‘ishlagan. Sharq mutafakkirlari o‘z asarlarida axloqiy g‘oyalarni doimo tarannum etib, xalqni oriflik, fozillik, komillik darajasiga ko‘tarishga chorlaganlar. Bu borada Abu Nasr Farobiyning ijodi diqqatga sazovordir. Farobiy o‘zining odob axloq haqidagi joiz bo‘lsa, axloqiy tarbiya haqidagi qarashlarini muayyan bir tizimga tushiradi.

Uning so‘ziga qaraganda, nimaiki baxtga erishishga xalaqit bersa, mutlaq yomonlikdir. Bu fikr uning axloqiy qarashlarida asosiy mezon bo‘lib xizmat qiladi. Shunga ko‘ra u o‘z fikrini yanada chuqurlashtirib, ko‘zda tutilgan maqsadni qo‘lga kiritishga yordam beruvchi qobiliyat va xattiharakatlar-yaxshilik, uning aksi bo‘lsa yomonlikdir, degan g‘oyani ilgari suradiki, bola tarbiyasi bir maqsadga qaratilgan holda olib borilmog‘i va u aqliy va axloqiy tarbiya birligidan iborat bo‘lmog‘i lozim degan xulosa kelib chiqadi Axloqiy tarbiya nafaqat muayyan bir shaxsning balki jamoa, oila, balki, butun jamiyat a’zolari uchun xos bo‘lgan madaniyatning bir ko‘rinishi sifatida talqin qilinadi. Shu jumladan, axloqiy munosabatlar-bu jamiyatga, mehnatga, odamlarga va qolaversa, har bir kishining o‘ziga munosabatidir.

Tadqiqot metodologiyasi. Bizning turon zamin xalqlari axloqiy tarbiya sohasida boy an’analarga ega. Axloqqa oid dastlabki fikrlar “Avesto” kitobida, qadimgi bitiklarda va boshqa yozma manbalarda o‘z ifodasini topgan, bundan tashqari o‘zbek xalqi o‘rtasida keng tarqalgan pandnomalarda o‘gitlar va odobnomalarda, xalq pedagogikasida, falsafiy risolalarda, Sharq allomalari merosida axloqiy masalalarga keng o‘rin berilgan[3].

Davoniy o‘z davrining ilm-fan taraqqiyotiga katta hissa qo‘shgan qomusiy olim. Uning yetuk olim bo‘lib yetishishida Yaqin va O‘rta Sharq, Movaraunnahrdagi yetuk olimlar bilan hamkorlik qilishi muhim omil bo‘lgan. Davoniyning dunyoga mashhur bo‘lgan, fors tilida yozilga “Axloqi Jaloliy” asari dunyoning ko‘p tillariga tarjima qilingan. Haqiqatan ham ushbu asar Abu Nasr, Ibn Sino, Nasriddin Tusiy va boshqalarning axloq mavzusidagi asarlari qatorida turadi va axloqiy tarbiyada o‘ziga xos o‘ringa ega bo‘lgan asar hisoblanadi.

“Axloqi Jaloliy” da ham inson kamoloti uchun eng zarur bo‘lgan axloqiy fazilatlar yo‘llari va usullari bayon etiladi. Asarning to‘la nomi “La-Vomi ul-ashroq fi makorim il-axloq”(“Yaxshi xulqlarda nurlar ziyosi”).

“Axloqi Jaloliy” uch qismdan iborat.bo‘lib, muallif birinchi qismda xulqiy tarbiya va axloqiy hislatlarni egallash haqida so‘z yuritiladi. Ikkinchi qism oila va oilaviy hayot masalalariga bag‘ishlangan. Uchinchi qism ijtimoiy-siyosiy masalalarga bag‘ishlangan.

Axloqiy tarbiya shaxsning kamol topishida, uning jamiyat ichida o‘z o‘rnini egallab olishida muhim ahamiyat kasb etadi Zero, boshqa shaxsni

tarbiyalamoqchi va uning axloqini tuzatmoqchi bo‘lgan tarbiyachi, avvalo uni yaxshi bilishi o‘rganishi va barcha kamchiliklarini yaxshi bilib olishi kerak, aks holda tarbiyachi shaxsda axloqiy tarbiyani shakllantira olmaydi. Sharq mutafakkirlarining axloqiy tarbiya borasidagi pedagogik qarashlari o‘zgacha va unikal bo‘lib, ularning boshqa mamlakatlardagi pedagogik qarashlardan farq qiladi. Sharq mutafakkirlari tarbiya sohasida axloqiy, ma'rifiy va insoniyatga e’tibor beradigan yakshanba tajribalarini o‘rganishga ahamiyat berganlar. Ular insoniyatni taraqqiy ettirishga asos soladilar va o‘zaro hurmat, muhabbat va tajribalar almashish orqali tarbiya jarayonini kuchaytiradilar[4].

Xulosa va takliflar. Sharq mutafakkirlari o‘zlarining pedagogik qarashlarini amalga oshirishda ma'rifiyat va adabiyotning muhim ahamiyatiga e’tibor berishadi. Ular ma’naviy-axloqiy qadriyatlar bilan ta'minlangan ta'lim va tarbiyaning insonni inson qilib rivojlantirishda katta ahamiyati bo‘lganligini anglab yetganlar. Sharq mutafakkirlari talabalarni bir-biriga hurmat va muhabbat bilan muomala qilishni, ularning insoniy jihatlarini rivojlantirishda eng muhim faktor sifatida ko‘rsatadilar.

Axloqiy tarbiyada sharq mutafakkirlari adabiyot, san'at, madaniyat, falsafa va din ilmlariga berilgan e’tiborni kuchaytirishda juda ehtiyojmandir. Ularning pedagogik qarashlari insonning ruhoniyligini himoya qilishi bilan birgalikda uning intellektual darajasini yukseltishi hamda ijtimoiy munosabatlarda munosabatlilikni kuchaytirishi yordamida amalga oshiriladi. Axloqiymizning bu yo‘naltmasi insonni barcha jihatlaridan rivojlantira oladigan eng samarali yo‘llardan biridir.

**Adabiyotlar:**

1. Choriyev.A. Umumiy pedagogika fanidan maruzalar matni. Qarshi. 2008. 154 bet.
2. Imom Muhammad Ismoil “Al-adab al-mufrad”. https://library.navoiy-uni.uz/
3. Mamatkulova.R., Toshmurodova.K. Pedagogika maruzalar matni. T.: 2000. 220 bet.
4. Razakova R. S. The Essence of the Concept of Family Life in Modern Psychology //Excellencia: International Multi-disciplinary Journal of Education (2994-9521). – 2024. – T.2. – №. 1.– C. 339-342.
5. Razakova R. S., Narimonovna Y. I. Bog ‘cha yoshidagi bolalarda xotiraning rivojlanishi //Journal of Science-Innovative Research in Uzbekistan. – 2024. – T. 2. – №. 2. – C. 196-201.

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqolada Sharq mutafakkirlarining axloqiy tarbiya borasidagi qarashlari jumladan, axloqiy tarbiyaning inson hayotidagi tutgan o‘rni haqida so‘z yuritiladi.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются взгляды восточных мыслителей на нравственное воспитание, в том числе на роль нравственного воспитания в жизни человека.

**SUMMARY**

This article discusses the views of Eastern thinkers on moral education, including the role of moral education in human life.

# ZAMONAVIY BIOLOGIYA TA'LIMINING ELEKTRON AXBOROT TA'LIM RESURSLARI VA ULARNI YARATISHGA QO'YILADIGAN UMUMIY TALABLAR

***Sanayeva M.I.***
*Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti tadqiqotchisi*

**Tayanch so'zlar:** zamonaviy biologiya ta'limi, o'qitish samaradorligi, elektron axborot ta'lim resurslari, umumiy talablar, integratsiya, tabiiy-ilmiy savodxonlik, biologik kompetensiya.

**Ключевые слова:** современное биологическое образование, эффективность обучения, электронные информационные образовательные ресурсы, общие требования, интеграция, естественнонаучная грамотность, биологическая компетентность.

**Key words:** modern biology education, teaching effectiveness, electronic information educational resources, general requirements, integration, natural-scientific literacy, biological competence.

Zamonaviy ta'lim sharoitida umumta'lim maktablari o'quvchilarining o'zlashtirish samaradorligini oshirish, mustaqil ishlash faolligini va ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish ilg'or pedagogik texnologiyalaridan hamda elektron axborot ta'lim resurslaridan foydalanishni talab etadi. Bugungi kunda ta'lim tizimiga ilg'or xorijiy ta'lim texnologiyalari va vositalarining kirib kelishi o'quvchilarga bilimlarni uzatishning yangi shakllari va vositalarini ishlab chiqishini taqozo etmoqda. Bunday shakllardan biri zamonaviy elektron axborot ta'lim resurslarining vositasida o'qitishdir. Shu o'rinda aytib o'tish kerakki, umumta'lim maktablari biologiya ta'limida ham elektron ta'lim resurslarining yaratilishi va joriy qilishinishi orqali o'quvchilarning tabiiy-ilmiy savodxonligini hamda biologik kompetentligini rivojlantirishga xizmat qiladi.

Biologiya fani bo'yicha elektron ta'lim resurslarini (EATR) yaratish va ulardan keng foydalanish orqali quyidagi bir qancha ijobiy imkoniyatlarni yaratadi:

– elektron ta’lim resurslari o‘quvchilarning mustaqil fikrlash, mustaqil xulosa chiqarish, qarorlar qabul qilish kabi qobiliyatlarini rivojlantirishga yordam beradi;
– elektron axborot ta’lim resurslari ishtirokida tashkil etilgan biologiya darslarida o‘qituvchi maslahatchi sifatida ishtirok etadi, o‘quvchilar darsning asosiy faol ishtirokchisiga aylanadi;
– o‘qitish jarayonida biologiya fanining boshqa bir nechta fanlar bilan integratsiyasi samarali ta’minlanadi va o‘quvchilarda keng tasavvur paydo bo‘ladi;
– o‘quvchilarning biologiya faniga bo‘lgan qiziqishlari va o‘rganish motivatsiyasi ortadi;
– ta’lim berish va ta’lim olishning qulayligi va samaradorligi oshadi;
– o‘quvchilarda erkin fikr bildirish, o‘z fikrini himoya qilish, jamoa bo‘lib ishlash malaka va ko‘nikmalari rivojlanadi [1].

Elektron axborot ta’lim resurslari - bu foydalanuvchi, ya’ni o‘quvchining shaxsiy xususiyatlarini hisobga olgan holda avtomatik rostlanish imkonini beruvchi, egallangan bilimni avtomatik nazorat qilish tizimi bilan birlashgan o‘quv materiallarini uzatish (etkazish) tizimi tushuniladi [2].

Bugungi kunda biologiya ta’limida EATRdan foydalanish mexanizmlarini takomillashtirish bo‘yicha mamlakatimizda bir qator ilmiy izlanishlar olib borilgan. Jumladan, L.M.Qoraxonova “Biologiyani o‘qitishda elektron ta’limiy resurslardan foydalanish metodikasini takomillashtirish” nomli dissertatsiyasida 7-sinf o‘quvchilarini darsda va darsdan tashqari o‘quv faoliyatida elektron ta’lim resurslaridan foydalanish bo‘yicha tadqiqot ishlarini olib borgan [3]. Biolog olim G.S.Ergasheva o‘z tadqiqot ishida bo‘lajak biologiya fani o‘qituvchilarining tayanch va kasbiy-sohaviy kompetensiyalari tarkibining elektron muhitda faol axborot almashinish, loyihalash faoliyatiga yo‘naltirish, Moodle–Web muhitining asinxron imkoniyatiga asoslangan mustaqil ta’lim elementlarini integratsiyalash hamda biologiya ta’limining o’quvchilar iqtidorini oshirishga yo‘naltirilgan metodik tizimi interaktiv dasturiy vositalardan foydalanish imkoniyatlarini aniqlagan [4]. Shuningdek, I.T. Azimov ham o‘zining “Biologiya o‘qitish metodikasi” nomli o‘quv qo‘llanmasida zamonaviy biologiya ta’limini tashkil etish masalalariga to‘xtalib, ta’lim oluvchilarning biologik kompetentligini rivojlantirishda elektron ta’lim resurslaridan foydalanishning ijobiy tomonlarini ko‘rsatib o‘tgan [5].

Tadqiqotchi Z.E.Chorshanbievning ta’kidlashicha, elektron ta’lim berish ma’lumotlar bazasida mavjud bo‘lgan va ta’lim dasturlarini amalga oshirish jarayonida foydalaniladigan axborot, unga ishlov berishni ta’minlovchi

informatsion texnologiyalar, texnik vositalar, shuningdek, tegishli axborotni aloqa liniyalari bo‘ylab uzatishni, ta’lim oluvchilar va pedagog xodimlarning o‘zaro hamkorligini ta’minlovchi informatsion-telekommunikatsion tarmoqlardan foydalanish orqali tashkil etiladigan ta’lim jarayonidir [6].

Elektron ta’lim resurslarini saqlash va ma’lumotlarni taqdim etish shakliga ko‘ra quyidagicha tasniflash mumkin:

- alohida fayllar – an’anaviy resurslarning faylli ekvivalentlari (jadvallar va grafik illyustratsiyalardan iborat matnli hujjatlar, illyustratsiyalarning grafik fayllari, audio-video formatli fayllar va boshqa);
- gipermatnli materallar – matn, grafiklar;
- multimedia elementlari kabi elektron o‘quv adabiyotlarining elementlaridan tashkil topgan elektron o‘quv adabiyotlari va muayyan an’anaviy resurslarning elektron ekvivalenti.

Elektron axborot ta’lim resurslarini shartli ravishda quyidagi turlarga bo‘lish mumkin:

- elektron o‘quv-tarbiyaviy resurslar;
- o‘quv materiallarini uzatish elektron resurslari;
- o‘qishni tashkil etish elektron resurslari;
- ta’lim-tarbiyani boshqarishni tashkil etish elektron resurslari.

Elektron axborot ta’lim resurslarini yaratishga quyidagi umumiy, didaktik, uslubiy, psixologik-pedagogik, texnik-texnologik, estetik, ergonomik va sanitar-gigienik talablar qo‘yiladi [7]:

1. Umumiy talablar: EATRning tuzilmasi va mazmuni o‘quv dasturiga mos kelishi, o‘qitishda ilmiylik, muammoviylik, ko‘rgazmalilik, onglilik, ta’lim oluvchining mustaqilligi va faolligini ta’minlashi, fan, texnika va texnologiyalarning so‘nggi yutuqlarini hisobga olishi, foydalanishda o‘qitishning tizimliligi va ketma-ketligi, ta’lim oluvchilarning chuqur fikrlash, xotirada saqlash kabi qobiliyatlarini rivojlantirishi, o‘qitishning rivojlantiruvchi va tarbiyaviy funksiyalarini bajarishi, o‘quv faoliyatining izlash, yig‘ish, saqlash, tahlil, ishlov berish kabi ko‘rinishlarini hamda hisoblashlarni, loyihalash va konstruksiyalashni, tajriba, eksperimentning natijalariga ishlov berish, nazorat topshiriqlar, axborotli ishlov berishni avtomatlashtirishni ko‘zda tutishi, murakkab ob’ektlar ishining imitatsiyasini, turli xildagi jarayonlarni real, tezlashtirilgan yoki sekinlashtirilgan vaqt masshtabida o‘tish vositalarining tarkibida saqlashi kerak, ularning trening vositalari – ta’lim oluvchini kelajakdagi kasbiy faoliyatiga bog‘liq holda virtual muhitda tayyorlashni amalga oshirish.

2. Didaktik talablar: moslashuvchanlik, interfaollik, kompyuter vizuallashtirish imkoniyatlari, ta'lim oluvchining intellektual qobiliyatini rivojlantirishi, fikrlash, murakkab vaziyatlarda mustaqil qarorlar qabul qila olish mahoratini oshirishi, axborotga ishlov berish bo'yicha ko'nikmalarni shakllantirishi, o'quv materialini namoyish qilishning tizimlilik va funksional bog'liqligini, ta'lim berishning to'liqligi va uzluksizligini ta'minlashi hamda muammoli va izlanish topshiriqlarining intellektual o'rgatuvchi tizimiga ega bo'lishi.

3. Uslubiy talablar: o'quv materialini taqdim etishning tushunchali, obrazli va harakatli komponentlarining o'zaro bog'liqligiga tayangan holda yaratilishi, o'quv materialini yuqori tartibli tuzilma ko'rinishida ta'minlashi, fanlararo mantiqiy o'zaro bog'liqlik hisobga olinishi, ta'lim oluvchiga o'quv materialini bosqichma-bosqich o'zlashtirish uchun turli xildagi nazoratlarni amalga oshirish imkoniyati yaratilishi, barcha amalga oshiriladigan hisoblashlar vizuallashtirishning ochiq tizimiga ega bo'lishi, o'zgaruvchan ob'ektlar yoki jarayonlarning bog'liqligi namoyish qilinishi.

4. Psixologik talablar: o'quv materialini namoyish qilish nafaqat verbal, balki kognitiv jarayonning sensorlik va namoyish qilish holatlariga ham mos kelishi, qabul qilish, diqqat, fikrlash, tasavvur qilish, xotirada saqlash kabi psixologik jarayonlar xususiyatlarini hisobga olishi, o'quv materiali mazmunida ta'lim oluvchilarning yoshi, tayanch bilimlari inobatga olinishi, obrazli va mantiqiy fikrlashni rivojlantirishga yo'naltirilgan bo'lishi, o'qitishning ko'rgazmaliligini ta'minlashi, ta'lim oluvchilarlar tomonidan o'rganilayotgan ob'ektlar, ularning maketlari yoki modellarini sezgili, anglangan holda qabul qilishi va shaxsan kuzatishi, hayotiy tajribasini hisobga olish zaruriyatini ko'zda tutishi.

5. Texnik, texnologik talablar: lokal va boshqa tashqi axborot tashuvchilarda va tarmoqli tartibotda harakatlanishi, multimedia va telekommunikatsiya texnologiyalarining zamonaviy vositalarini maksimal qo'llash imkonini berishi, ishlashda puxtalik va turg'unlilik ta'minlanishi, geterogenligi (EATR spesifikatsiyasida ko'zda tutilgan turli xildagi kompyuterli va boshqa shunga o'xshash vositalarda turg'un ishlashi), resurslardan samarali va to'g'ri foydalanish imkoniyati yaratilishi va testlashtirilgan bo'lishi.

Yuqoridagilardan tashqari elektron axborot ta'lim resurslarining turli xildagi ko'rinishlariga nisbatan quyidagi maxsus texnologik talablar ham qo'yiladi [8]:

- turli xildagi elektron tashuvchilardan foydalanishni qo'llash imkoniyati;
- elektron va qog'ozli tashuvchilarni kombinatsiyalashtirish imkoniyati;
- lokal va tarmoqli tartibotda ishlash imkoniyati;
- tarmoqda lokallashtirilgan va tarqatilgan komponentlar miqdori;

- o‘qitishni boshqarish jarayoni va umumiy axborot;
- bazalarining vositalari miqdori;
- jamoaviy ishlarni tashkil qilish vositalari miqdori (o‘qituvchi yoki boshqa ta’lim oluvchilar bilan teskari aloqa).

6. Sanitar-gigienik talablar: shrift turi va o‘lchovi, fon belgisi va rangi, shrift va fon orasidagi farq, satrlar orasidagi masofa, ekranga bezak berish talablari.

Elektron axborot ta’lim resurslarini yaratishda modullilik, to‘liqlik, ko‘rgazmalilik, tarmoqlanish, boshqaruvchanlik, ko‘nikuvchanlik, kompyuterli qo‘llab-quvvatlash va yig‘iluvchanlik kabi tamoyillarga amal qilish talab etiladi [9]. EATRni yaratish quyidagi tartibda bosqichma-bosqich amalga oshirilishi maqsadga muvofiq: ● fanga oid manbalarni tanlab olish; ● mundarija va tushunchalar ro‘yxatini ishlab chiqish; ● bo‘limlardagi (modullardagi) matnlarni qayta ishlash va yordam berish bo‘limini tuzish; ● gipermatnni elektron shaklda amalga oshirish; ● kompyuterli qo‘llab-quvvatlashni ta’minlash; ● materiallarni multimediali ob’ektlarga keltirish uchun tanlab olish; ● tovush jo‘rligini tatbiq etish; ● materialni vizuallashtirish; ● foydalanishga tayyorlash; ● foydalanish uslubiyotini ishlab chiqish.

Xulosa sifatida aytish mumkinki, zamonaviy biologiya ta’limini tashkil etish va o‘quvchilarning o‘zlashtirish salohiyatini rivojlantirishda elektron axborot ta’lim resurslaridan foydalanish kutilgan ta’lim natijasini ta’minlashga yordam beradi [10]. O‘quvchilarning tabiat bilan bog‘liq hodisa va voqealarni chuqur anglab yetishi, inson va tabiat o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlarni gumanistik yondashuv asosida o‘rnatishi hamda biologik kompetensiyalarini rivojlantirishda EATR muhim ahamiyat kasb etadi.

**Adabiyotlar:**

1. Saparov K.A., M.I.Sanaeva. Creation of electronic textbooks in modern biology education and general requirements for them. International Conference on Advance Research in Humanities, Sciences and Education Hosted from Berlin, Germany. April 30th, 2024.

2. Рахимов О.Д. Электрон таълим ресурсларини яратиш талаблари ва технологияси. Замонавий таълим журнали. №6. 2016. Б. 45-50.

3. Qoraxonova L.M. Biologiya fanini o‘qitishda elektron ta’limiy resurslardan foydalanish metodikasini takomillashtirish (7-sinf misolida): ped. fan.dok...diss. avtoreferati. - Toshkent , 2020 y.

4. Ergasheva G.S. // Biologiya fani ta’limida axborot texnologiyalaridan foydalanish vosita va usullari. // Maktabda biologiya fani jurnali.. 2009. 4-son. –Toshkent, 10-14 b.

5. Azimov I.T. Biologiya o‘qitish metodikasi. Pedagogika oliy o‘quv yurtlari Biologiya ta’lim yo‘nalishi ta’lim oluvchilarlari uchun o‘quv qo‘llanma. “Mahalla va oila nashriyoti”. Toshkent-2023. 64-66-b.

6. Chorshanbiev Z.E. Elektron ta’lim muhitida bo‘lajak muhandislarning kasbiy tayyorgarligini takomillashtirish. Pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi. Toshkent-2019. 96-b.

7. Электрон таълим ресурсларига умумий талаблар. – ОЎМТВ, 2013. -10, 14-б.

8. Болат Е.С., Бухаркин М.Ю. Современные педагогические и информационные технологии в системе образования. – М.: «Академия», 2008. С. 364.

9. Sanaeva M.I. Legal and theoretical basis of organizing modern biology education based on electronic information educational resources. International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research Hosted online from Cambridge, London Date: 30th September, 2023.

10. Sanaeva M.I. Improvement of the scientific methodology of teaching biology in the electronic information education environment. American Journal of Interdisciplinary Research and Development ISSN Online: 2771-8948. Volume 28, May – 2024.

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqolada zamonaviy biologiya ta’limini tashkil etish va ta’lim samaradorligini oshirish masalalari, shuningdek, umumta’lim maktab o‘quvchilarining o‘zlashtirish samaradorligi va mustaqil ishlash faolligini oshirish hamda ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishda elektron axborot ta’lim resurslaridan foydalanishning ijobiy imkoniyatlari yoritilgan. Elektron axborot ta’lim resurslarining turlari va ularni yaratishga qo‘yiladigan umumiy talablar bo‘yicha ma’lumotlar keltirilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье рассматриваются вопросы организации современного биологического образования и повышения эффективности обучения, а также положительные возможности использования электронных информационных образовательных ресурсов для повышения эффективности обучения и самостоятельной трудовой деятельности учащихся общеобразовательных школ, развития их творческих способностей. покрыты. Представлена информация о видах электронных информационных образовательных ресурсов и общих требованиях к их созданию.

**SUMMARY**

In this article, the issues of organizing modern biology education and improving educational efficiency, as well as the positive possibilities of using electronic information educational resources to increase the efficiency of learning and independent work activity of secondary school students, and to develop their creative abilities, are covered. Information on the types of electronic information educational resources and the general requirements for their creation is presented.

# HARBIY TA'LIM JARAYONIGA PEDAGOGIK VA PSIXOLOGIK TEXNOLOGIYALARNI JORIY ETISH

***Abdurasulov J.***
*Chirchiq davlat pedagogika universiteti pedagogika fakulteti*
*Pedagogika va psixologiya yo'nalishi 1-bosqich magistranti*

**Tayanch so'zlar:** pedagogika, psixologiya, o'qitish, texnologiya, ta'lim, ta'lim jarayoni, pedagogik texnologiyalar, texnologik taraqqiyot, loyihalash, o'quv jarayoni.

**Ключевые слова:** педагогика, психология, преподавание, технология, образование, учебный процесс, педагогические технологии, технологическое развитие, дизайн, образовательный процесс.

**Key words:** pedagogy, psychology, teaching, technology, education, educational process, pedagogical technologies, technological development, design, educational process.

Oliy ta'limni isloh qilish bu masalalarga ilmiy asoslangan nuqtai nazardan yondashishga majbur etadi. Har qanday loyihalash, o'qitishning ilmiy asoslangan vositalari bo'lgani holda uning texnologikligi hisoblanmaydi. Loyihalash metodologik funksiya bajaradi. U talabaning psixik rivojlanish qonuniyatlari, o'quv jarayonining rivojlanish xususiyatlari va pedagogik boshqaruv usullarining tadqiqot vositasi sifatida maydonga chiqadi.

Oliy o'quv yurtida ta'limni takomillashtirish maqsadida pedagogik mulo¬qotning yangi shakllari, axborotlarning tarkibiy qismlarini qayta ishlab chiqish, o'quv faoliyatini boshqarishning yangi shakllari talab qilinadi.

Texnologik taraqqiyot bugungi kunda ijtimoiy jarayonlarni kuzatib borishga qodir eng muhim komponentlardan biridir. Pedagogik ta'lim texno¬logiyasini yaxshilash jamiyat madaniy saviyasini va uning iqtisodiy qudratini shakllantirish shartidir.

O'qitish texnologiyasi ta'limning faoliyatini ta'minlaydi, bilimlarni mehnat jarayoniga tatbiq etishni ta'minlaydi, pedagogning ongliligini qolipga tushiradi, uning jadal harakat qilishiga va hayot yo'liga ta'sir ko'rsatadi.

Kasbiy o'qitish texnologiyasi shaxsni intizom, iroda va ixtisoslikka bo'lgan qiziqishni yuzaga keltiradi. Mutaxassisga bo'lgan har tomonlama ta¬lab¬ni

qanoatlantirishga qaratilgan ta’lim texnologiyalari pedagog va talabaning hamkorligiga tezlikda moslangan psixologik-pedagogik shart-sharoitlarni amalga oshirishga yo‘naltiradi.

Mutaxassislarni kasbiy tayyorlash texnologik tamoyili bo‘lajak kasbiga qaratilgan maqsadlar, mazmun funksiyalari, o‘qitish metodlaridir. SHundan kelib chiqqan holda pedagogik texnologiyalar ishlab chiqiladi.

Pedagogik texnologiyalar ta’riflariga bo‘lgan turli yondashuvlar shuni ko‘rsatadiki, haqiqatdan ham o‘qitish texnologiyalari fan va ishlab chiqarish hamda o‘quv-pedagogik jarayon oralig‘idan o‘rin oladi. Bu kasbiy didaktik tayyorgarlik tizimidagi bilimlarning mustaqil sohasi bo‘lib, u o‘qitishning didaktika nazariyasi va amaliyoti bilan chambarchas bog‘langan. U o‘quv faoliyatini boshqarish jarayonini loyihalash va konstruksiyalash funksiyalarini o‘zida qamrab oladi.

O‘qitish texnologiyasi tarkibiga o‘kuv jarayonini boshqarishning aniq usullari, boshqarish va o‘qitishning ayni istiqbolli tadbirlari haqidagi ham nazariy, ham amaliy bilimlar kiritiladi. O‘quv jarayonining borishi sharoitlariga mos ravishda ularning izchilligi belgilanadi.

o‘qitish texnologiyasi, o‘qitish nazariyasi, o‘qitish texnikasi. Ular o‘kuv faoliyatini boshqarish haqidagi pedagogik sohalardir, ular umumlashtirilgan darajasiga ko‘ra amalga oshiriladi. Pedagogik texnologiya ta’lim istiqbolining jarayonlashtirilgan aspektidir.

o‘qitish texnologiyasini belgilash – bu kasbiy faoliyat sohasidagi ta’limiy va takomillashish samarasini ta’minlovchi o‘kuv jarayonini me’yoriy boshqarib turishdir.

Ilmiy adabiyotlarda pedagogik texnologiyaning uch aspekti to‘g‘risida fikr yuritiladi:

- ilmiy aspektda o‘qitishning maqsadi, mazmuni va metodlari ilmiy asoslanadi, pedagogik jarayon loyihalashtiriladi.
- tavsifiy aspektda rejalashtirilgan o‘qitish natijalariga erishishning maqsadi, mazmuni, metodlari va vositalarining ishtiroki asosida algoritm jarayoni ishlab chiqiladi.
- amaliy aspektda pedagogik texnologiya jarayoni amalga oshiriladi.

Ta’lim amaliyotiga nisbatan pedagogik texnologiyaning uch sathi belgilanadi:

- umumpedagogik texnologiya yaxlit ta’lim jarayonni ifoda qiladi.
- xususiy metodik texnologiya bir fan doirasidagi o‘quv -tarbiya jarayonini amalga oshirish metodlari va vositalaridan iborat bo‘ladi.

- lokal yoki modul texnologiya o‘quv tarbiya jarayonining maxsus bo‘limlariga texnologiyani tatbiq qilishni ifoda qiladi. Bu texnologiya xususiy didaktik va tarbiyaviy vazifalarni hal qilishga qaratiladi.

Pedagogikada o‘qitish texnologiyalari bilan birga ta’limiy texnologiyalar ham o‘rin olgan. Ta’limiy texnologiyalar mazmun-axborot aspektni bildirsa, o‘qitish texnologiyasi jarayonga aloqador deb hisoblanadi, ya’ni ular orasida hali ham aniq farklar belgilanmagan.

Pedagogik texnologiya talabalarning tayyorgarlik darajasiga, ularning axborotlar bilan tanishgashshk va amaliy tayyorgarligiga moslangan bo‘lishi lozim.

Kasbiy ta’lim tizimida o‘qitish texnologiyalari fundamental va amaliy bilimlarning o‘zlashtirilishini, harakatlarning reflektivligani aks ettiradi va o‘z kasbiy faoliyatini shakllantiradi.

Pedagogik texnologiya o‘qituvchi va talaba faoliyati bilan belgilanadi. Faoliyatning bunday turlariga ko‘ra pedagogik texnologiyaning tuzilmasi aniqlanadi: konseptual asos, ta’lim jarayoni mazmuni, texnologik jarayondan iborat bo‘ladi.

Har bir pedagogik texnologiya muayyan ilmiy konsepsiyaga asoslanadi. Pedagogik texnologiyaning ilmiy konsepsiyasi ta’lim maqsadlariga erishishning falsafiy, psixologik, ijtimoiy-pedagogik va didaktik asoslashlarni qamrab oladi.

Ta’lim jarayoni mazmuni ta’lim jarayonining umumiy va aniq maqsadlari, o‘quv materiali mazmunidan iborat bo‘ladi.

Texnologik jarayon o‘quv jarayonini tashkil etish, o‘qituvchi faoliyati, talaba faoliyati, o‘quv jarayonini boshqarish usullari, o‘quv jarayoni diagnostikasini qamrab oladi.

Tadqiqotchilar har qanday pedagogik texnologiyalarni qanoatlantiradi-gan mezonlarni belgilaydilar:

- izchillik pedagogik texnologiyaning mezoni sifatida jarayonning mantiqiyligi, pedagogik texnologiyaning barcha qismlarining o‘zaro bog‘likligi, yaxlitligani o‘z ichiga oladi.
- pedagogik texnologiyaning mezonlaridan biri boshqaruvga asoslanganligidir. U o‘quv jarayoni diagnostikasi, uni rejalashtirish va amalga oshirishni loyihalash, undagi o‘qitish metodlari va vositalari bilan o‘zgartirib turishdan iborat bo‘ladi.
- pedagogik texnologiyaning samaradorlik mezoni ta’lim jarayonining konkret sharoitlarida olinadigan yuksak natijalarni ko‘zda tutadi.

- qayta tiklash pedagogik texnologiyalar mezonlaridan biridir. Unda pedagogik texnologiyalarni boshqa o‘quv yurtlarida qo‘llash imkoniyati tushuniladi.

Shunday qilib, oliy va o‘rta maxsus maktabda mutaxassislarning kasbiy tayyorgarligi murakkab va doimiy harakatdagi tizimni tashkil etadi. Bu tizimda bo‘lg‘usi o‘qituvchining texnologik tayyorgarligi alohida o‘rin tutadi. U bo‘lg‘usi pedagogning intellektual rivojlanishi, faol o‘qishi, ijodiy shaxsning rivojlanishi, tafakkurning kasbiy yo‘nalganligani idrok qilish, o‘quv-bilish faoliyatini tashkil etishda tadqiqiy (ilmiy) tamoyillarni amalga oshirish bilan bog‘langan. Bo‘lg‘usi pedagogning texnologik tayyorgarligi oliy o‘quv yurtida pedagogik texnologiyalarni amalga oshirishni talab qiladi.

Oliy va o‘rta maxsus o‘quv yurti ta’lim jarayonida foydalaniladigan va keng tarqalgan pedagogik texnologiyalar:

- muammoli o‘qitish;
- o‘yinli texnologiyalar;
- tanqidiy fikrlashni rivojlantiruvchi texnologiyalar;
- o‘qitishning tabaqalashtirilgan va individual texnologiyasi;
- programmalashtirilgan o‘qitish texnologiyasi;
- kompyuter axborot texnologiyasi.

Xulosa.Ta’lim tizimidagi isloxatlardan ko‘zda tutilgan maqsadlardan asosiysi yangi ijtimoiy- iqtisodiy sharoitlarda, aniqrog‘i, bozor munosabatlari muhitida raqobatbardosh kadrlar tayyorlashning kafolatli poydevorini yaratishdir. Ta’lim muassasi o‘qituvchilarining kasbiy-pedagogik mahoratini oshirishga har qachongidan ongli munosabatda bo‘lish faqat sub’ektiv holat va ob’ektiv zarurat emas, balki raqobatbardoshlik sharti sifatida e’tirof etildi.

Hozirgi davr o‘quv jarayoniga pedagogik texnologiyalarni tatbiq qilish bilan xarakterlidir.

Pedagogik texnologiyalardan foydalanish ta’lim texnologiyalarining ilmiy asoslarini ishlab chiqish, pedagogik innovatsiyalar, mualliflik maktablari va yangi texnologiyalarni eksperiment qilish bilan bog‘liqdir. Bu tajribalar muayyan tizimni ishlab chiqish va umumlashtirishni talab etadi.

Pedagogik texnologiyaga yaxlit hodisa sifatida qaraladi. Texnologiyaning interfaol sifatlari, tarkibiy qismlari, tuzilmasi, funksional tavsifi, kommunikativ xususiyatlari, tarixiyligi va uzviyligi tadqiq qilinmoqda.

«Texnologiya» va «Pedagogik texnologiya» tushunchalari hamon tadqiqotlar bilishini taqozo etadi.

Pedagogik texnologiyalar tasniflarini asoslash, texnologiya turlari mazmunining yoritilishi, bu texnologiyalarni o‘quv jarayoniga tatbiq etish

yo‘llarini belgilash ta’limning barcha bosqichlarida uning samaradorligini oshirishga imkon beradi.

**Adabiyotlar:**

1. Azizxo‘jaeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat.

2. Ziyomuhammadov B., Abdullaeva SH. Ilg‘or pedagogik texnologiya: Nazariya va amaliyot «Ma’naviyat asoslari» darsi asosida ishlangan uslubiy qo‘llanma. - T.: Abu Ali ibn Sino nomidagi tibbiyot nashriyoti, 2001.

3. Ishmuhamedov R.J. Innovatsiya texnologiyalari yordamida ta’lim samaradorligini oshirish yo’llari. – T.: TDPU, 2004.

4. Azizxo‘jaeva N.N. O‘qituvchi mutaxassisligiga tayyorlash texnologiyasi– T.: TDPU, 2000.

5. Abdurasulov J. (2024). Harbiy pedagogikaning boshqa fanlar bilan aloqasi. Молодые ученые, 2(6), 48–52. извлечено от https://inacademy. uz/index. php/yo/ article/ view/28164

6. Jurayev , S., & Abdurasulov , J. (2024). PSYCHOLOGICAL PROBLEMS OF A MILITARY OFFICER . International Conference on Management, Economics & Social Science, 2(1), 26–29. Retrieved from https://aidlix.org/index.php/fi/article/view/547

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqolada harbiy ta’limda pedagogik texnologiyalarni joriy etish va ulardan samarali foydalanish, mutaxassislarni kasbiy tayyorlash texnologik tamoyili bo‘lajak kasbiga qaratilgan maqsadlar, mazmun funksiyalari, o‘qitish metodlari yoritilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье описано внедрение педагогических технологий в военное образование и их эффективное использование, технологический принцип профессиональной подготовки специалистов, цели, содержательные функции и методы обучения, ориентированные на будущую профессию.

**SUMMARY**

This article describes the introduction of pedagogical technologies in military education and their effective use, the technological principle of professional training of specialists, the goals, content functions, and teaching methods aimed at the future profession.

# TA’LIM JARAYONIDA PEDAGOGIK INTEGRATSIYANING O‘ZIGA XOS IMKONIYATLARI

***Kuliyeva M.X.***
*O‘zbekiston-Finlandiya Pedagogika instituti dotsenti, fizika-matematika fanlari nomzodi*
***Sharipova Sh.X.***
*O‘zbekiston-Finlandiya Pedagogika instituti o‘qituvchisi (PhD)*

**Tayanch so‘zlar:** integratsiya, innovatsiya, korporativ hamkorlik, oliy ta‘lim, fan, ishlab chiqarish, sifatli ta‘lim, ta’lim texnologiyalari.

**Ключевые слова:** интеграция, инновации, корпоративная кооперация, высшее образование, наука, производство, качественное образование, образовательные технологии.

**Key words:** Integration, innovation, corporate cooperation, higher education, science, production, quality education, educational technologies.

Ta’lim oluvchilarning yosh va individual xususiyatlarini o‘rganish psixologiyasini hisobga olgan holda pedagogik vazifalarni hal etish nuqtayi nazaridan fan va o‘quv jarayoni to‘g‘risida tasavvurlarning yaxlit hamda tizimlashtirilgan yig‘indisi pedagogik bilimlar integratsiyasining dastlabki gneselogik asosi hisoblanadi. Ontologik va gneseologik muvofiqlikni hisobga olgan holda, biz pedagogik faoliyatga xos bo‘lgan tavsifni pedagogik bilimlarning yaxlitligi va tizimlashtirilgan uyg‘unligiga ko‘chirish lozim deb hisoblaymiz. Uzluksiz ta’limning yagona yaxlit tizimini vujudga keltirish uchun uni umumiy tarzda qamrab oluvchi ta’lim doirasini yaratish jarayoni nazarda tutiladi. Uning doirasida vorisiylik tamoyiliga muvofiq integrativ aloqalar va ta’lim tizimini shakllantiruvchi vositalar o‘rtasidagi, chunonchi, inson tomonidan turli xil ta’lim darajalarida o‘zlashtirilgan bilimlar, ko‘nikma va malakalar o‘rtasida munosabatlar o‘rnatiladi. Natijada yaxlit insonning rivojlanishi, shakllanishining yagona jarayoni ta’minlanadi. Faylasuflarning ta’kidlashicha, bugungi kunda o‘ta rivojlangan mamlakatlarda kishilarning farovon yashashi uchun xizmat qiladigan ta’limni tabaqalashtirish jarayoni amalga oshmoqda. Bugungi kunda ta’lim mazmunida atrof-olam haqidagi tarqoq tasavvurlarni uyg‘unlashtiradigan

fanlararo aloqadorlikni ta’minlashga ehtiyoj sezilmoqda. [1]. Shuning uchun ham pedagogika fanida integral yondashuv nazariyasi jadallik bilan vujudga kelmoqda.

Ta’limdagi integratsiya - bu bolaning shaxsini rivojlantirish va o‘z-o‘zini rivojlantirishga qaratilgan dunyoning yaxlit ko‘rinishini shakllantirish uchun ma’lum bir ta’lim tizimi doirasida tarkibning tarkibiy qismlari o‘rtasida aloqalarni o‘rnatish jarayoni hisoblanadi. Zamonaviy maktabda fanlarni integratsiyalashuvi ilg‘or pedagogik yechimlarni faol izlash, o‘quvchilarga samarali va asosli ta’sir ko‘rsatish uchun pedagogik xodimlarning ijodiy salohiyatini rivojlantirish yo‘nalishlaridan biridir. Integratsiya o‘quvchilar bilimining parchalanishi va mozaikasini bartaraf etishga yordam beradi, ularning yaxlit bilimlarni, umuminsoniy qadriyatlar majmuini egallashini ta’minlaydi. Mahalliy va xorijiy pedagogika fanida integratsiya muammolarini o‘rganish bo‘yicha boy tajriba to‘plangan. [2].

Turli davrlarda ta‘lim jarayonida fanlararo aloqadorlikdan foydalanish vazifasini Ya.A.Komenskiy, I.G.Pestalotsi, J.J.Russo, L.N.Tolstoy, K.D.Ushinskiylar ilgari surdilar. Axborot hajmining tez o‘sishi sharoitida uni idrok etish va tushunish imkoniyati keskin kamayadi. Bundan chiqish yo‘li turli fanlarni sintez qilishda, yaxlit kurslarni ishlab chiqishda, barcha maktab fanlarini o‘zaro bog‘lashda ko‘rinadi.

Kontent integratsiyasining uchta darajasi mavjud o‘quv materiali:

– predmet ichidagi tushunchalar, bilimlar, ko‘nikmalar va boshqalarning integratsiyasi alohida elementlarning ichida;
– fanlararo faktlar, tushunchalar, tamoyillar va boshqalarni sintez qilish. Ikki yoki undan ortiq fanlar;
– transdisiplinar ta’limning asosiy va qo‘shimcha mazmuni tarkibiy qismlarining sintezi.

Integrativ ta’limning asosiy g‘oyalari quyidagilardan iborat:

– ta’limning shaxsiy yo‘nalishi (Inson asosiy qadriyat ta’lim jarayoni).
– umumlashtirilgan predmet tuzilmalari va faoliyat usullarini shakllantirish (qonunlarni anglash asosida bilimlarni o‘zlashtirish).
– ta’limda ma’no hosil qiluvchi motivlarning ustuvorligi (rag‘batlantiruvchi, ichki, tashqi va tashkiliy).
– o‘qitishdagi izchillik (ilmiy nazariya doirasidagi aloqalarni anglash).
– muammoli o‘rganish;
– faoliyatni aks ettirish;
– dialogik (Haqiqat dialogik muloqot jarayonida tug‘iladi).

Integrativ ta’limning maqsadi: dunyoga yaxlit tasavvurni shakllantirish. Integral ta’lim doirasida alohida texnologiyalarni ajratib ko‘rsatish mumkin.

– integratsiya;
– dizayn texnologiyalari;
– jahon axborot ham jamiyatida ta’lim texnologiyalari;
– internetga asoslangan yirik tizimli o‘quv kurslarini o‘qitish.

Integratsiyalashgan darslarni rejalashtirishda quyidagilar hisobga olinadi:
– bilim bloklari birlashtirilgan, shuning uchun uni to‘g‘ri aniqlash muhimdir asosiy maqsad ta’lim;
– ob’ektlarning mazmunidan maqsadga erishish uchun zarur bo’lgan ma’lumotlar olinadi;
– o‘quv materiali mazmunida ko’plab havolalar o‘rnatiladi;
– integratsiyalangan tarkibning qismlari darsda zarur bo‘g‘in bo‘lib, yakuniy yakunni olishi uchun rejalashtirilgan;
– o‘qitishning usul va vositalarini puxta tanlash hamda o‘quvchilarning darsdagi yuklamasini aniqlash talab etiladi.

Integratsiya jarayoni muayyan shartlarning bajarilishini talabqiladi: o‘rganish ob’ektlari bir xil yoki yetarlicha yaqin, integratsiyalashgan sub’ektlar bir xil yoki o‘xshash tadqiqot usullaridan foydalanadi, ular umumiy qonuniyatlar va nazariy tushunchalar asosida quriladi. Shu sababli, ushbu amaliy tadqiqot doirasida integratsiya xususiyatlariga yondashuvlarni ishlab chiqishda ushbu kontseptsiyaning rivojlanish tarixini kuzatish va mavjud yondashuvlardan eng dolzarbini tanlash kerak. Mualliflarning qo‘shimcha vazifasi-murakkab ilmiy konstruktsiyalarni keng o‘quvchilar uchun ochiq tilde qaytahikoya qilish, bu o‘quv jarayonining barcha ishtirokchilariga qanday konstruktiv g‘oyalarni osongina tushunish imkonini beradi. Mavjud ishlar bilan tanishib, biz zamonaviy ta’lim muammolarini hal qilish uchun eng dolzarb bo‘lib, madaniyatning shaxsiy ma’nolari va qadriyat toifalari ierarxiyaning yuqori darajasiga joylashtirilganligi haqidagi xulosaga keldik. Izlanish institut olimlari guruhining tadqiqotlarida aks ettirilgan san’at ta’limi rahbarligida ishlab chiqilgan. Bizni qiziqtirgan ta‘lim muammosiga yondashib, B.M.Kedrovning tafakkur yo‘nalishlarini aniqlash zarur bo‘lib, u fanlar integratsiyasini ularning o‘zaro ta‘sirining shunday shakli sifatida tushunish kerakligini ta‘kidlaydi, bu esa turli bilim sohalari umumiy tadqiqotlarga ega ekanligini ko‘rsatadi, vazifalar va maqsadlar, shuningdek, ushbu muammolar va maqsadlarni hal qilish va amalga oshirish uchun zarur bo‘lgan aniq bir yagona tizim kognitiv vositalar. B.M.Kedrov fandagi integratsiya jarayonlari tipologiyasini belgilaydi, uning yordamida tabiiy fanlarning ularning differensiallashuvidan integratsiyalashuvigacha bo‘lgan harakati yo‘nalishini ochib beradi: maxsus xususiydan umumiyga; bilimning eng past darajasidan eng yuqori darajasigacha; mavzuning alohida tomonlarini o‘rganishdan ularni ko‘rib chiqish birligiga qadar o‘tish tushunchasining 3 turini ajratib ko‘rsatadi:

"mustaxkamlash" - qo‘shni fanlar o‘rtasida ko‘prik qurish; «poydevor» fanlarni bog‘lash, ayrim fanlarning boshqa fanlarning ob‘ektini o‘rganish usulini yoyish jarayoni; "Yadrolashtirish" - bu ko‘proq umumiy, mavhum, moddiy fanlarning alohida tabiiy fanlarga kirib borishi. Pedagogika fanida B.M.Kedrovning fikrlashi pedagogika nuqtai nazaridan M.A.Terenti tomonidan ishlab chiqilgan bo‘lib, u integratsiyaning uch bosqichini: tushuncha, korrelyatsiya, integratsiyani ajratib ko‘rsatadi."Bubosqichlarzamonaviyta’limdaishlaydi,ammoularta’limga,ayniqsa ijtimoiy-gumanitar fanlar bo‘yicha ta’limga mos keladigan integratsiyaning uchta darajasiga o‘tish uchun tayyorgarlik shartlarini bajaradi. Integratsiyaning ushbu uch darajasi: shakllantiruvchi va rivojlantiruvchi ta‘limning yaxlit mazmunini fundamentallashtirish, shakllantiruvchi va rivojlantiruvchi ta‘limning yaxlit mazmunini universallashtirish, shakllantiruvchi va rivojlantiruvchi ta‘limning yaxlit mazmunini kasbiylashtirish. Integratsiyalashgan kontseptsiyaning uchinchi komponenti ilmiy va amaliy bilimlarni universallashtirishdir. [3].

Ushbu turdagi integratsiya makonining mexanizmlarini ishlab chiqishda biz liberal ta’lim sohasida ishlab chiqilgan, ammo maktabning yaxlit ta’lim jarayoni uchun dolzarb bo‘lishi mumkin bo‘lgan maxsus uslub va amaliyotlarga murojaat qilishimiz kerak. Integratsiya jarayoni (lotincha integration-bog‘lanish, tiklash) tizimning ilgari bir-biridan ajralib turuvchi qismlari va elementlarining o‘zaro bog‘liqligi va bir-birini to‘ldiruvchiligiga ko‘ra yagona yaxlitlikka yig‘ilishidir. Integratsiya - bir qator gumanitar fanlarda: falsafa, sotsiologiya, psixologiya, pedagogika va boshqalarda qo‘llaniladigan murakkab fanlararo ilmiy tushunchadir. Pedagogik jarayonga integratsiyalashgan holda tadqiqotchilar rivojlanish jarayonining ilgari bir-biridan ajralib turuvchi qismlarning integratsiyalashuvi bilan bog‘liq jihatlaridan birini tushunadilar. Bu jarayon allaqachon tuzilgan tizim doirasida ham, yangi tizim doirasida ham amalga oshishi mumkin. Integratsiya jarayonining mohiyati tizimga kiritilgan har bir element ichidagi sifat o‘zgarishlaridir.

Integratsiya prinsipi o‘quv jarayonining barcha tarkibiy qismlarini, tizimning barcha elementlarini o‘zaro bog‘lashni, tizimlar o‘rtasidagi aloqani o‘z ichiga oladi, u maqsadni belgilashda, o‘qitish mazmunini, uning shakllari va usullarini belgilashda yetakchi hisoblanadi. Integrativ yondashuv pedagogik jarayonning har qanday komponentida integratsiya tamoyilini amalga oshirishni anglatadi, pedagogik jarayonning yaxlitligi va izchilligini ta’minlaydi. Integratsiya jarayonlari sifat o‘zgarishi jarayonlari individual elementlar tizim yoki butun tizim. Mahalliy didaktika va ta’lim nazariyasidagi ko‘plab tadqiqotlar ta’lim jarayonini takomillashtirishning aniq usullarini ishlab chiqishda yuqoridagi qoidalarga asoslanadi. Integrativ ta’limni joriy etish vositalari, shakllari va usullari o‘qitish metodikasi ham barcha didaktika kabi murakkab davrni

boshidan kechirmoqda. Umumiy o‘rta ta’limning maqsadlari o‘zgardi, yangi o‘quv dasturlari ishlab chiqilmoqda, mazmunni alohida alohida fanlar orqali emas, balki integratsiyalashgan ta’lim yo‘nalishlari orqali aks ettirishning yangi yondashuvlari.

Faoliyat yondashuviga asoslangan ta’limning yangi konsepsiyalari yaratilmoqda. Ma’lumki, bilim sifati o‘quvchining u bilan nima qila olishi bilan belgilanadi. Shu sababli ham qiyinchiliklar yuzaga keladi o‘quv dasturlari maktablarda o‘rganiladigan fanlar soni ortib bormoqda va ba’zi klassik maktab fanlarini, shu jumladan geografiya va kimyoni o‘rganish vaqti qisqartirilmoqda. Ekologiya sifatida kiritildi majburiy mavzu yaqinda, hozir bekor qilingan.

Bu holatlarning barchasi metodologiya sohasida yangi nazariy tadqiqotlar uchun asos yaratadi, ta‘lim jarayonini tashkil etishda turlicha yondashuvlarni talab qiladi. Tabiiy fanlar metodologiyasida hal qilinishi kerak bo‘lgan yetarli miqdordagi muammolar to‘plangan. Ular orasida tabiatshunoslik bilimlarining keng tizimini birlashtirish, o‘qitishni tashkil etish usullari, vositalari va shakllarini yangilash muammosi bor. Bu muammo yangi pedagogik texnologiyalarni ishlab chiqish va ta‘lim jarayoniga joriy etish bilan chambarchas bog‘liq. Ta’limni yangilash ta’limni tashkil etishning noan’anaviy usullari va shakllaridan, shu jumladan integral usullardan foydalanishni talab qiladi, buning natijasida bolalarda dunyoni yaxlit idrok etish rivojlanadi va o‘rganishga faol yondashuv shakllanadi, bu haqida ko‘p gapiriladi.

Bundan tashqari, faqat tushuntirish va illyustratsiyaga tayanib bo‘lmaydi va o‘qituvchilik amaliyotida keng qo‘llaniladi reproduktiv usullar. Bizning tushunchamizda integratsiya nafaqat fanlar bo‘yicha bilimlarning o‘zaro bog‘liqligi nuqtai nazaridan, balki ta’lim texnologiyalari, usullari va shakllarining integratsiyasi sifatida ham ko‘rib chiqiladi. Pedagogik faoliyat me’yorlar va ijodkorlik, fan va san’at uyg‘unligidir. Shuning uchun mavjud bo‘lgan turli xil o‘quv faoliyati usullarini birlashtirish, to‘g‘ri birlashtirish muhimdir. Muvaffaqiyat bunga bog‘liq bo‘ladi va shuning uchun mashg‘ulot natijasi. Shunday qilib, o‘qituvchining kasbiy faoliyatida an’anaviy metodlar darajasida emas, balki fanlar va o‘qitish texnologiyalari bo‘yicha bilimlarni integratsiyalashuvi darajasida doimo tadqiqot, pedagogic ijodkorlik uchun imkoniyat mavjud. Integratsiyalashgan dars - bir tushuncha, mavzu yoki hodisani o‘rganishda bir vaqtning o‘zida bir nechta fanlar bo‘yicha o‘qitishni birlashtiradigan maxsus darsturi. Bunday darsda har doim ajralib turadi: integrator vazifasini bajaradigan yetakchi fan va yetakchi fan materialini chuqurlashtirish, kengaytirish, aniqlashtirishga hissa qo‘shadigan yordamchi fanlar.

Integratsiyalashgan darslar turli xil fanlarni to‘liq birlashtirib, hayot xavfsizligi asoslari yoki dunyo kabi integrative mavzularni keltirib chiqarishi mumkin, san’at

madaniyati, va faqat tarkibning alohida komponentlarini, usullarini o‘z ichiga olishi mumkin. Masalan, yetakchi fanning o‘qitish usullarini saqlab qolgan holda, siz fanlarning mazmunini birlashtirishingiz mumkin. Shuningdek, faqat bitta fan mazmunini saqlab qolgan holda turli fanlarni o‘qitish metodikasini birlashtirish mumkin. O‘qituvchilar integratsiyalashgan darsdan kamdan-kam hollarda va asosan quyidagi hollarda murojaat qilishadi: Agar o‘quv dasturlari va darsliklarda bir xil materialning takrorlanishi aniqlansa, mavzuni o‘rganish uchun vaqt chegarasi va parallel fandan tayyor tarkibdan foydalanish istagi bilan, fanlararo va umumlashtirilgan kategoriyalarni (harakat, vaqt, rivojlanish, kattalik va boshqalar), inson hayoti va faoliyatining turli tomonlarini qamrab oluvchi qonunlar, tamoyillarni o‘rganishda; Turli fanlarda bir xil hodisalar, faktlarni tavsiflash va izohlashda qarama-qarshiliklarni aniqlashda, o‘rganilayotgan hodisaning o‘rganilayotgan mavzu doirasidan tashqariga chiqadigan kengroq namoyon bo‘lish maydonini namoyish qilishda, fanni o‘qitishning muammoli, rivojlantiruvchi metodini yaratishda.

Albatta, integratsiyalashgan darslardan foydalanish uchun boshqa motivatsiya holatlari mavjud. Integratsiyalashgan dars haqida qaror qabul qilishdan oldin, siz integratsiya boshlangan boshqa fan o‘qituvchisiga ittifoqchi bo‘lishingiz kerak. Ikkala o‘qituvchi ham o‘z fanlarini integratsiya qilishda birgalikdagi qiziqishlarini aniqlashlari kerak. Ikkala o‘qituvchi ham alohida darslarni tayyorlash va o‘tkazishdan ko‘ra ko‘p mehnat va ko‘p vaqt va kuch sarflashini bilishi kerak. Integratsiyalashgan darsning tarmog‘i - bu ikki o‘qituvchining o‘zaro aloqasi texnologiyasi, ularning harakatlarining ketma-ketligi va tartibi, materialni taqdim etishning mazmuni va usullari, har bir harakatning davomiyligi. Bu holda ularning o‘zaro ta’siri turli yo‘llar bilan qurilishi mumkin. Bu ularning har biri teng ulushli ishtiroki bo‘lishi mumkin; ulardan biri rahbar, ikkinchisi esa yordamchi yoki maslahatchi vazifasini bajarishi mumkin; butun darsni bir o‘qituvchi boshqasi ishtirokida faol kuzatuvchi va mehmon sifatida o‘tkazishi mumkin. Integratsiyalashgan darsning davomiyligi ham har xil bo‘lishi mumkin. Ammo ko‘pincha buning uchun ikki yoki uch dars soati bir darsga birlashtiriladi.

Har qanday integratsiyalashgan dars bir mavzuning tor doirasi, tegishli kontseptual va terminologik tizimi va bilish usulidan tashqariga chiqish bilan bog‘liq. Unda siz masalani yuzaki va rasmiy o‘rganishni yengishingiz, ma’lumotni kengaytirishingiz, o‘rganish jihatini o‘zgartirishingiz, tushunishni chuqurlashtirishingiz, tushunchalar va qonunlarni aniqlashtirishingiz, materialni umumlashtirishingiz, talabalar tajribasini va uni tushunish nazariyasini birlashtirishingiz, bilimlarni tizimlashtirishingiz mumkin. Darsda pedagogik jarayonning har qanday tarkibiy qismlarini birlashtirish mumkin: maqsadlar, tamoyillar, o‘qitishning mazmuni, usullari va vositalari. Qachonki, masalan,

mazmun olinsa, unda integratsiyalashuv uchun uning har qanday tarkibiy qismlarini ajratib ko‘rsatish mumkin: tushunchalar, qonunlar, tamoyillar, ta’riflar, belgilar, hodisalar, farazlar, hodisalar, faktlar, g‘oyalar, muammolar va boshqalar. Turli fanlardan bo‘lgan bu komponentlar bir darsda birlashtirilib, tizim hosil qiladi, o‘quv materiali ularning atrofida to‘planib, yangi tizimga kiritiladi. Darsni tashkil etishda tizimni tashkil etuvchi omil asosiy hisoblanadi, chunki uni qurishning yanada ishlab chiqilgan usuli va texnologiyasi shu bilan belgilanadi. Ko‘p mavzuli integratsiyalashgan darsning an’anaviy mavzuga nisbatan afzalliklari aniq. Ushbu darsda siz ko‘proq narsalarni yaratishingiz mumkin qulay sharoitlar talabalarning turli xil intellectual qobiliyatlarini rivojlantirish uchun, bu orqali siz kengroq sinergetik fikrlashni shakllantirishga erishishingiz, nazariy bilimlarni amaliyotda qo‘lashni o‘rgatishingiz mumkin. Amaliy hayot, muayyan hayotda, kasbiy va ilmiy vaziyatlarda integratsiyalashgan darslar o‘quv jarayonini hayotga yaqinlashtiradi, tabiiylashtiradi, zamon ruhi bilan jonlantiradi, mazmun-mohiyatini to‘ldiradi.

**Adabiyotlar:**

1. Mavlonova R., Rahmonqulova R. Boshlang‘ich ta‘limning integratsiyalashgan pedagogikasi. T., Ilm ziyo. 2009. 49-bet.

2. JurayevJ.S. (2021). Abu Ali Ibn Sinoning falsafiy qarashlarida axloq masalasi va uning bugungi kundagi ahamiyati. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(3), 11-14.

3. Sulaymonov J. (2021) Abdurahmon Ibn Xaldunning tamaddun taraqqiyoti haqidagi qarashlarida jamiyat tahlili//Academic Research in Educational Sciences, Vol. 2 Special Issue 1, 2021. 451-455 R.

**РЕЗЮМЕ**

Mazkur maqolada mamlakatimizda oliy ta‘lim muassasalari pedagogik integratsiyasi hamda innovatsion - korporativ hamkorlikning rivojlanishining o‘ziga xos xususiyatlari ko‘rib chiqilgan. Fan, ishlab chiqarish integratsiyasi va innovatsion hamkorlikni rivojlantirishda innovatsion uslublardan foydalanishni ta’minlash muhim ahamiyat kasb etishi ko‘rsatib o‘tilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье рассматриваются особенности педагогической интеграции высших учебных заведений и развития инновационно-корпоративного сотрудничества в нашей стране. Показано, что обеспечение использования инновационных методов имеет большое значение в развитии науки, производственной интеграции и инновационной кооперации.

**SUMMARY**

In this article, the specific features of pedagogical integration of higher education institutions and the development of innovative-corporate cooperation in our country are considered. It has been shown that ensuring the use of innovative methods is of great importance in the development of science, production integration and innovative cooperation.

# INTEGRASTSION QOLIPLASH KOMPOZITSION USULI ORQALI O‘QUVCHILARNING MATN YARATISH KOMPETENSIYASINI SHAKLLANTIRISH

***Rasulova R.B.***
*Pedagogika fanlar falsafa doktori(PhD)*
*Chirchiq davlat pedagogika universiteti*

**Tayanch so‘zlar:** integratsion ta’lim, matn yaratish, tafakkur, qoliplash kompozitsion usuli, mustaqil fikr, nutqiy kompetensiya, kreativ fikrlash, dars samaradorligi.

**Ключевые слова:** интегративное обучение, текстотворчество, мышление, композиционный метод моделирования, самостоятельное мышление, речевая компетентность, творческое мышление, эффективность урока.

**Key words:** integrative learning, text creativity, thinking, compositional modeling method, independent thinking, speech competence, creative thinking, lesson effectiveness.

Insonning ma’naviy to‘kislik sari intilishida so‘zning o‘rni beqiyos. So‘zdan o‘rinli foydalanish, ma’naviy barkamollik uchun qo‘llash tabiiy jarayon. Ayniqsa, asrlar osha o‘z qadrini saqlab kelayotgan nodir durdonalarimizni o‘qish, o‘rganish va ulardan ta’sirlanib yanada takomillashtirishga harakat qilish bugunning talabidir. Negaki, bolalarni doimo go‘zal asarlar o‘qishga qiziqtirish, badiiy so‘zni tuyish, undan ta’sirlanish va zavq ola bilishga yo‘naltirish barcha jamiyat vakillarining burchidir. Adabiyotimiz qatlamlarlarida mashhur ijodiy namunalardan qoliplash kompozitsion usuli bilan yaratilgan asarlar ham yosh avlod tafakkuri rivojiga samarali ta’sir ko‘rsatadi. Qadim sharq xalqlari adabiyotida mavjud ushbu asarlar ustida tadqiqot ishlarini olib borib ularni o‘zbek tiliga erkin, ijodiy tarjima qilib o‘zbek adabiyotimizni noyob durdonalar bilan boyitgan ajdodlarimiz mehnatlari e’tirofga loyiqdir. 1796 yil Kitob shahrining Charmgaron guzarida kosib oilasida dunyoga kelgan Mulla Qurbon Xiromiyning bu sohaga qo‘l urishi bugungi yoshlar duyoqarashi kengayishiga, kompetenti shakllanishiga, ma’naviy olami o‘sishiga, nutqi mantiqli, fikri teran bo‘lishiga salmoqli hissa qo‘shadi deb baralla aytish mumkin. Zamon bilan hamnafas bo‘lgan haqiqiy pedagog izlanadi, ijod qiladi, boy meroslarimizdan

unumli foydalanadi. Ta’lim-tarbiya jarayonida barcha chora- tadbirlarni ko‘rib zamon talabi bilan uyg‘unlashtira oladi. Qadimda yaratilgan ushbu noyob asarlar ustida qayta-qayta ishlab ta’lim jarayonida foydalanish, yoshlarning og‘zaki va yozma nutqida, tafakkuri o‘sishida samarali natijalar beradi. Bu usuldagi hikoyalarning uzviy g‘oyaviy bog‘liqligi bugungi klaster tizimini aks ettiradi. Qoliplanuvchi hikoyalarni qoliplovchi hikoyalarga yaxlitlab integratsiyalaydi. Bunga misol tariqasida qoliplash usuli haqida ma’lumotlar berib, namunalar keltirishni lozim topdik.

Qoliplash kompozitsion usuli mumtoz adabiyotning eng qadimgi namunalarida uchraydi. Bu usul qaysi xalq folklori yoki adabiyotida paydo bo‘lgan, keyin qanday yo‘llar bilan tarqalganligini aytish qiyin. Umuman, bu usul sharq xalqlari adabiyotlarida paydo bo‘lib, ularning bir-biriga ta’siri natijasida shakllanib, taraqqiy topganligi haqiqatga ancha yaqin. Qoliplash kompozitsion usulining ta’siri XIV asr o‘zbek adabiyoti namunalarida, masalan, “Yusuf va Zulayho”da ko‘rinsa ham, ammo uni hali to‘la ma’nodagi qoliplash kompozitsion usuli deb bo‘lmas edi. Bu usuldagi asarlarning yetuk namunasini o‘zbek adabiyotida Alisher Navoiy (“Sab’ai sayyor”, “Lisonut-tayr”) yaratdi. Bu an’ana XIX asr ijodkorlari Gulxaniy, Xiromiy, Masiho Boysuniy, Miriy, Siddiq, Muhammad Rasullar tomonidan rivojlantirildi. Qoliplash kompozitsion usulining eng qadimgi namunasiga arab xalqlari tomonidan yaratilgan “Ming bir kecha” ertaklar to‘plami misol bo‘la oladi. Bu usulning xususiyatlarini xalq kitoblari va hatto xalq eposlarida ham ko‘plab uchratamiz. Masalan, “Go‘ro‘g‘li” eposi o‘ziga xos qoliplash kompozitsion usuliga ega bo‘lib, u o‘zbek, tojik, turkman, ozarboyjon va boshqa qardosh xalqlar o‘rtasida mashhurdir. “Go‘ro‘g‘li” eposining qoliplovchi hikoyasi Go‘ro‘g‘lining o‘zi haqidagi hikoyadir. Qolgan 40 dan ortiq doston Go‘ro‘g‘li haqidagi hikoyaga qoliplanadi yoki o‘sha hikoyadagi asosiy g‘oyalarni to‘ldiradi. Qoliplovchi dostonlar turli xalqlarda har xil xarakterda bo‘lgan. Bunday asarlar Yevropa adabiyotida ham uchraydi. Masalan. Bokachchoning “Dekameron”i shu usulda yozilgan. Bundagi “usul” so‘zi uslub mazmunida emas, balki tartib, kompozitsiya mazmunida keladi. Durbekning “Yusuf va Zulayho” dostonida ham voqea ichida voqea, hikoya ichida hikoya berish hollari uchraydi. Qadim xalqlar ajdodlari haqida qator qahramonlik dostonlari yaratganlar. “Baxtiyornoma”, “To‘tinoma” va boshqa qator asarlar ham o‘ziga xos qoliplash kompozitsion usuliga egadir. Bu usulni tojik adabiyotshunoslari ”chahorcho‘ba”(ramka) yoki “afsona dar afsona”, “povest dar povest” deb ataydilar. “Hind ertaklari”ga kirish so‘zi yozgan M.Kalyagina-Kondratyeva qoliplash kompozitsion usulining xususiyatlari haqida fikr yuritib, yozadi:

“Xalq ertaklarini qaytadan ishlagan yozuvchilar ularning fabulasiga zeb-u ziynat berar, ularga she’rlar, maqollar, hikmatli so‘zlar kiritib, o‘zlari ham yangi ertaklar ijod etardilar. Aksari, birmuncha ertaklarni bir to‘plamga birlashtirib, “ramka” bilan o‘rab olardilar. Bu terminda qadimgi hind yozuvchilariga xos kompozitsion usullar ko‘zda tutiladi. Bunda ichki bog‘lanishi bo‘lmagan ayrim asarlar sun’iy ravishda birlashtirilib, asosiy qissaning fabulasi bilan o‘rab olinadi. Mashhur ertaklar to‘plami “Ming bir kecha” ham shu asosda tuzilgan. Bu xil to‘plamlarga xos xususiyatlar quyidagicha: qissa asosan fabulani bayon etish bilan boshlanadi. Shuning davomida qahramonlardan biri ikkinchisiga hikoya qiladi, bir hikoya tugashi bilan, asosiy qissaning talabiga muvofiq, ikkinchi, uchinchi hikoyalar boshlanib, nihoyat asosiy qissa tugallangandagina hikoya aytish tamom bo‘ladi”. Albatta, bu fikrda bir tomonlamalik ham yo‘q emas. Olima, asosan, shu turdagi asarlarning kompozitsion tomonini ko‘zda tutib fikr yuritgan. Aslida, bu qissalar faqat qoliplovchi hikoya talabi bilangina “ramka”ga olinmaydi, balki ularni bir umumiy natija va maqsad bir yerga to‘playdi. Masalan, shunday xususiyatli ba’zi asarlarda sabr va chidam kabi masalalarni hal etishda sarosimaga tushmaslik, har tomonlama fikr yuritish kabi umumiy g‘oyalar ilgari suriladi. Chunonchi, “Baxtiyornoma”da shunday, hatto ularning ba’zilarida syujetda yagonalik prinsiplari ham bor. Bunday xususiyatli asarlar, olimlarning yozishicha, qadimgi hind, sanskrit adabiyotida maydonga kelgan. Bunday asarlarning muhim namunasi sifatida “Pancha tantra”- “Besh kitob”ni ko‘rsatish mumkin (variantida “Kalila va Dimna” deb ataydilar). “Vitala pancha vinatgi”(“Vitalining 95 afsonasi”), “Shukasptati” (“To‘tining 75 hikoyasi”) ham shunday xarakterdagi asarlardandir. “Ming bir kecha” ertaklar to‘plami ham qoliplash kompozitsion usulining eng yaxshi namunalaridan ekanligini yuqorida eslatib o‘tgan edik. Uning dunyoga mashhur bo‘lishida undagi ajoyib-g‘aroyib ertaklar bilan bir qatorda kompozitsion usuli ham sabab bo‘lgan. “Ming bir kecha”ning qoliplovchi hikoyasi “Shahriyor va Shohizamon” hikoyasidir. “Ming bir kecha”dagi qoliplovchi hikoyada adolatli shoh, vafo, soflik, ahillik, to‘g‘rilik kabi qator g‘oyalar madh etilib, bularga teskari g‘oyalar Shohizamon xotinlari timsolida qoralanadi. Shahriyor obrazi orqali aql va donish kuchiga ishonch bildiriladi, sabr va qanoat, iroda va sabotning kuchi ko‘rsatiladi. Albatta, bu hikoyadagi obrazlar asosiy maqsadni amalga oshirish uchun vosita sifatida tanlanganligini unutmaslik kerak. Hatto asosiy hikoyadagi obrazlar ham shu kompozitsion usul asosida rivolanadi. Ularning xatti-harakati, voqealarga aralashishi, xarakterining shakllanishi va boshqa tomonlari ham kompozitsion markazga bog‘liq holda o‘zgaradi. “Ming bir kecha” kompozitsiyasi markazida johil, qonxo‘r podshoni tarbiyalash, yomonlikdan qaytarish masalasi turadi.

Shu sababli u faqat qoliplovchi hikoyada va xotimada harakat qiladi, xolos. Birinchi kechadan bir ming birinchi kechagacha asosiy “yuk” Shahriyorning gardaniga yuklanadi. U asosiy maqsadni amalga oshirish uchun har qanday kenglikda, har qanday holatda harakat qiladi va har xil hikoyani aytib beradi. Demak, uning faoliyat ko‘rsatishi uchun qissada keng maydon yaratib berilgan. Boshqa hikoyalar ham o‘z kompozitsion markaziga hamda o‘z qoliplanuvchi hikoyalariga ega. Ammo ularning barchasi ham birgalikda bosh markazga xizmat qiladi. XIX asr shoiri Gulxaniyning “Zarbulmasal”i ham qoliplash kompozitsion usulida yaratilgan asarlardan biridir. Gulxaniy ham o‘zigacha yaratilgan folklor asarlarini to‘plash va ularni zamonaviylashtirish asosida “Zarbulmasal”ni yaratdi. “Zarbulmasal”ga shoir Boyo‘g‘li va Yapaloqqush mojarosini qoliplovchi hikoya qilib, qolganlarini unga qoliplantirish hodisasi va avvalo, zamona ruhidan, ijodkor pozitsiyasidan kelib chiqqan holda birlashtirdi. Aslida “Zarbulmasal”dagi qoliplovchi hikoya ham, qoliplanuvchi hikoyalar ham ancha ilgari yaratilgan. Ammo Gulxaniygacha bironta adib ham bu asarlarni ma’lum bir tizimga solgan emas. Gulxaniyning novatorligi uning bu hikoyalarni to‘plashida emas, balki ularni Boyo‘g‘li va Yapaloqqush hikoyasi atrofiga jamlab, ma’lum bir siyosiy-ijtimoiy g‘oyani tashuvchi sifatida kompozitsiyalashtirishidadir.

Darsda va darsdan tashqari vaqtlarda mustaqil ish sifatida bunday asarlar bilan ishlash o‘quvchilarga kashf etish lazzatini tuydiradi, kitob olamiga sehrlab, qahramonlar hayotiga bog‘lab qo‘yadi. Bolalarni kitob bilan oshno qilish ularning ko‘ngilini o‘stirib, ruhiyatini tozalaydi. Badiiy asar sehrini tuydirish uchun, barcha imkoniyatlardan foydalanmoq pedagogllarimiz zimmasidagi ustuvor vazifalardandir. O‘quvchilar bilan qoliplash kompozitsion usulida yaratilgan asarlar ustida ishlash jarayonida ularda turli fikrlar, g‘oyalar tug‘ilishi tabiiy holdir. Bundan unumli foydalangan holda o‘qituvchi tomonidan qoliplovchi hikoya taqdim qilinib, o‘quvchilarga shu hikoya mazmun-maqsadiga hamohang qoliplanuvchi hikoyalar tuzish tashkillashtirilsa maqsadga muvofiq bo‘ladi. Buning uchun mavzu yuzasidan o‘quvchilarga qiziqarli ma’lumotlar berilsa yoki muammoli vaziyatlar tashkillashtirilsa, ularda ushbu masalalarga javob qaytarish xohish va ishtiyoq tug‘iladi. Masalan, bitiruvchi sinf o‘quvchilarida kasb tanlash masalalari bilan bog‘liq muammolar ko‘zga tashlanadi. O‘qituvchi ushbu masalaga bag‘ishlangan mavzu tanlab o‘quvchilar e’tiboriga havola etsa va barcha o‘quvchilarning fikr - mulohazalarini qoliplovchi – qoliplanuvchi kompozitsion usulidan foydalangan holda tashkillashtirsa kreativ fikrlashda faollik oshadi. Bunda qoliplovchi hikoya qilib tanlagan kasbi ota-onasi tomondan rad etilgan Akromjonning muammosi beriladi. O‘quvchilarga bu

muammoni yechish uchun mulohazalarini qoliplanuvchi hikoya tarzida yozib berishlari tashkillashtiriladi. Q.H. «Akromjonning orzusi»:




«Akromjonning orzusi» mavzusidagi qoliplovchi hikoya sxemasi

Qoliplovchi hikoya taqdim etilgach, o‘quvchilardan Akromjonning ota-onasiga kasb tanlashda adashmaslik, halol mehnat – rizq-ro‘z manbai kabi mavzularda maktub yozishlari tashkillashtiriladi, o‘quvchilar zo‘r qiziqish bilan ishga kirishadilar. O‘quvchilarning mustaqil va sog‘lom fiklashlari bu jarayonda muhim hisoblanadi.

Axir, har qanday jamiyatning taqdiri undagi sog‘lom ma’naviyatli insonlarga bog‘liq. Shu nuqtayi nazarga asoslanib yoshlarimizni chin insoniy ma’naviyatga yo‘g‘rilgan, barkamol qilib tarbiyalash yil sayin dolzarb mavzuga aylanib bormoqda.

**Adabiyotlar:**

1. Rasulova R. B. (2021). Matn yaratish kompetensiyasini shakllantirishda mumtoz adabiyot qatlamlariga murojaat. TIl VA ADABIYOT TA’LIMI, 7. B.12-14

2. Rasulova R.B. Umumta’lim maktab o‘quvchilarining matn yaratish kompetensiyasini shakllantirishda reminissensiya hodisasisining ahamiyati (7-9-sinflarda matn yaratish kompetensiyasini shakllantirish metodikasi) MUG’ALLIM HAM UZLUKSIZ BILIMLENDIRIW. Ilmiy-metodikaliq jurnal № 6/1 2021. B. 8-12

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqolada integratsion yondashib mumtoz adabiyotimizning mashhur ijodiy namunalaridan qoliplash kompozitsion usuli bilan yaratilgan asarlar yordamida o‘quvchilarning matn yaratish kompetensiyalarini shakllantirish haqida fikr bildirilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье высказывается мнение о формировании у учеников текстотворческих компетенций с использованием произведений, созданных композиционным методом из известных творческих образцов нашей классической литературы, с применением комплексного подхода.

**SUMMARY**

This article expresses an opinion on the formation of text-creative comments in students using works created by the compositional method from well-known creative images of our classical literature, using an integrated approach.

# CHET EL TAJRIBASIDA 4K MODELI VA UNING SHAXSLARARO MULOQOT KO‘NIKMALARINI RIVOJLANTIRISHGA TA’SIRI

***Rahmonov O.B.***
*Navoiy shahri 18-umumta’lim maktabi direktori*

**Tayanch so‘zlar:** 4K modeli, shaxslararo muloqot, ko‘nikma, model, ta’lim siyosati, kompetensiya.

**Ключевые слова:** 4К-модель, межличностное общение, навык, модель, образовательная политика, компетенция.

**Key words:** 4K model, interpersonal communication, skill, model, educational policy, competence.

Bir qator tadqiqotlarda milliy ta’lim kun tartibiga kiritilgan turli xil mavzular, professional kadrlarni shakllantirish, ta’lim berish sifatini oshirish va uni o‘rganishga qaratiladi. Ushbu ko‘nikmalarni rivojlanish sur’ati oshib borayotgan davlatlardan Gonkong, Janubiy Koreya, Singapur, Yaponiya, shuningdek, Osiyo, Tinch okeani mintaqasidagi mamlakatlardan tortib to Vyetnamgacha o‘sib bormoqda.

Tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, ushbu mamlakatlarning ta’lim siyosati va ta’lim standartlarini belgilaydigan hujjatlarnda eng ko‘p uchraydigan masalalar o‘quvchilarlar tomonidan shakllantirilishi kerak bo‘lgan munosabat va boshqa ta’lim natijalarini o‘rganish mumkin. Ular orasida birinchi o‘rinlarni tanqidiy fikrlash va innovatsion yoki ijodiy fikrlash, o‘zini boshqarish va boshqalar bilan o‘zaro munosabatda bo‘lish qobiliyati egallaydi.

152 mamlakatda o‘tkazilgan shunga o‘xshash tadqiqot shuni ko‘rsatdiki, ko‘pincha hujjatlarda kommunikatsiya, ijodkorlik, tanqidiy fikrlash va muammolarni hal qilish kabi vakolatlar haqida ma’lumotlar keltirilgan [1]. Buni amalga oshirish uchun biz to‘rtta muhim narsaga javob berihimiz kerak. Standartlar va dasturlar asoida yangi kompetensiyalar va ko‘nikmalarni ta’limga qanday integratsiya qilish kerak? Tarkib asosida maktab darsida




*1-rasm. O‘zbekiston davlat ta’lim standartiga qo‘yiladigan malaka talablar*

o‘rganilayotgan mavzularni qanday shakllantirish kerak? Ularni qanday baholash kerak? Maktabda yangi amaliyotni qanday tarqatish kerak? Birinchi savolga javob berishdan boshlaylik. Keling, “4K” modeli ko‘nikmalarining tuzilishini ko‘rib chiqamiz va ularning tarkibiy qismlarini ta’kidlaymiz.

XXI asr ko‘nikmasi bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Umumiy o‘rta va o‘rta maxsus ta’limning davlat ta’lim standartlarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi hujjatda qo‘yiladigan talablar quyidagicha berilgan [2]. (1-rasm)

Shaxslararo muloqot o‘quvchilarning bitta sinf o‘quvchilariga savollar berish va ularning savollariga ular uchun tushunarli tarzda javob berish qobiliyatida namoyon bo‘ladi, agar tushunarsiz bo‘lib qolsa, tushuntirish uchun murojaat qilish mumkin, bo‘lmasa xabarlarda yoki mulohazalarda va o‘z navbatida o‘zingizni tushuntirish qobiliyatingiz orqali g‘oyalar va takliflar berishi mumkin.

Ushbu kompetensiyaning tuzilishi quyidagicha ifodalanadi. (2-rasm)



4K tamoiyli asosida Avstraliya umumiy ta’lim standartining (tanqidiy fikrlash, ijodkorlik, hamkorlik, kommunikatsiya ko‘nikmalari jamoada ishlash, o‘zaro aloqada bo‘lish va hamkorlik qilish qobiliyati ushbu davlat ta’lim standarti talablariga qanday mos kelishini batafsil tahlil qilamiz. Bunda muhim metafan natijalari va boshqa fanlar aloqasi bilan muhimdir.

*3-rasm. Avstraliya umumiy ta’lim standartining tuzilishi [3]*

Tadqiqot ishimiz jarayonida 4K tamoiyli asosida Avstraliya umumiy ta’lim standartining tuzilishi bilan tanishib chiqdik. (3-rasm)

Shuningdek, XXI asr ko‘nikmalari hayot uchun eng muhim sifatida turli sohalardagi mutaxassislar tayyorlashda Kanada davlati ham peshqadamlikni qo‘ldan bermay kelayotgan davlatlar hisoblanadi. Ular XXI asr ko‘nikmalariga hayot uchun eng ahamiyatli deb bilgan ko‘nikmalar: xarakterni tarbiyalash, fuqarolik savodxonligi, muloqot, tanqidiy fikrlash va muammoni hal qilish, hamkorlik, kreativlik ko‘nikmalariga urg‘u berib o‘tgan. Bizningcha, 4K modeli asosida o‘quvchilarning shaxslararo muloqat ko‘nikmalarini “Tarbiya” fani darsi va “Ma’naviyat soat”lari orqali o‘quvchilarning XXI asr ko‘nikmalari uchun xarakter hususiyati ahamiyatli hisoblanadi.

Kanada ta’lim standartida ta’lim natijalari modeli [4]




Ushbu rasmlarda keltirilgan ma’lumotlar XXI asr ko‘nikmalari orqali hayotga tayyorlaydi. Aks holda ular ular maktab bitiruvchilariga kerak bo‘lgan turli xil savodxonlik turlari bilan bir qatorda ta’limning majburiy natijasi sifatida maqsadiga erisholmaydilar.

Tadqiqotimiz jarayonida Finlyandiyaning ta’lim standarti ta’lim natijalari

modelini o‘rgandik [5]. Tadqiqotda Finlyandiyaning ta’lim standarti shaxs va fuqaro sifatida rivojlangan tamoyili asosida ish olib boriladi. Fikrlash va mahorat; madaniy kompetensiya, o‘zaro ta’sir va o‘zini namoyon qilish; o‘zi haqida o‘ylash va kundalik hayotni boshqarish; multi savodxonlik; AKT savodxonligi; karyera rivojlanishi va tadbirkorlik; barqaror kelajakni qurish va ishtirok etishga jalb qilishga qaratiladi. (4-rasm)

Bizningcha, Finlyandiyaning ta’lim standarti bo‘yicha XXI asr ko‘nikmalari modeli bugungi kunda inson hayotida muhim rol vazivasi fikrlash va mahorat; madaniy kompetensiya, o‘zaro ta’sir va o‘zini namoyon qilish; o‘zi haqida o‘ylash va kundalik hayotni boshqarish; multi savodxonlik; AKT savodxonligi; karyera rivojlanishi va tadbirkorlik; barqaror kelajakni qurish masalalari hayotda muhim rol hisoblanadi. Ayniqsa 4K modeli asosida o‘quvchilarning shaxslararo muloqot ko‘nikmalarini rivojlantirishda hayot tarzimizning mukammal bo‘lishida ahamiyatli hisoblanadi.

**Adabiyotlar:**

1. Care E., Kim H., Vista A., Anderson K. Education System Alignment for 21st century skills: Focus On Assessment. — Brookings institution, 2018.

2. 187-сон 06.04.2017. Umumiy o‘rta va o‘rta maxsus ta’limning davlat ta’lim standartlarini tasdiqlash to‘g‘risida (lex.uz)

3. Система школьного образования в Австралии (kiwieducation.ru)

4. Bekimbetova G.R. 4K tamoyili asosida o‘quvchilarning Qoraqalpoq tili fanidan kolloborativ ko‘nikmalarini rivojlantirish paradigmasi // International journal of recentli scientific researcher’s theory. International scientific journal. ResearchBib Imfact Factor: 7.1. Volume: 2. Issue: 2. February. 2024. ISSN: 2992-8885. uzresearchers.com. – P.191-198. (13.00.00; №14).

Bekimbetova G.R. Qoraqalpoq tili fanidan o’quvchilarning 4K ko‘nikmalarini rivojlantirishning amaliy ahamiyati // International journal of recentli scientific researcher’s theory. International scientific journal. ResearchBib Imfact Factor: 7.1. Volume: 2. Issue: 2. February. 2024. ISSN: 2992-8885. uzresearchers.com. –P.185-190. (13.00.00; №14).

**РЕЗЮМЕ**

Maqolada rivojlangan chet el davlatlarida 4K modeli tajribasida va uning shaxslararo muloqot ko‘nikmalarini rivojlantirishga ta’siri haqida so‘z yuritiladi.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассказывается об опыте применения модели 4К в развитых зарубежных странах и ее влиянии на развитие навыков межличностного общения.

**SUMMARY**

The article talks about the experience of the 4K model in developed foreign countries and its impact on the development of interpersonal communication skills.

# O‘QITUVCHILARNI UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANTIRISHDA P5BL YONDASHUVINI TATBIQ QILISH QONUNIYATLARI

***Fayzullayeva G.Sh.***
*Samarqand viloyati pedagoglarni yangi metodikalarga o‘rgatish milliy markazi, Pedagogika, psixologiya va ta’lim texnologiyalari kafedrasi mudiri, dotsent (PhD)*

**Tayanch so‘zlar:** P5BL, uzluksiz kasbiy rivojlantirish, o‘qituvchilar, innovatsion yondashuv, ta’lim samaradorligi.

**Ключевые слова:** P5BL, непрерывное профессиональное развитие, учителя, инновационный подход, эффективность образования.

**Key words:** P5BL, continuous professional development, teachers, innovative approach, educational effectiveness.

Kirish. Taraqqiyotning yangi bosqichlariga o‘tish munosabati bilan jamiyatimizda jadal sur’atlar bilan ro‘y berayotgan o‘zgarishlar ta’lim rivojiga katta ta’sir ko‘rsatdi. Hozirgi ijtimoiy-iqtisodiy bir sharoitda barcha ta’lim tashkilotlarining ilmiy-metodologik nazariyasi va ish amaliyoti shaxsni o‘z-o‘zini anglaydigan, o‘z rivojlanishining mas’uliyatli subyekti ekanligini his qiluvchi etib tarbiyalashga asoslangan. Shu jihatdan qaralganda, ta’lim tizimining barcha qismlarini insonparvarlashtirish hamda o‘rganish jarayoniga kompleks qamrovni kirita olish o‘qituvchining asosiy qadriyat yo‘nalishi bo‘lishi, uning har bir o‘quvchi va jamoa bilan o‘zaro munosabatlaridagi differensial pozitsiyasini, odatiy qo‘llanuvchi metodlarga o‘zgartirishlar kiritib borishini belgilaydi.

Adabiyotlar tahlili va metodologiya. Tadqiqot ishida yoritilayotgan P5BL xorij ta’limining ayrim sohalarida ommalashayotgan yondashuv sanaladi va quyidagi besh bosqichda amalga oshiriladi: muammoga asoslangan o‘qitish (problem based learning – PBL), loyihaga asoslangan o‘qitish (project based learning – PBL), shaxsga asoslangan o‘qitish (person (people) based learning – PBL), jarayonga asoslangan o‘qitish (process based learning – PBL), natijaga (mahsulotga) asoslangan o‘qitish (product based learning – PBL) hamda

ularning uzviyligidan tashkil topgan yondashuv P5BL abrevaturasini ifodalaydi [78]. Ushbu yondashuv tarkibida birlashtirilgan har bir ilmiy tushuncha o‘ziga xos tadqiqot obyekti sifatida H.S. Barrows, C.E. Hmelo-Silver, M.Gultekin, T.Markham, G.Ganefri, A.Mardin, U.Rahmi, A.Yulastri, Jeffrey Baron Levi, Kathy Baker, Sarah Webster, Jillian Dahm-McConnell, Pam Hamilton, Murray Hillier [63; 83, 80, 82, 95, 94, 107, 212] va boshqalar tomonidan keng o‘rganilgan. Tadqiqot vositasi sifatida amaliyotda muvaffaqiyatli qo‘llanilishi ta’kidlanayotgan P5BL [79] bugungi talablarga javob beradigan, o‘quvchida hayotiy ko‘nikmalarning qay darajada shakllanganligini namoyon etadigan yondashuvdir.

Muhokama, tadqiq va talqin. O‘rganilgan ilmiy manbalar va izlanishlar natijasida P5BL pedagogik qonuniyatlarning hech birini inkor qilmasligini aniqlash barobarida, ushbu yondashuvga xoslikni ko‘rsatuvchi mualliflik g‘oyalari bilan takomillashtirilgan quyidagi qonuniyatlarni keltirib o‘tishni lozim topdik:

O‘quv GPS(Global Positioning System – global joylashishni aniqlash tizimi) ga ega bo‘lish – ya’ni o‘qituvchi sifatida o‘rganilayotgan mavzu bo‘yicha o‘quv GPSlarini yarata olish va o‘quvchiga taqdim etish, chunki ishtirokchi o‘rganilayotgan fani qaysi ehtiyojiga xizmat qilishini bilsa va unga olib boruvchi tizimni his qilsagina, o‘quv jarayoniga o‘z yondashuvini o‘zgartiradi. Bunday qonuniyatga amal qilish o‘quvchining o‘rganish samaradorligida boshqa yo‘nalishlardan anchayin farq qiladi. Mukammal o‘quv GPSini ishlab chiqishda o‘qituvchi bir nechta strategiyalarga amal qilishi lozim:

- o‘quv maqsadlari hamda muvaffaqiyatni ta’minlovchi mezonlarni aniqlash: o‘quv maqsadini auditoriyaning yoshi va darajasiga mos uslubda yozish, shuningdek, maqsadni dars avvalida tushuntirish, dars jarayonida va so‘ngida eslatish; muvaffaqiyat mezonlarini konkret ifodalovchi rubrikalar tuzish; tinglovchilar (o‘quvchilar) aniq natija (mahsulot) haqida tasavvurga ega bo‘lishlari uchun mashg‘ulotni modellashtirish;

- formativ baholashni amalga oshirish: baholash o‘quvchining qobiliyatlarini shakllantirishga xizmat qilishi zarur, viktorinalar, chiqish so‘rovnomalari, juftlikda o‘ylash, sinf so‘rovlari ta’lim ishtirokchilarining bilimi va dunyoqarashini rivojlantirish borasida muhim qaror qabul qilishga ko‘maklashadi;

- samarali fikr-mulohazalar: teskari aloqa, maqsadli javob, guruhli mikrokonferensiyalar, bahoni kechiktirish kabi usullardan foydalanish.

2. Tasniflash, bog‘lash (aloqadorlik), qiyoslash – miya kongnitiv xususiyatiga ko‘ra tushunchlarni anglash uchun tasniflaydi, bog‘lanishlariga qarab ma’lum

guruhlarga ajratadi hamda qiyoslashlar orqali olingan ma'lumotlarning asl xususiyatini tushunadi. O'qitishda ushbu tabiiy tendensiyadan unumli foydalanish, faqatgina o'quvchining bilimini kuchaytirishga xizmat qiladi. Konsepsiyani aniqlash, grafik organizatorlar, induktiv ta'lim kabi strategiyalar bu qonuniyatning natijadorligini oshiradi.

3. Qayta ishlashga yo'naltirilgan amaliyot qonuniyati – mustaqil amaliyotga yo'l ochish va o'quvchini mustaqil qarorlari orqali nazariyalarni o'zgartirishga yo'naltirish, ya'ni berilgan materialni o'quvchining amaliy faoliyatiga solishtirish imkonini berish, jamoaviy ish, harakat, dars davomida eslatmalardan foydalanish usuli va birgalikda o'rganish prinsiplaridan foydalanish.

4. Bilimlarni tekshirish qonuniyati yoki qabul qilinganini aniqlashdan ko'ra, bilimlarni qaytarib olish usullarini takomillashtirish. Bu 3-qonuniyatga bog'liqlikda amalga oshadi. Darsda ma'lumot berish va uni testlar, so'rovlar asosida o'quvchi(tinglovchi)ning qabul qilganligini, o'rganishni ta'minlash o'qituvchi uchun asosiy tamoyil hamda maqsad sanaladi. Bu qonuniyatda esa darsda o'quvchi yaxshiroq eslab qolishi uchun kam balli viktorinalar, flesh-kartalar yaratish va ishlashni o'rgatish hamda boshqa shu kabi metodlar orqali matnsiz o'z bilimlarida qidiruv, izlanish amaliyoti yo'lga qo'yiladi.

5. Inklyuziv ta'lim qonuniyati – bunday amaliyotni qo'llab-quvvatlash, ta'limda haqiqiy ma'noda shaxsga asoslangan o'qitishni joriy qilishga olib keladi. Butun dunyoda yuqori sifatli ta'lim olishi uchun har bir insonning teng qadriyatga ega ekanligi o'quvchining bilim, ko'nikma va qobiliyatlarini rivojlantiradi.

Shuningdek, P5BL ushbu qonuniyatlarning samarali ishlashi uchun bir qancha tamoyillarga ham asoslanadi: tizimlilik; uzluksizlik va uzviylik; variativlik; mustaqil ta'limning ustuvorligi; ta'lim oluvchining hamkorlikdagi faoliyati; ilmiy-metodik kuzatuv; ijobiy-hayotiy (ijtimoiy va kasbiy) tajribani qo'llash; jarayonda o'rganish; yangi bilimlarni egallashda to'siq bo'ladigan eskirgan tajriba va shaxsiy qarashlarni korreksiyalash tamoyili; o'qitishda individual yondashuv; elektivlik; refleksivlik; o'qitish natijalarida ta'lim oluvchi amaliy faoliyatining zaruriyati; anglanganlik va faollik; ta'lim natijalarini faollashtirish (amaliyotga tezkor qo'llash); ta'lim oluvchining rivojlanishi; motivatsiyalash; sifat kafolati; muvofiqlik va oshkoralik; innovatsion yondashuvlar.

P5BL modeli ta'lim muassasasi, amaliyotchilar va turli fanlardan talabalarni birlashtirish, jamoaviy muhitni yaratish madaniyatini shakllantirishga qaratilgan bo'lib, ishtirokchilarning har biri loyihani amalga oshirishda muhim rol o'ynaydi [78]. Olimlarning fikricha, P5BL modeli bilan "talaba" jamoasi va o'qituvchi o'rtasidagi o'zaro ta'sir natijasida o'quv jarayonini rivojlantirish hamda

kognitiv jarayonlarni namoyon qilish osonlashadi. Loyihaga yo‘naltirilgan ko‘p tarmoqli aloqadorlik paydo bo‘ladi va nafaqat bir jamoa, balki bir nechta jamoa o‘rtasida hamkorlik muhiti oqibatida nazariyachilar amaliyotchilar jamoasiga aylanadi [79], ya’niki o‘rganilayotgan va ko‘zlangan har bir muammoning samaradorligiga ishlashga o‘tiladi. Maktab ta’limi tizimida o‘qituvchilarni uzluksiz kasbiy rivojlantirishning P5BL yondashuvini faollashtirish ko‘pgina muammolarga yechim topilishiga zamin yaratadi.

Natija (Mualliflik ta’riflari). Yuqoridagi qonuniyatlar orqali P5BL yondashuvini kognitiv strategiya sifatida belgilashda o‘qituvchi rivojlanishini metabilimlarga bog‘lash orqali integrativ xususiyat yaratish, mavjud muammoning yechimiga boruvchi o‘quv-metodik tadbirlarni tizimlashtirish vositasida amaliyotga yo‘naltirilgan pozitsiyani mustahkamlash hamda jamoaviy mahsulot yaratish algoritmiga ega bo‘lish nazarda tutiladi. Tadqiqotdagi ushbu xulosalanish ayrim tushunchalarning mohiyatini yoritish imkonini berdi.

Kognitiv strategiyalar – bu kasbiy rivojlanish jarayonida o‘qituvchiga o‘z bilim va ko‘nikmalarini oshirishda yordam beradigan mental voqelikdir. P5BL yondashuvi shunday aqliy jarayon va usullarni o‘zida qamrab oluvchi kognitiv mexanizm sanaladi. Kognitiv strategiyalar tashkiliy, qayta ishlash va takomillashtirish, tushunish va anglashni kuchaytirish, metakognitiv, motivatsion va emotsional strategiyalar ustiga quriladi hamda o‘qituvchilarning o‘z bilimlarini mustahkamlash, tushunish, amaliyotda qo‘llash qobiliyatlarini rivojlantiradi.

Metabilimlarga bog‘lash – o‘qituvchi shaxsiy-kasbiy rivojlanishini metabilimlarga bog‘lash bu uning o‘sish jarayonidagi muammolar yechimiga borish va o‘quvchilarga bilim berish jarayonini integrallash, tahliliy yuksalishning yuqori darajasidir. Ya’ni bunda o‘qituvchi o‘zini ruhiy, aqliy, fan va kasbiy o‘qitishga yo‘naltirilgan ta’limiy maqsadini o‘quvchining muammolari yechimi negizida amalga oshishini tushunadi, shu yo‘nalishda harakatlanadi.

Amaliyotga yo‘naltirilgan pozitsiyani mustahkamlash – o‘qituvchining fanga oid, shuningdek, psixologik, ma’naviy, kasbiy-metodik sohalardagi bilimini amaliy faoliyatida doimiy aks etib borishini ta’minlash va kuchaytirishni anglatadi. Ushbu pozitsiyani mustahkamlash uchun o‘qituvchi ko‘proq amaliy topshiriqlarni yaratishi hamda faoliyatida taqdim etishi, kollaborativlikda jamoaviy ishlarda ishtirok etishi, mentorlar bilan ishlashi, feedbackni qabul qila olishi, jarayona o‘z-o‘zini baholashi va takomillashtirishi zarur bo‘ladi.

Jamoaviy mahsulot yaratish algoritmi – ta’lim jarayonida P5BL yondashuvini qo‘llashning tub mohiyati ham o‘qituvchini kasbiy rivojlanishga erishishda

yakka egallagan bilimnigina emas, balki jamoaviy hamkorlikni ta’minlash va innovatsion mahsulotlar yaratish jarayonini tashkil etishni ifodalaydi. Kasbiy rivojlanishda jamoaviy mahsulotni yaratish algoritmi mahsulotni yaratish va uni o‘quvchilarga taqdim etish jarayonida mas’ul hamda ishtirokchilarni qo‘llab-quvvatlash uchun samarali tajribani ta’minlashga yordam beradi. Demak, yuqoridagi algoritm P5BL yondashuvining muammo(g‘oya)dan natijagacha boruvchi algoritmiga tengdir.

Xulosa. Demak, o‘qituvchilarni uzluksiz kasbiy rivojlantirishda P5BL yondashuvini qo‘llash shaxsiy, kasbiy o‘sishga oid bilimlarni uyg‘unlikda o‘rgatishga qaratilganligi, shuningdek, yangi mazmunni o‘rganish bo‘yicha tegishli o‘z-o‘zini boshqarish strategiyalarini ishlab chiqish, modellashtirish, kognitiv murabbiylik, yo‘naltirilgan ta’lim, o‘quv jarayonlari ustidan nazoratni tinglovchiga bosqichma-bosqich o‘tkazishi bilan muhimdir. O‘rganishlar xulosasiga ko‘ra, aynan P5BL yondashuvi o‘qituvchilarning malaka oshirish jarayonlarini tashkil etishda, uzluksiz kasbiy rivojlantirishda muammoga, loyihaga va shaxsga, jarayonga, natijaga asoslangan o‘qitish yondashuvlari bilan strukturada tizimlash mumkin bo‘lgan, biri ikkinchisini taqozo etuvchi uzviylik zanjiri hosilasidir.

**Adabiyotlar:**

1. Barrows H.S. Problem-based learning in medicine and beyond: A brief overview // New directions of teaching and learning. – 1996. – № 68. – P. 3-12.

2. Fruchter, R. (1998). Roles of Computing in P5BL: Problem-, Project-, product-, process-, and People-based Learning, Artificial Intelligence for Engineering-Design, Analysis and Manufacturing, Cambridge University Press. 65- 67.

3. Fruchter. R. & Lewis S. (2003). Mentoring Models in Support of P5BL in Architecture/Engineering Construction Global Teamwork, The International Journal of Engineering Education.19(5). 663- 671.

4. Ganefri, G. (2013). The Development of Production-Based Learning Approach to Entrepreneurial Spirit for Engineering Students. Journal Asian Social. Science; Vol. 9, No. 12; 2013. ISSN 1911-2017 E-ISSN 1911-2025.

5. Gultekin M. The effect of project-based learning on learning outcomes in the 5th grade social studies course in primary education // Educational Science. – 2005. – 5(2). – P. 548-556.

6. Hmelo-Silver C. E. Problem-based learning: What and how do students learn? // Educational Psychology Review. – 2004. – 16(3). – P. 235-266.

7. Mardin, A., Rahmi, U., Yulastri, A. (2018). Production based learning: As a tool to increase entrepreneurial skills of students. Doi: 10.31227/osf.io/3fqyu.

8. Markham, T. (2011). Project-Based Learning. Teacher Librarian, 39(2), 38-42.

9. The Hairy Bikie and Other Metacognitive Strategies. Chapter: Process-Based Learning / Jeffrey Baron Levi. First Online: 08 August 2020. https://link.springer.com/chapter /10.1007/978-3-030-46618-3_2.

10. https://www.ualberta.ca/rehabilitation/ media - library/faculty-site/research/bsa/person-and-practice-based-learning-1411120.pdf.

**РЕЗЮМЕ**

Ta'limning o'zgaruvchan sharoitida uning poydevorini mustahkamlovchi inson hisoblangan o'qituvchining innovatsiyalarga ochiqligi, tezkor moslashuvchanligi juda muhim. Ushbu maqola o'qituvchilarni uzluksiz kasbiy rivojlantirishda P5BL yondashuvini tatbiq qilish qonuniyatlarini o'rganishga va mualliflik talqinlarida taqdim etishga bag'ishlangan. P5BL o'qitish metodologiyasi sifatida, o'qituvchilarning kasbiy malakasini oshirish, zamonaviy ta'lim jarayonlarida innovatsion yondashuvlarni qo'llash va o'quv jarayonini takomillashtirishda asosiy vositalardan biri bo'la oladi. Maqolada P5BL yondashuvi orqali o'qituvchilarning mustaqil va kreativ fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish, jamoaviy hamkorlikda ishlash ko'nikmalarini shakllantirish hamda o'quvchilarning ta'lim natijalarini yaxshilash usullari tahlil qilinadi. Shuningdek, P5BL yondashuvini ta'lim amaliyotida muvaffaqiyatli tatbiq qilish uchun zaruriy strategiyalar haqida ham batafsil ma'lumot berilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В условиях изменяющегося образовательного процесса крайне важно, чтобы учитель, являющийся фундаментом этой системы, был открыт к инновациям и быстро адаптировался. Данная статья посвящена изучению и представлению авторских интерпретаций принципов применения подхода P5BL в непрерывном профессиональном развитии учителей. Методология P5BL может стать одним из основных инструментов для повышения профессиональной квалификации учителей, внедрения инновационных подходов в современные образовательные процессы и совершенствования учебного процесса. В статье анализируется развитие способностей учителей к самостоятельному и креативному мышлению, формирование навыков работы в команде и улучшение образовательных результатов учащихся с помощью подхода P5BL. Также подробно рассматриваются стратегии, необходимые для успешного внедрения подхода P5BL в образовательную практику.

**SUMMARY**

In the changing conditions of education, it is crucial for teachers, who are considered the foundation of education, to be open to innovations and quickly adaptable. This article is dedicated to studying and presenting the principles of applying the P5BL approach in the continuous professional development of teachers in the authors' interpretations. As a teaching methodology, P5BL can be a key tool in enhancing teachers' professional skills, applying innovative approaches in modern educational processes, and improving the learning process. The article analyzes methods for developing teachers' independent and creative thinking abilities, forming teamwork skills, and improving students' educational outcomes through the P5BL approach. Additionally, detailed information is provided on the necessary strategies for successfully implementing the P5BL approach in educational practice.

# ИНТЕГРАЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАРБИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

***Хакимов А.А.***
*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳарбий тайёргарлик кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** интеграция, педагогика, тарбия, интегратив ёндашув.
**Ключевые слова:** интеграция, педагогика, воспитание, интегративный подход.
**Key words:** integration, pedagogy, upbringing, integrative approach.

Жаҳон ҳамжамиятида ҳар қандай давлатнинг мавқеи аҳолисининг турмуш даражаси ҳамда сиёсий ва иқтисодий фаоллиги билан белгиланади. Глабаллашув сари бораётган ҳозирги дунёда давлатнинг халқаро рақобат жараёни шартларига тез мослашуви унинг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг омили ҳисобланади. Давлатнинг бугунги ва истиқболдаги барқарор иқтисодий ўсишини таминловчи омиллар таълим соҳасини ривожланишига бевосита боғлиқ.

Интеграция-айрим бўлакларнинг ёки элементларнинг бир-бирларига қўшилиши ҳамда бир бутунга айланиши демакдир. М.Г.Чепиков ўзининг «Интеграция науки» китобида интеграция сўзи асосида интеграл ётишини асослаб берган. Шу сабабли биз интеграция таърифларига тўхталишни лозим топдик.

«Интеграция» атамаси нисбатан янги бўлиб, мазмун ва моҳият жиҳатдан узоқ тарихга эга. Интеграция–жуда кенг маъноли тушунча. Бугунги кунга келиб, кишилар ўқитишда интеграция жараёнининг моҳиятини, унинг ривожлантирувчи функцияларининг амалда қўлланилиши, сайёрамиздаги муҳим экологик муаммоларни ҳал қилиш ва ерда ҳаётни сақлаб қолиш мумкинлигини англаган ҳолда, унга катта эътибор қаратмоқдалар. Айниқса, ёш авлоднинг илмий дунёқарашини, уларнинг экологик маданиятини шакллантиришда, таълимда интеграция жараёнининг муҳимлиги дунё олимлари томонидан алоҳида қайд этилмоқда [1].

Таълимда интеграция – билимларнинг бир-бири билан органик бирлашиши ва янги, ягона барқарор умумлашган-яхлит билимни ҳосил қилиш деган маъноларни англатади. Интеграция тушунчасига берилаётган таърифлар турлича бўлиб, бу таърифларнинг умумийлик томони: интеграция-бу атрофимиздаги борлиққа яхлит, бир бутун объект сифатида қарашга эришишдан иборат.

«Интеграция» тушунчаси, бевосита XVIII асрларда Г.Спенсер томонидан ўз қўлёзмаларида қўлланилган. Таълимда интеграциянинг назарий, методологик, педагогик ва психологик асосларини предметлараро бошланишга чуқур ёндашган ҳолда ўрганиш, буюк классик педагоглардан Я.А.Коменский, Э.Росмеслер, Ф.Юнге, Дж.Дюи кейинроқ, таълимда. интегратив ёндашувни ташкил этишнинг педагогик ва психологик хусусиятларини очишда катта хизмат қилган Ю.К.Бабанский, С.Л.Рубинштейн, Й.Н.Кабанова Миллер, Ю.А.Самарин, Ю.М.Колягин, Н.С.Светловская, И.А.Миренонко, Н.К.Чапаев каби олимларнинг бу соҳадаги хизматлари ўз аксини топган.

Бугун интеграцияни дидактикани таълимда муҳим системалаштирувчи тамойили деб қарашга асос бор. Шунингдек таълимни интегратив ташкил этишнинг муҳим принципларидан бири-интеграция ва дифференциациянинг бирлиги принципидир. Интеграция ва дифференциация диалектик нуқтаи назардан бири-бирларини аниқлаштирувчи ажратиб бўлмас категориялардан ҳисобланади. Уларни мустақил категориялар деб ажратиб ўрганиш, педагогик тадқиқотнинг методологик етишмовчилиги деб қаралади. Илмий нуқтаи-назардан қаралганда, интеграциянинг асосини оламнинг яхлитлиги,уни ташкил этувчи элементларнинг ўзаро алоқадорлиги, ўзаро муносабатлари ташкил этади. Педагогик, таълимий жиҳатдан эса, интеграция узвийлик, фанлараро алоқадорлик, предмет материаллари орасидаги ўзаро алоқадорликни ифодалайди. У билимларни ўзаро бир-бирларини тўлдирувчи, кенгайтирувчи, чуқурлаштирувчи восита сифатида хизмат қилиб, ўқув предметлари мазмунини, энг камида, ДТС даражасида синтезловчи, мантиқан тугалланган натижаси ҳисобланади. Интегратив таълим, талабадан янги материални ўрганишда, олдинги ўрганилган материаллар ва бошқа предметлардан олган билимлардан кенг фойдаланишни, оқибатда улардан амалиётда кенг қўллашни талаб қилади. У ўқувчининг илмий дунёқараши кенгая бориши ва динамик ривожланишига мустаҳкам пойдевор яратади. Таълимда интеграцияга турли предметлардаги билимларни ягона мақсад асосида, ўзаро боғланган ҳолда, ривожлантириш фор-

маси деб қараш мумкин. Интеграция модули асосида тарбия фанини ўқитиш эса ҳар доимгидан ҳам муҳим вазифадир.

“Педагогика” фанининг асосларидан бири бу тарбия масаласидир. Тарбия шахсда муайян жисмоний, ақлий, руҳий, аҳлоқий ва маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган педагогик жараёндир[1]. Инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган хусусиятларга эга бўлишини таъминлаш йўлида қўлланиладиган чора-тадбирлар мажмуаси тарбияни ташкил қилади.

Тарбия инсоннинг инсонлигини таъминлайдиган энг қадимий ва абадий қадриятдир. Тарбиясиз алоҳида одам ҳам, кишилик жамияти ҳам мавжуд бўла олмайди. Чунки одам ва жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган қадриятлар тарбия туфайлигина бир авлоддан бошқа авлодга ўтади. Педагогик адабиётларда “тарбия” атамаси кенг ва тор маъноларда қўлланилади[2]. Кенг маънода тарбия инсон шахсини шакллантиришга, унинг жамият ишлаб чиқариши ва ижтимоий, маданий, маърифий ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлашга қаратилган барча таъсирлар, тадбирлар, ҳаракатлар ва интилишлар йиғиндисини англатади. Бундай тушунишда тарбия фақат оила, мактаб, болалар ва ёшлар ташкилотларида олиб бориладиган тарбиявий ишларни эмас, балки бутун ижтимоий тузум, унинг етакчи ғоялари ва санъатнинг барча турларини ўз ичига олади.

Шунингдек, кенг маънодаги тарбия тушунчаси ичига таълим ва маълумот ҳам киради. Тор маънода тарбия шахснинг жисмоний ривожи, дунёқараши, маънавий-аҳлоқий қиёфаси ва эстетик диди ўстирилишига йўналтирилган педагогик фаолиятни англатади. Бунда оила ва тарбиявий муассасалар ҳамда жамоат ташкилотлари тарбия ишини амалга оширади. Таълим ва маълумот олиш тор маънодаги тарбия тушунчаси ичига кирмайди. Лекин ҳар қандай тарбия таълим билан чамбарчас боғлиқ ҳолдагина мавжуд бўлади. Чунки, таълим ва маълумот олиш жараёнида шахснинг фақат билими кўпайибгина қолмай, балки, ахлоқий-маънавий сифатлари қарор топиши ҳам тезлашади.

Интеграцион ёндашув педагогик жараённинг ҳар қандай таркибий қисмидаги интеграция тамойилини амалга ошириш, педагогик жараённинг яхлитлиги ва изчиллигини таъминлашни англатади.

Интеграция жараёнлари - бу тизимнинг алоҳида элементларини ёки бутун тизимни сифат жиҳатидан ўзгартириш жараёнлари. Маҳаллий дидактика ва таълим назариясидаги кўплаб тадқиқотлар таълим жараёнини такомиллаштиришнинг аниқ усулларини ишлаб чиқишда юқоридаги қоидаларга асосланади. Интеграция педагогик ҳодиса сифатида турли би-

лимлар, усуллар ва фаолият турларининг ўзаро кириб бориши, ўзаро боғлиқлиги ва синтези жараёни ва натижаси сифатида тушунилади. Бундай жараён, албатта, турли модуллар бўйича таълим мазмунидаги изчилликни, шунингдек, таълимнинг умумий мақсадлари билан белгиланадиган ўқитиш шакллари, усуллари ва воситаларини танлашни назарда тутади.

Интеграция турли функцияларни бажариши мумкин: услубий, ишлаб чиқиш ва технологик. Шу билан бирга, услубий функция эвристик, дунёқараш-аксиологик ва инструментал компонентлар орқали очилади. Ривожланиш функцияси янги ақлий ҳаракатларни, ақлий фаолиятни кўпайтириш, бойитиш ва яхшилаш қобилиятини шакллантиради. Технологик функция ахборотни ихчамлаштириш, такрорланишни бартараф этиш, узлуксизлик ва умумлаштирилган интеграл хусусиятларни ўрнатишни назарда тутади.

Тарбия ҳар қандай жамият ва ҳар қандай мамлакат ҳаётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ёш авлоднинг, умуман, жамият аъзоларининг тарбияси билан етарлича шуғулланмаган мамлакат турғунлик ва инқирозга учрайди. Негаки, ўзиши ва ривожланиши учвун ҳар қандай жамиятда ҳам моддий ва маънавий бойликлар қаторида тарбия ҳам ривожланиб боради.

Мазкур масалалар тарбия назариясининг негизи сифатида Ўзбекистонда таъсис этилган янги “Тарбия” фани асосларини ташкил этади. Шу сабабли жамиятда тарбиянинг ўрни, аҳамияти ва амалиёти одамлар томонидан етарли даражада идрок этилмоқда. Мазкур масала бўйича бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари назарий билим, касбий кўникма ва амалий компетенциялар билан қуролланиши керак. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий тайёрлашда янги фан “Тарбия” асослари бўйича мақсадли билим бериш, тарбиянинг янги методлари ва технологиялари билан қуроллантириш долзарб бўлиб турибди. Шу сабабли мазкур янги типдаги электрон-модулли дарсликнинг материалларига диққат қилиш тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан 2020 йилда ўзбек “Педагогика” фани тарихида илк бор “Тарбия” янги фани ишлаб чиқилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлдаги 422-сонли “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди ва мазкур Қарор билан “Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун “Тарбия” фани Концепцияси” тасдиқланди. Қарорга биноан “Тарбия” фани амалдаги қуйидаги фанларни қўшиш ҳисобига ташкил этилди:

1) бошланғич синфларда ўқитиладиган “Одобнома” ва “Ватан туйғуси” ўқув фанлари;

2) юқори синфларда ўқитиладиган “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослар” ҳамда “Дунё динлари тарихи” ўқув фанлари.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари бу асосларни талаб даражасида ўзлаштириши керак. Акс ҳолда, уларнинг мазкур фан методикаси бўйича касбий тайёргарлиги талаб даражасида бўлмайди. Шунингдек, қарор билан 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб “Тарбия” фани бўйича педагог кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Бунда ҳуқуқий асослар таълим-тарбияга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат, ташкилий асослар фанни умумтаълим мактабларида, жумладан, бошланғич таълимда талаб даражасида ўқитишни ва илмий-методик асослар эса фаннинг методологиясини англатади.

Қарорга кўра, “Тарбия” фанининг асосий тамойилларини қуйидагилар ташкил этади:

а) миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги;

б) онгли ватанпарварлик руҳини ривожлантириш;

в) фанга оид замонавий илмий-тадқиқотларга асосланиш;

г) очиқлик ва шаффофлик;

д) тарбия соҳасига оид ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

е) тарбия соҳасига доир сиёсатни амалга оширишда иштирок этувчи давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ҳусусий сектор фаолиятининг мувофиқлиги ҳамда мутаносиблиги. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг фанга оид бу тамойилларини чуқур ўзлаштириши тақозо этилади. Шу сабабли олий педагогик таълим жараёнида, тарбиявий тадбирларда ва мустақил таълим изланишларида ана шу тамойилларни ўзлаштириш, фаолиятда қўллаш кўникмасига эга бўлиш ҳамда касбий фаолиятда уларга амал қилиш компетенциясини эгаллаш долзарб масалалардан биридир. Бунинг учун ҳар бир талабанинг индивидуал шуғулланиши, Устозлар билан ҳамкорликда фаол ишлаши ва тарбия тамойилларининг ҳаётдаги ифодасини ўрганиб бориши тақозо этилади. Бунда олий таълим муассасаларининг имкониятлари, таълим жараёнининг шароитлари ва фаолиятнинг амалий самарадорлигидан оқилона фойдаланиш керак. Ҳар бир талабанинг мазкур фан тамойилларини, асосларини ва истиқболли мақсад-муддаоларини ўзлаштириши касбий тайёргарликнинг негизларидан бири ҳисобланади[4].

“Тарбия” фанини ўқитиш зарурияти. Ўзбекистон таълим тизимида, жумладан, олий таълим жараёнида “Тарбия” фани асосларини замонавий талаблар асосида ўқитиш ва ўрганиш зарурият ҳисобланади. Шу жиҳатдан бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг мазкур фанни ўзлаштириш ва уни ўқитишнинг методикасини ўрганиш зарурияти қуйидагилар билан белгиланади:

– фаннинг асосларини чуқур билиш;
– фанни ўқитишнинг илғор ва замонавий педагогик, инновацион ҳамда ахборот технологияларини эгаллаш;
– тарбия масаласига доир илмий-тадқиқотларни ўрганиб бориш;
– инсон ва жамият ҳаётида тарбиянинг тутган ўрнини тўлиқ идрок этиш;
– фан воситасида бошланғич синф ўқувчиларини тарбиялаш методлари ва технологияларини билиш;
– фанни ўқитиш бўйича индивидуал педагогик тажрибага эга бўлиш. Мазкур фанни ўрганиш зарурияти илмий, методологик ва амалий жиҳатдан бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари учун касбий талаблардан ҳисобланади. Чунки бу фан гуманитар фанлар ичида тарбия жараёнини ташкил этиш, уни амалга ошириш ва самарадорлигини ўрганиб бориш ишларини мувофиқлаштиради. Умумий ўрта таълим мактабларида “Миллий ўқув дастури” талабларига асосан ўқитиладиган фанлар аниқ, табиий ва гуманитар фанлар туркумига ажратилади. Шу жиҳатдан умумий ўрта таълим мактаблари, айниқса, бошланғич таълимда тарбиянинг мазмуни нисбатан ўзгаради. Унга кўра, қуйидагича ёндашув амалга киритилиши мўлжалланмоқда:

А) аниқ фанлар: Математика ва унинг такибига кирувчи фанларни ўқитиш воситасида ўқувчиларнинг дунёқарашини шакллантириш билан тарбия жараёни амалга оширилади;

Б) табиий фанлар: Бошланғич таълимда “Атрофимиздаги олам”, “Табиатшунослик”(Science) фанларини ўқитиш воситасида ўқувчиларнинг мустақил қарашлари, ҳохиш ва истакларини тўғри тарбиялаш амалга оширилади;

В) гуманитар фанлар: “Тарбия”, “Она тили ва ўқиш”, “Мусиқа”, “Жисмоний тарбия”, “Тасвирий санъат” фанларини ўқитиш воситасида ўқувчиларнинг ақлий, жисмоний ва эстетик тарбияси амалга оширилади. Эътибор берилса, бундан кейин бошланғич таълимда тарбия жараёни умумтаълим фанларини ўқитиш жараёнида амалга оширилади. Шу сабабли бундай тарбия жараёнини мувофиқлаштириб бориш “Тарбия” фани

зиммасига юкланади. Бундан ташқари, бошланғич синфларда истисно тариқасида эстетик, ақлий ва жисмоний ривожланишни назарда тутувчи тарбиявий тадбирлар мақсадли ўтказилади, шунингдек, байрамлар ва тантаналар воситасида бошланғич синф ўқувчиларининг ижтимоий тарбияси амалга оширилади. Бу жараённи ташкил этиш ва амалга ошириш ишлари "Тарбия" фани воситасида амалга оширилади, унда мазкур фан ўқитувчиси ва Синф раҳбари масъул ҳисобланади. Буларнинг барчаси бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг олий педагогик таълим жараёнида "Тарбия" фанини ўқитиш зарурияти, унинг асосларини ўзлаштириш ва ўзлаштирилган кўникмаларни амалиётда қўллай олиш кўникмаларини эгаллаши тақозо этилади.

Шу сабабли "Бошланғич таълимда "Тарбия" фанини ўқитиш методикаси" ўқув фани бўйича ўзлаштириладиган назарий билим, дидактик кўникма ва амалий компетенциялар бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари учун бирламчи талаблар ҳисобланади. Бугунги кунда мазкур билим, кўникма ва компетенцияларни шакллантириш, уларни талабаларда таркиб топтириш ва талабаларни касбий йўналтириш масалалари ушбу фан воситасида амалша оширилиши ишлари ташкил этилмоқда. Келгусида ушбу фанни ўзлаштириш натижалари бўйича бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг компетенция даражасини аниқлаш мониторинги ўрнатилади. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари олий педагогик таълим жараёнида "Тарбия" фани бўйича қуйидаги малакаларга эга бўлиши тақоза этилади:

а) фан асослари бўйича назарий-касбий билимли бўлиш;

б) фанни ўқитиш методикаси бўйича кўникмага эга бўлиш;

в) фан воситасида бошланғич синф ўқувчиларини тарбиялаш компетенциясини эгаллаши. Мазкур масалалар олий педагогик таълим жараёнида ўзлаштирилиши тақоза этилади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг тарбия жараёни муҳим педагогик масалалардан бири бўлиб, унда ўқитувчи ҳозирги талабларни ҳисобга олиши керак. Шу жиҳатдан юқорида таъкидланган Қарорда белгиланганидек, "Тарбия" фанини ўқитишда қуйидагиларга эътибор бериш ва уларни ўзлаштириш зарурият ҳисобланади: давлат таълим стандартлари талаблари асосида ўқувчилар томонидан одоб-аҳлоқ, билим, кўникма, малака ва компетенцияларнинг тўлиқ ўзлаштирилишига эришиш; ўқувчиларда мустақил ва эркин фикрлашни ҳамда уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш; ўқувчиларда илмий дунёқараш ва глобал тафаккур юритиш компетентлигини шакллантириш; умумтаълим фанларини ўқитиш-

нинг принципиал янги методологияси асосида тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш. Буларнинг барчаси бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари томонидан тўлиқ ўзлаштирилиши лозим. Шундай қилиб “Тарбия” фани ва унга оид меъёрий ҳужжатлар олий педагогик таълим жараёнида талаб даражасида ўзлаштирилиши тақоза этилади[5].

**Адабиётлар:**

1. Д.А.Ражабова. Интегратив ёндашув асосида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини махсус компетенцияларини ривожлантириш. Международный научный журнал «Новости образования: исследование в XXI веке» № 3 (100), часть 1 октябрь, 2022 г.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлдаги 422-сонли “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичмабосқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. // www.ziyonet.uz

3. Ўзбекистон миллий экциклопедияси. 8-Том. –Тошкент, 2004 3. Бордовская Н., Реан А. Педагогика. – Санкт-Петербург, 2001 4. Жабборова О.М., Умарова З.А. Болалар педагогикаси мазмуни ва уни кластер усулида ўқитиш.// Педагогик таълим кластери: муаммо ва ечимлар. Халқаро илмий-амалий анжуман, ТВЧДПИ, 2021.

4. Жабборова О.М. “Тарбия” фани ва унга оид меъёрий ҳужжатлар. Муғаллим ҳам узликсиз билимлендириў. №1 2022 жыл.

5. Жабборова О.М. “Тарбия” фани ва унга оид меъёрий ҳужжатлар. Муғаллим ҳам узликсиз билимлендириў. №1 2022 жыл.

**РЕЗЮМЕ**

Тарбия ҳар қандай жамият ва ҳар қандай мамлакат ҳаётида ҳал қилувчи кучдир. Ушбу предметни фан сифатида ўқитиш эса ёшларнинг комил инсон бўлиб тарбияланишида муҳим аҳамиятга эга.

**РЕЗЮМЕ**

Воспитание является решающей силой в жизни любого общества и любой страны. С другой стороны, преподавание этого предмета как науки имеет огромное значение для воспитания молодежи как совершенной личности.

**SUMMARY**

Upbringing is a decisive force in the life of any society and any country. The teaching of this subject as a science, on the other hand, has great importance in the education of young people as a perfect person.

# ЎҚУВЧИЛАРДА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИДА ЎҚИТУВЧИНИНГ ЭГАЛЛАГАН МАВҚЕИ ВА ПЕДАГОГИК ВАЗИФАЛАРИ

***Султанова В.К.***
*Қорақалпоғистон тиббиёт институти*

**Таянч сўзлар:** шахсни шакллантириш жараёни,ўқитувчи мавқеи, ижтимоий роллар, ўқув жараёни субъектлари,шахс зиддиятлари.

**Ключевые слова:** процесс формирования личности,позиция преподавателя, социальные роли, субъекты образовательного процесса,личностные конфликты.

**Key words:** process of personality formation, teacher's position, social roles, subjects of the educational process, personal conflicts.

5-9-синф ўқувчилари ўсмирлик ёш даврига мансуб бўлиб, бу давр 11-16 ёшни ўз ичига олади. Бу ёш ўқувчилар учун ўтиш даври ҳисобланади. Бу жараёнда ўқувчи босқичма-босқич болаликдан катталикка қараб ривожланади. Ўсмирлик даври руҳий ривожланиш даражаси ва харектерига кўра болаликнинг алоҳида ўзига хос давридир. Бошқа бир томондан эса, у ривожланувчи, катталик остонасида турган шахсдир.

Ўқувчилар эришган ривожланиш даражаси уларда мунтазам тарзда мустақиллик, ўз-ўзини намоён қилиш, ўз ҳуқуқларининг катталар томонидан тан олинишига эришиш ва ички қувватларини рўёбга чиқаришга эҳтиёж сезади. Ўсмир ёшдаги ўқувчилар атрофдагиларнинг уларга нисбатан катталар сифатида муносабатда бўлишларини хоҳлайдилар. Шу билан бир қаторда, бу ёшдаги ўқувчилар олдига янги талаблар қўйилади. Улар ҳар доим мустақилликка эга бўлишга интиладилар. Бу жараёнда ўқувчилар ўз- ўзларини намоён қилиш имкониятига ҳам эга бўладилар. Бундай икки ёқлама характерга эга бўлган қарама-қаршиликлар уларнинг шахслараро мулоқотга киришишларини мураккаблаштиради. Бунинг натижасида ўқувчилар билан катталар, айниқса ота-оналар ва ўқитувчилар орасида зиддиятлар ва ўзаро

норозиликлар вужудга келади. Шунинг учун ҳам ўсмирлик ёши мураккаб, танқидий таҳлил қилишга муҳтож давр ҳисобланади.

Бу давр бола жисмининг ўсиши ва шаклланишида муҳим босқичдир. Бу даврда ўқувчилар вужудида қайта қуриш ва ривожланиш амалга ошади.

Жисмоний ривожланишнинг ўзига хос кўриниши: бўйининг ўсиши, оғирликнинг ортиши, кўкрак қафасининг кенгайиши, иккинчи даражали жинсий белгиларнинг ҳосил бўлиши билан изоҳланади. Ўғил болаларда мускулларнинг ривожланиши уларда йигитлик сифатларининг таркиб топганлигини ифодалайди. Қизларда эса, аёлларга хос белгилар шаклланади.

Бу ўқувчилар орасида гендер фарқларнинг яққол намоён бўлишига асос бўлади. Бунинг натижасида ўсмирнинг қиёфаси бола қиёфаси билан қиёсланади.

Л. С. Виготскийнинг таъбирича, мазкур давр «жинсий етуклик ёши» ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, мазкур ёш шахсий етуклик ва дунёқарашнинг ривожланиш даври ҳамдир. Буларнинг барчаси ўқувчиларда янгича руҳий сифатларнинг таркиб топишини таъминлайди. Бу ўзгаришларни ўқувчининг ўзлари аниқ ҳис қиладилар. Бунинг натижасида улар ўзларини катталардай тута бошлайдилар. Ўқувчилардаги жинсий етуклик уларда бошқа жинс вакилларига нисбатан қизиқишни ҳам вужудга келтиради. Бунинг натижасида уларнинг маънавий ҳаётида чуқур ўзгаришлар ҳосил бўлади. Уларнинг қалблари ҳиссиётлар, ҳаяжонларга тўлиб тошади.

Аксарият ҳолларда улар бошқаларнинг дардларини ҳис қилмайдилар, атрофдагиларга бефарқ бўлиб қоладилар. Улар баъзан раҳмдил, баъзан эса баджаҳл қиёфада намоён бўладилар. Алоҳида далилларда улар қоидалар ва қонуниятларни кўра оладилар. Бу ёшда ўқувчилар ҳаракатланишга эҳтиёж сезадилар.

Ўқувчилар энди бола эмасликларига кўпроқ ишонч ҳосил қиладилар.

Бу ёшда уларнинг ўзига хос ижтимоий фаолликлари мавжуд қоидалар, қадриятлар, хулқ-атвор усулларини ўзлаштиришлари ва идрок этишларида намоён бўлади. Бу қоидалар кўпинча катталарнинг ўзаро муносабатларига хослиги билан алоҳида ажралиб туради. Бироқ, болалар ва катталар алоҳида- алоҳида гуруҳлар ҳисобланадилар. Уларнинг бурч ва мажбуриятлари, амал қиладиган тартиб-қоидалари, имтиёзлари алоҳида-алоҳида, ўзига хосдир.

Ўқувчиларда ўзларининг улғайганлари ҳақидаги тасаввурнинг ҳосил бўлиши уларнинг болаликка хос меъёрлар ва қадриятлардан катталарга хос меъёрлар ва қадриятларга амалга қилишга ўтишларига имкон беради. Ўсмир ёшдаги ўқувчиларни катталарга тенглаштириш уларнинг ташқи қиё-

фасига таъсир кўрсатади. Бу улар ҳаёти ва фаолиятининг баъзи жиҳатларида намоён бўлади. Бу эса уларнинг сифатлари, кўникмалари, ҳуқуқларида ифодаланади.

Ўз навбатида бу ҳолат катталарни болалардан яққол фарқлаш имконини беради.

Ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг ахлоқий ривожланишлари учун характерли бўлган жиҳатлардан бири – уларда маънавий-ахлоқий ишончнинг таркиб топишидир. Чунки, ўқувчилар ушбу ишонч ёрдамида ўз хулқ- атворларини бошқарадилар. Бу, ўз навбатида, ўқув-тарбия жараёнида ва атроф-муҳит таъсирида шаклланади. Ишонч ва дунёқарашнинг шаклланиши билан узвий боғлиқ тарзда ўқувчиларда мақсадлар, ғоялар таркиб топади.

Ўқувчилар шахсининг ривожланишидаги муҳим ҳолатлардан бири – ўзўзини англаш, баҳолаш, ўз-ўзини тарбиялашга бўлган эҳтиёжнинг туғилишидир.

Билишнинг ривожланишида ўқувчини ўраб турган объектив борлиқ биринчи даражали аҳамиятга эга. Бунда билиш объекти инсоннинг ички оламидир. Бу билишга интилиш ва инсоннинг маънавий сифатларини баҳолаш жараёни бўлиб, ўқувчида ўзига,шахсий-руҳий ҳаёти, ўзининг сифатлари, ўзини ўртоқлари билан қиёслаш эҳтиёжи, ўзини баҳолаш, ўзининг ҳиссиётлари ва ташвишларини англашга қизиқиш уйғотади.

Ўқувчиларда ўз шахсияти ҳақидаги тасаввур қандай шаклланади, деган саволга жавоб топиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчиларда ўз-ўзини англашнинг ривожланиши билан боғлиқ тарзда, атрофдагилар билан биргаликда ҳаракат қилиш ва уларга нисбатан ишонч туғилади.

Ишонувчанлик катталар билан мулоқот қилиш сифати, тенгдошларига нисбатан эътиқодли бўлиш ҳиссини таркиб топтиради. Бу, биринчи навбатда, ўзини ҳар томонлама кашф этишни тақозо қилади. Тенгдошларига бўлган ишонч шахсий сирли мулоқот жараёнида амалга ошади. Бунинг асосий мақсади ўзаро тушуниш ва бир-бирини кашф этишдан иборат. Катталар билан ўзаро ишончга асосланган мулоқотда вазият бир қадар бошқача бўлади. Бунда ўзининг бугунги кунини билиш муҳим бўлиб қолмасдан, балки ўзининг шахсий истиқболига асосланган билиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Мавжуд назарий ёндашувларга таянган ҳолда ўтиш даврининг муҳим жараёни ўқувчининг шахсий ҳаётий оламини унинг мулоқот доираси, гуруҳ ва тенгдошларига нисбатан мансублигини кенгайтиришдан иборат. Чунки, ўқувчи ўзаро мулоқот жараёнида худди мана шу ҳолатларга асосланади.

Ўқувчининг хулқ-атвори унинг оралиқ ҳолатида аниқланади. Бу унинг руҳиятида намоён бўлади. Унга ички уятчанлик, ноаниқлик, ички қарама-

қаршиликлар, тажовузкорлик, охирги нуқтаи назар ва мавқега мослашувчанлик кабилар хосдир.

Ўқувчи тафаккурида унинг ўзига хос бўлган салбий жиҳатлар ҳам яширин тарзда мавжуд бўлади. Худди мана шу ўринда ўқувчи ўзининг мустақиллигини катталардан ҳимоя қила бошлайди. Ўқувчиларнинг ақлий тараққиёти ўқув жараёнининг характери ва шакллари билан бевосита боғлиқ тарзда намоён бўлади. Ўқув-тарбия жараёнидаги жиддий ва кўп қиррали меҳнат фаолияти ўқувчилардан юқори даражада ташкил этилган ақлий фаолиятни талаб қилади. Буларнинг барчаси ўқувчининг билиш фаолияти характерига таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида ўқувчи мураккаб даражадаги нарса ва ҳодисаларни таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш асосида идрок этиш имкониятига кўпроқ даражада эга бўлади.

Кузатиш мақсадга йўналтирилган тўлақонли идрок жараёни сифатида ўқувчиларнинг ақлий фаолиятларида тобора кўпроқ ўрин эгаллай бошлайди.

Ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти, билимларни ўзлаштириш характери ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ҳукмлар чиқариш, қиёслаш, чуқур мулоҳаза қилиш ва умумлаштириш кўникмаларини ҳосил қилади.

Бунинг натижасида ўқувчиларда абстракт фикрлаш лаёқати таркиб топади.

Ўсмир ёшдаги ўқувчилар учун эркин, мантиқий хотиранинг ривожланиши хосдир. Бунинг натижасида ўқув материалларини мантиқий жиҳатдан умумлаштириш ва оммалаштириш кўникмаси ривожланади. Ўқувчиларнинг диққати эса, кўпроқ даражада барқарорлашади, у кўпроқ олдиндан уйланган, режалаштирилган шаклга эга бўлади.

Психологларнинг таъкидлашларича, мазкур даврда ўқувчининг

биологик етуклигини ифодаловчи асосий кўрсаткич сифатида қизиқишлар ва хулқ-атвор кўринишларини эътироф этиш мумкин. Ўқувчиларнинг биологик ривожланишларидаги ўзига хосликлар мавжуд.

**1-жадвал**

**Ўқувчиларда биологик ўзига хосликнинг тадрижий тарзда намоён бўлиши**

| Ўқувчиларнинг ёши | Ўқувчиларга хос хусусиятлар |
|---|---|
| 11 ёшли ўқувчилар | оғир, вазмин, ишонувчан, ота-оналари билан тўғри муносабатга киришувчан, ўзининг ташқи қиёфаси ҳақида кам ўйлайдиган, ҳаётни осон қабул қиладиган |

| | |
|---|---|
| 12 ёшли ўқувчилар | интилувчан, кайфияти тез ўзгарадиган, ота- оналарига қарши исён кўтарадиган, тенгдошлари билан тез-тез урушиб турадиган |
| 13 ёшли ўқувчилар | сержаҳл, дунёга ҳақиқий муносабатда бўлувчи, оилада мустақилликни талаб қилувчи, тенгдошларининг таъсирига тез берилувчан, ташқи кўриниши ҳақида кўп ўйлайдиган, бошқа жинс вакилларига нисбатан қизиқиш уйғонган |
| 14 ёшли ўқувчилар | хушмуомалали, ўзига танқидий қарайдиган, танқидга нисбатан ҳиссий муносабатга эга, ота- оналарига нисбатан танқидий муносабатда бўладиган, дўст танлаш имкониятига эга |
| 15 ёшли ўқувчилар | куч-қувватга тўлган, мулоқотга киришувчан, ўзига ишонган, бошқаларга нисбатан қизиқиш билан қарайдиган, ўз ҳатти-ҳаракатини муҳокама қилиб, ҳаётий қаҳрамонлар билан қиёслайдиган |
| 16 ёшли ўқувчилар | осойишта, қувноқлик ўрнини тез-тез исёнкорлик эгаллайдиган, ички мустақиллиги ортган, ҳиссий осойишта, мулоқотга киришувчан |

Ҳар бир ёшдаги ўқувчиларнинг ўзига хос характерли хусусиятларини билиш улар орасида мулоқот жараёнини тўғри ташкил қилишда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, мазкур кўрсаткичлар идрокнинг ўзига хос жиҳатлари ва унинг ижтимоий шарт-шароитларини белгилайди. 11-16 ёш – ўқувчиларнинг маънавий-ақлий ривожланишида алоҳида босқич ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, бу ёшдаги болалар учун мулоқот жараёнини ташкил этишда уларнинг руҳий-физиологик ривожланишларини алоҳида ҳисобга олиш лозим. Бу жараёнда ўқувчи шахсий ўзига хослигини англаб етади. Унда ҳаётий режалар ҳосил бўлади, ўз ҳаётини онгли тарзда қуришга оид қоидалар таркиб топади, мунтазам тарзда ижтимоий ҳаётнинг муайян соҳаларига нисбатан интилиш вужудга келади. Бу жараёнда ўқувчи ўзининг ички оламини объектив воқелик билан боғлайди. Мазкур ёшда ўқувчилар дуч келадиган асосий муаммо катталарга боғлиқликдан қутилиш соҳасидаги инқироздир. Шунинг учун ҳам, 11-16 ёш инсон ҳаётидаги ўта мураккаб ва зиддиятларга бой даврдир. Шунга кўра, уларнинг ўз тенгдошлари ва катталар билан муносабатлари, ўзаро мулоқотларида нобарқарорлик кузатилади.

Ўқувчилардаги ўта фаоллик уларнинг ҳолдан тойишига асос бўлиши ҳам мумкин. Ақлсизларча вужудга елган қувноқлик эса, маъюсликка сабаб бўлади. Ўзига бўлган ишонч тортинчоқлик ва қўрқоқликка асос бўлиши мумкин. Юқори даражадаги ахлоқий интилувчанлик паст даражадаги қўзғалиш билан алмашинади, мулоқотдан қўрқиш ўқувчиларнинг ёпиқ бўлишларига сабаб бўлади. Нозик ҳис этувчанлик эса, ўқувчилар ҳафса-

ласининг пир бўлишига олиб келиши мумкин. Ақлий бепарволикда жонли қизиқувчанлик ўқишдан қўрқишга олиб келади. 11-16 ёшли ўқувчиларда маданиятни эгаллашга бўлган интилиш мунтазам ривожланиб боради.

Психологлар 11-16 ёшли ўқувчилар ривожланишидаги уч йўналишни алоҳида ажратиб кўрсатганлар. Ривожланишнинг биринчи даврига кескинлик, қатъийлик, исёнкорлик, инқирозли вазиятлар хосдир.

Ривожланишнинг иккинчи даврига равонлик, сокинлик, босқичма-босқич ўсиш хосдир. Бунда ўқувчи катталар билан мулоқотга киришганда саёз ва жиддий бўлмаган силжишларга дуч келади. Ривожланишнинг учинчи даври ўзида тараққиётнинг шундай жараёнини намоён қиладики, бунда ўқувчи ўзини фаол ва онгли тарзда тарбиялайди. У ихтиёрий тарзда ички безовталиклар ва инқирозларга барҳам беради. Бундай ўқувчилар ўз-ўзини назорат қилиш ва интизомлиликнинг юқори даражасига эришган бўладилар.Бу жараёнда ўқувчи маданий мулоқот субъекти ва шахс сифатида шаклланади. Мулоқот уларнинг масъулиятли фаолиятига айланади.

Мулоқот йўналишининг тўғри танланиши жараён субъектлари учун қулай ҳиссий вазиятни вужудга келтиради. Бу эса, ўқув-тарбия жараёни натижасига ҳам самарали таъсир кўрсатади.

Мулоқот жараёни субъектлари аввало бир-бирларини тушунишлари, қўллаб-қувватлашлари, улар орасида ўзаро ишонч ва ҳамкорликнинг мавжуд бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки, мулоқот ўқувчи шахсини ривожлантириш ва унинг маданий савиясини бойитишнинг муҳим шартидир.

**Адабиётлар:**

1. Возрастная психология : Детство, отрочество, юность : хрестоматия : учеб, пособие для студ. высш. учеб, заведений / сост. и науч. ред. В.С. Мухина, А. А.Хвостов. - 6-е изд., стер. - М. : Издательский центр «Академия», 2007. 624 с

2. Газиев Э.Г. Управление учебной деятельностью школьников. Т.: Фан, 1986, с. 66.

3. Щукина Г. И. Роль деятельности в учебном процессе М., 1986.С. 36.

4. Щуркова Н. Е. Новое воспитание. М.: Педагогическое общество,2000. С. 128.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада ўқувчиларда мулоқот маданиятини самарали шакллантириш, бу жараёнда ўқитувчининг эгаллаган мавқеи ва вазифалари масаласи ёритилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается вопрос эффективного формирования культуры общения у учащихся, позиция и задачи, которые занимает преподаватель в этом процессе.

**SUMMARY**

The article discusses the issue of effective formation of a culture of communication among students, the position and tasks that the teacher takes in this process.

# 4K TAMOYILI ASOSIDA O‘QUVCHILARNING SHAXSLARARO MULOQOT KO‘NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH

***Rahmonov O.B.***
*Navoiy shahri 18-umumta’lim maktabi direktori*

**Tayanch so‘zlar:** 4K modeli, shaxslararo muloqot, ko‘nikma, model, ta’lim siyosati, kompetensiya.

**Ключевые слова:** 4К-модель, межличностное общение, навык, модель, образовательная политика, компетенция.

**Key words:** 4K model, interpersonal communication, skill, model, educational policy, competence.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev 2022-yil 29-dekabr kuni Xalqaro kongress markazida “Ta’lim sifatini oshirish – Yangi O‘zbekiston taraqqiyotining yakkayu yagona to‘g‘ri yo‘lidir!” mavzusidagi zamonaviy darsliklar ko‘rgazmasida: “XXI asr kishisi uchun eng zarur bo‘lgan “4K” ko‘nikmasi bo‘yicha ishlab chiqilgan (kritik fikrlash, kreativlik, kollaboratsiya, kommunikatsiya) ko‘nikmalar, o‘quvchilarda tanqidiy fikrlash, ijodiy yondashuv, jamoada ishlash va muloqot ko‘nikmalarini shakllantirish” masalalariga alohida e’tibor qaratish va “...darsliklar quruq ma’lumotlarni yodlatish, yoki shunchaki o‘qish-yozishni o‘rgatish bilan cheklanmasligi, ular orqali o‘quvchilar nafaqat fanlarni, balki XXI asrda zarur bo‘lgan hayotiy ko‘nikmalarni ham o‘rganishi” zarurligini ta’kidlash bilan birga, yangi darsliklarni tayyorlashda o‘qituvchilar majburiyatlari haqida “...bugun darsliklar o‘zgaryapti. Shunga yarasha o‘qituvchilar ham o‘zgarishi kerak” [1] , - deb aytgan fikrlari 4K tamoyili asoida o‘quvchilarning nutqiy qoiliyatnini rivojlantirish jarayonini yana da kuchayttirishni talab qiladi. 2023-yildan maktab ta’limini xalqaro ta’lim dasturlari asosida butunlay isloh qilish таълимни tizimli yo‘lga qo‘yish, yangi darsliklarni ishlab chiqish, ilg‘or ta’lim standartlari va metodikalarini joriy etish uchun alohida ilmiy institut va laboratoriyalar tashkillashtiradi.

XXI asr ko‘nikmalari hayot uchun yeng muhim sifatida turli sohalardagi mutaxassislar tayyorlashda hayot uchun eng ahamiyatli deb bilgan ko‘nikmalar: xarakterni tarbiyalash, fuqarolik savodxonligi, aloqa, tanqidiy fikrlash va muammoni hal qilish, hamkorlik, kreativlik ko‘nikmalari asosiylardan hisoblanadi. Bizningcha, 4K modeli asosida o‘quvchilarning shaxslararo muloqat ko‘nikmalarini “Tarbiya” fani darsi va “Ma’naviyat soat”lari orqali o‘quvchilarning XXI asr ko‘nikmalari uchun xarakter hususiyati ahamiyatli hisoblanadi.

Birinchi savolga javob berishdan boshlaylik. Keling, "4K" ko‘nikmalarining tuzilishini ko‘rib chiqamiz va ularning tarkibiy qismlarini ta’kidlaymiz. Keyin biz ushbu tarkibiy qismlarni o‘zaro bog‘lagan holda bugungi kunda amaldagi O‘zbeksiton Respublikasi davlat ta’lim standartini o‘rganib chiqamiz.

O‘zbeksiton Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Umumiy o‘rta va o‘rta maxsus ta’limning davlat ta’lim standartlarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi [2] muhim o‘quv natijalari sifatida rivojlanish e’lon qilindi. Bu masalada 4K tamoyili asosida o‘quvchilarning shaxslararo muloqot ko‘nikmalarini rivojlantirishda mustaqil fikrlash, muammoli va ijodiy muammolarni kreativ hal qilish va tanqidiy fikrlashni rivojlantirmasdan shakllantirish mumkin emas. Ushbu XXI asr ko‘nikmalari “Tarbiya” darslari va “Ma’naviyat darslari” orqali shakllantirish mamlakatning analitik salohiyatini mustahkamlashga ko‘maklashishi mumkin hisoblanadi.




Umumta’lim maktab amaliyotida an'anaviy dars doirasida ushbu 4K ko‘nikmalarini shakllantirishga imkon beradigan pedagogik texnologiyalar mavjud emas. Bundan tashqari, davlat ta’lim standartlari doirasida o‘quvchilarning nutqiy ko‘nikmasini shakllantirishga qaratilgan aniq tavsif va qoidalar kontentini yaratish maqsadi qo‘yildi. Biz tadqiqot ishimiz doirasi ushbu XXI asr ko‘nikmalarini 4K modeli asosida o‘quvchilarning shaxslararo muloqot ko‘nikmalarini shakllantirish masalalariga etiborimizni qaratdik.

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Umumiy o‘rta va o‘rta maxsus ta’limning davlat ta’lim standartlarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi [3] Qarori asosida XXI asr ko‘nikmalarini rivojlantiruvchi vositalar asosida o‘quvchilarning shaxslararo muloqot ko‘nikmalarini rivojlantirishga imkon beradigan mexanizm yaratish maqsad qilindi.

Biz tadqiqot ishimizda XXI asr ko‘nikmalari asosida shaxslararo muloqot ko‘nikmalarini rivojlantirish va unga qo‘yiladigan talablarni qo‘yidagicha belgilab oldik.

| Asosiy turlari savodxonlik | XXI asr ko‘nikmalari | Xarakter fazilatlari |
|---|---|---|
| til | tanqidiy fikrlash | qiziqish |
| raqamli | kreativ | tashabbuskor |
| tabiiy-ilmiy | kommunikatsiya | qat’iylik |
| AKT savodxonligi | kooperatsiya | moslashuvchanlik |
| ta’lim-tarbiyaviy | shaxslararo munosabat | etakchilik |
| umummadaniy | fuqarolik va madaniy | ijtimoiy va madaniy xabardorlik |

Ushbu maqsadlar bo‘yicha biz tadqiqotga doir rejalashtirilgan maqsadlarni belgilab oldik. Bularni ikki guruhga ajratdik.

**Meta-subektiv ko‘nikmalarni rivojlantirishga doir masalalar:**




- 4K modeli asosida fandan shaxsiy ko‘nikmalar;
- shaxslararo muloqщt ko‘nikmalarini o‘rganish uchun motivatsiyani shakllantirish;
- shaxslararo muloqщt ko‘nikmalari orqali o‘z-o‘zini anglash imkoniyatlarini;
- muloqщt ko‘nikmalarini madaniyatini yaxshilashga intilish;
- kreativlik va tashabbuskorlik kabi fazilatlarni rivojlantirish.

**Meta-obyektiv ko‘nikmalarni rivojlantirishga doir masalalar qo‘yidagicha keltirilgan:**

- kommunikatsiya jarayonida verbal va noverbal qobiliyatini rejalashtirish;
- kommunikativ kompetentsiyani rivojlantirish, shu jumladan ular bilan muloqot qilish qobiliyati va turli xil ijtimoiy rollarni bajarish;
- ilmiy-tadqiqot mashg‘ulotlarini, shu jumladan ular bilan ishlash ko‘nikmalarini rivojlantirish:
- kerakli ma’lumotlarni qidirish va tanlash, ma’lumotlarni umumlashtirish va mahkamlash;

– semantik o‘qishni rivojlantirish, shu jumladan mavzuni aniqlash, bashorat qilish qobiliyati;
– sarlavha, kalit so‘zlar bilan matn mazmunini tushinish, asosiy fikr, asosiy ta’kidlash;
– ikkinchi darajali faktlarni qoldirib, asosiy mantiqiy faktlar ketma-ketligini o‘rnatish;
– o‘z-o‘zini kuzatish, o‘z-o‘zini nazorat qilish, o‘zini o‘zi boshqarish harakatlarini amalga oshirish;
– shaxslararo muloqot ko‘nikmalarini jarayonini baholashlarga qaratildi.

Tadqiqot ishimizning asosiy maqsadi qo‘yidagicha yondashiladi:
– o‘z istagini shakllantirish va uzluksiz ta’lim olishni rivojlantirish;
– o‘quvchilarning o‘quv va kognitiv faoliyatini rivojlantirishga qaratiladi [4].

Jamoada biron bir harakatni amalga oshirishda aloqa va hamkorlik yoki kreativlik "4K" ning boshqa tarkibiy qismlariga qaraganda osonroq tavsiflanadi, chunki bu ko‘nikmalar tashqi ko‘rinishda insonda ko‘proq namoyon bo‘ladigan hislatlar hisoblanadi va bbularni kuzatish osonroq bo‘ladi.

**Adabiyotlar:**

1. https://uza.uz/uz/posts/darsliklar-ozgaryapti-shunga-yarasha-oqituvchilar-ham-ozgarishi-kerak_440060.

2. 187-сон 06.04.2017. Umumiy o‘rta va o‘rta maxsus ta’limning davlat ta’lim standartlarini tasdiqlash to‘g‘risida (lex.uz)

3. Bekimbetova G.R. Qoraqalpoq tili fanidan o‘quvchilarning 4K ko‘nikmalarini rivojlantirishning amaliy ahamiyati // International journal of recentli scientific researcher’s theory. International scientific journal. ResearchBib Imfact Factor: 7.1. Volume: 2. Issue: 2. February. 2024. ISSN: 2992-8885. uzresearchers.com. –P.185-190.

4. Bekimbetova G.R. 4K tamoyili asosida o‘quvchilarning Qoraqalpoq tili fanidan kolloborativ ko‘nikmalarini rivojlantirish paradigmasi // International journal of recentli scientific researcher’s theory. International scientific journal. ResearchBib Imfact Factor: 7.1. Volume: 2. Issue: 2. February. 2024. ISSN: 2992-8885. uzresearchers.com. –P.191-198. (13.00.00; №14).

**РЕЗЮМЕ**

Maqolada 4K tamoyili asosida o‘quvchilarning shaxslararo muloqot ko‘nikmalarini rivojlantirish masalalari haqida so‘z yuritiladi.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются вопросы развития навыков межличностного общения студентов по принципу 4К.

**SUMMARY**

The article discusses the issues of developing students' interpersonal communication skills based on the 4K principle.

# KOMPETENSIYAVIY YONDASHUVNING INGLIZ TILI O'QITUVCHILARI KASBIY MAHORATINI SHAKLLANTIRISHDAGI O'RNI VA ROLI

***Ibrohimova O.X.***
*Andijon davlat chet tillari instituti doktoranti*

**Tayanch so'zlar:** kompetensiyaviy yondashuv, kasbiy mahorat, kompetensiyaviy talab, kompetensiyalar tizimi, malaka oshirish kursi, kasbiy sifatlar.

**Ключевые слова:** компетентностный подход, профессиональное мастерство, квалификационные требования, система компетенций, курс обучения, профессиональные качества.

**Key words:** competency approach, professional skill, competency requirement, competency system, training course, professional qualities.

Ilm-fan sohasida ma'lum bir fenomenaning chuqur tadqiqotlar olib borilib takomillashuvi uning keyingi bosqichiga yo'l ochadi. "Kompetensiya" atamasining ommalashuvi va tadqiqi "kompetensiyaviy yondashuv" va "kompetentlik" tushunchalarini shakllanishiga sabab bo'ldi. Tadqiqotchi olim E.F.Zeerning talqinicha, kompetentlikning funksional taraqqiyoti ustida izlanishlar olib borish kasbiy kamolotga erishish mobaynida kompetentlikning turli ko'rinishlari o'zaro integratsiyalashib borishi va ularning shaxsda muhim kasbiy sifatlar bilan aloqasi kuchayib borib, takomillashishini bayon etgan.

kasbiy kompetentlik darajasini aniqlagan holda muntazam tekshirib nazorat qilish jarayoni sifatli kadrlarni tayyorlashga va ish sifatini oshirishga olib keldi. Kompetensiyaviy yondashuv sabab har bir sohada ma'lum bir qoidalar asosida belgilangan kompetensiyalar tizimi shakllandi. Masalan, quruvchilik sohasini oladigan bo'lsak, quruvchi mutaxassis sifatida o'z kasbidan kelib chiqqan holda xom ashyoni to'g'ri taqsimlash uchun matematik kompetensiya, so'nggi uy qurish uslublaridan boxabar bo'lish uchun ijtimoiy tarmoqdan foydalanish kompetensiyasi va quruvchilik sohasiga doir bilim ko'nikmalarni o'z ichiga oluvchi kasbiy kompetensiyalarga ega bo'lishi talab etiladi. Yoki shifokorlik kasbini olsak, professional shifokor bemorning holati va analiz natijalariga

qarab aniq tashxis qo'ya oladigan mutaxassis ya'ni kasbiy bilim kompetentligi yuqori bo'lishi darkor. Bundan tashqari, shifokorlar kasbi nuqtayi nazaridan muloqot kompetensiyasi, tanqidiy fikrlash kompetensiyasi va bemorlar bilan ishlashda psixologik kompetensiyalarga ega bo'lishi maqsadga muofiq.

Ushbu sohalar qatorida til o'qitish sohasida ham kompetensiyaviy yondashuv mahoratli til o'qituvchisi egallashi kerak bo'lgan kompetensiyalarni shakllanishiga turtki bo'ldi. Aslida, o'qituvchi kadrlarning pedagogik va kasbiy salohiyati masalasi uzoq tarixga ega bo'lib, faqat bu tushuncha kompetensiya yoki kompetentlik emas pedagogik bilim, pedagogik ko'nikma, pedagogik mahorat tarzida tadqiqotlar markazida bo'lgan. Yurtimiz olimlari N. Ataeva, M. Salaeva va S. Hasanov tomonidan yaratilgan "Umumiy pedagogika" o'quv qo'llanmasida pedagogik kompetentlik pedagogik mahorat sifatida talqin etilgan va unga bir qancha ta'riflar berilgan. Ulardan birida pedagogik mahorat egasi – o'z kasbining mohir ustasi bo'lgan yuksak darajada madaniyatli, o'z fanini chuqur biladigan yondosh sohalarni yaxshi tahlil eta oladigan, tarbiyalash va o'qitish uslubiyatini mukammal egallagan o'qituvchi-tarbiyachidir deya e'tirof etilgan. "Pedagogik mahorat" atamasi o'quv fani nomlarida, pedagogik va metodik jurnallar nomlarida, ilmiy-uslubiy maqolalar bosh mavzusida aks etgan. O'qituvchilarga beriladigan baho ularning pedagogik mahoratiga qarab berilgan va o'qituvchilarni pedagogik mahorati kuchli yoki kuchsiz deya sifatlangan. Masalan, A.Xoliqov o'qituvchining pedagogik mahorati tushunchasi mazmunini o'z faniga doir bilimlarning mukammal sohibi, madaniyatning yuqori darajasi, bilimdonlik va aql-zakovatning yuksak ko'rsatkichi, pedagogika va psixologiya fanlaridagi bilimlarni puxta egallagan va kasbiy faoliyatida foydalanadigan shaxs misolida talqin etgan. Malaka oshirish va qayta tayyorlash kursi tinglovchilari uchun o'quv qo'llanma sifatida foydalanilgan yana bir "Pedagogik mahorat" darsligida pedagogik mahoratning tarkibiy qismlari sifatida pedagogik texnika, pedagogik muomala, pedagogik ijod, pedagogik qobiliyat, pedagogik madaniyat va pedagogik nazokat muhim ahamiyat kasb etishi ta'kidlangan.

Hozirda ushbu atama "pedagogik kompetensiya" yoki "kasbiy kompetensiya" nomlari bilan keng qo'llanilmoqda. Kasbiy kompetensiyasi yuqori o'qituvchilar esa "kompetent o'qituvchi", "pedagogik kompetentligi yuqori o'qituvchi" yoki "kasbiy kompetentligi kuchli o'qituvchi" deya e'tirof etilmoqda. Qolaversa, chet tili o'qituvchilarining qaysi kompetensiyasi yuqori ekanligiga qarab ham baho berilmoqda. Na'muna sifatida, ijtimoiy tarmoqlarda.

*1-rasm*

Umumiy tahlil qilganda kompetensiyaviy yondashuv chet tili o'qituvchilarining kasbiy mahorati shakllanishida ijobiy natijalarni ko'rsatdi. Quyidagi jadvalda ushbu ijobiy natijalar guruhini ko'rishimiz mumkin.




*2-rasm*

Birinchi guruhda berilgan ingliz tili o'qituvchilarining til kompetensiyalari rivojlanishini izohlasak, ta'limga oid hujjatlarda belgilangan me'yorlar asosida chet tili o'qituvchilarining lingvistik va kommunikativ til kompetensiyalari sezilarli darajada rivojlandi. Ushbu kompetensiyalarni aniqlab beruvchi xalqaro va milliy baholash tizimlari bunda katta tayanch vazifasini o'tadi. CEFR, IELTS, TOEFL va shu kabi ingliz tili bilish darajasini baholovchi dasturlarning mamlakatimizda joriy etilishi, ulardagi til kompetensiyalarining milliy ta'lim tizimimizda aks etishi natijasida nafaqat o'qituvchilar balki o'quvchilarning til bo'yicha lingvistik va kommunikativ kompetensiyalarini jadal rivojlanishi

kuzatildi. Negaki ingliz tili o'qituvchilariga xalqaro va milliy chet tili baholash dasturlaridan imtixon topshirib belgilangan ballni qo'lga kiritganda ularga ish haqiga qo'shimcha foiz ustamalar berish bilan rag'batlantirish ta'limga oid qarorlarda o'z aksini topdi. Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012-yil 10-dekabrdagi "Chet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora tadbirlari to'g'risida"gi PQ-1875-son qarorining 7-bandiga asosan chet tillar o'qituvchilari va muallimlarining lavozim maoshlari tarkibiga kiritilgan holda qishloq joylarda joylashgan ta'lim muassasalarida (TMda) ularning tarif stavkalariga 30 foiz va shahar hududidagi TMda 15 foiz stavkalari miqdoridagi har oylik qo'shimchalarni qonun doirasida belgilangan me'yorlar asosida qo'shib berilishi joriy etilgan . Ushbu qaror asosida ingliz tili o'qituvchilarining lingvistik va kommunikativ kompetensiyalarini baholovchi imtihon joriy etilib, hududlarda barcha ingliz tili o'qituvchilari testdan o'tkazilgan. Imtixondan muvaffaqqiyatli o'tgan o'qituvchilar yuqorida keltirilgan qaror asosida oylik ustama olishga erishgan. Mazkur qaror natijasida boshqa ingliz tili o'qituvchilari ham lingvistik va kommunikativ kompetensiyalarini oshirish maqsadida o'z ustida ishlashni yanada kuchaytirgan. Ushbu holatni tizimli tashkil etish uchun hukumat tomonidan juma kunlari ingliz tili o'qituvchilari uchun bepul trening mashg'ulotlar tashkil etilgan. Natijada barcha hududlarda ingliz tili o'qituvchilarining til kompetensiyasi samarali rivojlantirishga erishilgan desak mubolag'a bo'lmaydi.

Ta'limni bosqichma-bosqich rivojlantirishga asoslangan ta'lim tizimimizda keying qadam chet tili imtixonlari darajasini yuqori ballga ko'tarish va shu bilan birga oylik ustama foizini ham ko'tarish bo'ldi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 19-maydagi «O'zbekiston Respublikasida xorijiy tillarni o'rganishni ommalashtirish faoliyatini sifat jihatidan yangi bosqichga olib chiqish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PQ-5117-son qarori 5-bandiga asosan S1 darajadagi milliy yoki unga tenglashtirilgan mos darajadagi xalqaro tan olingan sertifikatga ega xorijiy tillar o'qituvchilarining bazaviy tarif stavkasiga nisbatan har oylik 50 foiz miqdorida qo'shimcha ustama haqi to'lab borilishi belgilandi. Mazkur qaror zamirida chet tili o'qituvchilarining akademik til bilish darajasini xalqaro standardlar talabidagi yuqori bosqichga olib chiqish maqsadi qo'yilgan. Qolaversa, ushbu qaror chet tili o'qituvchilarining kasbiy rivojlanishi uchun motivatsion kuch berdi desak mubolag'a bo'lmaydi. Negaki mazkur qarorni amalda kuchga kirishi bilan lingvistik va kommunikativ kompetensiyasi yuqori S1 darajali til mutaxassislarining soni keskin ortdi va bu holat davom etmoqda.

Kompetensiyaviy yondashuvning xorijiy davlatlardagi pedagoglar kasbiy kompetensiyasiga ta’sirini kuzatadigan bo’lsak, takomillashgan kasbiy me’yorlar shakllanishi holatlarini ko’rishimiz mumkin. Chet davlatlarda nufuzli universitetlar o’rtasida raqobat avj olgan bo’lib, ular o’zlarining internet tarmog’idagi web sahifasida mazkur universitetda tahsil oladigan kadrlar qanday kompetensiyalarga ega bo’lishini havola etgan. Masalan, dunyoga mashxur universitetlardan AQShning Stendford universiteti (jahon reytingida 5-o’rinda turuvchi) o’zining ijtimoiy websaytida universitet o’quv dasturlari ta’minlovchi 6 muhim kompetensiyani kasbiy rivojlanish asosi deya ta’kidlagan. Quyidagi jadvalda ushbu kompetensiyalar bilan tanishib chiqishimiz mumkin.

Yuqorida berilgan ma’lumotlarni umumlashtirgan holda xulosa qiladigan bo’lsak, kompetensiyaviy yondashuv sabab o’qituvchilar kasbiy mahorati kompetentlik darajasiga ko’tarildi va quyidagi kompetentlik sifatlarini shakllanishiga sabab bo’ldi:

- auditoriyaga ta'sir qilish uchun o'z nutq uslubini shakllantirish va muloqot o’rnatish uchun samarali strategiyalar va sodda nutq shaklidan foydalanish;
- qiziqarli va diqqatni tortuvchi taqdimotlar yaratish va taqdim etish uchun vizual va multimedia vositalaridan foydalanish;
- rasmiy darslar, o’quv mashg’ulotlari, to’garaklar va onlayn o‘quv muhitlari uchun o‘quv dasturlari, kun tartibi va dars rejalarini ishlab chiqish;
- o'quv hamjamiyatining barcha a'zolarini teng huquqli deb bilish va o’quvchilar ishtirokini ta'minlash uchun normalarni belgilash va inklyuziv amaliyotlardan foydalanish;
- o'rganish jarayonini rag'batlantiradigan va o'quvchilarni professional muhitga tayyorlaydigan ta'lim va hamkorlik texnologiyalarini qo'llash;
- mentorlarni qo'llab-quvvatlash, qo'llab-quvvatlovchi va tajriba almashuvchi jamoalar bilan bog'lanish, muammolarni hal qilish, murabbiylikdan maksimal darajada foydalanish;
- akademik soha, ish faoliyati va ijtimoiy hayotning yaxlitligini anglagan holda o’zini har qanday holda boshqarish va ish hayot balansini muvofiqlashtirish, tanqidiy va analitik fikrlash, kasbiy etikaga rioya qilish;
- samaradorlikni oshirish va o’quvchilar bilan ijobiy aloqalarni o'rnatish uchun madaniyat, o'ziga xoslik, shaxsiyat va boshqa omillardagi farqlardan xabardor bo’lish;

– kelib chiqishi turli xil bolgan va nuqtai nazariga ega bo'lgan o’quvchilar bilan samarali ishlash uchun jalb qiluvchi vositalar va strategiyalardan foydalanish;
– kamtarlik, hamdardlik, qiziquvchanlik, o'z-o'zini anglash, hissiy aql va jamiyatda o’zini tutish axloqi kabi yetakchilik fazilatlarini tarbiyalash;
– trening va loyihalarda ishtirok etadigan keng doiradagi shaxslar, jumladan, nazoratchilar, tengdoshlar va supervayzerlar bilan samarali muloqot qilish;
– murakkab muammolarga yechim topishda kreativ fikrlash kabi ijodkorlik va innovatsion amaliyotlarni qo‘llash;
– rezyumelar, o‘quv rejalari, muqovali xatlar va raqamli platformalar orqali turli ko‘nikmalaringiz, intizomiy bilimlaringiz, kasbiy kompetensiyalar va kasbiy portretni ifodalash.

Demak, kompetensiyaviy yondashuv chet tili o’qituvchilari egallashi kerak bo’lgan kasbiy kompetensiyalarni shakllanishi va o'qituvchilar professiogrammasi (kasbiy portreti)ni sifat jihatdan takomillashuviga sabab bo’ldi. Chet tili o’qituvchilariga xos sifatlar kompetensiyaviy yondashuv sabab “kasbiy kompetensiyalar” deya yuritila boshlandi va ularning turlari shakllandi. Chuqur tadqiqotlar natijasida o’qituvchi kasbiy kompetentligi xarakteristikasi, o’ziga xos sifatlari takomillashdi. O’qituvchilarga xos kompetensiyalarning har bir turi tadqiqot fokusi darajasiga ko’tarildi ularga na’munalar asosida izohlar berildi. Mazkur izlanishlar ingliz tili o’qituvchilarining kasbiy mahoratini kompetensiyaviy talablar asosida takomillashuvini ta’minladi. Bu o’z o’rnida kompetent o’qituvchilar vositasida ingliz tili o’qitish jarayonining samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

**Adabiyotlar:**

1. Зеер Э.Ф. Психолого-дидактические конструкты качества профессионалного образования. //М.: “Образование и наука” журнал N2, 2002. С. -14.

2. Ataeva N., Salaeva M va Hasanov S. Umumiy pedagogika (Pedagogika nazariyasi va amaliyoti asoslari), O‘quv qo‘llanma. II kitob. H.Boboevnnnr umumiy tahriri asosida. -T.: “Fan va texnologiya”, 2013. – B. 736.

3. A.Xoliqov “Pedagogik mahorat”. Toshkent “Iqtisod-moliya” 2011. UDK 371 (075). – 11 b.

4. M.M.Ahmetjanov, Sh.SH.Olimov, S.S.Avezov “Pedagogik mahorat” malaka oshirish va qayta tayyorlash kursi tinglovchilari uchun o’quv qo’llanma. Toshkent, “Lesson press”, 2018. – 14 b.

5. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012-yil 10-dekabrdagi “Chet tillarni o’rganish tizimini yanada takomillashtirish chora tadbirlari to’g’risida”gi PQ-1875-son qarori

6. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 19-maydagi «O‘zbekiston Respublikasida xorijiy tillarni o‘rganishni ommalashtirish faoliyatini sifat jihatidan yangi bosqichga olib chiqish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PQ-5117-son qarori

7. https://vpge.stanford.edu/professional-development/competencies-grad-grow

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqolada kompetensiyaviy yondashuvning mazmuni va uning joriy etilishidan oldingi va keyingi davrda ingliz tili o'qituvchilarining kasbiy mahoratiga qo'yilgan talablar tahlil qilinadi. Kompetensiyaviy yondashuv asosida takomillashgan ingliz tili o'qituvchisining kasbiy mahorati sifatlari tadqiq qilinadi.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье анализируется содержание компетентностного подхода и требования к профессиональным навыкам преподавателей английского языка до и после его внедрения. На основе компетентностного подхода исследуется качество профессиональных навыков преподавателя английского языка продвинутого уровня.

**SUMMARY**

This article analyzes the content of the competency approach and the requirements for the professional skills of English language teachers before and after its introduction. The advanced quality of professional skills of the English teacher based on the competence approach is researched.

# TALABALARDAGI KREATIVLIKNI RIVOJLANTIRISHNING METODOLOGIK AHAMIYTI

***Seilxanova R.N.***
*Qoraqalpog'iston tibboyot instituti o'qituvchisi*

**Tayanch so'zlar:** talabalar, ijodiy faoliyat, kognitiv komponent, ijodiy kompetensiya.
**Ключевые слова:** студенты, творческая деятельность, когнитивная компонент, творческая компетентность.
**Key words:** students, creative activity, cognitive component, creative competence.

Respublikamizda so'nggi yillarda talabalarning ingliz tili darslari orqali kreativligini rivojlantirish ta'lim jarayonini yangi texnologiyalari vositasida tashkil etish, xorijiy tajribalar asosida kadrlar tayyorlash jarayonlarini takomillashtirish, ta'lim-tarbiya samaradorligini ta'lim, fan va ishlab chiqarishning integratsiyalashuvi asosida rivojlantirish, o'qitish jarayoniga talabalarning ingliz tilidan kreativ qobiliyatlarini rivojlantirishga doir strateriyalar yaratilmoqda. Ta'lim taraqqiyotining bugungi bosqichida "oliy ta'lim bilan qamrov darajasini 50 foizga yetkazish va ta'lim sifatini yanada oshirish, o'quv dasturlari va darsliklarni ilg'or xorijiy tajriba asosida to'la qayta ko'rib chiqib, amalda joriy etish, yoshlarga oid davlat siyosatini takomillashtirish [1] ahamiyatli vazifaga aylanmoqda.

Oliy ta'lim muassasasi talabalarining kreativligini rivojlantirish, kreativlik sifatlarini rivojlantirishga ta'sir etuvchi ijtimoiy omillar, usullari va shakllari, mavjud pedagogik shart-sharoitlari kabi masalalar A.R.Aripjanova, T.Aliboyev, N.I.Bayturayeva, D.Sh.Djurayeva, G.N.Ibragimova, M.V.Mamatqulova, D.M.Maxmudova, Z.T.Nishanova, M.Tilakova, O'.Q.Tolipov, Sh.S.Sharipov, Ch.T.Shakirova, L.A.Qurbonova, Sh.A.Abdullayeva, B.R.Adizov, D.D.Muradovalar tomonidan tadqiq qilingan.

Kreativ o'qitish muammolari M.H.Quvvatova [2], A.Aripjanova [3], G.Ibragimova [4], Sh.Pozilova [5] va boshqa olimlar tomonidan o'rganilib, ilmiy- metodik asoslari ishlab chiqilgan.

Tadqiqotchi G.N.Ibragimovaning tadqiqot ishida kreativlik – shaxsning yaratuvchanlik, ijodkorlik xislatlarlari bilan bog‘liq ko‘nikmalar majmui bo‘lib, u o‘z ichiga muammolarga nisbatan yuqori darajadagi sezgirlik, intiutsiya, natijalarni oldindan ko‘ra bilish, fantaziya, tadqiqotchilik va refleksiyani qamrab oladi deb ta’kidlaydi [6].

A.A.Aripjanova esa kreativlikni rganish bo‘yicha pedagogik faoliyatning oziga xosliklari va yondashuvlarni inobatga olib, pedagog kadrlarning kreativ salohiyatini: faoliyatli, samarali, shaxsiy, muhitga doir, muammoli aspektlarda korib chiqish lozimligini aniqlagan.

Tadqiqotchi Sh.Pozilova oliy ta’lim muassasasi pedagog kadrlarini intellektual ijodkorligini rivojlantirish bilan birga ularning pedagogik faoliyatini kreativ olib borishda dizayn-fikrlash texnologiyasidan foydalanish ta’lim sifatini yanada oshirishga xizmat qilishini ta’kidlab o‘tkan. U tadqiqotida malaka oshirish jarayonlarida tinglovchining kreativligini rivojlantirish va innovatsiyalarni yaratishga yo‘naltirish, muammoli faoliyat turlarini tahlil qilish, muammolarni mustaqil anglash, o‘z imkoniyatlarini rivojlantirishga sarflash – kreativ o‘qitishning maqsadi hisoblanadi va aynan kreativ o‘qitishga bo‘lgan ehtiyojni talab qiladi deya ta’kidlaydi [8].

Tadqiqotchi M.Quvvatova oliy ta’lim muassasasi talabalarining kreativligini rivojlantirish imkoniyatlarini indvidual xususiyatlarni effektiv aniqlash va pedagogik jarayon dinamikligini ta’minlashga qaratilgan o‘z-o‘ziga motivatsiya berish, geshtalt psixologiyasi va inson, jamiyat atrof muhitga bog‘liq o‘zgaruvchi jarayonga bo‘lgan aqliy qobiliyatini nisbiy faoliyatga frontal moslashtirish asosida takomillashtirgan [9].

Tadqiqotchi K.Malikov talabalarning mustaqil va ijodiy fikrlash mahoratlarini quyidagi 3 ta darajaga ajratgan:

Talaba muammoni yechish, topshiriqlarni bajarish yo‘llarini o‘zi izlaydi, mustaqil fikrlab, mulohaza yuritadi. Talaba berilgan topshiriq yoki vazifani mustaqil bajaradi, ammo ijodiy yondasha olmaydi. Mustaqil holda topshiriqni bajarishda muammolarni hal etadi, ammo natija qanchalik darajada to‘g‘riligini kuzatmaydi. Berilgan topshiriq yoki muammoli masalaga o‘xshashlarini tuza oladi.

Tadqiqotchi B.Nazarova har bir talaba o‘z amaliy faoliyatida fikrlashning mazmun-mohiyati, rang-barangligi, ko‘p qirrali xususiyatlarini hisobga olib, ularga ongli ravishda amal qilishlari lozimligini isbotlagan [10].

Tadqiotchi G.Ibragimovaning fikricha, kreativlik bevosita shaxsning individual-psixologik xususiyatlari bilan bog‘liq jarayon hisoblanadi. Uning

rivojlanishi esa intellekt-intuitsiya-mantiqiy fikrlash jarayoni ta'sirida kechadi [11].

Kreativlik ma'lum tizimlarga asoslanadi va yangilik yaratishga xizmat qiladi. Kreativ jarayon o'zini o'zgaruvchan aqliy ketma-ketlik sifatida ifodalaydi va yangi g'oyalarning doimiy amalda qo'llanilishi bilan ularning baholanishi hamda qayta ishlanishini taqozo etadi. Asl, yangi, san'atga xos bo'lgan, arzirli yangi g'oyalar va mahsulotlar kreativlik natijasi ekanligini tadqiqotchilar isbotlab o'tgan [12].

Xorijiy til darslari o'tiladigan sinf xonasida darsni har xil ko'rinishdagi "o'yin, harakat, tajriba" kabi kreativ metodlar bilan ochib berish kerakligi ta'kidlangan [13].

Tadqiqotchi D.Murodova kreativlikning shakllanishida intellektual bilimning bir-biri bilan chambarchas bog'liqligini o'rgangan [14].

Tadqiqotchi X.Mamatova talabalarga kreativ yondashuv asosida ingliz tilini o'qitishning amaliy tatbiqi ularning faoliyatiga ikki xil yondashishni ko'rsatadi:

1. Guruh talabalari uchun umumiy yondashish.

2. Talabalarning ingliz tilini o'zlashtirgani darajasini hisobga olgan holda, yakkama-yakka, individual yondashish kerakligini ta'kidlagan. Shuningdek, kreativ dars metodlari o'rganuvchida mustaqil ravishda xorijiy tilda og'zaki va yozma tajriba-sinovlar o'tkazishni va ularni yanada rivojlantirish, o'zgartirish kabi holatlarni o'zlashtirishga imkon beradi. O'yin va tasavvurlarga boy bo'lgan topshiriqlar xorijiy tilni o'rganuvchilarni yanada faollashtiradi va tilni rivojlantirishga bo'lgan ishtiyoqlarini yanada oshirishga imkon tug'diradi. Kreativ metodlar darsni boyitadi va o'rganuvchilardagi kreativlik salohiyatini oshirishda o'z hissasini qo'shadi degan fikrlarni ilagri suradi [15].

Tadqiqotchi D.Maxmudovaning ta'kidlashicha, kompetensiyaviy yondashuv asosida talabalarning kreativ faoliyatini rivojlantirish jarayoni mutaxassisda kasbiy va kreativ kompetentlikni shakllantiradi [16]

Tadqiqotchi M.Tilakova kreativ qobiliyatning asosiy mezonlarini egiluvchanlik (aqliy tafakkur), tezkorlik (vaqt birligidagi g'oyalar soni), o'ziga xoslik (tafakkur, yangi g'oyalar), metafora (g'ayrioddiylik, g'aroyiblik), g'oya va tafsilotlarni idrok qilish, sezuvchanlik, qiziquvchanlik (hayratlanish qobiliyati, sinchkovlik, ochiqlik), aniqlik (aniq fikrlash qobiliyati), takomillashtirish, ijod mahsuliga tugallanganlikni baxsh etish, dadillik kabilarni tashkil qilib, ular zarur motivatsiya asosidagina rivojlanishini ta'kidlagan [17].

Bizningcha, ingliz tili darslari orqali kreativ qobiliyatni rivojlantirishga xos asosiy xususiyatlar qatoriga o'ziga xos intellekt, mustaqil bilim, dadillik, shaxsiy fikr; murakkab masala yechimini topishda egallangan erditsiya, bilim

va malakalarni hal etish; yaxlitlikda idrok etish; analiz-sintezlash qobiliyati; operativ uzatish; mavzuga doir mashqlarni turlicha idrok qilish, har xil vaziyatlarda o‘zini nazorat qilia bilish; taqqoslash, intuitsiyani ishga sola bilish; o‘zini namayon qilish; impravizator, taxmin qilish asosidagi tasavvur; boshlagan ishini yakuniga yetkazish, mavzuni takomilllashtirish; taqdim ettirish, tubdan o‘zgartirish va yangidan namoyon qila olishi zarurdir.

Bundan kelib chiqqan holda ingliz tili fanini o‘qitishda kompetentli ta’limni rivojlantirish g‘oyasi va uni pedagogik amaliyotga tatbiq etish asosida talabalarning umumiy tayyorgarlik sifatini oshirishga olib keluvchi maqsadlar belgilandi:

- talabalarning boshqa fanlardan olgan bilimlariga va hayotiy tajribalariga tayangan holda ingliz tili fanining eng muhim 4 ta ko‘nikmasini oshirish hamda ingliz tilidan tinglab tushinish, yozish, nutq, gapirish ko‘nikmalarini rivojlantirish;

- talabalarni hayotda sodir bo‘ladigan o‘zgarishlarning ma’lum qonuniyatlar asosida sodir bo‘lishini, ingliz tili matnlari asosida kreativ g‘oyalar tuzish, rasmlar orqali kundalik turmushda foydalana olish hamda ta’lim olishni davom ettirishlari uchun zarur bo‘lgan bilimlarni egallashi, ulardan kundalik hayotda foydalanishga o‘rgatish;

- ingliz tili darslari jarayonlari, hayotiy muammolarni tushuna olish. Kreativ yondashuv o‘quvchilarda tayanch va fanga oid umumiy kompetensiyalarni shakllantirish bilan bir qatorda faoliyat tajribalarini orttirish, yangi bilimlarni mustaqil tarzda izlab topishga tayyor bo‘lish, kerakli qarorlarni mustaqil qabul qilish va o‘z mas’ulligini anglab yetish kabi jihatlarni shakllantirishni ham taqozo etadi. Shuning uchun bilim mustahkam, ongli, operativ, moslashuvchan, chuqur va to‘liq bo‘lishi, ya’ni bilimlar sifat o‘zgarishiga oid bo‘lishi kerak bo‘ladi.

**Adabiyotlar:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni.

2. Quvvatova M.H. Oliy ta’lim muassasasi talabalarining kreativligini rivojlantirish. Pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – Toshkent, 2023, -B.6.

3. Арипжанова А.Р. Таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасалари педагогларининг креатив салоҳиятини ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. Т.: - 2017. 24 б.

4. Ибрагимова Г.И. Интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. –Т.: - 2017. – 24 б.

5. Позилова Ш. Олий таълим муассасаси ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида креатив ўқитиш методикаси. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019.

6. Ибрагимова Г.И. Интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. –Т.: - 2017. – 24 б.

7. Арипджанова А.Р. Таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасалари педагогларининг креатив салоҳиятини ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссер. автореф. Т.: - 2017. 24 б.

8. Позилова Ш. Олий таълим муассасаси ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида креатив ўқитиш методикаси. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019.

9. Quvvatova M.H. Oliy ta'lim muassasasi talabalarining kreativligini rivojlantirish. Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – Toshkent, 2023. –B.11.

10. Назарова Б.А. Бўлажак ўқитувчиларда креатив ёндашув асосида тадқиқотчилик лаёқатини тарбиялаш. Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. –B.13.

11. Ибрагимова Г.Н. Интерфаол ўқитиш методлари ва технологиялари асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2017. –B.10.

12. Dr. Frank-Hagen Hofmann, Psychosoziale Beratungsstelle, Heidelbergю (47p.)

13. Schmidt, Torben & Küppers_ Almut 2009. Inszenierungspotenziale im Englishunterricht. In: Praxis English Heft 5/2009, S.3

14. Мурадова Д. Педагогические основы развития креативного мышления учащихся в процессе обучения гуманитарным дисциплинам (7-8 классы). – Ташкент, 2016.

15. Маматова Х. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишнинг методикасини такомиллаштириш (мустақил таълим мисолида). Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Чирчик, 2021. –Б.14.

16. Махмудова Д. Муаммоли таълим технологиялари асосида талабаларнинг креатив фаолиятини ривожлантириш методикаси. Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Чирчиқ, 2022. –Б.14.

17. Тилакова М.А. VIII-IX синф ўқувчиларида синфдан ташқари машғулотларда креатив қобилиятларни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Чирчиқ, 2019. –Б.10.

**РЕЗЮМЕ**

Mazkur maqolada talabalarning ingliz tili darslari orqali kreativligini rivojlantirish, ta'lim jarayonini yangi texnologiyalar vositasida tashkil etish, xorijiy tajribalar asosida kadrlar tayyorlash jarayonlarini takomillashtirish, ta'lim-tarbiya samaradorligini ta'lim, fan va ishlab chiqarishning integratsiyalashuvi asosida rivojlantirish, o'qitish jarayoniga talabalarning ingliz tilidan kreativ qobiliyatlarini rivojlantirishga doir strateriyalar xususida so'z yuritiladi.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается развитие творческих способностей студентов посредством уроков английского языка, организация учебного процесса с помощью новых технологий, совершенствование процессов подготовки кадров на основе зарубежного опыта, развитие эффективности образования на основе интеграции образования, науки и производства, внедрения английского языка учащихся в учебный процесс, стратегии развития творческих способностей.

**SUMMARY**

This article discusses the development of students' creative abilities through English lessons, the organization of the educational process with the help of new technologies, the improvement of personnel training processes based on foreign experience, the development of educational effectiveness based on the integration of education, science and production, the introduction of students' English language into the educational process, strategies for developing creative abilities.

# БЎЛАЖАК ОНА ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

***Каримов Р.Р.***
*Чирчиқ давлат педагогика университети ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** хусусият, ҳолат, самарадорлик, компетентлик, билим, кўникма, тажриба, тайёргарлик, қонуният, маҳорат, имконият.

**Ключевые слова:** черта, состояние, эффективность, компетентность, знание, умение, опыт, подготовка, легитимность, умение, возможность.

**Key words:** trait, state, effectiveness, competence, knowledge, skill, experience, training, legitimacy, ability, opportunity.

Турли ихтисосликдаги ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги муаммоси педагогик таълимдаги энг муҳим масалалардан биридир. Мамлакатимизда таълим сифатини ошириш, таълим-тарбия ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш зарурлиги ҳамда мактаб ўқувчиларини ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлашни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу масалалар ечимини топишда ўқитувчининг муҳим роли ҳисобга олиниб, олий таълим муассасаларида ўқиш даврида уларнинг касбий компетентлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз педагог-олимларидан Р.Исянов [3], Н.Муслимов, М.Усмонбоева, М.Мирсолиева [5] ва бошқалар бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг турли жиҳатларини тадқиқ қилганлар.

Бўлажак она тили ўқитувчиларида ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш уларнинг касбий тайёргарлик ва тажриба, ўзини-ўзи англаш, ўз кучига ишониш, ўзга инсонлар томонидан кўрсатилган камчиликларни тўғри қабул қилиш ва бошқа касбий камолотни белгилаб берувчи шахс хусусиятларини ўз ичига олади.

Ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш тушунчаси ҳозирда жуда кенг қўлланилмоқда. У қуйидагилардан иборат:

- жамиятда фаолият юрита олиш, жамият муаммоларини билиш, унинг фаолият механизмини тушуниш қобилияти;
- ижтимоий фаол фаолият ва ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш кўникмаси;
- шахснинг жамиятда ижтимоий мослашиш қобилияти, ижтимоий ҳаёт қоидалари, меъёрлари, қонунларини қабул қилиш ва шу билан бирга - ўзини ноёб шахс сифатида англаш, ўзи ва жамият учун мақбул танлов қилиш, қадриятлар тизимини шакллантириш қобилияти;
- жамиятда фаолият юритиш, масъулиятни ўз зиммасига олиш ва ижтимоий институтларнинг фаолияти ва ривожланишида биргаликда қарорлар қабул қилишда иштирок этиш қобилияти [6].

Ижтимоий-педагогик компетентлик тушунчаси билан бир қаторда ижтимоий-психологик компетенция ва ижтимоий коммуникатив компетенция тушунчалари қўлланилади. Бундан ташқари, ушбу атамаларнинг ишлатилиши кўпинча бир хил семантик маънода учрайди.

Бундай ҳолда, ижтимоий-педагогик компетентлик қуйидагича талқин қилинади:

- ишбилармонлик ва шахслараро муносабатлар тизимида бўйсунувчилар билан ўзаро муносабатларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда самарали ҳамкорликни ташкил этиш қобилияти (А.В.Петровский, М.Г.Ярошевский);
- тузилиши, мазмуни ва сифат белгиларининг ўзига хослиги билан ажралиб турадиган мураккаб шаклланиш (А.А.Бодалев);
- жамият, сиёсат, иқтисод, муайян жамоалар, мулоқот услуби, маданият ва бошқалар ҳақидаги махсус билимлар мажмуаси (яъни, бир пайтлар дунёқараш деб аталган);
- шахсга ҳар қандай ижтимоий вазиятда ҳаракат қилиш, тўғри қарор қабул қилиш ва мақсадга эришиш имконини берадиган ижтимоий идрок этиш қобилияти.

Бўлажак она тили ўқитувчиларининг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришда халқ оғзаки ижодида, мақолларда, маталларда, урф-одатларда, турмуш тарзида, кузатишларда бу компетентликнинг миллат, жамоа менталитетида белгилар шаклида ўз ифодасини топганлигини таъкидлаш зарур. Кундалик ижтимоий-педагогик компетентлик оилада, кундалик ҳаётда, хизмат кўрсатиш соҳасида, ижтимоий ва миллий муносабатларда намоён бўлади.

Бўлажак она тили ўқитувчиларида ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш қуйидаги омиллар билан белгиланади:

- шахснинг индивидуал хусусиятлари (интроверт ёки экстроверт тип, аутистик ёки аутистик бўлмаган шахс типи);

- шахснинг психологик ҳолати ва тузилиши;
- ижтимоийлашув самарадорлиги;
- маданий асослар ва шахснинг маданий фарқлари;
- шахснинг махсус ижтимоий-психологик тайёргарлиги.

Бўлажак она тили ўқитувчиларининг ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришда уларнинг касбий билим, кўникма, ўз-ўзини билиш тажрибаси, болаларнинг хулқ-атвор хусусиятлари ва ҳиссий ҳолати тўғрисидаги билимларнинг уйғунлигини эътиборга олиш муҳим. Шунингдек, уларни ижтимоий-сиёсий, лингвистик ва касбий-педагогик жиҳатдан тайёрлаш зарур.

Ўқитувчининг касбий-педагогик тайёргарлигининг муҳим элементи унинг методик билимидир, чунки унинг ишининг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқув жараёнини ташкил этиш, ўзлаштиришнинг психологик қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда ишлашнинг мақбул усуллари ва методларини танлаш қобилиятига боғлиқ. Педагогика, психология, замонавий она тили ва уни ўқитиш методикаси дарсларида зарур касбий педагогик маҳорат ва ўқитувчилик маҳорати шаклланади ва ўқув амалиёти жараёнида мустаҳкамланади. Ўқув жараёнининг барча қисмлари ўқитишдаги касбий йўналишни ҳисобга олган ҳолда тузилиши керак. Филология факультетлари ўқув режасига киритилган она тили фанларини ўқитишнинг касбий маҳоратини оширишга хизмат қиладиган энг муҳим талаб мактаб дастурларини ҳисобга олган ҳолда тузилган ўқув машғулотларини ташкил этиш бўлиб, у педагогика олий ўқув таълим муассасалари олдига қўйилган муаммони ҳал қилиш жараёнида ўқув имкониятларидан самаралироқ фойдаланиш имконини беради.

Бўлажак она тили ўқитувчиларида ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш зарурати она тили курсини ўқитишда асосан назарий материални ўзлаштириш ва таҳлил қилишга қаратилганлик, унинг мактабда амалий қўлланилишига етарлича эътибор бермаслигидан келиб чиқади. Мустақил иш жараёнида талабаларнинг ўқув фаолиятининг асосий турлари ихтисослаштирилган адабиётларни ўқиш ва умумлаштириш ҳамда дарсда ўқиганларини такрорлаш билан чекланиб қолмоқда.

Она тилини ўқитиш методикаси бўйича амалий машғулотларда талабалар мактаб дастурлари ва дарсликларининг тузилиши билан танишадилар, дарснинг баъзи жиҳатларини ишлаб чиқадилар, мактаб курсининг турли грамматик мавзулари бўйича схематик дарс ишланмаларини ўқитувчи таклиф қилган моделга мувофиқ тузадилар, мактаб ўқитувчиларининг дарсларида қатнашадилар ва бошқа турдаги ишларни бажарадилар. Бундай дарслар, албатта, талабаларда лингвистик материални таҳлил қилиш бўйича зарур кўникмаларни ва шаблон ёрдамида дарс режасини тузишда баъзи услубий кўникмаларни шакллантириш учун маълум амалий аҳамиятга эга. Бироқ, бу бошқа асосий

фанлар ўртасидаги алоқадорликни таъминламайди ва миллий мактабларда она тили ўқитувчиларини янада самарали тайёрлашга тўсқинлик қилмоқда.

Кейинги йилларда асосий фанлар бўйича назарий ва амалий машғулотларнинг касбий йўналиши масаласи қайта-қайта кўтарилиб келинмоқда, лекин, афсуски, бу масала ҳали услубий адабиётларда етарлича ёритилмаган. Бўлажак она тили ўқитувчиларида ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш учун танланган мутахассисликка мос келадиган таълим жараёни зарур. Бўлажак ўқитувчиларнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини ошириш коммуникатив, фаол, интерактив ва ижтимоий характерга эга бўлиши керак. Бундай ижтимоий-таълим жараёни бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан, таълим жараёнида унинг барча субъектларининг фаол фаолияти билан боғлиқ қоидалар бажарилиши керак. Бу дарслар давомида тадқиқот позициясини шакллантириш ва ривожлантиришга, ҳар бир иштирокчини интерактив фаолиятга ва фаол ўзаро таъсирга жалб қилишга ёрдам берадиган шароитларни яратишга имкон беради.

Таълим ҳолати ва ҳақиқий касбий тажриба билан боғлиқ вазият муҳим ҳисобланади. Бундай ҳолда, таълим жараёнининг ҳиссий жиҳатдан бой муҳитини моделлаштириш учун махсус усул ва методларидан фойдаланилади. Бу тегишли касбий билимларни шакллантиришга ва ўқитувчилик фаолиятининг хусусиятларини тушунишга ёрдам беради.

Ижтимоий ривожланиш механизмларини кўпайтириш, алоқа соҳаларини, ижтимоийлаштириш институтлари ва воситаларини кенгайтириш бўлажак ўқитувчининг ҳар томонлама ривожланишини фаоллаштиради, таълим фаолияти доирасида чекланиб қолмасдан, бўш вақтни ўтказиш, оммавий тадбирларда қатнашиш ва бошқа турли хил синфдан ташқари, маданий ва ижтимоий тадбирларни режалаштиришга имкон беради.

Ўзаро ривожланиш муҳим бўлиб, бу ўзаро когнитив фаолиятни назарда тутади. Бу биргаликда ижодий фаолият билан ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берадиган тегишли шакллар, техникалар, технологиялар ва ўқитиш методларидан фойдаланишни англатади. Натижада, педагогик жараённинг иккала иштирокчиси - ўқитувчи ва талаба - маълумот ва тажриба билан бойитилади.

Таълим жараёнида индивидуал ёндашувдан фойдаланиш алоҳида эътиборни талаб қилади. Бу ўрганилаётган фанлар мазмунининг ҳамда ўқитувчи ва талаба ўртасидаги шахслараро мулоқот даражасининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тузатишларни ўз ичига олади. Ушбу ёндашув педагогик жараённинг барча иштирокчилари ўртасида мазмунли шахслараро мулоқотни таъминлайди, ўзаро ҳурмат ва турли фикрларни қабул қилишни шакллантиришга ёрдам беради.

Шундай қилиб, бўлажак она тили ўқитувчиларида ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш учун ижтимоий тажрибани ўқув жараёнига интеграциялаш ва унинг самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, талабаларнинг шаклланаётган компетенциялари кўламини кенгайтириш ва унинг барча иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш зарур бўлади.

**Адабиётлар:**

1. Зимняя И.А. Ключевые компетентности как результативно-целевая основа компетентностного подхода в образовании. М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2004. 40 с.

2. Иванов Д.А., Митрофанов К.Г., Соколова О.В. Компетентностный подход в образовании. Проблемы, понятия, инструментарий: учебно-методическое пособие. М.: АПК и ПРО, 2003. 101 с.

3. Исянов Р.Г. Кластерный подход к формировании компетентности преподавателей высших образовательных учреждений.-Т.: ТГПУ, 2014.-69 с.

4. Курбанов Ш.Э., Сейтхалилов Э.А. Управление качеством образования.- Т.: Шарк, 2004.-592 с.

5. Муслимов Н.А., Усмонбоева М., Мирсолиева М. "Инно-вацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик" модули буйича укув-услубий мажмуа. - Т: 2016. -147 б.

6. Растянников А. В., Степанов С. Ю., Ушаков Д. В. Рефлексивное развитие компетентности в совместном творчестве. М., 2002.

**РЕЗЮМЕ**

Бугунги кунда ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш тушунчаси ҳозирда жуда кенг қўлланилмоқда. У жамиятда фаолият юрита олиш, жамият муаммоларини билиш, унинг фаолият механизмини тушуниш қобилияти, ижтимоий фаол фаолият ва ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш кўникмаси, шахснинг жамиятда ижтимоий мослашиш қобилияти, ижтимоий ҳаёт қоидалари, меъёрлари, қонунларини қабул қилиш ва шу билан бирга - ўзини ноёб шахс сифатида англаш, ўзи ва жамият учун мақбул танлов қилиш, қадриятлар тизимини шакллантириш қобилияти ва бошқаларни ўз ичига олади.

Мақолада бўлажак она тили ўқитувчиларида ижтимоий-педагогик компетентликни ривожлантириш масалалари ёритиб берилган.

**РЕЗЮМЕ**

Сегодня широко используется концепция развития социально-педагогической компетентности. Это способность функционировать в обществе, знать проблемы общества, способность понимать механизм его деятельности, способность осуществлять социально активную деятельность и социально ориентированные проекты, способность человека социально адаптироваться в обществе, принимать правила, нормы и законы общественной жизни и в то же время - быть уникальной личностью включает в себя способность воспринимать себя, делать приемлемый для себя и общества выбор, формировать систему ценностей и т. д.

В статье освещаются вопросы развития социально-педагогической компетентности будущих учителей родного языка.

**SUMMARY**

Today, the concept of developing socio-pedagogical competence is widely used. This is the ability to function in society, to know the problems of society, the ability to understand the mechanism of its activities, the ability to carry out socially active activities and socially oriented projects, the ability of a person to adapt socially in society, to accept the rules, norms and laws of social life and at the same time to be a unique individual. includes the ability to perceive oneself, make choices acceptable to oneself and society, form a value system, etc.

The article highlights the issues of developing the socio-pedagogical competence of future teachers of their native language.

# БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

***Каримов Р.Р.***
*Чирчиқ давлат педагогика университути ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** ёндашув, компетентлик, фаолият, яхлит, маҳсулдор, тажриба.
**Ключевые слова:** подход, компетентность, деятельность, целостный, продуктивный, опыт.
**Key words:** approach, competence, activity, holistic, productive, experience.

Компетентлик талаба томонидан алоҳида билим ва малакаларни эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутади.

Битирувчиларнинг касбий тайёргарлиги даражасига қўйилувчи талаблар нуқтаи назаридан компетентлик талабаларнинг муайян вазиятларда билим, малака ва фаолият усуллари тўпламини мақсадга мувофиқ қўллаш қобилиятини англатади [6].

Компетентлик талабанинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга касбий фаолиятни амалга оширилиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ҳамда уларни касбий фаолиятда қўллай олиниши билан ифодаланади. Мазкур ўринда «компетентлик» тушунчасининг моҳияти ҳам тўла очилади, у икки кўринишда: талабаларнинг шахсий сифатлари тўплами ва касбий соҳанинг таянч талаблари сифатида намоён бўлади.

Шахснинг қадриятлар тизими - бу устуворликларнинг универсал тузилмаси, у ҳаётий йўналишларни ва шахс фаолиятининг исталган натижасини белгилайди, шахснинг фикрлари ва ҳаракатларини шакллантиради. Шунинг учун ижтимоий-педагогик компетентлик кўрсаткичи бўлажак ўқитувчи шахсининг ўзагини ташкил қилади, қобилият ва кўникмаларни ривожлантиришга, шунингдек, ўз олдидаги бурчни амалга оширишга ёр-

дам беради ва келажакдаги ҳаётий фаолиятни лойиҳалаш имкониятини беради. Ушбу кўрсаткични амалга ошириш ўқитувчига ўз ишини, шахсий касбий позициясини топишга, тушунишни ривожлантиришга, ўқитувчилик фаолиятининг маъносини ва ундаги ролини тушунишга имкон беради. Бўлажак ўқитувчиларни ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш ўз касбий даражасини ошириш ва ўқувчилар билан ишлашда юқори натижаларга эришишга олиб келади.

Бундан келиб чиқиб, бўлажак ўқитувчиларни ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг уч босқичини шартли равишда ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

Биринчи босқич ўз қадрият йўналишлари ва дунёқарашини билиш, шунингдек, ўқитувчининг касбий фаолият соҳасидаги асосий билимларни ўзлаштиришдан иборат. Бу босқич, асосан, ижтимоий-педагогик амалиёт жараёнида билим ва малакаларни эгаллашни ифодаловчи гносеологик компонент билан тавсифланади.

Иккинчи босқич ўзлаштирилган кўникма ва малакаларни амалга ошириш, шунингдек, ўқитишнинг амалий тажрибасини ўзлаштиришни ўз ичига олади. Бу индивидуал тажрибани тўплаш, танланган мутахассислик бўйича муносабатларни ривожлантириш, шахсий эътиқод ва меъёрларни, мазмун ва маънолар тизимини шакллантириш билан боғлиқ.

Учинчи босқични амалга ошириш энг кўп қизиқтирадиган соҳалар бўйича чуқур билим олишга ва ижтимоий-педагогик ижодкорликни намойиш этишга қаратилган.

Якуний босқичда ўқитувчи аллақачон етук мутахассис бўлиб, ўз-ўзини такомиллаштиришни давом эттиради: амалий фаолиятда самарали эканлиги исботланган усул ва ёндашувлардан фойдаланади; энг қизиқарли педагогик жараён ва ҳодисаларнинг тадқиқотчиси вазифасини бажаради.

Бўлажак ўқитувчиларни ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришнинг юқоридаги босқичларини муваффақиятли якунлаши учун танланган мутахассисликка мос келадиган таълим жараёни зарур. Бу жараён коммуникатив, фаолиятли, интерфаол ва ижтимоий характерга эга бўлиши керак. Бундай ижтимоий-педагогик таълим жараёни бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга.

Шундай қилиб, компетентлик бу:

– шахсий, яхлит, интегратив, шахс ривожланишининг маълум даражасига асосланган шакллантириладиган сифатдир;

– бу сифат шахс учун унинг аҳамиятини инобатга олган ҳолда муваффақиятли (маҳсулдор, самарали) ўқитиш фаолиятига тайёрликда намоён бўлади.

Компетентлик асослари қуйидагилардан иборат:

– ўзини ўзи амалга оширишга ёрдам берадиган универсал билимлар тизими (когнитив компонент);
– интеллектуал ва шахсан аниқланган фаолият тажрибаси (оператив-фаолият компоненти);
– самарали ташқи ва ички ўзаро таъсир (ижтимоий-хулқ-атвор компоненти);
– қадриятлар ва маънолар, шахсий хусусиятлар (мотивацион-қиймат компоненти).

Бўлажак ўқитувчиларни ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантиришда ижтимоий-педагогик фаолият мазмуни ҳам муҳим аҳамиятга эга. У ўзининг ижтимоий муҳити (яшаш жойи) билан боғлиқ ҳолда ўзининг объекти сифатида маълум бир шахсга эга, унинг предмети - шахсни тўлиқ ижтимоийлаштиришга ёрдам берадиган аниқ ижтимоий-педагогик мақсадларга эришиш, унинг ижтимоий муҳит билан мақсадли ўзаро муносабати ҳисобланади. Унинг мақсади - бу ўзаро таъсирни, муносабатларнинг бутун мажмуини уйғунлаштириш, инсоннинг ўзини тўлиқ англаши ва унинг реал муҳит шароитида шахс сифатида ривожланишига имкон беради [7].

Бундай уйғунлаштириш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

а) ижтимоий муҳитни унда яшовчи шахс ёки гуруҳни ижтимоийлаштириш, қайта ижтимоийлаштириш манфаатларини кўзлаб мақсадли педагогиклаштириш;

б) унинг эҳтиёжлари, имкониятлари, манфаатларини ҳисобга олган ҳолда шахснинг ўзига таъсир қилиш (ўзаро таъсир қилиш).

в) атроф-муҳитни педагогиклаштириш ва инсонга ўзини ўзи англаш учун энг мақбул шароитларни яратиш манфаатларига таъсир қилиш.

Мутахассисларнинг фикрича, ижтимоий педагогика амалиёт сифатида қуйидаги функцияларни амалга оширади [2]:

- диагностик – жамиятнинг ижтимоий-педагогик омилларини, унда содир бўлаётган жараёнларни, яшаш шароитларини; унинг ижтимоий ифодаланган хусусиятлари даражасини баҳолаш;
- прогнозтик - атроф-муҳитдаги ижтимоий жараёнларнинг боришини ижтимоий-педагогик прогнозлаш; унда шахснинг намоён бўлиши,

унинг индивидуаллиги, шунингдек уларга (атроф-муҳит ва шахс) мақсадга мувофиқ таъсир қилиш имкониятлари;

- тарбиявий – шахсни унинг қизиқишлари, хоҳиш-истаклари, индивидуал имкониятлари ва экологик эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мутахассис сифатида тайёрлаш (қайта тайёрлаш);
- адаптив – шахсни атроф-муҳитга унинг индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда мослашиши;
- тузатувчи – шахснинг индивидуаллигини ва атроф-муҳитнинг ижтимоий-психологик эҳтиёжларини ҳисобга олиш;
- сафарбар қилиш – шахсни умумий фаолиятга (унинг барча турларида) киритиш; маълум бир жамият аъзоси сифатида унинг индивидуал имкониятларини ҳаёт учун, ўзини ўзи англаш учун фаоллаштириш;
- назорат - ижтимоий хулқ-атворни баҳолаш ва назорат қилиш, ўзини ижобий ифода этишни рағбатлантириш, унинг атроф-муҳит, маълумот гуруҳи томонидан шахсга таъсир қиладиган салбий ижтимоий ҳаракатларнинг олдини олиш;
- реабилитация - стрессни бартараф этиш, дам олиш, маънавий ва жисмоний кучни тиклаш, ижобий ҳис-туйғуларни тўплаш ва бошқалар;
- профилактик (ҳимоя-профилактика) – шахсни атроф-муҳитдан унинг тажовузкор кўринишларида ҳимоя қилиш (ва аксинча).

Юқоридаги функциялар биргаликда ижтимоий педагогиканинг ижтимоий-ўзгартириш функциялари гуруҳига бирлаштирилади.

Шундай қилиб, бўлажак ўқитувчиларни ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш умумий педагогика (тарбия ва ўқитиш) усуллари - ишонтириш, ўргатиш, рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш ва бошқалар билан амалга оширилади, бу эса ижтимоий педагогикадаги умумий педагогик функцияларнинг аксидир.

Махсус тадқиқотлар ва амалиётлар ижтимоий-педагогик фаолиятнинг қўлланилиш доираси, мақсад ва ечилиши лозим бўлган вазифаларга қараб турли технологиялар ёрдамида амалга оширилишини кўрсатмоқда. Ижтимоий-педагогик технология деганда маълум бир ижтимоий-педагогик мақсадга эришишнинг оптимал вариантини таъминлайдиган муайян объектга нисбатан ижтимоий ўқитувчи фаолиятининг умумий мажмуи ва кетма-кетлиги тушунилади. Ҳар бир соҳада у ижтимоий-педагогик фаолиятнинг предмет соҳасига мувофиқ кўрсатилади, аниқланади ва мазмун билан тўлдирилади.

**Адабиётлар:**

1. Василькова Ю.В., Василькова Т.А. Социальная педагогика. М.: Академический проект, 2001. 327 с.

2. Зимняя И.А. Ключевые компетенции – новая парадигма результата образования. – Высшее образование сегодня. – 2003. - №5.-.С. 34–42.

3. Зимняя И.А. Ключевые компетентности как результативно-целевая основа компетентностного подхода в образовании. М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2004. 40 с.

4. Иванов Д.А., Митрофанов К.Г., Соколова О.В. Компетентностный подход в образовании. Проблемы, понятия, инструментарий: учебно-методическое пособие. М.: АПК и ПРО, 2003. 101 с.

5. Каримова В.М. Ижтимоий психология / Дарслик. Педагогика олийгоҳлари талабалари учун. – Тошкент: “ Fan van texnologiyalar”, 2007. – 176 б.

6. Муслимов Н.А., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси / Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриѐти, 2013.

7. Садовничий В. Роль образования и науки при переходе к устойчивому развитию. Alma mater. – 2002. – №2. – С. 9-14.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларни ижтимоий-педагогик компетентлигини ривожлантириш имкониятлари ёритиб берилган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье освещаются возможности развития социально-педагогической компетентности будущих учителей.

**SUMMARY**

This article highlights the possibilities for developing the socio-pedagogical competence of future teachers.

# ЗАМОНАВИЙ ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎРГАТИШДА КЎРГАЗМАЛИЛИК ТАМОЙИЛИ

***Шахалдарова Г.С.***
*Ўзбекистон Миллий Университети Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Таянч сўзлар:** кўргазмалилик; визуал; аудиовизуал; аудиолингвал; системалилик; онглилик; пухталик; вербал; новербал; изчиллик.

**Ключевые слова:** наглядность; визуальный; аудиовизуальный; аудиолингвальный; систематичность; сознательность; прочность; вербальный; невербальный; последовательность.

**Key words:** visuality; visual; audiovisual; audiolingual; systemness; consciousness; substantiality; verbal; non-verbal; consequancy.

Чет тилини ўқитиш кўп қиррали жараён бўлиб, уни ташкил этиш, самарадорлигини ошириш қатор қонуниятларга, дидактик принципларга амал қилишга боғлиқ. Дидактика - таълимнинг илмий-назарий, услубий асосларини, принцип, метод ва воситаларини чуқур ўрганувчи фан сифатида чет тилини ўқитиш методикасининг педагогик асосини ташкил этади. Мазкур иш чет тилини ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва дастурий ҳужжатларда белгилаб қўйилган "коммуникатив компетенцияни шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш"дек мақсадга эришишда дидактик қонун-қоидалар, бу борадаги муаммоларни тадқиқ этишга бағишланган. Педагогикада дидактика таълим мақсади, мазмун-моҳияти, методлари, воситаларини белгилаб берувчи талаблар, қонуниятлар ва принципларни синчиклаб ўрганадиган фандир. Дидактик принциплар илк бор Я. А. Коменский томонидан (1592–1670) "Буюк дидактика" асарида ишлаб чиқилган. Замонавий педагогиканинг дидактика қисмида принциплар турли фанлар таркибида ўрганилган бўлса-да, методология фани ривожида амалиётда татбиқ этишда қатор камчиликлар мавжуд. Бунинг натижасида таълим сифати ва самарадорлиги талаб даражасидан паст эканлиги кўзга ташланмоқда. Чет тилини ўқитишда ҳам дидактик принциплар амал

қилиниши шарт бўлган таълим қонун-қоидаларини, талабларини ўз ичига олади. Дидактик принциплар бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда амал қилади ва таълим мақсади, мазмуни, методлари, воситаларини аниқлаб олишда ҳамда яратишда, таълим жараёнини ташкил этишда, ўтказишда пойдевор сифатида хизмат қилади. Турли фанларни ўқитишда неча асрлар давомида синовдан ўтган, дидактикада мустаҳкам ўрин олган принциплар тизими яратилган. Улар турлича номланиб талқин этилган бўлса-да, ҳозирги замон педагогикасида кенг татбиқ этилмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир дидактик принцип турли ўқув предмети таълимида турлича, ўзига хос равишда татбиқ этилишини кузатиш мумкин. Хусусан, чет тилини ўқитишда амал қилиниши зарур бўлган таянч дидактик принциплар қай даражада, қандай қўлланилаётганини аниқлаб олиш учун, аввало, уларнинг умумий педагогик илмий-назарий талқинини ўрганиб чиқиш лозим. Мавзуга оид илмий манбалар, диссертация ва бошқа адабиётларда қуйидаги асосий таянч принципларга алоҳида аҳамият қаратилган (Розиқов О., Зуннунов А., Маҳкамов У., Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш., Краевский В. ва бошқалар).

Принцип (тамойил) термини умумпедагогик манбаларда қонунқоидалар, талаблар сифатида таърифланади. Чет тилларни ўқитишда дидактик принциплар татбиғини таҳлил этиш учун уларнинг мазмун-моҳиятига тўхтаб ўтиш лозим. Дидактика назарияси ва амалиётида кенг оммалашган таърифларни келтириш мумкин. Педагогик энциклопедияда берилган таърифга кўра, дидактик принциплар-ўқув-тарбия жараёнини ташкиллаштириш, унинг мазмунини танлаш ҳамда ўқувчи талабаларнинг ақлий, бадиий, ижодий, ахлоқий, жисмоний фаолиятларини ташкил этишда таяниладиган қонуниятлардир. Дидактик принципларнинг ҳар томонлама аниқ ифодаланишида педагогика илмларнинг тараққиёт даражасини ойдинлаштиришда унга ёрдам беради. Жаҳон дидактикаси назарияси ва амалиётида тан олинган, ҳар томонлама асослаб берилган, турли фанларни ўқитишда ўзига хос равишда татбиқ этилиши шарт бўлган бир қанча дидактик принципларни санаб ўтиш мумкин:

- Таълим-тарбия бирлиги;
- онглилик, фаоллик;
- тизимлилик, изчиллик;
- пухталик, тушунарлилик;
- узвийлик, узлуксизлик;
- назария, амалиёт бирлиги;
- кўргазмалилик;

■ индивидуаллик ва бошқалар.

Мазкур принциплар бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқликда амал қилади, айтайлик, тизимлилик принципи изчиллик, узвийлик, тушунарлилик кабиларни ўз ичига қамраб олади, илмийлик эса назария ва амалиёт бирлигига асосланади, дейиш мумкин.

Онглилик ва фаоллик принципи - дидактикада билим олишга интилиш, иштиёқ билан фаолият юритиш, мустақил фикрлаш, хулосалар чиқаришни ўрганишга онгли ёндашувни тақозо этиш деб таърифланади.

Тизимлилик ва изчиллик принципи-тартибга солинганлик, давомийлик, боғлиқлик, узлуксизлик. Узвийлик тартибий кетма-кетликни, фанларнинг ўзаро интеграллашувини таъминлашни ифодалайди.

Таълим ва тарбия бирлиги принципи-(тарбиявий таълим) таълим, тарбия яхлитлигини, ажралмаслигини ифодалаган ҳолда турли фанларни ўргатиш жараёнида ёш авлодни ҳар томонлама камолга етказиш, яъни ақлий, ахлоқий, жисмоний, эстетик, экологик, ҳуқуқий, иқтисодий, меҳнат ва бошқа тарбия турларини таълим билан узвий равишда олиб боришни назарда тутади, жумладан: - ақлий тарбия: ёш авлодни билимли, ақлли, онгли, фаҳм-фаросатли, диққат-эътиборли, хотираси мустаҳкам этиб тарбиялаш;-ахлоқий тарбия: одоб-аҳлоқ, хулқ, адолат, яхшилик, инсоф, диёнат, шарм-ҳаё, эътиқод, меҳрибонлик, ватанпарварлик каби категорияларни ўз ичига олади; -меҳнат тарбияси: фаоллик, ишчанлик, ғайрат, шижоат, тадбиркорлик, ишбилармонлик, уддабуронлик каби хислатлардан иборат; - эстетик тарбия: гўзаллик, озодалик, орасталик, саранжомсаришталик, одоблилик ва бошқа категорияларни қамраб олади.

Ушбу тарбия турлари қаторига маданий-маърифий тарбияни ҳам қўшиш мумкин. Маданий-маърифий тарбия кенг қамровли тушунча бўлиб барча тарбия турлари компонентларидан ташкил топади, чунки чет тили таълими жараёнида ўқувчи тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти, урф-одатлари, маросимлари, эътиқоди, тарихи, санъати, адабиёти, давлат тизими ва бошқалар ҳақида лингвомаданий, ижтимоий-маданий, прагматик, дискурс стратегик компетенциялардан ташкил топган коммуникатив компетенцияни эгаллайди, шу билан бир вақтда ўз она Ватани, тили, маданияти, урф-одатлари, маросимларига чексиз ҳурмат, садоқат, муҳаббат руҳида тарбияланади. Мавзуга оид илмий педагогик, методик адабиётларни ўрганиш шундан далолат берадики, дидактик принципларнинг чет тилини ўқитишда қўлланилиши турли даврларда турлича талқин этилган. Ўтган XX аср методикасида Л. В. Шчерба, И. В. Раҳмонов, В. Д. Аракин, Э. П. Шубин, П. Б. Гурвич, А. П. Старков, А. А. Миролюбов, М. В.

Ляховицкий, И. М. Берман, В. С. Цетлин, В. В. Краевский, Г. В. Рогова, Ж. Ричардс, Т. Рожерс, Ч. Фриз, Р. Ладо, А. П. Ховат, Ж. Уидовсан каби бир қанча чет эллик олимлар таълим принциплари ҳақида ўз қарашларини баён этганлар.

“Кўргазмалилик - таълимнинг олий шартидир” деган эди И. Г. Песталоцци. Дидактик таржима принциплари “тўғри”, “онгли-қиёсий”, “коммуникатив” методлар асосида чет тилини ўқитиш мақсади, мазмуни ва воситаларига мос равишда татбиқ этилгани кўрсатиб ўтилган, лекин дидактик принципларнинг чет тили таълимига қай даражада сингдирилганлиги тадқиқот даражасида ўрганилмаган. Бугунги кунда ҳам ушбу масала чет тилини ўқитиш назарияси ва амалиётида чуқур тадқиқ этилмаган муаммолардан биридир.

Замонавий таълим ислоҳотлари даврида, айниқса чет тилларни ўқитиш тизимини қайтадан такомиллаштириш, ўқув-услубий таъминотини янада яхшилаш, ахборот-комуникацион (АКТ) ва таълим (ТТ) технологияларидан самарали фойдаланиш имкониятлари кенгайиб бораётган бир вақтда таълимтарбиянинг назарий асослари (устунлари) қонуниятлар, талаблар йиғиндиси ҳисобланган умумпедагогик, дидактик, психологик, методик принциплар мазмун-моҳиятларининг чет тили таълимига татбиғини такомиллаштириш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Республикамиз узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида бир ёки ундан ортиқ чет тилларни ўқитиш жараёнида юқорида санаб ўтилган дидактик принциплар ўзига хос ва мос равишда татбиқ этилиши зарурдир. Бу борада республикамиз олимларининг ишларида билдирилган фикр-мулоҳазаларни келтириб ўтиш мумкин. Профессор Ж. Жалолов ўзининг “Chet til o’qitish metodikasi” дарслигида россиялик методистлар фикрларини умумлаштирган ҳолда: тарбиявий таълим, онглилик, фаоллик, кўргазмалилик, системалилик, (изчиллик), индивидуал ёндашиш, (билимларни) пухта ўзлаштириш, ўқувчи имкониятларига мослик каби дидактик принципларнинг чет тилини ўқитишда татбиқ этилиши ҳақида айтиб ўтади. Л. К. Илиева номзодлик диссертациясида немис тили таълимида изчиллик принципининг татбиқ этилиши хусусиятларини тадқиқ этган. Асосий эътиборни грамматик материалларни танлаш, таснифлаш, тақсимлаш маъноларни тушунтиришда изчилликка қатъий риоя қилган ҳолда иш олиб боришни тавсия этган. Чет тилларни ўқитишнинг асосий таянч принципларидан бири бўлган кўргазмалиликни чет тили таълимида қўллашнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Кўргазмалилик принципи ўқитиш жараёнида ўқувчининг сезгиларига таъсир этиш воситалари ёрдамида тасаввур, билим, малакалар ҳосил қилишни назарда тутади. Кўргазмалилик деганда, одатда, фақат кўришга мўлжалланган воситалардан фойдаланиш тушунилади. Тарихий методларда ҳам шундай ёндашувни кузатиш мумкин. Я. А. Коменский ўз асарларида мазкур принцип мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратиб, кўргазмалилик нафақат кўриш, балки бошқа сезги аъзоларига ҳам таллуқли эканини ёритиб берган ва уни таълимнинг "олтин қоидаси" деб таърифлайди. Кўргазмалилик принципи таълим бериш жараёни барча босқичларида қўлланилади. Кўргазма воситаларидан фойдаланиш талабларидан бири бу - дидактик ва тарбиявий омилларни амалда жорий этишдир. Кўргазмалилик принципи энг юқори ўзлаштириш кўрсатгичга эга бўлганлиги сабабли, кўргазма воситалари орқали дарс олиб бориш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Олимлар ўтказган тадқиқотларига кўра, ўқувчиларнинг маълумотларни кўргазмалар асосида қабул қилиш ва ўзлаштириш даражаси жуда юқори эканлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизими барча босқичларида чет тилларни ўқитишнинг кўргазмалилик принципи бугунги кунда ўзига хос равишда татбиқ этилиши зарур. Ахборот комуникацион технологиялари ва улар асосида таълим технологияларининг шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда кўргазмалилик принципининг мазмун-моҳияти кенгайиб, аҳамияти янада ортиб бормоқда. Бундай шароитда таълимнинг турли кўргазмали воситаларидан самарали ва ўз ўрнида фойдаланишда қатор психологик, методик муаммоларни ҳал этиш зарурати туғилади. Психологик тадқиқотларда исботланишича таълим самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқувчининг барча сезгиларига таъсир этувчи кўргазмалиликдан фойдаланишга боғлиқ. Чет тил ўқитиш методикасида кўргазмалилик икки турга бўлинади. Россиялик методист олимлар фикрларига таянган ҳолда Ж. Жалолов кўргазмалиликни ички ва ташқи, яъни предметга оид ва лисоний турларга ажратган. Ўзлаштириш даражаси

Матн ўқишда 10%

Эшитишда 20%

Кўришда 30%

Кўриб - эшитишда 50%

Ўзгалар билан мулоқот қилганда 70%

Бошқаларга ўргатганда 95%

Ушбу фикрни давом эттирган ҳолда чет тили фанининг хусусиятларидан келиб чиқиб биз вербал-лингвистик, новербал-экстралингвистик ва

аралаш кўргазмалилик турларига ажратамиз. Сезгилар иштирокига кўра аудитив, визуал, аудиовизуал кўргазмалиликка тил иштирокига кўра вербал лингвистик, новербалэкстралингвистик ва коммуникатив, яъни аралаш турларига ажратиш мумкин. Аудитив кўргазмалилик овозли, эшитиш сезгисига таъсир этувчи воситалардан, визуал кўриш сезгисига таъсир этувчи воситалардан аудиовизуал эшитиш ва кўришга мўлжалланган воситалардан иборат бўлиб, чет тилида оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини шакллантириш, ривожлантириш ва таъминлашга хизмат қилади. Вербаллингвистик кўргазмалиликка барча тил сатҳлари материаллари товуш, ҳарф, сўз ва сўз бирикмалари, грамматик воситалар, матн дискурс мазмуни, педагог нутқи. Интернет материаллари, мультимедиа матнлари, электрон ёзишмалар ва ҳоказолар киради. Бошқа фанлардан фарқли ўлароқ чет тили таълимида кўргазмалиликнинг визуалликка нисбатан аудитив тури устувор ҳисобланади, чунки ўқувчи коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг асосини тинглаб тушуниш (аудирование) малакаси ташкил этади. Новербал-экстралингвистик кўргазмалилик аудио, видео, расм, тасвир, фильмлар, предметлар, хатти-ҳаракат ва бошқаларни ўз ичига олади. Аралаш кўргазмалиликда вербал ва новербал воситалар бирга қўлланилиш мумкин. Анализаторлар иштироки нуқтаи назардан улар визуал, аудитив, ёки аудиовизуал кўргазмалилик шаклларига бўлинади. Бугунги кун чет тил таълими учун фойдаланилаётган замонавий дарсликлар тўпламида мултимедиявий воситалардан кенг фойдаланиш назарда тутилган чет тил таълимида ўз ўрнида ва самарали. Шубҳасиз, кўргазмалилик принципини қўллашда мултимедиа ва бошқа кўргазмали воситалар муҳим ўрин эгаллайди. Кўргазмалилик принципи татбиғи юқорида санаб ўтилган бошқа принциплардан жорий этилишини аниқлаш, такомиллаштириш йўлларини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф учун мўлжалланган New Fly High дарслиги, унга илова этилган мультимедиа воситаларида дидактик принципларга қай даражада амал қилинмаганлиги ҳолатини кўргазмалилик принципи мисолида аниқлаш учун ўтказилган таҳлилдан намуналар келтирамиз.

New Fly High дарслиги тўплами жами 102 соатга мўлжалланган, ҳар бири 6 дарсни ўз ичига олган 13 unitдан иборат. Дарсликнинг Unit 1. All about me Lesson 1. My favorite things мавзусидаги биринчи дарсида аудитив-овозли, аудиолингвал, вербал, визуал, аудиовизуал ва аралаш кўргазмалилик турларида фойдаланилган.

Listen and repeat машқи бизнинг таснифимизга кўра аудиолингвал кўргазмалилик турига мансуб бўлиб, ўқувчиларнинг тинглаб тушуниш ва талаффуз кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

3а – look, read, write about Aziz машқида вербал ва визуал кўргазмалиликка асосланиб кўриш, эшитиш, қўл-мотор каби сезгилар иштироки назарда тутилган ва берилган расмлардан фойдаланиб ўқиш ва ёзув малакаларини ривожлантириш мақсади қўйилган.

3б – 3с – 4 – машқлар эса вербал кўргазмалилик ёрдамида микродиалог, монолог тузишни ўргатишга мўлжалланган. Дарсларда қўлланилган кўргазмалилик турига кўра, юқорида таъкидлангандек ҳар бир машқда аудитив кўргазмалилик кўпроқ фоизни ташкил этади. Тадқиқотларда келтирилган рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, коммуникация жарёнида тинглаб тушуниш орқали қабул қилинадиган ахборот 16 марта юқори эканини ҳисобга олсак, аудитив кўргазмалиликдан фойдаланиш ҳам юқори бўлиши табиий. Дарснинг 1-машқида тинглаш ва такрорлашга берилган аудитив кўргазмалилик воситаси тил соҳиби томонидан ўқилган вербал аутентик матндан иборат ва у 5 дақиқага мўлжалланган. У синфда инглиз тили муҳитини яратиб, ўқувчиларнинг диққатини жамлаш мотивациясини оширишга қаратилади, асосан, 1- 4 синфларда эгаллаган кўникма ва малакаларни муайян даражада жонлантиришга туртки бўлади ҳамда ўзга маданият, урф-одатлар, анъаналар муҳитига олиб кириш имкониятини яратади.

Чет тил таълими мақсадларида белгиланган кўп тилли ва мультимаданиятли дунёда ҳар томонлама мулоқот олиб бора оладиган шахс портретини ўзида мужассам этган авлодни тарбиялашга ёрдам беради. Шундай қилиб, дидактик принциплардан бири бўлган кўргазмалилик принципининг чет тили таълимидаги татбиғи ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва кузатиш натижаларига кўра айтиш мумкинки, биринчидан, чет тилини ўқитишнинг мақсади, мазмуни, воситалари хусусиятларига кўра аудитив кўргазмалилик устувор ҳисобланади; иккинчидан, (дарсликда) кўргазмалиликнинг ҳар қандай туридан фойдаланишда (аудитив, визуал, аудиовизуал) онглилик узвийлик, изчиллик, таълим, тарбия бирлиги, тушунарлилик, фаоллик, индивидуаллик ва бошқа принципларга амал қилиш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, чет тили таълимининг мақсади, мазмуни, ёндашув, метод ва воситалари ўқув жараёнини ташкил этиш дидактик принципларга асосланади. Ўқувчининг чет тилда коммуникатив компетенциясини шакллантириш, ривожлантириш, такомиллаштиришга қара-

тилган замонавий коммуникатив методда барча санаб ўтилган дидактик принциплар татбиқ этилишига жиддий эътибор қаратиш лозим. Чет тили фани хусусиятларидан, таълим шарт-шароитларидан келиб чиқиб, узлуксиз таълимнинг турили босқичларида қандай ва қай даражада татбиқ этилишини аниқлаш, такомиллаштириш таълимдан кўзланган мақсадларни амалга ошириш гаровидир.

**Адабиётлар:**

1. Byram M. Encyclopedia of Language Teaching and Learning - London: Routledic, 2000. - 736 p.

2. Jalolov J. Chet til oqitish metodikasi. — Toshkent: O'qituvchi. 2012. - 429 b. 3. Зуннунов А., Махкамов И. Дидактика - Тошкент: Шарқ, 2006. - 128 б.

4. Жумаев А. Ш., Рискулова К. Д., Тоджибаева К. С. Дидактика таълим назарияси. "Navro'z" нашриёти, 2019. - 125 б.

5. Ibragimov X., Abdullayeva Sh. Pedagogika nazariyasi. - Toshkent. 2008. –286б.

6. Илиева Л. К. Чет тил таълимида изчилликни таъминлашнинг лингво дидактик асослари. Дисс.пед. фан номзоди. - Т., 2007 - 150 б.

7. Педогогика энциклопедия "Ўзбекистон миллий энциклопедиясия" Давлат илмий нашриёти, 2015 – 320б. 273б.

8. Richards J.C. Rodjers Th.S. Approach and Methods in Language teaching. 2nd ed – Cambridge university press, 2001 – 278б.

**РЕЗЮМЕ**

Маълумки, ўқув жараёнининг муваффақиятли ва самарали натижаси таълимга қўйилган дидактик талаблар ва принципларга қай даражада амал қилинишига ҳам боғлиқ. Ушбу мақола чет тилини ўқитишда дидактик принциплар татбиғи хусусиятларини ўрганишга қаратилган.

**РЕЗЮМЕ**

Основная цель данной статьи заключается в изучении особенностей преломления дидактических принципов при обучении иностранных языков. Общеизвестно, что успех и эффективность процесса обучения зависит от соблюдения принципов образовательного процесса, то есть дидактических требований и принципов образования.

**SUMMARY**

The main purpose of this article is aimed at teaching a foreign language, studying the features of the application of didactic prints. It is known that the successful and effective result of the educational process depends on the extent to which the laws of the educational process, that is, the didactic requirements for education and the observance of prints.

# MUTAXASSISLIK FANLARINI O‘QITISH JARAYONIDA SUN’IY INTELLEKT IMKONIYATLARIDAN FOYDALANISH

***Saidov S.F.***
*Osiyo xalqaro universiteti o‘quv bo‘limi boshlig‘i*

Tayanch so‘zlar: ta'limda sun'iy intellekt, ta'lim jarayonini shaxsiylashtirish, Interaktiv ta’lim, ta’lim sifati, avtomatlashtirilgan tizimlar, interaktiv va immersiv texnologiyalar.

Ключевые слова: искусственный интеллект в образовании, персонализация образовательного процесса, интерактивное образование, качество образования, автоматизированные системы, интерактивные и иммерсивные технологии.

Key words: artificial intelligence in education, personalization of the educational process, interactive education, quality of education, automated systems, interactive and immersive technologies.

Jahon ta’lim tizimida sun'iy intellekt (SI) zamonaviy ta'limning eng muhim muammolarini hal qilishda, jamiyatda ro‘y berayotgan yangiliklar bilan ta’lim oluvchilarni tez tanishtirib borishda, ta’limni xalqaro ta’lim standartlariga muvofiq takomillashtirishda, pedagogik va o'quv amaliyotlariga innovatsion usullarni joriy etishda hamda barqaror rivojlanish uchun muhim potensialga ega hisoblanadi. Hozirgi vaqtda Angliya, Fransiya, Yaponiya, Germaniya, Janubiy Koreya, Rossiya, Kanada kabi rivojlangan davlatlarda ta’lim jarayonida yuqori kasbiy kompetentlikka ega, raqobatbardosh kadrlar tayyorlashda axborot kommunikasiya-texnologiyalaridan foydalanishga, shu jumladan, o‘qitish jarayoniga SIlarini tadbiq etishga alohida e’tibor qaratilmoqda.

Sun'iy intellekt ta'lim jarayonini shaxsiylashtirish, tezkor mulohaza berish va o'quv samaradorligini oshirish orqali yaxshilash uchun katta imkoniyatlar yaratadi. Sun'iy intellekt tomonidan boshqariladigan adaptiv tizimlar talabalarning kuchli va zaif tomonlarini tahlil qilib, kontentni ularning individual ehtiyojlari va o'qish uslublariga moslashtiradi, shu bilan ularning jalb qilinishi, motivatsiyasi, tushunishi va bilimni saqlab qolishiga yordam beradi [1].

Sun’iy intellektning o‘quv jarayonida qo‘llanilishi ta’lim sifatini oshirish va jarayonni optimallashtirishga katta hissa qo‘shmoqda. Quyida SIning ta’lim jarayonida foydalanish mumkin bo‘lgan asosiy yo‘nalishlari keltirilgan:

Shaxsiylashtirilgan ta’lim

- Moslashuvchan o‘quv tizimlari: SI yordamida har bir talabaning bilim darajasi va o‘rganish uslubiga mos ravishda o‘quv materiallari va topshiriqlarni moslashtirish mumkin. Bu yondashuv talabalarga murakkab mavzularni o‘zlashtirishda yordam beradi.
- Ta’lim samaradorligini tahlil qilish: SI talabalarning ta’lim samaradorligi va bilimdagi bo‘shliqlarni aniqlash uchun katta ma’lumotlarni tahlil qilish orqali yechimlar taklif qilishi mumkin.

Ta’limiy chat-botlar va virtual yordamchilar

- Talabalarga yordam: Chat-botlar talabalar tomonidan tez-tez beriladigan savollarga javob berish orqali ularning ma’lumotlarni tezroq topishiga yordam beradi.
- O‘qituvchilarga yordam: Virtual yordamchilar testlar va uy vazifalarini tekshirish kabi ma’muriy vazifalarni avtomatlashtirishi mumkin, bu esa o‘qituvchilarga o‘quv jarayoniga ko‘proq vaqt ajratishga imkon beradi.

Interaktiv ta’lim va o‘yinlar

- Ta’limiy o‘yin platformalari: SI yordamida interaktiv va o‘yin tarzida o‘quv muhitlari yaratilib, o‘quv jarayonini yanada qiziqarli va rag‘batlantiruvchi qilish mumkin.
- Simulyatsiyalar va virtual haqiqat: SI orqali fizika yoki biologiya kabi murakkab fanlarni o‘rganishda realistik simulyatsiyalar yaratish mumkin.

Qo‘llab-quvvatlash va inklyuziya

- Imkoniyati cheklangan talabalar uchun ta’lim: SI nogironligi bo‘lgan shaxslar uchun maxsus dasturlar va ilovalar ishlab chiqishi mumkin, bu esa ularga teng ravishda ta’lim olish imkonini beradi.
- Til qo‘llab-quvvatlovi: SI o‘quv materiallarini turli tillarga tarjima qilish va chet tilini o‘rganayotgan talabalarga matnlarni yaxshiroq tushunishga yordam berishi mumkin.

Tahlil va prognozlash

- Akademik ko‘rsatkichlarni prognozlash: SI talabalarning kurslarni muvaffaqiyatli tugatish ehtimolini prognoz qilishi va ularning ko‘rstakichlarini oshirish bo‘yicha chora-tadbirlar qabul qilishga yordam berishi mumkin.
- Ta’lim sifatini baholash: Ta’lim jarayonlarini tahlil qilish orqali eng yaxshi amaliyotlar va takomillashtirish yo‘nalishlarini aniqlash mumkin.

Etika va javobgarlik

- Ma’lumotlarning maxfiyligi: Talabalar ma’lumotlarini himoya qilish va ularni qo‘llashda etika me’yorlariga rioya qilish muhimdir.
- Etik masalalar: SIni joriy etish ta’limda yangi etik va javobgarlik yondashuvlarini ishlab chiqishni talab qiladi.

Sun’iy intellektni ta’limda qo‘llash o‘quv jarayonining sifatini va imkoniyatlarini yaxshilaydi, ammo bu jarayon etika, xavfsizlik va samaradorlik masalalariga e’tiborli yondashuvni talab qiladi.

Sun'iy intellektni ta'limga integratsiya qilish nafaqat an'anaviy paradigmalarni o'zgartiradi, balki o'qituvchilar va siyosatchilardan ma'lumotlar maxfiyligi, algoritmlar tarafkashligi va sun'iy intellekt texnologiyalariga adolatli kirish kabi muammolarni hal qilish uchun doimiy moslashishni talab qiladi [2]. Intellektual ta'lim tizimlari va matnlarni avtomatik tahlil qilish kabi sun'iy intellekt texnologiyalaridan foydalangan holda, o'qituvchilar har xil o'rganish ehtiyojlarini qondiradigan, moslashuvchan va samarali ta'lim muhitini yaratishlari va oxir-oqibat talabalarga tanqidiy fikrlash, innovatsiyalar qilish va shaxsiylashtirilgan ta'limda ishtirok etish imkoniyatini berishlari mumkin [3].

Ta’limda sun’iy intellekt yordamida ma’muriy vazifalarni
avtomatlashtirish

Ta’limda sun’iy intellekt yordamida ma’muriy vazifalarni avtomatlashtirish o‘quv jarayonlarini boshqarishda katta yutuq hisoblanadi. Bu o‘qituvchilarni o‘qitishning muhim jihatlariga ko‘proq vaqt ajratishga va ta’lim tizimining samaradorligini oshirishga yordam beradi.

Avtomatlashtirishning asosiy jihatlari

- Testlarni avtomatik baholash: Sun’iy intellekt standart test javoblarini tez va aniq baholay oladi, bu qo‘lda tekshirish uchun sarflanadigan vaqtni kamaytiradi.
- Talabalar ma’lumotlarini boshqarish: Avtomatlashtirilgan tizimlar talabalarning ishtirokini va akademik natijalarini to‘plash va tahlil qilishni soddalashtiradi.
- Darslar jadvalini tuzish va tashkil etish: Sun’iy intellekt ko‘plab o‘zgaruvchilar va afzalliklarni hisobga olgan holda dars jadvalini tuzish va optimallashtirishda yordam beradi.

Sun’iy intellekt yordamida ta’limga kirish imkoniyati

Sun’iy intellekt ta’limga kirish imkoniyatini yaxshilashda muhim rol o‘ynaydi. U jismoniy cheklovlar, geografik joylashuv va iqtisodiy sharoitlar bilan bog‘liq to‘siqlarni yengish uchun vositalarni taqdim etadi.

Kirish imkoniyatlarining asosiy yo‘nalishlari

- Alohida ehtiyojlari bo‘lgan odamlar uchun ta’lim: SI imkoniyati cheklangan odamlar uchun moslashuvchan o‘quv dasturlarini yaratishga yordam beradi.
- Masofaviy o‘qitish: SI dunyoda istalgan joyda mavjud bo‘lgan onlayn platformalar orqali sifatli ta’limni ta’minlaydi.
- Kam ta’minlangan qatlamlar uchun shaxsiy ta’lim: SI kam ta’minlangan qatlamlar uchun mavjud o‘quv resurslarini ishlab chiqishga ko‘maklashadi.

Misollar

- Google Read Along: ushbu ilova bolalarga o‘qishni o‘rganishda yordam berish uchun sun’iy intellektdan foydalanadi, ayniqsa, sifatli ta’lim resurslariga kirish chegaralangan mintaqalarda foydali.
- Microsoft Learning Tools: Microsoft dan vositalar disleksiya yoki o‘qishning boshqa xususiyatlari bo‘lgan odamlar uchun ta’lim imkoniyatlarini taqdim etib, nutqdan matnga o‘xshash texnologiyalardan foydalanadi.
- Yandeks.Uchebnik va Yandeks.Praktikum: bu onlayn platformalar shaxsiylashtirilgan o‘quv materiallari va vazifalarni taqdim etish uchun SI dan foydalanadi. Ular Rossiya bo‘ylab keng foydalanuvchilarga mavjud bo‘lib, talabalarning joylashuvidan qat’i nazar, sifatli ta’limni ta’minlaydi [4].

Afzalliklar va muammolar

- Afzalliklar: resurslar cheklangan mintaqalarda ta’limga kirish imkonini yaxshilash, ta’limni shaxsiylashtirish, ta’lim tengsizligini kamaytirish.
- Muammolar: zamonaviy qurilmalarga barqaror internet ulanishini va kirish imkonini ta’minlash zarurati, talabalarning shaxsiy ma’lumotlarini himoya qilish, yangi texnologiyalar bilan ishlash uchun o‘qituvchilar va muallimlarni o‘qitish.

Sun’iy intellekt ta’limga kirish imkoniyatini oshirish uchun katta imkoniyatlar taqdim etadi. U an’anaviy to‘siqlarni yengib, ko‘proq inklyuziv va adolatli ta’lim fazosini yaratishga qodir. Ammo uning salohiyatini to‘liq ochib berish uchun texnologik tengsizlikni bartaraf etish va ta’limda SI dan barqaror va etik foydalanishni ta’minlashga qaratilgan global hamkorlik zarur.

Pandemiya sharoitida sun’iy intellekt yordamida ta’lim

COVID-19 pandemiyasi ta’lim tizimida katta o‘zgarishlarga olib keldi va dunyoning ko‘plab ta’lim muassasalarini masofaviy ta’limga o‘tishga majbur qildi. Sun’iy intellekt ushbu o‘tish davrida muhim rol o‘ynab, ta’lim sifatini saqlash uchun innovatsion yechimlarni taqdim etdi.

Sun’iy intellekt bilan ta’limning kelajagi

Sun’iy intellekt ta’limning kelajagini yangi chegaralarni ochadi, an’anaviy ta’lim uslublarini o‘zgartirib, shaxsiylashtirilgan va samarali ta’lim jarayoni uchun imkoniyatlar yaratadi.

Rivojlanish yo‘nalishlari

- Chuqur shaxsiylashtirish: SI har bir talabaning individual ehtiyojlarini hisobga olgan holda ta’lim dasturlarini o‘zgartirishi mumkin. Bu har bir talabaning bilim darajasi, o‘qitish uslubi va afzalliklarini hisobga oladi. Bu ko‘proq inklyuziv va qo‘llab-quvvatlovchi ta’lim muhitini yaratishga imkon beradi.
- Interaktiv va immersiv texnologiyalar: SI bilan birgalikda virtual va qo‘shimcha reallikni rivojlantirish ko‘proq jalb etuvchi va interaktiv o‘quv tajribalarini yaratishi mumkin. Talabalar simulyatsiyalar, ta’lim o‘yinlari va virtual ekskursiyalar orqali ta’lim jarayonida faolroq ishtirok etishlari mumkin.
- Administrativ vazifalarni avtomatlashtirish: SI jadval tuzish, talabalarni ro‘yxatdan o‘tkazish va akademik ishlarni baholash kabi ko‘plab ma’muriy jarayonlarni avtomatlashtirishi mumkin, bu o‘qituvchilarga ta’lim jarayoni va talabalar bilan o‘zaro munosabatga e’tibor qaratishga imkon beradi [5].

Namunalar

- AltSchool va Summit Learning AQSHda: Bu ta’lim muassasalari o‘qituvchilarga yanada sifatli ta’lim berish imkoniyatini beradigan shaxsiylashtirilgan o‘quv rejalarini yaratish uchun SI asoslangan shaxsiy ta’lim platformalaridan foydalanadilar.
- Taraqqiyotni kuzatish tizimlari: Ta’lim muassasalari dunyo bo‘ylab SIni talabalarning akademik ko‘rsatkichlarini kuzatish va o‘quv jarayonini optimallashtirish uchun o‘qituvchilarga batafsil ma’lumotlarni taqdim etish uchun joriy etmoqdalar, bu ta’limdagi muammolarni o‘z vaqtida aniqlash va hal qilishga yordam beradi.
- Uchi.ru va Yandeks. Uchebnik: Bu ta’lim platformalari SIdan foydalangan holda talabalarning ehtiyojlariga moslashtirilgan o‘quv materiallarini taqdim etadi, individuallashtirilgan topshiriqlar va interaktiv darslarni taklif etadi, bu esa bilimlarni chuqur va samarali o‘zlashtirishga yordam beradi [6].

Afzalliklar va muammolar

- Afzalliklar: SI ta’limni shaxsiylashtirishni sezilarli darajada yaxshilashi, ta’limning mavjudligini va sifatini oshirishi, shuningdek, ta’lim vaqti va resurslaridan samarali foydalanishni ta’minlashi mumkin.
- Muammolar: SIdan foydalanishning axloqiyligi va shaffofligini ta’minlash, raqamli bo‘linish muammosini hal qilish va talabalarning

shaxsiy ma’lumotlarini himoya qilish muhimdir. Bu ishonchli, axloqiy va mavjud texnologiyalarni ishlab chiqishni, shuningdek, pedagoglar va administratorlarni o‘qitishni talab qiladi.

Xulosa.Sun’iy intellekt ta’lim sohasida yangi imkoniyatlarni ochib bermoqda. U talabalarga o‘z ehtiyojlariga moslashtirilgan shaxsiylashtirilgan ta’limni taqdim etadi va o‘qituvchilarga o‘z vazifalarini samarali bajarishda yordam beradi. SIning ta’limdagi o‘rni yanada kengayishi kutilmoqda, bu esa ta’lim jarayonini yanada samarali va jonli qiladi. Ammo, bu texnologiyalarning afzalliklaridan foydalanish uchun axloqiy va ijtimoiy masalalarni hal qilish, shaxsiy ma’lumotlarni himoya qilish va barcha talabalar uchun teng imkoniyatlarni ta’minlash zarur.

**Adabiyotlar:**

1. E., Ivette, Cota-Rivera., Martha, Elena, González, Correa., Leonardo, Marín., Marcos, Montenegro., Abelardo, Mercado, Herrera., M., Martínez. (2024). Transforming Education With the Power of Artificial Intelligence. Advances in higher education and professional development book series, doi: 10.4018/979-8-3693-1666-5.ch006

2. Lucas, Alves, de, Oliveira, Lima., Leonardo, Pinheiro, Gomes., Pedro, Henrique, da, Silva, e, Silva., Elaine, L., Oliveira., M., do, P., S., C., B., do, Nascimento., Rafael, Viêro, Tourem., José, Nilton, de, Araújo, Gonçalves., Alexander, da, Silva, Lima., Rodrigo, Sobral., Isabel, O., Santos. (2024). Artificial intelligence and its use in the educational process. doi: 10.56238/sevened2024.002-043

3. M., Nasir., M., Hasan., Adlim, Adlim., Muhammad, Syukri. (2024). Utilizing artificial intelligence in education to enhance teaching effectiveness. doi: 10.32672/pice.v2i1.1367

4. Fenty, Fauziah., Fitriansyah, Fitriansyah., Bambang, Sutedjo., Muhammad, M., Said. (2022). Case based learning innovations of environmental management. Jurnal PAJAR (Pendidikan dan Pengajaran), doi: 10.33578/pjr.v6i6.8932

5. Alimov, A., Turgunov, A., Chorshanbiev, Z., Jamolov, A., & Olimov, S. (2022, November). Creation of distance learning software for assessing the learning outcomes of future engineers based on the “smart” technology. In AIP Conference Proceedings (Vol. 2647, No. 1). AIP Publishing.

6. Бегимкулов, У. Ш., & Олимов, С. А. (2024). Информационнокоммуникационные технологии организации и управления инновационным методическим обеспечением в дошкольных образовательных организациях. Информатика. Экономика. Управление - Informatics. Economics. Management, 3(1), 0159–0168. https://doi.org/10.47813/2782- 5280-2024-3-1-0159-0168

**РЕЗЮМЕ**

Mazkur maqolada sun'iy intellektni ta'limda qo'llash bo'yicha tushunchalar, o‘quv jarayonida sun'iy intellekt texnologiyalari imkoniyatlaridan foydalanish, sun'iy intellektning ta’lim jarayonida foydalanish mumkin bo‘lgan asosiy yo‘nalishlari, sun’iy intellekt yordamida ta’limga kirish imkoniyati, sun’iy intellekt bilan ta’limning kelajagi haqida ma’lumotlar keltirilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье рассмотрены концепции применения искусственного интеллекта в образовании, использования возможностей технологий искусственного интеллекта в образовательном процессе, основные направления искусственного интеллекта, которые могут быть использованы в образовательном процессе, использование искусственного интеллекта в доступе к образованию, а также будущее образования с искусственным интеллектом.

**SUMMARY**

This article discusses the concepts of using artificial intelligence in education, using the capabilities of artificial intelligence technologies in the educational process, the main directions of artificial intelligence that can be used in the educational process, the use of artificial intelligence in access to education, as well as the future of education with artificial intelligence.

# OLIY TA’LIM MUASSASALARIDA IQTISODIY FANLARNI KEYS-STADI TEXNOLOGIYALARINI QO‘LLAB O‘QITISHNING AFZALLIKLARI VA AMALGA OSHIRISH BOSQICHLARI

***Obidov R.A.***
*Toshkent kimyo-texnologiya instituti yangiyer filiali*

**Tayanch so‘zlar:** keys stadi texnologiyalari, amaliy ko‘nikmalar, pedagogika, ta’lim jarayoni, tematik tadqiqotlar, muammoli ta’lim texnologiyalari, innovatsion yondashuvlar, talabalar, keys stadi afzalliklari, nazariy va amaliy tayyorgarlik.

**Ключевые слова:** технологии кейс-стади, практические навыки, педагогика, учебный процесс,тематические исследования, технологии проблемного обучения, инновационные подходы, студенты, преимущества кейс-стадии, теоретическая и практическая подготовка.

**Key words:** case study technologies, practical skills, pedagogy, educational process, case studies, problem-based learning technologies, innovative approaches, students, advantages of the case stage, theoretical and practical preparation.

Bugungi kunda ta'lim jarayonida innovatsion yondashuvlar va texnologiyalarni qo'llash juda muhim ahamiyat kasb etmoqda. Shulardan biri - “Keys-stadi” texnologiyasidir. Ushbu texnologiya talabalarning nazariy bilimlarini amaliyot bilan bog'lash, muammolarni tahlil qilish va yechim topish ko'nikmalarini rivojlantirishda juda samarali hisoblanadi.

“Keys-stadi” texnologiyasi (ingl. “case” – chemodan, metod, “study” – muammoli vaziyat; vaziyatli tahlil yoki muammoli vaziyatlarni tahlil qilish) – talabalarda aniq, real yoki sun’iy yaratilgan muammoli vaziyatni tahlil qilish orqali eng maqbul variantlarini topish ko‘nikmalarini shakllantirishga xizmat qiladigan texnologiya.

“Keys-stadi” texnologiyasi dastlab 1870-yilda AQSHning Garvard universitetining huquq maktabida, 1924-yilda biznes maktabida qo‘llanilgan. Hozirda texnologiya xorijiy mamlakatlarda iqtisodiyot, biznes sohalarida ham keng qo‘llanilmoqda. Rossiyada esa u o‘tgan asrning 80-yillarida dastlab Moskva davlat universitetida, keyinchalik esa boshqa ta’lim muassasalarida

ham faol qo‘llanila boshlandi. O‘zbekistonda “Keys-stadi” texnologiyasi ta’lim jarayoniga mustaqillik yillaridagina tadbiq etildi.

Texnologiya talabalarda predmetni o‘zlashtirishga bo‘lgan qiziqishni, amaliy ko‘nikmalarni, vaziyatni tahlil qilish va to‘g‘ri qaror qabul qilishga nisbatan ijodiy yondashish malakalarini rivojlantiradi, turli muammoli vaziyatlar va ularni hal qilish asosida ular tomonidan bilimlarning faol o‘zlashtirilishi uchun imkoniyat yaratadi. Ta’limda qo‘llaniladigan keys-stadi texnologiyasining tayyor variantlari ham mavjud bo‘lib, ularni sotib olish mumkin. Biroq, eng samarali yo‘l har bir fan bo‘yicha keyslarning mustaqil yaratilishiga erishishdir.

Ta'limda keys-stadi texnologiyasi ta'lim oluvchilarga real hayotiy holatlar asosida bilim va ko'nikmalarni oshirishga yordam beradi. Bu texnologiya talabalarga nazariy bilimlarni amaliyot bilan bog'lash imkoniyatini beradi, shuningdek, muammolarni tahlil qilish va yechim topish ko'nikmalarini rivojlantiradi.

Keys-stadi texnologiyasi yordamida talabalar quyidagi ko‘nikma, malakalarga ega bo‘ladi [6]:

1. Tahliliy ko‘nikmalar (ma’lumotlarni axborotlardan ajrata olish, ularni turkumlashtirish, ma’lumotlarni zarur va nozarurga ajratish, tahlil qilish, taqdim etish; buning uchun shaxs aniq, mantiqiy fikrlay olishi kerak).

2. Amaliy ko‘nikmalar (muammoning murakkabligidan kelib chiqib, real vaziyatni tahlil qila olish, eng muhim nazariya, metod va tamoyillarni qo‘llay bilish).

3. Ijodiy ko‘nikmalar (bunda mantiqiylik asosida vaziyat (muammo)ni yechish muhim emas, balki ijodiy yondoshuv asosida muammoning bir necha yechimlarini topish va ularni tahlil qilish talab etiladi).

4. Muloqot ko‘nikmalari (unga ko‘ra talaba bahs-munozara olib borish, o‘z nuqtayi nazarini himoya qilish, qaroriga - talaba faoliyatini tahlil qilish va baholash imkoniyatini beruvchi keyslar; -muammoning yechimi va qarorlarni tahlil qilishga yo‘naltirilgan keyslar; - qaror yoki yaxlit muammoni ifodalovchi keyslar boshqalarni ishontirish, juda qisqa va ishonarli hisobotni tayyorlash ko‘nikmalarini o‘zlashtira bilishi zarur).

5. Ijtimoiy ko‘nikmalar (qarorni muhokama qilish jarayonida talabalar boshqalarning xatti-harakatini tahlil qilish, boshqalarni tinglay bilish, bahsda o‘zgalarning fikrlarini qo‘llab-quvvatlash, ilgari surilgan fikrga qaramaqarshi fikrni bildira olish va o‘zini boshqara olishi lozim).

6. O‘z-o‘zini tahlil (bahs-munozara jarayonida o‘zini tuta bilishi, boshqalarga namuna bo‘lishi muhim).

Tematik tadqiqotlar shuni ko‘rsatdiki, o‘quv jarayonida fanlarni keys-stadi texnologiyalaridan foydalangan holda o‘qitish ko‘plab afzalliklarni beradi. Tematik tadqiqotlar talabalarda muammolarni hal qilish, tanqidiy fikrlash va qaror qabul qilish ko‘nikmalarini rivojlantiradi [1,2,3]. Ular nazariya va amaliyot o‘rtasidagi tafovutni bartaraf etadi, abstrakt tushunchalarni aniqroq qilib, murakkab masalalarni tushunarliroq qiladi, shu orqali talabalarning o‘qishga bo‘lgan motivatsiyasini oshiradi [4]. Bundan tashqari, tematik tadqiqotlarga asoslangan mashg‘ulotlar talabalar o‘rtasida hamkorlikni rag‘batlantiradi, ularni munozaralarda ishtirok etishga, muammolarni tahlil qilishga va yechimlarni taklif qilishga undaydi, bu esa muvaffaqiyatli provard natijalarga olib keladi [5].

Talabalarni real ssenariylarga jalb qilish va interaktiv o‘qitishga rag‘batlantirish orqali keys-stadi texnologiyalari fanlarni chuqurroq tushunishga va kelajakda duch kelishi mumkin bo‘lgan qiyinchiliklarga tayyorlashda hal qiluvchi rol o‘ynaydi.

Keys-stadi texnologiyasining afzalliklari:

1. Amaliyotga yaqinlik: Talabalar real hayotdagi vaziyatlarni o'rganish orqali nazariy bilimlarni amaliyot bilan mustahkamlashadi. Keys-stadi nazariy bilimlarni amaliyotda qo'llash va ular asosida tajriba orttirish imkonini beradi, bu esa ularga kelajakdagi ish faoliyatida foydali bo'ladi.

2. Faol ishtirok: Talabalar faol ravishda muammolarni tahlil qiladi, muhokama qiladi va yechim topishga harakat qiladi. Keys-stadi ko'pincha jamoaviy muhokama va tahlilni talab qiladi, bu esa jamoada ishlash ko'nikmalarini rivojlantirishga yordam beradi.

3. Mustaqil fikrlash: Talabalar mustaqil ravishda fikrlash va qaror qabul qilish ko'nikmalarini rivojlantiradilar. Keys-stadi turli xil muammolar uchun kreativ yechimlar ishlab chiqishni talab qiladi, bu esa ijodiy fikrlash qobiliyatini rivojlantiradi. Shuningdek, muammoni hal qilish uchun turli xil alternativ yechimlarni ishlab chiqishda kerak bo‘ladi.

4. Kooperativ o'rganish: Talabalar guruh bo'lib ishlash, o'zaro hamkorlik qilish va fikr almashish imkoniyatiga ega bo'ladilar. Keys-stadi ko'pincha jamoaviy muhokama va tahlilni talab qiladi, bu esa jamoada ishlash ko'nikmalarini rivojlantirishga yordam beradi.

5. Yaxshi esda saqlash: Amaliyot davomida turli vaziyatlarda o'rganilgan bilim, ko‘nikma va malakalar uzoq vaqt esda qoladi.

Keys stadi texnologiyasini amalga oshirish bosqichlari:

1. Tayyorlash: O'qituvchi fan bo‘yicha mavzular kesimida muammo yoki muammoli vaziyatni tanlaydi va uni talabalarga taqdim qilishga tayyorlaydi.

2. Muammoni tushuntirish: O'qituvchi talabalarga muammoli yoki vaziyatli topshiriqni tushuntiradi va mazmuni bilan tanishtiradi.

3. Muammoni tahlil qilish: Talabalar muammoli yoki vaziyatli topshiriqni tahlil qilishadi, asosiy muammolarni aniqlashadi va mumkin bo'lgan yechimlarning bir nechtasini taklif qilishadi.

4. Yechimlarni muhokama qilish: Talabalar taklif qilgan yechimlarni muhokama qiladi, tahlil qiladi, baholaydi va eng maqbul yechimni tanlashadi.

5. Natijalarni taqdim etish: Talabalar o'z yechimlarini guruh oldida taqdim etishadi va o'qituvchi bilan birgalikda muhokama qilishadi.

6. Refleksiya: O'qituvchi va talabalar jarayonni tahlil qilishadi, o'rganilgan darslarni va kelajakda e'tibor berilishi kerak bo'lgan jihatlarni aniqlashadi.

Keys-stadi texnologiyasining muhim jihatlardan biri bu guruh aʼzolari oʻrtasida axborot almashishdir. Ish boshlanishidan oldin yetakchi tinglovchilarni vaziyatga jalb qilishga yordam beradigan protseduralarni tanlaydi. U muhokamani kuzatib boradi va talabalarga oʻz kashfiyotlari bilan boʻlishishda yordam beradi.

Texnologiya oʻz ichiga rivojlantiruvchi yondashuvning barcha variantlarini olishi bilan ajralib turadi. Bu talabalarning shaxsiy rivojlanishi, shuningdek, guruhli trening vositalari hisoblanadi. Kollektivda ishlash tinglovchilarning shaxsiy xususiyatlarini rivojlantirishga yordam beradi.

Muhokama jarayoni oxirida oʻz yechim variantlarini bildirishadi. Keys-stadi keys asosida amalga oshiriladi. U bir vaqtning oʻzida texnik topshiriq va vazifani hal qilish uchun maʼlumot manbai boʻlib xizmat qiladi.

Keys-stadini "muvaffaqiyatga erishish" texnologiyasiz tasavvur qilish mumkin emas. Texnologiya talabalarni faolroq qilish uchun qoʻllaniladi. Ular erishgan yutuqlar yuqori baholanadi, bu esa tinglovchilarni birinchi oʻrin uchun raqobatlashishga undaydi. Texnologiya asosida muvaffaqiyatga erishish intilishi yotadi. Bu talabalarda ijobiy motivatsiyani shakllantirish uchun qoʻllaniladi.

Texnologiyaning asosiy vazifasi talabalarni analitik usullar bilan hal qilib boʻlmaydigan murakkab vazifalarni hal qilishga oʻrgatishdan iborat.

Xulosa. Shunday qilib, keys stadi texnologiyasi ta'limda talabalarning nazariy bilimlarni amaliyotda qo'llash, muammolarni tahlil qilish va hal qilish, mustaqil va tanqidiy fikrlash ko'nikmalarini rivojlantirishda samarali usul hisoblanadi. Bu kabi texnologiyalar orasida muammoli bayon, muammoli maʼruza, evristik suhbat, muammoli namoyish, izlanishga asoslangan amaliy mashgʻulot, ijodiy topshiriq, xayoliy muammoli tajriba, muammo farazlarini shakllantirish, masalalarni muammoli yechishning optimal variantlarini tanlash, muammoli vazifa, muammoli oʻyin kabilar muhim ahamiyat kasb

etadi. Ulardan o‘rinli, maqsadli va izchil foydalanish ta’lim sifatini yaxshilash, samaradorligini oshirish, shu bilan birga talabalarning o‘quv-bilish faoliyatini faollashtiradi.

**Adabiyotlar:**

1. Victoria, Gniezdilova. (2023). Case–Study as One of the Innovative Educational Technologies and Its Use in Biology Classes. Journal of Vasyl Stefanyk Precarpathian National University, doi: 10.15330/jpnu.10.1.114-125

2. Laylo, Gulomjonovna, Sattorova,. (2022). Using of Case Technology in Educational Systems as an Interactive Method. Indonesian Journal of Innovation Studies, doi: 10.21070/ijins.v19i.671

3. Fenty, Fauziah., Fitriansyah, Fitriansyah., Bambang, Sutedjo., Muhammad, M., Said. (2022). Case based learning innovations of environmental management. Jurnal PAJAR (Pendidikan dan Pengajaran), doi: 10.33578/pjr.v6i6.8932

4. Martin, H., Thornhill. (2022). The Development of Technology-Mediated Case-Based Learning in China. doi: 10.1007/978-981-19-5135-0_6

5. Revati, Shriram., Nivedita, Daimiwal. (2022). Case Study Based Learning for System Development. Graduate research in engineering and technology, doi: 10.47893/gret.2022.1150

6. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Инновацион таълим технологиялари / – Тошкент: 2015. – 208 бет.

7. Сериков Вадим Сергеевич МЕТОД "CASE-STUDY" в процессе обучения студентов практическим навыкам // АНИ: педагогика и психология. 2020. №3 (32). URL:https://cyberleninka.ru/article/n/metod-case-study-v-protsesse-obucheniya-studentov-prakticheskim-navykam (дата обращения: 22.07.2024).

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqolada “Keys-stadi” tushunchasini ochib berish, ta’lim jarayonida keys-stadi texnologiyasini qo‘llab o‘qitishning afzalliklari, jumladan, talabalar qanday ko‘nikma va malakalarga ega bo‘lishlari, nazariy bilimlarni real sharoitlarda qo‘llash qobiliyatlari rivojlantirish, keys stadi texnologiyasini o‘quv jarayonida qo‘llash bo‘yicha olimlarning fikrlari hamda keys stadi texnologiyasini amalga oshirish bosqichlari haqida ma’lumotlar keltirilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье объясняется понятие «Кейс-стади», преимущества использования технологии кейс-стади в образовательном процессе, в том числе, какие навыки и компетенции приобретают студенты, развитие умения применять теоретические знания в реальных ситуациях, использование технологии кейс-стади. приведены мнения ученых о применении в образовательном процессе и сведения об этапах внедрения технологии кейс-стади.

**SUMMARY**

This article explains the concept of “Case Study”, the advantages of using case study technology in the educational process, including what skills and competencies students acquire, developing the ability to apply theoretical knowledge in real situations, and using case study technology. The opinions of scientists on the use of case study technology in the educational process and information on the stages of implementation of case study technology are presented.

# ЎҚИТУВЧИНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИДА НОТИҚЛИК ҚОБИЛИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ

***Халиков А.А.***
*Низомий номидаги ТДПУ профессори,*
*педагогика фанлари доктори*
***Ортиқова Д .М.***
*Низомий номидаги ТДПУ Бошланғич*
*таълим 3-босқич талабаси*

**Таянч сўзлар:** нотиқлик қобилияти, нутқий маҳорат, овоз, матн, нутқий кўникма, оғзаки нутқ, сўзлашув санъати, ифодалилик, мантиқ ва тафаккур, жарангдор, ёрқинлик.

**Ключевые слова:** речевая способность, речевые навыки, голос, текст, речевое мастерство, устная речь, красноречие, выразительность, логика и мышление, звучность, яркость.

**Key words:** speech ability, speech skills, voice, text, speech skills, oral speech, eloquence, expressiveness, logic and thinking, sonority, brightness.

Сўнгги ўн йилликларда синф жамоаси ўқувчилари онгида ўқитувчи нутқининг турли ва ранг-баранг қолиплари, мулоқот шакллари – албатта дўриллаган баланд овоз, қатъий насиҳат оҳанги, ўқувчи хулқини баҳолаш, танбеҳ бериш ва огоҳлантиришни билдирувчи буйруққа кўр-кўрона бўйсунишга ундайдиган талабчанлик шакллари ўрнашиб қолмоқда. Ҳатто “ўқитувчи оҳангида гапириш”, “ўқитувчининг темирдай жарангдор овози”, “норозилигини қўпол сўзларда баён этиш”, “албатта пайти келиб ўқувчини баҳо билан жазолаш” каби ифодалар ҳам пайдо бўлмоқда. Бу ифодалар билан мазкур ҳодисаларни пайдо бўлишига сабабчи ўқитувчиларга нисбатан салбий муносабат билдирилаяптими? Бундан ташқари, овоз инсон касбий мартабасининг ошишига ёрдам беради, ёки аскинча тўсқинлик қилади. Ингичка, чийилдоқ овозли журналистни, ёки қулоқни қоматга келтирадиган, манқа овозли машҳур сиёсат арбобини тасаввур қила оласизми?

Нотиқлик санъатининг келиб чиқиши тарихи алломаларимиз асарларида баён этилган. Марказий Осиёда XII асрдан бошлаб воизлик санъати назари-

яси ва амалиётини тарғиб қилувчи кўплаб илмий ва услубий рисолалар ёзилган. Жумладан, алломалар Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Унсурул Маолий Кайқовуснинг “Қобуснома”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, “Назмул-жавоҳир”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Даҳ мажлис”, “Маҳзан ул-иншо”, Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ”, Воиз Самарқандийнинг “Равозат ул-воизин”, Муҳаммад Рафиқ Воизнинг “Аҳбоб ул-жинон”, Қурайш Саидийнинг “Анис ул-воизин” каби асарлари ўзларининг ноёб маълумотлари билан Марказий Осиёда “воиз”-лик санъати хазинасига муносиб ҳисса қўшдилар.

Воизлик санъати намоёндалари тингловчиларнинг ижтимоий ва сиёсий мавқеи ҳамда лавозимларини ҳисобга олган ҳолда уч йўналиш бўйича фаолият кўрсатишган. Биринчиси, султониёт, яъни ҳукмдорлар ҳамда юқори табақали аъёнлар учун мўлжалланган ваъзхонлик бўлиб, унда ҳамду саноолар айтилган, уларнинг обрў эътибори, мартабаси, фаолиятлари улуғланиб мақталган. Иккинчиси, жиҳодия, яъни ватан ҳимоячиларига мўлжалланган ваъзхонлик бўлиб, унда ватанпарварлик, жанговарлик, ботирлик, қаҳрамонлик, фидойилик улуғланган, душманга нисбатан шафқатсиз бўлиш ифодаланган. Учинчиси, ғарибона деб аталиб, асосан мамлакатнинг оддий фуқароларига мўлжалланган ваъзхонликдир, унда барча фуқаролар асосан итоаткорликка, меҳнатсеварликка чақирилган. Воизликнинг ҳар бир йўналиши ўзига хос оҳангга, усулга, жозибага эга бўлган. Воизлар нутқда маълум бир муваффақиятга эришиш учун ҳар бир сўзнинг, тушунча ва оҳангнинг бадиий жиҳатдан юксак ва таъсирчанлигини таъминлаб, муайян бир фикр, мулоҳаза, ҳукм, ғоя, мафкура ва хулосани тингловчиларга етказиш мақсадида сухандонлик (риторика) фанини пухта ўзлаштиришган.

Педагог-тадқиқотчи И.Р.Калмикова ўз асарларида, матн мазмунан қанчалик қизиқарли ва ифодали баён этилган бўлмасин, агар у сўзловчи-нотиқ томонидан тушунарсиз тарзда, бўғиқ, кучсиз, дағал, ифодасиз овоз билан айтилса, тингловчилар томонидан мутлақо қабул қилинмайди. Гапириш пайтида нутқнинг мазмуни, нотиқнинг ташқи кўриниши, ўзини тутиши каби овози ҳам улкан аҳамиятга эга. Овоз ёрдамида у ўз маълумотини аудиторияда ўтирган тингловчиларга етказади. Инсон овози – оммага таъсир қилишда қудратли воситадир.

Ҳам сўз ила элга ўлимдан нажот,
Ҳам сўз ила топиб ўлик тан ҳаёт. –
деб таъриф беради сўзнинг қудратига Алишер Навоий.

Унсурул Маолий Кайқовус сўзлаганда ўйлаб, ҳар бир фикрдан келиб чиқадиган хулосаларни кўз олдига келтириб гапириш кераклигини, киши

ақл-идрокли бўлиши, ўзини халқ орасида омий, камтар тутиши лозимлигини эслатиб, маҳмадоналик қилиш, кўп гапириш донолик белгиси эмаслигини таъкидлайди, ҳамда “Одамларда мавжуд барча қобилиятларнинг энг яхшиси нутқ қобилиятидир” дейди.

Нотиқ ўзининг чиройли, жарангдор ва таъсирчан овози туфайли илк дақиқаларданоқ тингловчилар диққатини жалб қилади, уларнинг қалбидан жой олиб, ишончини қозонади.

В.Д.Сухомлинский ўқитувчининг "…мактаб ҳовлисида гапирган ҳар бир сўзи пухта ўйланган, ақл ва мулоҳазаларга бой, маълум бир тарбиявий мақсадга қаратилган бўлиши керак" деб таъкидлайди. Ўқитувчининг ҳар бир сўзи олимнинг фикрича, нафақат ўқувчи қулоғига айтилади, балки унинг қалбига ҳам қаратилган бўлиши шарт.

“Нутқий маҳоратга ўргатиш психологияси” номли китоб муаллифлари (М., 1999) Б.Ц.Бадмаев ва А.А. Малышев каби олимлар анъанавий таълимда нутқий кўникма, яъни инсоннинг ўз фикрини сўз ва гапларда акс эттира билиш кўникмалари махсус таълим натижаси эмас деб ҳисоблашади. Ўз фикр-мулоҳазаларини нотиқлик маҳорати билан суҳбатдошига ифодалаб бериш инсонга асосан бетартиб равишда, ўз-ўзидан, тасодифан, бўлак-бўлак тарзда берилади. Унда ҳам барча одамларга баробар нотиқлик қобилияти пайдо бўлавермас экан.

Ўқувчиларни мактаб партасидаёқ нутқ маданиятига ўргатиш –бу биринчи навбатдаги зарурият, ҳозирги давр талаби. Зеро, баъзан одамларга оддий бир арзимас воқеликни ҳам асл моҳиятини,нарсаларнинг аниқ ҳолатини нутқ ва сўз қудрати билан исботлашга тўғри келади. Демак ҳар қандай касб эгаси аввало сўзлашув ва нутқ маданиятини билиши, ўз фикр мулоҳазаларини аниқ, равон тил билан суҳбатдошига етказа оладиган билим ва савияга эга бўлиши керак. Бунда ўқитувчининг педагогик маҳорати асосий мезонларидан бири бўлмиш нотиқлик қобилиятини мукаммал эгаллаши муҳим аҳамият касб этади. Зеро у мамлакатимизда демократик жамият қуришга жавобгар шахсни тарбиялаб вояга етказади. Ёш авлодни келажакда рақобатбардош кадр бўлиб етишиши учун аввало ўқитувчи зиммасига улкан вазифалар юклатилган. Ушбу муҳим вазифалардан бири фуқароларда сўзлашиш ва нутқ маданиятини шакллантиришдир. Ўз фикр ва мулоҳазасини она тилида сўз ва нутқнинг чексиз қудрати билан тўғри тушунтириб изҳор этолмайдиган ўқувчидан келажакда рақобатбардош кадр етишиб чиқиши мумкин эмас. Шунинг учун ўқитувчи қайси фандан ўқувчиларга билим беришидан қатъий назар, аввало ўзи чиройли сўзлашув санъатини ва нотиқлик маданияти сирларини пухта эгаллаши лозим. Шунда у ўқувчилар

онгига ҳам сўзлашув санъати ва маданиятини, нутқ қобилияти сирларини сингдира олади.

Ўқитувчининг оғзаки нутқи иккита шаклда – монолог (монологик нутқ) ва диалог (диалогик нутқ) шаклига бўлиниб ўрганилади. Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотида бундай нутқнинг иккала шакли ранг-барангликни кашф этади. Ҳикоя, маъруза, изоҳ, қонун, қоида ва атамаларнинг тўғри талқини, кенгайтирилган баҳолаш мулоҳазалари кабилар монологик нутқнинг анча кенг тарқалган турлари саналади. Диалогик нутқ ўқитувчининг ўқувчилар билан олиб борадиган дарс ва дарсдан ташқари турли мавзулардаги суҳбатлари шаклида берилади. Бундан ташқари, педагогик амалиётда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ўзаро саломлашишни, баҳолаш туфайли юзага келадиган тушунмовчиликларни, ҳар хил мулоҳазалар билан ўзаро фикр алмашиш заруриятини билдирадиган, мавҳум муаммоларни, фавқулотда ҳодисаларни, ахлоқ меъёрларини муҳокама қилишни талаб қиладиган вазиятлар ҳосил қилинади.

Ўқитувчининг нутқи педагогик фаолиятига мос келадиган муайян талабларга жавоб бериши лозим:

- мукаммал меъёрларга эга бўлиши (ҳозирги замон адабий тилига хос бўлган акцентологик, орфоэпик, грамматик меъёрларга мос келиши лозим);
- сўзларни қўллашда аниқлик (сўзлар жарангдор, мулойим ва аниқ талаффуз этилиши);
- ифодалилик (образлилик, ҳиссийлик, ёркинлик). Умуман нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, ўринли қўлланилиши, луғавий жиҳатдан бойлиги, ифодалилиги, софлиги каби сифатлари ўқитувчининг нотиқлик маданиятини белгилайди.

Ўқитувчининг нутқи ёш авлодга таълим ва тарбия бериш вазифаларини бажарилишини таъминлайди. Ўқитувчи ўз нутқининг мазмуни, сифат ва самарадорлиги, унинг натижасида пайдо бўладиган оқибатлар учун ижтимоий масъулдир. Шунинг учун ўқитувчи нутқи унинг педагогик маҳоратида муҳим аҳамиятга эга бўлган фаолият деб эътироф этилади.

Ф.Н.Гоноболин ва Т.А.Ладыженская каби олимларнинг таъкидлашича, “ўқитувчининг нутқи” (синоними – “педагогик нутқ санъати”) адабий тил қоидаси бўйича, сўз бирикмасида ўқитувчининг оғзаки нутқи (ёзма нутқдан фарқ қиладиган) ҳақида гап борганидагина ишлатилади. Оғзаки нутқ деганда ҳам гапириш жараёнини, ҳам бу жараённинг натижаси бўлмиш оғзаки фикр-мулоҳазани назарда тутишади. Ўқитувчининг оғзаки нутқи–бу овоз чиқариб гапириш пайтида (овоз чиқариб ўқилган ёзма нутқ, масалан

дарсликда берилган мавзунинг бандини овоз чиқариб ўқишдан фарқ қиладиган) ҳосил қилинадиган нутқдир.

Нутқий фаолият бутун таълим-тарбиявий жараённи қамраб олади. Шу сабабли нутқнинг қуйидаги сифатларини алоҳида тавсифлаш мумкин:

1) бадиий адабий тил нормаларининг талаффузига риоя қилиш (урғу, грамматика, орфография);

2) нутқнинг предметли ва тушунчавий жиҳатдан аниқлиги;

3) мантиқ ва тафаккур қонуниятларига мос келадиган даражада тил бирликларининг нутқда маъно жиҳатидан бирикишида намоён бўладиган мантиқийлиги ва узвийлиги;

4) ахлоқ меъёрларига тўғри келмайдиган, адабий тилга бегона бўлган унсурлардан ҳоли бўлган соф нутқ тили;

5) нутқнинг ифодалилиги – ўқитувчилар ва ўқувчилар диққатини ва қизиқишини сусайтирмасликка ёрдам берадиган тузилмавий ўзига хос нутқ;

6) нутқнинг бойлиги (ранг-баранглиги) – бир хил белгили сўзлар занжирининг ва маъноли сўзларнинг такрорланмаслиги, тил тузилмасининг хилма хиллиги (сўзлар, сўз бирикмаларга бойлиги, луғавий, фразеологик, семантик жиҳатдан бойлиги);

7) тилнинг барча воситаларини боғлаб турадиган ва эстетик функцияга эга бўлган нутқнинг нафислиги (эстетикаси) .

Ўқувларни касбга, ижтимоий фойдали меҳнатга қизиқтириш, уларни келгусида қизғин ҳаётга тайёрлаш, асосан мулоқот қилиш қобилиятларини ривожлантириш лозим.

Нотиқлик ёки нутқий фаолият бўлажак ўқитувчилардан нотиқлик санъатини ўзларида шакллантириш учун маълум бир махсус қобилиятларга эга бўлишни талабю қилади:

- ижтимоий перцептив қобилият;
- ижтимоий тасаввур қобилияти;
- ўзини бошқара олиш қобилияти;
- мулоқотда ўзининг руҳий ҳолатини бошқара олиш қобилияти;
- иродавий таъсир кўрсатиш қобилияти;
- ишонтира олиш қобилияти.

“Педагогик нутқ” тушунчаси билан “ўқитувчининг коммуникатив муомаласи” тушунчаси бир-бири билан ҳамиша чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Машҳур психолог олим А.А.Леонтьев «Педагогик мулоқот» номли китобида коммуникатив мулоқот деганда фақат гапириш жараёнини ва ахборот етказишни эмас, балки ўзаро муносабатлар табиатига таъсир қиладиган таъсирчан нутқни ташкил қилишни, ўқитувчи ва ўқувчилар мулоқотидаги ҳиссий-руҳий муҳитни ҳам назарда тутган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўқитувчининг нотиқлиқ қобилияти ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Умуман, нутқий фаолият турларининг таснифи замирида ҳали ечимини кутаётган долзарб муаммолар мавжуд. Улар хилма-хил таърифларга эга бўлиши мумкин. Жумладан, шундай муаммолардан бири ўзига хос хусусиятга эга бўлган жамоат жойларда қўлланиладиган нутқий фаолиятдир. Жамоат жойларда қўлланиладиган нутқий фаолиятнинг ижтимоий-сиёсий, касбий-ишлаб чиқаришга оид, ўқув-педагогик, академик (илмий), суд жараёнига оид, дипломатик, ижтимоий-маиший каби турларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

**Адабиётлар:**

1. Апресян Г.З. Ораторское искусство. М., Изд-во МГУ, 1978. – 280 с.

2. Нестерова Т.Г. Учебная задача как средство развития речевой деятельности студентов // Материалы Всероссийской научно-практической конференции. – Оребург, 2010.- Ч. 4.

3. Бочкарёва Т.С. Развития речевой культуры студентов //Вестник Оренбургского государственного университета, 2001.- №. 2.

4. Калмыкова И. Р. Работа над техникой речи в курсе школьной риторики. — Ярославль, 1997.

5. Кайковус. Қобуснома (Форсчадан Муҳаммад- Ризо Огаҳий таржимаси).: С.Долимов. – Т., Ўқитувчи, 2006. – 208 б.

6. Маҳмудов Н. М. Ўқитувчи нутқ маданияти. Дарслик. – Т.: Ўзб. Миллий кутубхонаси, 2007. – 185 б.

7. Муҳиддинов А.Г. Ўқув жараёнида нутқ фаолияти. – Т.: Ўқитувчи, 1995.

8. Навоий А. Маҳбуб ул–қулуб. Асарлар 15-том.- Т.: “Фан” 2005.

9. Основы культуры и искусства речи: учеб.пособие / Т. Ф. Посадскова и др; под ред. В. А. Лапшина и Ю. П. Богачева. — М., 1999. - С. 28

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада ўқитувчи касбий маҳоратида нотиқлик қобилиятининг энг муҳим санъат сифатида намоёт бўлиши, таниқли олимлар илмий тадқиқот ишларида етакчи муаммолардан бири бўлиб келганлиги, унинг бугунги кундаги аҳволи, ривожлантириш зарурияти, замонавий нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Муаллиф ўқитувчи педагогик фаолиятида нотиқлик қобилияти сирларини пухта эгаллаши қанчалик муҳим эканлигини таъкидлаш билан, уни янада такомиллаштириш йўлларини ёритиб берган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье анализируется проявление ораторского искусства как важнейшего искусства в профессиональном мастерстве педагога, то, что необходимость его развития стала одной из ведущих проблем в научно-исследовательской работе известных учёных. Автор подчеркнул, насколько важно учителю овладеть секретами ораторского искусства в своей педагогической деятельности и выделил пути его дальнейшего совершенствования.

**SUMMARY**

This article analyzes the manifestation of oratory as the most important art in the professional skill of a teacher, the fact that the need for its development has become one of the leading problems in the research work of famous scientists. The author emphasized how important it is for a teacher to master the secrets of oratory in his teaching activities and highlighted ways for its further improvement.

# TA’LIM MUASSALARIDA KASBIY MANAVIY MUHITNI SOG‘LOMLASHTIRISH MEXANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI

***Karaboyeva M.Q.***
*Qori Niyoziy nomidagi Tarbiya pedagogikasi milliy instituti*
*1-bosqich doktoranti*

**Tayanch so‘zlar:** pedagogika, psixologiya, yangicha tafakkur, ta’lim va tarbiya, kasbiy ma’naviy muhit, sog‘lomlashtirish, mexanizmlar.

**Ключевие слова:** педагогика, психология, новое мишление, образование и воспитание, профессионалная духовная среда, укрепление здоровя, механизми.

**Key words:** pedagogy, psychology, new thinking, education and upbringing, professional spiritual environment, health promotion, mechanisms.

Jamiyat ijtimoiy hayotining muhim tarkibiy qismi sifatida ta’lim ham o‘zgarmog‘i, yangi langan jamiyatning manfaatlariga xizmat qilmog‘i kerak. Mustaqil davlatimizda bu jarayon ta’lim sohasidagi Davlat siyosatining huquqiy asoslarini yaratib berishdan boshlandi.

"Аялаў поэзиясы" did not aim at "erkeletio" (petting), "аялап-әлпешлеўди" (caring), "марапатлаўды" (encouragement) in child education, but to grow up as a healthy human being with a sense of humanity. Even today, such practices have been completely preserved among the people, and the "Alla" songs, which have become the basis of the people's health care, are an example. In such "аялаў поэзиясы" of the Karakalpak people, the love, wishes and dreams of parents for their children are mentioned.

The results obtained. Our people have always paid great attention to body beauty, proper nutrition and physical activity while leading a healthy life. Our people's adherence to health traditions is reflected in popular sayings such as “Ден саўлық-терең байлық”, “Аўырыў астан”, “Дени саўдың – тәни саў”,

“Ас адамның арқаўы”, “Сынықтан басқаның бәри жуғады”. The health of young people is the property of the whole society. Health is the main guarantee and condition for a full, happy life. Health is a necessary condition of human life, a quality indicator that ensures a healthy state of the body. The identity of health care traditions formed in people's life experience improves the reproductive health of everyone in society, family, and everyday life[6].

The attitude of young people to folk health traditions is carried out as a result of certain pedagogical influence. Among the students of the higher education system, the traditions of folk health were studied within the disciplines of "Folk pedagogy", "Health, manners - ethics", "Physical education", "Medicinal plants of folk medicine". Students will have the opportunity to promote the knowledge, skills and abilities they have acquired in the training to others. For the first time, the traditions of health care, formed in the experiences of the Karakalpak people, are being scientifically analyzed from a pedagogical point of view. In the scientific research work carried out within the framework of teaching young people to maintain health in Karakalpak folk pedagogy, the traditions of Karakalpak people's health care were clarified in the process of pedagogical education from the point of view of medicine and spiritual culture.

In the history of the development of the Karakalpak people, physical exercises and folk games were considered important in maintaining human health. Studying the history and culture of different nations shows that each of them understood the importance of physical health and organized sports games and competitions for young people.

When it comes to the traditions of teaching young people to maintain health in Karakalpak folk pedagogy, the first thing that comes to mind is such a set of exercises, games and competitions. Folk physical exercises and folk games formed in the life experiences of Karakalpak people since ancient times are " ат шабыс " (horse riding), "ылақ ойын" (goat game), "арқан тартыў" (rope pulling), "шүллик" (throwing a stick with a stick), "палўанлар гүреси" (wrestlers' fight) is composed of Even today, physical exercise takes first place in the basic rules of health. Physical and mental health was considered a strong value of the society in all times. In ancient times, doctors understood this as the main condition for the perfection of free human activity[4].

The attitude to health is formed as a result of a certain pedagogical influence. In the higher education system, the tradition of educating young people about health care is considered as a complex of actions, considerations, behavioral patterns and self-evaluations that are more or less directly determined by the conditions of modern life. In addition to the considered factors, an increase in the volume of

negative information received from various information sources leads to mental and emotional overstrain of young people, and a decrease in healthy lifestyle.

The formation of Karakalpak folk health traditions is directly related to high and folk ceremonies, traditions, and national values. People's health care traditions mean organizing lifestyle in accordance with the purpose, realizing the value of life. Summarizing the essence of the tradition of teaching young people to maintain health in Karakalpak folk pedagogy, we came to the conclusion that it serves the well-rounded development of students of every higher education system. Phrases such as "A healthy people, a healthy nation are capable of great things" mentioned in the values have an educational significance in that protecting the health of young people becomes a sacred human duty of everyone.

**Conclusion.** One of the most important and responsible tasks of any society is to protect the health of the population and youth. In order to successfully solve many problems of modern social development, a person must be healthy and in the spirit of confidence in his future. In Karakalpak folk pedagogy, the traditions of teaching young people to maintain health are formed in the traditions and programs of the people. The people of Karakalpak have long paid great attention to the health of the future generation. That's why our people are careful in kinship relations with people belonging to the same "uryo" (seed). That is, it is not allowed to have god-parent relations among people of the same "uryo" (seed).

Such folk traditions are important for maintaining the health of young people and for the birth of a healthy generation in the society. The folk health traditions analyzed in the process of scientific research were formed in the ancient way of life of the Karakalpak people, and they have been studied until today in folk art, proverbs, and epics, and their educational importance in maintaining the health of young people is emphasized.

**Literature:**

1. Алеуов Ө, Өтебаев Т. Қарақалпақстанда педагогика илиминиң қәлиплесиўи ҳәм раўажланыўы. Оқыў қолланба. Ташкент-2007.-130 б.

2. Баҳадырова С. Қарақалпақ қандай халық –Ташкент, «Наврўз» баспасы. 2017 ж., 256 б.

3. Марков В.В. Основы здорового образа жизни и профилактика болезней:учеб.пособие для студентов пед.вузов.М.:Академия, 2001. 320 с.

4. Норқобилов М.Н., Мирходжаева З.С., Маҳмудов В.В. Жисмоний маданият ва спорт машғулотларида соғлом турмуш тарзини талабалар онгига сингдиришда педагогик ёндошувлар. // Монография. Тошкент 2019.-138б.

5. Торежанова Р.У. Традиции эстетического воспитания молодёжи в каракалпакской народной педагогике. автореф…дисс…канд…пед…. наук… -Ташкент 2007.-24 с

6. Сапаров Т. «Экологик нақулай минтақалардаги мактаб ўқувчилари соғлиғини сақлашга йўналтирилган ўқитиш технологиялари» Пед.фанл.номз.…дисс.автореф.- Ташкент -2011. 24б.

7. Бекжанов Б.К. Халқымыз қәдирлеген ғәзийнелер- Нөкис, 2016.-76 б.

**РЕЗЮМЕ**

Maqolada qoraqalpoq xalqining qadimiy salomatlik an'analari va ularning bugungi kunimizda inson salomatligini asrashdagi ahamiyati haqida so'z boradi. Qoraqalpoqlar qadimdan iqlim sharoitidan kelib chiqib, xalq salomatligiga katta e'tibor berib kelgan. Qadim zamonlarda tabiat qo'ynida yashab, tabiat hodisalarini o'rganib, ulardan salomatlikni saqlashda foydalangan Qoraqalpoq xalqlarini davolashning qadimiy usullarini o'rganish bugungi kunning dolzarb muammolaridan biridir.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются древние традиции здравоохранения каракалпакского народа и их значение в сохранении здоровья человека в наши дни. Каракалпакцы издревле уделяли большое внимание здоровью народа, исходя из климатических условий. Изучение древних методов лечения народов Каракалпакии, живших в древности на лоне природы, изучавших явления природы и использовавших их для поддержания здоровья, является одной из актуальных проблем современности.

**SUMMARY**

The article examines the ancient health care traditions of the Karakalpak people and their importance in maintaining human health today. Since ancient times, Karakalpak paid great attention to the health of the people based on the climatic conditions. Studying the ancient treatment methods of the people of Karakalpak, who lived close to nature in ancient times and studied natural phenomena and used them to maintain health, is one of the urgent issues of today.

# МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲӘМ РУЎХЫЙЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

## ДҮНЬЯЛЫҚ МӘМЛЕКЕТ ДЕГЕН НЕ?

***Абаев С.***
*Әжинияз атындағы НМПИ Миллий идея, руўхыйлық тийкарлары ҳәм ҳуқық тәлими кафедрасының доценти,*
*Қарақалпақстан Республикасына мийнети сиңген билимлендириў хызметкери*

**Таянч сўзлар:** конфессиялар, Конституция,жамият, дунёвий давлат, принциплар ва нормалар, диний фанлар, фуқаро, дин.

**Ключевые слова:** конфессии, Конституция, общество, светское государство, принципы и нормы, религиозные науки, гражданин, религия.

**Key words:** confessions, Constitution, society, secular state, principles and norms, religious sciences, citizen, religion.

Жаңа редакциядағы Конституция миллетлер, конфессиялар арасында татыўлық ҳәм қәўипсизликти тәмийинлеў мақсетинде Өзбекстанның «дүньялық мәмлекет» сыпатындағы статусын да беккемледи. Усы тийкарда, буннан былай да, мәмлекетимизде миллетлер, конфессиялар арасында татыўлық ҳәм қәўипсизликти тәмийинлеў сиясатының жедел даўам еттирилетуғыны, жәмийетимизде ҳәр қандай радикалласыўға пүткиллей жол қоймайтуғыны атап өтилди.

Жаңаланған Конституцияда биринши мәрте Өзбекстан Республикасына дүньялық мәмлекет деп тәрийип берилди. Бул пикир, усыныслар Президентимиз Шавкат Мирзиёвтың усынысы менен әмелге асты.

Ҳәзирги заманда цивилизацияның алдынғы қатарында баратырған еллердиң дерлик барлығы дүньялық мәмлекет болып табылады. Дүньялық мәмлекет дин мәмлекеттен ажыратылған, мәмлекеттиң ишки ҳәм сыртқы сиясатына араласпайтуғын, мәмлекет өз функцияларының ҳеш қайсысын диний шөлкемлерге жүклемейтуғын, мәмлекетлер диний шөлкемниң күнделикли ислерине араласпайтуғын мәмлекет болады. Дүньялық мәмлекетте ҳеш бир динге артықмашылық берилмейди, барлық динлердиң нызам алдында теңлиги реал әмелге асырылады. Онда билимлендириў системасы диннен ажыратылады, оқыў системасының мазмунына диний пәнлер киргизилмейди.

Әлбетте, дүньялық мәмлекетте дин мәмлекеттен ажыратылғанлығы менен ол жәмийеттен ажыратылыўы мүмкин емес. Усы жағдайдан келип шыға отырып, диниң жәмийетлик мәнаўий-тәрбиялық роли тән алынады.

Мәмлекетлердиң динге мүнәсибети бойынша екиге бөлиў мүмкин: Дүньялық ҳәм диний. Дүньялық мәмлекет дегенимиз – дүньялық принциплерге, илимге, адамлардың азатлық, теңлик қағыйдаларына тийкарланатуғын ҳәм инсан ҳуқықлары конституциялық дәрежеде тән алынатуғын ҳәм оған әмел ететуғын демократиялық улыўма инсаныйлық қәдириятлар системасының ең әҳмийетли буўыны.

Улыўмаластырып айтқанда, дүньялық илим дегенимиз бизди қоршаған объектив дүнья, тәбият ҳаққындағы жәмийетлик қатнасықлардың мәниси туўралы илимлер болады. Олар тиккелей бизди қоршаған әлемниң тәбият ҳәм жәмийеттиң нызамларын изертлеў арқалы қәлиплеседи. Диний илимлер дегенимиз – муқаддес китаплар, қураны карим, Ҳадислер ҳәм адамзатты Алла жаратқанлығы, адамлардың жасаў тәртиби, ҳадаллық, әдеп-икрамлылық, ийман, о дүнья, бейиш ҳәм дозақ ҳаққындағы ҳәм сол сыяқлы билимлер системасы есапланады.

Соны да айрықша атап өтиў орынлы, диний илимлер қурамында дүньялық илимлерге де тән болған билимлер көплеп ушырасады ҳәм адамгергиликли жасаў тәртиби ҳаққындағы оғада унамлы пикирлерге бай идеяларды өзинде жәмлестирген.

Диний ҳәм дүньялық билимлерди бир-бирине қарсы қоймаў кереклигин пүткил адамзат тарийхы дәлиллеп отыр. Керисинше, олар бир-бирин толықтырып, байытып турады. Бул пикирдиң дурыслығын ислам дининиң және дүньялық ҳәм диний илимлердиң раўажланыўына унамлы тәсир еткенлигин де айқын көремиз. **Өзбекстан Республикасының жаңаланған Конституциясында** дүньялық мәмлекетке тән болған принциплер ҳәм нормалар өз сәўлелениўин тапқан.

Өзбекстан Республикасының Конституциясында барлық пуқараларға ҳүждан еркинлигине ийе болыўына кепиллик берди. Мәселен, 35-статья **«Ҳүждан еркинлиги ҳәмме ушын кепилленеди. Ҳәр ким қәлеген динге исениўге ямаса ҳеш бир динге исенбеў ҳуқықына ийе. Диний көзқарасларды мәжбүрий сиңдириўге жол қойылмайды»**, деп айрықша тәрийип берилди. Мәмлекетимиз дин ҳәм ҳүждан еркинлигине үлкен әҳмийет бере отырып, халықтың мәнаўиятына сәйкес келетуғын ийман, исеним, әдиллик, инсап, турақлылық, мийрим-шәпәәт, ар-намыслы, ҳадаллық, шын сөзлилик, әдеп-икрамлық, сақаўатлылық сыяқлы пазыйлетлерди раўажландырыў ҳәм беккемлеўди тийкарғы ўазыйпа етип белгиледи.

Ҳәзирги дәўирде ҳүрметли Журтбасшымыз Шавкат Мирзиёев басшылығында халқымыз Жаңа Үшинши Ояныў дәўирине қәдем тасламақта. Ҳақылы түрде бүгинги раўажланыў басқышымыз «Жаңа Өзбекстан ҳәм

Үшинши Ренессанс» сөзлери менен белгиленип, халқымызды жаңа мақсетлерге ҳәм шеклерге бағдарламақта.

Үшинши Ренессанстың төрт тығыз ҳалқасы болған бақша, мектеп, жоқары оқыў орны ҳәм илим-пән тараўларын раўажландырыў мәселелерин де Конституциялық беккемлеў зәрүр.Булардың бәршеси Жаңа Өзбекстанды қурыў ушын бизге конституциялық реформалар зәрүрлигинен дерек береди.

Жаңа Өзбекстанды қурыў, еркин ҳәм әдил пуқаралық жәмийетин қәлиплестириўге қаратылған өз ара байланыслы ҳәм өз ара шәртленген демократиялық сиясий, экономикалық, социаллық ҳәм ҳуқықый терең реформаларды конституциялық жақтан тәмийинлеў нәзерде тутылған.

Журтбасшымыз өз шығармасында атақлы мәмлекетлик ҳәм жәмийетлик искер Шарл де Голлдың мына сөзлерин келтиреди: «Солон айтқанындай, Конституция бир халыққа белгили бир дәўирде жақсы. Оны жансыз дене сыяқлы мумияламаў лазым».

Және бир атақлы мәмлекетлик искер Уинстон Черчилдиң «жақсы болыў ушын – өзгериў керек, ал жақсылардың жақсысы болыў ушын және де көбирек өзгериў керек» деген сөзлеринде де терең турмыслық мәнис жәмленген.

Улыўмаластырып айтқанда, Жаңа Өзбекстанды қурыў барысында Конституциялық реформаларды әмелге асырыўдан гөзленген мақсет – Ўатанымыздың раўажланыўы, халқымыздың абаданлығын жаңа басқышқа көтериўден ибарат.

**Әдебиятлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «O‘zbekiston», 2023
2. Закон Республики Узбекистан «Об образовании» от 23.09.2020г., № ЗРУ – 637.

**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада янги таҳрирдаги Конституция миллатлар, конфессияларо тотувлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистоннинг “Дунёвий давлат” сифатидаги статусини мустаҳкамлади ва шу асосда бундан буён ҳам мамлакатимизда миллатлар, конфессияларо тотувлик ва хавфсизликни таъминлаш сиёсатининг жадал давом эттирилиши ҳақида айтиб ўтилади.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье новая редакция Конституции закрепила статус Узбекистана как «светского государства» в целях обеспечения национального, межконфессионального согласия и безопасности, и на этой основе отмечается, что политика обеспечения национального, в нашей стране будут интенсивно сохраняться межконфессиональное согласие и безопасность.

**SUMMARY**

In this article, the new edition of the Constitution consolidated the status of Uzbekistan as a “secular state” in order to ensure national, interfaith harmony and security, and on this basis it is noted that the policy of ensuring national interfaith harmony and security will be intensively maintained in our country.

# MA’NAVIYATNI YUKSALTIRISH MAMLAKATIMIZDA DAVLAT SIYOSATI DARAJASIDA

***Primbetov K.***
*Ájiniyaz atindaǵı NMPI filosofiya pánleri doktorı*
*(pedagogika jónelisi PhD) dotsent v.v*
***Jumaboyeva M.***
*Ajiniyoz nomidagi NDPI Milliy g’oya,*
*ma’naviyat asoslari va huquq ta’limi yo’nalishi 2-bosqich talabasi*

**Tayanch so’zlar:** yoshlarning ta’lim-tarbiya olishi, komil inson bo’lib ma’naviyatli shaxs bo’lib voyaga yetishi, har tomonlama yetuk barkamol inson bo’lishi, ajdodlarimizning boy merosi va milliy qadriyatlariga asoslangan kuchli ma’naviyatni bunyod etish.

**Ключевые слова:** воспитывать молодежь, вырастить совершенным человеком и духовной личностью, стать зрелой и совершенной личностью во всех отношениях, построить сильную духовность, основанную на богатом наследии и национальных ценностях наших предков.

**Key words:** to educate young people, to grow up as a perfect human being and a spiritual person, to become a mature and perfect person in all respects, to build a strong spirituality based on the rich heritage and national values of our ancestors.

Bizning xalqimiz qadim-qadimdan uzoq boy tarixga ega. Ajdodlarimiz asrlar mobaynida ta’lim- tarbiya masalalariga jiddiy qaragan, shu bois ular o’z navbatida avlodlarga ta’lim-tarbiya masalalariga doir bir qancha asarlar qoldirgan. Bu kabi noyob asarlar insonparvarlik, kamtarlik, mehnatsevarlik, do’stlik, iymon-e’tiqod, mehr-oqibat,odob-axloq kabi umuminsooniy fazilatlarni shakllantirishning o’ziga xos usullarini jamlagan. Jamiyatda har tomonlama yetuk, barkamol inson o’z-o’zidan paydo bo’lmaydi, bunday komil insonlar ajdodlar qolgan umumbashariy an’anlar, milliy qadriyatlar asosida tarbiyalanadi.

Insoniyat dunyoga kelar ekan bu dunyoning oq-u qorasidan bexabar bo’ladi. Ulardan hayoti davomida ma’lumotlar olib boradi, sinaladi shu tariqa yuksaladi. Har qadamda turli xil chigalliklar, turli xil muammolar chiqib qolishi mumkin, bunday holatda ota-onalar maslahatlari, talim- tarbiya berib farzandini egri yo’lga

kirishdan saqlab qoladi. Farzandini yoshligidan ta'lim-tarbiya berib yuksaltirib, ularni egri yo'ldan saqlab qoluvchi bu uning ota-onasidir. Shu sababdan ham tarbiya oiladan boshlanadi, farzandning yaxshi inson bo'lib ulg'ayishi ota-ona zimmasidagi katta mas'uliyatlardan biridir. Hikmatlarda: "Bolalaringizni tarbiyalamang, o'zingizni tarbiyalang. Ular baribir sizga o'xshagan bo'ladi" – deyilgan[1].

Farzand uyning ko'zgusidir, u uyda olgan tarbiyasini jamiyatda namoyon qiladi. Shu sababli ham ota-ona o'zini tarbiyalagan bo'lishi lozim. Qush uyasida ko'rganini qiladi deganidek, farzand ham ota-onasi tomon talpinadi, ularni ko'rganini takrorlaydi. Ota-ona farzandga o'zi namuna bo'la olsagina farzand tarbiyali, bilimli va ma'naviyatli bo'lib o'sadi.

Ana shunday ekan, hayotda ta'lim-tarbiyada ma'naviyat alohida muhim ahamiyat kasb etadi. Ma'naviyatli insongina hayotda o'z o'rnini egallaydi, komil inson bo'lib shakllanadi, ravnaq topadi. O'zbekistonda mustaqillikning dastlabki yillaridan boshlab ma'naviyat masalalariga, uning yoshlarda shakllanishi va rivojlanish muammosiga ulkan ahamiyat berib kelinmoqda. Ma'naviyatni yuksaltirish mamlakatimizda davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. Bu xususida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2021-yil 19-yanvar kuni ma'naviy-ma'rifiy ishlar tizimini tubdan takomillashtirish, bu borada davlat va jamiyat tashkilotlarining hamkorligini kuchaytirish masalalari bo'yicha o'tkazilgan videoselektor yig'ilishlarida shunday fikrlarni aytdilar: "Agar jamiyat hayotining tanasi iqtisodiyot bo'lsa, uning joni va ruhi ma'naviyatdir. Biz yangi O'zbekistonni barpo etishga qaror qilgan ekanmiz, ikkita mustahkam ustunga tayanamiz. Birinchisi bozor tamoyillariga asoslangan kuchli iqtisodiyot, ikkinchi ajdodlarimizning boy merosi va milliy qadriyatlariga asoslangan kuchli ma'naviyatdir".

Mamlakatimizda barpo etilayotgan fuqarolik jamiyati ma'naviy barkamol, ruhan yetuk shaxslar jamiyati bo'lishi ham mavzuning dolzarbligini ko'rsatadigan omillardan biridir. Mavzuning dolzarbligini belgilaydigan yana bir muhim jihat shundaki, bizning jamiyatimizga yot bo'lgan kuchlar: terroristlar, diniy aqidaparastlar, transmilliy, kiberjinoyatchilik va boshqa buzg'unchi g'oyalarni tashuvchilar asosiy e'tiborni o'smirlar va yoshlarni o'z tomonlariga ag'darib olishga harakat qilmoqdalar. Sababi ma'naviyatga qilingan tahdid mamlakatni inqirozga olib kelishini mumkinligini ular juda yaxshi anglashadi. Yoshlarni yuksak axloq va intizomli qilib tarbiyalash, ularning sifatli ta'lim olishi va vatanparvarlik ruhida voyaga yetishi mamlakat iqtisodiy va siyosiy taraqqiyotining kaliti hisoblanadi. Bu esa ijtimoiy barqarorlik va muvaffaqiyat asosidir. Bugungi kunda yoshlar tarbiyasi muammolari deyarli barcha mamlakatlar uchun umumiy

masaladir. Sayyoramizning ertangi kuni, farovonligi farzandlarimiz qanday inson bo‘lib kamolga yetishi bilan bog‘liq.

Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyevning ma’naviyat va ma’naviy tarbiya masalalariga bag‘ishlangan asarlarida bu muammolar shaxs ruhiyati, psixologiyasi bilan bog‘lab izohlanadi. Bunday yondashuv psixolog olimlar va tadqiqotchilar uchun metodologik tayanch vazifasini bajaradi. O’smirlar ma’naviyatini yuksaltirish masalalarining O‘zbekistonda davlat siyosati darajasiga ko‘tarilishi shu yo‘nalishda ijtimoiy-gumanitar fanlarda olib borilayotgan tadqiqotlar kengayishiga kuchli ta’sir o‘tkazdi. Bu sohada, ayniqsa, mamlakatimiz faylasuflari, siyosatshunoslari, pedagog-olimlari tomonidan ko‘zga ko‘rinarli ishlar amalga oshirildi. Ayni paytda mamlakatimiz psixologlari tomonidan shu yo‘nalishda olib borilayotgan tadqiqotlarni yetarli, deb bo‘lmaydi. O‘zbekistonda ma’naviyat va uning qadriyatlari bilan bog’liqligi,tarbiyada muhim omil ekanligi davlat siyosati darajasiga ko‘tarilishi, bu muammolarga davlat tomonidan, ayniqsa, Prezidentimiz tomonidan katta e’tibor berilishi mazkur muammolarni atroflicha va barakali tadqiq uchun shart-sharoit yaratdi.

Ma’naviyati kuchli xalq hamma jabhada tik ko’z bilan boqa oladi. Nega deganda insoniyatning ko’p ming yillik tajrubasi shundan dalolat beradiki, dunyodagi zo’ravon va tajovuzkor kuchlar qaysi bir xalq yoki mamlakatni o’ziga tobe qilib, bo’ysundirmoqchi, uning boyliklarini egallamoqchi bo’lsa, avvalombor, uni qurolsizlantirishga, ya’ni, eng buyuk boyligi bo’lmish milliy qadriyatlari, tarixi va ma’naviyatini judo qilishga urinadi [2]. Buning tasdig’ini uzoq va yaqin tarixdagi o’tmish bilan yaqqol ko’rishimiz mumkin. Binobarin, ma’naviyatga qarshi qaratilgan har qanday tahdid o‘z-o‘zidan mamlakat xavfsizligini, uning milliy manfaatlarini, sog‘lom avlod kelajagini ta'minlash yo‘lidagi jiddiy xatarlardan biriga aylanishi va oxir-oqibatda jamiyatni inqirozga olib kelishi mumkin. Kezi kelganda ilgari aytgan bir fikrimni takrorlamoqchiman: bu dunyoda tabiatda ham, jamiyatda ham bo'shliq bolmaydi. Qayerdadir bo‘shliq paydo bo‘ldimi, hech shubhasiz, uni albatta kimdir to‘ldirishga harakat qiladi[3].

Ma’naviyat - insonni ruhan poklanish, qalban ulg‘ayishga chorlaydigan, odamning ichki dunyosi, irodasini baquwat, iymon-e’tiqodini butun qiladigan, vijdonini uyg‘otadigan beqiyos kuch, uning barcha qarashlarining mezonidir, desak, menimcha, tariximiz va bugungi hayotimizda har tomonlama o‘z tasdig‘ini topib borayotgan haqiqatni yaqqol ifoda etgan bo‘lamiz. Mening nazarimda, «ma’naviyat» tushunchasi jamiyat hayotidagi g‘oyaviy, mafkuraviy, ma’rifiy, madaniy, diniy va axloqiy qarashlami o‘zida to‘la mujassam etadi. Shuning uchun ham bu mavzuda fikr yuritganda, mazkur qarashlarning barchasini umumlashtirib, keng ma’nodagi «ma’naviyat» tushunchasi orqali ifoda etish

mumkin. Ma'naviyatning negizi va ma'no-mazmunini belgilaydigan asosiy xususiyatlar, birinchi galda insonning ruhiy poklanishi va qalban ulg'ayishi haqida gapirar ekanmiz, bir masalaga alohida e 'tibor berishimiz lozim[4].

Albatta, har qaysi xalq yoki millatning m a'naviyatini uning tarixi, o'ziga xos urf-odat va an'analari, hayotiy qadriyatlaridan ayri holda tasavvur etib bo'lmaydi. Bu borada, tabiiyki, ma'naviy meros, madaniy boyliklar, ko'hna tarixiy yodgorliklar eng muhim omillardan biri bo'lib xizmat qiladi. Bizning qadimiy va go'zal diyorimiz nafaqat Sharq, balki jahon sivilizatsiyasi beshiklaridan biri bo'lganini xalqaro jamoatchilik tan olmoqda va e'tirofetmoqda. Bu tabarruk zamindan ne-ne buyuk zotlar, olim-u ulamolar, siyosatchi va sarkardalar yetishib chiqqani, umumbashariy sivilizatsiya va madaniyatning uzviy qismiga aylanib ketgan dunyoviy va diniy ilmlaming, ayniqsa, islom dini bilan bog'liq bilimlarning tarixan eng yuqori bosqichga ko'tarilishida ona yurtimizda tug'ilib kamolga yetgan ulug' allomalarning xizmatlari beqiyos ekani bizga ulkan g'urur va iftixor bag'ishlaydi. Hozirgi davrda yutimiz jadal rivojlanayotgan davrda yoshlarimiz G'arb mamlakatlari ma'naviyatiga taqlid qilmoqda. Bu juda achinarli holatdir. Negaki bizning o'zligimiz, an'analarimiz, qadriyatlarimizdan G'arb davlatlari ma'naviyati ustunlik qilmoqda.

Bugun biz tarixiy bir davrda - xalqimiz o'z oldiga ezgu va ulug' maqsadlar qo'yib,tinch-osoyishta hayot kechirayotgan, avvalambor o'z kuch va imkoniyatlariga tayanib, demokratik davlat va fuqarolik jamiyati qurish yo'lida ulkan natijalarni qo'lga kiritayotgan bir zamonda yashamoqdamiz.

Biz o 'z taqdirimizni o'z qo'limizga olib, azaliy qadriyatlarimizga suyanib, shu bilan birga, taraqqiy topgan davlatlar tajribasini hisobga olgan holda, mana shunday olijanob intilishlar bilan yashayotganimiz, xalqimiz asrlar davomida orziqib kutgan ozod, erkin va farovon hayotni barpo etayotganimiz, bu yo'lda erishayotgan yutuqlarimizni xalqaro hamjamiyat tan olgani-bunday imkoniyatlaming barchasini aynan mustaqillik berganini bugun hammamiz chuqur anglaymiz[1].

Har bir davrda barcha rivojlangan davlat va jamiyatlar o'zlari uchun muhim bo'lgan yo'nalishlarda ma'lum bir maqsadlarga eltuvchi strategiyani ishlab chiqadi. Prezident Shavkat Mirziyoyev tomonidan boshlangan demokratik islohotlar yo'lini yanada qat'iy davom ettirishga hizmat qiladigan, 2030-yillar uchun amalga oshirishga qaratilgan, asosiy maqsadi "Inson qadri uchun" degan ustuvor tamoyilni to'la ro'yobga chiqarish bo'lgan "Harakatlar strategiyasidan – Taraqqiyot strategiyasi sari" tamoyili asosidagi Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi e'lon qilindi [3].. Bugungi davrda Yangi O'zbekiston "Inson qadri ustuvor bo'lgan jamiyat va xalqparvar davlat" degan muhim g'oya negizida

barpo etilmoqda. Davlatimiz rahbari belgilab bergan bu ulug‘vor maqsad asosida xalqimiz yangidan-yangi islohotlarning haqiqiy muallifiga aylanib bormoqda.

Shuningdek, yurtimizda yashayotgan xar bir fuqaroning, butun xalqimizning farovonligini ta’minlashga xizmat qiladigan “Yangi O’zbekiston – xalqchil va insonparvar davlat” goyasini amalga oshirishga aloxida e’tibor qaratilmoqda. Shu asosda maxalliy boshqaruv organlarining joylarda muammolarni xal etishdagi roli va mas’uliyati yanada kuchaytirilmokda. Xususan, ma’naviy-marifiy ijtimoiy-siyosiy sohalarda ishlar muvaffaqiyatli bo’lmoqda. Yoshlarning ma’naviy ongini rivojlantirish, xalqimiz milliy-ma’naviy qadriyatlarini anglashda yuksak e’tibor qaratilmoqda. Hozirda yoshlarimiz turli davlatlar madaniyatini o’zlariga singdirib olmoqdalar. Shuningdek, G’arb davlatlarining madaniyatiga taqlid qilib, o’zlarimizning milliy-ma’naviy qadriyatlarimiz unutilmoqda. Yoshlarimizning yurish-turishlari, kiyinish madaniyati hattoki ular o’zbek tilida gaplashayotganlarida ham sof tilimizni buzib talqin qilishadi, turli xil chet so’zlarni qo’shib gapirmoqdalar. Shu sababdan hozirda ma’naviy-marifiy ishlar samaradorligini oshirish bo’yicha hamda mamlakatimizda ma’naviy-ma’rifiy ishlarni tizimli tashkil etish, bu borada amalga oshirilayotgan chora-tadbirlarning samaradorligini oshirish, aholi, ayniqsa yoshlarning intellektual salohiyati, ongu tafakkuri va dunyoqarashini yuksaltirish, mafkuraviy immunitetini mustahkamlash, vatanparvarlik, xalqqa muhabbat va sadoqat tuyg‘usi bilan yashaydigan barkamol avlodni tarbiyalashga alohida e’tibor qaratilmoqda.

Yoshlarning huquqiy salohiyatini oshirish hamda huquqiy madaniyatini yuksaltirish bo’yicha keng chora tadbirlar yo’lga qo’yilmoqda. Har bir O’zbekiston fuqarosi o’z huquq va erkinliklaridan bemalol foydalanishlari uchun davlatimiz keng sharoitlar yaratib bermoqda. Siyosiy ma’rifatni oshirishning tayanch nuqtasi siyosiy savodxonlik va ta’lim hisoblanadi. Jamiyatda demokratik siyosiy ongni rivojlantirish orqali faol fuqarolik imkoniyatlarini kengaytirish mumkin.

Biz rivojlangan demokratik davlatlar tajribasini o’rganishda davom etamiz, demokratik qadriyatlarga doim qodirmiz. Shuning uchun demokratiya haqida gapirganda biz avvalombor, enf rivojlangan davlatlar qatoriga kirish, eng muhimi, ular qo’lga kiritgan yutuqlarni o’zlashtrishni nazarda tutamiz[2].

Yurtimiz taraqqiy topib yuksalishi, o’zining ma’naviy-marifiy, milliy qadriyatlari ijtimoiy-siyosiy sohalarda o’z o’rnini topishi hamda buyuk rivojlangan davlatlar qatorida turishimiz uchun Taraqqiyot strategiyasi ishlab chiqilgan va o’zida alohida maqsad va ustuvor yo’nalishlarni jamlagan. Shuningdek taraqqiyot strategiyasi orqali yoshlarimiz o’zlarining ma’naviy marifiy huquqiy-salohiyatini oshiradi. Mamlakatimiz tarixda buyuk ota-bobolarimiz orzu qilgan marralalarga erishadi. Taraqqiyot strategiyasida belgilangan muammolar o’z dolzarbligi bilan

yechimini asta-sekin topmoqda hamda Uchinchi Renessans davri uchun poydevor bo'lmoqda. Bunga biz yoshlar ham o'z hissamizni qo'shmoqdamiz.

Hozirgi kunda ma'naviyatimizni asrash uchun nima qilish lozim va unga tahdid soladigan xurujlarga nimani qarshi qo'yish kerak, deb so'rasa, men avvolambor shu yurtda yashayotgan har qaysi inson o 'zligini anglashi, qadimiy tariximiz va boy madaniyatimiz, ulug' ajdodlarimizning merosini chuqurroq o'zlashtirishi, bugungi tez o'zgarayotgan hayot voqeligiga ongli qarab, mustaqil fikrlashi va diyorimizdagi barcha o'zgarishlarga daxldorlik tuyg'usi bilan yashashi zarur, deb javob bergan bo'lardim. Ishonchim komilki, ana shunday noyob insoniy fazilatlarga, yuksak ma'naviyatga ega bo'lgan xalq hech kimga hech qachon qaram bo'lmaydi, o'zining ezgu maqsadlariga albatta yetadi.

Muxtasar qilib aytganda, olis va yaqin tariximiz shuni ko'rsatadiki, xalqimiz doimo ma'naviy jasorat hissi bilan yashagan va bu ulug' tuyg'u uning hayotida yillar, asrlar o'tgani sayin tobora kuchayib, yuksalib bormoqda. Chunki xalq ma'naviyati shunday bir buyuk ummonki, har qaysi avlod undan kuch-qudrat, g'ayrat va ilhom olib, o'zining naqadar ulkan ishlarga qodir ekanini namoyon etadi.

**Adabiyotlar:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvarldagi "2022- 2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-son Farmoni. https://lex.uz/uz/docs/-5841063

2.I.Karimov. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. 2018

3. Tarbiya-chi kitobi G'iyosiddin Yunus 48-bet

4.Ona yurtimiz baxt-u iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish eng oliy baxt-saodatdir. Toshkent – " O'zbekiston" - 2015

5.www. Ziyonet.uz

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада маънавиятимизни юксалтириш асосида ёшларни маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш масалалари ҳақида сўз юритилган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье говорится о вопросах воспитания духовно совершенных молодых людей на основе повышения нашей духовности.

**SUMMARY**

This article talks about the issues of raising spiritually perfect young people based on increasing our spirituality.

# TALABALARNING TARIXIY O‘LKASHUNOSLIK FANI BO‘YICHA TADQIQOTCHILIK FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH MUAMMOSI

***Yuldasheva N.N.***
*Chirchiq davlat pedagogika universiteti tayanch doktoranti*

**Tayanch so‘zlar:** talaba, bilim, zamonaviy ta’lim, axborot, tadqiqotchilik kompetensiyasi, tadqiqot faoliyati, tadqiqot usuli, tarixiy tadqiqot, sayohat, ekskursiya, manba, arxiv hujjatlari, tarixiy o‘lkashunoslik, arxeologiya, etnografiya.

**Ключевые слова:** студент, знания, современное образование, информация, исследовательская компетентность, исследовательская деятельность, метод исследования, историческое исследование, путешествие, экскурсия, источник, архивные документы, историческое краеведение, археология, этнография.

**Key words:** student, knowledge, modern education, information, research competence, research activity, research method, historical research, travel, excursion, source, archival documents, local history, archaeology, ethnography.

1990 yillarning boshlarida sobiq ittifoq davlatlarida yuz bergan demokratik o‘zgarishlar tarix fanlari sohasiga yangicha yondashishga imkoniyat berdi. Bu esa o‘z navbatida talabalarning ilmiy-tadqiqot faoliyatini rivojlantirish uchun maxsus imkoniyatlar eshiklarini ochdi.

Mustaqillik bizga mafkuraviy buyruqlardan xalos bo‘lish, xorijiy davlatlar bilan aloqa o‘rnatish imkoniyati, xorijiy ilm-fan yutuqlari bilan tanishish, mahfiy arxiv hujjatlarining topilishi, ilgari ta’qiqlangan adabiy va ilmiy asarlarning nashr etilishi shu davrgacha noma’lum bo‘lgan Vatanimiz tarixi, o‘tmishdagi odamlarning kundalik turmush tarzi, urf-odati, madaniyati, sulolalar tarixini o‘rganish kabi bir qancha yo‘nalishlarda xolislik tamoyiliga asoslangan holda ilmiy izlanishlar olib borish imkonini berdi.

Talabalarning tadqiqotchilik faoliyati mazmunidagi o‘lkashunoslik, jumladan, tarixiy o‘lkashunoslik masalalari 1990 yillarning boshidanoq olimlar, metodistlar va pedagoglarning o‘rganish predmetiga aylangan. Turizm va o‘lkashunoslik faoliyatida talabalarning tadqiqotchilik faoliyati mazmuni

va tadqiqot usulining mohiyatini birinchilardan bo‘lib ko‘rib chiqqan pedagog A.G. Ozerovning fikriga ko‘ra, “turizmda kognitiv tadqiqot maqsadlari ijtimoiy-iqtisodiy hayot, pedagogika, ta’limda yuz berayotgan o‘zgarishlarga qaramay, bugungi kunda ham ustuvor vazifa bo‘lib qolmoqda” [1].

Avvalo “o‘lkashunoslik” va “tarixiy o‘lkashunoslik” tushunchalarining mazmun-mohiyati bilan tanishib chiqsak. Turli lug‘atlarda “o‘lkashunoslik” tushunchasi quyidagicha ta’riflanadi: “Ma’lum bir mamlakatning bir qismi, viloyat, shahar, qishloq yoki boshqa aholi punktlarining tabiati, aholisi, turmush tarzi, tarixi va madaniyatini asosan mahalliy aholi tomonidan o‘rganish” [2]; “Mahalliy aholi tomonidan o‘z ona yurti hisoblangan muayyan o‘lka, viloyat, shahar, tuman, qishloq va boshqalar hududlarning har tomonlama o‘rganilishi” [3]; “O‘lkani o‘rganish haqidagi fan; mamlakatning biror hududi haqidagi tarixiy, geografik va shu kabi bilimlar majmui” [4].

Rus tarixchisi va o‘lkashunos olimi Sigurt Ottovich Shmidt tarixiy o‘lkashunoslikni quyidagicha ta’riflaydi: “O‘lkashunoslik - har qanday o‘lkaning o‘tmishi va buguni bo‘lib, u ilmiy, madaniy, ma’rifiy va yodgorliklarni muhofaza qilish faoliyati hisoblanadi. Bu sohada nafaqat mutaxassislar, balki keng doiradagi odamlar, xususan mahalliy aholi ishtirok etadigan bir xil yo‘nalishdagi ijtimoiy faoliyatdir” [5].

Yuqoridagi barcha ta’riflarda umumiy bo‘lgan jihat tadqiqot faoliyatini amalga oshirish bilan bevosita bog‘liq bo‘lgan “o‘rganish” so‘zidir.

Lug‘atlarda “Tarixiy o‘lkashunoslik” atamasi tarixning ma’lum bir sohasi, bo‘lim nomi sifatida eslatib o‘tilgan bo‘lsa-da, uning mohiyatiga aniq izoh berilmagan.

G.F. Gudkov va Z.I. Gudkova; V.N. Ashurkov, D.V. Katsyuba va G.N.Matyushin; G.N.Matyushin; A.F.Rodin; A.E. Seynenskiy; K.F.Stroyev; S.O.Shmidt kabi rus tarixchi-o‘lkashunos olimlarining asarlari tahlili “tarixiy o‘lkashunoslik” tushunchasining to‘g‘ri izohga ega emasligini ko‘rsatdi.

Mahalliy tarixchi olimlarimiz A.Nabiyev, I. Jabborov, T.Saidqulov, M.Xo‘jamov, J.Raximov, E.Safoyeva, D.Kuryazova, R.Mullajonova, F.Ochildiyevlarning bu boradagi izohlarini umumlashtirgan holda “tarixiy o‘lkashunoslik” tushunchasiga quyidagi qisqa ta’rifni berish mumkin: tarixiy o‘lkashunoslik – tarix fanining bo‘limlaridan biri bo‘lib, uning vazifasi ona yurt (viloyat, tuman, shahar, qishloq, ovul, mahalla) tarixini, undagi madaniy yodgorliklarni o‘rganish, qayd etish va muhofaza qilishdan iborat. Tarixiy o‘lkashunoslikning asosiy tamoyili o‘lka tarixi bilan mamlakat tarixi o‘rtasidagi uzviylikdir. Tarixiy o‘lkashunoslik ta’limning muhim elementlaridan biridir.

Shu yerda tarixchi olim A. Nabiyevning “Tarixiy o‘lkashunoslik” (O‘lkani o‘rganishning asosiy manbalari) nomli kitobida maktab o‘lkashunosligi haqidagi izohni qayd etish joiz deb hisoblaymiz: “... maktab o‘lkashunosligi o‘quvchilarda o‘z Vataniga mehr uyg‘otish bilan birga, ularni estetik ruhda tarbiyalashga ham munosib hissa qo‘shadi. Vatanga bo‘lgan mehr tuyg‘usi o‘z o‘lkasini o‘rganishdan boshlanadi. Maktab o‘lkashunosligida ana shunday tuyg‘u shakllanadi” [6].

A.E.Seynenskiy tahsil oluvchilarning tarixiy o‘lkashunoslik sohasidagi faoliyatining uchta darajasini belgilaydi:

1) “talabalar professor-o‘qituvchining so‘zlaridan, darsliklar va ommaviy axborot vositalaridagi xabarlardan o‘lka haqida “tayyor” bilim olishlari”;

2) “talabalarning kognitiv faoliyati yanada rivojlantirishga qaratilgan mustaqil ta’lim uchun sharoit yaratish”;

3) “talabalarning o‘z ona yurtlari tarixini bilishga qiziqish uyg‘otadigan chuqur izlanishlar jarayonida o‘rganish” [7].

Tarixiy o‘lkashunoslik sohasidagi talabalarning tadqiqotchilik faoliyati jarayoni quyidagilardan iborat:

- o‘lkashunoslik tadqiqotlarini o‘tkazish usullarini o‘rganish;
- ona yurt haqida so‘rovnomalar o‘tkazib, manbalar to‘plash;
- o‘lka tarixini, tarixiy va madaniy yodgorliklarining ilmiy, tarixiy va badiiy ahamiyatini o‘rganish;
- mahalliy qariyalardan xalq og‘zaki ijodiga oid rivoyat, afsonalar, matallar yig‘ish;
- yangi ekskursiya marshrutlarini ishlab chiqish;
- tarixiy nekropollarni tadqiq qilish;
- yozuvchilar, rassomlar, musiqachilar, harbiylar, siyosatchilar va boshqalarning hayoti va ijodi bilan bog‘liq unutilmas joylarni o‘rganish;
- tarixiy obidalarni, muhofaza etiladigan hududlar va majmualarning rekonstruksiya qilinish tarixini o‘rganish;
- o‘lkaning topografiyasi va toponimiyasi bilan tanishish;
- diniy inshootlar (ziyoratgohlar)ni aniqlash va ularni “Tarixiy va madaniy yodgorliklar ro‘yxati” ga kiritish.

Talabalarning asosiy vazifalari esa quyidagilar:

- mavjud manbalarni (og‘zaki, yozma, ko‘rgazmali, moddiy), adabiyot va internet saytlarini o‘rganish;
- davlat va idoraviy arxiv hamda muzeylardan materiallarni izlash;
- ekspeditsiyalarda, sayohatlarda, ekskursiyalarda ishtirok etish orqali ma’lumotni maqsadli yig‘ish;

– jismoniy shaxslar, muassasalar va tashkilotlar bilan yozishmalar;
– o‘z tadqiqot materialini to‘plash (tadqiqotchi arxivi).

Tarixiy o‘lkashunoslik vositalariga arxeologiya, genealogiya, biografika, antroponimika, toponimika, etnografiya, etnologiya, numizmatika, geraldika, faleristika, arxivshunoslik, muzeyshunoslik, tarixiy geografiya kabi maxsus tarixiy fanlar kirib, aynan ular “Tarixiy o‘lkashunoslik” atamasining shakllanishiga asos bo‘lgan.

Talabalarning tarixiy o‘lkashunoslik manbalari vositasida amalga oshiradigan ilmiy-tadqiqot faoliyati jarayoni tadqiqot predmetini ma’lum bir o‘lka tarixi kontekstida o‘rganish va qo‘yilgan tadqiqot maqsadlariga erishishga qaratirilgan yo‘nalishlar, shakl va usullar majmuasidan iborat.

Talabalarning ilmiy-tadqiqot faoliyati o‘qituvchi, ma’lum bilim sohasi mutaxassisi, tadqiqotchi rahbarligida yoki mustaqil ravishda amalga oshiriladi.

Tarixiy o‘lkashunoslik bo‘yicha V.B. Kobrin, G.A. Leonteva, P.A.Shorin, P.A. Kolesnikov tomonidan yozilgan o‘quv-uslubiy qo‘llanmalar, internet saytlaridagi ma’lumotlar, nashrlar tahlili hamda tarixiy o‘lkashunoslik sohasidagi o‘z amaliy tajribamiz natijasida, talabalar o‘qish jarayonida ega bo‘lishlari zarur bo‘lgan tadqiqotchilik kompetensiyasini ikki guruhga - umumiy va maxsus guruhlarga ajratishni taklif qilamiz.

Umumiy kompetensiyalarga:
– tadqiqot muammosi bo‘yicha nashrlarni aniqlash, o‘rganish va tahlil qilish;
– tadqiqot muammosi bo‘yicha vizual, og‘zaki hamda moddiy manbalarni to‘plash va o‘rganish;
– davlat, idoraviy va oilaviy arxivlar, kutubxonalar, muzeylar va shaxsiy kolleksiyalarda saqlanayotgan hujjatlar va materiallarni aniqlash, o‘rganish hamda tahlil qilish;
– topilgan va aniqlangan materiallar (fotosuratlar, hujjatlar, ashyolar va boshqalar)ni to‘g‘ri izohlash va atributlash;
– ma’lumotlarni qayd etish, nashrlar, ijodiy ishlar va boshqalar ro‘yxatlarini (kataloglarini) tuzish;
– yozma tadqiqot ishlarining tuzilishini bilish kiradi.

Maxsus tadqiqot kompetensiyalari esa quyidagilardir:
– tarixiy atamashunoslikni rivojlantirish nazariyasi va amaliyoti masalalariga yo‘naltirilganlik;
– tarixiy o‘lkashunoslik tadqiqotlarini o‘tkazishning asosiy usullarini bilish;

– tadqiqot ma’lumotlarini to‘plash, tizimlashtirish va umumlashtirish kabi ko‘nikmalarni shakllantirish;
– o‘rganilayotgan masalaning xronologik jadvallarini tuzish;
– tarixiy o‘lkashunoslik tadqiqotlarini mustaqil olib borish, uni tavsiflash, loyihalash va taqdimot tayyorlash malakalari.

Tarixiy o‘lkashunoslik yo‘nalishi talabalarida maxsus tadqiqot kompetensiyalari maxsus dasturlar bo‘yicha o‘qitish jarayonida shakllanadi.

Tadqiqot shuni ko‘rsatdiki, tarixiy o‘lkashunoslik orqali talabalarning ilmiy-tadqiqot ko‘nikmalarini rivojlantirishga quyidagilar yordam beradi:

– tarixiy yodgorliklar majmualariga ekskursiyalar uyushtirish. Bunday sayohatlar o‘lkani chuqur o‘rganish imkoniyatini beradi, talabalar nafaqat ko‘proq bilimga ega bo‘ladilar, balki o‘z ko‘zlari bilan ko‘rgan yodgorliklarni yaxshi eslab ham qoladilar. Talaba gid (o‘qituvchi) yordamida atrofdagi dunyoni o‘rganadi. Hatto eng qisqa ekskursiyalar ham ma’lum bir kayfiyatni yaratadi, erkinlik hissini beradi. Ko‘rgan va eshitgan ma’lumotlardan talabalarda bir umrlik xotiralar saqlanib qoladi;
– arxiv ma’lumotlari bilan ishlash. Tarixga ishtiyoqi baland talabalardan qat’iyatlilik, mustaqillik, e’tiborli bo‘lish hamda ko‘p vaqt sarflashni talab qiladi. Arxivda ishlash qobiliyati noyob ma’lumotlarni olish imkonini beradi;
– muzeylar o‘lka tarixi haqida ma’lumotlar olishga cheksiz imkoniyatlar beradi, ayniqsa o‘lkashunoslik muzeylaridagi ekspozitsiyalar, ko‘rgazmalar darslarni qiziqarli, mazmunli qiladi, yangi bilimlarni egallashga katta yordam beradi;
– ma’lum bir mahalliy aholi o‘rtasida tarqatilgan so‘rovnomalar natijasida avloddan-avlodga o‘tib kelayotgan ajdodlar haqidagi afsonalarni o‘rganish yo‘li bilan qiziqarli ma’lumotlar to‘plash mumkin [8].

Tarix fani o‘qituvchisining asosiy vazifasi talabalarni tarixiy bilish jarayoniga qiziqtirishdir. Pedagog I.S. Zolotaryova buni juda aniq izohlaydi: “Inson shunday mavjudotki, uning his-tuyg‘ulariga nima ta’sir qilsa, shuni yaxshiroq eslab qoladi, qiziqarli voqealarni sevadi, qiziqarli hodisalarni esa eslab qolish oson” [9].

So‘nggi yillarda yosh o‘lkashunoslarning ilmiy-tadqiqot faoliyati davlat miqyosida e’tirofga ega bo‘lib, milliy miqyosda amalga oshirila boshlandi va zamonaviy ta’lim jarayonining muhim qismiga aylandi.

Tarixiy o‘lkashunoslik manbalaridan foydalangan holda talabalarning ilmiy-tadqiqot faoliyatlarini shakllantirish jarayonining mohiyati tarixiy, arxeologik, toponimik, etnografik, arxivshunoslik va muzeyshunoslik tadqiqotlarni tashkil

etish, olib borish va taqdim etishning umumiy ilmiy va maxsus usullarini o‘zlashtirishni amalga oshirishdan iborat.

Shunday qilib, tarix jamiyatning ma’naviy rivojlanishini ta’minlaydi, talabalarda vatanparvarlikni tarbiyalab, faxr tuyg‘usini uyg‘otadi. 1980-yillarning oxiri — 1990-yillarning boshlarida vujudga kelgan tarixiy o‘lkashunoslik bir hudud yoki hududda yashovchi aholining turmush tarzi, urf-odatlari, muqaddas qadamjolari, etnografiyasi nazariyasi va amaliyotini o‘rganishning yaxlit jarayoni hisoblanadi.

**Adabiyotlar:**

1. Озеров А.Г. Содержание исследовательской деятельности учащихся в туристско-краеведческих объединениях экологической направленности. Автореферат дисс. ... канд. пед. наук. - М., 2001. — 10 с.

2. Советский энциклопедический словарь. Под ред. Прохорова А.М. Второе издание – М., 1983. - 642 с.

3. O‘zbekiston Milliy ensiklopediyasi. “O‘” harfi. 128-129 b.www.ziyouz.com kutubxonasi.

4. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. “O‘” harfi. 150 b. www.ziyouz.com kutubxonasi.

5. Шмидт С.О. О книге «Краеведение и документальные памятники (1917-1929 гг.)» // Филимонов С.Б. Краеведение и документальные памятники (1917-1929 гг.). - М., 1989. - 4 с.

6. Nabiyev A. Tarixiy o‘lkashunoslik. T. “O‘qituvchi”, 1996. 6-b.

7. Сейненский А.Е. Краеведение в школьном историческом образовании [Электронный ресурс] // Имидж. Информационно-методический и дидактический журнал (Новосибирск). Гуманитарное образование в школе: Теория и практика. — 2005. — № 5. URL: http://www.image.websib.ru/05/text_article.htm7485.

8. Решетникова А.М. Туризм и краеведение // Актуальные проблемы туризма 1999: Перспективы развития туризма в Южном Подмосковье: Сб. докл. и тез. сообщ. науч.-практ. конф., 27 апр. 1999. - С. 122-124.

9. Золотарёв А. Наука ли краеведение или только метод // Краеведение - 1926.-т.3, №3.-С. 329-331.

**РЕЗЮМЕ**

Maqolada tarixchi talabalarning tarixiy o‘lkashunoslik fani bo‘yicha ilmiy-tadqiqot faoliyati olib borishning usullari tahlil qilingan.

**РЕЗЮМЕ**

В статье анализируются методы ведения исследовательской деятельности студентов-историков в области исторического краеведения.

**SUMMARY**

The article analyses the methods of conducting research activities of history students in the field of historical local history.

# СИСТЕМА ОБРАЗОВАНИЕ , ШКОЛА И РАЗВИТИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ МЫСЛИ В МАВЕРАННАХРЕ И ХОРАСАНЕ ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XIV – XVI ВВ. (ТИМУРИДЫ)

***Алламуратов А.А.***
*Студент Каракалпакского государственного университета*

**Tayanch so‘zlar:** Amir Temur, musulmon ta’lim tizimi, maktab, madrasa, Mirzo Ulug‘bek maktab islohotlari, “jamoa”, madrasa o‘quv dasturi, Ulug‘bek madrasasining tuzilishi, Bobur pedagogik g‘oyalari, Jomiy qarashlari, Jaloliy axloqi, Navoiyning pedagogik g‘oyalari, Koshifi, Davani.

**Ключевые слова:** Амир Темур, мусульманская система образования, мактаб, медресе, школьные реформы Мирзо Улугбека, «джамоа», учебный план медресе, структура медресе Улугбека, педагогические идеи Бабура, взгляды Джами, этика Жалоли, педагогические идеи Навои, Кошифи , Давани.

**Key words:** Amir Temur, Muslim education system, maktab, madrasah, school reforms of Mirzo Ulugbek, “jamoa”, madrasah curriculum, structure of Ulugbek madrasah, pedagogical ideas of Babur, views of Jami, ethics of Jaloli, pedagogical ideas of Navoi, Koshifi, Davani.

После освобождения Мавераннахра от монголов, начиная с 1370 г. в стране правителем становится Амир Темур (1336-1405). Великий Темур создает централизованное государство. Ликвидируется феодальная раздробленность, развиваются производительные силы, внешне торговые отношения с соседними странами, наблюдается подъем в земледелии и городском ремесле. Растет интерес к античной культуре, раннесредневековому философскому наследию народов Мавераннахра, Индии, арабских стран. Для философской мысли этого периода характерны обращение к светским и религиозным наукам, стремление к изучению природы, возвышению человеческого разума и его способностей, нравственных качеств человека, проповедь гуманистических, национальных и общечеловеческих ценностей. Правление А.Темура длилось 35 лет. Он создал государство, простиравшееся от Инда и Ганга до Сырдарьи и Заравшана, от Тянь-Шаня до Босфора. В состав государства Темура, кроме Мавераннахра и Хорезма

входили Фергана, Шаш (Ташкент), области вокруг Закаспия, Афганистан, Турция, Индия, Иран, Ирак, Южные области России, Закавказье и ряд стран Западной Азии. А.Темур создал мощную и боевую армию. Свой полководческий талант он показал в битве при Анкаре (1402), разбив мощнейшее в то время войско Османской империи, взял в плен султана Баязеда II.

В знак благодарности за то, что походы Темура приостановили проникновение турецкого султана Баязеда II в Европу, французы в XV века поставили памятник А.Темуру. Он носил титул Сохибкирон – счастливый, счастливец (один из титулов владетельных государей в странах Востока). Темур и его эмиры из походов привозили в Самарканд, Шахрисабз, Бухару видных ученых, искусных мастеров, музыкантов, художников и др. Приобретенную добычу Темур тратил на благоустройство городов и селений. Он внес большой вклад в экономическое и культурное развитие не только Мавераннахра, но и стран Дальнего, Среднего и Ближнего Востока, способствовал их сближению. Созданная им империя сыграла большую роль в истории человечества. Ее создание обезопасило Великий Шелковый путь и караванные дороги, привело к научному и культурному Ренессансу Европу XIV в. В результате объединения Средней Азии в годы правления Темура прекратились междоусобицы. Это оказало благотворное влияние на экономику и культуру края.

В эпоху Темура получила широкое развитие наука, в частности такие ее отрасли как богословие, юриспруденция, математика, астрономия, медицина, история, философия, литература и др. В XIV-XV вв. в Самарканде развивалось прикладное искусство и искусство миниатюры. А.Темур заботился о тех, кто был предан науке, культуре, искусству и покровительствовал им. В управлении страной он руководствовался «Уложением» созданным им самим. Слово «уложение» понимается как устав, свод правил, своего рода кодекс законов. В «Уложении» были четко изложены правила поведения членов общества и обязанности должностных лиц и правителей, правила управления государством и войсками. Закон для всех – как для визиря, так и для эмира, хакима и поданных – был одинаковым. Непосредственным толчком к созданию «Уложения» было желание обобщить собственный опыт государственной деятельности, сформулировать правила, которыми он руководствовался в своей жизни и которые рекомендовал соблюдать своим потомкам.

Структура медресе (срок обучения): I – «анда» (младший) – 2 года; II – «ауст» (средний) – 3 года; III – «аъло» (высший, старший, завершающий) – 3 года.

This article provides information about the importance of fundamental knowledge and the importance of creative approaches to professional training in preparing future engineers for professional activities.

# YUZNI ANIQLASH VA TANIB OLISHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

***Abdukadirov B.A.***
*Oriental universiteti dotsenti, PhD*

**Tayanch so‘zlar:** biometrik tizimlar, identifikatsiya, video kuzatuv, yuz elementlari, bosh komponentlar usuli, lokal binar shablonlar, chiziqli diskriminant tahlili, tayanch vektorlar usuli.

**Ключевые слова:** биометрические системы, идентификация, видеонаблюдение, элементы лица, анализ главных компонент, локальный бинарный шаблон, линейный дискриминантный анализ, машина опорных векторов.

**Key words:** biometric systems, identification, video surveillance, face elements, principal component analysis, local binary pattern, linear discriminant analysis, support vector machine.

Kirish. Biometrik texnologiyalarning istiqbolli va jadal rivojlanayotgan yo‘nalishlaridan biri bu, insonning yuz tasviridan foydalangan holda uning shaxsni aniqlash vazifalari bilan bog‘liq. Ushbu muammolarni hal qilish usullari va algoritmlari kirishni boshqarish tizimlarida, kredit karta foydalanuvchilarini tekshirishda va jinoyatchilikni oldini olishda keng qo‘llaniladi.

Yuz tasvirlariga asoslangan shaxsni identifikatsiyalash tizimlarining afzalliklariga identifikatsiyalashning masofadan turib amalga oshirilishi, foydalanuvchidan maxsus bilim yoki harakatlarni talab qilinmasligi hamda tizim qurilmalarining nisbatan arzon narxda sotib olish mumkinligini keltirish mumkin.

Yuz tasviridan shaxsni aniqlashning asosiy vazifalaridan biri bu berilgan tasvirdan inson yuzini ajratib olishdir. Bu vazifa yuzni kuzatish tizimlari [2], faol videokuzatuv va boshqa tizimlarni ishlab chiqishda ham muhim ahamiyatga ega.

Tasvirdan yuzni aniqlashni obyektlar sinfini aniqlashning alohida holati deb hisoblash mumkin [3]. Obyekt sinfini aniqlash ma’lum sinfga kiritilgan turli obyektlarning joylashuvi va uning hajmini topishni o‘z ichiga oladi.

Aniqlash natijasi tasvirdagi yuz sohalarining joylashuvini qidirib topishdan iborat [4]. Ko‘plab algoritmlar yuzni aniqlash usullarining kombinatsiyasi bo‘lgani uchun ularni aniq tasniflash qiyin.

Yuzni aniqlash yuz xususiyatlari, terining rangi yoki yuz timsollari mosligi haqidagi ma’lumotlardan foydalanadi. Noyob yuz xususiyatlari insonning yuzini topish uchun ko‘z, og‘iz, burun yoki boshqa yuz xususiyatlarini qidirish uchun ishlatiladi. Bir shaxsning teri rangi boshqalarning teri rangidan farq qiladi va o‘ziga xosdir va uning xususiyatlari tana holati yoki okklyuzion o‘zgarishlarga nisbatan o‘zgarmaydi. Yuzning o‘ziga xos timsollari mavjud bo‘lib undan boshqa obyektlardan ajratishda foydalaniladi. Yuz xususiyatlari insonlarning yuzlari haqida muhim ma’lumotlarni beradi va ulardan yuz tasvirlarini yaratishda foydalanish mumkin.

Yuzni aniqlashda AdaBoost, EigenFace, neyron tarmoqlari va tayanch vektorlar usuli algoritmlaridan keng foydalaniladi. Bosh komponentalar usuli yuz tasvirining belgilar vektorini yaratish uchun ishlatiladi. Bundan tashqari, bu usul ma’lumotlar vektorini hajmini kamaytirish uchun ham ishlatiladi. Tasvirlarda yuzning mavjudligi va mavjud emasligi sun’iy neyron tarmoqlari yordamida tasniflanadi.

Obyektlarni kuzatish. Obyektni aniqlash va ajratib olish kuzatuv tizimlari uchun murakkab vazifalardan biridir. Tahlil kontseptsiyasiga ko‘ra, obyekt yuz, bosh, shaxs yoki konveyerdagi mahsulot bo‘lishi mumkin. Obyektni kuzatish bu bir yoki bir nechta kameralar yordamida obyekt yoki bir nechta obyektlarning joylashishini aniqlash jarayonidir.

Videodagi obyektlarni kuzatish kompyuterning ko‘rishi va tasviga ishlov berishdagi muhim tadqiqot sohasiga aylandi. Obyektni kuzatish yurib ketayotgan shaxsni kuzatish, aqlli uylar, robototexnika va inson-kompyuter o‘zaro ta’siri kabi ko‘plab ilovalarda foydalaniladi [5, 6].

Obyektni kuzatish uchun CamShift, MeanShift [7], Kanade Lukas Tomasi (KLT) [8, 9, 10] va boshqa ko‘plab kuzatuv algoritmlari mavjud. Ushbu algoritmlarning aksariyati optik oqimlarni hisoblaydi yoki xususiyat nuqtalari yoki sohalarni aniqlaydi. Harakatlanuvchi obyektlar tasniflangan oldingi obyektlarni ajratib olish yoki fon obyektlarini olib tashlash orqali aniqlanadi [11].

Obyektni kuzatish asosan video ketma-ketligining ketma-ket kadrlarida ma’lum bir sohaning joylashishini baholashni o‘z ichiga oladi. Obyektlarni to‘g‘ri aniqlash qiyin jarayon hisoblanadi, ayniqsa obyektlar juda murakkab tuzilishga ega bo‘lishi mumkin va keyingi video kadrlar bo‘yicha shakli, o‘lchami, joylashuvi va yo‘nalishi o‘zgarishi mumkin. So‘nggi yillar

davomida obyektlarni ma’lum bir video ketma-ketlikdan kuzata oladigan turli xil algoritmlar joriy etildi va har bir algoritmning o‘ziga xos afzalliklari va kamchiliklari mavjud. Har qanday obyektni kuzatish algoritmida xatoliklar mavjud bo‘lib, ular obyektning o‘rganilayotgan sohasidan uzoqlashishiga olib keladi. Eng samarali algoritmlar ushbu “siljishni” kichiklashtirishga intilishi kerak, shunda obyektni ajratib olish vaqt davomida aniqlashadi.

Yuzni avtomatik aniqlash deganda, saqlangan yuz ma’lumotlar bazasidan foydalanib, tasvirlar yoki video oqimlaridagi bir yoki bir nechta yuzlarni tanib olish yoki ularni tekshirishni nazarda tutiladi [12, 13].

Avtomatik yuzni tanib olish tizimi asosan to‘rtta asosiy bosqichdan iborat. Ko‘pincha, bu to‘rt bosqich yoki bloklar: dastlabki ishlov berish, yuzni aniqlash, belgilarni ajratib olish va nihoyat tasniflashdan iborat bo‘ladi. Shovqin yoki yorug‘likning yaxshi bo‘lmagan sharoitlari tufayli kameralar kabi qurilmalardagi olingan tasvirlar yaramasligi mumkin. Shuning uchun, birinchi qadam shovqinni olib tashlash, rangni normallashtirish va yoritishni tuzatish uchun dastlabki ishlov berish bosqichidir. So‘ngra tasvirdagi yuz aniqlanishi kerak. Keyingi qadam obyektlar vektorini yaratish uchun oldindan belgilangan obyektlarni ajratib olishdir. Ushbu xususiyatlar ma’lumotlar bazasidagi har bir shaxs to‘g‘risidagi o‘ziga xos ma’lumotlarni o‘z ichiga olishi kerak, shunda shaxs ushbu xususiyatlar asosida tanib olinishi mumkin. Va nihoyat, so‘ngi bosqich tasniflash bo‘lib, unda ilgari ko‘rilgan tanlanmalardan to‘plangan belgilar ma’lumotlar bazasi asosida uning belgilar vektoriga sinf tayinlash orqali noma’lum tanlanmani tanib olish amalga oshiriladi.

So‘nggi yillar ichida yuzni tanib olishning bir nechta algoritmlari va tizimlari taklif qilingan bo‘lib, ushbu yo‘nalishda sezilarli yutuqlarga erishildi. Natijada, ayrim yuzni aniqlash tizimlarining ishlashi samarali natijalar bera boshladi. Biroq, bu tizimlar yorug‘lik, poza holatlari, yuz ifodasi kabi turli xil o‘zgarishlarga ega bo‘lgan muhitlarda yuzni tanib olishda ayrim qiyinchiliklarga duch kelmoqda. Yuzni tanib olish tizimining ishlashi bevosita yuz tasvirlarida kuzatilgan o‘zgarishlar miqdori bilan bog‘liq. Tizim ushbu o‘zgarishlarning ta’sirini qanchalik yaxshi bartaraf eta olsa, yuzni tanib olish natijalari shunchalik samarali natijalarni beradi va shuningdek u ishonchliroq bo‘ladi.

Yuzni tanib olish ko‘plab sabablarga ko‘ra qiyin masala hisoblanadi, bunga: tanib olinayotgan yuzlarning o‘xshashligi, tasvirning o‘zgaruvchanligi, tasvir sifati, nazorat qilib bo‘lmaydi muhit va boshqalarni sabab qilib ko‘rsatish mumkin. Bularning barchasi va boshqa omillar yuzni tanib olish natijalarining aniqligiga ta’sir qilishi mumkin. So‘nggi yillarda yuzni tanib olishda eng yuqori

aniqlikka erishish uchun bir qator tadqiqotlar ushbu muammoni hal qilishga va zaif tomonlarini bartaraf etishga bag‘ishlangan.

Yuzni tanib olishning keng qo‘llaniladigan algoritmlari bir xil natijani bermaydi va ularning unumdorligi bir xil ma’lumotlar bazalariga qo‘llanilganda ham bir-biridan farq qiladi. Bu turli natijalarga olib keladi, hamda ba’zi bir algoritmlar eng yaxshi deb tan olinadi. Shuning uchun, ayrim algoritmlar ma’lum bir turdagi tasvir uchun mos keladi va bu tasvirlar uchun test natijalari aniqroq bo‘ladi, deb hisoblanadi. Yuzni tanib olish uchun yuz tasvirlaridan aosiy belgilarni ajratib olishning bir necha usullari mavjud: bosh komponentalar usuli, lokal binar shablonlar, chiziqli diskriminant tahlili, neyron tarmoqlari va boshqalar.

Yuzni aniqlash va tanиn olish jarayonida yuzaga keladigan muammolar.

Yuzni aniqlash va tanib olish texnologiyalaridagi asosiy muammo subyektlar ishtirok etmaydigan va ma’lumotlarni yig‘ish bosqichi cheklanmagan bo‘lgan barcha senariylarni hal qila olishdir. Yuzning o‘zgarishiga olib keladigan ko‘plab omillar mavjuddir. Yuz ko‘rinishidagi o‘zgarishlarni ikki guruhga bo‘lish mumkin: ichki va tashqi omillar [14]. Yuzni aniqlash va tanib olish jarayonida yuzaga keladigan umumiy muammolar va qiyinchiliklar quyida keltirilgan.

a) Yoritilganlik

Yoritilganlik yorug‘likdagi o‘zgarishlarni anglatadi. Yoritilganlikdagi o‘zgarishlar obyektdan aks ettirilgan yorug‘lik intensivligining umumiy miqdorini, shuningdek, tasvirda ko‘rinadigan soyalarning xususiyatini o‘zgartirishi mumkin. Yoritilganlikning o‘zgarishi yuz tasvirining aniqligiga katta ta’sir o‘tkazishi mumkin. Bir kamera yordamida suratga olingan, bir xil pozada va bir xil yuz ifodasidagi bitta shaxs yorug‘lik sharoitlari o‘zgarganda butunlay boshqacha ko‘rinishi mumkin. O‘zgaruvchan yoritilganlik sharoitida yuzni tanib olish muammosini hal qilish algoritmlar uchun ham insonlar uchun ham qiyin masala ekanligi ko‘plab tadqiqotchilar tomonidan tan olingan. Shunday qilib, yoritilganlikni o‘zgarishi bilan bog‘liq qiyinchiliklar yuzni avtomatik tanib olish tizimlari uchun asosiy masala bo‘lib qolmoqda. Aniqlanishicha, bir xil yoritilganlik ostida olingan bir shaxsning ikki surati orasidagi farq bir xil yorug‘lik ostidagi ikki xil shaxs tasvirlari orasidagi farqdan kattaroqdir.

*2-rasm. Yuz tasvirlariga ta’sir qiluvchi yorug‘lik intensivligining o‘zgarishlari*

b) Rakurs

Tasvirdagi pozalarning xilma-xilligi ham yuzni tanib olishni murakkablashtiradi (3-rasm). Yuz pozasi kuzatuvchining ko‘rish burchagi va boshning aylanishiga qarab o‘zgaradi. Bu o‘zgarishlar o‘rganilayotgan tasvirdan obyektni aniqlashda jiddiy muammoni keltirib chiqaradi. Yuzni tanib olish tizimi kichik burilish burchaklari bo‘lgan holatlarga chidamli bo‘lishi mumkin, ammo bu burilish burchagi yuqoriroq bo‘lganda muammoga sabab bo‘ladi, ma’lumotlar bazasidagi mavjud tasvir faqat yuzning frontal ko‘rinishida berilgan bo‘lishi mumkin, bu esa kirish tasviridagi holatdan farq qilishi mumkin va bu tizimni noto‘g‘ri identifikatsiyaga yoki obyektni tanib olinmasligiga olib kelishi mumkin.




*3-rasm. Bir shaxs yuzining turli burchaklardagi tasviri*

d) Yuz ifodasi

Yuz insonning eng muhim biometrik xususiyatlaridan biri bo‘lib, o‘ziga xos belgilari tufayli shaxning o‘ziga xosligi va hissiyotlarini aniqlashda muhim rol o‘ynaydi. Tuyg‘ular tufayli insonning kayfiyati o‘zgaradi va turli xil yuz ifodalariga olib keladi (4-rasm). Bundan tashqari, bo‘yanish va soch turmagi yordamida yuz ifodasini o‘zgartirish mumkin. Yuz ifodalaridagi bu o‘zgarishlar shaxning yuzini o‘zgartiradi va yuzni tanib olish tizimi ma’lumotlar bazasida saqlangan yuzni o‘zgartirilgan yuz bilan solishtirish qiyin bo‘ladi.



*4-rasm. Turli yuz ifodalarining ko‘rinishlari*

e) Okklyuzya

Okklyuzia yuzni tanib olishning muhim xususiyatilaridan biri bo‘lib, u yuzda ko‘zoynak, soqol, mo‘ylov va boshqalar kabi turli okklyuziv obyektlarning mavjudligi bilan




*5-rasm. Yuz okklyuziyasiga misollar*

bog‘liqdir. Telefonda gaplashish, ko‘zoynak, sharflar, bosh kiyimlari, qo‘llar bilan yuz sohalarini yopilishi kabi holatlar okklyuzani keltirib chiqarishi mumkin (5-rasm). Bunday muammolar tanib olish tizimining aniqligiga ta’sir qilishi mumkin.

*6-rasm. O‘xshash yuzlarning xususiyatlari*

f) o‘xshash shaxslar

Turli xil insonlar bir-biriga o‘xshash ko‘rinishga ega bo‘lishi mumkin, ba’zida bir insonni boshqasidan ajratish qiyin bo‘ladi. Tanib olish tizimi uchun bunday shaxslarni identifikatsiyalash ham qiyin masala hisoblanadi (6-rasm).

O‘xshash yuzlarning xususiyatlarini o‘rganish uchun quyidagicha tajriba o‘tkazildi, unda tasvirlardagi yuzlarni aniqlash uchun ushbu tasvirlar chuqur neyron tarmoqlarida va lokal binar shablonlar yordamida o‘qitildi. 7 va 8-rasmlarda ushbu algoritmlar yordamida o‘xshash yuzlarni tanib olish natijalari ko‘rsatilgan.

*6-rasm. Neyron tarmog‘i yordamida yuzni tanib olish*




*7-rasm. Lokal binar shablonlar yordamida yuzni tanib olish*

Xulosa. Ushbu ish doirasida olib borilgan tajriba natijalari tahlili shuni ko‘rsatadiki, umuman olganda, biometrik identifikatsiyalash vositalarining ishonchliligi va funksional barqarorligi hali yuqori darajada emas. Ro‘yxatdan o‘tgan foydalanuvchilar soni ko‘p bo‘lgan biometrik tizimlar uchun identifikatsiyalashning past aniqligi tufayli ushbu texnologiyalarning qo‘llanilishi shubha ostida qolmoqda. Lokal binar shablonlar va neyron tarmoq algoritmlari yordamida yuzni tanib olish bugungi kunda yuz asosida tanib olish texnologiyalari ichida eng ilg‘or algoritmlar bo‘lib hisoblanadi, ammo ular ham to‘la qonli ijobiy natijalarga ega emas.

**Adabiyotlar**

1. Shang-Hung Lin, “An Introduction to Face Recognition Technology”, Special issue on multimedia informing technology, no 1, vol 3, 2000.

2. Z. Liu and Y. Wang, “Face Detection and Tracking in Video Using Dynamic Programming,” Proc. Int’l Conf. Image Processing, 2000.

3. Neethu N.J, Anoop Bk, “a survey on face detection methods”, Department of electronics and communication Vimal Jyothi Engineering college, Chemperi, Kannur, 03 May 2018.

4. T. N. Win, V. L. Gorbunov, N. W. Xtet. "Investigation of a method for reducing the error in face recognition in computer vision systems using the Bayesian algorithm. Electronic Information Systems, No. 2 (17) 2018, Zelenograd, Moscow, pp. 71 - 82.

5. Indhu B, Naidu VPS. “Gimbaled camera control for on point target tracking”. American Research Journal of Electronics and Communication Engg, C; 2015 Feb; 1(1):1–9.

6. Naidu VPS. “Fusion of radar and IRST sensor measurements for 3D target tracking using extended kalman filter”. Defense Science Journal. 2009 Mar; 59(2):175-82.

7. Salhi A, Jammouss AY. “Object tracking system using camshift, mean shift, and Kalman filter”. World Acad Sci Eng Technol. 2012 Apr; 6(4):674–9.

8. Bruce D. Lucas and Takeo Kanade. “An Iterative Image Registration Technique with an Application to Stereo Vision”. International Joint Conference on Artificial Intelligence, pages 674–679, 1981.

9. Carlo Tomasi and Takeo Kanade. “Detection and Tracking of Point Features”. Carnegie Mellon University Technical Report CMU-CS-91-132, April 1991.

10. Jianbo Shi and Carlo Tomasi. “Good Features to Track”. IEEE Conference on Computer Vision and Pattern Recognition, pages 593–600, 1994.

11. Y.V. Slynko "Development and research of algorithms for determining geometric transformations of video sequence frames and their application to the problems of stabilization, tracking and selection of moving objects." Moscow Institute of Physics and Technology, 2008.

12. V.G. Spitsyn, Yu.A. Bolotova, N.V. Shabaldina, T.T.Ch. Bui, N. Kh. Fan, "Facial recognition based on principal component analysis using Haar and Daubechies wavelet descriptors". Scientific visualization. 2016.Vol. 8. No.5. S. 103-112.

13. W. Zhao, R. Chellappa, P.J. Phillips, A. Rosenfeld, “Face recognition: A literature survey”, ACM Comput.Surv. Vol 35 (2003) 399-458.

14. S. Gong, S. J. McKenna, and A. Psarrou. Dynamic Vision: From Images to Face Recognition: Imperial College Press (World Scientific Publishing Company), 58 A Survey of Face Recognition Techniques 2000.

**РЕЗЮМЕ**

Yuzlarni aniqlash va kuzatish usullari, shuningdek, tasvir va videolar asosida yuzni tanии olish tizimlarini ishlab chiqishda qo‘llaniladigan tanib olish algoritmlari tahlili o‘tkazilgan. Yuzlarni aniqlash va tanib olish masalalarini yechishda yuzaga keladigan qiyinchiliklar ko‘rib chiqilgan hamda xulosalar berilgan.

**РЕЗЮМЕ**

Были проведены методы обнаружения и отслеживания лиц, а также анализ алгоритмов распознавания, используемых при разработке систем распознавания лиц на основе изображений и видео. Рассмотрены трудности решения задач обнаружения и распознавания лиц и сделаны выводы.

**SUMMARY**

Methods for detecting and tracking faces were carried out, as well as analysis of recognition algorithms used in the development of image and video based facial recognition systems. The difficulties of solving problems of face detection and recognition are considered and conclusions.

# ҲАМКОРЛИКДАГИ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА SCRATCH 3 ДАСТУРИ ЁРДАМИДА ТАЛАБАЛАРДА АЛГОРИТМИК ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

***Айтымбетов Ю.М.***
*Информатика ўқитиш методикаси*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** фикрлаш, алгоритм, алгоритмик фикрлаш, алгоритмик фикрлашнинг асосий таркибий қисмлари, таълим.
**Ключевые слова:** мышление, алгоритм, алгоритмическое мышление, основные компоненты алгоритмического мышления, образование.
**Key words:** thinking, algorithm, algorithmic thinking, basic components of algorithmic thinking, education.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, республиканинг барча ҳудудларида IT паркларни ташкил этиш, шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутувчи 220 дан ортиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш бошланганлиги сабабли алгоритмик фикрлаш дастур тузишда энг зарурли ҳусусияти бўлиб топилади [1].

Ахборот технологиялари соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш, рақамли технологияларни ривожлантириш ва аҳолининг кундалик ҳаётига кенг жорий этишни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Ахборот технологиялари соҳасидаги касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича кўрилаётган чоралар давлат органлари ва тармоқ ташкилотларини малакали IT мутахассислар билан таъминлаш учун мустаҳкам замин яратмоқда [2].

Ривожланиш жараёнида у муаммоларнинг тобора кенгроқ синфларини ягона усулда (яъни, бир хил операциялар кетма-кетлиги орқали) ҳал қилиш имконини берадиган муаммоларни ҳал қилишнинг умумий алгоритмини излашга интилди. Бола таниш бўлган биринчи алгоритм, эҳтимол, бармоқлар билан ҳисоблашдир. Олий таълим муассасаларида алгоритмик тушунчаларни ишлаб чиқишда учта асосий босқич мавжуд.

Алгоритмга кириш:

а) билимларни янгилаш;

б) ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар томонидан алгоритмни очиш;

в) алгоритмнинг асосий босқичларини шакллантириш, алгоритм формуласини чиқариш.

2. Алгоритмни ўзлаштириш: алгоритмга киритилган индивидуал амалларни машқ қилиш ва уларнинг кетма-кетлигини ўзлаштириш.

3. Алгоритмни қўллаш: алгоритмни таниш ва нотаниш вазиятларда синаб кўриш. Алгоритмни ўзлаштириш турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин: сиз алгоритмларни эслаб қолиш учун уларни тайёр шаклда беришингиз ва кейин уларни такрорий машқлар орқали мустаҳкамлашингиз мумкин.

Аммо ўқитувчи ўқувчиларни алгоритмни ўзлари кашф этишига олиб келиши мумкин. Бу усул кўпроқ вақт талаб қилади, лекин жуда қимматлидир. Бизнинг амалиётимизда ишнинг гуруҳ шаклидан фойдаланиб, иккинчи усулни танлаймиз. Келинг, иккинчисининг қисқача тавсифига мурожаат қилайлик.

Синфдаги гуруҳ ва жуфтлашган иш шакллари катталарнинг бевосита таъсирини камайтиради (бошланғич мактабда ўқитувчининг обрўси жуда юқори, бу болаларнинг маълумотни танқидий идрок этишига тўсқинлик қилади) ва танқидий фикрлаш ва ўзини ўзи этарли даражада ривожлантиришга ёрдам беради. -ўқувчиларда ҳурмат, хато қўрқуви ва ўзига ишончсизликни ё‘қ қилиш, мустақиллик ва маъсулият, ҳамкорлик ва ҳамкорлик қилиш қобилиятини ривожлантириш.

Талабалар масъулиятни тақсимлашни, ёрдам беришни, ёрдам сўрашни ва қабул қилишни ўрганадилар. Гуруҳда ишлаш талабаларнинг турли хил иш шароитларига ва одамларга мослашиш, янги билимларни ўзлаштириш ва таълим муаммоларини ҳал қилишнинг умумий усулларини топиш

қобилиятини ривожлантиради. Гуруҳларнинг шаклланиши турли ёллар билан содир бўлиши мумкин, аммо дастлабки босқичларда биз кўпинча "ҳудудий принцип" дан фойдаланамиз.

Бу жуфтлик (стол қўшнилари) ва тўрт кишилик гуруҳларда ишлаш (биз ёнма-ён ўтирган талабаларни бирлаштирамиз). Биринчи синфда биз болаларни жинси ва ўқув натижаларига қараб фарқлаймиз. Ўқишнинг биринчи йилининг охирида ва ундан кейин биз турли талабалар уларни қизиқтирган бир мавзу бўйича гуруҳга бирлашганда, биз қизиқишлар бўйича гуруҳлашдан фойдаланамиз.

Гуруҳ иши бир ҳил бўлиши мумкин, бу ўқувчиларнинг кичик гуруҳларини ҳамма учун бир хил вазифани бажарадиган ёки фарқланган (турли гуруҳлар турли вазифаларни бажарадиган) ўз ичига олади.

Математика дарсида ўқув муаммосини ҳал қилиш алгоритмини яратишда биз кўпинча бир ҳил иш шаклидан фойдаланамиз. Шуни таъкидлаш керакки, дастлаб биз алгоритм яратиш учун бутун гуруҳ бўлиб ишлаймиз. Қоида тариқасида, индивидуал алгоритмга нисбатан гуруҳ алгоритми энг яхши вариантга энг яқин. Гуруҳда самарали ишлашнинг зарурий шарти болаларнинг гуруҳ фаолиятига тайёрлигидир. Гуруҳ ишларига тайёргарлик кўриш учун биз алоҳида дарслар ўтказамиз.

Яхши натижалар аниқ дастур шаклида математик вазифаларни бажариш алгоритмини тузиш орқали олинади. Биз турли хил рангли қаламлар билан амалга ошириш босқичларини таъкидлаб, бундай дастурни ярата-миз.

Биринчи қадам қизил рангда,
иккинчиси яшил,
учинчиси кўк,
тўртинчи - оддий қалам билан.

Бошқа дарсларда бу техникадан фойдаланамиз. Учинчи курсдан бошлаб алгоритмлаш ва дастурлаш дарсларида алгоритмик фикрлашни мақсадли ривожлантириш бўйича ишларни давом эттирамиз, унинг мақсади тизимли, аналитик ва алгоритмик фикрлашни ривожлантириш деб белгиланган. Алгоритмик фикрлашни ривожлантириш бўйича тизимли ишлар ўз самарасини беради: мустақил ишларни бажаришда ҳатто заиф истеъдодлар ҳам камроқ хатога йўл қўйган ҳолда алгоритмлардан фойдаланадилар.

Вақт ўтиши билан мураккаб вазифаларни бажара оладиган истеъдодлар сони ортиб боради. Шундай қилиб, алгоритмик фикрлашни ривожлантиришнинг танланган шакл ва усуллари мустақилликни ривожлантиради,

хулосалар чиқаришга, ўз мулоҳазаларини асослашга ўргатади ва пировардида мустақил билим олишга ўргатади, шунингдек, бу билимларни кундалик ҳаётда фаолроқ қўллайди. Ишнинг тасдиқланган самарасини, шунингдек, талабаларимизнинг алгоритмик фикрлашни ривожлантиришни талаб қиладиган таълим тадбирларида, масалан, минтақавий танловлар ва талабаларнинг илмий лойиҳа танловларидаги муваффақияти деб ҳисоблаш мумкин.

Scratch (инглизча Scratch, IPA [скрæʧ]) - бу визуал блокка асосланган воқеаларга асосланган дастурлаш муҳити. Бу ном скречинг сўзидан келиб чиққан бўлиб, бу усул ҳип-ҳоп ди-жейлари томонидан қўллари билан винил пластиналарни олдинга ва орқага айлантириб, мусиқий мавзуларни аралаштириб юборади.

Scratch муҳитини ўрганиш орқали дастурлаш асосларини ўрганишни мустаҳкамлаш яхшироқдир. Бу ерда талабалар ўзларини ҳақиқий профессионаллардек ҳис қиладилар ва дастурлаш олами билан танишадилар. Scratch-да ўрганиш оддийдан мураккабга ўтади, аввал улар оддий мултфилмларни, кейин эса ўйинларни яратадилар

Scratchнинг сири шундаки, сиз ёддан билишингиз ва хатосиз ёзишингиз керак бўлган сўзлар йўқ. Scratch-даги дастурлар ёзилмаган, лекин тайёр блоклардан йиғилган - Лего блокларига ўхшаш буйруқлар. Дастурга исталган вақтда исталган ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Бундай ҳолда, талаба дастурнинг ишлашидаги ўзгаришларни дарҳол кўради. Scratch - бу турли хил дастурий лойиҳаларни яратиш учун восита: мултфилмлар, ўйинлар, реклама роликлари, мусиқа, "жонли" расмлар, интерактив ҳикоялар ва тақдимотлар, компютер моделлари ва бошқалар. Дастурий таъминот лойиҳаларини яратиш учун Scratch барча керакли воситаларга эга: дастурлаш тили, тил механизми (таржимон), график муҳаррир, ёрдам тизими, намунавий лойиҳалар, чизмалар кутубхонаси ва овозли файллар.

Аудиториядан ташқари машғулотлар дастурида Scratch ни ўрганиш учун 18 соат ажратилган. 1-жадвалда намунавий режалаштириш кўрсатилган.

Scratch дастурида алгоритмик фикрлашни ривожлантириш режаси

| № | Машғулот мавзуси | Соатлар сони |
|---|---|---|
| 1 | Scratch муҳити билан танишиш | 2 |
| 2 | Биринчи дастур коди | 2 |
| 3 | Дастурда цикллар билан ишлаш | 4 |
| 4 | Биринчи оддий мультфилм | 2 |
| 5 | X ва Y координаталари билан танишиш | 2 |

| | | |
|---|---|---|
| 6 | «Футбол» уйинини яратиш | 2 |
| 7 | Scratch муҳитида ўз ўйинини ишлаб чиқиш | 2 |
| 8 | Лойихалар тақдимоти | 2 |
| | **жами** | **18** |

Scratch-ни ўрганиш жараёнида асосий эътибор мини-лойиҳаларни (мультфилмлар, ўйинлар) яратишга қаратилади, талабалар ўз ўйинларини тақдим этадилар.

Шундай қилиб, замонавий жамият янги авлоддан ўз ҳаракатларини режалаштириш, муаммони ҳал қилиш учун зарур маълумотларни топиш ва келажакдаги жараённи моделлаштиришни талаб қилади, деган хулосага келишимиз мумкин. Шу сабабли, алгоритмик фикрлашни ривожлантирувчи ва тегишли фикрлаш услубини шакллантирадиган дарсдан ташқари машғулотларнинг ушбу курси муҳим ва долзарбдир.

Алгоритмик ёндашув нафақат компьютер фанларида, балки умумтаълим фанларида ҳам қўлланилади. Ҳамма нарса қандай ишлашини тушуниш учун алгоритмик фикрлашни ривожлантириш керак. Муаммоларни ҳал қилиш учун сиз бирор нарса билан ўзаро алоқада бўлишингиз керак ва ўз алгоритмингизни қуриш учун сиз асл тизимнинг мавжудлиги алгоритмини тушунишингиз керак. Энг муҳими, ўйлаш истаги, бусиз ҳеч нарса бўлмайди.

Хулоса. Алгоритмик фикрлаш, алгоритмлар, ва эффективлик тизими мамлакатда рақамли иқтисодиёт, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш, ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришда аҳамиятга эга бўлиб, дастурчиларни алгоритмик фикрлашни ривожлантириш муҳим рол ўйнайди. Алгоритм, фикрлаш, ва эффективлик концептлари ҳозирги кунда илмий фанларда муҳим тушунчалар сифатида қўлланилади.

Алгоритмик фикрлаш талабаларни дастурлашга ўргатишни янада эффектив қилиш ва масалаларни муҳим тартибда ёритишга ёрдам беради. Алгоритмик фикрлаш талабаларга муваффақиятли карьера, таълим, ва амалий ишларда ёрдам беради.

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 05.10.2020 йилдаги ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 06.10.2020 йилдаги ПҚ-4851-сон «Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқот-

ларни ривожлантириш ва уларни IT индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»

3. Ershov A.P. Shkol'naja informatika: koncepcii, sostojanija, perspektivy [Tekst] / A.P. Ershov, G.A. Zvenigorodskij, Ju.A. Pervin. – preprint №152 VC SO AN SSSR. –Novosibirsk: 1979. –P. 51.

4. Кальней В.А., Шишов С.Е. Вестник РМАТ № 1. 2021 УДК 37.02 Алгоритмическое мышление в контексте цифровой компетентности обучающихся.

5. Лебедева Т.Н. Формирование алгоритмического мышления школьников в процессе обучения рекурсивным алгоритмам в профильных классах средней общеобразовательной школы. автореф. дис.…канд.пед.наук: 13.00.02 [Текст] / Т.Н.Лебедева. – Екатеринбург: 2005. –С. 20.

6. Kushnirenko, A.G. 12 lekcij o tom, dlja chego nuzhen shkol'nyj kurs informatiki i kak ego prepodavat' [Tekst]A.G.Kushnirenko, G.V. Lebedev. – Informatika. – 1999. - №1. – S.2-15.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада талабаларда алгоритмик фикрлашни ривожлантиришнинг аҳамияти ва унинг назарий асослари келтирилган. Бунда ҳисоблаш алгоритми ёрдамида талабаларда алгоритмик фикрлашни ривожлантириш ва унинг талабаларнинг комил инсон сифатида шакллантиришдаги ўрни таҳлил қилинган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье представлены вопросы о важности развития алгоритмического мышления у учащихся и его теоретические основы, в которой анализируется развитие алгоритмического мышления у учащихся с помощью алгоритма счета и его роль в формировании учащихся как совершенной личности.

**SUMMARY**

The article presents the importance of the development of algorithmic thinking in students and its theoretical foundations, which analyzes the development of algorithmic thinking in students using the counting algorithm and its role in shaping students as a perfect personality.

# GAZLAMALAR ASSORTIMENTINING FIZIK XOSSALARI VA SIFATINI BAHOLASH

***Toshmatova M. B.***
*Andijon davlat universiteti.*
*Pedagogika va san`atshunoslik fakulteti.*
*Umumtexnika fanlari va mexnat kafedrasi oqituvchisi.*

**Tayanch so'zlar:** assortiment,paxta tolasi, jun gazlamalar, shoyi, sun'iy va tabiy gazlamalar, ipak gazlamalar,suniy iplar, sintetik iplar, drap, oxarlash, baraban.

**Ключивые слова:** ассортимент, хлопок, шерсть, шертиные материалы, щолк, синтетические и натуральные материалы, натуральные нитье, драпб, отбеливание, бараван.

**Key words:** assortment, cotton fiber, wool fabrics, silk, artificial and natural fabrics, silk fabrics, synthetic threads, synthetic threads, drape, dyeing, drum.

Kirish. Gazlamalarni assortimentini ularning tavsifi talabalarni o`zlashtira olishi mumkin. Modulli texnologiya metodida talabalar "Paretto" qonuniga amal qilgan holda 80/20 usulida darsni mazmunli amalga oshirish mumkin. Talabalar bu usulda ko`proq amaliy ishlar bilan shugullanishlari mumkin. Ya`ni 80 foiz amaliy 20 foiz nazariy organgani ma`qul. Materailshinoslik fanida gazlamalarni fizik xossalarini, tabiiy va kimyoviy tolallarini geometric, mexanik xossalarini aniqlash ularni xususiyatlarini yorib berilgan. To`qimachilikda matolarining tolaviy tarkibi, o`lchamlari tavsiflari e`tiborga olingan. Bundan tashqari tola va iplarni tuzilishi, xossalari hamda xususiyatlarini baholash usullari va jihozlarni ishlatishni sistemali keltirilgan. Talabalar to`qimachilik matolarining tolaviy tarkibi, o`lcham tavsiflari, fizik, mexanik, optic va texnologik xossalarini organishi mumkin. Bu jarayonda to`qimachilik materiallarini sifat darajasini standart bo`yicha aniqlash belgilangan.

Maqolada quyida to`qimachilik materiallarning xossalari va sifatini baholash uslublari dars jarayonda amalga oshirish yahshi natija beradi.

To`qimachlik materiallarni tolaviy tarkibini o`rganish fanga katta ahamiyat berilgan bo`lishi kerak, o`lcham tasniflari va xossalarini sinashni belgilash bu juda katta ma`suliyat talab qiladi.

Dars jarayo`nlarida to`qimachilik materiallarini tajriba o`tkazish sifatida bichishni o`rganish uchun amaliy ishlarni yo`lga qo`yish zarur.

Bu darslarni natijasida Kiyim furniturasi issiq tutuvchi materiallar assortimentini aniqlash uchun kerak bo`ladi.




*Ipak gazlamalar*

Ko`pincha yo`g'onligi 1,5-2,3 teksli xom ipakdan, pishitilgan tabiiy ipak va yigirilgan ipak iplardan ishlab chiqariladi. 1m.kv. Eng yupqa gazlamalarning massasi 14-22 gr ni tashkil qiladi. Tabiiy shoyi gazlamalar guruhiga krep, glad, jakkard tukli va boshqalar kiradi

Suniy iplardan ishlab chiqarilgan gazlamalar shoyi gazlamalarning eng kop sonli guruhini tashkil etadi. Ular tabiiy tolali iplardan toqilgan gazlamalarga nisbatan ancha qalin, og`ir, gijimlanuvchan bo`ladi.

Sintetik iplardan to`qilgan gazlamalarning ko`pchiligi 3,8-6,5 teksli kompleks iplardan to`qiladi. Gazlamalarning ko`pchiligi 3,8-6,5 teksli kompleks iplardan. Gazlamalarni jimirlab yaltiraydigan qilish uchun profillangan kapron iplar ishlatiladi. Tanda va arqogiga 100% kapron ishlatib, astarlik, bluzkalik va plashlik gazlamalar ishlab chiqarish mumkin

Drap – movut assortimentidagi eng sifatli va og`ir gazlama bo`lib, eni 1,5 m gacha 1 1m.kv gazlamalarning massasi 450-800 gr. Ular 62,5- 166 teksli jun va yarim jun iplardan ishlab chiqariladi.

Paltolik gazlamalar draplarga qaraganda yengilroq strukturasi ancha bosh bolganligidan draplarga qaraganda ishlov berish osonroq.

Shevlot – sarja o`rilishida toqilgan yarimjun sidirgani tandasini paxta ipi tashkil qiladi. Gazlamani massasi 340-380 gr.

Tanda ipini ohorlashdan asosiy maqsad: ipni silliqlash va uning pishiqligini oshirish. Tanda ipining silliqligi va pishiqligi o`shsa, to'quv jarayonida uzulishlar kamayadi. Ohorlash mashinasida ip bir necha valiklardan bo'shab chiqib, bir-biriga qo'shilib, parallel holda novoyga o'raladi. Novoydagi iplar soni gazlama

eniga to'g`ri kelgan tanda iplarining soniga teng bo'lishi kerak. Ohorlashda ipga yelimlovchi eritib shimdiriladi, bu eritma ohor deb ataladi. Ohor quyidagi talablarga javob berishi kerak: u ipga yaxshi shimilsin, ip silliq, pishiq bo'lsin, ohor uvalanib ketmasin, mog`orlab chirib ketmasin, pardozlash vaqtida osongina yuvilsin va narxi arzon bo'lsin.

Ip gazlama fabrikalarida tanda ipni ohorlash mashinalarda ohorlanadi. Tanda ipini quritish usuliga qarab, ohorlash mashinasi baraban va kamerali bo'ladi. ShB-40 markali barabanli ohorlash mashinasi eng keng tarqalgan. Tanda ipi o'ralgan valiklar mashinaning maxsus ramasiga joylashadi. Tanda ipi chuvalib chiqib valikdan egilib o'tadi. Tanda iplarini tarang torilib o'tishi uchun har bir valikni ikki tomoniga tormoz o'rnatilagan. Yuklarning ustiga ularni bosib turgan valiklar ohorlashdan oldin iplarni tarang bo'lib turishini ta`minlaydi. Eng orqadagi tanda valigidan bo'shalib kelayotgan tanda iplari qolgan valikdan kelayotgan iplar bilan qo'shiladi. Shu tariqa zich, qator terilgan ip qatlami hosil bo'ladi. Bu qatlam to'quv novoyiga o'raladi. Demak novoyga o'ralgan hamma iplarning soni gazlama enidagi iplar soniga teng bo'lishi kerak.

Tanda yo'naltiruvchi valikdan egilib o'tib ohor qaynab turgan idishga tushdi va skele baraban yordamida qo'shilib, uning ichidan o'tadi. Ohor idish ichida qaynab turganligi sababli tanda ipiga shimilib, uni ohorlaydi. Siquvchi val ipdagi ortiqcha ohorni siqib tashlaydi, siqish natijasida ohor ipga juda yaxshi singadi. Siqish vallaridan kelayotgan iplar eng avval ichidan bug` bilan qizdirilgan katta barabandan egilib o'tadi. Iplar issiq barabanlarning sirtiga tegib o'tishi natijasida ulardagi namlik bug`lanib ip quriydi, so'ngra tanda ipi yo'naltiruvchi valik va chiviqlardan egilib o'tadi. Chiviqlar bir-biriga yopishib qolgan iplarni ajratadi, so'ng iplar ignali taroqdan o'tadi.




Arqoq ipi to`quv stanogi mokisini o`lchamiga mislangan hilda yog`och yoki qig`iz naychalarga o`raglan holda ishlab chiqariladi. Agar arqoq ipi galtaklar va barabanlarda keltirib,

Tanda g`altaklarni 1 dan chuvalib chiqayotgan tanda iplari yo`naltiruvchilar 3 dan o`tib, tortuvchi val 4 orqali ohor togarasi 23 da o`rnatilgan botiruvchi val 25 orqali siquvchi vallar 24 dan o`tib, yo`naltiruvchi va vallar 21 va 22 orqali qurituvchi barabanlar 20 dan o`tadi. So`ngra yana yo`naltiruvchi 19 va 7 lardan o`tib emulsiyalovchi val 8 tegib, ajratuvchi hivichlar 10 va 11 dan yo`naltiruvchi taroq 12 va chiquvchi val 13 0rqali yo`naltiruvchi 14 va 15 ni qamrab toquv Galtagi 16 ga o`raladi

ularning o`lchami mokining o`lchamiga to`gri kelmasa u vaqtda arqoq ipi qayta o`raladi. Arqoq ipi maxsus urchuqli gorizontal arqoqni qayta o`rash mashinasida qayta o`raladi. Naycha o`ralib bo`lishi bilanoq mashina avtomatik ravishda to`xtaydi. Toquv ishlab chiqarish jarayonlari texnologik zanjirini tanlashga asosan to`quv dastgoxi turi, ip va to`qima tarkibi, tuzilishi to`qima eni va kelayotgan o`ram ko`rinishi xisobga olinadi

To'quvchilik jarayoni uchun xom ashyo – ip turiga qarab, yigiruv korxonalari yoki kimyo zavodlaridan, ipakchilik korxonalaridan olib kelinadi.

Blits savollar

1.Tandalash turlarini aytin?

2. Ip turlarini aniqlang?

3.Chiviqning xususiyati?

Aqliy hujum metodi orqali savol beriladi

Amaliy qism.

Materialshunoslik modulining yakunida o`quvchilarda shakllanadigan bilim va konikmalari kelajakdagi talabalarning faoliyatida keng miqyosda foydalanishini hisobga olgan holda, unda amaliy konikmalar nazariy bilimlarini yoritib borishni ta`minlashi shart. Masalan, kiyim tayyorlash uchun asosiyb materiallarni tugilishini aniqlash, hossalari va iqtisodiy baholash ta`rifini eksplutatsion korsatkichlari hamda sifat nazorati haqida konikmalar bo`lishi talab etiladi. Buning uchun tanlangan laboratoriya ishining maqsadiga muvofiqligi, jihozlar va korgazmali qurollar bilan ta`minlanganligi, o`quv mashg`ulotini tashkil etish shakli va metodlariga katta talablar qoyiladi. Talaba modul yakunida organgan nazariy bilim va konikmalarinni maktablarda v akas hunar kollejlarida amaliyotga qo`llay olish darajasida bo`lishi ta`minlanishi zarur.

Natija. Assortiment so`zi inglizcha bo`lib, to`plam, komplekt ma`nolarini bildiradi. Gazlamalarning assortimenti juda xilma-xildir. Sanoatimiz 4000 artikuldan ortiqroq zig`ir tolali, jun, shoyi va ip gazlamalar ishlab chiqaradi.

Texnik shartlarga muvofiq ishlab chiqarilgan mustaqil gazlama turi artikul deb ataladi. Artikul raqamlar bilan belgilanadi. U biror gazlamaning preyskurantdagi shartli tartib nomerini bildiradi. Gazlamaning nomi bir xil, lekin artikuli har xil bo`lishi mumkin. Masalan, chitning 9 artikuli, ip gazlama

-trikoning 35 artikuli,

-satinning 30 artikuli bor va hokazo.

Nomi bir xil, lekin artikuli turlicha bo`lgan gazlamalar bir-biridan biror ko`rsatkichi–eni, ogirligi, zichligi, ba`zan o`rilishi bilan farq qiladi.

Preys kurant - gazlamalarning chakana narxlari to`plami. Unda gazlamaning nomi, artikuli, eni, chakana narxi, gazlama ishlab Chiqariladigan DST yoki TU gazlamaning standart yoki TU dan olingan texnik ko`rsatkichlari (1 m gazlamaning massasi, tanda va arqoq iplarining nomeri, tanda va arqoq bo`yicha zichligi, jun gazlamalardagi junning miqdori), gazlamalar guruxining nomeri ko`rsatiladi. Ip gazlama, jun gazlama, zig`ir tolali gazlama va shoyi gazlama uchun to`rtta preyskurant tasdiqlangan. Gazlamalarning mavjud assortimenti doimo o`zgarib turadi. Modadan qolgan, iste`molchidan chiqqan, eski artikullardagi gazlamalarni ishlab chiqarish to`xtatiladi. Tola tarkibi, tuzilish, pardozi va xossalari jixatidan yangi gazlamalar yaratish xisobiga assortiment yangilanib boradi.

Shu bilan birga, muayyan artikullardagi ko`pgina gazlamalar bir necha un yil mobaynida ishlab chiqariladi. Masalan, chit, satin, buz, mitkal, madapolam, kashemir, poplin shular jumlasidandir.

Xulosa.

- Tabiiy va kimyiiviy tollaar haqida asosiy ma`lumotlar ga ega boladi va ularning bir biridan ajratib olish konikmalarini hosil qilad;
- Iplar va kalava iplarni tuzilishi hamda tasnifi haqida asosiy ma`lumotlarga ega boladi, ularni xossalari va tashqi korinishi boyicha ajratib olish konikmalarini hosil qiladi;
- Kiyim tayyorlashda qo`llanadigan asosiy to`qimachilik materiallarga ega bo`ladi, ularni mexanik, fizik-kimyoviy xususiyatlarini aniqlash usullarini o`rganadi hamda ularni bir biridan ajratish bo`yicha tegishli ko`nikmalar hosil qiladi:
- Turli xildagi zamonaviy kiyim modellari uchun asosiy va yordamchi materiallar tanlay oladi va ularni texnik iqtisodiy korsatkichlarini hisoblash bo`yicha tegishli ko`nikmalar hosil qiladi;

– Kiyim tayyorlashda qo`llanadigan materiallarda texnologik nuqsonlarni aniqlash va ulardan unumli foydalanish bo`yicha konikmalar hosil qiladi. Tikuvchilik sanoatida qo`llanadigan barcha materiallarni stadart bo`yicha sifatini baholash va nazorat qilish bo`yicha amaliy ko`nikmalar hosil qiladi.

O`quv qo`llanma va jihozlar

O`quv ustaxonala, darsliklar va o`quv qo`llanmalar, ko`rgazmali qurollar (proyektr, monitor, electron doskasi, kompyuter ) har biri 13 nafar talaba bilan mo`jalangan va kerakli jihozlar bilan ta`minlangan 2 ta o`quv laboratoriyasi har bir modul birliklari uchun tarqatma materiallar, kiyim tayyorlashda qo`llanadigan materiallar to`plami, tabiiy va kimyoviy tollalar toplami va etalonlari, iplar va kalava iplar to`plami va etalonlari, turli xildagi kimyoviy moddalar.

**Adabiyotlar:**

1. Jorayev Z.B toqimachilik texnologiyasi asoslari- Andijon nashriyoti 1996
2. Jorayev Z.B noqima materiallar taxnologiyasi- Andijon . “Andijon “ nashriyoti 1999
3. Ishoqov SH.Toqimachilik kimyosi. Toshkent “Uzbekiston “ 1995
4. Xamroyev A.L. kimyoviy tolar ishlab chiqarish texnologiyasi-T. “Ozbekiston” 1995
5. Гусева А.А обшея технология трикотажного производтства-М ЭЛегкопромбытиздат. 1995
6. Jorayeva Z.B . va boshqalar Tikuvchilik materialshunosligi boyicha laboratoriya ishlari –andijon “Andijon” nashriyoti 1994
7. Electron manbalar-
8. https:// Kompy.info/ reja-qayta-orash-mashinalari.htmi
9. https:// Kompy.info/ 1-magni-beruniy-qanday-atagan. htmi

**РЕЗЮМЕ**

Materiallarning fizik xossalari hususiyatlari va gazlama sifatiga ta`sir etuvchi omillar haqidagi umumiy ma`lumot, ularni talabalarga oson tushuntira bera olish usullari yoritib berilgan. Oliy ta`lim muassasasi talabalari materialshunoslik fanida to’qima matolar assortimenti va gazlamalar tasnifiga o`rgatish maktablarda va kasb hunar kollejlarda oquvchilarni kasb hunarga tayyorlash maqsadida yoritilgan.Maqolada quyida to`qimachilik materiallarning xossalari va sifatini baholash uslublari dars jarayonda amalga oshirish yahshi natija beradi. To`qimachlik materiallarni tolaviy tarkibini o’rganish fanga katta ahamiyat berilgan bo’lishi kerak , o’lcham tasniflari va xossalarini sinashni belgilash bu juda katta ma`suliyat talab qiladi.

Dars jarayonlarida to`qimachilik materiallarini tajriba o’tkazish uchun bichishni o’rganish amaliy ishlarni yo’lga qo’yish zarur.Bu darslarni natijasida kiyim furniturasi issiq tutuvchi materiallar assortimentini aniqlash uchun kerak bo`ladi.

**РЕЗЮМЕ**

Выделены общие сведения об особенностях физических свойств материалов и факторах, влияющих на качество газификации, способы доступного объяснения их студентам. Обучение студентов высших учебных заведений предмету «Материаловедение по ассортименту текстильных тканей и классификации тканей» осуществляется в школах и профессиональных колледжах с целью подготовки студентов к профессии.В статье ниже методы оценки свойств и качества текстильных материалов дадут хорошие результаты.Изучению волокнистого состава текстильных материалов следует придавать большое значение науке, определение размерных классификаций и испытание

свойств требует большой ответственности.Чтобы поэкспериментировать с текстильными материалами в ходе урока, необходимо оставить практическую работу в покое.

В результате этих занятий вам необходимо будет определиться с ассортиментом теплосохраняющих материалов фурнитуры одежды.

**SUMMARY**

General information about the characteristics of the physical properties of materials and the factors affecting the quality of gasification, the methods of easily explaining them to students are highlighted. The training of students of higher educational institutions in the subject of material science on the assortment of textile fabrics and the classification of fabrics is covered in schools and vocational colleges in order to prepare students for the profession.In the article below, the methods of assessing the properties and quality of textile materials will give good results.Studying the fiber composition of textile materials should be given great importance to the science, determining the size classifications and testing the properties requires a great responsibility.In order to experiment with textile materials in the course of the lesson, it is necessary to leave practical work alone.

As a result of these lessons, you will need to determine the range of clothing fittings heat-retaining materials.

# “QUYOSH ENERGETIKASI FANI”NI O‘QITISHDA MUSTAQIL TA‘LIM JARAYONINI TASHKILLASHTIRISHDA INTERAKTIV METODLARDAN FOYDALANISH

***Qaxramonova Sh.Sh.***
*Andijon davlat universiteti tayanch doktoranti*

**Tayanch so‘zlar:** metod, ta‘lim metodi, interaktiv metodlar, innovatsion texnologiyalar, jamoaviy o‘qitish metodi, kichik guruhlarda ishlash metodi, intervyu metodi.

**Ключевые слова:** метод, метод обучения, интерактивные методы, инновационные технологии, командный метод обучения, метод работы в малых группах, метод интервью.

**Key words:** method, educational method, interactive methods, innovative technologies, team teaching method, method of working in small groups, interview method.

Kirish. Bugungi kunda talabalarga fizika fanini o‘qitishda ta’lim jarayonida interaktiv metodlar, innovatsion texnologiyalar, pedagogik va axborot texnologiyalarini o‘quv jarayonida qo‘llashga bo‘lgan qiziqish va e’tibor kundan kunga kuchayib bormoqda. Buning asosiy sabalaridan biri, shu vaqtgacha an’anaviy ta’limda talabalarni faqat tayyor bilimlarini egallashga o‘rgatilgan bo‘lsa, zamonaviy texnologiyalar ularni egallayotgan bilimlarini o‘zlari qidirib topishlariga, mustaqil o‘rganib, tahlil qilishlariga, xatto xulosalarni ham o‘zlari keltirib chiqarishlariga turtki bo‘lmoqda. Bu jarayonda o‘qituvchi talabalarga shaxsning rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tajriba almashishi, amaliyotda qo‘llashiga sharoit yaratadi va shu bilan bir qatorda boshqaruvchilik, yo‘naltiruvchanlik funksiyasini bajaradi.

Metod yunoncha “metodos” so‘zidan olingan bo‘lib, bilish yoki tadqiqot yo‘li, nazariya, ta’limot degan ma’nolarni anglatib, voqelikni amaliy va nazariy egallash, o‘zlashtirish, o‘rganish, bilish uchun yo‘l yo‘riqlar, usullar majmuasi, falsafiy bilimlarni yaratish va asoslash usuli hisoblanadi. Metodlarning asosiy mazmunini amaliyotda sinalgan ilmiy nazariyalar tashkil etadi. Zamanaviy va yangicha metodlar yangi ilmiy nazariyalar va qonuniyatlarning ochilishiga vosita bo‘ladi.

Ta'lim metodlari deyilganda, pedagogik jarayonda o‘rganilayotgan materialni egallashga qaratilgan turli xil didaktik vazifalarni hal etish bo‘yicha o‘qituvchining o‘quvchilarning o‘quv-bilish faoliyatini tashkil etish usullari yig‘indisi tushuniladi. Muayyan ta‘lim-tarbiyaviy maqsadga qaratilgan biror harakatni amalga oshirish yo‘li, usuli yoki ko‘rinishidan iborat bo‘lib shakllangan faoliyat shu maqsadga erishishga xizmat qiluvchi o‘ziga xos ta‘lim metodini hosil qiladi. Har bir fanni o‘qitishda o‘ziga xios ta‘lim metodlaridan foydalaniladi. Bir fanni o‘qitishdagi ta‘lim metodi boshqa bir fanga mos kelishi yoki bir birini in kor qilishi mumkin. Har bir pedagog ta’lim berish jarayonida o‘ziga xos ta’lim metodlaridan foydalanadi. Ularni samarali qo‘llash esa pedagogning mahoratiga bog‘liq.

Interaktiv metodlar-bu jamoa bo‘lib fikrlash, ya'ni pedagogik ta’sir etish usullari bo‘lib ta’lim mazmunining tarkibiy qismi hisoblanadi. Bu metodlarnig o‘ziga xosligi shundaki, ular faqat pedagog va talabalarning birgalikda faoliyat ko‘rsatishi orqali amalga oshiriladi. Bunda o‘qituvchi faqat fasilitator (yo‘l-yo‘riq ko‘rsatuvchi, kuzatuvchi, xulosalovchi) vazifasini bajaradi. Interaktiv metodlar orqali o’quvchilarning mustaqil fikrlash qobiliyatlari rivojlantirilib, ularda erkin fikrlash, mustaqil qaror qabul qilish, tanqidiy va ijodiy fikr yuritishning rivojlanishiga zamin tayyorlanadi.

Ta’lim jarayonining muvaffaqiyati uning shakligagina emas, balki qo‘llanilayotgan metodlar samaradorligiga ham bog‘liqdir. Ta‘lim nazariyasida o‘qitish (ta‘lim) metodlari markaziy o‘rin egallaydi. Lekin har bir talabaning o‘ziga xos dunyo qarashi va fikrlashi bir biriga o‘xshamagan ma’lumotlarni qabul qilish manbaalari mavjudligini xisobga olsak, fanni mustaqil o‘rganishda har bir talaba o‘ziga xos yondashuv tanlaydi va unga asosan kerakli bilimni oladi. Bunda pedagogdan talab etiladigani talabalarni fanga qiziqtirish va to‘g‘ri yo‘naltirishdir. To‘g‘ri qo‘llanilgan metodlar obektiv voqelikka oid bilimlarni chuqurlashtiradi va mashg‘ulotning ilmiy-nazariy darajasini oshiradi. Mustaqil amaliy faoliyatni faollashtirishga olib keladi.

Adabiyotlar tahlili va metodologiya. Fizika sohasining hozirda eng ko‘p o‘rganish talab etilayotgan sohalaridan biri quyosh energetikasi hisoblanadi. Quyosh energiyasidan foydalanish va Quyosh energetikasi sohasi so‘ngi yillarda rivojlanayotgani va ushbu sohada dunyoning ko‘plab mamlakatlarida yangiliklar qilinayotgani, shu jumladan O‘zbekistonda ham ushbu sohadagi yuksak ahamiyatini inobatga oladigan bo‘lsak, ushbu fanni o‘qitish uchun ajratilgan vaqt kamligi yaqqol ko‘rinadi. Quyosh energetikasi fani oliy o‘quv yurtlarida “Muqobil energiya manbalari” yo‘nalishida umumiy yuklama hajmi 300 soatni tashkil etadi. Bundan 60 soat ma’ruza, 30 soat amaliy mashg‘ulot

va 30 soat laboratoriya mashg‘ulotlari uchun, ya’ni umumiy hisobda 120 soat auditoriya mashg‘ulotlari uchun ajratilgan umumiy yuklama hajmining 2/5 qismini tashkil qiladi. Qolgan 3/5 qismi ya’ni 180 soat mustaqil ta’lim uchun ajratilgan. Ushbu soatlar hajmida butun bir fanni o‘zlashtirish uchun fanning katta qismini mustaqil o‘zlashtirishga to‘g‘ri keladi. Mustaqil ta’lim jarayonini talabalarga to‘g‘ri tashkil etish fanni o‘rganish salohiyatini oshiradi. Buning uchun ma’ruza mashg‘ulotlarida mustaqil ta‘limning maqsadi, fanning qanday mavzulardan tashkil topganligi, ulardagi asosiy fizik qonuniyatlar, muhim fizik jarayonlar, amaliyotda qanday qo‘llanilishi va ularning natijalari sanab o‘tiladi. Masalan:

- fanni o‘rganishda adabiyotlardan qanday foydalanish va qaysi adabiyotlardan foydalanish haqida tushunchalar berish;
- o‘qitiladigan mavzular bo‘yicha internetda qanday mabaalar mavjudligi ko‘rsatiladi va ulardan foydalanish tartibini tushuntirish;
- ushbu fanni o‘rganishda foydalanish mumkin bo‘lgan mobil ilovalar va dasturlash tillarining modullari bilan tanishtiriladi va ulardan foydalanishni o‘rgatish;
- mavzular bo‘yicha namunaviy texnik masalalar yechib ko‘rsatiladi va ularni yechish usullari bilan tanishtirish;
- topshiriq sifatida mustaqil izlanish uchun masalalar berib borish;
- talabalarning mustaqil o‘rgangan bilimlarini doimiy nazorat qilish va tekshirib borish va boshqalar.

Interfaol usullardan foydalanish shakllari:

1.Individuallashtirish;

2.Kichik guruhlarga ajratish;

3.Tabaqalashtirish:

4.O’rgatish va o‘rganish jarayonida demokratik, do‘stona muhitni yaratish, o‘zaro muloqot va hamkorlikni tashkil etish.

Fanni o‘rgatish davomida talabalarning auditoriya mashg‘ulotlaridan tashqari vaqtlaridan to‘g‘ri foydalanishga, mustaqil izlanuvchanlikka, yangi bilimlarni turli manbalardan o‘rganishga undash orqali samarali natijalarga erish mumkin. Bunda interaktiv metodlardan bir nechtasidan foydalanish mumkin. Masalan, jamoaviy o‘qitish metodi, kichik guruhlarda ishlash metodi, intervyu metodi va shu kabi boshqa metodlardan foydalanish mumkin.

Hozirda har bir yoshlarning mobil aloqa vositalaridan bemalol foydalanishini inobatga olgan holda ularning diqqat e‘tiborini fanga yo‘naltirish maqsadida fan o‘qitilayotgan kurs talabalari orasida online guruhlar tashkil etiladi va ushbu guruhni pedagog nazoratga oladi. Har bir talaba ushbu guruhda faol bo‘lishi

talab etiladi va eng faol ishtirokchilar amaliy mashg‘ulotlarda rag‘batlantirib boriladi. Har bir mavzuni chuqurroq o‘rganish uchun, auditoriyada ma‘ruza mashg‘ulotlari o‘tilganidan so‘ng talabalarga mavzuni mustaqil o‘rganish uchun manbaalar tanishtiriladi, topshiriqlar beriladi. Auditoriyadan tashqari vaqtlarda o‘quvchilar mavzuni mustaqil o‘rganadi. Yangi manabaalardan foydalanadi, to’plagan ma’lumotlarini boshqalar bilan online guruhda ulashadi. Ma’lumotlar boshqa talabalar tominidan qo‘llaniladi yoki inkor etiladi chunki, talabalar turlicha mambaalardan o‘rgangan va turlicha tushunchaga ega bo‘lgan bo‘ladi. Talabalarning bir mavzu bo‘yicha to‘plagan ma’lumotlari pedagog tomonidan tahlil qilib beriladi va talabalarda muhokamali vaziyat tufayli to‘g‘ri tushuncha paydo bo‘ladi. Bundan tashqari, mavzuni to‘liq o‘zlashtirgan talabalar qisqa videoroliklar orqali namoyish qilib berishlari kerak bo‘ladi. Bu metod intervyu metodi deyilib, bunda o‘quvchi fikrlarini jamlashni, kerakli ma’lumotlardan foydalanib, fikrini to‘g‘ri bildirish ko‘nikmasiga ega bo‘ladi. Ba’zi yoshlarda omma oldida so‘zlashda qo‘rquv va hayajon bo‘lishi mumkin, lekin, uning bilimi boshqalarnikidan yaxshiroq va yoki ma’lumotlarni boshqalardan ko‘ra tezroq va oson qabul qilishi mumkin. Mavzuni qisqa videolar qilish orqali o‘z tushunchalarini boshqalarga tushunturish ko‘nikmasi ham paydo bo‘ladi. Shuningdek, talabalar orasida bir biridan o‘rganish, xato va kamchiliklarni to‘g‘irlash va ijobiy tomonlarini o‘zlashtirish holatlari ro‘y beradi. Bir mavzuni turli talqinda o‘rganish jarayoni ham mavzuni kengroq tushunishga yordam beradi. Eng faol talabalar doimiy ravishda rag‘batlantirilib boriladi. Bu esa o‘z navbatida ushbu guruhda sog‘lom raqobatni yuzaga keltiradi.

Xulosa va takliflar.

Taklif qilingan metodlar orqali imkon qadar talabalarni o‘z ustida ko‘proq ishlashga, ma‘lumotlarni turli manbalardan qabul qilishga, o‘z fikrini bildira olishga, faol bo‘lishga, raqobatlasha olishga undash maqsadida foydalanish mumkin. Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, ta‘lim tizimida olib borilayotgan yangi o‘zgarishlar va islohotlar natijasida bugungi kunda mustaqil ta‘limni axborot texnologiyalarisiz tasavvur qilish imkonsiz. Shunday ekan, ta’limning barcha yo‘nalishlarida, xususan mustaqil ta’limda zamonaviy axborot texnologiyalari katta o‘rin tutadi. Yuqorida ko‘rsatib o‘tilgan metodlar ixtiyoriy fanni mustaqil o‘zlashtirishda, ta’limning o‘zlashtirilish darajasini oshirishirishda muhim ahamiyat kasb etishi mumkin. O‘qitish usullari ta’lim jarayonida o‘qituvchi va o‘quvchi-talaba faoliyatining qanday bo‘lishini, o‘qitish jarayonini qanday qilib tashkil etish va olib borish kerakligini belgilab beradi. Shunday ekan, qo‘llangan har bir ta’lim usuli faqat o‘quvchilarning fan bo‘yicha bilimlarini oshirishga qaratilgan bo‘lmog‘i darkor.

**Adabiyotlar:**

1. Maxamatrasul Djo‘rayev “Fizika o‘qitish metodikasi” o‘quv qo‘llanma. Toshkent-2015y «Abu matbuot-konsalt»

2. Ashurmatov R, Haqnazarov S, “Oliy ta'lim tizimida fizika fanini modulli texnologiya asosida o'qitish” Issue 3 issn 2181-1784

3. B.X.Xodjayev “Umumiy pedagogika nazariyasi va amaliyoti”. Toshkent – 2017, “Sano-standart” nashriyoti.

4. O‘zbekiston Respublikasi “Kadrlar tayyorlash milliy Dasturi” T., 2000 y. O‘. Asqarova, M. Nishonov, M. Xayitbaev “Pedagogika” T., “Talqin” 2008 y. R. Mavlonova “Pedagogika” T., “O‘qituvchi” 2004y.

5. Asqarov A.D. Masofaviy o'qitish ta’lim shaklining rivojlanish bosqichlari va modellari. Zamonaviy ta'lim, 2015-59-65 bb.

6. To‘raqulov X.A. “Pedagogik tadqiqotlarda axborot tizimlari va texnologiyalari” . Toshkent: Fan, 2006.

7. To‘g‘ayeva K. “Ta’lim metodlari va vositalari unumli foydalanish yo‘llari” http://sjifactor.com/passport.phpid=22257

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqola oliy o‘quv yurtlarida “Quyosh energetikasi fani”ni o‘qitishda mustaqil ta‘lim jarayonini tashkillashtirishda interaktiv metodlardan foydalanishga bag‘ishlangan bo‘lib, mustaqil ta‘limning tashkil etishni pedagog va talabalarga qulay bo‘ladigan usullari keltirilgan. Interaktiv metodlarning afzalliklari va ushbu usullaridan foydalanish shakllari keltirib o‘tilgan, mustaqil ta'limni rivojlantirishdagi o'rni sanab o'tilgan va xulosalar bilan yakunlangan.

**РЕЗЮМЕ**

Данная статья посвящена использованию интерактивных методов в организации процесса самостоятельного обучения при преподавании “Предмет о солнечной энергетике” в высших учебных заведениях, а также представлены методы организации самостоятельного обучения, удобные для педагогов и студентов. Отмечены преимущества интерактивных методов и форм использования этих методов, указана их роль в развитии самостоятельного образования и сделаны выводы.

**SUMMARY**

This article is devoted to the use of interactive methods in the organization of the independent learning process in the teaching of “Solar Energy subject” in higher educational institutions, and the methods that make the organization of independent learning convenient for pedagogues and students are presented. The advantages of interactive methods and forms of using these methods are mentioned, their role in the development of independent education is listed and the conclusions are concluded.

# BUTSTREP USULIDA QURILGAN STATISTIK BAHOLAR UCHUN LIMIT TEOREMALAR

***Muradov R.***
*Namangan muhandislik-texnologiya instituti*
***Ziyoitdinova M.***
*Andijon davlat universiteti 3-bosqich tayanch doktoranti*

**Tayanch so‘zlar:** matematik statistika, butstrep usuli, statistik baho, ishonch oraliqlari, empirik taqsimot, limit teoremalar.

**Ключевые слова:** математическая статистика, бутстреп-метод, статистическая оценка, доверительные интервалы, эмпирическое распределение, предельные теоремы.

**Key words:** mathematical statistics, bootstrap method, statistical estimation, confidence intervals, empirical distribution, limit theorems.

Kirish va masalaning qo‘yilishi. Ma’lumki, matematik statistikada ko‘pgina baholash usullari, masalan, haqiqatga maksimal o‘xshashlik usuli, momentlar usuli, xi-kvadrat minumimi usuli va boshqalar yordamida tuzilgan statistik baholarning aniq yoki limit taqsimotlari bosh to‘plamning noma’lum taqsimotiga bog‘liq bo‘lib qolib, ularni amalda qo‘llanilishida bir qancha qiyinchiliklarga olib keladi. Ammo butstrep baholar bunday kamchiliklardan holi bo‘lib, ularni masalan noma’lum xarakteristikalar uchun ishonch oraliqlarini qurishda keng qo‘llash mumkindir. Bundan tashqari, ular yordamida qurilgan ishonch oraliqlari berilgan ishonch ehtimolini o‘zgartirilmagan holda odatdagi standart ishonch oraliqlaridan bir muncha torroq bo‘lar ekan.

Noma’lum F taqsimotga ega bo‘lgan bo‘sh to‘plamdan $X^{(n)}=(X_1,\ldots,X_n)$- statistik tanlanma olingan bo‘lsin. Bu yerda $\{X_i,\ i=\overline{1,n}\}$ bog‘liq bo‘lmagan va bir xil taqsimlangan tasodifiy miqdorlardir. Matematik statistikaning muhim masalalardan biri $X^{(n)}$ bo‘yicha F ning biror funksionali $\theta=T(F)$ ni baholash masalasidan iboratdir. Ushbu maqolada biz $\theta$- bir o‘lchovli skalyar bo‘lgan holni ko‘ramiz. Demak, $\theta\in\Theta\subseteq R^1$. Agar F taqsimotlar oilasi noma’lum parametrlar aniqligida berilgan bo‘lib, $\theta$ aynan mana shu parametrning o‘zi yoki uning biror funksiyasi bo‘lsa, u holda ko‘rilayotgan masala parametrik, aks holda noparametrik deb ataladi.

Agar $\theta_n=Y_n(X^{(n)})$ statistika $\theta$ ning biror bahosi bo‘lsa, odatda $\theta_n$ ning sifati (xossalari) siljish kattaligi $B_n(F)=M_F(\theta_n-\theta)$, kvadratik risk $D_n(F)=M_F(\theta_n-\theta)^2$ yoki biror bir boshqa xarakteristikalar orqali aniqlanishi mumkin. Ammo ko‘p hollarda bahoning xossalarini ifodalovchi bu kabi xatoliklar $\theta_n$ statistikaning quyidagi noma’lum

$$G_n(x;F)=P_F\{x^{(n)}:\ \theta_n(x^{(n)})<x\}$$

taqsimotga bog‘liq bo‘lib qolib, ulardan foydalanishda qiyinchiliklar yuzaga keladi. Bu yerda $P_F$, $M_F$ ва $D_F$ lar $X^{(n)}$ tanlanmani elementlari F ga teng degan shartda hisoblangan ehtimollik, matematik kutilma va dispersiyalarni anglatadi. Hozirgina ta’kidlaganimizni tasdiqlovchi bir misol keltiraylik.

1.1-misol. Kuzatilayotgan tasodifiy miqdor X ning taqsimoti F va matematik kutilmasi $\theta=M_F X$ bo‘lsin. Agar $X^{(n)}=(X_1,...,X_n)$ tanlanma X ni kuzatish natijasida olingan bo‘lsa, u holda $\theta$ uchun tabiiy, ya’ni momentlar usuli bahosi

$$\theta_n=\overline{X}=\frac{1}{n}\sum_{i=1}^{n}X_i$$

o‘rta arifmetik qiymatdir. U holda

$$M_F\overline{X}=\frac{1}{n}M_F\sum_{i=1}^{n}X_i=\frac{1}{n}\cdot nM_F X=\theta,$$

$$D_F\overline{X}=\frac{1}{n^2}D_F(\sum_{i=1}^{n}X_i)=\frac{1}{n^2}\cdot nD_F X=$$

$$=\frac{1}{n}M_F(X-\theta)^2=\frac{1}{n}\int_{-\infty}^{\infty}(x-\theta)^2dF(x)=\frac{\sigma_F^2}{n} \qquad (1.1)$$

Demak, (1.1) hisoblar asosida

$$B_n(F)=M_F(\theta_n-\theta)=M_F\theta_n-\theta=\theta-\theta=0$$

$$D_F(F)=M_F(\theta_n-\theta)^2=M_F(\theta_n-M_F\theta_n)^2=D_F\overline{X}=\frac{\sigma_F^2}{n}$$

Agar $\sigma_F^2\in(0,\infty)$ bo‘lsa, u holda markaziy limit teoremasiga asosan yetarlicha katta n larda:

$$P_F(\frac{\sqrt{n}(\overline{X}-\theta)}{\sigma_F}<x)=P(\overline{X}<\theta+\frac{\sigma_F\cdot x}{\sqrt{n}})=G_n(\theta+\frac{\sigma_F\cdot x}{\sqrt{n}};F)\approx$$

$$\approx\Phi(x)=\frac{1}{\sqrt{2\pi}}\int_{-\infty}^{x}e^{-\frac{t^2}{2}}dt$$ - standart normal qonun.

Bu munosabatdan

$$G_n(\theta+\frac{x}{\sqrt{n}};F)\approx\Phi(\sigma_F^{-1}\cdot x),$$

ya’ni $\theta_n=\overline{X}$ bahoning taqsimoti nomalum F ga bog‘liq bo‘lib qolmoqda.

Demak, yuqorida ko‘rib o‘tkanimiz kabi holatlarda noma’lum $\theta$ uchun $\theta_n$ yordamida ishonch oraliqlari qurish yoki biror gipotezalarni tekshirish uchun kriteriylarni qurishda muammolar yuzaga kelib qoladi. Amaliy statistikada uchraydigan bunday muammolarni hal qilishda $\theta$ uchun butsrep baholar qulaydir. Endi biz butsrep baholarini qurish usullari bilan tanishib o‘tamiz. Baholar qurishning butstrep usulini eng dastlab Bred Efron 1979-yilda [1,2,4] tavsiya etgan. Butstrepning mohiyati quyidagidan iboratdir.

Asosiy masala. $(\Omega, A, Q)$ ehtimollik fazosida aniqlangan kuzatilayotgan X tasodifiy miqdor yaratgan ehtimollik fazosini (X, B, P) orqali belgilaymiz. Bu yerda X - to‘plam X ning barcha mumkin bo‘lgan qiymatlari to‘plami, B esa X ning to‘plam ostilaridan tuzilgan Borel to‘plamlari $\sigma-$ algebrasi va X ning taqsimot qonuni

$$P(B)=Q(\omega:\ X(\omega)\in B),\quad B\in B,$$

Biror noma’lum parametr $\theta$ aniqligida berilgan (parametrik hol) yoki umuman (noparametrik hol) P oilaga tegishlidir, ya’ni

$$\{P_\theta,\ \theta\in\Theta\}=P\ \text{ёки}\ \{P\}=P$$

$\hat{P}_n(\cdot)$ orqali $P(\cdot)$ ning biror bahosini belgilaymiz.

Masalan, parametrik holda

$$\hat{P}_n(B)=P_{\theta_n}(B),\ B\in B,$$

bo‘lib, bu yerda $\theta_n$ statistika $\theta$ ning biror bahosi va noparametrik holda esa

$$\hat{P}_n(B)=\frac{1}{n}\sum_{k=1}^{n} I(X_k \in B), \quad B \in \mathcal{B}, \qquad (1.2)$$

- emperik baho bo‘lsin. Bu yerda I(A) orqali A xodisaning indikatorini belgiladik. Agar B=(-∞,x) deb olsak, P(B)=P((-∞, t))=F(t) – taqsimot funksiya bo‘ladi va unga mos bahoni $\hat{P}_n(B)=\hat{P}_n((-\infty,t))=\hat{F}(t)$ deb belgilaymiz. Hajmi m bo‘lgan $X_1^{(n)},\ldots,X_m^{(n)}$ tasodifiy miqdorlarni $X^{(n)}=(X_1,\ldots,X_n)$ tanlanma berilganligi shartidagi taqsimot qonuni $\hat{P}_n(\cdot)$ bo‘lsin. Bu esa o‘z navbatida quyidagini anglatadi, bir ehtimollik bilan

$$Q(\omega:\ X_1^{(n)}(\omega)\in B_1,\ldots,X_m^{(n)}(\omega)\in B_m / X^{(n)})=\prod_{k=1}^{m}\hat{P}_n(B_k), \quad B_k\in\mathcal{B},\ k=\overline{1,m} \qquad (1.3)$$

(1.3) tenglik bilan aniqlanadigan $(X_1^{(n)},\ldots,X_m^{(n)})=Y_m^{(k)}$ statistik tanlanma butstrep tanlanma deb ataladi. Odatda m=m(n) va n tanlanma hajmlaridan

$$0<\liminf_{n\to\infty}\left(\frac{m}{n}\right)\le\limsup_{n\to\infty}\left(\frac{m}{n}\right)<\infty \qquad (1.4)$$

shart talab qilinadi [1,4] (masalan m=n deb tanlash mumkin). Butstrep tanlanmasining taqsimot funksiyasi $\hat{F}_n(t)$ bo‘lganligi sababli $Y_m^{(k)}$ ni statistik modellash usulida tuzish mumkin.

$\theta_{nm}^{*}=\Psi_{nm}(X_1^{(n)},\ldots,X_m^{(n)})$ orqali θ uchun butstrep bahoni belgilab olamiz. $\theta_{nm}^{*}$ ning taqsimot funksiyasini $G^{*}(y)=P(y_m^{(n)}:\theta_{nm}^{*}<y/X^{(n)})$ orqali belgilab olib, uni baholashni quyidagi Efron taklif etgan uchta qadamlarda amalga oshiramiz:

1-qadam: $X^{(n)}$ tanlanma orqali $\hat{F}_n(t)$ bahoni qurib olamiz;

2-qadam: Berilgan m=1,...M lar uchun $\hat{F}_n$ taqsimotga ega bo‘lgan $(X_1^{(n)},\ldots,X_m^{(n)})=Y_m^{(k)}$ butstrep tanlanmalarni va ular orqali esa θ uchun $\theta_{nm}^{*}$ butstrep baholarni qurib olamiz;

3-qadam: $G^{*}$ ni baholash uchun $Y_m^{(n)}$ orqali emperik bahoni quramiz:

$$G_M^{*}(y)=\frac{1}{M}\sum_{m=1}^{M} I(\theta_{nm}^{*}<y)$$

Biz $M^{*}$ orqali $G^{*}$ taqsimotga nisbatan hisoblangan matematik kutilmani belgilab olib,

$$B_n^{*}=M^{*}\theta_{nm}^{*}-\theta_n,$$

$$D_n^{*}=D^{*}\theta_{nm}^{*}=M^{*}(\theta_{nm}^{*}-M^{*}\theta_{nm}^{*})^2,$$

lar orqali $\theta_{nm}^{*}$ butstrep bahoning siljish kattaligi va dispersiyalarini kiritamiz. Bu xarakteristikalarni $G_m^{*}$ empirik taqsimot yordamida baholaymiz:

$$B_{nm}^{*}=\frac{1}{M}\sum_{m=1}^{M}\theta_{nm}^{*}-\theta=\overline{\theta_{nm}}-\theta_n,$$

$$D_{nm}^{*}=\frac{1}{M}\sum_{m=1}^{M}(\theta_{nm}^{*}-\overline{\theta_{nm}})^2.$$

Butstrep baholarning odatdagi baholarga nisbatan afzalliklari ko‘pgina mualliflar tomonidan ta’kidlab o‘tilgandir[1,2,4]. Bunday baholarning afzalligini ko‘rsatish uchun ularni noma’lum parametrlar uchun ishonch oraliqlari qurish masalalarida namoyish etamiz. Matematik statistikadan malumki [1-4], agar noma’lum θ parametr uchun oddiy $X^{(n)}=(X_1,\ldots,X_n)$ tanlanma yordamida qurilgan $\theta_n$ baho berilganida $\theta_n-\theta$ farq taqsimoti aniq va u F ga bog‘liq bo‘lmasa u holda θ uchun ishonch oralig‘ini qurish qiyin emas. Haqiqatan, agar $\theta_n-\theta$ ning aniq taqsimoti

normal taqsimot $N(0,\sigma_n^2)$ va bunda $\sigma_n^2$ ma'lum (ya'ni F ga bog'liq emas) bo'lsa

$$P(\frac{(\theta_n-\theta)}{\sigma_n}<z)=\Phi(z),\qquad z\in R,$$

u holda standart normal taqsimot F(z) ning α va 1-α satxlaridagi ishonch ehtimollariga mos $z_\alpha$ va $z_{1-\alpha}$ kvantillari uchun

($\Phi(z_\alpha)=\alpha$, $\Phi(z_{1-\alpha})=1-\alpha$, $z_{1-\alpha}=z_\alpha$):

$$P(\theta<\theta_n+z_\alpha\cdot\sigma_n)=P(\frac{\theta_n-\theta}{\sigma_n}>-z_\alpha)=1-\Phi(-z_\alpha)=\alpha,$$

va

$$P(\theta<\theta_n+z_{1-\alpha}\cdot\sigma_n)=P(\frac{\theta_n-\theta}{\sigma_n}>-z_{1-\alpha})=1-\Phi(-z_{1-\alpha})=1-\Phi(z_\alpha)=1-\alpha,$$

munosabatlar o'rinli bo'lib, θ uchun izlanayotgan markaziy ishonch oralig'i




1-rasm.

$(\theta_n+z_\alpha\cdot\sigma_n;\theta_n+z_{1-\alpha}\cdot\sigma_n)$ dan iborat bo'ladi (1-rasmga qarang) va noma'lum θ parametrning bu oraliq bilan qoplanishi ehtimolligi 1-2α ga teng bo'ladi:

$P(\theta_n+z_\alpha\cdot\sigma_n<\theta<\theta_n+z_{1-\alpha}\cdot\sigma_n)=P(\theta<\theta_n+z_{1-\alpha}\cdot\sigma_n)-P(\theta<\theta_n+z_\alpha\cdot\sigma_n)=1-\alpha-\alpha=1-2\alpha.$

Endi $\theta_n$ baho asimptotik normal taqsimotga ega bo'lgan holni ko'raylik:

$$\lim_{n\to\infty}P(\frac{\sqrt{n}(\theta_n-\theta)}{\sigma_F^2}<z)=\Phi(z),$$

ya'ni

$$\sqrt{n}(\theta_n-\theta)\overset{D}{\underset{n\to\infty}{\Rightarrow}}N(0,\sigma_F^2).$$

Bu holda $\sigma_F^2$ dispersiya F ga bog'liq bo'lganligi sababli, biz yuqoridagidek aniq ishonch oralig'i qura olmaymiz. Bunday holatda odatda $\sigma_F^2$ ni biror $\hat{\sigma}_F^2$ statistika bilan baholab, θ uchun taqribiy (asimptotik) ishonch oralig'ini

$$(\theta_n-\frac{\hat{\sigma}_n\cdot t_\alpha}{\sqrt{n}};\theta_n+\frac{\hat{\sigma}_n\cdot t_\alpha}{\sqrt{n}})$$

ko'rinishida quriladi. Bu yerda $\Phi(-t_\alpha)=1-\Phi(t_\alpha)=\alpha$. Bunday oraliqlar standart oraliqlar deb ataladi. Efron bunday oraliqlarni qo'llash qoniqarsiz ekanligini takidlab o'tgani edi [1,2,4]. Buni quyidagicha tushuntirish mumkin. Biz $\sqrt{n}(\theta_n-\theta)$ ning asl $G_n(z;F)$ – aniq taqsimoti o'rniga taqribiy $\Phi(z/\hat{\sigma}_n)$ taqsimotdan foydalandik. Bunday standart oraliqlar kamchiliklarini yo'qotish uchun Efron butstrep usulini qo'llashni taklif etdi. Bu maqsadda u $G_n$ ning butstrep bahosi bo'lgan $G_m^*$ ning kvantillaridan foydalanishni tavsiya etdi. Buning uchun $X^{(n)}=(X_1,...,X_n)$ dastlabki

tanlanmadan $Y_m^*=(X_1^*,\ldots,X_m^*)$ butstrep tanlanmani tuzib olamiz. $Y_m^*$ дан $\theta_m^*=\theta_m^*(Y_m^*)$ bahoni $\theta_n$ formulasi asosida tuzib olib, bu jarayonni M marta takrorlab $\{\xi_m^*=\sqrt{n}(\theta^*_n-\theta^*), m=1,...M\}$ larni hosil qilamiz. $G_n(z;F)$ ning butstrep emperik analogini hisoblaymiz:

$$\hat{G}_M^*(z)=\frac{1}{M}\sum_{m=1}^{M} I(\xi_m^*<z). \qquad (1.5)$$

Endi $\hat{G}_M^*$ taqsimotning α va 1-α satxdagi $\xi_\alpha^*$ va $\xi_{1-\alpha}^*$ kvantillarini qo‘llab quyidagi butstrep ishonch oraliqlarini

$$(\theta_n+\frac{\sigma_n\cdot\hat{\xi}^*_\alpha}{\sqrt{n}};\theta_n+\frac{\sigma_n\cdot\hat{\xi}^*_{1-\alpha}}{\sqrt{n}})$$

yuqoridagidek 1-2α ehtimollik bilan aniqlaymiz. [1,2,4-8] maqolalarning mualliflari bunday ishonch oraliqlari asimptotik oraliqlarga nisbatan sezilarli darajada torroq ekanini ko‘rsatganlar.

Biz ma’lum vaqt qulaylik uchun m=n, yani butstrep tanlanma hajmi dastlabki tanlanma hajmiga teng deb olamiz (demak (1.4) shart bajarilar ekan). Butstrep tanlanmani $Y_n^{(n)}=(X_1^*,\ldots,X_n^*)$ orqali va u yordamida tuzilgan emperik taqsimot funksiyani esa $F_n^*(x)$ deb belgilab olamiz [9]:

$$F_n^*(t)=\frac{1}{n}\sum_{k=1}^{n} I(X_k^*<t)\ , \quad t\in R \qquad (1.6)$$

$Y_n^{(n)}$ butstrep tanlanmani tuzishning eng qulay usuli $X^{(n)}=(X_1,\ldots,X_n)$ tanlamadan $Y_n^{(n)}=(X_1^*,\ldots,X_n^*)$ ni takrorlanadigan tanlash usulidan iboratdir. Masalan, n=3 bo‘lib, $X^{(3)}=(X_1,X_2,X_3)$ dastlabki tanlanma bo‘lsin. U holda $Y_3^{(3)}$ butstrep tanlanma tarkibi $Y_3^{(3)}=(X_3,X_2,X_3)$ – ko‘rinishda bo‘lishi mumkin. Bu holda $X^{(3)}$ dan birinchi tanlashda $X_1^*=X_3$ ni tanlab yana qaytarib $X^{(3)}$ ga tashlaymiz, $X_2^*=X_2$ ni ham va $X_3^*=X_3$ larni ham shu tarzda tanlab, natijada yuqoridagi $Y_3^{(3)}$ ni tuzib olamiz. $Y_3^{(3)}$ dagi har bir, $\{X_k^*, k=1,2,3\}$ larni $X^{(3)}$ dan $\frac{1}{3}$ ehtimollik bilan tanlash mumkin. Demak, umumiy holda, $Y_n^{(n)}$ elementlarining har birini $X^{(n)}$ tanlanmadan $\frac{1}{n}$ ehtimolliklar bilan tanlar ekanmiz. Bu esa aynan diskret tekis taqsimot, ya’ni emperik taqsimot qonunidir.

Shunday qilib, $\{X_k^*,\ k=\overline{1.n}\}$ tasodifiy miqdorlarning taqsimot funksiyasi odatdagi empirik taqsimot funksiya

$$\hat{F}_n(t)=\frac{1}{n}\sum_{k=1}^{n} I(X_k<t),\ t\in R, \qquad (1.7)$$

ekan, yani (1.3) shart bajariladi. Masalan, agar $\theta=M_F X_k$ (1.1-misolga qarang) bo‘lsa, u holda θ ga baho sifatida

$$\theta_n=\overline{X}=\frac{1}{n}\sum_{k=1}^{n} X_k$$

deb odatdagi o‘rta arifmetik qiymatni olamiz va (1.1) ga asosan

$$M_F\overline{X}=\theta,\quad D_F\overline{X}=\frac{\sigma_F^2}{n},$$

ammo

$$M_{\hat{F}_n}X^*{}_k=\overline{X},\quad D_{\hat{F}_n}X^*{}_k=S^2=\frac{1}{n}\sum_{k=1}^{n}(X_k-\overline{X})^2$$

Demak, markaziy limit teoremaga asosan:

$$\lim_{n\to\infty} P_{\hat{F}_n}\left(\frac{\sqrt{n}(\overline{X}^*-\overline{X})}{S^*}<x\right)=\Phi(x),\qquad x\in R, \qquad (1.8)$$

bo‘lib, bu yerda $\overline{X}^*=\frac{1}{n}\sum_{k=1}^{n}X^*_k$ , $S^{*^2}=\frac{1}{n}\sum_{k=1}^{n}(X^*_k-\overline{X}^*)^2$. Endi θ uchun ishonch oralig‘ini qurish masalasiga to‘xtalib o‘tamiz. Biz odatdagi

$$(\overline{X}-\frac{S\cdot t_\alpha}{\sqrt{n}};\overline{X}+\frac{S\cdot t_\alpha}{\sqrt{n}})$$

ishonch oralig‘ini umumiy holda qo‘llay olmaymiz, chunki $t_\alpha$ soni standart normal N(0,1) taqsimotning α satxdagi kvantilidir, ammo tanlanma hajmi katta bo‘lmagan ($n\to\infty$) holda $\frac{\sqrt{n}(\overline{X}-\theta)}{S}$ ning taqsimoti (yani Styudent taqsimoti) N(0,1) dan ancha farqli bo‘lishi mumkin. Bunday hollarda yuqorida takidlab o‘tilgan Efron tavsiyasiga asosan $t_\alpha$ ni uning butstrep bahosi $t_\alpha^*$ ga almashtiramiz. $t_\alpha^*$ ni esa $\frac{\sqrt{n}(\overline{X}^*-\overline{X})}{S^*}$ ning taqsimoti kvantilidan yetarlicha ko‘p butstrep tanlanmalar orqali emperik usulda aniqlaymiz. Demak, θ uchun butstrep ishonch oralig‘i

$$(\overline{X}-\frac{S\cdot t^*_\alpha}{\sqrt{n}};\overline{X}+\frac{S\cdot t^*_\alpha}{\sqrt{n}})$$

bo‘ladi, ya’ni

$$\lim_{n\to\infty}P(\overline{X}-\frac{S\cdot t^*_\alpha}{\sqrt{n}}<\theta<\overline{X}+\frac{S\cdot t^*_\alpha}{\sqrt{n}})=1-\alpha.$$

2.Butstrep baholar uchun limit teoremalar

Aytaylik, $X^{(n)}=(X_1,...,X_n)$ statistik tanlanma noma’lum F taqsimotga ega bo‘lgan bo‘sh to‘plamdan olingan bo‘lib, $Y_m^*=(X_1^*,\dots,X_m^*)$ esa $X^{(n)}$ dan tuzilgan butstrep tanlanma bo‘lsin. F ga mos o‘rta qiymat va dispersiyalarni kiritamiz:

$$\theta=\theta(F)=\int_{-\infty}^{\infty}xdF(x),$$

$$\sigma^2=\int_{-\infty}^{\infty}(x-\theta)^2dF(x).$$

$\theta$ va $\sigma^2$ parametrlarni mos ravishda

$$\overline{X}_n=\frac{1}{n}\sum_{k=1}^{n}X_k,$$

$$S_n^{\,2}=\frac{1}{n}\sum_{k=1}^{n}(X_k-\overline{X})^2,$$

tanlanma o‘rta arifmetik qiymat va dispersiyalar bilan baholash tabiiydir. U holda markaziy limit teoremaga asosan

$$\xi_n=\frac{\sqrt{n}(\overline{X}_n-\theta)}{S_n}\overset{D}{\underset{n\to\infty}{\Rightarrow}}N(0,1).$$

[1] maqolada butstrep o‘rta qiymat

$$\overline{X_m^*}=\frac{1}{m}\sum_{k=1}^{m}X_k,$$

xossalari o‘rganilgan. Eslatib o‘tamiz $Y_m^*$ butstrep tanlanma taqsimoti $\hat{F}_n$ empirik taqsimotdir ((1.7) da aniqlangan). $\overline{X_m^*}$ tanlanmaga mos butstrep tanlanma dispersiyani

$$S_m^{*^2}=\frac{1}{m}\sum_{k=1}^{m}(X_k^*-\overline{X_m^*})^2,$$

hamda $\xi_n$ ning butstrep anologlarini

$$\xi_m^* = \frac{\sqrt{m}(\overline{X}_m^* - \overline{X}_n)}{S_n},$$

kiritamiz.

2.1-teorema [1]. $X_1, X_2, \ldots$ tasodifiy miqdorlar ketma-ketligi chekli musbat dispersiya $\sigma^2$ ga ega bo‘lsin: $0<\sigma^2<\infty$. U holda n, $m\to\infty$ da deyarli barcha tanlanmalar uchun $\sqrt{m}(\overline{X}_m^* - \overline{X}_n)$ ning berilgan $X_1, X_2, \ldots, X_n$ lardagi shartli taqsimoti $N(0, \sigma^2)$ ga intiladi. Bundan tashqari, shartli ehtimollik bilan $S_m^* \to \sigma$, ya’ni bir ehtimollik bilan ixtiyoriy

$\varepsilon > 0$ учун:

$$\lim_{n,m\to\infty} P\left(\left|S_m^* - \sigma\right| > \varepsilon / X_1, \ldots, X_n\right) = 0.$$

Demak, 2.1-teoremadan

$$\sqrt{m}(\overline{X}_m^* - \overline{X}_n) \underset{m\to\infty}{\overset{D}{\Rightarrow}} N(0, S_n^2) \underset{n\to\infty}{\overset{D}{\Rightarrow}} N(0, \sigma^2).$$

Bundan esa n, $m\to\infty$ da $\xi_n$ va $\xi_m^*$ tasodifiy miqdorlar ketma-ketliklarining limit taqsimoti yagona N(0,1) ekani kelib chiqadi. Bu da’vo yuqorida (1.8) munosabat bilan ta’kidlab o‘tilgan edi.

Endi oddiy empirik taqsimot funksiya (1.7) va uning butstrep analogi ((1.6) ning umumlashmasi)ni

$$F_m^*(t) = \frac{1}{m}\sum_{k=1}^{m} I(X_k^* < t), \quad t \in R \qquad (2.1)$$

kiritamiz. Bu empirik taqsimotlar yordamida empirik jarayon

$$\omega_n(t) = \sqrt{n}(\hat{F}_n(t) - F(t))$$

va butstrep empirik jarayonlarni

$$\omega_{nm}(t) = \sqrt{m}(F_m^*(t) - \hat{F}_n(t))$$

tuzib olamiz. Matematik statistikaning noparametrik nazariyasidan ma’lumki [3], $\omega_n(t)$ tasodifiy jarayon $n\to\infty$ da “Broun ko‘prigi” deb ataluvchi Gauss jarayoni B(F(t)) ga kuchsiz yaqinlashadi:

$$\omega_n(t) \underset{n\to\infty}{\overset{D}{\Rightarrow}} B(F(t)), \quad t \in R \qquad (2.2)$$

bu yerda $\{B(y), 0 \le y \le 1\}$ o‘rta qiymati nol (MB(y)=0) va kovariyatsiyasi

$M\, B(y_1)\, B(y_2) = \min(y_1, y_2) - y_1 y_2$, $y_1, y_2 \in [0,1]$

formula bilan aniqlanadi. Bu (2.2) da’voning butstrep jarayon uchun analogi [1] da isbotlangandir.

2.2-teorema. [1]. Deyarli barcha tanlanma ketma-ketliklar $X_1, X_2, \ldots$ uchun $\omega_{nm}(t)$ butstrep empirik jarayonning $X_1, X_2, \ldots, X_n$ lar berilganidagi shartli taqsimotlari n, $m\to\infty$ da B(F(t)) ga kuchsiz yaqinlashadi:

$$\{\omega_{nm}(t) / X_1, \ldots, X_n\} \underset{\substack{n\to\infty \\ m\to\infty}}{\overset{D}{\Rightarrow}} B(F(t)), \quad t \in R \qquad (2.3)$$

(2.3) munosabatdan hususan butstrep $F_m^*(t)$ bahoning asosliligi ham kelib chiqadi: $\forall \varepsilon > 0$ uchun

$$\lim_{n,m\to\infty} P\left(\sup_{-\infty<t<\infty} \left|F_m^*(t) - F(t)\right| > \varepsilon / X_1, \ldots, X_n\right) = 0. \qquad (2.4)$$

Bundan tashqari, (2.3) da’vo yordamida noma’lum taqsimot funksiya F(t) uchun asimptotik ishonch oralig‘ini tuzish mumukin. Empirik taqsimot $\hat{F}_n(t)$ va berilgan $\alpha \in (0,1)$ son uchun $C_\alpha(\hat{F}_n)$ ni butstrep taqsimotidan shunday tanlaymizki (m=n uchun):

$$\lim_{n\to\infty} P\{\sqrt{n}\sup_{-\infty<t<\infty}\left|F_n^*(t)-\hat{F}_n(t)\right|<C_n(\hat{F}_n(t)/X_1,...,X_n\}=1-\alpha. \qquad (2.5)$$

munosabat bajarilsin. U holda (2.5) ga asosan

$$\lim_{n\to\infty} P\{\sqrt{n}\sup_{-\infty<t<\infty}\left|F_n(t)-\hat{F}(t)\right|\le C_n(\hat{F}_n)\}=1-\alpha. \qquad (2.6)$$

Demak, yetarlicha katta n larda (2.6) dan 1-α ehtimollik bilan quyidagi tengsizlik bajariladi:

$$\sqrt{n}\left|\hat{F}_n(t)-F(t)\right|\le C_n(\hat{F}_n),\quad t\in R,$$

ya'ni

$$\hat{F}_n(t)-\frac{C_n(\hat{F}_n)}{\sqrt{n}}\le F(t)\le \hat{F}_n(t)+\frac{C_n(\hat{F}_n)}{\sqrt{n}},\quad t\in R \qquad (2.7)$$

(2.7) dan noma'lum F(t) uchun 1-α satxdagi asimptotik ishonch oralig'i quyidagicha

$$(\hat{F}_n(t)-\frac{C_n(\hat{F}_n)}{\sqrt{n}};\hat{F}_n(t)+\frac{C_n(\hat{F}_n)}{\sqrt{n}})$$

ekan. Shuni ta'kidlab o'tamizki,

$$C_n(\hat{F}_n)\xrightarrow[n\to\infty]{P}\beta_{1-\alpha},$$

bu yerda $\beta_{1-\alpha}$ soni $\sup_{0\le y\le 1}|B(y)|$ tasodifiy miqdorning 1-α satxdagi kvantilidir

$$P(\sup_{-\infty<t<\infty}|B(F(t))|\le\beta_{1-\alpha})=P(\sup_{0\le y\le 1}|B(y)|\le\beta_{1-\alpha})=1-\alpha.$$

Xulosa. Ushbu maqolada noma'lum parametrlarni statistik baholashning butstrep usuli va uning qanday hosil qilish ketma-ketligi o'rganilgan. Butstrep usulining boshqa baholash usullaridan afzalliklari keltirilgan. Noma'lum xarakteristikalar uchun ishonch oraliqlari qurish masalalari ham tahlil qilingan. Bundan tashqari, butstrep baholari uchun limit teoremalar ham tadqiq qilingan.

**Adabiyotlar**


1. Bickel P.J., Freedman D.A. Some asymptotic theory for the bootstrap.// Ann. Statist., 1981, v.9, N.6, p. 1196-1217.

2. Efron B. Bootstrap methods: another look at the jackknife. // Ann. Statist., 1979, v.7, N.1, p. 1-26.

3. Боровков А.А. "Математическая статистика. Оценка параметров. Проверка гипотез". М.: Наука, 1984, 472 с.

4. Кошевник Ю.А. Асимптотические свойства бутстреп оценок. // Заводская лаборатория 1987, т.53, N.10, с. 76-82.

5. Фармонов Ш.Қ., Абдушукуров А.А. "Математик статистика. 1-қисм: Параметрларни баҳолаш".Т., "Университет", 1994, 68-бет.

6. Мурадов Р.С., Зиёитдинова М.А. Бутстреп усули ва унинг статистик баҳолашда қўлланилиши. // "Ёш математикларнинг янги теоремалари 2022" Республика конференцияси материаллари, Наманган, 13-14 май, 2022. 345-346 бетлар.

7. Michael R. Chernick Bootstrap Methods: A Guide for Practitioners and Researchers, Wiley, 2011.

8. Muradov R.S., Kamoliddinov M., Ziyoitdinova M. Taqsimotlar qorishmasini to'liq bo'lmagan tanlanmalar bo'yicha baholash //Proceedings of VI International Scientific conference STATISTICS and its applications, 19-20 October, 2022. pp. 263-264.

9. Muradov R.S., Ziyoitdinova M. Butstrep usuli yordamida statistik ishonch intervallarini qurish. NamDU Ilmiy Axborotnomasi, 11-son, 2023, 83-90 betlar.

**РЕЗЮМЕ**

Butstrep usulida qurilgan baholar ko‘plab yaxshi xossalarga ega bo‘ladi. Matematik statistikada ko‘pgina baholash usullari yordamida qurilgan baholarning aniq yoki limit taqsimotlari bosh to‘plamning noma’lum taqsimotiga bog‘liq bo‘lib qoladi va ularni amaliyotda qo‘llanilishi qiyinlashadi. Ushbu maqolada o‘rganilgan butstrep usulida qurilgan baholar bunday kamchiliklardan holi bo‘lib, ularni noma’lum xarakteristikalar uchun ishonch oraliqlari qurishda ham keng foydalanish mumkindir. Bundan tashqari, maqolada butstrep usulida qurilgan baholar uchun limit teoremalar ham o‘rganilgan.

**РЕЗЮМЕ**

Оценки, построенные с использованием метода бутстрепа, обладают многими хорошими свойствами. В математической статистике точные или предельные распределения оценок, построенные с использованием многих методов оценки, зависят от неизвестного распределения совокупности, что затрудняет их использование на практике. Оценки, построенные с помощью изучаемого в статье метода бутстрепа, лишены подобных недостатков и могут широко использоваться при построении доверительных интервалов для неизвестных характеристик. Кроме того, в статье рассматриваются предельные теоремы для оценок, построенных методом бутстрепа.

**SUMMARY**

Estimates constructed using the bootstrap method have many good properties. In mathematical statistics, the exact or limit distributions of estimates constructed using many estimation methods depend on the unknown distribution of the population, making them difficult to use in practice. Estimates constructed by the bootstrap method studied in this article are free of such shortcomings, and they can be widely used in the construction of confidence intervals for unknown characteristics. In addition, the article examines limit theorems for estimates constructed by the bootstrap method.

# MAKTAB TA'LIMIGA FIZIKA VA INGLIZ TILINI INTEGRATSIYALASH

***Erniyazova Z. Dj.***
*Nukus Davlat Pedagogika Instituti akademik litseyi o'qituvchisi*

**Tayanch so'zlar:** integratsiya, fizika, ingliz tili, maktab ta'limi, globallashuv, tanqidiy fikrlash, madaniyatlararo muloqot.

**Ключевые слова:** интеграция, физика, английский язык, школьное образование, глобализация, критическое мышление, межкультурная коммуникация.

**Key words:** integration, physics, English language, school education, globalization, critical thinking, cross-cultural communication.

Kirish. Bugungi kunda xorijiy tillarni bilish ko'nikmasi proffessionl ta'limning ajralmas qismlaridan biri bo'lib, zamonaviy jamiyatda xorijiy tillarni foydalanish inson faoliyatining deyarli har qanday sohasida zarur bo'lib bormoqda va zamon talabiga binoan til o'rganishga bo'lgan talab yuqori bo'lmoqda. Chunki malakali o'qituvchilar chet elda ilm-fan sohasida paydo bo'lgan barcha yangiliklardan xabardor bo'lishlari, shuningdek, foydali ma'lumotlarni olishlari uchun xorijiy tilini bilish talab qilinadi.

Ta'lim muassasalarida fizika fanlarini o'qitishning integrativ prinsiplarini joriy etish, yangi va ta'lim bozorida talab yuqori bo'lgan mutaxassisliklar bo'yicha kadrlar tayyorlashni yo'lga qo'yish orqali yoshlarning fizika ta'limi bilan qamrab olish darajasini oshirish vazifalari Respublikamiz Prezidentining «Fizika sohasidagi ta'lim sifatini oshirish va ilmiy tadqiqotlarni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida» 19.03.2021 yildagi qabul qilgan PQ-5032 raqamli qarorida belgilangan [1].

Globallashuv va texnologik taraqqiyot davrida ta'lim tizimi zamonaviy dunyoning o'zgaruvchan talablariga moslashish zarurati bilan yuzma-yuz turibdi. Ushbu moslashuvning yo'nalishlaridan biri talabalarga chuqurroq va ko'p qirrali bilimlarni olish imkonini beradigan turli o'quv fanlarining integratsiyasidir. Xususan, maktab o'quv dasturida fizika va ingliz tilining uyg'unligi o'rganishda

yangi imkoniyatlarni ochadi, o'quvchilarni muvaffaqiyatli hayot va martabaga tayyorlaydi [2-4].

Bu integratsiya ayniqsa dolzarb, chunki ingliz tili fan, texnologiya va biznesning xalqaro tili hisoblanadi. Shu bilan birga, fizika fundamental fan sifatida ko'plab zamonaviy texnologik va muhandislik yutuqlari asosida yotadi. Bu ikki fanni o'zida jamlagan holda maktab ta'limi o'quvchilarning ushbu sohalarning har biri bo'yicha bilimini kengaytiribgina qolmay, balki tanqidiy fikrlash, madaniyatlararo muloqot va yangilik yaratish kabi muhim ko'nikmalarni rivojlantiradi [5-7].

Maktabda fizika va ingliz tili darslari o'rtasidagi aloqani o'rnatish uchun potensial imkoniyatlar mavjud. Jumladan fizika darslarida o'quvchilarning ingliz tili bo'yicha bilimini oshirishga doir ishlar amalga oshirilishi, fizika darslarida fizika faniga doir mavzulardagi atamalarni yoki fizik asboblar nomini o'rganishga katta imkoniyatlar yaratadi.

Masalan, "Nyuton qonunlari" mavzusida fizika va ingliz tilini birlashtirgan maktab tematik dars rejasini yaratish uchun quyidagi tuzilmani taklif qilish mumkin:

Dars maqsadlari: Nyuton qonunlarining asosiy tushunchalarini tushunish. Fizika mavzusi bo'yicha ingliz tilida o'qish va tinglash ko'nikmalarini rivojlantirish. Ingliz tilida ilmiy mavzularni muhokama qilish va o'z fikrlarini ifoda etish qobiliyati yaxshilandi.

Vaqt: 80 daqiqa.

Materiallar va jihozlar: Ingliz tilida fizika darslik. Nyuton qonunlarining asosiy tushunchalari va formulalari bilan taqdimot.

Nyuton qonunlarini ko'rsatadigan tajribalar videolari. Ingliz tilida vazifalar bilan ish varaqlari.

Dars rejasi: Kirish qismi (5 daqiqa). Dars mavzusiga qisqacha kirish. Nyuton qonunlarining kundalik hayotdagi ahamiyati va ularning zamonaviy fanga ta'sirini muhokama qilish.

Yangi materialni o'rganish (35 daqiqa). Nyuton qonunlari bilan bog'liq asosiy tushunchalar, formulalar va misollarni o'z ichiga olgan taqdimot tayyorlang. Oquvchilar materialni yaxshiroq tushunishlari uchun taqdimotda qoroqalpoq tiliga tarjimalar mavjudligiga ishonch hosil qiling.

Masalan:

1-slayd: Sarlavhali slayd.

Sarlavha: Nyutonning harakat qonunlari.

Tarjimasi: Newton's Laws of Motion.

Subtitr: Klassik mexanika asoslari.

Tarjimasi: The Foundation of Classical Mechanics.

2-slayd: Nyuton qonunlari bilan tanishish.

Sarlavha: Nyuton qonunlarini ko'rib chiqish.

Tarjimasi: An Overview of Newton's Laws

Mazmun: Fizik dunyoni tushunish uchun Nyuton qonunlarining ahamiyati haqida qisqacha ma'lumot. Ushbu qonunlar klassik mexanikaga qanday asos solganligi va kundalik hayotda va ilg'or fizikada qo'llanilishini eslatib o'tish.

Tarjimasi: Brief introduction to the significance of Newton's Laws in understanding the physical world. Mention how these laws lay the groundwork for classical mechanics and have applications in every day life and advanced physics.

3-slayd: Nyutonning birinchi qonuni.

Sarlavha: Nyutonning birinchi qonuni-inersiya qonuni.

Tarjimasi: Newton's First Law-The Law of Inertia

Mazmun: Qonunning izohi: "Har bir jismga tashqi kuch ta'sir etgunga qadar to'g'ri chiziqda tinch yoki bir tekis harakatda qoladi".

Tarjimasi: "Every object will remain at rest or in uniform motion in a straight line unless compelled to change its state by the action of an external force".

4-slayd: Nyutonning ikkinchi qonuni.

Sarlavha: Nyutonning ikkinchi qonuni-tezlanish qonuni.

Tarjimasi: Newton's Second Law-The Law of Acceleration

Mazmun: F=ma formulasini ko'rsatish va jismning tezlanishi unga ta'sir etuvchi kuchga to'g'ridan-to'g'ri proportsional va massasiga teskari proportsional ekanligini tushuntirish. Ushbu qonun yordamida kuch, massa yoki tezlanishni hisoblash misollarini kiriting.

Tarjima: Presentation of the formula F=ma and an explanation that the acceleration of an object is directly proportional to the net force acting upon it and inversely proportional to its mass. Include examples of calculating force, mass, or acceleration using this law.

5-slayd: Nyutonning uchinchi qonuni.

Sarlavha: Nyutonning uchinchi qonuni-harakat va reaksiya qonuni.

Tarjimasi: Newton's Third La –The Law of Action and Reaction

Mazmun: Qonunning tavsifi: "Har bir harakat uchun teng va qarama-qarshi reaktsiya mavjud".

Tarjimasi: "For every action, there is an equal and opposite reaction".

Amaliy ish (20 daqiqa).

Nyuton qonunlarini tushunishni mustahkamlashga qaratilgan mashqlarni ingliz tilida bajarish.

Nyuton qonunlari yordamida ingliz tilida fizika masalalarini yechish.

Masalan:

Keling, ingliz tilida o'quvchilarga Nyuton qonunlari formulalarini echishda mashq qilish imkonini beradigan ba'zi muammolarni yarataylik. Bu masalalar kuch, massa va tezlanishni hisoblashni o'z ichiga oladi, Nyutonning ikkinchi qonunining turli jihatlarini ko'rsatadi.

Problem 1: Calculating Force.

Task: A car has a mass of 1500 kg and accelerates at a rate of 2 $m/s^2$. Calculate the net force acting on the car.

Instructions: Use Newton's second law of motion formula, F=ma, where F is the force in Newtons, m is the mass in kilograms, and a is the acceleration in meters per second squared.

Problem 2: Determining Acceleration.

Task: A force of 300 N isapplied to a wagon with a mass of 50 kg. Determine the acceleration of the wagon.

Instructions: Rearrange Newton's second law of motion formula to solve for acceleration, a=m/F, where F is the force in Newtons, m is the mass in kilograms, and a is the acceleration in meters per second squared.

Problem 3: Finding Mass.

Task: An object is accelerating at 5 $m/s^2$ under the influence of a 200 N force. Calculate the mass of the object.

Instructions: Rearrange Newton's second law of motion formula to solve for mass, m=F/a, where F is the force in Newtons, a is the acceleration in meters per second squared, and m is the mass in kilograms.

Munozara va savollar (15 daqiqa).

"Nyuton qonunlarining har birini o'z so'zlaringiz bilan qisqacha tushuntirib bera olasizmi?" "Ushbu qonunlarning har birini tasvirlash uchun qanday hayotiy misollar keltira olasiz?" "Sizningcha, qanday kundalik vaziyatlar Nyutonning birinchi inersiya qonunini ko'rsatadi?" "Nyutonning ikkinchi qonuni yordamida mashina haydashning qaysi jihatlarini tushuntirish mumkin?" "Ushbu darsda fizikadan qanday atama yoki tushunchalar bilan tanishdingiz va ularni ingliz tilida qanday izohlagan bo'lardingiz?

"Fizikadan dars berishda ingliz tilidan foydalanishning qanday afzalliklari bor deb o'ylaysiz? Bu bizga ilmiy tushunchalarni yaxshiroq tushunish va qo'llashda qanday yordam beradi?"

Xulosa va uy vazifasi (5 daqiqa).

"Bugun biz Nyuton qonunlarini muhokama qilish orqali fizika va ingliz tilini o'rganishni muvaffaqiyatli birlashtirdik. Biz har bir qonunni va ularning hayotda qo'llanilishini ko'rib chiqdik". "Biz Nyutonning birinchi qonuni inersiya tushunchasini qanday izohlashini, ikkinchi qonun kuch, massa va tezlanishni

qanday bog'lashini, uchinchi qonun esa harakat va reaktsiya tamoyilini tavsiflashini muhokama qildik".

"Dars davomida biz fizika tushunchalarini tushuntirish uchun ingliz tilidan foydalandik, bu o'quvchilarga nafaqat fizika bo'yicha bilimlarini oshirish, balki ingliz tilidagi muloqot qobiliyatlarini rivojlantirishga yordam berdi". "Shuningdek, biz Nyuton qonunlari haqiqiy hayotda qanday qo'llanilishini muhokama qildik, masalan, mashina haydash kabi kundalik vaziyatlardan tortib, kosmik kemaning parvozi kabi murakkabroq hodisalargacha".

Uy vazifasi uchun: ushbu jumlalarni qoraqalpoq tiliga tarjima qiling.

1st Law-An object at rest stays at rest and an object in motion stays in motion with the same speed and in the same direction unless acted upon by an unbalanced force.

1st Law-This is an example of inertia, where your body continues in its state of motion despite the bus stopping.

2nd Law-Theacceleration of an object as produced by a net force is directly proportional to the magnitude of the net force, in the same direction as the net force, and inversely proportional to the mass of the object.

3rd Law-The rocket's action of pushing gases downward results in the reaction of the rocket moving upwards.

Qo'shimcha tavsiyalar: Guruh loyihalari yoki rolli o'yinlar kabi interfaol o'qitish usullaridan foydalaning, bu orqali o'quvchilarga o'rgangan so'z boyligi va tushunchalaridan amaliy kontekstda faol foydalanish imkonini beradi. O'quvchilarni ingliz tilidan nafaqat topshiriqlar paytida, balki darsdagi muammolarni muhokama qilishda ham foydalanishga undash. O'quvchilarga darsdan tashqarida mustaqil ravishda materialni o'rganish imkonini berish uchun ingliz va fizika fanlarini o'rgatish uchun onlayn resurslar va ilovalardan foydalanishni o'ylab ko'ring.

Xulosa. Fizika va ingliz tilini maktab ta'limiga integratsiyalash kuchli va istiqbolli ta'lim yondashuvidir. Keling, ushbu kontseptsiyadan kelib chiqadigan asosiy xulosalarni ko'rib chiqaylik: Til va fan ko'nikmalarini takomillashtirish: Fizika va ingliz tilini o'rganishni birlashtirish til ko'nikmalari va ilmiy tushunishni bir vaqtda rivojlantirishga yordam beradi. Bu nafaqat har bir alohida yo'nalish bo'yicha bilimlarni mustahkamlaydi, balki o'quv jarayonini boyitadi.

Tanqidiy fikrlash va ijodkorlikni rivojlantirish: Fizika va ingliz tilini integratsiyalash talabalardan tanqidiy fikrlash, ijodkorlik va ko'p tarmoqli kontekstda axborotni tahlil qilish qobiliyatini qo'llash va rivojlantirishni talab qiladi. O'quvchilarning motivatsiyasi va faolligi: Ingliz tilini fanlar kontekstida amaliy qo'llash o'quvchilarning o'rganishga bo'lgan motivatsiyasi va qiziqishini oshiradi, jarayonni yanada dinamik va qiziqarli qiladi.

Shunday qilib, fizika va ingliz tilining maktab ta'limiga integratsiyalashuvi o'quvchilarning rivojlanishi, har ikki yo'nalish bo'yicha kompetentsiyalarini mustahkamlash uchun yangi imkoniyatlar ochadi. Bu ularni nafaqat akademik va professional muvaffaqiyatga tayyorlaydi, balki global fikrlashni, ko'p madaniyatli dunyoga moslashishni, o'rganish va o'z-o'zini takomillashtirishga doimiy intilishni targ'ib qiladi. Ta'limga bunday yondashuv jamiyat va ilm-fan rivojiga hissa qo'shishga tayyor fuqarolarning yanada ongli, barkamol va o'zaro bog'langan avlodini shakllantirishga xizmat qiladi.

**Adabiyotlar:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida» gi 2017 yil 20 aprelda qabul qilgan PQ-2909 raqamli qarori.

2. Тилеп А. С. Применение метода clil на уроках физики //Проблемы и перспективы развития науки и образования в XXI веке, 2021, стр. 246-253.

3. Мамметмурадов Д.А., Реджепова Т., Курбанова М.. "Важность и методы преподавания физики на английском языке" Вестник науки, 2023, В. 4, №. 4 (61), стр. 119-123.

4. Тыртова Е.Д. "Изучение физики на английском языке в школе. Новые подходы" Достижения науки и образования, 2017, №. 4 (17), стр. 106-107.

5. В. В. Головинцева, Б. Б. Ерманова, А. С. Паневина и др. Внедрение предметно-языковой интеграции на уроках физики в 8 классе // Молодой ученый. 2017, № 18.1 (152.1). С. 12-16.

6. Кононенко Н. О. Використання CLIL технологій в процесі навчання фізики //Наукові записки молодих учених. 2020, Т. 5, стр. 2617-2666.

7. Харютченко В. С. Межпредметные связи на уроках английского языка и физики //Студенческий электронный журнал. 2021, №.1, стр 71-76.

8. Qilichova M.X. Ta'lim-tarbiya jarayoniga integratsion yondashuvning mazmuni //Academic research in educational sciences, 2021, В. 2, №10, стр. 917-921.

**РЕЗЮМЕ**

Globallashuv va texnologik taraqqiyot davrida ta'lim tizimlari yangi talablarga moslashish zarurati bilan duch kelmoqda. Maqolada fizika va ingliz tilini maktab ta'limiga integratsiyalashuvi bilim ufqlarini kengaytirish va o'quvchilarda muhim ko'nikmalarni shakllantirish usuli sifatida ko'rib chiqiladi. Ingliz tilini fan va biznesning xalqaro tili sifatida bilish muhimligiga, fizikaning fundamental fan sifatidagi ahamiyatiga alohida e'tibor qaratilmoqda. Maqolada ushbu fanlarni integratsiyalashning mumkin bo'lgan yondashuvlari taklif etiladi va talabalar uchun tanqidiy fikrlashni rivojlantirish, madaniyatlararo muloqot va innovatsiya qilish qobiliyati kabi imtiyozlar muhokama qilinadi.

**РЕЗЮМЕ**

В эпоху глобализации и технологического прогресса образовательные системы сталкиваются с необходимостью адаптации к новым требованиям. Статья рассматривает интеграцию физики и английского языка в школьное образование как способ расширения горизонтов знаний и развития важных навыков у учащихся. Особое внимание уделяется важности владения английским языком как международным языком науки и бизнеса, а также значению физики как фундаментальной науки. Статья предлагает возможные подходы к интеграции этих дисциплин и обсуждает преимущества для учащихся, такие как развитие критического мышления, кросс-культурного общения и способности к инновациям.

**SUMMARY**

In the era of globalization and technological progress, educational systems face the necessity of adapting to new demands. This article explores the integration of physics and English language education in schools as a means of broadening knowledge and developing essential skills among students. The importance of English as the de facto international language of science and business, along with the significance of physics as a fundamental science, is emphasized. The article suggests possible approaches to integrating these disciplines and discusses the benefits for students, including the development of critical thinking, cross-cultural communication, and innovative abilities.

# БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

## MAKTABGACHA TA’LIM TASHKILOTI TARBIYALANUVCHILARIDA O‘Z-O‘ZINI BOSHQARISH KO‘NIKMASINI SHAKLLANTIRISH

***To‘ymurodova D.D.***
*Buxoro pedagogika instituti tayanch doktaranti*

**Tayanch so‘zlar:** texnologiya, STEAM, TRIZ, ta’lim, tarbiya, ko‘nikma, o‘z-o‘zini boshqarish, faoliyat, jarayon, salohiyat, metod, usul, innovatsiya, samaradorlik, takomillashtirish, muhit, omil, vosita, imkoniyat.

**Ключевые слова:** технология, STEAM, ТРИЗ, образование, обучение, навык, самоуправление, деятельность, процесс, потенциал, метод, метод, инновация, эффективность, улучшение, среда, фактор, инструмент, шанс.

**Key words:** technology, STEAM, TRIZ, education, training, skill, self-management, activity, process, potential, method, method, innovation, efficiency, improvement, environment, factor, tool, chance

Bugungi kunda o‘sib kelayotgan yosh avlodni har jihatdan mukammal, barkamol, keng dunyoqarashga, immuniteti mustahkam, ijodiy tafakkur, intellektual salohiyatga ega bo‘lgan shaxslar etib tarbiyalashimiz zarur. Vatanimiz kelajagi bo‘lgan yoshlarni bilimdon, ma’naviy kamol topgan, g‘oyaviy yetuk insonlar qilib tarbiyalash hozirgi zamon pedagoglar-tarbiyachilar va ota-onalar qarshisiga qo‘yilgan dolzarb vazifalardan biridir.

Bola dunyoga kelgan kunidan 7 yoshiga qadar aynan uning aqliy faolligi oshib boradi, ruhan, axloqiy-estetik va jismoniy xislatlar shakllanadi. Shu bois ham bu davrga diqqatli bo‘lmoq tavsiya etiladi. Bola hayotidagi eng muhim davr sanaladi bu yosh. Bugungi globallashuv davrda maktabgacha ta’lim sohasini rivojlantirish borasidagi strategik maqsadimiz – ijtimoiy ahvolidan qat’i nazar, maktabgacha yoshidagi har bir bolani ushbu ta’lim yo‘nalishi bilan to‘liq qamrab olish uchun zarur sharoitlarni yaratishdan iboratdir.

Kelajagimiz poydevori bo‘lmish yosh avlodni har tomonlama barkamol qilib tarbiyalash, xalqimizning azaliy orzusi bo‘lib, ajdodlarimiz madaniyatni

qanday qilib yosh avlodga o‘rgatish, ularni komillikka yetaklash yo‘llari, qonun-qoidalarini muttasil o‘rganib izlaganlar.

Ta’lim va tarbiyaning mazmuni, vositalari, metodlari bolalarning rivojlanish jarayoni, ularning yoshi bilan izohlanadi albatta. Jumladan, kichik yoshdagi bolalar bilan ish olib borganda ulaning mustaqil hayotga butunlay moslashmaganligi hisobga olinadi. Keyingi yosh guruhlarida maktabgacha yoshdagi bolaning mustaqilligi, o‘zini-o‘zi boshqara olishi va ijtimoiy muhitlarga anchagina moslashib borishi, shunga muvofiq tarzda ta’lim-tarbiyaviy ishlar, ularga beriladigan topshiriqlar, vazifalar mazmuni, vositalari va metodlari o‘zgartirib boriladi.

Barchamizga ma’lumki, maktabgacha yoshdagi bolalarning ta’lim tashkilotlari sharoitlariga moslashuvining o‘ziga xos xususiyatlari mavjud. Bola hayotning dastlabki yillaridan boshlab ijtimoiy muhitlar yangilanib boradi, maktabgacha ta’lim tashkilotiga qadam qo‘yishi, undan shu paytgacha shakllanib bo‘lgan yurish-turish qoidalarini o‘zgartirishni kabi talablar qo‘yila boshlaydi. Bola uchun bu jarayonlarning qulay va osonroq kechishi uchun ijtimoiy pedagog yordam ko‘rsatishi va bolalar hayotini har tomonlama qulay tashkil qilishda ishtirok etishi zarur. Shu tariqa bolaga mustaqillik, erkin fikr, o‘zini-o‘zi boshqara olishi qobiliyati, kirishuvchanlik, dadillik kabi hislatlar taqdim etiladi.

Bola tug‘ma oila muhiti, yurish-turish shakllariga ega emas va ijtimoiy muhitda rivojlanish mobaynida uch asosiy komponentni: hudud, vaqt, va muomala shakllarini o‘zlashtiradi. Demak, bola tug‘ilishdanoq, uning faolligi, mustaqilligi “bola-kattalar” munosabatlari ichida tartibga solinar ekan.

Ma’lumki, maktabgacha yoshdagi bolalarning hatti-harakatlarining xarakterli jihati yuqori hissiyotchanlikdir. Bolada emotsional holatning qanchali rivojlanganligi va tarbiyalanganligi bog‘liq. Odatiy hayot tarzining buzilishi, atrof-muhit ta’sining buzilishi birinchi navbatda, bolada emotsional holatnnng buzilishiga olib keladi.

Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida bolani yangi muhitga ko‘niktirish, ularda mustaqillik va o‘z-o‘zini boshqarish ko‘nikmalarini shakllantirishning eng muhim shartlaridan biri bu – o‘yindir. O‘yin bola faolligining asosiy va o‘ziga xos shaklidir. Bu o‘sib ulg‘ayayotgan bolaning borliq, tabiat, atrof-muhit ob’ektlari haqida ma’lumot yig‘ishiga, kattalarga tahlid qilishiga, va ular mehnati bilan tanishishga, faol, mustaqil harakat qilishiga, o‘z fikrini erkin bayon etishda, tanqidiy fikrlash ko‘nikmalarini rivojlantirishda, uning muhit bilan o‘zaro aloqasini shakllantiradigan faoliyat turidir. O‘yinlarda bola bajara olmaydigan talablar qo‘yilmaydi. O‘yinlar bolalar ehtiyojlarini qondiradi va

ularga zavqlanish hissini beradi. Bundan kelib chiqadiki, o‘yin bola hayoti, madaniyati va faoliyatini tashkil qilish shakli sifatida, nafaqat o‘z-o‘zini boshqarish, o‘rtoqlarini ergashtira olish, tashabbus bildirish, o‘z menligiga erishishi uchun eng qulay vosita sanaladi.

Maktabgacha ta’lim tashkiloti tarbiyalanuvchilarida o‘z-o‘zini boshqarish ko‘nikmasini shakllantirishda eng avvalo pedagogik jarayon to‘g‘ri tashkil etilishi ahamiyatli sanaladi. Bolaning yosh jihati inobatga olinib, uning qobiliyatlari, imkoniyatlarini inobatga olish, bolani ta’limga emas, ta’limni bolaga moslashtirish maqsadga muvofiqdir.

Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida pedagogik jarayonni tashkil etishning maqsadi va vazifalari haqida quyidagicha to‘xtalamiz:

1. Har bir yosh guruhida bolalarni jamoatchilik ruhida tarbiyalash va ularning har tomonlama rivojlanishini ta’minlaydigan bir xil shart-sharoitlar yaratish.

2. Bolalarni yosh guruhlariga taqsimlashda har bir guruhga faqat bir xil yoshdagi bolalarni tanlash va shunga qarab ta’lim-tarbiya jarayonini tashkil etish.

3. Bolalarning har xil faoliyat bilan shug‘ullanishlari va bir-birlari bilan muloqotga kirisha olishlari uchun zarur bo‘lgan inklyuziv muhitni yaratish. Buning uchun guruh xonasi va maydonchani gigiyenik, pedagogik, estetik talablar darajasida kerakli asbob-anjomlar bilan ta’minlash.

4. Bolalarning yoshiga mos kun tartibiga rioya qilish va uning barqarorligini ta’minlash.

Bolalarning har xil faoliyatlarini ilmiy asoslangan tamoyillar asosida almashtirib borish bolalar bog‘chasining har xil yosh guruhlarida bolalar hayotini to‘g‘ri tashkil etishni ta’minlaydi. Bolalarning har tomonlama rivojlanishini ta’minlashga qaratilgan pedagogik jarayon murakkab va rang-barangdir.

Bolalarni o‘z “Men”iga ega qilish, ularda o‘z-o‘zini boshqarish ko‘nikmasini shakllantirishda ta’lim-tarbiya ishining tashkiliy shakllari, bolalar faoliyatining har xil turlari: mashg‘ulotlarda ta’lim berish orqali, ijodiy va qoidali o‘yinlar, bolalarning mustaqil faoliyati, ularning o‘z mehnati va kattalar mehnati bilan tanishtirish, o‘z-o‘ziga xizmat qilish, sayrlar, gigiyenik tadbirlar orqali amalga oshiriladi.

Ta’lim-tarbiya ishlarini muvaffaqiyatli amalga oshirish bolalar bog‘chasidagi pedagogik jarayonning har bir faoliyat turini to‘g‘ri tashkil etishga bog‘liqdir. Bolalar bog‘chasining pedagogik jarayonida ta’lim muhim ahamiyat kasb etadi va kundalik hayot, o‘yin, mehnat, mashg‘ulotlar orqali amalga oshiriladi. Mashg‘ulotda ta’lim va tarbiya vazifalari hal etiladi. Bolalar tevarak-atrofdagi

hayot va tabiat bilan tanishish, nutq o‘stirish, savod o‘rgatish, matematika, jismoniy madaniyat, tasviriy faoliyat, musiqa bo‘yicha eng oddiy tasavvur va bilimlarni, malaka hamda ko‘nikma sistemasini egallab oladilar. Bolalar egallab olishlari kerak bo‘lgan bilim, malaka va ko‘nikmalar maktabgacha ta’limning “Ilk qadam” davlat o‘quv dasturida belgilab berilgan bo‘lib, u bolalarning umumiy rivojlanishi va ularni maktab ta’limiga sifatli tayyorlashda muhim ahamiyatga ega.

Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida ta’limiy jarayonlar “Ilk qadam” davlat o‘quv dasturi asosida olib borilib, aynan rivojlantiruvchi muhit, kun davomidagi olib boriladigan barcha faoliyatlar, ta’limiy, tarbiyaviy, bolani har tomonlama rivojlantirish jarayonlarida dasturga tayaniladi. Rivojlanish o‘ta murakkab harakat jarayoni bo‘lib, oddiydan murakkabga, quyidan yuqoriga, eski sifatlardan yangi holatlarga o‘tish, yangilanish, eskini yo‘qolib borishi, yangining paydo bo‘lishi, miqdor o‘zgarishining sifat o‘zgarishiga o‘tishini ta’minlovchi harakatdir. Bola shaxsini rivojlanishida tabiat qonuniyatlari, biologik va ijtimoiy qonuniyatlar birgalikda ta’sir etadi va qarama-qarshiliklar o‘rtasidagi kurashlardan rivojlanish jarayoni paydo bo‘ladi. Rivojlanishda esa tarbiya muhim jarayon hisoblanadi. Tarbiyaning jarayonlarini samarali ta’sir etishi uchun har bir bolaning alohida xususiyatlari, o‘sish va rivojlanish qonuniyatlarini bilish va hisobga olish maqsadga muvofiqdir. Shaxs rivojlanishida eng avvalo irsiyat, muhit, tarbiya va shu bilan bir qatorda inson faoliyati ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Shaxs rivojlanishida inson faoliyati bu pedagoglarning bevosita ta’siri sanaladi. Tarbiyachi-pedagog dasturga asoslangan holda zamonaviy pedagogik texnologiyalar asosida, turli xildagi metodlar, usullar asosida ta’limiy faoliyatni tashkil etadi, bolaning shaxsiy kamolotida yetakchi o‘rin tutadi.

Keling pedagogik texnologiyalar haqida so‘zlashdan oldin bu terming izoh berib olaylik. Pedagogik texnologiya - bu bolaga ta’lim berishda yani o‘qitishda o‘ziga xos yangicha innovatsion yondoshuvdir. Pedagogik texnologiya – o‘qitishning, ta’limning yangicha shakllari, metodlari, usullari, yo‘llari, tarbiyaviy vositalarning maxsus yig‘indisi va joylashuvini belgilovchi psixologik tartiblar majmuasi.

Ta’lim sohasiga e’tibor yanada kuchaytirilgan bir vaqtda zamonaviy pedagogik texnologiyalarga ustuvor ahamiyat berilmoqda. Bugungi kun ta’limining eng asosiy innovatsion metodi va istiqbolli texnologiyasi bu - STEAM texnologiyasidir. Ko‘pgina ta’lim tashkilotylarida ta’limning sifat samaradorligini oshirish maqsadida STEAM texnologiyasidan maqsadli foydalanib kelinmoqda.

STEAM texnologiyasi maktabgacha ta’lim va maktab yoshdagi bolalarni tarbiyalashda eng qulay dasturdir. Matabgacha ta’lim tashkilotlarida STEAM texnologiyasi asosida ta’limning tashkil etilishi, kelajakda bolaning innovatsion tadqiqotlarni mustaqil ravishda amalga oshira olishiga turtki bo‘ladi.

Ushbu texnologiyani ta’limda qo‘llanilishining maqsadi faoliyat jarayonida zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalangan holda, bolalarni ilmiy salohiyatini oshirish va texnik ijodkorlikka jalb qilish imkoniyati bilan intellektual qobiliyatini, ijodkorligini rivojlantirishdir.

TRIZ texnologiyasi - bolani “Hamma narsada ijodkorlik!” shiori ostida tarbiyalash va o‘qitish imkonini beradigan texnologiya sanalib, ushbu texnologiyasidan foydalanishning maqsadi, bir tomondan, moslashuvchanlik, harakatchanlik, izchillik, dialektika, ikkinchi tomondan, qidiruv faolligi, yangilikka intilish, nutq va uni rivojlantirish kabi fikrlash fazilatlarini rivojlantirishdir.

Maktabgacha ta‘lim tashkilotlarida bolalar uchun qo‘llaniladigan bu texnologiya jamoaviy o‘yinlar tizimidir. Bu o‘yinlar tizimi dasturni amaliyotda joriy etilishda samaradorlikni oshirish uchun xizmat qiluvchi faoliyatlar yig‘indisi sanaladi.

TRIZ texnologiyasidan foydalanish bolalarda o‘z imkoniyatlarini namoyon etish, o‘zining kashfiyotlaridan quvonchni his etish, uddalay olishiga ishonish kabi hissiyotlarni bolada shakllantiradi. Bolalarning ijodiy va aqliy faoliyati sezilarli maksimal faollashadi. Bolani keng fikrlashga, tashabbus bildirishga va muammoning yechimini topishga o‘rgatadi.

Ta’lim va tarbiyaning mazmuni, vositalari, metodlari bolalarning rivojlanish jarayoni, ularning yoshi bilan izohlanadi. Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida innovatsiyalar ta’limiy-pedagogik jarayonlarda muntazam qo‘llar ekanmiz, bolaning shaxsiy imkoniyatlari, menligi, yosh jihatlarini va uning maxsus qobiliyatlarini rivojlantirishga qaratilgan metodlar, texnologiyalarga diqqat qaratish maqsadga muvofiqdir.

Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida bilamizki, bolani to‘laqonli tarbiyalashda, faoliyatda innovatsion texnologiyalardan foydalanishda, predmetli muhitni yaratish juda ham muhimdir. Bunday predmetli muhiti - bola faoliyati, uning shaxsini to‘laqonli rivojlanishini ta’minlovchi sharoitlar tizimidir. Predmetli muhiti bolalarning rivojlanishi uchun kerak bo‘lgan bazaviy tarkibiy qismlarni o‘z ichiga qamrab oladi.

Xulosa qilib aytganda, nafaqat STEAM texnologiyasi, TRIZ texnologiyasi, balki, bolalar ta‘limiy faoliyatini yaxshilashga qaratilgan barcha innovatsion pedagogik texnologiyalar bolani mustaqil hayotga tarbiyalaydi, farovon hayot

sari yetaklaydi. Ularda o‘zini-o‘zi boshqarish ko‘nikmasin shakllanishida, o‘z meniga ega bo‘lishida, tanqidiy fikrlashida, ijodiy faolligida asos bo‘lib xizmat qiladi. Shiddat bilan rivojlanib borayotgan bugungi zamonaviy ta‘lim davrining mehnat bozorida raqobatbardosh kadrlarni tayyorlash uchun xizmat qiladi.

**Adabiyotlar:**

1. E.A. Migranova, Sh.X. Poziiova Kasbiy pedagogik f'aoiiyatga kirish / O‘quv qo‘llamna. - Toshkent: “Tafakkur bo‘stoni”, 2018 y. - 200 bet

2. S.I.Mirhayitova Pedagogik texnologiya. O‘quv qo‘llanma. – Toshkent: 2020 y.- 200 bet

3. F.Qodirova, Sh.Toshpo‘latova, N.Kayumova, M.A’zamova. “Maktabgacha pedagogika”.-T., “Ma’naviyat”. 2019 y.- 688 b

4. N.M.Qayumova “Maktabgacha pedagogika”. “TDPU” nashriyoti T:. 2013 y. -183

5. M.E. Axmedova. Pedagogika nazariyasi va tarixi. (Pedagogika tarixi). O‘quv qo‘llanma. O‘zR oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi. - T.: Tafakkur bo‘stoni, 2011y. -128 bet.

6. K.Turg‘unboyev, M.Tolipov, I.Oxunov “Ijtimoiy pedagogika asoslari” O‘quv qo‘llanma. Toshkent “Fan va texnologiya” 2008 y.

7. N.T. Omonov, N.X. Xo‘jayev, S.A. Madyarova, E.U. Eshchonov. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. Darslik.– T.: “Iqtisod-moliya” 2009 y. – 240 bet

8. Raxmonova S.M. “Preparing the graduate students of primary education for innovative professional activity”. Web of Scientist: International Scientific Research Journal (WoS) ISSN: 2776-0979, Volume 4, Issue 8, August, 2023 y. P 288-293.

9. Raxmonova S.M. .“In improving the innovative professional activity of future pedagogues, problem-based learning the most effective method of teaching”. Science and technologies. 2023 y. № 3 (1). P 107-112.

10. Raxmonova S.M. “Practical features of preparing primary education students for professional activity” Science and innovation in the education system, 2 (9), 2023 y. P 67-71.

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqolada maktabgacha ta’lim tashkilotlarida tarbiyalanuvchilarda o‘z-o‘zini boshqarish ko‘nikmasini shakllantirishda yordam beradigan vositalar, innovatsion pedagogik metodlar va texnologiyalarning samaradorligi, ta’lim va tarbiyaning mazmuni, ta’limiy faoliyatini yanada takomillashtirish, maktabgacha ta’lim tashkilotlarida pedagogik jarayonni tashkil etishning maqsadi va vazifalari, maktabgacha ta’lim tizimida qo‘llaniladigan pedagogik texnologiyalar haqida so‘z boradi.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье рассмотрены средства, способствующие формированию навыков самоуправления в дошкольных образовательных организациях, эффективности инновационных педагогических методов и технологий, содержанию образования и воспитания, дальнейшему совершенствованию образовательной деятельности, в дошкольных образовательных организациях цель. и обсуждаются задачи организации педагогического процесса, педагогические технологии, используемые в системе дошкольного образования.

**SUMMARY**

In this article, tools that help in the formation of self-management skills in preschool educational organizations, the effectiveness of innovative pedagogical methods and technologies, the content of education and upbringing, further improvement of educational activities, in preschool educational organizations the purpose and tasks of organizing the pedagogical process, the pedagogical technologies used in the preschool education system are discussed.

# MAKTABGACHA TA'LIM YOSHIDAGI BOLALARDA JISMONIY SIFATLARNI RIVOJLANTIRISH – IJTIMOIY-PEDAGOGIK EHTIYOJ SIFATIDA

***Achilova S.X.***
*Qo'qon davlat pedagogika instituti*

**Tayanch so'zlar:** jismoniy tarbiyalash, jismoniy sifatlar, shaxsiy fazilatlar, sog'lom turmush tarzi.

**Ключевые слова:** физическая культура, физические качества, личностные качества, здоровый образ жизни.

**Key words:** physical culture, physical qualities, personal qualities, healthy lifestyle.

Kirish. Respublikamiz ta'lim-tarbiya tizimining boshlang'ich poydevori bo'lgan maktabgacha ta'limni sifatli va zamon talabi darajasida tashkil etilishini ta'minlash borasida keng qamrovli islohotlar, qator chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Xususan, maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish, moddiy-texnika bazasini mustahkamlash, maktabgacha ta'lim tashkilotlari tarmog'ini kengaytirish, malakali pedagog kadrlar bilan ta'minlash, bolalarni maktab ta'limiga sifatli tayyorlash darajasini tubdan yaxshilash, ta'lim-tarbiya jarayoniga zamonaviy ta'lim dasturlari va texnologiyalarini tatbiq etish, bolalarni har tomonlama intellektual, axloqiy, estetik va jismoniy rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratish davlatimiz rahbari tashabbuslari bilan qator ijobiy ishlar amalga oshirilmoqda.

Shaxsda jismoniy sifatlarni tarbiyalash uzluksiz va izchil jarayon bo'lib, uni maktabgacha ta'lim bosqichidan boshlash alohida ahamiyat kasb etadi. Bolalarda jismoniy sifatlarning mukammal rivojlantirilishi bolalarning har tomonlama yetukligi, ularda sog'lom turmush tarzini malakalarini shakllantirishdan iborat bo'lgan jismoniy tarbiyaning umumiy maqsadiga erishilganlik ko'rsatkichi sifatida namoyon bo'ladi.

O'zbekiston Respublikasining "Maktabgacha ta'lim va tarbiya to'g'risida"gi Qonunida bolaning shaxsini rivojlantirishga yo'naltirilgan shaxsiy yondashuv prinsipiga muvofiq MTTda ta'lim va tarbiya jarayonlarini takomillashtirish,

shuningdek, O‘zbekiston Respublikasining «Harakatlar strategiyasidan - Taraqqiyot strategiyasi sari» tamoyiliga asosan ishlab chiqilgan 2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasida ko‘rsatib o‘tilgan maktabgacha ta’lim tizimida ta’lim sifatini yangi bosqichga olib chiqish, maktabgacha ta’lim-tarbiya jarayonlarini ilmiy asoslangan yondashuvlar asosida takomillashtirish maqsadlari hamda «Uzluksiz ma’naviy tarbiya Konsepsiyasi» asosida 3-6 (7) yoshli bolalarni axloqiy jismoniy tarbiyalash, ularda shaxsiy fazilatlarni shakllantirishga qaratilgan kompleks chora-tadbirlarni ishlab chiqish va amalga oshirish zarurligi ta’kidlanganligi jismoniy tarbiya ishlari tizimida maktabgacha yoshdagi bolalarni pedagogik va psixologik xususiyatlarini aniqlashtirish, ularda jismoniy sifatlarni rivojlantirish modelini takomillashtirishni taqozo etadi.

Jamiyatimizda, shuningdek, yoshlar orasidan iqtidorli sportchilarni saralab olish ishlarini tizimli tashkillashtirish hamda jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirishga yo‘naltirilgan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 3-iyun PQ-3031-sonli “O‘zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish” qarori va “O‘zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va sportni yanada takomillashtirish va ommalashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2020-yil 24-yanvardagi PF-5924-sonli farmoni, Prezidentimizning Yoshlar ma’naviyatini yuksaltirish va ularning bo‘sh vaqtini mazmunli tashkil etish bo‘yicha 5 ta muhim tashabbusi doirasida “Yoshlarni jismonan chiniqtirish, ularning sport sohasida qobiliyatini namoyon qilishlari uchun zarur sharoitlar yaratish”ga yo‘naltirilgan ikkinchi tashabbus ijrosini ta’minlash maqsadida maktabgacha ta’lim tizimini tubdan takomillashtirish, bolalarni har tomonlama intellektual, axloqiy, estetik va jismoniy rivojlantirish, ta’lim-tarbiya berish orqali bolalarni maktab ta’limiga sifatli tayyorlash va ta’lim-tarbiya jarayoniga zamonaviy ta’lim dasturlari va texnologiyalarini joriy etishga qaratilgan pedagogik jarayonga alohida e’tibor qaratilmoqda.

Muhokama va natija. Bugungi kunda o‘sib kelayotgan yosh avlodni har tomonlama yetuk barkamol shaxs sifatida voyaga yetkazish maqsadida malakatimizda qator islohotlar amalga oshirilmoqda. Ijobiy islohotlarni amalga oshirish bolalarning yoshi, individual psixologik xususiyatlari, jismoniy rivojlanishini hisobga olgan holda bir qator ta’lim dasturlarini ishlab chiqishni taqozo etmoqda. Maktabgacha yoshdagi bolalarning jismoniy jihatdan rivojlantirishga qaratilgan ta’lim-tarbiya jarayonini tashkil etishda zamonaviy yondashuvlarga tayanish, mashg‘ulotlar va bolalar faoliyatida pedagogik texnologiyalarni qo‘llash, ularni ta’limning keyingi bosqichlarini samarali o‘zlashtirishga imkon beradi.

Mamlakatimizda jismonan va ma’nan sog‘lom, hech kimdan kam bo‘lmagan avlodni tarbiyalashga alohida e’tibor qaratilmoqda. Zero yuksak ma’naviyatli, har tomonlama barkamol avlodni voyaga yetkazish Vatanimiz kelajagini ta’minlash va barcha ezgu maqsadlarimizni ro‘yobga chiqarishning muhim omilidir. Bu olijanob maqsad yo‘lida keng qamrovli ishlar amalga oshirilmoqda. Oila, onalik va bolalikni muhofaza qilish, bolalar sportini rivojlantirish, ta’lim tizimini takomillashtirish kabi yo‘nalishlardagi izchil islohotlar o‘zining yuksak samaralarini berayotir.

Farzandlarimizni yuksak bilimli va zakovatli, jismonan baqquvat insonlar etib kamolga yetkazishning bosh omili-bolalar sportini rivojlantirish masalasi davlatimiz va jamiyatimizning doimiy diqqat markazida bo‘lib kelmoqda. Bugungi kunda bolalar sporti mamlakatimiz ta’lim-tarbiya tizimining uzviy qismiga aylanib, ushbu soha bilan mutanosib ravishda izchil rivojlantirilmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Maktabgacha ta’lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorida:

maktabgacha yoshdagi bolalarning har tomonlama intellektual, axloqiy, estetik va jismoniy rivojlanishi uchun shart-sharoitlar yaratish;

maktabgacha ta’lim tizimiga innovatsiyalarni, ilg‘or pedagogik va axborot kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish;

maktabgacha ta’lim tizimiga maktabgacha ta’lim tizimi xodimlarini tayyorlash, qayta tayyorlash, malakasini oshirish, tanlab olish va rivojlantirishga mutlaqo yangi yondashuvlarni joriy etish;

maktabgacha ta’lim tashkilotlarida bolalarning sog‘lom va balanslashtirilgan ovqatlanishini, sifatli tibbiy parvarishini ta’minlash ustuvor vazifalar sifatida belgilab qo‘yilgan.

Ushbu qaror ijrosini ta’minlash maqsadida maktabgacha ta’lim tizimini rivojlantirish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar belgilandi. Binobarin, maktabgacha ta’lim tizimidagi tub o‘zgarish, yosh avlod bolalarining kompetentsiyalarini rivojlantirishning yosh xususiyatlarini hisobga olgan holda maktabgacha ta’lim yoshidagi bolalarda jismoniy sifatlarni rivojlantirishning zamonaviy usul va texnologiyalarini ishlab chiqish zarurligini aniq ko‘rsatib berdi. Aynan maktabgacha ta’lim yoshidagi bolalarda jismoniy sifatlarni rivojlantirish, maktabgacha ta’lim tashkilotlari tarbiyalananuvchilarining maktab ta’limi uchun yuksak sifatli va serqirra tarzda tayyorlashga erishish masalasi maktabgacha ta’lim sohasidagi ilmiy tadqiqotlar oldiga ham bir qancha vazifalarni qo‘yadi. Shu nuqtai nazardan, maktabgacha ta’limni rivojlantirish muammosi, xususan, innovatsion o‘quv-uslubiy baza, o‘quv dasturi va texnologiyalarni tayyorlash masalalarini yuqori sifatli qilib bajarish, faoliyatga yondashishni tashkil qilish uchun zarur pedagogik sharoitlarni yaratadi.

Azaldan bolalarni sog‘lom qilib voyaga yetkazishda jismoniy rivojlantirish masalasi dolzarb hisoblangan. Masalan “Avesto”dagi ko‘plab dalillar shuni ko‘rsatadiki, qadimgi ajdodlarimiz bolalarning chaqaloqligidan jismoniy, aqliy va jinsiy tarbiyasiga jiddiy e’tibor berishgan. Ularning fikricha yosh bolalar ochiq havoda, jismoniy mehnatda chiniqib voyaga yetishlari lozim.

“Avesto”da inson organizmi, mushak, suyak, teri, miya, asab, badan, tomir va qonga bo‘lingan.

Badanning quvvati esa jon, vijdon, ravon (tan), idrok va azaliy (qadimiy) ruh kabi 5 qismga bo‘lingan.

“Avesto”da yer, suv, zamin, xona, badan, kiyim-kechak, oziq-ovqatlarni toza tutish va bolalarni chiniqtirishga ham katta e’tibor berilgan.

Sharqning atoqli mutafakkirlari Abu Rayhon Beruniy, Abu Nasr al-Farobiy, Abu Ali ibn Sino, Pahlavon Maxmud, Alisher Navoiyning jismoniy tarbiya, sog‘liqni saqlash va gigiyena haqidagi fikr-mulohazalar xozirgi vaqtda ham dolzarb bo‘lib, o‘z ahamiyatini yo‘qotmagan.

Abu Nasr Farobiy (870-950)ning inson va uning psixikasi haqidagi axloqiy-falsafiy mushohadalari, jismning sog‘lom bo‘lishi haqidagi fikrlari “Ideal shahar aholisining fikrlari”, “Falsafiy savollar va ularga javoblar”, “Hikmat ma’nolari”, “Aql ma’nolari to‘g‘risida” kabi qator asarlarida bayon etilgan.

Abu Ali ibn Sino (980-1037) Buxoroning Afsona shahrida tug‘ilgan. U “Tozalik haqida risola” nomli kitob yozgan. U hozir Abu Ali ibn Sinoning butun dunyoga mashhur “Tib qonunlari”ga asos bo‘ldi. Olim risolasini quyidagi 5 ta mustaqil boblarga bo‘lgan:

1. Toza havo;
2. Hammom;
3. Taom;
4. Jismoniy harakat;
5. Uyqu va tetiklik;

Ibn Sino o‘z risolasining to‘rtinchi bobida “Jismoniy tarbiya mashqlari saviya va son jihatdan juda uzoq va kishini charchatadigan bo‘lmasligi kerak. Ular juda tez ham bo‘lmasligi kerak, aks holda ular qisqa davom etishiga qaramay kishiga uzoq bo‘lib tuyuladi, shuningdek, bu mashqlar o‘ta bo‘sh bo‘lmasligi ham kerak, aks holda ular uzoq davom etadigan mashqlar, kishiga juda qisqa bo‘lib tuyulmasin” - deydi.

Sog‘lom turmush tarzi va sog‘liqni saqlashda Abu Ali ibn Sino asosan yetti narsaga e’tiborni kuchaytirish zarurligini uqtirib o‘tadi: bularga

1.Mijozni mo‘tadil qilish.

2.Yeyiladigan va ichiladigan ovqatlarni tanlash.

3.Gavdani chiqindidan tozalash.

4.To‘g‘ri tuzilishni saqlash.

5.Burun orqali olinadigan havoni yetarli va yaxshi olish.

6.Kiyimga e’tibor berish.

7.Jismoniy va ruhiy harakatlarni tartibga solish (shu harakat jumlasiga uyqu va uyg‘oqlik ham kiradi).

Abu Ali ibn Sinoning “Tib qonunlari” kitobida kasalliklarni oldini olish, davolashga doir maslahatlar, inson salomatligining atrof-muhitdagi omillarga bog‘liqligi haqidagi fikrlar bildirilgan.

Bolaning ilk yoshidan boshlab gigiyenik asosda tarbiyalashni Ibn Sino sog‘liqni saqlashning eng asosiy jihati deb hisoblagan.

Uning fikricha, bola fe’l-atvorining vazminligiga e’tiborni qaratish zarurdir. Ruh va tananing sog‘lomligini saqlashga shu tariqa erishiladi.

Bolani gigiyenik tarbiyalashning umumiy tizimida jismoniy mashqlar yetakchi o‘rin egallaydi. Abu Ali ibn Sino buni davolash deb ataydi.

Bulardan ko‘rinib turibdiki, Ibn Sino o‘rta asrlardayoq jismoniy tarbiya mashg‘ulotlarining inson hayotida tutgan o‘rni va mohiyatini nazariy asoslab bergan. O‘sha davrda sportning kurash turi Turkiston hududida gurkirab rivojlangan, hamda u xalq orasida juda ommabop bo‘lgan.

Buyuk sohibqiron Amir Temur jismoniy tarbiyaga katta e’tibor qaratgan. “Temurnoma” da yozilishicha, Temur o‘spirinlik davrida tengdoshlari bilan o‘zining ko‘p vaqtini jismoniy mashqlar va harbiy o‘yinlarga ajratgan. Temurning o‘zi va o‘yinlarning boshqa ishtirokchilari ham katta jismoniy tayyorgarlikdan so‘ng buyuk lashkarboshilar bo‘lib yetishgan.

Ulug‘ shoir va mutafakkir Alisher Navoiy o‘z asarlarida jismoniy tarbiya va sport g‘oyalarini oldinga surib o‘z qahramonlarini jismonan kuchli, baquvvat va chiroyli insonlar sifatida ta’riflagan.

Alisher Navoiyning “Xazoyin ul-maoniy”, “Mahbub ul-qulub” va boshqa asarlarida yetuk, barkamol insonning axloqi, ma’naviyati, odamlarga munosabati, iste’dodi va qobiliyati, insonlarni jismoniy baquvvatligi to‘g‘risida qimmatli mulohazalar yuritilgan.

Navoiy “Xamsa”sining har bir dostonida bukilmas iroda, irodaviy sifatlar, shijoat, insonparvarlik tuyg‘ulari, botirlik, chaqqonlik, kuchlilik kabi insonning murakkab holatlari mohirona yoritilgan.

Shunday qilib, Sharq mutafakkirlari bola sog‘lig‘ini mustahkamlash va muhofaza qilishda jismoniy tarbiyaning roliga katta baho berganlar. Ular toza havoning ahamiyati, terini parvarish qilish qoidalariga, organizmni chiniqtirshga, jismoniy mashqlarga ko‘p e’tibor qilganlar. Kasalliklarni oldini olish va davolash yuzasidan maslahatlar berganlar.

Sharq mutafakkirlarining ovqatlanish, mehnat, uxlash, jismoniy mashqlar masalalari yuzasidan bergan maslahatlari bugungi kunda ham ahamiyatlidir.

Bunda sog‘lom, baquvvat, jismoniy rivojlanib o‘sayotgan maktabgacha ta’lim tashkilotlari tarbiyalanuvchisi, bu asosan, o‘z yoshi, qobiliyatiga ko‘ra harakat, malaka va ko‘nikmalari shakllanib kelayotgan, o‘ziga mos turli harakatlarga qiziqqan, axloqiy-irodaviy shaxsning ijobiy xislatlariga ega bo‘lishi lozim.

Bugungi kunda ham ko‘plab tadqiqotchilar tomonidan jismoniy ta’lim-tarbiyaga oid bir qator tadqiqotlarning olib borilayotgani, tadqiqot ishimizni dolzarbligini belgilaydi. Xususan, E.N.Nuriddinov, B.T.Xaydarov, M.A.Imomovlar hammualliflikda tayyorlagan “Bolalar va o‘smirlarda harakat sifatlarini rivojlantiruvchi va o‘zgartiruvchi irsiy va tibbiy omillar” nomli uslubiy qo‘llanmasida bolalar va o‘smirlar harakat sifatlarining rivojlantiruvchi va o‘zgartiruvchi irsiy va tibbiy omillarni o‘rganishga qaratilgan bo‘lib, harakat sifatlarini rivojlantirishda jismoniy mashqlar va sport musobaqalarining o‘rni, fiziologik, pedagogik va psixologik xususiyatlari yoritib berilgan.

Sh.Xankeldiyev va D.Isaqovalar fikricha maktabgacha ta’lim tashkilotlarida mashg‘ulotlar jarayonida noananaviy vositalarni qo‘llash sohaning ta’lim-tarbiya sifati va darajasini yangi bosqichga ko‘tarishda hamda bolalarning har tomonlama barkamol rivojlanishida muhim o‘rinni egallashini alohida ta’kidlab o‘tadi. Jismoniy tarbiya mashg‘ulotlarida noananaviy ta’lim metodlarini qo‘llab qo‘shimcha variativ dasturlarni ta’lim tizimi amaliyotiga joriy qilish bugungi kunning muhim vazifalaridan biridir. Bolalarning jismoniy tarbiyasida yangi pedagogik uslubiyatlarni, texnologiyalarni va yondashuvlarni ishlab chiqish yuzasidan ilmiy tadqiqotlarni olib borish ustuvor yo‘nalishlardan biri bo‘lib qolmoqda. Maktabgacha yoshdagi bolalarning jismoniy tarbiya jarayonida gimnastika mashqlarining noananaviy shakllaridan foydalangan holda jismoniy faol harakat darajasini optimallashtirish vazifasi hal etilishi zarur bo‘lgan muammolardan biri hisoblanadi.

Jismoniy rivojlanishida uzviylikni ta’minlash masalasiga oid bo‘lib, jismoniy tarbiya darslari hamda kun tartibida tashkil qilinadigan jismoniy tarbiya-sog‘lomlashtirish tadbirlarida bolalarni o‘qitish uslubiyati va mazmunini takomillashtirishga ahamiyat qaratilgan.

Tadqiqotchi F.Asqarov o‘zining “Bolalar jismoniy tarbiyasi

nazariyasi va texnologiyalari” nomli o‘quv qo‘llanmasida maktabgacha yoshdagi bolalarni jismoniy jihatdan barkamol etib tarbiyalashda bo‘lajak tarbiyachilar egallashi lozim bo‘lgan bilim, ko‘nikma va malakalar mazmuni xususida so‘z yuritiladi.

Tadqiqotchi L.Z. Xolmuradovning fikricha jismoniy harakat inson uchun, ayniqsa, bolalik va o‘smirlik bosqichlarida hayotiy zarur ko‘nikma va malakalarni

shakllantirish davri hisoblanadi. Jismoniy harakatlarsiz bolalarning ijodiy faolligiga va jismoniy qobiliyatlarini yetarli darajada rivojlanmasligiga olib keladi. Harakatni cheklash yoki uni buzish hayotning har bir bosqichida o‘zining salbiy ta’sirini ko‘rsatadi.

Tadqiqotchi M.M.Nuritdinova ilmiy izlanishlarida maktabgacha yoshdagi bolalarda harakat ko‘nikma va malakalarini shakllantirishda harakatli o‘yinlardan foydalanish yo‘llari, o‘ziga xos tomonlari, maktabgacha ta’lim tashkilotlarida amalga oshirish metodikasi o‘z aksini topgan.

Pedagogika fanlari nomzodi, O.V.Goncharovaning “Bolalar jismoniy sifatlarini tarbiyalash” nomli o‘quv qo‘llanmasida bolalarni maktabgacha yoshidan toki o‘smirlik yoshigacha jismoniy rivojlanish bosqichlari, jismoniy sifatlarni rivojlantishning fiziologik, psixologik, pedagogik xususiyatlari bilan bog‘liqligi xususida so‘z yuritilib, yosh sportchilarning jismoniy tayyorgarligi bo‘yicha zamonaviy bilim va tajribalar umumlashtirilgan. Jismoniy sifatlar va qobiliyatlarni yoshga bog‘liq holda rivojlantirish masalalari batafsil ko‘rib chiqilgan.

Rus pedagogi va tibbiyot fanlari bo‘yicha olim P.F.Lesgaft aqliy va jismoniy rivojlanish bir-biri bilan uzviy bog‘liq ekanligi, aqlning o‘sishi va rivojlanishi o‘z navbatida jismoniy rivojlanishni taqozo qilishini ta’kidlab o‘tadi. Bu orqali jismoniy tarbiya bilan shug‘ullanuvchilar jismoniy mashqlarni ongli ravishda, qiziqish, tashabbuskorlik bilan ijodiy yondashilsa organizmda harakat malakalari to‘g‘ri shakllanadi, funksional qobiliyatlari rivojlanadi.

Maktabgacha yoshdagi bolalarda jismoniy sifatlarni tarbiyalashning psixologik nuqtai nazardan tahlili shuni ko‘rsatadiki, bolalarda “Men pozitsiya”si (Ijtimoiy-hissiy rivojlantirish kompetensiyasi tushunchasi)ni rivojlantiradi va barcha harakatlar, jumladan motorik faoliyatni ham “aqliy tajriba” shaklida amalga oshirish imkoniyatini beradi.

Pedagog olim V.V.Davidov o‘z tadqiqotlarida bolalardagi yosh va rivojlanish xususiyatlariga muvofiq, maktabgacha yoshdagi bolalarda “Men pozitsiya”si kuchli rivojlanayotgan davrga to‘g‘ri kelishini atroflicha o‘rganib chiqqan. Bu davr maktabgacha yoshdagi bolalarda intellektual va ijodiy qobiliyatlar rivojlantirish, kuzatish, kognitiv qiziqishlar ortishi, aloqalarni o‘rnatish, bog‘liqliklarni aniqlash, xulosalar chiqarish, solishtirish, tasniflash, umumlashtirish, qobiliyat, faoliyat va natijalardagi o‘zgarishlarni bashorat qilish, fikrni aniq va lo‘nda ifodalash bilan tasniflanadi. Shuningdek, bu davrda bolalar harakatni “aqliy tajriba” shaklida amalga oshiradi.

Maktabgacha ta’lim yoshidagi bolalarda jismoniy sifatlarni (chaqqonlik, kuchlilik, epchillik, matonat, irodalilik, tirishqoqlik h.k) rivojlanishi ularning harakatli faoliyatini to‘g‘ri yo‘lga qo‘yishga yordam beradi. Amalda mazkur

sifatlarning hech birini alohida rivojlantirishni tasavvur qilish mumkin emas. Turli jismoniy sifatlarni tarbiyalash aslida bolaning jismoniy jihatdan har tomonlama rivojlanishidek yagona jarayonning turli tomonlaridir.

Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarda jismoniy sifatlarni rivojlantirish asnosida bolalarda atrofdagi sharoitni faol his etib, uni seza bilish, tushuncha hosil qilish, bilimlarni shakllantirish bilan yorqin emotsional his-tuyg'ular paydo bo'lishiga, individual psixologik xususiyatlarni takomillashishiga va har tomonlama rivojlanishiga zamin yaratadi.

Xulosa.Maktabgacha ta'lim tashkiloti tarbiyachisi bolalar salomatligini mustahkamlash va muhofaza qilishi to'g'risida g'amxo'rlik qilar ekan, har bir bolaning to'liq jismoniy rivojlanishi uchun, uning ijobiy emotsional holati, faol xulq-atvorga erishishi uchun qulay shart-sharoitlar yaratib berishi kerak. Bola ilk yoshidan asosiy harakatlar (yurish, yugurish, emaklash va o'rmalash, irg'itish, kichraytirilgan va cheklangan narsalardan muvozanat saqlagan holda yurish va boshqa shu kabi harakatlar) bilan ma'lum darajada tanish bo'lib, ularni bir qator o'zlashtirib olgan bo'ladi.

Jismoniy tarbiya jarayonida tarbiyachi bolalarda jismoniy sifatlarni rivojlantirishga e'tibor qaratishi bilan bir qatorda ularning qaddi-qomatlari xushbichim bo'lib o'sishi, tovon-to'piq muskullarining mustahkamlanishi, shuningdek qo'l, bo'g'in va barmoq muskullarining ham sog'lom rivojlanishi to'g'risida g'amxo'rlik qiladi.

**Adabiyotlar:**

1. Xasanboy o'g'li, Tuxtaboyev Sarvarbek. "Organization of educational process aimed at students with disabilities in the organization of distance learning." Web of Scientist: International Scientific Research Journal 2.12 (2021): 261-263.

2. Sarvarbek, Tukhtaboev. "Principles of teaching web-oriented programming languages in the educational process." Gospodarka i Innowacje. 41 (2023): 486-489.

3. Kh, Tukhtaboev S. "The Role Of The Python Programming Language In Teaching "Web-Oriented Programming Languages" And The Methodology Of Its Use." Onomázein 62 (2023): December (2023): 2150-2154.

4. Sarvarbek, Tukhtaboev. "The use of digital technologies in the organization of distance education and its theoretical." asia pacific journal of marketing & management review ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603 12.10 (2023): 85-90.

**РЕЗЮМЕ**

Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bolalarni jismoniy tarbiyalash tizimida jismoniy sifatlarni rivojlantirishning samarali shakllari va usullarini joriy etish bugungi kundagi dolzarb muammolardan biri ekanligidan kelib chiqqan holda ushbu maqolada maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarda jismoniy sifatlarni rivojlantirishni ijtimoiy-pedagogik ehtiyoj sifatida tahlil etilgan.

**РЕЗЮМЕ**

Исходя из того, что внедрение эффективных форм и методов развития физических качеств в систему физического воспитания детей в дошкольных образовательных организациях является одной из актуальных на сегодняшний день проблем, в данной статье анализируется развитие физических качеств у детей дошкольного возраста как социально-педагогическая необходимость.

**SUMMARY**

Based on the fact that the introduction of effective forms and methods of developing physical qualities into the system of physical education of children in preschool educational organizations is one of the current problems, this article analyzes the development of physical qualities in preschool children as a socio-pedagogical necessity.

# MAKTABGACHA ADABIY TA`LIMDA TOPISHMOQLAR VA TEZ AYTISHLARNING AHAMIYATI.ULAR USTIDA ISHLASH YO`LLARI

***Sariqboyeva Z.***
*Andijon davlat pedagogika instituti maktabgcha ta`lim nazariyasi kafedrasi o`qituvchisi*

**Tayanch so'zlar:** topishmoqlar, maktabgacha ta'lim, adabiy ta'lim, kognitiv rivojlanish, tilni o'zlashtirish, ijodiy fikrlash.

**Ключевые слова:** загадки, дошкольное образование, литературное образование, познавательное развитие, овладение языком, творческое мышление.

**Key words:** riddles, preschool education, literary education, cognitive development, language acquisition, creative thinking.

Kirish. Erta bolalik ta'limi umrbod o'rganish uchun asos yaratadi va topishmoqlar kabi qiziqarli tadbirlarni o'z ichiga olgan holda bu jarayon sezilarli darajada yaxshilanishi mumkin. Javoblarini aniqlashda zukkolikni talab qilish uchun ataylab ifodalangan savollar yoki bayonotlar sifatida aniqlangan topishmoqlar kognitiv va lingvistik rivojlanishning turli jihatlarini rag'batlantiradi.

Ushbu maqolada topishmoqlarning maktabgacha adabiy ta'limdagi o'rni ko'rib chiqiladi va o'qituvchilar uchun ularni samarali kiritish uchun amaliy usullar keltirilgan.

**Muhokama va natijalar.** Kognitiv rivojlanish. Topishmoqlar bolalarni tanqidiy va mantiqiy fikrlashga chorlaydi. Piagetning kognitiv rivojlanish nazariyasiga ko'ra, yosh bolalar operatsiyadan oldingi bosqichda bo'lib, ular xotira va tasavvurni rivojlantira boshlaydilar. Jumboqlar muammoni hal qilishni rag'batlantirish va qiziqarli, o'ynoqi fikrlash orqali xotirani saqlashni kuchaytirish orqali ushbu bosqichga mos keladi.

**Ijodiy fikrlash.** Jumboqlar xayoliy fikrlashni talab qiladi, bolalarni turli nuqtai nazar va echimlarni o'rganishga undaydi. Ushbu ijodiy jarayon erta

ta'limda juda muhimdir, chunki u moslashuvchan fikrlash va moslashuvchanlikni rag'batlantiradi.

Jumboqlarni guruh faoliyatiga birlashtirish.

Kunning topishmoqlari: qiziqish va munozarani rag'batlantirish uchun har kuni yangi topishmoq bilan boshlang.

Interaktiv o'yinlar: o'rganishni qiziqarli va interaktiv qilish uchun topishmoqqa asoslangan o'yinlardan foydalaning, masalan, topishmoq ovchilari.

Tengdoshlarning o'zaro ta'sirini rag'batlantirish.

Guruh faoliyati: bolalar birgalikda jumboqlarni yaratadigan va echadigan kichik guruhlarni tashkil qiling, jamoaviy ish va muloqotni rivojlantiring.

Topishmoq muammolari: bolalar o'zlarining topishmoqlarini sinfga taqdim etishlari mumkin bo'lgan do'stona musobaqalarni o'tkazing.

Ota-onalarning ishtiroki. Uyga topshiriqlar: bolalarning ota-onalari bilan hal qilishlari uchun oddiy topishmoqlarni uyga yuboring, bu esa oilani o'rganishga jalb qiladi. Topishmoq bukletlari: ota-onalar uchun uyda foydalanish uchun topishmoqlar bukletlarini yarating, sinfdan tashqari uzluksiz o'rganishni rag'batlantiring.

Topishmoqlar va tez aytish maktabgacha adabiy ta'limning muhim tarkibiy qismidir. Ular yosh bolalarning kognitiv, lingvistik va ijtimoiy rivojlanishida hal qiluvchi rol o'ynaydi. Bu erda ularning ahamiyati va maktabgacha ta'lim sharoitida ular ustida ishlash usullari chuqur ko'rib chiqiladi:

Maktabgacha adabiy ta'limda topishmoqlar va tez aytish ning ahamiyati.

1. Tilni rivojlantirish:
   – Lug'at tuzish: topishmoqlar va tez aytish yangi so'z va iboralarni kiritib, bolalarning so'z boyligini kengaytirishga yordam beradi.
   – Fonemik xabardorlik: tez aytish bolalarga o'qish qobiliyatlari uchun asos bo'lgan tovush naqshlari va fonikalarni tushunishga yordam beradi.
   – Gap tuzilishi: tez aytish ni tinglash va o'qish bolalarga jumlalar tuzilishini va grammatikani tushunishga yordam beradi.
2. Kognitiv ko'nikmalar:
   – Tanqidiy fikrlash: topishmoqlarni yechish bolalarni tanqidiy va analitik fikrlashga undaydi.
   – Masala yechish: topishmoqlar ijodiy yechimlarni talab qiladigan, masala yechish ko'nikmalarini rivojlantiradigan masalalarni taqdim etadi.
   – Xotirani yaxshilash: tez aytish va topishmoqlarni yodlash xotira va eslash qobiliyatini yaxshilaydi.
3. Ijtimoiy va hissiy rivojlanish:

– Ishonchni mustahkamlash: topishmoqlarni muvaffaqiyatli yechish va tez aytish ni o'qish bolalarning ishonchini oshiradi.
– Ijtimoiy o'zaro ta'sir: topishmoq va tez aytish ni o'z ichiga olgan guruh faoliyati ijtimoiy o'zaro ta'sir va jamoaviy ishlashga yordam beradi.
– Hissiy ifoda: tez aytish va topishmoqlar ko'pincha hazil va o'yin elementlarini o'z ichiga oladi, bu bolalarga his-tuyg'ularini ifoda etish va umumiy kulgidan zavqlanish imkonini beradi.

4. Adabiy qadrlash:
– Adabiyotga erta muhabbat: topishmoq va tez aytish bilan shug'ullanish adabiyotni erta qadrlash va o'qish quvonchini kuchaytiradi.
– Hikoya qilish qobiliyati: tez aytish va topishmoqlar ko'pincha hikoya qiladi, bolalarga hikoya tuzilmalarini tushunishga yordam beradi.

Maktabgacha yoshdagi jumboq va tez aytish ustida ishlash usullari

1. Kundalik topishmoq vaqti:
– Topishmoqlar uchun har kuni ma'lum vaqt ajrating. Oddiy, yoshga mos topishmoqlardan boshlang va bolalar usta bo'lishlari bilan qiyinchilikni asta-sekin oshiring.
2. Qofiya va topishmoq kitoblari:
– Jumboq va tez aytish to'plamidan iborat kitoblardan foydalaning. Bolalarga ovoz chiqarib o'qing va ularni topishmoqlarni taxmin qilish va tez aytish ni o'qish orqali ishtirok etishga undang.
3. Interaktiv tadbirlar:
– Topishmoq ovlari: bolalar sovrin yoki yakuniy manzilga olib boradigan bir qator topishmoqlarni echadigan topishmoq ovini yarating.
– Rhyme talluqli o'yinlar: qofiya so'zlar yoki rasmlar bilan kartalari foydalanish va bolalar ularni mos bor.
4. Musiqa va harakatni qo'shing:
– Harakatlar yoki raqslarni o'z ichiga olgan qo'shiq va tez aytish dan foydalaning. Bu kinestetik o'quvchilarga yordam beradi va o'rganishni qiziqarli va qiziqarli qiladi.
5. Hikoyalar seanslari:
– Hikoyalar mashg'ulotlariga jumboq va tez aytish ni qo'shing. Bolalarni qofiyali hikoyalarning oxirini taxmin qilishga yoki etishmayotgan so'zlarni tez aytish ga to'ldirishga undang.
6. San'at va hunarmandchilik faoliyati:
– Bolalarga sevimli topishmoqlari yoki tez aytish i asosida rasm yoki hunarmandchilik yaratishlarini so'rang. Bu badiiy ifodani adabiy mahorat bilan birlashtiradi.

7. Tengdoshlarning o'zaro ta'siri:
– Bolalarni juftlashtiring yoki topishmoqlarni echish va qofiyalash uchun kichik guruhlar yarating. Bu jamoaviy ishlashga yordam beradi va ijtimoiy ko'nikmalarni oshiradi.
8. Texnologiyadan foydalanish:
– Interaktiv topishmoq va qofiya faoliyatini taklif qiluvchi ta'lim dasturlari va onlayn resurslarni birlashtiring. Ekran vaqtining boshqa ta'lim shakllari bilan muvozanatlanganligiga ishonch hosil qiling.
9. Ota-onalarning ishtiroki:
– Ota-onalarni uyda topishmoq va qofiya bilan shug'ullanishga undash. Ularni qiziqarli oilaviy faoliyatga aylantirish uchun resurslar va g'oyalar bilan ta'minlang.

Topishmoqlar va tez aytish maktabgacha adabiy ta'limda kuchli vositadir. Ular til ko'nikmalarini, kognitiv rivojlanishni va ijtimoiy-emotsional o'sishni oshiradi. Topishmoqlar va tez aytish ustida ishlash uchun turli xil qiziqarli va interaktiv usullarni o'z ichiga olgan holda, o'qituvchilar yosh bolalarda adabiyotga umrbod muhabbat uyg'otadigan boy va yoqimli o'quv muhitini yaratishi mumkin.

Topishmoqlar bir vaqtning o'zida ko'ngil ochish va tarbiyalash qobiliyati tufayli erta bolalik ta'limida samarali vositadir. Jumboqlarning interaktiv tabiati ijtimoiy ta'lim nazariyalarini qo'llab-quvvatlaydi va faol ishtirok etishni rag'batlantiradi. Jumboqlarni birlashtirganda, o'qituvchilar jumboqlarning tegishli darajada qiyin va inklyuziv bo'lishini ta'minlash uchun bolalarning rivojlanish bosqichi va tilni bilishini hisobga olishlari zarur.

Xulosa.Topishmoqlar maktabgacha yoshdagi bolalarning kognitiv, lingvistik va ijodiy rivojlanishiga sezilarli hissa qo'shadi. O'qituvchilar ushbu imtiyozlarni maksimal darajada oshirish uchun jumboqlarni o'qitish amaliyotiga muntazam ravishda kiritishlari tavsiya etiladi. Kelajakdagi tadqiqotlar topishmoqqa asoslangan ta'limning uzoq muddatli ta'sirini va uni turli xil ta'lim sharoitida qo'llashni o'rganishi mumkin. Bundan tashqari, jumboqlarni o'z ichiga olgan tuzilgan o'quv dasturini ishlab chiqish erta bolalik davridagi adabiy ta'limni yanada oshirishi mumkin.

Turli xil topishmoq turlari: turli xil o'rganish uslublarini qondirish uchun turli xil topishmoqlardan, shu jumladan vizual va eshitish topishmoqlaridan foydalaning.

Izchil mashq: o'rganishni mustahkamlash uchun topishmoqlarni kundalik ishlarga Qo'shish.

Ota-onalar bilan hamkorlik: sinfdan tashqari o'qishni kengaytirish uchun ota-onalarni topishmoq yechish jarayoniga jalb qilish.

Kasbiy rivojlanish: o'qituvchilarni o'qitishda jumboqlardan samarali foydalanish bo'yicha treninglar o'tkazish.

Maktabgacha adabiy ta'limga jumboqlarni kiritish orqali o'qituvchilar yosh bolalarning yaxlit rivojlanishiga yordam beradigan rag'batlantiruvchi va boyituvchi o'quv muhitini yaratishi mumkin.

**Adabiyotlar:**

1. Q.Husanboyeva, M.Hazratqulov, Sh.Jamoldinova " Boshlang'ich sinflarda adabiyot o'qitish metodikasi " kitobi. Toshkent -2020.

2. G`afforova T., Shodmonov E., Eshturdiyeva G. O`qish kitobi: 1-sinf uchun darslik.- Toshkent: Sharq, 2007.- 128 b.

3. Shojalilov A., Toshmatova G., Matjonov S., Sariyev Sh. O`qish kitobi: 4-sinf uchun darslik. – Toshkent: O`qituvchi, 2002. – 336 b.

4. Jumaboyev M. Bolalar adabiyoti va folklor. – Toshkent: Adabiyot jamg`armasi, 2006. – 216 b.

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqolada topishmoqlarning maktabgacha yoshdagi bolalarning adabiy ta'limidagi ahamiyati o'rganilgan. Jumboqlar kognitiv rivojlanish, tilni o'zlashtirish va ijodiy fikrlashda muhim rol o'ynaydi. Mavjud adabiyotlarni tahlil qilish va topishmoqlarni erta bolalik ta'limiga qo'shishning amaliy usullarini o'rganish orqali ushbu tadqiqot o'qituvchilar uchun foyda va samarali strategiyalarni ta'kidlaydi. Natijalar shuni ko'rsatadiki, topishmoqlar so'z boyligini, tushunishni va muammolarni hal qilish ko'nikmalarini oshiradi. O'qituvchilar uchun jumboqlarni sinfda qanday amalga oshirish bo'yicha tavsiyalar ham berilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье рассматривается значение загадок в литературном воспитании детей дошкольного возраста. Головоломки играют важную роль в когнитивном развитии, овладении языком и творческом мышлении. Анализируя существующую литературу и исследуя практические способы включения головоломок в дошкольное образование, это исследование подчеркивает преимущества и эффективные стратегии для педагогов. Результаты показывают, что загадки улучшают словарный запас, понимание и навыки решения проблем. Также даны рекомендации для учителей о том, как решать головоломки на уроках.

**SUMMARY**

This article examines the importance of riddles in the literary education of preschool children. Puzzles play an important role in cognitive development, language acquisition and creative thinking. By analyzing the existing literature and exploring practical ways to incorporate puzzles into early childhood education, this study highlights the benefits and effective strategies for educators. Results show that riddles improve vocabulary, comprehension, and problem-solving skills. Recommendations for teachers on how to implement puzzles in the classroom are also provided.

# MAKTABGACHA TA’LIM YOSHIDAGI BOLALARDA JISMONIY SIFATLARNI RIVOJLANTIRISHNING PSIXOFIZIOLOGIK VA IJTIMOIY-PEDAGOGIK XUSUSIYATLARI

***Achilova S.X.***
*Qo‘qon davlat pedagogika instituti*

**Tayanch so‘zlar:** harakatli o‘yinlar, jismoniy tayyorgarlik, chidamlilik, psixik takomillashuv.

**Ключевые слова:** подвижные игры, физическая подготовка, выносливость, психическое совершенствование.

**Key words:** action games, physical fitness, endurance, psychic improvement.

Kirish.Tarixan mavjud bo‘lgan jismoniy tarbiya tizimlariga insonning jismoniy (harakat) sifatlarini tarbiyalay olishiga qarab baho berilgan. Insonning organizmida turli darajada shakllangan kuch, tezkorlik, chidamlilik, chaqqonlik, tana bo‘g‘inlari harakatchanligi va muskullar egiluvchanligini jismoniy sifatlar deb atalgan. Inson organizmining shu sifatlarni qanday namoyon qila olishiga qarab shaxsga kuchli, chaqqon, tezkor va h.k deb baho berganlar. Bu sifatlar o‘lchovga ega, uning ko‘rsatkichlari jismoniy tayyorgarlik ko‘rsatkichlari deb ataladi va ko‘rsatkichlar orqali individning ijodiy mehnatga va vatan mudofaasiga tayyorligi aniqlanadi. Maktabgacha yoshdagi bolalarda jismoniy sifatlarni tarbiyalash ma’naviy-ruhiy fazilatlarni tarbiyalash ishi chambarchas bog‘liq va tarbiyaning shu yo‘nalishiga vosita bo‘lib xizmat qiladi.

Jismoniy sifatlarni tarbiyalash jismoniy tarbiyaning asosiy jihatlaridan biri hisoblanadi. Jismoniy jihatlar bola organizmining funksional, psixologik va biologik xususiyatlari bilan bog‘liqdir. Jismoniy sifatlarni tarbiyalash harakat malakalariga o‘rgatish bilan birga qo‘shilib, ana shu malakalarni takomillashuviga, butun organizmning sog‘lomlashuviga, psixikaning ijobiy emotsional holati yaxshilanishiga ta’sir ko‘rsatadi. Bolalar harakatlarini tobora ko‘proq ishonch bilan bajara boshlaydilar, ya’ni harakatlarni tezroq

o‘zlashtiradilar, ko‘proq yutuqqa erishishga intiladilar, ijodiy mustaqillik ko‘rsata boshlaydilar.

Maktabgacha ta’lim yoshidagi bolalarning psixofiziologik xususiyatlari quyidagilarni o‘z ichiga oladi: organizmning ish qobiliyati imkoniyatlari, yuzaga keluvchi qiziqish va ehtiyojlar, ko‘rgazmali harakat, ko‘rgazmali obraz va mantiqiy tafakkur formalari, ustun turuvchi faoliyat turining o‘ziga xosligi, bu faoliyat rivojlanishi bilan bog‘liq ravishda bola psixikasida muhim o‘zgarishlar kechadi va “Bolaning yangi oliy rivojlanish bosqichiga o‘tishi”ga tayyorlanadi. Shunga muvofiq bolalar jismoniy tarbiya nazariyasi, jismoniy tarbiyani tashkil qilish va ularni optimal pedagogik sharoitlarda amalga oshirishning barcha formalari mazmunini ishlab chiqadi.

Yangi O‘zbekiston Taraqqiyot strategiyasida “Maktabgacha ta’lim tizimida ta’lim sifatini yangi bosqichga olib chiqish” maqsad sifatida belgilab qo‘yilgan. Shuningdek, Taraqqiyot strategiyasida uzluksiz ta’lim tizimini yanada takomillashtirish, maktabgacha ta’lim tashkilotlari faoliyatining sifati hamda samaradorligini oshirish, mustaqil fikrlaydigan, Vatanga sodiq, qat’iy hayotiy nuqtai nazarga ega yoshlarni tarbiyalash kabi vazifalar belgilangan. Bu borada maktabgacha ta’lim tashkilotlari tarbiyalanuvchilarining jismonan baquvvat, aqlan rivojlangan, kreativ fikrlaydigan qilib tarbiyalash va bunga doir pedagogik tizimni rivojlantirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Muhokama va natijalar. Jismoniy mashqlarni bajarish jarayonida maktabgacha ta’lim yoshidagi bolalarda chaqqonlik, tezlik, kuch, chidamlilik va egiluvchanlik sifatlari tarbiyalanadi. Ularni anatomo-fiziologik xususiyatlarini e’tiborga olganimizda chaqqonlik va tezlik sifatlarini tarbiyalashning imkoniyati ularda boshqa sifatlarga nisbatan ko‘proq bo‘ladi, aksincha kuch va chidamlilik harakat sifatlarini tarbiyalashga esa ehtiyotkorlik zarur. Lekin bu sifatlarni rivojlantirish umuman to‘xtatib qo‘yilmaydi, chunki kuch va chidamlilik elementlari har bir harakat faoliyati uchun zarur, bu sifatlar tarbiyachini xohishsiz ham boshqa harakat faoliyatlari davomida namoyon bo‘ladi. yurish, sakrash, uloqtirishdek harakatlar tarkibida bu sifatlar baribir namoyon bo‘ladi.

Maktabgacha ta’lim yoshidagi bolalar nerv tizimining egiluvchanligi jismoniy sifatlarni teng rivojlantirishga yaxshi imkoniyat yaratadi. Chunki nerv tizimidagi qo‘zg‘alish va tormozlanish biri ikkinchisi bilan tez almashinish qobiliyati bilan bog‘liq. Ayniqsa harakatli o‘yinlar davomida oldindan rejalashtirilmagan, o‘yin faoliyati uchun zarur bo‘lgan favqulotdagi harakatlarni bajarishga to‘g‘ri keladi va ular qisqa vaqt ichida bir-biriga o‘z o‘rnini tez almashinishi bilan namoyon bo‘ladi. Bu esa chaqqonlik sifatini oson rivojlantirishga sharoitni yaratadi.

Nerv jarayoni katta tezlikdagi tezlik jismoniy sifatini rivojlanishini tezlashtiradi. Qisqa vaqt mobaynida minimal tezlik bilan yugurish, velosiped va boshqa mashqlar tezlikni rivojlanishiga omil bo‘ladi. Bu mashqlarda albatta me’yor to‘g‘ri tanlanishi va ularni o‘zaro o‘rin almashinishi muhim ahamiyatga egadir.

Bu yoshdagi bolalarda bo‘yin, qorin, orqa, bel muskullari kuchsiz bo‘lib ularda qomat yaxshi rivojlanmaydi. Shunga ko‘ra shu guruh muskullarini rivojlantirish uchun (yurish, yugurish, tanani bukib to‘g‘rilab bajaradigan) mashqlarni tanlab olish, ularni yurish tezlishini orttirish, boshqa harakat sifatlariga nisbatan yuqori ko‘rsatgichga erishishi mumkinligini ifodalashdan iborat bo‘ladi. Bularsiz bola kundalik hayotida uchraydigan jismoniy mashqlarni bajarishda, jismoniy mehnatda qiyinchilikka uchragan bo‘lar edi.

Jismoniy harakat inson uchun, ayniqsa, bolalik va o‘smirlik bosqichlarida hayotiy zarur ko‘nikma va malakalarni shakllantirish davri hisoblanadi. Jismoniy harakatlarsiz bolalarning ijodiy faolligiga va jismoniy qobiliyatlarini yetarli darajada rivojlanmasligiga olib keladi. Harakatni cheklash yoki uni buzish hayotning har bir bosqichida o‘zining salbiy ta’sirini ko‘rsatadi. Shu narsa ma’lum bo‘ldiki, bolalik davrida o‘sib kelayotgan organizm uchun juda ko‘p harakat zarurdir. Jismoniy harakatsizlik esa bolalarni tez charchashga, o‘sishini sekinlashishiga, aqliy rivojlanishni susayishiga va yuqumli kasalliklarga qarshi kurashish imkoniyatlarini kamaytiradi. Ko‘p harakat qilgan bolalarda jismoniy va psixik takomillashuvga tabiiy intilish vujudga keladi. Bolalarning to‘laqonli rivojlanishi uchun aqliy va jismoniy yuklamalardan oqilona foydalanish katta ahamiyatga ega. Kun tartibida olib boriladigan jismoniy ta’lim-tarbiya ishlarini rejalashtirishda ulardan keng foydalanish maqsadga muvofiqdir.

Ma’lumki, bolalar jismoniy tarbiyasi, jismoniy rivojlanishi, tayyorgarligini uslubiy va pedagogik nuqtai nazardan to‘g‘ri tashkillashtirish uchun bolalar fiziologiyasi va psixologiyasini yaxshi bilish shart, shularga suyangan holda har bir mashg‘ulot oldidan aniq vazifalar qo‘yilishi lozim. Vazifalar soni 2-3 tadan iborat bo‘lib, vazifalarga binoan asosiy harakatlar, mashqlar va harakatli o‘yinlar tanlanadi. Tanlangan mashqlar, birinchidan, asosiy harakatlar bilan bog‘liq bo‘lishi lozim, ikkinchidan, mashqlar yoshiga, tayyorgarligiga, jinsiga mos bo‘lishi ham talab etiladi. Qolaversa, bu mashqlar bolalarga oddiy, tushunarli, tanish, bajara oladigan bo‘lishi shart. Shundagina bolalarda harakat ko‘nikmasi hosil bo‘lishi va malakaga aylanishiga erishish mumkin. Bolalarning jismoniy tayyorgarligi va rivojlanishi salomatlikning asosiy tarkibi hisoblanadi. Bolalarning jismoniy rivojlanishi va tayyorgarlik sifati zamonaviy

usul va shakllarni qo‘llagan holda jismoniy tarbiya jarayonini pedagogik jihatdan to‘g‘ri qo‘yilganligiga bog‘liqdir.

D.X.Umarov va boshqa tadqiqotchilar hammuallifligida yozilgan “Jismoniy mashqlar yordamida maktabgacha yoshdagi bolalarning jismoniy sifatlarini rivojlantirish” nomli maqolada maktabgacha yoshdagi bolalarning jismoniy tarbiya jarayonini samarali tashkil qilish, yoshga nisbatan bolaning jismoniy sifatlarini rivojlantirish hamda jismoniy rivojlanishi va jismoniy tayyorgarlik darajalarini rivojlantirishda maxsus jismoniy mashqlar majmuasi amaliyotga tadbiq etish xususida so‘z yuritilib, 5-7 yoshli o‘g‘il va qiz bolalarning jismoniy rivojlanishi ko‘rsatkichlari natijalari tahlil etilgan (1-jadval).

**1-jadval. Maktabgacha yoshdagi bolalarning jismoniy rivojlanishining ko‘rsatkichlari tahlili**

| № | Yoshi | 5 yosh | 6 yosh | 7 yosh |
|---|---|---|---|---|
| | Testlar | x±σ | x±σ | x±σ |
| | O‘g‘il bolalar | | | |
| 1 | Bo‘yi (sm) | 104,3±0,43 | 110,3±0,48 | 116,5±0,61 |
| 2 | Og‘irligi (kg) | 17,4±0,23 | 18,0±0,14 | 20,3±0,23 |
| 3 | Panja kuchi:<br>o‘ng qo‘l (kg)<br>chap qo‘l (kg) | <br>5,0±0,18<br>4,9±0.,16 | <br>7,0±0,22<br>6,6±0,26 | <br>8,0±0,23<br>6,9±0,23 |
| 4 | Ko‘krak qafasining<br>kengligi<br>Tinch holatda<br>Nafas olganda<br>Nafas chiqarganda (sm) | <br>55,0±0,34<br>56,6±0,29<br>53,7±0,32 | <br>61,8±0,43<br>64,0±0,36<br>59,7±0,31 | <br>60,7±0,44<br>62,2±0,39<br>57,5±0,41 |
| | Qiz bolalar | | | |
| 1 | Bo‘yi (sm) | 100,2±0,49 | 109,7±0,45 | 113,0±0,47 |
| 2 | Og‘irligi (kg) | 15,3±0,18 | 18,7±0,2 | 19,6±0,21 |
| 3 | Panja kuchi:<br>o‘ng qo‘l (kg)<br>chap (kg) | <br>3,1±0,15<br>3,7±0,13 | <br>4,8±0,21<br>6,1±0,23 | <br>6,9±0,15<br>7,3±0,19 |
| 4 | Ko‘krak qafasining<br>kengligi<br>Tinch holatda<br>Nafas olganda<br>Nafas chiqarganda (sm) | <br>53,8±0,2<br>55,4±0,24<br>52,6±0,2 | <br>55,0±0,25<br>57,9±0,25<br>54,0±0,27 | <br>56,0±0,28<br>59,0±0,3<br>54,7±0,26 |

Izlanishlarimiz jarayonida shunga amin bo‘ldikki, jismoniy sifatlarni rivojlantirishda individual yondashish, jinsini hisobga olish, ularning (kuch, tezkorlik, chaqqonlik, chidamlilik va hokazolarning) barchasini o‘zaro uzviy bog‘lab olib borishni tarbiya jarayoni taqozo qiladi. Lekin bolalarda sportning ma’lum bir turida muayyan sifat va fazilatlar kuchliroq shakllanadi, rivojlanadi

va u yetakchi harakat sifati tarzida namoyon bo‘ladi. Boshqa sifatlar ham nisbatan rivojlanadi, lekin ular yordamchi, ko‘makchi harakat sifati ko‘rinishida namoyon bo‘ladi. Sport o‘yinlarining barcha turlari bolalarda jismoniy sifatlarni rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etishi bir necha bor isbotlangan.

Agar o‘g‘il va qiz bolalarning chaqqonlik ko‘rsatkichlaridagi o‘zgarishlar xususiyatiga diqqat qilsak, natijalardagi o‘zgarishlarning jins bilan bog‘liq tafovutlarini (u qadar yaqqol bo‘lmasa ham) qayd etish mumkin. Agar nazorat guruhidagi 3-6 yoshli o‘g‘il bolalar o‘z natijalarini asta-sekin yaxshilab borgan bo‘lsalar, ularning tengdoshlari bo‘lgan qizlarda chaqqonlikning rivojlanish darajasi to‘rt yoshgacha o‘sib borib, besh yoshga kirganda ko‘rsatkichlarning ancha keskin pasayishi, olti yoshga kelib esa natijalarning o‘sishi bilan uyg‘unlashadi.

“Maktabgacha ta’lim va tarbiyaning davlat standarti”ning birinchi ilovasi bo‘lgan “Ilk va maktabgacha yoshdagi bolalar rivojlanishiga qo‘yiladigan davlat talablari”ga muvofiq maktabgacha yoshdagi bolalar uchun “Salomatlik pasporti” ishlab chiqilgan bo‘lib, u bolani maktabgacha ta’lim tashkilotiga kelgan vaqtdan boshlab to bitirgunga qadar olib boriladi. Shu orqali maktabgacha ta’lim tashkilotlari tarbiyalanuvchilarining jismoniy tayyorgarligini yakka tartibda baholash imkoni yaratiladi.

Maktabgacha yoshdagi bolalar jismoniy tarbiyasi bo‘yicha turli adabiyotlarda bolalarning jismoniy va harakat tayyorgarligi jarayoni mazmuni bir xil talqin etilmaydi. Masalan, T.I.Osokinani darsliklarida harakat faoliyatlarini shakllantirish bilan birga jismoniy sifatlar: chaqqonlik (shu jumladan, harakat koordinatsiyasi qobiliyatlari), umumiy chidamlilik, tezlik-kuch sifatlari, shuningdek, muvozanat saqlash qobiliyatini rivojlantirish zaruriyati qayd etiladi.

A.V.Keneman va D.B.Xuxlayevaning o‘quv qo‘llanmasida kuch, chidamlilik, egiluvchanlik, chaqqonlik, tezkorlik kabi jismoniy sifatlarni, muvozanatni saqlash qobiliyatini alohida ajratgan holda rivojlantirish zarurati xususida so‘z boradi. Ayni vaqtda maktabgacha ta’lim tashkilotlaridagi jismoniy tarbiya vazifalarida kichik yoshlardan boshlab jismoniy sifatlarni maqsadli yo‘naltirish zarurati to‘g‘risidagi mulohazalarning yo‘qligi e’tiborni tortadi. Faqat tayyorlov guruhi uchun dasturda chaqqonlik, tezkorlik, chidamlilik va kuchni takomillashtirishning maqsadga muvofiqligi haqidagi muayyan eslatma paydo bo‘ladi.

A.N.Livitskiy, X.A.Meliyev va boshqalar fikriga ko‘ra, maktabgacha ta’lim tashkilotlaridagi o‘qitish va tarbiyaga oid mavjud dasturlar tahlili bolalar bilan kun tartibida o‘tkaziladigan jismoniy tadbirlarning bosh vazifasi asosiy harakatlarning shakllanishi ekanligidan dalolat beradi. Mazkur maqsadni ro‘yobga chiqarish uchun ularda, odatda, jismoniy mashqlar va harakatli o‘yinlardan iborat bo‘lgan keng qamrovli o‘quv materiali taqdim etilgan.

Maktabgacha yoshdagi bolalarda jismoniy sifatlar ularning fiziologik va psixologik holatlari bilan chambarchas bog‘liq holda rivojlanadi.

Ma’lumki, 3 yoshdan to 7 yoshgacha bo‘lgan davrda bilish jarayonlari (xotira, tafakkur, ijodiy fikrlashga harakat) jadal rivojlanadi, skelet suyaklarining qotishi va suyak-mushak tizimining mustahkamlanishi jadal sodir bo‘ladi, bolaning harakatlari ancha turli-tuman va koordinatsiyalangan holda sodir bo‘ladi, yangi tug‘ilgan davrdagiga nisbatan mushaklarning kuchi 4-5 marotaba oshadi, yurak faoliyati sezilarli darajada yaxshilanadi, miyasining og‘irligi kattalashadi va 7 yashar bolada 1250 grammni tashkil qiladi, shartli reflektorli aloqalar ko‘p sonli bo‘ladi, shartli tormozlanish rivojlanadi.

Maktabgacha yoshdagi bolalar bo‘yiga bir tekisda o‘smaydi. Avvaliga yiliga 4-6 sm, 6-7 yoshda 7-10 sm gacha o‘sadi va buni bo‘yining birinchi fiziologik cho‘zilish davri deb ataladi. Bolalarning vazni ham bir xilda ko‘paymaydi. 4 yoshli bolaning og‘irligi qariyb 1,6 kg ga ko‘payadi, 5 yoshda 2 kg ga yaqin, 6 yoshga borib 2,5 kg, ya’ni o‘rtacha hisobda yiliga 2 kg ga ko‘payadi. 6-7 yoshga borib, bolaning og‘irligi 1 yasharligidagiga nisbatan 2 baravar oshishi kerak. Bu yoshda teri tobora qalinlashadi, elastiklashadi, unda qon-tomirlar soni kamayadi, u mexanik ta’sirlarga anchagina chidamli bo‘lib qoladi. 6-7 yoshgacha bo‘lgan bolalar terisining sirti 1 kg vaznga nisbatan hisoblanganda kattalarnikiga qaraganda ko‘proq bo‘ladi, shu sababli ular salga issiqlab ketishi yoki sovuq qotishi mumkin.

Maktabgacha ta’lim yoshidagi bolalar shaxsining shakllanishiga ko‘ra, bu davrni uch bosqichga ajratish mumkin:

birinchi davr – bu 3-4 yosh oralig‘ida bo‘lib, bola emotsional jihatdan o‘z-o‘zini boshqarishning mustahkamlanishi bilan bog‘liqdir;

ikkinchi davr – bu 4-5 yoshni tashkil qilib axloqiy o‘z-o‘zini boshqarish;

uchinchi davr – esa shaxsiy pedagogik–psixologik xususiyatining shakllanishi bilan xarakterlanadi.

O‘zbek psixolog olimlaridan M.Vohidov, E.Toziyev, S.A.Axundjanova, M.Sh. Rasulova, R.I.Sunnatova va boshqalar yosh davrlarini turli yosh bosqichlariga ajratish bo‘yicha ilmiy-tadqiqot ishlarini olib borganlar. Shularga asoslangan holda yosh davrlarini quyidagi bosqichlarga ajratish mumkin.

1. Go‘daklik davri – tug‘ilgandan 1 yoshgacha;
2. ilk bolalik davri – 1 yoshdan 3 yoshgacha;
3. maktabgacha davr – 3 yoshdan 7 yoshgacha;

Bolani psixik va jismoniy rivojlanishida go‘daklikdan – maktabgacha bo‘lgan davri eng muhim davr bo‘lib hisoblanadi.

Bolalarda ijobiy emotsiyalar, tetik, xushchaqchaq kayfiyatni tarbiyalash, shuningdek, salbiy ruhiy holatni tezda yengib o‘tish malakasini rivojlantirish

juda muhimdir. Bu shuning uchun ham zarurki, ijobiy emotsiyalar barcha organlar va organizm tizimlari ishiga yaxshi ta'sir qiladi, harakat ko'nikmalarining tez va barqaror shakllanishini ta'minlaydi. Jismoniy tarbiya jarayonida bolalarni harakatga o'rgatish tarbiyachining bevosita rahbarligi hamda uning kuzatuvi ostidagi bolalarning mustaqil faoliyatida amalga oshiriladi. Harakat faoliyatiga o'rgatishda bolaning anglash, irodaviy va emotsional kuchlari rivojlanadi hamda uning amaliy harakat ko'nikmalari shakllanadi. Harakatlarga o'rgatish bola ichki dunyosi his-tuyg'usi, tafakkuri, asta-sekin shakllanadigan dunyoqarashi, axloqiy fazilatlariga; bolalar tomonidan bajariladigan, salomatlik va umum-jismoniy rivojlanish uchun foydali bo'lgan harakat faoliyatiga maqsadga yo'nalgan tarzda ta'sir etadi.

Jismoniy mashqlarni tanlab olishda umuman bolalarini emas, balki maktabgacha yoshdagi bolalarining aniq yoshdagi guruhlarini hisobga olmoq zarur. Shuni unutmaslik kerakki, 6-7 yoshli maktabgacha ta'lim tashkiloti bolalari ko'p narsalarni bilishiga qaramasdan, o'tkaziladigan mashg'ulotlarni murakkablashtirib borish faqatgina mashqlarning hajmi hamda me'yorlarini oshirish hisobidan bo'lib qolmasdan, balki ulardan harakatlarni sifatli bajarish talab qilinishi lozim. Bu yerda bolaning tayyorgarlik darajasini hisobga olmoq zarur: masalan, katta guruhdan maktabga tayyorlov guruhiga o'tkazilish davrida bola haligacha to'gri sakrashni o'zlashtira olmagan yoki o'rganmagan bo'lishi mumkin. Shunday bo'lmoqligi zarurki, ya'ni u hech bo'lmaganda balandlikka sakrashda oldiniga 20 sm, so'ng 25-30 sm ga bemalol sakray olishi lozim. Bolaning o'z vaqtida o'zlashtira olmaganining sababi shundan iboratki, ushbu turlarga o'rgatish birgalikda olib borilmagan.

Bolalar jismoniy tarbiyasi nazariyasi har bir yosh bosqichini o'rganib, ilmiy ma'lumotlar va amaliy tajribani umumlashtirib borib, jismoniy tarbiya vazifalarini belgilaydi, ularning mohiyatini, butun jismoniy tarbiya jarayonini tashkil etishning juda samarali vositalari va metodlarini, maqsadga muvofiq shakllarini kompleks ravishda ochib beradi.

Sog'lom, baquvvat, chiniqqan, xushchaqchaq, mehribon, tashabbuskor, o'z harakatini yaxshi boshqara oladigan, jismoniy tarbiya va sport mashqlarini sevadigan, atrof-muhitda mustaqil harakat qila oladigan, maktabdagi o'qishga hamda kelgusidagi faol ijodiy faoliyatga nisbatan qobiliyatli bola shaxsini shakllantirish, jismoniy tarbiyaning shaxsni har tomonlama rivojlantirish asoslari sifatidagi alohida ahamiyatini belgilab beruvchi muhim vazifasi hisoblanadi.

Jismoniy tarbiya nazariyasi ilk yoshdagi va maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarning quyidagi psixofiziologik xususiyatlarini o'z ichiga oladi: organizmning ish qobiliyati imkoniyatlari, yuzaga keluvchi qiziqish va ehtiyojlar, ko'rgazmali harakat, ko'rgazmali obraz va mantiqiy tafakkur formalari, ustun

turuvchi faoliyat turining o‘ziga xosligi, bu faoliyat rivojlanishi bilan bog‘liq ravishda bola psixikasida muhim o‘zgarishlar kechadi va “Bola yangi oliy rivojlanish bosqichiga o‘tishiga tayyorlanadi. Shunga muvofiq bolalar jismoniy tarbiya nazariyasi, jismoniy tarbiyani tashkil qilish va ularni optimal pedagogik sharoitlarda amalga oshirishning barcha formalari mazmunini ishlab chiqadi.

Jismoniy tarbiya nazariyasi har bir yosh bosqichdagi bolaning potensial imkoniyatlari qonuniyatlarini o‘rganib va hisobga olgan holda, jismoniy tarbiyaning butun ta’lim-tarbiya kompleksi ilmiy asoslangan dasturi talablarini (harakat, ko‘nikma va malakalari, jismoniy sifatlar, ba’zi elementar bilimlarni) ko‘zda tutadi. Ularni o‘zlashtirish bolalarni maktabda o‘qishi uchun zarur jismoniy tayyorgarlik darajasini ta’minlash imkonini beradi.

Ta’lim mazmuniga muvofiq maktabgacha yoshdagi bolalar ta’lim-tarbiyasiga qo‘yiladigan davlat talablari asosida tanlangan jismoniy mashqlar, harakatli o‘yinlarni tashkil etadi. Ta’lim jarayonida kattalar bolalarga maqsadga yo‘naltirilgan faoliyatning tajribasini beradi. Uning mazmuniga rivojlanish va takomillashishiga xizmat qiluvchi harakatlarni egallash tajribasi ham kiradi.

Maktabgacha yoshdagi bolalar bilan ishlashda ularning yosh xususiyatlarini hisobga olish juda zarur, bolaning ongli harakat faoliyatida asqotadigan ayrim bilimlar; bolani harakatlarga o‘rgatuvchi faoliyat metodlari, faoliyat va ularni amalga oshirishning malaka va ko‘nikmalari haqidagi bilimlar birligi ish jarayonlaridan kelib chiqqan holda tarkibiy qismlarni tashkil etadi. Qismlardan biri ijodiy faoliyat tajribasi hisoblanadi. Bolalikdan mustaqil fikrlashga o‘rgatilmagan va hamma narsani tayyor berilgandan so‘ng o‘zlashtiradigan kishi unga tabiat tomonidan berilgan sifatlarni namoyon qila olmaydi.

Shuning uchun jamiyat yosh avlodning ijodiy faoliyatga o‘rganishiga tamoman befarq qarab turolmaydi. Harakat faoliyatini tarbiyalash jarayonida kattalar (ota-onalar, tarbiyachilar) bolalar rivojlanishining psixofiziologik xususiyatlarini hisobga olgan holda, ular oldiga yangi harakat vazifalarini qo‘yadilar.

Ta’lim boladan diqqatni bir joyga to‘plashni, faol tasavvur, faol fikrlashni, xotirani rivojlantirishni talab qiladi: masalan, agar ta’lim jarayoni qiziqarlilik kasb etib, emotsional ruhda bo‘lsa – emotsional; harakat namunasi tarbiyachi tomonidan obrazli tarzda ko‘rsatilsa va bolalar tomonidan bajarilsa – obrazli; harakatli o‘yin va ularni mustaqil bajarishda barcha mashq elementlarini bajarish izchilligi vazifalarni tushunib va eslab qolinsa, og‘zaki mantiqiy mashqlar bolalarning o‘zlari tomonidan amalda bajarish bilan bog‘liq bo‘lsa – motor harakatdir. Buning uchun ta’lim erkin bo‘lishi kerak, shundagina mashqlarni ongli, mustaqil bajarish mumkin.

Ta’lim jarayonini tashkil etish bolalarni ular kuchi yetadigan mehnat harakatlarida mashq qildirish imkonini beradi.

Tarbiyachi bolalardan jismoniy tarbiya jihozlarini o‘zlari tartibli va toza saqlashlarini (ixcham o‘ralgan bayroqchalar, dazmollangan lenta, ro‘molchalar va h.k.) muntazam talab qilib turadi. Bu haqida birinchi navbatda navbatchilar qayg‘uradilar va zarur buyumlarni avaylab joylashtiradilar. Shu bilan birga ular barcha bolalar foydalanishlari qulay bo‘lishi uchun predmet va inventarlarning joylashish tartibini ham e’tiborda tutadilar. Bolalar sharlar, to‘plar va hokazolarni vaqti-vaqti bilan yuvib, yirik jihozlarni artib turadilar. Bunday tadbirda barcha tarbiyalanuvchilar tarbiyachi rahbarligida ishtirok etadilar.

Shunday qilib, harakatlarga o‘rgatish jarayonida bolalarda aqliy qobiliyat, axloqiy va estetik tuyg‘ular rivojlanadi, o‘z faoliyatiga ongli munosabat va shu bilan bog‘liq ravishda maqsadga intilish, uyushqoqlik shakllanadi. Bularning hammasi o‘zaro aloqadorlikda ta’lim jarayoniga umumiy yondashishni amalga oshirilishi hisoblanadi. Mazkur jarayon har tomonlama rivojlangan bolaning jismoniy sifatlarni shakllanishiga xizmat qiladi.

Fiziolog N.I.Krosnagorskiy fikricha: “Kattalarning namuna bo‘lishi, atrof-muhit va butun sharoit oliy asab tizimining rivojlanishida muhim omillar sanaladi. Norozilik, hayajonli, janjalli vaziyatda bolalar injiqliklarining turli shakllari kelib chiqadi, bolaga har tomonlama vazmin muomala qilish esa qat’iy, tugallangan xarakter shakllanishining yaxshigina vositasidir”.

Jismoniy sifatlarni rivojlantirish jarayonida bolalarning tipologik xususiyatlariga individual tartibda yondashish, tartib uchun optimal sharoit, chiniqish, faol harakat faoliyati, bolaning emotsional ijobiy holatini amalga oshirish maqsadida hisobga olinadi.

Jismoniy sifatlarni rivojlanishiga ta’sir etishning amaliy vositalari va metodlariga ega. Faol harakat faoliyati jarayonida bola axloqiy-irodaviy sifatlarni namoyon etishni mashq qiladi: o‘yinda qo‘lga tushish xavfiga qaramasdan botirlik bilan harakat qiladi, o‘rtog‘ini qo‘llashga, umumiy ishni hamma bilan birgalikda bajarishga intiladi, (masalan, o‘z vaqtida yugurib kelib, barcha bolalar bilan safga tizilishi) va boshqalar. Bunday harakat bir necha bor takrorlangach, bola uni zarurat sifatida anglaydi, tarbiyachi va tengdoshlarining rag‘batlantiruvchi bahosi bolada ma’naviy qoniqish tuyg‘usi, emotsional ko‘tarinkilik, bundan keyin ham shunday harakat qilish istagini uyg‘otadi. Yetakchi rollarni tortinchoq bola ijro etishi va tarbiyachining topshirig‘iga ko‘ra biror mashqni qanday bajarishni barcha bolalarga ko‘rsatish va tushuntirish, uni asta-sekin uyatchanlikdan qutqaradi, xotirasini charxlaydi, mashg‘ulotlarga qiziqishni uyg‘otadi. Bola ancha xushmuomala, tashabbuskor, xushchaqchaq bo‘lib boradi. Bolalar mashg‘ulotlar va o‘yinlar jarayonida asta-sekin umumiy talablarga bo‘ysunadigan, ancha vazmin, uyushgan, o‘zgalarga yon beradigan, qiziqarli topshiriqlar (o‘yinda

boshlovchi bo‘lish, sevimli rolni o‘ynash, mashqlarni tushuntirish va namoyish qilish h.k.)ni bajarishda navbatga rioya qiladigan bo‘lib boradilar.

“Inson salomatligi haqida g‘amxo‘rlik, ayniqsa bola salomatligi haqida g‘amxo‘rlik, – deb yozgan edi V.A.Suxomlinskiy, – bu faqatgina sanitariya-gigiena me’yor va qoidalari kompleksi, tartib, ovqatlanish, mehnat qilish, dam olishga qo‘yiladigan talablar yig‘indisigina emas. Bu avvalo, barcha jismoniy va ma’naviy kuchlarning garmonik to‘kisligi haqidagi g‘amxo‘rlikdir va garmoniyaning gulchambari – ijod zavqi, quvonchi hisoblanadi”.

Demak, maktabgacha ta’lim yoshidagi bolalarda jismoniy sifatlarni rivojlantirishda maktabgacha ta’lim tashkilotlarida bolalar faoliyatini to‘g‘ri yo‘lga qo‘yish muhim hisoblanadi.

Xulosa.MTTda chiniqishga oid tadbirlar bolalar asab tizimini mustahkamlaydi va uning faoliyatini yaxshilaydi; jismoniy mashqlar, jumladan harakatli o‘yinlar faol harakat faoliyati uchun sharoit yaratadi va emotsional ko‘tarinkilik, g‘ayrat uyg‘otadi, qon aylanishi, yurak faoliyati va miyaning qon bilan ta’minlanishini kuchaytiradi, organizmni umumiy sog‘lomlashtirishga yordam beradi.

**Adabiyotlar:**

1. Xasanboy o’g’li, Tuxtaboyev Sarvarbek. "Organization of educational process aimed at students with disabilities in the organization of distance learning." Web of Scientist: International Scientific Research Journal 2.12 (2021): 261-263.

2. Sarvarbek, Tukhtaboev. "Principles of teaching web-oriented programming languages in the educational process." Gospodarka i Innowacje. 41 (2023): 486-489.

3. Kh, Tukhtaboev S. "The Role Of The Python Programming Language In Teaching “Web-Oriented Programming Languages” And The Methodology Of Its Use." Onomázein 62 (2023): December (2023): 2150-2154.

4. Sarvarbek, Tukhtaboev. "The use of digital technologies in the organization of distance education and its theoretical." asia pacific journal of marketing & management review ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603 12.10 (2023): 85-90.

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqolada maktabgacha ta’lim yoshidagi bolalarda jismoniy sifatlarni rivojlantirishning psixofiziologik va ijtimoiy-pedagogik xususiyatlari tahlil etilan. Olingan xulosalar ushbu soha olimlarining nazariyalariga asoslanilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье анализируются психофизиологические и социально-педагогические особенности развития физических качеств у детей дошкольного возраста. Полученные выводы основаны на теориях ученых этой области.

**SUMMARY**

This article analyzes the psychophysiological and socio-pedagogical features of the development of physical qualities in children of preschool age. The conclusions drawn are based on the theories of scientists in this field.

# MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA PSIXOFIZIOLOGIK O‘ZGARISHLARNING XUSUSIYATLARI

***Kadirova D.N.***
*Qo‘qon davlat pedagogika instituti*

**Tayanch so‘zlar:** tarbiya, psixologik ogish, ijtimoiy ogish, gigiena qoidalari, tibbiy nazorat.
**Ключевые слова:** воспитание, психологическая девиация, социальная девиация, правила гигиены, врачебный контроль.
**Key words:** education, psychological deviation, social deviation, hygiene rules, medical control.

Kirish. Tarbiyalanuvchilarning fiziologik jihatdan to‘g‘ri rivojlanishlari maktabgacha ta’lim muassasasida faoliyat yurituvchi tibbiyot xodimi bilan hududda joylashgan poliklinika jamoasi o‘rtasida mustahkam aloqa o‘rnatish asosida doimiy nazorat qilib boriladi. Tibbiy nazoratni olib borishda tarbiyalanuvchilarning fiziologik rivojlanish darajasi, ularda ma’lum kasallik belgilarining kuzatilishi, umumiy holati inobatga olinadi. Maktabgacha ta’lim muassasalari tarbiyalanuvchilarining fiziologik jihatdan to‘g‘ri rivojlanishlarini ta’minlashda bir qator shartlarga amal qilish talab etiladi.

“Bola turadigan xona yorug‘, shinam bo‘lishi, doimo shamollatib turilishi (qishda sutkada 3-4 marta, yozda esa havo yaxshi bo‘lganida deraza yoki deraza tirqishlari doim ochiq turishi) lozim, xona harorati 18-200 bo‘lishi kerak...

Bolaning qaddini qanday tutishiga, stol atrofida qanday o‘tirishiga doimo qarab turish kerak. Rasm chizganda, kitob o‘qiganda ko‘z bilan stol o‘rtasidagi oraliq 30-35 sm bo‘lishi lozim. Bola xonasidagi mebel imkoni boricha yoshiga to‘g‘ri kelishi zarur. Agar mebel bola yoshiga mos bo‘lmasa, uni iloji boricha moslashtirish va bir qadar qulay qilib berish kerak. Bu yoshda yassi oyoqlikning oldini olish uchun bolani poshnasi normal poyafzal qiyishga o‘rgatib borish zarur.

Muhokama va natija. Maktabgacha ta’lim yoshi bolalarini gigiena qoidalariga o‘rgatish, ularni tozalikka va osoyishtalikka odatlantirish katta e’tibor qaratish lozim. Bolani qo‘l yuvishga, tishini tozalashga va hokazolarga o‘rgatish kerak. Sovun, sochiq, tish cho‘tkasi, tish poroshogi yoki pastasi kabi narsalarni bolaning

qo‘li etadigan qilib qo‘yish lozim. 3-4 yashar bolalarni haftada kamida 2 marta, 4-5 yoshdagilarni esa kamida 1 marta cho‘miltirish zarur. 6 yoshgacha bo‘lgan bola kunduzi bir mahal uxlashi lozim”.

Shuningdek, tarbiyalanuvchilar o‘rtasida jismoniy tarbiyani tashkil etish, unda bolalarni jismoniy harakat va faollikka undovchi mashqlardan foydalanish kutilgan samaraga erishishga yordam beradi. Jismoniy mashqlarning imkon qadar ochiq havoda, tabiat qo‘ynida o‘tkazilishi bolalar salomatligini mustahkamlash bilan birga ularning tabiat bilan yaqinlashtiradi. Jismoniy mashqlarni bajarish chog‘ida bolalarning qisqacha tanaffus qilib olishlariga imkon berish, toliqishlariga ham yo‘l qo‘ymaslik maqsadga muvofiqdir.

Maktabgacha ta’lim muassasalari tarbiyalanuvchilarida bolalik davrida kuzatiladigan asab buzilishlari kelib chiqishining oldini olish maqsadga muvofiqdir. Nevrolog olim Z.R.Ibodullaev bilan suhbat jarayonida mutaxassisning ta’kidlashicha, mazkur yosh davri bolalarida asab buzilishlarining kelib chiqish sabablari noto‘g‘ri tashkil etilgan tarbiya yoki muayyan kasallik oqibati bo‘lishi mumkin. “Zero, bolaning miyasi nafaqat anatomik jihatdan kattalashib va shakllanib boradi, balki tashqarida bo‘layotgan barcha salbiy va ijobiy ma’lumotlar ham uning xotirasida saqlanib qoladi. Bolaning yashash tarzi asosan taqlidga asoslangan. U taqlid qiladigan holatlarining barchasi ham birdek ijobiy mazmun kasb etmaydi. Ularning orasida bolaning xulq-atvoriga salbiy ta’sir ko‘rsatuvchi omillar ko‘p bo‘lishi mumkin. Hatto yaxshi ota-ona ham bolasini to‘la nazorat qila olmay qolishi va uning farzandi noqobil va bezori bo‘lib voyaga etishi mumkin. Bolaga bo‘lgan e’tiborning pasayishi, turli injiqliklar, ota-onalar yoki oila a’zolarining injiqliklarga ortiqcha ahamiyat qaratishlari, bolani haddan tashqari erkalatish, televidenie yoki kompyuter orqali namoyish etilayotgan jangari, ochiqdan ochiq agressivlikni targ‘ib qiluvchi tomoshalar, qo‘l telefoni orqali uzatilayotgan bema’ni SMSlar va fotosuratlar, Internetning ommaviy saytlarida ham reklama sifatida aks etuvchi behayo holatlar voyaga etmagan bolalarda asab buzilishlarning kelib chiqishiga sabab bo‘lmoqda”- deyiladi.Haqiqatdan ham xozirgi kunda bunday jarayonlardan jabirlanayotgan bolalarni ko’plab uchratish mumkin.

Yana mutaxassis sifatida Z.R.Ibodullaevning fikrlariga ko‘ra, bugungi kunda o‘z bolalari uchun tinchlantiruvchi yoki xotirani yaxshilashga yordam beruvchi dorilarni yozib berishni so‘rovchi ota-onalarning soni keskin ko‘paygan. Ota-onalarning aksariyati bunday holatni keltirib chiqargan omillar – bolalar va o‘smirlar turmush tarzining muayyan rejimga asoslanmaganligi, etarli darajada dam olmaslik, kun davomida uzoq muddat harakatsiz o‘tirish, yosh, psixologik va fiziologik imkoniyatlardan tashqari televizor yoki kompyuter o‘yinlarini tomosha qilish kabilardan iboratligidan bexabarlar. Ota-onalarning barchasi asabni tinchlantiradigan, yurakni baquvvat qiladigan va xotirani mutahkamlaydigan darmon – bu jismoniy tarbiya va sport ekanligini unutmasliklari lozim.

Tibbiyotga oid manbada ko‘rsatilishicha, asab kasalliklarining homiladorlik davridagi kasalliklar, tug‘riq paytida va go‘daklik davrida ro‘y bergan bosh miya jarohatlari, surunkali vitamin (ayniqsa V guruh vitaminlari) etishmovchiligi, virusli infeksiyalar, yallig‘lanish kasalliklari ham erta rivojlanuvchi asabiy-ruhiy buzilishlarning asosiy sabablari hisoblanadi.

Maktabgacha ta’lim tashkilotlari tarbiyalanuvchilarini ruhiy qo‘llab-quvvatlash ularni turli ruhiy va ijtimoiy salbiy ta’sirlardan muhofazalashga imkon beradi. Tadqiqotchi SH.A.Sodiqova o‘z tadqiqotida “ruhiy qo‘llab-quvvatlash” “tarbiyalanuvchilarni turli salbiy ijtimoiy ta’sirlardan muhofazalash, ularda mazkur ta’sirlarga nisbatan immunitetni kuchaytirish, shuningdek, oila va mikromuhitda ular duch kelayotgan ziddiyatlarni bartaraf etish”dan iboratligiga urg‘u beradi. Muallifning fikricha, maktabgacha ta’lim muassasalari tarbiyachilarining “bolalarni ruhiy jihatdan qo‘llab-quvvatlay olishlari ulardagi o‘ta ta’sirchanlik, jizzakilik, tushkunlikka tushish, ruhan ezilish, yig‘loqilik, o‘ziga bo‘lgan ishonchsizlik, agressivlik, atrofdagilardan nafratlanish, ularga nisbatan muhabbatli bo‘lmaslik va ular bilan chiqisha olmaslik kabi salbiy odatlarni bartaraf etish, aksincha, ijobiy fazilatlar – xotirjamlik, oila a’zolari, tengdoshlari va atrofdagilar bilan ijobiy munosabat o‘rnatish, ularning xatti-harakatlari, xulq-atvorlariga nisbatan toqatli, bardoshli bo‘lish, har narsadan ta’sirlanavermaslik, ruhiy tushkunlikka tushmaslik, o‘z-o‘ziga ishonch kabi sifatlarning shakllanishiga yordam beradi”.Shunday ekan o’sib kelayotgan yosh avlodlarimizni har tomonlama sog’lom bo’lishi oila muhitidagi sog’lom turmush tarzini tashkil qilinishi va maktabgacha ta’lim tashkilotlaridagi yaratilgan sharoitlarga hamda mahoratli tarbiyachilarga ko’p jihatdan bog’liq. Yana muhim tamonlaridan bolalarning ovqatlanishi (nonushta, tushki ovqat, kech tushki ovaqat va kechki ovqat) osoyishta vaziyatda o’tishi kerak. Bola stol atrofiga yaxshi ishtaha bilan o’tirsa, uning organizmida ovqatning yaxshi hazm bo’lishiga yordam beruvchi shart-sharoit hosil bo’ladi. Yaxshi ishtaha bolalarda mustaqillikni, madaniy-gigieiik malakalarni, stol atrofida o’zini to’g’ri tutib o’tirish malakalarini tarbiyalashga yordam beradi. Eng muhimi - bolalarning yoshligidan boshlab ularda yaxshi ishtaha bo’lishini ta’minlash muhim ahamiyatga egadir. Ba’zi bolalar keragidan ortiq, ba’zilari keragidan kam ovqat yeyishlari mumkin. SHuning uchun bolaga ovqat normasini ularning yoshiga qarab berish kerak. Ammo bolani taomni oxirigacha yeyishga majbur etish kerak emas, majbur etish har doim ovqatdan oladigan lazzatlaiishni kamaytiradi, uni hazm qilishni kiyinlashtiradi, ba’zan bola ovqatdan butunlay voz kechishi mumkin. Bolaning to’g’ri ovqatlanayotganining asosiy mezoni uning jismoniy jihatdai uyg’un rivojlanganligidir.

Bolalarni ilk yoshligidan boshlab ovqatni mustaqil yeyishga o’rgatish ularda ovqatni ishtaha bilan yeyishga, ovqatga ijobiy munosabatni uyg’otishga yordam beradi. Ikkinchi yoshning boshidan qoshikdan foydalanishga o’rgatish, to’rtinchi yoshdan sanchqidan, beshinchi yoshda - pichoqdan foydalaiish malakalarini

tarbiyalab borish zarur. Bundan tashqari, bolalarda ovqat yeyishdan oldin qo'lini yuvish, tartibli yeb-ichish, chapillatma, tovushsiz chaynash va ichish, salfetkadan foydalanish, to'g'ri o'tirish, ovqat uchun tashakkur bildirish, ovqatdan keyin og'izin chayqash kabi madaniy-gigienik malakalarni ham tarbiyalab boriladi.

Xulosa.Ovqatlanish vaqtida bolalarga tanbeh berish, ularni koyish yaramaydi. Bu bolalarning asabini buzadi, ishtahasini bo'g'adi. Bir bolaga berilgan tanbex boshqa bolalarning diqqatini tortmasligi lozim. Ovqatni yaxshi yeya olmaydigan bolalarga tarbiyachi yoki enaga yordam beradi. Bolalarda ovqatlanish bilan bog'liq bo'lgan madaniy-gigienik malakalarni tarbiyalash kattalardan ijobiy namuna ko'rsatishni talab etadi. Madaniy-gigienik malakalarni qanday bajarayotganliklarini tarbiyachi nazorat qilib borishi, katta va tayyorlov yoshidagi bolalarda esa uning ahamiyatini, bajarish usulinn ongli egallab olishlariga erishishi lozim.Shundagina biz oila va maktabgacha tashkiloti hamkorligida maktabgacha yoshdagi bolalarda fiziologik, psixologik va ijtimoiy og‘ishlarning oldini olish va qayta tiklanishiga yaqindan yordam bergan bo'lamiz.

**Adabiyotlar:**

1. Xasanboy o'g'li, Tuxtaboyev Sarvarbek. "Organization of educational process aimed at students with disabilities in the organization of distance learning." Web of Scientist: International Scientific Research Journal 2.12 (2021): 261-263.

2. Sarvarbek, Tukhtaboev. "Principles of teaching web-oriented programming languages in the educational process." Gospodarka i Innowacje. 41 (2023): 486-489.

3. Kh, Tukhtaboev S. "The Role Of The Python Programming Language In Teaching "Web-Oriented Programming Languages" And The Methodology Of Its Use." Onomázein 62 (2023): December (2023): 2150-2154.

4. Sarvarbek, Tukhtaboev. "The use of digital technologies in the organization of distance education and its theoretical." asia pacific journal of marketing & management review ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603 12.10 (2023): 85-90.

**РЕЗЮМЕ**

Maktabgacha ta'lim yoshi bolalarida fiziologik, psixologik va ijtimoiy og‘ishlar yuzaga kelishining oldini olish muhim. Bunda ular organizmining to‘g‘ri rivojlanishini nazorat qilib borish, salbiy psixologik va ijtimoiy omillar ta'sir ko‘rsatishining oldini olish chora-tadbirlarini ko‘rish maqsadga muvofiqdir. Shunga asosan ushbu maqolada maktabgacha yoshdagi bolalarda psixofiziologik o‘zgarishlarning xususiyatlari tahlil etilgan.

**РЕЗЮМЕ**

Важно не допустить возникновения физиологических, психологических и социальных отклонений у детей дошкольного возраста. При этом им желательно контролировать правильное развитие своего организма, принимать меры по предупреждению воздействия негативных психологических и социальных факторов. На основании этого в данной статье анализируются особенности психофизиологических изменений у детей дошкольного возраста.

**SUMMARY**

It is important to prevent the occurrence of physiological, psychological and social deviations in children of preschool age. In doing so, it is advisable to control the proper development of their organism, to take measures to prevent the influence of negative psychological and social factors. Based on this, this article analyzes the features of psychophysiological changes in preschool children.

# MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA BOSHLANG'ICH MATEMATIK TUSHUNCHALARNI SHAKLLANTIRISH

***Xoldarova F.M.***
*Maktabgacha talim tashkilotlari direktor*
*va mutaxassislarini qayta tayyorlash*
*va ularning malakasini oshirish instituti mustaqil izlanuvchisi*

**Tayanchso‘zlar:** kognitivrivojlanish, xotira, akademikrivojlanish, didaktik, metodlar, vizuval tasvirlar, interaktiv o'yinlar.

**Ключевые слова:** познавательное развитие, память, академическое развитие, дидактика, методы, зрительные образы, интерактивные игры.

**Key words:** cognitive development, memory, academic development, didactics, methods, visual images, interactive games.

Mamlakatimizda maktabgacha talim sohasidagi muammolarni bartaraf etish va yanada rivojlantirish maqsadida O’zbekiston Respublikasi Prizdentining 2017-2021 yillar uchun “Maktabgacha ta’limni rivojlantirish va takomillashtirish maqsadida qaror qabul qilindi. Dastur asosida mamlakatimizda bu sohaga qiziqish oshayapdi.[1]

SH.A.Abdullaeva, M.Yuldashev va boshqa bir qator olimlar tadqiqot ishlarida Maktabgacha ta’lim sifatini oshitishda o’quv dasturlarida bolalarning yoshi, pisixologiyasi va interktuval jixatlarini inobatga olish va bir qatorda boshqa fanlar bilan bog’liqligini tushuntirish orqali talim tarbiya jarayonida bolalarni ijodiy qobilyatlarini rivojlantirish muhim zaruriyatligini asoslab berdi.[2]

Maktabgacha yoshdagi bolalar ma'lum bir hissiy tajribaga asoslangan interaktiv o'yinlar orqali miqdor va raqam tushunchalarini o'rganadilar. Masalan, pedagog ikki guruhdagi ob'ektlar sonini taqqoslash bo'yicha amaliy vazifani tashkil qilishi mumkin: bolalarga geometrik shakllar to'plamlarini tarqatish va ularni rang yoki shaklga e'tibor qaratib guruhlarga ajratishni taklif qilish. Bolalar "kamroq", "ko'proq" va "bir xil" tushunchalaridan foydalangan holda guruhlardagi ob'ektlar sonini taqqoslashni o'rganadilar, bu esa miqdoriy

taqqoslash va raqamlarni tushunish ko'nikmalarini shakllantirishga yordam beradi.

Shakl va o'lcham tushunchasini o'zlashtirishga misol:

Bolalar jismoniy ob'ektlarni boshqarishi mumkin bo'lgan geometrik shakllar va o'lchamlarni yaxshiroq tushunishadi. Pedagog ularga o'yinchoqlarni shakli , o'lchamiga yokiy vazniga  qarab saralash vazifasini taklif qilishi mumkin. Masalan, bolalar hayvonlarning haykalchalarini o'lchamlari asosida turli xil savatlarga ajratishlari yoki turli shakllardagi bloklardan shakllar yasashlari mumkin. Ushbu amaliy faoliyat jarayonida bolalar shakl va o'lcham tushunchalarini o'rganadilar, ularni aniqlash va tasniflashni o'rganadilar.

Fazoviy tushunchalarni o'zlashtirish misoli:

Fazoviy tushunchalarni shakllantirish uchun bolalar kosmosdagi yo'nalish bilan bog'liq vazifalarni bajaradilar. Pedagog "o'ng", "chap", "oldinga" yoki "orqaga" kabi pedagogning ko'rsatmalariga e'tibor qaratib, bolalar yashirin ob'ektni topishlari kerak bo'lgan "yo'l toping"o'yinini tashkil qilishi mumkin. Bunday o'yinlar bolalarda Kosmos haqidagi g'oyani va atrofdagi narsalarga nisbatan yo'nalish bilan bog'liq kontseptual tizimni rivojlantiradi.

Ketma-ketlik tushunchasini o'zlashtirishga misol:

Ketma-ketlikni o'zlashtirish hikoyalarni aytib berish yoki harakatlarni tartibda bajarish orqali amalga oshiriladi. Masalan, pedagog voqealar ketma-ketligi bilan rasmlarni yaratish texnikasidan foydalanishi mumkin. Bolalar navbatma-navbat hikoya qilingan hikoya asosida rasmli kartalarni joylashtiradilar yoki sendvich tayyorlash uchun harakatlar ketma-ketligini bajaradilar. Bu bolalarga ketma-ketlik tushunchasini o'zlashtirishga va voqealar yoki harakatlar mantiqan bir-biriga qanday ergashishini tushunishga imkon beradi.

O'lchov tushunchasini o'zlashtirishga misol:

Amaliy topshiriqlar orqali ob'ektlarni o'lchash bolalarning uzunligi, kengligi va hajmini tushunishga yordam beradi. Pedagog bolalarga sinfdagi turli xil narsalarning uzunligini o'lchagich yoki boshqa o'lchash asboblari yordamida o'lchashni taklif qilishi mumkin. O'lchov natijalarini yozib olish va ularni bir-biri bilan taqqoslash orqali bolalar o'lchov tushunchasini, o'lchov birliklarini va ob'ektlarning o'lchamidagi farqni yaxshiroq o'zlashtiradilar.

Tasniflash tushunchasini o'zlashtirishga misol:

Tasniflash vazifalari katta maktabgacha yoshdagi bolalarga ob'ektlarni umumiy xususiyatlarga ko'ra guruhlashni o'rganishga imkon beradi. Masalan, siz bolalarni o'yinchoqlar to'plamini rang yoki material bo'yicha saralashga taklif qilishingiz mumkin. Ushbu jarayon bolalarda mavhum fikrlash va

toifalarni shakllantirish uchun asos yaratib, ob'ektlarni ma'lum xususiyatlar bo'yicha ajratish va umumlashtirish qobiliyatini shakllantiradi.

Ushbu misollar maktabgacha yoshdagi bolalarning pedagogik va psixologik xususiyatlarini bilish ta'lim metodlarini moslashtirishga qanday yordam berishini, boshlang'ich matematik tushunchalarni o'qitish jarayonini yanada samarali va qiziqarli qilishini ko'rsatadi.

Matematik tushunchalarni rivojlantirishga hissiy tajribaning ta'sirining ilmiy namunasi:

Tadqiqot: Mariya Montessori metodi bo'yicha ixtisoslashtirilgan maktabda o'tkazilgan tadqiqotda hissiy materiallar yordamida geometrik va miqdoriy tushunchalarni o'rgangan katta maktabgacha yoshdagi bolalar guruhi ishtirok etdi. Tadqiqotning maqsadi ushbu materiallardan foydalanish mavhum matematik tushunchalarni o'zlashtirishga qanday ta'sir qilishini aniqlash edi.

Tadqiqot metodlaridan “Geometrik shakllar va kublar bilan ishlash” bandida bolalar turli xil geometrik shakllarni (silindrlar, kublar, prizmalar va boshqalar) manipulyatsiya qildilar va ularning shakli va xususiyatlarini o'rganishdi. Ular raqamlarni kattaligi bo'yicha ketma-ketlikda joylashtirdilar, ularni bir-biri bilan taqqosladilar va shakli o'lchamiga qarab qanday o'zgarishini muhokama qildilar. Keyingi metodimiz “Hisoblash tayoqchalari”

Hisoblash tayoqchalaridan foydalanish bolalarga raqamlarni jismoniy ob'ektlar sifatida miqdoriy taqqoslash va tasavvur qilishni o'rganishga imkon berdi. Bolalar tayoqlarni guruhlarga qo'shib, raqamlar, qo'shish va ayirish tushunchalarini shakllantirdilar.

Yana bir metodimiz didaktik qo'llanmalar va o'yinlar:

Didaktik qo'llanmalar fazoviy munosabatlarni o'rganish uchun maxsus to'plamlarni o'z ichiga olgan. Masalan, bolalar raqamlarni rang va o'lchamdagi guruhlarga birlashtirdilar yoki bloklardan labirintlar yaratdilar, ularda ular fazoviy fikrlashni rivojlantirib, kichik narsalarni siljitishlari mumkin edi.

Tadqiqot natijalari:

Tadqiqot shuni ko'rsatdiki, hissiy materiallardan faol foydalangan bolalar mavhum matematik tushunchalarni o'zlashtirishda yuqori natijalarga erishdilar. Ular shakl, miqdor va fazoviy munosabatlar tushunchalarini amaliy vazifalarda osongina qo'lladilar. Bundan tashqari, ob'ektlarni manipulyatsiya qilish orqali olingan hissiy ko'nikmalar mavhum fikrlash va muammolarni hal qilishda ijodiy yondashuvni rivojlantirishga turtki bo'ldi.

Xulosa.Yuqoridagi tajribada maktabgacha yoshdagi bolalarda matematik tushunchalarni shakllantirishning muhim tarkibiy qismi ekanligi haqidagi nazariyasini tasdiqladi. Ko'rgazmali materiallardan foydalanish bolalarga

kognitiv qobiliyatlarni samarali rivojlantirishga yordam beradi va kelajakda yanada murakkab o'rganish uchun asos yaratadi.

Pedagog bolalar o'rtasidagi individual farqlarni bilimlarni o'zlashtirish tezligi va metodlarida hisobga olishi kerak. Ba'zi bolalar ma'lumotni vizual tasvirlar orqali yaxshiroq qabul qilishadi, boshqalari jismoniy narsalarni manipulyatsiya qilishni yoki muammolarni quloq bilan hal qilishni afzal ko'rishadi.

Bolalar matematik tushunchalarni o'rganishga turli darajadagi tayyorgarlikka ega bo'lishi mumkin va pedagog uchun ularning individual xususiyatlariga moslashib, tabaqalashtirilgan yondashuvdan foydalanish muhimdir. Mustaqillik va kognitiv tashabbusning rivojlanishi ham tushunchalarni chuqurroq o'zlashtirishga yordam beradi.

**Adabiyotlar:**

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “O’zbekiston Respublikasi maktabgacha ta’lim tizimini 20230yilgacha rivojlantirish konseptsiyasini tasdiqlash to’g’risida”gi Qarori,2019,13may, PQ4312son

2. N.Sh. Abdullyevaning maktabgacha ta’limni kreativ yondashuv asosida takomillashtirishga bag’ishlangan dissertatsiyasida

3. www.pedagog.uz

4. www.tdiu.uz

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqolada maktabgacha yoshdagi bolalarda boshlang'ich matematik tushunchalarni shakllantirish bilimlarni o'zlashtirish tezligi, sifati va barqarorligini belgilaydigan bir qator psixologik va pedagogik xususiyatlar yoritilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье выделен ряд психолого-педагогических особенностей, определяющих скорость, качество и устойчивость формирования элементарных математических представлений у детей дошкольного возраста.

**SUMMARY**

This article highlights a number of psychological and pedagogical features that determine the speed, quality and stability of the formation of elementary mathematical concepts in preschool children.

# MAKTABGACHA TA‘LIM TASHKILOTI PEDAGOGLARINI UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANTIRISH TIZIMIGA VARIATIV YONDASHUV

***Abdullayeva N.Sh.***
*Maktabgacha talim tashkilotlari direktor va mutaxassislarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish instituti o‘quv ishlari bo‘yicha prorektori, p.f.d. (DSc), dotsent*

**Tayanch so‘zlar:** maktabgacha ta’lim, variativ, invariant, sifat, sifat nazorati, tahlil, metodik, texnologik.
**Ключевые слова:** дошкольное образование, переменная, инвариант, качество, контроль качества, анализ, методический, технологический.
**Key words:** preschool education, variable, invariant, quality, quality control, analysis, methodological, technological.

Uzluksiz ta’limning bosh bo’g’ini bo’lgan maktabgacha ta’lim yosh avlod tarbiyasida muhim o’rin tutadi. Yana shuni ham ta’kidlash joizki maktabgacha ta’lim – ijtimoiy farovonlikning hal qiluvchi omili hisoblanadi. Ilmiy adabiyotlarni o‘rganish shuni ko‘rsatadiki, maktabgacha ta‘lim tizimiga sifatili kadrlar tayyorlash muammosi juda murakkab.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 21-iyundagi PQ-231 son “Maktabgacha va maktab ta‘limi tashkilotlari hodimlarini uzluksiz kasbiy rivojlantirish tizimini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” qarori qabul qilindi. Qarorga muvofiq maktabgacha va maktab ta‘limi tashkilotlari rahbar, pedagog va mutaxassis kadrlarini uzluksiz kasbiy rivojlantirish tizimini samaradorligini ta‘minlash, ularni kasbiy bilim, ko‘nikma va mahoratini muntazam oshirib borish maqsadida bir qancha vazifalar belgilangan. Jumladan:

maktabgacha ta‘lim tashkilotlarining pedagog va mutaxassis kadrlarini uzluksiz kasbiy rivojlantirish bo‘yicha “Virtual kasbiy rivojlantirish” elektron dasturi joriy etish;

maktabgacha va maktab ta‘limi tashkilotlari hodimlarini kasbiy extiyoji va malaka toifasidan kelib chiqib tabaqalashgan ta‘lim dasturlari asosida uzluksiz kasbiy rivojlantirishning vertikal tizimi (vazirlik-malaka oshirish muassasasi-ta‘lim tashkiloti) yo‘lga qo‘yish;

maktabgacha va maktab ta‘limi tashkilotlarining hodimlari uchun besh yilda bir marotada ishdan ajralgan holda o‘tkaziladigan malaka oshirish kurslarini joriy qilish kabilar.

Shuningdek, qarorda pedagog va mutaxassis kadrlar uchun – variativ (ixtiyoriy) va invariant (majburiy) modullardan iborat bo‘lgan hamda zamonaviy kompetensiyalarni shakllantirishga yo‘naltirilgan ta‘lim dasturlari bo‘yicha tashkil etilishi belgilab qo‘yilgan.

Variativlik – ta‘lim tizimining sifatini anglatadi, bu esa o‘quvchilarni ta‘lim dasturlari yoki muayyan turdagi ta‘lim xizmatlarini yaratish va ularga o‘zlarining o‘zgaruvchan ta‘lim ehtiyojlari va imkoniyatlari asosida tanlash imkoniyatini belgilaydi.

Ta‘limning variativligi – O‘zbekistonda zamonaviy ta‘lim tizimi rivojlanishining asosiy tamoyillaridan biridir. Bu esa ta‘limning yuqori darajadagi individuallashtirishni ta‘minlashga qaratilgan.

Maktabgacha ta‘lim tizimida variativlik deganda biz mazmun jihatdan farqlanuvchi o‘quv dasturlari (turli yoshdagi va turli maktabgacha tashkilotlari uchun), ta‘lim usullari, shakllari va ta‘lim texnologiyalarini nazarda tutamiz va ular mavjud dasturlar va texnologiyalardan avvalambor o‘zining o‘zgaruvchanligi, moslashuvchanligi, integrativligi va individullashtirishga moyligi bilan farqlanadi .

Maktabgacha ta‘lim jarayonining variativligi – maktabgacha ta‘lim maqsadlarini amalga oshirishda ta‘lim jarayonining barcha ishtirokchilarini muvofiqlashgan faoliyati hisoblanadi. Bu jarayon ta‘lim mazmunini tanlashda (ta‘lim standartlari va talablari doirasida), ta‘lim vositalari, usullari va muloqot yo‘llarini umuman olganda maktabgacha ta‘lim mazmuni va jarayonini tanlashda namoyon bo‘ladi.

Maktabgacha ta‘lim-tarbiyaga variativlik yondashuvini tadbiq qilishning pedagogik shart-sharoitlari ta‘lim-tarbiyani takomillashtirish va tinglovchilarni malaka oshirish jarayonida rivojlanish samaradorligini oshirish bilan bog‘liqdir, xususan:

tinglovchilar bilan muloqotni o‘zgartirish, ya‘ni avtoritar tarzda ta‘sir o‘tkazishdan har bir tinglovchining shaxsiy identifikatsiyasi, ishonchni o‘rnatish, o‘qituvchi bilan va tinglovchilar o‘rtasidagi sheriklik munosabatlariga yo‘naltirilgan muloqotga o‘tish imkoniyatlarini yaratish;

oʻquv dasturlari shakli va mazmunini oʻzgartirish, ularni tinglovchini rivojlantirishga yoʻnaltirish, oʻquv mazmunini differensiyalash va individuallashirishga qaratish;

tinglovchilarni malaka oshirish jarayonida kattalar adabiyotining eng yaxshi namunalari bilan qurollantirish, umuminsoniy qadriyatlarga eʻtibor berish orqali ularning dunyoqarashini kengaytirish;

tinglovchilarning mustaqil istagi va xohishlariga mos ravishda faoliyat va ijodini taʻminlash, tinglovchilar faoliyatining turi va shaklini tanlash – hamkasblari bilan birgalikda yoki individual boʻlish uchun, guruh xonasida obyektiv muhitni tashkil qilish.

Maktabgacha taʻlim tizimining variativ modelini tatbiq qilish boʻyicha amalga oshirilishi zarur boʻlgan vazifalarni shakllantirishda quyidagi oʻziga xos jihatlarni inobatga olish kerak:

amaliylik (real holatga asoslanish);

hududlarning, taʻlim tashkilotilarining manbalari va imkoniyatlarini hisobga olish;

aniqlik (konkret, ravshan, loʻnda, muayyan boʻlishi);

oʻziga xoslik – hududlar va ota-onalarning talablarini inobatga olish;

amaliy natijaviylik, samaralilik (taʻsirchan, foydali);

aniq vazifalarni hal qilishga yoʻnalganlik, faollikka yoʻnaltiruvchi, belgilangan maqsadlarga intiltiruvchilik.

Variativlik – bu maktabgacha taʻlim tizimi sifat koʻrsatkichidir. U maktabgacha taʻlim tizimi isteʻmolchilarining (ota-onalar, bolalar) maktabgacha taʻlimga boʻlgan ehtiyojlari va imkoniyatlari asosida ularga tanlov asosida taʻlim dasturlari variantlari va alohida taʻlim xizmatlari turlarini taqdim etish xususiyati bilan xarakterlanadi. Yuqorida koʻrsatilib oʻtgan fikr va muloxazalar zamon tendensiyalar sifatida eʻtiroz etilayotgan variativlik yondashuvni metodologik, didaktik, metodik va texnologik jihatlarini mavjud maktabgacha taʻlim tizimiga tadbiq etilishini samarali yoʻl sifatida qaraladi.

Maktabgacha taʻlim tizimida variativlik deganda biz mazmun jihatdan farqlanuvchi oʻquv dasturlari (turli toifadagi mutaxassislar uchun), taʻlim usullari, shakllari va taʻlim texnologiyalarini nazarda tutamiz va ular mavjud dasturlar va texnologiyalar avvalambor oʻzining oʻzgaruvchanligi, moslashuvchanligi, integrativligi va individullashtirishga moyligi bilan farqlanadi.

A.G.Asmolov oʻzining ishlarida variativ taʻlimning metodologik jihatlarini ochib bergan. Bunda variativ taʻlim shaxsni rivojlantirishga keng imkoniyatlarni beruvchi vosita sifati qaralib unda nafaqat tarkib jihatidan turli hildagi foydalanilayotgan oʻzgaruvchan dasturlar (umumtaʻlim, chuqurlashtirilgan,




*1-rasm. Maktabgacha ta‘limda variativ yondashuvning metodik va texnologik jihatlari*

kengaytirilgan bosqichlar), balki, usuli, shakli va texnologiyasi bilan farqlanadigan dasturlar ham tushuniladi. Shuning uchun, ta‘limning o‘zgaruvchanligi tinglovchi, uning imkoniyatlari, ehtiyojlarini inobatga olgan holda, tinglovchining shaxsiga qaratilgan ta‘lim shakli hisoblanadi.




*2-rasm. Ta‘lim sifatini boshqarishning tarkibiy qismlari:*

Ta‘lim sifatini boshqarish uchun quyidagilar zarur:

1. Sifatni boshqarish va o‘lchash vositalari.
2. Maxsus bo‘limlarni o‘z ichiga olgan nazorat tizimi.
3. Boshqarish motivlari.
4. Boshqarish mexanizmlari.




*3-rasm. Maktabgacha ta'lim tashkilotlari pedagoglarini uzluksiz kasbiy rivojlantirish modeli*

5. Sifatni boshqarish natijalarini ishlatishning maqsad va shartlari. Mana shularni ham jadval qilish kerak, chiroyli chiqardi.

Shunday qilib, variativ ta‘lim jarayoni deganda – ta‘lim maqsadlarini amalga oshirishda qatnashchilar faoliyatining ta‘lim jarayonida o‘zaro hamkorliklari, tadbiq qilinayotgan tanlov sharoitlarining tarkibi (davlat standartlari doirasida), faoliyat va muloqotning vosita va usullari, shaxsning maqsadga bo‘lgan ahamiyatli munosabati, ta‘lim jarayoni va tarkibi tushuniladi.

Bugungi kunda maktabgacha ta‘lim tashkiloti pedagoglarini uzluksiz kasbiy rivojlantirish tizimini takomillashtirish bo‘yicha tizimli ishlar amalga oshirilmoqda. 2025-yildan boshlab maktabgacha ta‘lim tashkiloti pedagog hodimlari 5 yilda bir marotada 100 soat an‘naviy ishdan ajralgan holda va 72 soat onlayn har yili “Virtual kasbiy rivojlantirish” elektron dasturi orqali uzluksiz ravishda o‘z kasbiy bilimlarini oshirib boradigan mexanizm ishlab chiqilmoqda. Bunda an‘naviy ishdan ajralgan holda 100 soat malaka oshirish uchun 3 blokdan iborat variativ o‘quv reja va dasturlari ishlab chiqilmoqda. Umumkasbiy blok invariant modullardan iborat bo‘ladi. Bunda maktabgacha ta‘lim tizimiga taalluqli meyoriy huquqiy hujjatlarni mazmun-mohiyati va amalda qo‘llanilishi bo‘yicha ma‘lumotlar beriladi. Maxsus blokda pedagogning toifasi (metodist, tarbiyachi, psixolog, defektolog, musiqa rahbari), malaka talablarida belgilangan vazifalari va kasbiy rivojlanishdagi extiyojiga asoslangan variativ modullar shakllantiriladi.

Pedagog-tarbiyachilarni ma‘lumotiga, ya‘ni o‘rta maxsus yoki oliy ma‘lumotliligiga qarab o‘quv reja va dasturlar tayyorlanadi.

“Virtual kasbiy rivojlantirish” elektron dasturi joriy etish orqali har yili 72 soatga mo‘ljallangan o‘quv reja asosida o‘quv dasturlari ishlab chiqiladi. Dasturda berilgan mavzular bo‘yicha kontentlar, taqdimotlar, ma‘ruza matnlari joylashtiriladi. Kurs yakunida tinglovchilarni kasbiy, metodik va innovatsion kompetentligini aniqlash maqsadida test savollari beriladi va muvaffaqiyatli o‘tgan tinglovchilar kelasi yil o‘tiladigan uzluksiz kasbiy rivojlantirish bosqichiga o‘tkazilishi rejalashtirilmoqda.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, uzviy kasbiy rivojlantirish tizimini maktabgacha ta‘lim tizimiga tatbiq etish orqali pedagog hodimlarning o‘z ustida mustaqil ishlashiga, har yili elektron dastur orqali bilimlarini boyitib borish, rivojlangan xorijiy davlatlarni ilg‘or tajribalarini o‘rganishga va amaliyotda qo‘llashga va media kompetentligini oshirib borishga imkoniyat yaratiladi.

**Adabiyotlar:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 21-iyundagi PQ-231 “Maktabgacha va maktab ta‘limi tashkilotlari hodimlarini uzluksiz kasbiy rivojlantirish tizimini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tapdbirlar to‘g‘risida” qarori // Lex.uz

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-maydagi

PQ-4312-son “O‘zbekiston Respublikasi maktabgacha ta‘lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” qarori // Lex.uz

3. N.SH.Abdullayeva Maktabgacha ta‘limni variativ yondashuv asosida takomillashtirish. Dissertatsiya PhD. Toshkent 2020.

4. A.G.Asmolov Psixologiya XXI veka i rojdeniye variativnogo obrazovatelnogo prostranstva v Rossii // Novoye vremya i novaya didiaktika Moskva: 2001 g.

5. Abdullayeva N.SH. Maktabgacha ta‘limga variativ yondashuv- maktabgacha ta‘lim tizimi sifat ko‘rsatkichidir // Xalq ta‘limi ilmiy-metodik jurnal.–Toshkent, 2018.–№3.–B.89-95.

РЕЗЮМЕ

Maktabgacha ta’lim tashkiloti pedagoglarini uzluksiz kasbiy rivojlantirish tizimini takomillashtirish, variativ va invariant dasturlarni yaratish va 231-sonli PQ ijrosini ta’minlash bo‘yicha olib borilayotgan islohatlar mazmuni yoritilgan.

**РЕЗЮМЕ**

Освещено содержание проводимых реформ по совершенствованию системы непрерывного профессионального развития педагогов организаций дошкольного образования, созданию вариативных и инвариантных программ и обеспечению реализации ПК № 231.

**SUMMARY**

The content of the ongoing reforms to improve the system of continuous professional development of teachers of preschool education organizations, the creation of variable and invariant programs and ensuring the implementation of PC No. 231 is covered.

# BO‘LAJAK BOSHLANG‘ICH SINF O‘QITUVCHILARIDA MILLIY MA’NAVIY QADRIYALARNI RIVOJLANTIRIISHNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI

***Siddiqova Yu.M.***
*Guliston davlat universiteti tayanch dokroranti*

**Tayanch so’zlar:** qadryat tushunchasi, milliylik, vatan, boshlang’ich sinf o’qituvchisi, o’quvchilar, talabalar, didaktika, pedagogik jihatlar, ma'naviy tarbiya, pedagogik tamoyillar psixologik tamoyillar, psixologik tamoyillar, ijtimoiy tamoyillar, madaniy tamoyillar, innovatsion tamoyillar, davomiy o'rganish tamoyili.

**Ключевые слова:** концепция ценностей, национальность, родина, учитель начальных классов, учащиеся, дидактика, педагогические аспекты, нравственное воспитание, педагогические принципы, психологические принципы, социальные принципы, культурные принципы, инновационные принципы, принцип непрерывного обучения.

**Key words:** concept of values, nationality, homeland, primary school teacher, students, didactics, pedagogical aspects, moral education, pedagogical principles, psychological principles, social principles, cultural principles, innovative principles, lifelong learning principle.

Milliy ma'naviy qadriyatlar har bir millatning o'ziga xos madaniyati, urf-odatlari va an'analarini aks ettiradi. Ushbu qadriyatlar kelajak avlodni tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb etadi. Ayniqsa, boshlang'ich sinf o'qituvchilari bu jarayonda yetakchi rol o'ynaydilar, chunki ular bolalarga ilk bilimlarni va axloqiy tamoyillarni singdiradilar.

Mustaqillikka erishilgandan keyin nafaqat ijtimoiy-siyosiy hayotda, balki ta’lim-tarbiya jarayonida ham jiddiy o‘zgarishlar amalga oshirila boshlandi. Endilikda ta’lim amaliyotida tarbiyalanuvchilarga bilimlarni tayyor holda berishdan voz kechilib, shakllanib kelayotgan yosh avlodning ma’naviyatini sog‘lomlashtirish, ularni mute ijrochilikdan erkin ishtirokchi darajasiga ko‘tarishning yangi-yangi yo‘llari qidirilmoqda. O‘qitishning asosiy ashyolari bo‘lmish kontseptsiya, ta’lim standartlari, dastur, darslik, metodik hamda o‘quv qo‘llanmalarni yangilash va takomillashtirish bilan birga ruhan sog‘lom,

aqlan barkamol, o‘z fikri hamda qarashlariga ega bo‘lgan yoshlarni tarbiyalash ustuvorlik kasb etmoqda. Yoshlar tarbiyasida bir xil fikrlaydigan, yagona xulosaga keladigan avlodni shakllantirishdan voz kechilib, o‘rniga ma’naviy sifatlarning etakchiligi, ko‘ngil istaklari ustuvorligiga milliy an’analarga tayangan holda erishishga alohida diqqat qaratilmoqda .

Boshlang‘ich ta’lim didaktikasining asoschilaridan biri, shveytsariyalik pedagog Iogann Genrix Pestalozzi (1746-1827), ta’lim-tarbiyaning umumiy maqsadlarini uning ma’naviy-axloqiy tarkibiy qismlarigina echishga qodir deb ta’kidlagan . Ma’naviy-ahloqiy tarbiya masalalari haqida so‘z borar ekan pedagog, yoshlarni yuksak ahloqiy fazilatlarga ega bo‘lishlari masalasida fikr yuritib, ezgu va foydali ishlarda bevosita ishtirok etish orqali yosh avlodda ahloqiy ong, qadriyatlar va qarashlarni shakllantirish mumkinligini ta’kidlab o‘tgan.

Mustaqillikning dastlabki bosqichida paydo bo‘lgan ayrim muammolar chorak asr davomida ham to‘laligicha echimini topa olmadi. O‘tmish tuzumning qator illatlaridan qutulish uchun ezgu va foydali ishlarda bevosita ishtirok etadigan, ruhiyati mustaqillik davrida shakllangan avlod etilishi kerak edi. Ruhan mustaqil bo‘lgan, o‘z haq-huquqini tanigan, ichida «Men»i bor kishilar tomonidan tarbiyalangan bolalargina tom ma’noda Shaxs bo‘lib shakllanishlari mumkin. Chunki o‘zi ma’nan noto‘kis, umuminsoniy va milliy qadriyatlardan yiroq, fikran qashshoq o‘qituvchi o‘quvchilarini aqlan ham, ruhan ham sog‘lom qilib tarbiyalay olmaydi. Ya’ni har qanday tarbiya avval tarbiyachini tarbiyalashdan boshlanishi kerak.

Agarda milliy tarbiya e’tiborsiz qoldirilsa, stixiyali tarzda kechsa, xalqning milliy o‘zligini anglash darajasi, milliy g‘ururi, madaniyati, vatanparvarlik darajasi susaya borishi , yangi tug‘ilgan chaqaloq xususiyat jihatidan na ratsional na irratsional bo‘lishi tadqiqotchi olimlar tomonidan ko‘p bora ta’kidlab o‘tilgan. Ma’lumki, hozirda talabalarni tayyorlashning zamonaviy ta’lim-tarbiya tizimi oldiga ta’lim oluvchilarni milliy ma’naviy jihatdan etuk, jismoniy jihatdan sog‘lom va intelektual salohiyatli bo‘lib shakllanishini ta’minlash vazifasini qo‘ymoqda. Bunday vazifani bajarishda ular ta’lim jarayoniga turli xil yondashuvlar va pedagogik ta’sir usullaridan foydalanadilar.

Talabalarning milliy ma’naviy qadriyatlarini rivojlantirishda ham yuqorida ta’kidlanganidek o‘ziga xos yondashuv va pedagogik ta’sir usullari kerak bo‘ladi. Ta’limda olib borgan izlanishlar va kuzatishlar natijalari ta’lim oluvchilarning milliy ma’naviy qadriyatlarini rivojlantirishda, ayniqsa ularning ma’naviy etuk bo‘lib shakllanishida ta’lim-tarbiya birligi va ta’lim jarayonida milliy-ma’naviy qadriyatlardan samarali foydalanish borasidagi innovatsion yondashuv va

turli xil salbiy ta’sirlar hamda tahdidlar haqidagi ta’sirchan ma’lumotlarni to‘plab, ularni ta’lim mazmuniga singdirish usullaridan foydalanish maqsadga muvofiq ekanligini ko‘rsatmoqda. Talabalarning milliy ma’naviy qadriyatlarini rivojlantirish, innovatsion harakterga ega bo‘lgan integrativ yondashuv qilishni talab etadi, chunki unda ta’lim mazmuniga milliy-ma’naviy qadriyatlarga oid ma’naviy merosni va turli xil salbiy ta’sir xamda tahdidlarga oid ta’sirchan ma’lumotlarni singdirishga to‘g‘ri keladi. Chunki bunday integrativ harakterdagi mashg‘ulotlarni bajarish ushbu muammo echimini hal qilishga ijodiy yondashuvni va pirovard natijada innovatsion pedogogik usullarni ishlab chiqishni talab etadi.

Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarida milliy ma'naviy qadriyatlarni rivojlantirishning nazariy asoslari quyidagi jihatlar orqali tushuntirilishi mumkin:

**1. Ma'naviy va axloqiy tarbiya nazariyasi:** Ma'naviy qadriyatlar, axloqiy tamoyillar va jamiyatning asosiy qoidalarini o'rganish. Bu nazariya bo'lajak o'qituvchilarga yosh avlodni ma'naviy jihatdan yetuk qilish uchun zarur bo'lgan bilim va ko'nikmalarni shakllantiradi.

**2. Madaniyat va tarix fani:** Milliy ma'naviy qadriyatlarni tushunish uchun madaniyat va tarixni chuqur bilish muhimdir. Bo'lajak o'qituvchilar milliy madaniyatning rivojlanishi, xalq urf-odatlari, an'analari va tarixi bilan tanish bo'lishlari kerak.

**3. Didaktika va pedagogika nazariyasi:** O'qitish metodlari va pedagogik yondashuvlarni o'rganish. Bu nazariya bo'lajak o'qituvchilarga milliy ma'naviy qadriyatlarni o'quvchilarga qanday qilib samarali etkazish kerakligini o'rgatadi.

**4. Psixologiya va bolalar rivojlanishi:** Bolalarning psixologik rivojlanishini o'rganish. Bu nazariya orqali o'qituvchilar bolalarning ma'naviy qadriyatlarni qabul qilish jarayonini tushunadilar va ularga mos ravishda ta'lim berish metodlarini ishlab chiqadilar.

**5. Ijtimoiy fanlar:** Ijtimoiy munosabatlar, jamiyatning rivojlanishi va individning jamiyatdagi o'rnini o'rganish. Bu bilimlar o'qituvchilarga o'quvchilarda milliy ma'naviy qadriyatlar va ijtimoiy mas'uliyatni shakllantirishga yordam beradi.

**6. Kommunikatsiya va muloqot ko'nikmalari:** Bo'lajak o'qituvchilar uchun samarali muloqot qilish va axborotni etkazish ko'nikmalari muhimdir. Bu ko'nikmalar milliy ma'naviy qadriyatlarni o'quvchilarga aniq va tushunarli tarzda etkazish imkonini beradi.

**7. Kreativlik va innovatsiyalar:** Yaratilish va yangi metodlarni qo'llash ko'nikmalari. Bu bo'lajak o'qituvchilarga milliy ma'naviy qadriyatlarni zamonaviy usullar orqali o'rgatish imkoniyatini beradi.

Bu nazariy asoslar bo'yicha chuqur bilim va ko'nikmalarga ega bo'lgan bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilari yosh avlodni ma'naviy jihatdan yetuk qilish, milliy qadriyatlarni saqlash va rivojlantirishda muhim rol o'ynaydi.

Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarida milliy ma'naviy qadriyatlarni rivojlantirish tamoyillari quyidagi asosiy yo'nalishlarni qamrab oladi(1-rasm):




*1-rasm. Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarida milliy ma'naviy qadriyatlarni rivojlantirish tamoyillarining asosiy yo'nalishlarni*

**1. Milliy o'zlikni anglash:**

- **Tarixiy xotirani saqlash:** O'zbekiston tarixini, xalqning urf-odatlari va an'analarini o'quvchilarga etkazish.
- **Madaniy merosni o'rganish:** Milliy madaniyat, san'at, adabiyot va musiqa bilan tanishtirish.

**2. Ma'naviy tarbiya:**

- **Axloqiy tamoyillar:** O'quvchilarga halollik, adolat, mehr-oqibat, hurmat kabi axloqiy qadriyatlarni singdirish.
- **Jamiyatda mas'uliyatli bo'lish:** O'quvchilarda ijtimoiy mas'uliyat va vatanparvarlik tuyg'usini shakllantirish.

**3. Pedagogik tamoyillar:**

- **Shaxsga yo'naltirilgan ta'lim:** Har bir o'quvchining shaxsiy xususiyatlari, qiziqishlari va qobiliyatlarini inobatga olish.
- **Faollik va mustaqillik:** O'quvchilarning mustaqil fikrlashi va o'z fikrini erkin ifoda eta olishi uchun sharoit yaratish.

**4. Psixologik tamoyillar:**

- **Emotsional qo'llab-quvvatlash:** O'quvchilarning hissiy holatini tushunish va ularni ruhlantirish.
- **Pozitiv motivatsiya:** O'quvchilarning qiziqishini oshirish va ularni muvaffaqiyatga undash.

**5. Ijtimoiy tamoyillar:**

- **Hamkorlik va birdamlik:** Jamoaviy ish va hamkorlik muhitini yaratish.
- **Ijtimoiy moslashuv:** O'quvchilarga jamiyatda muvaffaqiyatli faoliyat yuritish uchun zarur bo'lgan ijtimoiy ko'nikmalarni o'rgatish.

**6. Madaniy tamoyillar:**

- **Madaniy xilma-xillik:** Turli millat va elatlar madaniyatini hurmat qilish va qadrlash.
- **Globallashuv:** Milliy ma'naviy qadriyatlarni zamonaviy dunyoqarash bilan uyg'unlashtirish.

**7. Innovatsion tamoyillar:**

- **Zamonaviy texnologiyalardan foydalanish:** O'quv jarayonida axborot texnologiyalarini qo'llash.
- **Kreativ yondashuvlar:** Ma'naviy qadriyatlarni o'rgatishda yangi va kreativ usullarni qo'llash.

**8. Davomiy o'rganish tamoyili:**

- **Hayot davomida ta'lim olish:** O'qituvchilar o'z bilim va ko'nikmalarini doimiy ravishda yangilab borishlari zarur.
- **Kasbiy rivojlanish:** O'qituvchilarning professional rivojlanishi uchun muntazam ravishda treninglar va malaka oshirish kurslarida ishtirok etishi.

Ushbu tamoyillar bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarining ma'naviy jihatdan yetuk bo'lishini, shuningdek, milliy ma'naviy qadriyatlarni o'quvchilarga samarali tarzda etkazishlarini ta'minlaydi.

Bizda ham milliy ma’naviy qadriyatlarga ehtiyoj bormi? Umuman olganda, dunyoda o‘ziga xos qadriyatlari bo‘lmagan millatning o‘zi yo‘q. Biz ham istisno emasmiz. Biz ham tariximiz, yashash tarzimiz, milliy ma’naviyatimiz,

madaniyatimiz bilan uzviy bog‘liq bo‘lgan qadriyatlarga egamiz. Ammo ularning eng muhimlarini belgilab olish va targ‘ib etish zaruratini ham e’tibordan chetda qoldirmaslik kerak. Talabalarda ham bunga ehtiyoj bor.

Mustaqil O‘zbekistonda olib borilayotgan siyosat – o‘zbek davlatchiligi, an’analari va milliy, umuminsoniy qadriyatlarni chuqur hurmat qilishga asoslangan. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasida ham milliy ma’naviy qadriyatlarimiz o‘z aksini topgan. Buni xususan, bunyodkorlik g‘oyalariga sodiqlik, yuksak mas’uliyat, ijtimoiy adolatparvarlik, insonparvarlik, milliy totuvlik, xalqimizning urf-odatlari va an’analari, mafkuralar xilma-xilligi va erkinligi, ijtimoiy adolat, fuqarolarning qonun oldidagi tengligi, vijdon erkinligi, adolatli mehnat kabi tamoyillar misolida ko‘rish mumkin. Konstitutsiya bu hujjat. Konstitutsiyada belgilangan moddalarning hayotdagi ijrosini ta’minlash uchun unda aks ettirilgan g‘oyalarni qo‘llab-quvvatlash kerak. Buning uchun qadriyatlar bir-biriga mos tushishi kerak.

Milliy ma'naviy qadriyatlarni shakllantirish bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarining muhim vazifasidir. Shuning uchun oliy ta’lim muassasalarida bo’lajak boshlang’ich sinf o’qituvchilarida milliy ma’naviy qadryatlarni rivojlantirish metodikasini ishlab chiqish lozim hisoblanadi.

**Adabiyotlar:**

1. Sulaymonova F. Aql va tafakkur kuchi –T.: Fan, 2000. 58 b.
2. I.G.Pestalozzi. Smtliche Werke. Kritische Ausgabe. Begr. v. Arthur Buchenau, Eduard Spranger u. Hans Stettbacher. 31 B-de., Berlin und Zrich 1927-1996 (PSW 1-29).
3. I.G.Pestalozzi. Smtliche Werke. Kritische Ausgabe. Begr. v. Arthur Buchenau, Eduard Spranger u. Hans Stettbacher. 31 B-de., Berlin und Zrich 1927-1996 (PSW 1-29).
4. М.Куронов, И.Даминов, О.Бозоров, Ш.Акрамова. Миллий тарбия ва ёшлар / Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. - Тошкент: «Камалак» нашриёти, 2016.
5. Апресян Р.Г. Мораль и рациональность. - М., ИФРАН. 1995. – 197 с. С.112.
6. Куронов М. Миллий тарбия. – Т.: «Маънавият», 2007

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqolada bo’lajak boshlang’ich sinf o’qituvchilarida milliy ma’naviy qadryatlarni shakllantirishning mazmun va mohiyati yoritilgan. Shuningdek, maqolada bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarida milliy ma'naviy qadriyatlarni rivojlantirish tamoyillarining asosiy yo'nalishlari, bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarida milliy ma'naviy qadriyatlarni rivojlantirishning pedagogik jihatlari batafsil ochib berilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье освещены содержание и сущность формирования национальных духовных ценностей у будущих учителей начальных классов. Также в статье рассматриваются основные направления принципов развития национальных духовных ценностей у будущих учителей начальных классов и подробно раскрываются педагогические аспекты этого процесса.

**SUMMARY**

This article highlights the content and essence of fostering national spiritual values in future primary school teachers. Additionally, the article delves into the main directions of principles for developing national spiritual values in future primary school teachers and explores the pedagogical aspects of this development in detail.

# BOSHLANG‘ICH SINFDA FOYDALANILADIGAN DIDAKTIK O‘YINLAR VA ULARNING XUSUSIYATLARI HAQIDA AYRIM MULOHAZALAR

***Tursunqulova M.T.***
*Qori Niyoziy nomidagi O‘zPFITI tayanch doktoranti*

**Tayanch so‘zlar:** boshlang‘ich sinf, didaktik o‘yin, jismoniy o‘yin, maktab, o‘quvchilar, hayotiy o‘yinlar, tajriba, bilim, ko‘nikma, malaka, mustaqillik, ijodkorlik, o‘zlashtirish.

**Ключевые слова:** начальный класс, дидактическая игра, физическая игра, школа, учащиеся, жизненные игры, опыт, знание, умение, компетентность, самостоятельность, творчество, мастерство.

**Key words:** primary school, didactic game, physical game, school, students, life games, experience, knowledge, skill, competence, independence, creativity, mastery.

Didaktik o‘yinlar ona tili o‘qituvchilari kichik yoshdagi o‘quvchilar bilan qo‘llaydigan eng jozibador usullardan biridir. Ular darslarni qiziqarli qiladi va o‘quvchilarni faol ishtirok etishga undaydi. Didaktik o‘yinlarning maqsadi, maqsadi va natijalari bo‘lib, uni o‘ynash uchun o‘quvchilar turli vazifalarni bajarishlari kerak.O‘quvchilarning ijodiy tafakkurini rivojlantirish, aqliy qobiliyatlarini rivojlantirish tilni o‘qitishning eng muhim psixologik-pedagogik muammosidir. Bu esa o‘qitishning faol usullaridan, ta’lim va tarbiyaning noan’anaviy shakl va usullaridan keng foydalanishni, predmet va hodisalarni ularning o‘zaro bog‘liqligi, harakati va rivojlanishi nuqtai nazaridan o‘rganishni taqozo etadi.

Shu munosabat bilan o‘quvchilarning o‘yin faoliyati, xususan, yangi bilimlarni o‘zlashtirishda, o‘quv va malakalarini shakllantirish va rivojlantirishda, umuman olganda, ona tilini o‘rganish jarayoni samaradorligini oshirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Didaktik o‘yinlar davomida o‘quvchilarda shakllanadigan ijobiy his-tuyg‘ular ularni ruhiy charchoqdan himoya qiladi, kommunikativ va intellektual qobiliyatlarini oshiradi.

Ona tilini o‘qitish jarayonida didaktik o‘yinlardan foydalanishning umumiy masalalari ilmiy-metodik adabiyotlarda keng yoritilgan bo‘lsada, ularning

asosiy e’tibori yozma nutq ma’lumotlariga qaratilgan. Biroq, ona tilini o‘rganish o‘quvchilar uchun juda qiyin bo‘lishi va uning ba'zi mashqlarini o‘rganish uchun noan'anaviy yondashuvlarni talab qilishi tabiiy. Buning bir qancha ilmiy, nazariy, uslubiy va didaktik sabablari borki, ulardan har qanday malakali va malakali boshlang‘ich sinf o‘qituvchisi ko‘z yumolmaydi.

Hozirgi vaqtda o‘yinlar nafaqat maktabgacha ta'lim muassasalarida, balki boshlang‘ich va o‘rta maktablarda ham ko‘p qo‘llaniladi. Faoliyatning ushbu turi, ayniqsa, pedagogikada katta ahamiyatga ega. Afsuski, o‘quvchilar ko‘pincha o‘qituvchilardan passiv ravishda yangi ma'lumotlarni qabul qilishadi. Darslar qisqa, shuning uchun o‘quvchilarda topshiriqlar yoki savollar haqida uzoq vaqt o‘ylashlari yoki muammolarni mustaqil hal qilishlari uchun vaqt yetarli emas. Talabalar o‘zlari kuzatgan yoki boshidan kechirgan narsalarni ularga hikoya qilinganidan ko‘ra yaxshiroq eslab qolishadi. Darsda qo‘llaniladigan didaktik o‘yinlar esa ularning qiziqishini oshiruvchi va faolroq bo‘lishga undaydigan usul bo‘lishi mumkin.

Har bir didaktik o‘yinning o‘ziga xos ta'lim maqsadlari va qoidalari bor. Didaktik o‘yinlar nafaqat darslarni qiziqarli qilish, balki motivatsiya, tushuntirish, takrorlash yoki test qilish uchun ham qo‘llaniladi. P.Prucha ta’limoti bo’yicha didaktik o‘yinni ma'lum didaktik maqsadlarga erishadigan bolalarning o‘z-o‘zidan paydo bo‘ladigan faoliyati sifatida belgilanadi. Didaktik o‘yinlar o‘z qoidalariga ega, turli joylarda o‘tkazilishi mumkin, shuningdek, ular doimiy nazoratni va yakuniy baholashni talab qiladi. Bular nafaqat yakka tartibda balki guruh bo‘lib o‘ynashga ham mo‘ljallangan bo‘ladi. O‘qituvchi bir vaqtning o‘zida ham tashkilotchi va ham mustaqil kuzatuvchi vazifasini bajaradi. Muallif shuningdek, didaktik o‘yinlar o‘quvchida mustaqillikni, jamoa bilan ishlashni, ijodkorlikni tarbiyalashini, shuningdek, o‘quvchilar ilgari olgan bilim va ko‘nikmalaridan foydalanishga o‘rgatishini ta’kidlaydi.

Boshlang‘ich sinflarda o‘yin tez-tez qo‘llaniladigan o‘qitish metodi bo‘lib, ba'zida boshqa metodlarga qaraganda ko‘proq qo‘llaniladi. Quyi yoki o‘rta maktab o‘quvchilari uchun dars paytida o‘yin o‘ynash zerikarli tuyilishi mumkin. Biroq, yuqorida aytib o‘tilganidek, o‘yin bizga butun umrimiz davomida hamroh bo‘ladigan faoliyat turi bo‘lgani uchun o‘rta ta'limning ham bir qismi bo‘lishi kerak deb hisoblaymiz. Darsda o‘ynaladigan ta’limiy o‘yinlar bolalar uyda yoki maktabgacha ta’lim muassasalarida do‘stlari bilan o‘ynagan o‘yinlardan tabiiy ravishda farq qiladi.

Didaktik o‘yin – bu bizning ko‘nikmalarimizni, tasavvurlarimizni va ijodimizni rivojlantirishi kerak bo‘lgan faoliyatdir. O‘z-o‘zidan, bo‘sh vaqtda zerikmaslik uchun o‘ynaladigan o‘yinlaridan farqli o‘laroq, didaktik o‘yinlar

koʻproq cheklangan, ammo bolalar uchun hali ham qiziqarli, chunki ular darslarni yanada qiziqarli va boshqacha qiladi.

Valishova va Kasikova oʻyinlar, umuman olganda, unumli boʻlishi shart emasligini aniqlaydilar (motorli harakatlar, zar tashlashga asoslangan oʻyinlar va boshqalar). Ularning fikricha, didaktik oʻyinlar boshqa tomondan samaraliroq. Ular bizning fikrlashimizni rivojlantiradi, chunki ular odatda muammoli vaziyatlarga asoslanadi. Průcha singari, Valishova va Kasíkova didaktik oʻyinni ma'lum qoidalar bilan boshqariladigan va ta'lim maqsadlariga rioya qiladigan oʻquvchilarning oʻzini oʻzi anglashi sifatida belgilaydi. Yuqorida aytib oʻtilganidek, oʻquvchilar ba'zi narsalarni eshitish, koʻrish, hidlash yoki his qilish jarayonida yaxshiroq eslab qoladilar. Oʻquvchilarda eslab qolish oson boʻlmagan juda koʻp ma'lumot, lugʻat yoki ta'riflarni oʻrganadilar. Shuning uchun oʻquvchilarga uni eslab qolishga yordam beradigan mos usullardan foydalanish muhimdir. Oʻyinlar oʻquvchining ma'lum bir mavzuga, maktab mavzusiga, maktabga, oʻrganishga yoki oʻqituvchiga boʻlgan munosabatini oʻzgartirishga qaratilgan boʻlishi mumkin. Oʻyinlar foydali va qiziqarli boʻlib, ular oʻquvchilarning qobiliyatlari, koʻnikmalarini rivojlantiradi va eng birinchi maqsadi ta'limiy maqsadlarini amalga oshiradi. Darsda didaktik oʻyinlardan foydalanish foydali, ammo didaktik oʻyinlar va oʻrganish oʻrtasidagi farqni tushunish muhimdir. Boshqa tomondan, Manyak didaktik oʻyin ikkita ekstremaldan qochish kerakligini ta'kidlaydi. Birinchidan, oʻyinning oʻzi didaktik maqsaddan ustun boʻlmasligi kerak. Ikkinchidan, oʻyin qiziqarli faoliyat maqomini yoʻqotmasligi uchun maqsadni juda koʻp ta'kidlamaslik kerak. Oʻquvchilar doim gʻalaba qozonishga intiladilar, buni Valishova va Kasíkova tasdiqlaydi. Ularning fikriga koʻra, bolalar orasida raqobat elementi boʻlgan didaktik oʻyinlar eng mashhurdir. Ushbu oʻyinlar oʻquvchilarning faolligini oshiradi va ularni yanada samarali hamkorlik qilishga undaydi, chunki ular guruh ichidagi hamkorlik muvaffaqiyatga erishish yoʻli ekanligini bilishadi. Oʻquvchilarni qiziqarli, innovatsion didaktik oʻyinlarga qiziqtira olish oʻqituvchiga bogʻliq. Ushbu oʻyinlar oʻz maqsadlariga erishishda yordam beradigan ragʻbatlantiruvchi, ta'lim vositasi boʻlib xizmat qilishi mumkin.

“Soʻz shaxmati” oʻyini

Birinchidan, shashka boʻlaklari tayyorlanadi. Donlarga tegishli soʻzlar va ular bilan tuzilgan qoʻshma soʻz yoki soʻz birikmalari yoziladi (yoki qogʻozga yoziladi va ular yopishtiriladi). 4x4 kvadrat shaklidagi oq va qora boʻlaklar standart shaxmat taxtasining yuqori chap va pastki oʻng burchaklarida tizilgan. Yurish faqat oʻng va chap konsentrik oldinga harakatlar shaklida amalga oshiriladi (diagonallarda yurish taqiqlanadi).

Agar donalardagi raqib donalar bilan toʻqnash kelgan soʻzlar oʻzaro ta’sir qilsa, ular orasidagi qoʻshma soʻzlar yoki soʻz birikmalari yoziladi. Agar oʻzaro

ta'sir bo‘lmasa, raqibning donasi yo‘lni tozalaguncha navbat "kutadi". Sudya (u o‘qituvchi yoki xolis talaba ham bo‘lishi mumkin) yozuvlarning to‘g‘riligini tekshiradi va keyingi harakatga ruxsat beradi. Qo‘shma so‘zlar yoki iboralar noto‘g‘ri yoki noto‘g‘ri yozilgan bo‘lsa, navbat raqibga beriladi. O‘yin oq bo‘laklar qoralarni almashtirishga yoki qoralar oq bo‘laklarga o‘tishdan oldin joylashgan joyga ko‘ra tugaydi. Kim bu vazifani tez va to‘g‘ri bajarsa, u g‘olib hisoblanadi.

Yuqoridagi o‘yin o‘quvchilarga ona tilini o‘rgatishda tilga oid lingvistik kompetensiyalarni shakllantirishga yaxshiroq yordam beradi deb o‘ylaymiz. Chunki, kichik yoshdagi o‘quvchilar amaliyotda sinalgan bilimlarni ko‘proq eslab qolishadi.

Xulosa o’rnida shuni aytishimiz mumkinki, boshlang‘ich sinf o‘quvchilariga ona tilini o‘qitish yangi pedagogik va axborot texnologiyalari asosida o‘qitishning noan'anaviy usullari va shakllarini, shuningdek, klassik uslublar, uslublar va vositalarni keng qo‘llashni talab qiladi. Ayniqsa, didaktik o‘yinlar o‘quvchilarda mustaqil fikrlash, zukkolik, izlanuvchanlik, topqirlik, mantiqiy fikr yuritish, o‘z-o‘zini o‘rganish, ma’lum va noma’lum tomonlarini qiyoslash, mavjud bilimlar asosida mushohada yuritish qobiliyatlarini rivojlantirishga yordam beradi.

**Adabiyotlar:**

1. Азимомова Е.Г., Щукин А.Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). –М.: Издательство ИКАР, 2009. – 448 с.

2. Bo‘ronova Sh. Ona tili darslarda interfaol metodlardan foydalanish. Uzluksiz ta’lim. 2004, 3-son, 34-38-betlar

3. Olloqova M. O. Intensive education and linguistic competence in mother tongue //ACADEMICIA: AN

4. International multidisciplinary research journal. – 2021. – Т. 11. – №. 1. – С. 580-587

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqola mavzusi ta'lim jarayoni bilan bog‘liq holda qo‘llaniladigan o‘yinlarga qaratilgan. Boshlang‘ich sinflarda o‘qitishda didaktik o‘yinlarning o‘rni qanday ekanligini aniqlashdan iborat. Shuning uchun birinchi navbatda didaktik o‘yin nima ekanligini aniqlab olish kerak. Maqola nafaqat "didaktik o‘yin" atamasi bilan bog‘liq, balki ularning tipik xususiyatlarini tavsiflovchi va ularni bir necha toifalarga ajratadigan xarakterga ega. Bundan tashqari, ularning o‘qitishdagi ahamiyatini tushuntiradi va darslarda ulardan foydalanishning afzalliklari va kamchiliklarini ko‘rsatadi.

**РЕЗЮМЕ**

Данная статья посвящена играм, используемым в образовательном процессе. Определить роль дидактических игр в начальном школьном образовании. Поэтому прежде всего необходимо определить, что такое дидактическая игра. Статья не только связана с термином «дидактические игры», но и описывает их характерные черты и делит их на несколько категорий. Это также объясняет их важность в обучении и показывает преимущества и недостатки их использования в классе.

**SUMMARY**

This article is devoted to games used in the educational process. Determine the role of didactic games in primary school education. Therefore, first of all, it is necessary to define what a didactic game is. The article is not only related to the term "didactic games", but also describes their characteristic features and divides them into several categories. It also explains their importance in teaching and shows the advantages and disadvantages of using them in the classroom.

# MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTI TARBIYACHILARIDA «4 K» KO'NIKMALARINI SHAKILLANTIRISH IJTOMOIY ZARURIYAT SIFATIDA

***Ravshanova X.K.***
*Sam vil PYMO'MM o'qituvchisi*

**Tayanch so'zlar:** ta'lim, «4 K» ko'nikmalari, tarbiyachi, kommunikativlik, tanqidiy fikrlash, kollaboratsiya, muloqot, bola, ijodkorlik.

**Ключевые слова:** образование, навыки «4 K» , педагог, коммуникативность, критическое мышление, сотрудничество, общение, ребенок, творчество.

**Key words:** education, «4 K» skills, educator, communicative, critical thinking, collaboration, communication, child, creativity.

Kirish. Barchamizga ma'lumki, maktabgacha ta'lim shaxs shakllanishining poydevori hisoblanadi. Bu davr bola ong ostida olamni anglash, tasavvur va bilimlar poydevorini tiklash pallasi bo'lgani uchun ham alohida e'tibor talab etadi. Shu nuqtai nazardan maktabgacha yoshdagi bolalarga ta'lim tarbiya berishda zamonaviy ta'lim texnologiyalaridan, zamonaviy yondoshuvlardan foydalanishimiz kerak. «4 K» modeli ta'lim tizimiga zamonaviy yondashuv sanaladi. Undan foydalanish bolalarning tanqidiy fikrlashiga, o'z fikrini erkin bayon etishiga, maktabgacha yoshdagi bolalarining har tomonlama rivojlanishiga qaratilgan bo'lib, to'rt asosiy kompetensiyani o'z ichiga oladi. Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarda kreativlik, tanqidy fkirlash, kollaboratsiya va kommunikativlik ko'nikmalarini shakillantirish uchun avvalo maktabgacha ta'lim tashkiloti tarbiyachilarining o'zlarida mazkur ko'nikmalar shakllangan bo'lishi lozim. Dastavval «4 K» modeli nima ekanligiga to'xtalib o'tamiz.

Adabiyotlar tahlili. Dunyoda texnologiyalarning rivojlanishi, globallashuv, demografik muammolar jamiyatni faol ravishda o'zgartirmoqda. Bugungi globallashuv davrida ta'limning o'tgan asrda shakllangan bilim va ko'nikmalari bizning davrimizda muvaffaqiyat qozonish uchun yetarli emas. Ta'lim tizimi

ham o‘z maqsadlarini qayta ko‘rib chiqmoqda va ta’lim dasturlari tobora keng ko‘lamli ko‘nikmalarni o‘z ichiga olmoqda. Eng muhimi, ijtimoiy ko‘nikmalar, tanqidiy fikrlash, hamkorlik qilish, muammolarni hal qilish qobiliyatidir. YUNESKO tomonidan qabul qilingan ta’lim sohasidagi asosiy xalqaro hujjatda "barqaror rivojlanish maqsadlari" [1] tasvirlangan va kognitiv, ijtimoiy-emotsional va xulq-atvorni o‘rganish natijalari aniqlangan. So‘nggi bir necha yil ichida butun dunyo bo‘ylab ta’lim tizimi, ayniqsa boshlang‘ich ta’limda XXI asrning zamonaviy kompetensiyalari va ko‘nikmalarini rivojlantirish uchun harakat qilib, bilim va ko‘nikmalarini shakllantirishda noan’anaviy yo‘nalishdan foydalanilmoqda. XXI asrning turli xil ko‘nikmalari va ta’lim natijalarida ushbu ko‘nikmalarning turli xil qoidalariga qaramay, ularning to‘plami ancha barqaror bo‘lib qolmoqda. Mavjud ko‘nikmalarga yoki savodxonlikka qo‘shimcha ravishda, Partnership for 21st Century Learning [2] XXI asr ko‘nikmalari uchun asos yaratadi, unda "innovatsion ko‘nikmalar" - tanqidiy fikrlash va muammolarni hal qilish, kreativlik va innovatsiya, muloqot va hamkorlikning ko‘plab ko‘nikmalari o‘rin olgan.

Kreativlik. Shaxsning muammoli vaziyatlardan tafakkuri orqali, takrorlanmas yo‘l bilan chiqib ketish, unga ijodiylik bilan yondasha olish qobiliyati kreativlik hisoblanadi. Kreativlik tushunchasi (lot, ing. «create» – yaratish, «creative» yaratuvchi, ijodkor) ingliz tilidan tarjima qilganda ijod ma’nosini anglatadi. Haqiqatan esa yangi, original (o‘ziga xos) yanada sayqallangan moddiy va ma’naviy bog‘liqliklarni yaratishdir. Kreativlikni ijodga intilish, hayotga ijodiy yondashish, o‘ziga doimiy tanqidiy nazar solish va tahlil etish deyish mumkin. Hozirgi zamon psixologiya va pedagogika lug‘atlariga asoslanib o‘qituvchining kreativligiga uning fikridagi, muloqotdagi, alohida faoliyat turidagi ijodiy yondashish, bilish darajasi deb ta’rif berish mumkin. Uning zamirida originallik, amaliylik, noodatiylik va erkinlik yotadi. Shuningdek, kreativ fikrlash bir narsaga turli tomondan yondashishni anglatadi. Har qanday inson tug‘ilganda kreativ qobiliyat bilan dunyoga keladi. Uni qaysi yo‘lga yo‘naltirish va rivojlantirish tarbiyachi zimmasiga yuklatiladi. Demak, maktabgacha ta’lim tashkilotlari tarbiyalanuvchilarida kreativ qobiliyatini rivojlantirishga e’tibor qaratish barkamol avlodni tarbiyalashning tayanch nuqtasi bo‘lib xizmat qiladi.

Kreativ fikrlovchi insonlar biron bir manzarani o‘zgacharoq tasavvur etadi, hech kim ilg‘amagan jihatlarni payqay oladi. Mana shunday kreativ tafakkurni rivojlantirish tashkil etilgan ta’limiy faoliyat jarayonida qaysi metod va usullardan foydalanganlik darajasiga bog‘liq bo‘ladi. Bunda esa interfaol usullar yaqindan yordan beradi. Interfaol ta’lim turlaridan biri kreativ ta’limdir.

Kreativ usulda o‘tilgan mavzuni bola to‘liq o‘zlashtirishi bilan birga, ijodkorlik qobiliyatini ham rivojlantiradi. Shuning uchun tarbiyachidan o‘z fani yuzasidan chuqur bilimga ega bo‘lish bilan birga, ta’limdagi samarali metod va usullardan ham xabardorlikni talab etadi. Chunki kelajakdagi yangi innovatsiyalar va ixtirolarning barchasi aynan kreativ kompetensiya orqali vujudga keladi.

Kommunikativlik.«Muloqot» tushunchasining turlicha ta’riflari mavjud. Muloqot ikki yoki undan ortiq odamlar o‘rtasidagi bilish yoki affektiv-baholash xususiyatiga ega bo‘lgan axborot almashinuvida ularning o‘zaro ta’sirlashuvi sifatida ta’riflanadi. Yoki: muloqot – odamlar o‘rtasida hamkorlik faoliyati ehtiyojidan yuzaga keladigan va axborot almashinuvi, o‘zaro ta’sirning yagona yo‘lini ishlab chiqish, boshqa odamni idrok qilish va tushunishdan iborat bo‘lgan aloqalarni o‘rnatish va rivojlatirishning murakkab, keng qamrovli jarayoni. Bu «muloqot» tushunchasining eng to‘liq va aniq ta’rifidir.

Tanqidiy fikrlash atamasi xalqaro terminologiya tizimida (grek.) fikrlashning “tanqidiy” shakli sifatida yuritiladi.” Kritikos ” “tanqid”, “baholash”, “imtihon” va boshqalar kabi ko‘p ma’noli so‘zdan kelib chiqqan; bu yerda “tanqid” tushunchasi kundalik hayotda “ayblash” ma’nosini anglatmaydi, balki aqliy qobiliyat ma’nosini bildiradi va “baholash”, “aniqlash”, “hukm qilish”, “ajratish qobiliyati” kabi ma’nolarga ega. Tanqidiy fikrlashning intellektual asoslari, shuningdek, etimologiyasi ham juda qadim zamonlarga borib taqaladi, ya’ni bundan 2500 yil avval Suqrotning o‘qitish amaliyoti va fikrlarida bu tushunchaga yaqin mazmunni uchratish mumkin. Suqrot savollarni tekshirishning yangi usulini ixtiro qildi, bu odamlarning bilimga bo‘lgan ishonchini oqilona aniqlashga qodir emasligining zaifligini ko‘rsatdi va bunda Sokratik kinoya ham bor edi.

Tanqidiy fikrlash bilan bog‘liq eng qadimgi yozuvlar Platon tomonidan yozilgan Suqrot ta’limotini taqdim etgan dialoglardir.Ular Platonning birinchi dialoglari bo‘lib, Suqrot bir yoki bir nechta suhbatdoshlari bilan axloqiy masalalar, masalan, Suqrotning qamoqdan qochishi to‘g‘ri bo‘ladimi, degan mavzuda gaplashadi. Faylasuf bu masalada mulohaza yuritar ekan, shunday xulosaga keladi: inson bilimi va aqlining rivojlanishi uning hokimiyat egasi yoki obro‘li shaxs ekanligiga bog‘liq emas, mavjud muammolardan qochish esa uning ustida tutgan barcha narsalarni (qadriyatlarni) buzadi. U hokimiyat va yuqori lavozim egalari juda sarosimali va mantiqsiz bo‘lishi mumkinligini isbotladi. Suqrotning fikricha, yaxshi hayot kechirish va hayotning qadriga yetish uchun inson tanqidiy savol beruvchi, “surishtiruvchi ruh”ga ega bo‘lishi

kerak. U g‘oyalarni e’tiqodga loyiq deb qabul qilishdan oldin, uni chuqur o‘ylashga undaydigan chuqur savollar berish kerakligini angladi.

Tanqidiy fikrlash Richard V.Pol tomonidan ikki to‘lqinli harakat sifatida tasvirlangan (1994). Tanqidiy fikrlashning “birinchi to‘lqini” ko‘pincha “tanqidiy tahlil”, tanqidni o‘z ichiga olgan sof, oqilona fikrlash deb ataladi. Uning tafsilotlari unga murojaat qilganlar orasida farq qiladi. Barri K.Beyer (1995) fikriga ko‘ra, tanqidiy fikrlash aniq, asosli hukm chiqarishni anglatadi. Tanqidiy fikrlash jarayonida g‘oyalar isbotlanishi, to‘liq ko‘rib chiqilishi va baholanishi kerak. Tanqidiy fikrlash qobiliyatlari bo‘yicha AQSh Milliy kengashi tanqidiy fikrlashni quyidagicha ta’riflaydi: kuzatish, tajriba, mulohaza yuritish, mulohazalar yoki muloqot orqali to‘plangan yoki hosil qilingan ma’lumotlarni e’tiqod va harakatni (kontseptuallashtirish) boshqaradigan tushunchalarga faol va mohirona aylantirish, qo‘llash, tahlil qilish, sintez qilish yoki baholashning intellektual, ilg‘or jarayoni sifatida aniqlanadi.

Kollaboratsiya- Jamoaviy ishlash ko‘nikmasi. Hamkorlik bu jamoada ishlash ko‘nikmasi. Topshiriqni bajarayotganda yordamni qabul qiling, birovning nuqtai nazarini qabul qiling, o‘zingizni himoya qiling. Bir so‘z bilan hamkorlikda ishlashga harakat qiling. Kollaboratsiyaviy ishlashda bir guruh odamlar umumiy maqsadga erishish uchun birgalikda harakat qiladigan va har qanday sharoitda ham qo‘yilgan maqsadga erishish ko‘zda tutiladi.

Kollaborativlik, ya’ni hamkorlikda o‘qitish g‘oyasi turli mamlakat olimlari, jumladan, J.Xopkins universiteti professori R.Slavin, Minnesotti universiteti professorlari R.Jonson, D.Jonson, Koliforniya universiteti professori Sh.Sharon tomonidan tadqiq etilgan. O‘tgan asrning 70-yillarida J.Dyui hamkorlikda o‘qitishda natijalarni oldindan aniqlash amaliy faoliyatni tashkil etish g‘oyasini ilgari surgach, Buyuk Britaniya, Kanada, Germaniya, Avstraliya, Niderlandiya, Yaponiya mamlakatlari ta’lim muassasalarida bu goyalar keng qo‘llanila boshlagan. Hamkorlik pedagogikasi novator-pedagoglar (Sh.A.Amonashvili, S.N.Lisenko, V.F.Shatalov, E.N.Ilin va boshqalar) pedagogik jarayon ishtirokchilari (o‘qituvchi va o‘quvchilar) o‘rtasida insonparvarlik tamoyiliga asoslangan o‘zaro munosabatlarni tashkil etishini ta’kidlab o‘tadilar. Hamkorlik pedagogikasi uchun konseptual ahamiyatga ega zaruz qoidalar buyuk pedagoglar A.Avloniy, K.D.Ushinskiy, A.S.Makarenko, V.A.Suxomlinskiy, J.J.Russo, K.Rodjers va boshqalarning pedagogik qarashlarida o‘z ifodasini topgan. Pedagogik hamkorlik g‘oyalari bugungi kunda pedagogik texnologiyalar mazmuniga singdirilgan va “XXI asr ta’limi konsepsiyasi” asosini tashkil etadi. Hamkorlikda o‘qitishning asosiy g‘oyasi – o‘quv topshiriqlarini nafaqat birgalikda bajarish, balki hamkorlikda o‘qish, o‘rganishdir.

Kollabratsiyani samarali ishlashiga qo‘yiladigan asosiy talablar - bu yetarli miqdordagi guruh a’zolari. Kollabratsiya tarkibida kamida 2 yoki undan ortiq a’zo bo‘lishi kerak va ko‘pchilik kollabratsiyalar hajmi 2 dan 100 kishigacha tashkil qilishi mumkin.

Maktabgacha ta’lim tashkilotlarida ta’ilm berishda «4 K» ko‘nikmalarini rivojlantirish metodikasi zamonaviy ta’lim yondashuvlari va texnologiyalari integratsiyasi asosida qurilishi mumkin. Bu jarayonda qo‘llanilishi mumkin bo‘lgan bir nechta usullar mavjud:

1. Muammoga asoslangan o‘qitish. Muammoni tushunish, tegishli resurslarga murojaat qilgan holda yechimini topish, shuningdek, mavjud bilimlarni ta’lim jarayoni ishtirokchilarining muammoni aniqlash, tushunish, sintezlash jarayoniga yo‘naltirish hamdir.

2. O‘yin texnologiyasi: Ta’lim jarayonida o‘yinlardan foydalanish ijodkorlik va tanqidiy fikrlashni rivojlantirishga yordam beradi. Masalan, ijodiy o‘yinlar bolada kreativ fikrlash va kommunikativ ko‘nikmalarini rivojlantirishga xizmat qiladi.

3. Loyihaga asoslangan ta’lim: Maktabga tayyorlov guruhlarda loyihalarni ishlab chiqish va amalga oshirish bolalarda «4 K» ko‘nikmalarini rivojlantirish imkonini beradi. Bolalar jamoalarda ishlashlari, fikr almashishlari va muammolarni birgalikda hal qilishlari mumkin.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, maktabgacha ta’lim tashkilotlari ta’lim tarbiya jarayonida «4 K» modelidan foydalanish quyidagi natijalarga olib keladi: bolalarning o‘rganish jarayonini boyitadi; bolalarga kognitiv (atrof-olam haqidagi bilim doirasini kengaytirish, bilish ehtiyojlarini rivojlantirish ta’limi) axborot beradi; bolalarda materialni o‘rganishga ishtiyoq uyg‘otadi; bolalarning o‘z shaxsiy bilim va dunyoqarashlarini shakllantirish imkoniyatlarini kengaytiridi; axborotni ikki tomonlama almashish samaradorligini oshiradi; bolalarga mustaqil hayotga tayyorlanishlari uchun zarur bilimlar beradi; turli xil madaniyat va ijtimoiy-iqtisodiydarajadagi guruhlar o‘rtasida ijobiy o‘zaro munosabatlarni ilgari suradi; hamkorlik shunday holatki, ta’lim jarayoni subyektlari birgalashib faoliyat qiladi, o‘rtoqlik, o‘zaro yordam, jamotchilik yuzaga keladi. Pirovard natijada jamiyat buyurtmasi bajariladi – raqobatbardosh, hamkorlikka shay, turli hayotiy vaziyatlarda muammolarni anglab, ularni hal qilishga dadil kirishuvchi, tafakkur kuchiga ishonuvchi, jamoada mustaqil mulohazalarini ayta oladigan, o‘z fikr va qarashlarini himoya qila oladigan, savodxon kadrlarni tarbiya qilamiz. «4 K» modelidan unumli foydalanish kelajagimiz egalari bo‘lmish yosh avlodni har tomonlama rivojlantiribgina qolmay, balki zamonaviy jamiyatga muvaffaqiyatli moslashish uchun zarur

bo‘lgan ko‘nikmalarni ularda shakllantirishga qaratilgani bilan yanada ahamiyatlidir.

**Adabiyotlar:**

1. O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonuni. – QHMMB, 24.09.2020. 03/20/637/1313-son https://lex.uz/docs/5013007

2. O‘zbekiston Respublikasining “Maktabgacha ta’lim va tarbiya to‘g‘risida”gi Qonuni. 2019-yil 16-dekabr, O`zbekiston Respublikasi Qonuni -595.

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Maktabgacha ta’lim tizmini 2030-yilgacha Rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida“gi qarori 2019-yil 5-may, PQ-4312

4. O‘zbekiston Respublikasi vazirlar mahkamasining “Bolalarni boshlang‘ich ta’limga majburiy bir yillik tayyorlashga bosqichma-bosqich o‘tish chora-tadbirlari to‘g‘risida” qarori 2018-yil 8-dekabr, 999-son

5. O‘zbekiston Respublikasi vazirlar mahkamasining “Bolalarni boshlang‘ich ta’limga majburiy bir yillik tayyorlash tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” qarori 2020-yil 9-mart, 132-son

6. “Ilk qadam” davlat o‘quv dasturi. T. 2018-yil 7-iyul, 4-sonli h.y.q

7. “Ilm yo‘li” variativ dasturi. T. 2020-yil 17-mart, 54-sonli buyrug‘i

8. Qodirova F.R., Fayzullaeva M., Rustamova M.. “Tayyorlov guruh tarbiyachilari uchun nutq o‘stirish mashg‘uloti ishlanmalari” (metodik qo‘llanma) T.: 2010.

9. UNESCO. Education for Sustainable Development Goals: learning objectives, 2017.

10. Framework for 21st Century Learning. The Partnership for 21st Century Learning, 2015.

11. UNESCO. School and teaching practices for twenty-first century challen GES: lessons from the Asia-Pacific region, regional synthesis report, 2016.

12. Care E., Kim H., Vista A., Anderson K. Education system alignment for 21st century skills: focus on assessment. – Brookings institution, 2018.

**РЕЗЮМЕ**

Maqolada maktabgacha ta’lim tashkiloti tarbiyachilarining maktabgacha yoshdagi bolalarga zamon talabi asosida ta’lim-tarbiya jarayonini tashkil qilish jarayonida ularda «4 K» ko‘nikmalarini shakillantirish va rivojlantirshning ijtimoiy zaruriyat ekanligi va buning usul va vositalari haqida so‘z yuritilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В статье говорится о социальной необходимости формирования и развития навыков «4 К» педагогов дошкольного образования в целях организации образовательного процесса дошкольников исходя из потребностей времени, а также о методах и средствах для этого.

**SUMMARY**

The article talks about the social necessity of shaping and developing the “«4 K» ” skills of preschool teachers in order to organize the educational process of preschool children based on the needs of the times, and about the methods and means for this.

# BOSHLANG‘ICH SINF O‘QUVCHILARIDA LINGVISTIK KOMPETENSIYALARNI SHAKLLANTIRISHDA DIDAKTIK O‘YINLARDAN FOYDALANISHNING AMALIY AHAMIYATI

***Tursunqulova M.T.***
*T.N.Qori Niyoziy nomidagi O‘zPFITI tayanch doktoranti*

**Tayanch so‘zlar:** didaktik o‘yin, texnologiya, boshlang‘ich ta’lim, lingvistik kompetensiya, bilim, ko‘nikma, malaka.

**Ключевые слова:** дидактическая игра, технология, начальное образование, языковая компетентность, знания, умение, компетентность.

**Key words:** didactic game, technology, primary education, language competence, knowledge, skill, competence.

Boshlang‘ich maktab yoshi – bolaning ijtimoiylashuvi va shaxsiyatini shakllantirishning eng muhim bosqichlaridan biri. Bola maktabga kelganida, u hayotida jiddiy o‘zgarishlarni boshdan kechiradi. Masalan, odatdagi kundalik tartib o‘zgaradi, bola yangi (ko‘p hollarda mutlaqo notanish) bolalar guruhiga qo‘shiladi va o‘qituvchi shaxsida yangi murabbiyga ega bo‘ladi. ota-onadan va maktabdan bola ko‘payadi va nihoyat, kichik maktab o‘quvchisi doimiy ravishda qizg‘in aqliy faoliyat bilan shug‘ullanishi kerak, bolalar bog‘chasida esa bola ko‘p vaqtini o‘yinga bag‘ishlagan. Ko‘pgina o‘qituvchilar va psixologlar (M.V.Gamezo, V.S.Muxina va boshqalar) maktab hayotiga moslashishning ushbu bosqichi ko‘pincha bolalarning shaxslararo muloqotida ham, o‘rganishda ham katta qiyinchiliklarni bartaraf etish bilan bog‘liqligini ta'kidlaydilar. Shu munosabat bilan, ona tilidagi ko‘p madaniyatli maktabning ikki tilli o‘quvchilari ikki tomonlama yukni boshdan kechirishadi, chunki ular o‘qish jarayonini o‘z ona tili bo‘lmagan tilda boshlashlari kerak va uni bilish darajasi butunlay boshqacha bo‘lishi mumkin. O‘qituvchi oldida bir qator vazifalar turibdi, ularning echimi umuman o‘quv jarayonining muvaffaqiyatiga ta'sir qiladi: bir tomondan, mavjud bilimlarga asoslanib, talabalar uchun ona tili sohasida yangilarini shakllantirish kerak. kimlar uchun ona tili ularning

ona tili emas; nutq faoliyati turlarini (o‘qish, gapirish, yozish) o‘rgatish, nutqqa aralashishni bartaraf etish va boshqa tomondan, ona tiliga qiziqish uyg‘otish, "nutq ta'limi" ni amalga oshirish (S.A. Amonashvili).

Для этого будущий педагог должен обладать глубокими психолого-педагогическими предметными и методическими знаниями, способностью преодолевать педагогические стереотипы, совмещать в себе профессиональную компетентность с гуманистической личностной позицией.

Готовность будущих педагогов дошкольного учреждения к управлению математическим развитием дошкольников представляет собой целостную модель, в структуре которой можно выделить мотивационный, содержательный и деятельностный (продуктивный) компоненты.

Совершенствование готовности будущего педагога к управлению математическим развитием ребенка предполагает постепенный переход от накопления, переосмысления теоретических знаний к разработке элементов авторской методики.

**Литература:**

1. Абашина В.В. О профессиональной компетентности будущих педагогов дошкольного образования. Международ.журнал экспериментального образования. – 2016.-№4 (часть 2)

2. Белошистая, А.В. Формирование и развитие математических способностей дошкольников [Текст]: Вопросы теории и практики. Курс лекций для студентов дошкольных факультетов высших учебных заведений. – М.: Гуманист. Издательский центр «Владос», 2004 – 400 с.: ил.

3. Венгер Л.А. Домашняя школа мышления. – М.: Дрофа, 2010. – 398с

4. Петрова В.Ф. Методика математического образования детей дошкольного возраста; конспект лекций, Казанский федеральный университет, Казань, 2013

5. Рахмонкулова З., Курбанова Н. Формирование математических представлений у детей дошкольного возраста. Методическое руководство. - Ташкент, 2009.

6. Margolin E. (1976). Young children: The curriculum and learning process. New

7. Payne J. W. (1990). New directions in mathematics education. Reston, Virginia: The National Council of Teachers of mathematics Inc.

**РЕЗЮМЕ**

Maktabgacha tarbiyachining kasbi atrof-muhit sharoitlari, jamiyat ehtiyojlari, global raqamlashtirish va axborotlashtirishning o'zgarishi bilan bir qatorda, kasbiy ish mazmunini global o'zgartirishni va maktabgacha yoshdagi bolalarning matematik rivojlanishini boshqarishda o'qituvchi kasbiga qo'yiladigan talablarni talab qiladi. ham o'zgarib turadi. Maktabgacha tarbiyachining kasbi jiddiy o'zgarishlarni talab qiladi.

**РЕЗЮМЕ**

Профессия педагога дошкольного образования, наряду с изменениями условий внешней среды, потребностей общества, глобальной цифровизации и информатизации, требует глобальных изменений к содержанию профессионального труда, также изменяются и требования к профессии педагога по управлению математическим развитием дошкольников. Профессия педагога дошкольного образования требует серьезной трансформации.

**SUMMARY**

The profession of a preschool teacher, along with changes in environmental conditions, the needs of society, global digitalization and informatization, requires global changes in the content of professional work, and the requirements for the profession of a teacher in managing the mathematical development of preschoolers are also changing. The profession of a preschool teacher requires serious transformation.

# ТАСВИРИЙ САЪНАТ

## SURXONDARYO VILOYATIDA CHOLG‘U IJROCHILIGI SAN’ATINING RIVOJLANISHI

***Nazarov X.A.***
*Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti*
*“Maktabgacha ta’lim” kafedrasi o‘qituvchisi*

**Tayanch so‘zlar:** san’at, musiqa, madaniyat, cholg‘u, folklor, iste’dod, g‘ijjak, nay, chang, dutor, qashqar rubobi, afg‘on rubobi.

**Ключевые слова:** искусство, музыка, культура, музыкальные инструменты, фольклор, талант, гиджак, флейта, чанг, дутор, кашкар рубоби, афганский рубоби.

**Key words:** art, music, culture, instrument, folklore, talent, gijjak, pipe, chang, dutor, Kashgar rubobi, Afghan rubobi.

O‘zbekistonning chekka viloyatlaridan bo‘lmish Surxondaryoning markazi Termiz shahrida musiqa bilim yurtining tashkil etilishi XX asrning ikkinchi yarmiga to‘g‘ri keladi. 1961-yilda tashkil etilgan musiqa bilim yurtiga Toshkent davlat konservatoriyasining xalq cholg‘u bo‘limining qashqar rubobi bo‘yicha bitirgan buxorolik Muhammadi Islomovich Muhammadiev direktor etib tayinlandi. U musiqa bilim yurtini tashkil etish va iste’dodli yosh mutaxassislar bilan ta’minlashda ko‘p mashaqqatlar ila jonbozlik ko‘rsata boshladi. Bunday qiyin vaziyatlarda yosh mutaxassis ustozi Ashot Ivanovich Petrosyans maslahatlariga quloq tutar, uning o‘gitlariga amal qilar edi: - “Sen shahar aylan, ko‘p odam yig‘ilib turgan joylarga rubobing bilan bor va senga qiziqib qaragan kishi kim bo‘lishidan qat’iy nazar unga sozingda chiroyli asarlar chalib ber. Ko‘rasan yosh bo‘lsa o‘zi, keksa bo‘lsa bolasini yetaklab keladi va natijada sen maqsadingga erishasan”.

Muhammadi Muhammadiev xuddi shunday qildi. Begona shaharda doim o‘z cholg‘usini yonida olib yurdi va birinchi shogirdlarini tasodifan jamoat joylarida uchratdi. U direktorlik vazifasi bilan bir qatorda qashqar rubobi sinfini olib borgan. Surxondaryoda qashqar rubobi sinfini tashkil etgan va uning rivojlanishiga munosib hissasini qo‘shgan mutaxassis pedagog hisoblanadi.

O‘sha davrda Termiz musiqa bilim yurtiga yo‘llanma orqali kelgan yoki direktor Muhammadi Muhammadiyev tomonidan chaqirtirilgan mutaxassis pedagoglar fortepiano sinfi, xor dirijyorligi, xalq cholg‘ularining g‘ijjak, nay, chang, dutor va ma’lum vaqt o‘tgach rubob prima, bayan sinflarini tashkil etdilar. Shunday mutaxassis pedagoglardan biri Abdurahmon Zavqiyev xalq cholg‘ulari orkestri sinfini tashkil etdi va sakkiz yil mobaynida ham naychi mutaxassis, ham orkestr rahbari sifatida faoliyat ko‘rsatdi. 1972-yili Toshkent shahrida o‘tkazilgan “Marhabo talantlar” festivalida Abdurahmon Zavqiyev rahbarligidagi xalq cholg‘ulari orkestri jamoasi faol ishtirok etib faxrli birinchi o‘rinni qo‘lga kiritdi.

Keyinchalik Termiz musiqa bilim yurtiga buxorolik g‘ijjakchi sozanda, ustoz murabbiy Amin Karimovich Karimov rahbarlik qildi. U ham Termiz musiqa bilim yurtida ijrochilik yo‘nalishlarini kengaytirish maqsadida skripka sinfini tashkil etdi. Bu sinfni yosh o‘qituvchi Baxromov Farrux Anvarovich boshqardi, ammo sharoit taqozosi bilan qisqa vaqt ichida boshqa shaharga ko‘chib ketdi. Natijada skripka sinfi o‘z faoliyatini to‘xtatdi va Surxondaryo viloyatida bu musiqiy cholg‘usi bo‘yicha mutaxassislar yetishmasligi mavjud. Bunday eng zarur bo‘lgan musiqiy cholg‘uning yetishmasligi orkestr sinflarining ijrosi talab darajasida emasligiga sabab bo‘lmoqda.

Shunday qiyin vaziyatlarda ham o‘z maqsadidan voz kechmagan xalq cholg‘ulari orkestrlari sinflarida mehnat qilgan fidoyi murabbiylar mavjud bo‘lgan. Masalan, Amin Karimov o‘tgan asrning 70-yillarida g‘ijjak sinfini yo‘lga qo‘ygan. Musiqa bilim yurtida xalq cholg‘ulari orkestri rahbarligini olib borgan va shu bilan birga Surxondaryo viloyati musiqali drama teatrida orkestr jamoasini tashkil qilgan. Asli buxorolik bu ustoz murabbiy Surxondaryo musiqa madaniyatiga munosib hissa qo‘shgan shaxslardan biri hisoblanadi. U ko‘p yillar Surxondaryo viloyati Mannon Uyg‘ur nomidagi musiqali drama teatri direktori va orkestr rahbari, qariyb 10 yildan ziyodroq vaqt mobaynida Termiz musiqa bilim yurti direktori vazifasida faoliyat ko‘rsatgan.

Surxondaryo viloyatida ilk bor afg‘on rubobi sinfining ochilishiga sababchi bo‘lgan yana bir ustoz pedagog Klara Abdurasulovna Mardayevadir. Dastlab musiqa bilim yurtida qashqar rubobida tahsil olgan, Toshkent davlat konservatoriyasida esa ustoz murabbiy G‘ulomqodir Ergashevdan afg‘on rubobi sinfida tahsil oldi.

U talabalik davrida xalq cholg‘ulari orkestriga qatnashib, tajribali, jonkuyar ustozi A.I.Petrosyans harakatlarini zimdan kuzatar va ustoz malakasini sinchiklab o‘rganib orkestr mashg‘ulotlariga kun sayin mehr qo‘yardi. U 1978-yilda o‘qishni bitirib Termizga qaytdi, afg‘on rubobdan birinchi o‘qituvchilik faoliyatini va xalq cholg‘ulari orkestri sinfini boshqardi. Klara Mardayeva avvaliga bir qator qiyinchiliklarga duch keldi. Orkestr mashg‘ulotlari uchun

mo‘ljallangan sinfning yo‘qligi, ijro uchun muhim sanalgan ba’zi bir sozlarning tanqisligi kabi kamchiliklar yosh pedagogni bir muddatga esankiratib qo‘ydi. Ammo u maqsadidan voz kechmadi. Goh ochiq havoda, gohi sport maydonida ochiq darslar tashkil etdi. Orkestrning bas guruhiga rubobchi sozandalarni jalb etish bilan barcha muammolarni hal etdi. Orkestr repertuarini A.I.Petrosyans, M.Liviyev kabi ustozlarining asarlari bilan boyitdi.

Klara Mardayeva talabalik davrlaridanoq juda faol, a’lochi va yaxshi tashkilotchi edi. Uning bu xislatlari pedagogik mahoratida juda asqotdi. Afg‘on rubobi sinfini qisqa vaqt ichida yo‘lga qo‘ydi va ko‘p ovozli ansambllar tashkil etdi. Uning shogirdlari viloyatdagi barcha tadbir va konsertlarda o‘z asarlari bilan ishtirok etishib olqishlarga sazovor bo‘lishgan.

Bir necha shogirdlari Respublika yosh ijrochilar ko‘rik-tanlovlarida ishtirok etishgan, oliy dargohlarda o‘qishlarini davom ettirish baxtiga muyassar bo‘lishgan. Shulardan Hakim Mamatqulov, Abdug‘ani Samadov, Adolat Mamatova, Orif Xakimovlar shular jumlasidandir.

Termiz musiqa bilim yurtida xalq cholg‘ulari orkestrini boshqargan mutaxassis pedagoglardan yana biri Xo‘jamberdiev Xamza Nazarovichdir. U Toshkent davlat konservatoriyasida nay mutaxassisligi bo‘yicha ta’lim olgan, shu bilan birga cholg‘ulashtirish va dirijyorlik sir-asrorlarini puxta o‘rganganligi bois orkestr sinfini bemalol boshqardi. Orkestrda yaxshi jaranglamagan xalq cholg‘ulari ijrosi o‘rnini puflama cholg‘ular goboy va klarnet bilan to‘ldirdi. Shu bilan bir qatorda bir necha asarlarni orkestr imkoniyatini hisobga olgan holda cholg‘ularga moslashtirdi shulardan: S.Pirov “Gulshan”, “Surxondaryomsan” va boshqalar.

Keyinchalik yana bir malakali mutaxassis ustoz Normurod Mirzayevich Bakarov xalq cholg‘ulari sinfini boshqardi. U iste’dodli sozanda, pedagogik mahorati yuksak murabbiy sifatida tanilgan, talabalik davrida O‘zbekiston teleradiokompaniyasi qoshidagi D.Zokirov nomli xalq cholg‘ulari orkestrida qashqar rubobi sozandasi bo‘lib ishlagan.

N.Bakarov orkestr jamoasini kengaytirish va ijro sifatini yaxshilashni o‘z oldiga maqsad qilib qo‘ydi. Shu sabab avval ishni o‘rta qobiliyatli o‘quvchilardan kichik orkestr tashkil qilish bilan boshladi, so‘ngra katta orkestr ijrochilari safini kengaytirdi. Orkestrga quyi registr ohanglarini beradigan sozlar qo‘shdi. N.Bakarov talabalar orkestri ijro sifatini yaxshilash bilan cheklanib qolmadi, balki orkestr repertuarini boyitishga harakat qildi. Q.Komilovning “Yoshlar syuitasi”, M.Bafoevning “Bayram marshi” va shunga o‘xshash faqat orkestr ijrosi uchun mo‘ljallangan asarlar ustida ishlab, madaniyat uylari, musiqa maktablari, musiqa bilim yurti hisobot konsertlarida muvaffaqiyatli chiqishlar qildi.

Termiz musiqa bilim yurti xalq cholg‘ulari orkestrining ravnaq topishi uchun bir qancha ustoz o‘qituvchilar imkoni yetguncha mehnat qildilar. Ularning

barchasi oliy dargohlarda yetuk mutaxassislar qo‘lida ta’lim olishgan tajribali sozandalardir. Baxtiyor Haqberdiev orkestr sozandasi sifatida, Maxmud Gulliyev orkestr rahbari, Adolat Mamatova orkestr rahbari sifatida faoliyat olib borishgan. Ayniqsa, Sabohat Alimova orkestr rahbari bo‘lgan yillarda orkestr ijodi yanada gullab yashnadi. “Navro‘z sadolari” ko‘p ovozli ansambllar va orkestrlar festivalida ishtirok etib, ikki marta uchinchi darajali diplom bilan taqdirlangan.

Ammo shunga qaramay, orkestr rahbarlari doim noqulay vaziyatlarga duch kelishardi. Ba’zan cholg‘ularning torlari yetishmasa, ba’zida talab darajasidagi musiqiy cholg‘ularning yo‘qligi, gohida orkestrning asosiy poydevori sanalmish baslar guruhining kamligi pand berardi. Bu ham yetmagandek, viloyatda musiqiy cholg‘ularni ta’mirlovchi ustalarning yo‘qligi, bo‘lsa ham chang kabi murakkab cholg‘ularni ta’mirlay olmasligi va ba’zi cholg‘ular simlarini viloyatdan topib bo‘lmasligi ahvolni yanada jiddiylashtirardi. Hech kimga sir emas, Surxon vohasi markaz shaharlardan ancha olis hududda joylashgan. Bizdan fidoyilik, izlanish, doimiy ijod kerak bo‘ladi va har qanday sharoitda ham markaz hududlar bilan uzilmas aloqada bo‘lishimiz lozim.

Xulosa o‘rnida shuni aytmoqchimizki, xalqimizga cholg‘ularimizni targ‘ibot qilish uchun yaxshi mutaxassislarga, xalq cholg‘ularini ta’mirlash uchun malakali ustalarga ehtiyoj mavjud. Ma’lumingizki, ko‘p ovozli orkestrda kontrabas yoki dutor bas cholg‘ularining o‘rnini hech bir soz ijrosi to‘ldira olmaydi. Shu bois xalq cholg‘ulari orkestrining ijro sifatini yaxshilash uchun esa sifatli bas cholg‘ulari va uning ijrochilari ham bo‘lishi zarur.

**Adabiyotlar:**

1. O‘zbekiston Respublikasi birinchi prezidenti I.A.Karimovning “ Yuksak ma’naviyat yengilmas kuch” asaridan.

2. Internet saytlari: O’zbekiston Respublikasi prezidenti Shavkat Mirziyoyev Miromonovichning “O’zbekistonni rivojlantirish bo’yicha harakatlar strategiyasi” http//uzavtoyul.uz

3. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida 2019-yil 19-mart kuni yoshlarga e’tiborni kuchaytirish masalalariga bag’ishlangan videoselektor yig’lishidan http/uzembassy.kz

4. Karimov I.A. Tarixiy xotirasiz kelajak yo’q T. “Sharq” nashryoti-matbaa konsern bosh tahririyati 1998. -32-bet.

5. Musurmonova O. Ma’naviy qadriyatlar va yoshlar tarbiyasi. – Toshkent: O‘qituvchi, 1996. – B. 5-6.

6. Musiqa. 6-sinf uchun darslik. Begmatov S., Mamirov Q., Mansurov A., Karimova D., Ro‘ziev I. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi adabiyot va san’at nashriyoti, 2001. – B. 13-17.

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqolada “Surxondaryo viloyatida cholg‘u ijrochiligi san’atining rivojlanishi” mavzusi bo‘yicha ilmiy izlanishlar olib borildi va yetarlicha ma’lumotlar berildi.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье проведено научное исследование по теме «Развитие исполнительства на музыкальных инструментах в Сурхандарьинской области» и предоставлено достаточно информации.

**SUMMARY**

In this article, scientific research was carried out on the topic "Development of musical instrument performance in Surkhandarya region" and sufficient information was provided.

# CONDITIONS AND DIDACTIC OPPORTUNITIES FOR IMPROVING THE METHODOLOGY OF TEACHING FUTURE PRIMARY CLASS TEACHERS TO DEVELOP READING LITERACY IN STUDENTS

***Kayumova Sh.T.***
*Doctor of Philosophy in Educational Sciences (PhD), Associate Professor,*
*The doctoral student of Guliston state University (DSc)*

**Tayanch so'zlar:** ijodiy vositalar, ma'rifat, usul, bolalar musiqa vositalari, musiqa tinglash, musiqiy-didaktik o'yin.

**Ключевые слова:** творческие средства, просветительство, метод, средства детской музыки, прослушивание музыки, музыкально-дидактическая игра.

**Key words:** creative means, enlightenment, method, facilities children's music, listening to music, musical didactic play.

It is well-known that reading literacy is directly related to individuals' purposes for reading. Many young students, when they first start reading, primarily read narrative texts (such as stories or picture books) or texts rich in information that answer their questions about the environment around them. According to the curriculum, reading to obtain information from books and other printed materials is of great importance, hence young students are required to develop reading literacy and read for learning purposes.

Typically, any purpose for reading is associated with certain types of texts. For example, reading to enhance literary literacy is usually associated with reading fiction, whereas obtaining and using information is achieved through reading information-rich articles and instructional texts. Nevertheless, the purposes of reading are not limited to a specific type of text. For instance, biographies generally fall into the categories of informational or literary texts, but they encompass characteristics of both reading purposes.

Texts usually differ based on how the conveyed meaning is structured and presented. Texts vary greatly in structure and form, ranging from systematically organized written materials to short, phrase-rich texts filled with images and

tables. The content, structure, and style specific to a particular text genre closely assist the reader in comprehending the text.

The PIRLS international program aims to provide a broader understanding of students' ability to comprehend texts, gain new ideas, and develop awareness of other cultures and countries. The assessment of students' achievements is conducted through objective tests administered to a representative sample of students rather than all students. Additionally, surveys are conducted among school principals, teachers, students, and even parents to collect valuable information on factors affecting the quality of education.

PIRLS is a major international assessment program that provides analyses for improving reading and teaching. It allows for the comparison of reading comprehension skills of primary school students on an international scale and can inform educational policies.

There are many definitions of reading literacy. Reading literacy is the ability to understand and use all forms of written language that are valued by an individual and demanded by society. Readers derive meaning from various types of texts. They read for learning, to engage with the community of readers in school and daily life, and to spend their time effectively.

Reading literacy also encompasses the ability of an individual to understand, use, reflect on, and engage with texts to achieve their personal goals, develop their knowledge and potential, and participate in society.

At the beginning, middle, and end of the reading process, a reader employs a combination of language skills, cognitive and metacognitive strategies, and foundational knowledge and skills for constructing meaning. Additionally, the conditions that create the reading environment can motivate and interest the reader, aiding in the construction of text meaning, but these conditions can also impose specific demands that may hinder understanding of the text. A reader may read various texts to gain an understanding of the world around them and




*Figure 1. The purpose of reading literacy*

themselves. Each type of text consists of simple forms and rules that allow the reader to interpret the text.

Currently, according to the PIRLS definition, reading literacy is the ability to understand and use written language forms that are demanded by society and valued by individuals, as well as the ability to derive meaning from texts in various forms.

PIRLS assesses the reading of primary school students both in and out of the classroom, focusing on two broad objectives.

When reading fiction, students engage with texts rich in events, settings, characters, consequences, personas, environments, emotions, and ideas, and they derive enjoyment from the text. To understand and appreciate literature, each student needs to mentally process the events, emotions, the art of language use, and the artistic form occurring in the text. Literature offers young readers the opportunity to explore situations and emotions they have not yet experienced. Although the events, actions, and consequences depicted in fiction are imaginary, they give the reader a sense of them happening in real life, allowing the reader to vicariously experience them.

A text (or literary work) might narrate events or indicate what the main character intends to do in the future. More complex texts can possess even more perspectives or tensions. The ideas and information within a text are conveyed directly or through dialogues and events. Short stories or works often present events in chronological order or narrate events through flashbacks or time reversals. The primary form of literary texts used in the PIRLS international program belongs to the fiction genre. Considering the differences in educational curricula and cultural contexts of participating countries, selecting certain literary texts as assignments within the PIRLS international program introduces additional complexity. For example, since translating poetic texts poses difficulties for students, such texts are not included in the assignments.

Informational texts are written and read with various tasks in mind. Given that the main function of informational texts is to provide information, writers usually approach the topics they want to address with different purposes. Many informational texts present facts directly, such as the steps to complete a task or biographical details. However, some informational texts have a subjective nature. For instance, authors might convey explanations and facts through interpretive commentaries, persuasive essays, or well-thought-out arguments. Readers must critically engage with these texts to shape their worldview. The information in the texts can be presented in different ways, altering its content, structure, and form to help the reader better understand the text's purpose and tasks. Primary

school students can read informational texts covering various topics, including scientific, historical, geographical, or social subjects.

Since both reading purposes are equally important for primary school students, the PIRLS program consists of materials that assess each purpose equally. Each of these purposes integrates four broad comprehension processes. These are:




*Figure 2. The process of understanding the purpose of reading literacy*

Focusing Attention and Finding Explicit Information:

- Identify and search for information related to a specific purpose for reading.
- Look for specific statements or ideas.
- Search for the definition of words or phrases in the text.
- Determine the location and time where the story takes place.
- Identify the main topic of the text (if explicitly stated).
- Locate specific information in a diagram.

Making Direct Inferences:

- Reason about how one event causes another.
- Justify the actions of a character.
- Describe the relationship between two characters.
- Identify which part of the text serves a particular purpose.
- Examining and Evaluating Content, Language, and Text Elements:
- Discuss the completeness or accuracy of the information presented in the text.
- Evaluate the likelihood of the events described in the text occurring in real life.
- Assess how the author's reasoning might influence people's thoughts and lifestyles.

- Discuss how well the title of the text reflects its main theme.
- Describe the effect of language tools like metaphors or stylistic devices.
- Identify the impact of visual elements in the text.
- Detect approaches or ambiguities in the text.
- Determine the author's purpose regarding the central theme of the text.

Interpreting and Summarizing Ideas and Information:

- Understand the overall content or theme of the text.
- Consider alternative actions for the characters in the story.
- Compare and contrast the information presented in the text.
- Reflect on the tone or essence of the story.
- Interpret the information in the text through real-life events (facts).
- Compare and contrast information presented within and across texts.

Evaluating and Critically Analyzing the Text:

- Assess the accuracy and completeness of the information in the text.
- Evaluate the likelihood of the described events occurring in reality.
- Evaluate how precisely the author's ideas might change people's thoughts and actions.
- Assess how well the title reflects the main content.
- Describe the impact of language features such as metaphors or tone.
- Determine the author's views on the main topic.

Reading literacy is a foundational skill that significantly influences a child's educational journey and lifelong learning potential. For future primary class teachers, mastering the methodology to effectively develop reading literacy in students is paramount. This article explores the conditions and didactic opportunities necessary for enhancing the training of future primary class teachers in fostering reading literacy.

Conditions for Effective Training

Curriculum Design and Integration:Comprehensive Curriculum: Teacher education programs must incorporate a curriculum that covers theoretical knowledge, practical skills, and contemporary research on reading literacy. The curriculum should integrate courses on linguistics, psychology of reading, and instructional strategies.

Interdisciplinary Approach: Encouraging an interdisciplinary approach that blends language arts, educational psychology, and technology can provide a holistic understanding of reading literacy development.

Access to Resources and Technology:Digital Libraries and Online Resources: Providing access to extensive digital libraries, e-books, and online databases allows future teachers to explore a variety of reading materials and teaching aids.

Educational Technology: Training should include the use of educational technology, such as interactive whiteboards, reading software, and online literacy games, to enhance reading instruction.

Practical Experience and Mentorship: Classroom Practicums: Hands-on experience through classroom practicums is essential. Future teachers should engage in supervised teaching sessions where they can apply reading literacy strategies in real classroom settings.

Mentorship Programs: Establishing mentorship programs where experienced teachers guide and support trainees can provide valuable insights and professional growth.

Supportive Learning Environment: Collaborative Learning: Creating a collaborative learning environment where future teachers can share ideas, resources, and strategies fosters a community of practice.

Reflective Practice: Encouraging reflective practice through journals, peer reviews, and discussions helps trainees to critically analyze their teaching methods and outcomes.

Didactic Opportunities

Interactive and Engaging Teaching Methods:Storytelling and Dramatization: Utilizing storytelling and dramatization techniques can make reading sessions more engaging and help students connect with the text emotionally and cognitively.

Group Discussions and Literature Circles: Organizing group discussions and literature circles promotes active participation and critical thinking among students.

Differentiated Instruction:Tailored Reading Activities: Differentiating instruction to meet the diverse needs of students, including those with varying reading abilities and learning styles, ensures that all students can progress in their reading literacy.

Scaffolded Learning: Implementing scaffolded learning techniques, such as guided reading sessions and think-aloud strategies, supports students in developing their reading skills gradually and effectively.

Assessment and Feedback:Formative Assessments: Using formative assessments, such as quizzes, reading logs, and comprehension checks, helps monitor student progress and identify areas for improvement.

Constructive Feedback: Providing timely and constructive feedback encourages students to improve their reading skills and fosters a growth mindset.

Integration of Multimodal Texts: Diverse Texts: Incorporating a variety of texts, including print, digital, visual, and audio materials, caters to different learning preferences and enhances students' reading experiences.

Critical Media Literacy: Teaching students to critically analyze and evaluate information from different media sources develops their media literacy skills and prepares them for the digital age.

Conclusion

The development of reading literacy in primary students is a multifaceted process that requires well-trained teachers equipped with effective methodologies. By establishing supportive conditions and leveraging didactic opportunities, teacher education programs can prepare future primary class teachers to foster reading literacy effectively. Integrating comprehensive curriculum design, practical experience, interactive teaching methods, differentiated instruction, and the use of multimodal texts can significantly enhance the reading literacy skills of students, laying a strong foundation for their academic and personal growth.

**Literature:**

1. Qayumova, S. (2022). Бўлажак бошланғич синф ўқитувсчиларини TIMSS халқаро баҳолаш дастури асосида методик тайёргарлигини ривожлантиришда мултимедия воситаларининг ўрни. Science and innovation, 1(B4), 159-162.

2. Shohsanam, K. (2023). Theoretical importance of artificial intelligence. Science and innovation, 2(Special Issue 3), 159-162.

3. Kayumova, S. T. qizi, Sharipov , S. R., Abdullayev , K. A. ugli, & Nurmatov , I. S. (2023). The theoretical foundations of improving students' reading proficiency based on modern trends. Research and education, 2(12), 57–61.

4. To'lqin qizi Kayumova, S., Sharipov, S. R., ugli Abdullayev, K. A., & Nurmatov, I. S. (2023). The theoretical foundations of improving students'reading proficiency based on modern trends. Research and education, 2(12), 57-61.

5. Kayumova, S. T. K. (2022). Differences between pisa and timss international assessment program. Academic research in educational sciences, 3(NUU Conference 2), 753-757.

6. Sh. Kayumova (2023). Didactic principles for developing native language and reading literacy of future primary school teachers. Science and innovation, 2 (B9), 57-60. Doi: 10.5281/zenodo.8348958

7. Sh. Kayumova (2023). Development of students' reading literacy through triz pedagogy. Science and innovation, 2 (B10), 157-160. Doi: 10.5281/zenodo.8433398

8. Qayumova, S. (2022). Бўлажак босшланғич синф ўқитувсчиларини timss халқаро баҳолаш дастури асосида методик тайёргарлигини ривожлантиришда мултимедия воситаларининг ўрни. Science and innovation, 1(B4), 159-162.

**РЕЗЮМЕ**

Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarining o'quvchilarda o'qish savodxonligini rivojlantirish metodikasini takomillashtirish bugungi kunning eng dolzarb mavzularidan biridir. Ushbu maqolada bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilariga o'quvchilarda o'qish savodxonligini rivojlantirishga o'rgatish metodikasini takomillashtirishning shart-sharoitlari va didaktik imkoniyatlari keng yoritilgan.

**РЕЗЮМЕ**

Одной из наиболее актуальных тем сегодня является совершенствование методики будущих учителей начальных классов по развитию читательской грамотности у учащихся. В данной статье широко освещены условия и дидактические возможности совершенствования методики обучения будущих учителей начальных классов развитию читательской грамотности у учащихся.

**SUMMARY**

One of the most urgent topics today is the improvement of the methodology of future primary school teachers to develop reading literacy in students. In this article, the conditions and didactic opportunities for improving the methodology of teaching future primary school teachers to develop reading literacy in students are widely covered.

# СОЦИАЛЛЫҚ ПЕДАГОГИКА

## TA`LIM, FAN VA ISHLAB CHIQARISH INTEGRATSIYASI-IJTIMOIY SHERIKLILIK MODELI

***Ne`matova Z.F.***
*Professional ta`limni rivojlantirish instituti tayanch doktoranti*

**Tayanch so`zlar:** Integratsiya, taktik va strategik, konsentratsiya, ijtimoiy sheriklik, modernizatsiya, uzluksiz ta`lim

**Ключевые слова:** интеграция, тактико-стратегическая, концентрация, социальное партнерство, модернизация, непрерывное образование.

**Key words:** integration, tactical-strategic, concentration, social partnership, modernization, continuous education.

Keng ma'noda, ijtimoiy sheriklik jamoaviy qo'shma faoliyat sifatida qaraladi, ta'lim ishtirokchilari tomonidan birgalikda ta'sir ko'rsatadigan turli ijtimoiy guruhlardan tarkib topadi.

O'zbekistonda modernizatsiyaning eng muhim yo'nalishi ta'lim sohasida idoraviy izolyatsiyaning yengish uchun emas, ochiq, turli ko'lamli ta'lim muassasalariga aylantirish faoliyati shaharning dolzarb iqtisodiy, ijtimoiy, madaniy muammolarini hal etishga qaratilgan ijtimoiy-ta'lim tizimlari, mintaqalarda olib boriladi. Ta'limning ochiqligi muassasalarda ijtimoiy sheriklik tizimini, jamiyatning boshqa sohalari bilan kooperatsiya aloqalarini, hokimiyat organlari, biznes, ta'lim, madaniyat va ilm-fan muassasalari qurilishida ifodalanadi. Taktik va strategik rejada o'zaro manfaatli hamkorlik, ta'lim muassasasi va ijtimoiy hamkorlarning birgalikdagi faoliyatidir.[1]

Ta'lim, fan va ishlab chiqarishni integratsiyalashda ijtimoiy sheriklik modeli odatda ta'lim muassasalari, ilmiy tadqiqot tashkilotlari va sanoat manfaatdor tomonlari o'rtasidagi hamkorlikni o'z ichiga oladi. Ushbu model ushbu sub'ektlar o'rtasida hamkorlik, bilim almashinuvi va resurslar almashinuvini rivojlantirish orqali nazariya va amaliyot o'rtasidagi tafovutni bartaraf etishga qaratilgan. U ko'pincha qo'shma tadqiqot loyihalari, amaliyotlar, sanoat tomonidan homiylik qilinadigan o'quv dasturlarini ishlab chiqish va ishchi kuchida innovatsiyalar

va raqobatbardoshlikni oshirish uchun texnologiyalarni uzatish dasturlari kabi tashabbuslarni o'z ichiga oladi.

Sh.M.Mirziyoyevning “YANGI O’ZBEKISTON STRATEGIYASI” nomli asarida sifatli ta’lim - inson kapitalini rivojlantirishning xal qiluvchi omili to’g’risida gapirib, bunda uzluksiz ta’lim tizimi uchun milliy o’quv dasturini joriy etish, ta’lim sifatini oshirish va raqobatbardosh kadrlar tayyorlash masalalariga alohida e’tibor berib o’tgan[2]. Bu masalalarni bugungi mehnat bozori tamoyillari asosida hal etishda “fan-ta’lim-ishlab chiqarish” innovatsion hamkorligini amalga oshirish muhim masalalardan biri hisoblanadi.

Ijtimoiy hamkorlik tizimi ham ta'minlanadi, ta'lim muassasasining izchil rivojlanishi va uning hamkorlari holatini sifat jihatidan yaxshilanadi. Shunday qilib, ta'lim muassasasining ijtimoiy hamkorligi sifat jihatidan farq qiladi o'zaro hamkorlikning boshqa shakllari homiylikdir. Uning asosiy g'oyasi-ta'lim muassasasining o'zaro manfaatli hamkori sifatida emas, balki to'liq sherikligidir. Bu esa resurslarni bevosita va to'g'ridan-to'g'ri almashishi degan ma'noni anglatadi.

Ta'lim, ilm-fan va ishlab chiqarishni integratsiyalashda ijtimoiy sheriklik modeli odatda innovatsiyalar, tadqiqotlar va malaka oshirishni qo'llab-quvvatlash uchun akademiya, sanoat va hukumat o'rtasidagi hamkorlikni o'z ichiga oladi. Ushbu model o'zaro manfaatni ta'minlaydi, bunda ta'lim muassasalari bilim va ko'nikmalar beradi, sanoat resurslar va amaliy qo'llashni taklif qiladi va hukumat siyosat va qo'llab-quvvatlashni osonlashtiradi. U ta'lim o'quv dasturlarini sanoat ehtiyojlariga moslashtirish, haqiqiy muammolarni hal qiluvchi tadqiqotlarni rag'batlantirish va akademik va sanoat o'rtasida bilim va texnologiyalarni uzatishni osonlashtirishga qaratilgan.

Ijtimoiy sheriklik – davlat organlarining nodavlat notijorat tshkilotlari va fuqarolik jamiyatinig boshqa institutlari bilan mamalakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturlarini, shu jumladan tarmoq, hududiy dasturlarni, shunigdek normativ-huquqiy hujjatlarni hamd fuqarolarning huquqlari va qonuniy manfaatlariga daxlor bo`lgan boshqa qarorlarni ishlab chiqish hamda amalga oshirish borasidagi hamkorligidir.

Muhandislik va texnik ta'lim sifatining ko'plab tarkibiy qismlari orasida muassasalarning ijtimoiy sherikligiga alohida o'rin beriladi. Oliy texnik ta'lim sohasidagi ijtimoiy sheriklik-bu muassasalarning birgalikdagi faoliyati tizimi ilm-fan va ta'lim, ishlab chiqarish va biznes, mehnat bozorida raqobatbardoshlikni ta'minlash. Ijtimoiy sheriklik ishtirokchilari: o'qituvchilar, talabalar, ish beruvchilar (korxonalar, tarmoq uyushmalari, konsorsiumlar), ta 'limni boshqarish organlari, davlat hokimiyati va munitipal o'zini o' zi

boshqarish organlari, jamoat tashkilotlari. Ijtimoiy sheriklik ko'p qirrali hodisa bo'lib, uni turli nuqtai nazardan tavsiflash mumkin. Shu munosabat bilan ijtimoiy sheriklikning mohiyati, uning roli, maqsadlari va boshqalar haqida turli xil tushunchalar mavjud vazifalar. Tadqiqot mavzusiga asoslanib, ushbu ishda universitetning ijtimoiy sherikligi ilmiy muassasalar, ishlab chiqarish, jamoatchilik vakillari bilan o'zaro munosabatlarning alohida turi sifatida belgilanadi. Ta'limning zamonaviy kontseptsiyasiga muvofiq, kasb-hunar ta'limi bilim va rivojlanishning uzluksiz, moslashuvchan, maqsadga muvofiq kasbiy hayot davomida kasbiy kompetentsiya darajasi jarayoni sifatida qaraladi. Ijtimoiy hamkorlik jarayonida har bir universitet mahsulot va xizmatlarni yetkazib beruvchi vazifasini bajaradi. Universitetda o'zaro hamkorlik samaradorligiga qiziqqan beshta asosiy ijtimoiy guruh mavjud, texnik oliy o'quv yurtlari bitiruvchilarini uzluksiz va "mijoz" ga yo'naltirilgan, barcha ishtirokchilarning ijtimoiy-iqtisodiy manfaatlari muvozanatiga erishishga yordam beradigan aniq kasbiy muammolarni hal qilish jarayonida amalga oshiriladigan kasbiy tayyorgarlik sifatini rivojlantirishga qaratilgan:

- mahsulot va xizmat iste'molchilari: aholi, ilmiy va ishlab chiqarish tuzilmalari, davlat;
- abituriyentlarni etkazib beruvchilar: maktablar, litseylar, texnik maktablar, kollejlar, gimnaziyalar;
- universitet xodimlari: kasbiy-pedagogik, ilmiy va o'quv yordami;
- yuqori tashkilotlar: Oliy ta'lim va fan innovatsiyalar vazirligi; organlar davlat va munitsipal hokimiyat;
- ijtimoiy infratuzilma: tuman, - shahar, mintaqa, mamlakat.

Ta'lim, fan va ishlab chiqarish integratsiyasi maxsus modeldir. Ijtimoiy sheriklikning barcha ishtirokchilari teng hamkorlik asosida ijtimoiy-iqtisodiy manfaatlar muvozanatini ta'minlashga qaratilgan. Ta'lim, fan va ishlab chiqarish integratsiyasiga asoslangan ijtimoiy sheriklik modelini amalga oshirish samaradorligi quyidagi omillar bilan belgilanadi:

- - o'zaro aloqada bo'lgan har bir tomonning ta'limni birgalikda tashkil etishning maqbul usullari, shakllarini topishga qiziqishi, o'quv jarayoni, ilmiy-tadqiqot va ishlab chiqarish faoliyati;
- hamkorlikning konstruktivligi va eng muhim muammolarni birgalikda yengish;
- demokratiya, bu har bir tomonga ijodiy tashabbusni to'liq namoyon etish va o'z pozitsiyasini asoslash imkonini beradi;

- ta'lim, fan va ishlab chiqarish tashkilotlarining ijtimoiy sheriklik munosabatlarida qonuniylik garovi bo'lgan tomonlar va ularning vakillari tomonidan qonunlar va boshqa normativ-huquqiy hujjatlarga rioya qilish;
- tomonlarning majburiyatlarni o'z zimmalariga olishlari ixtiyoriyligi, ijtimoiy sheriklikning mohiyati;
- ta'lim, fan va ishlab chiqarishning ijtimoiy o'zaro ta'sirining integral mexanizmlari ta'siri asosida "yotgan" qadriyatlar umumiyligi va o'ziga xos rollarga muvofiq ierarxiyalangan ijtimoiy sheriklik ishtirokchilari ;
- yo'naltirilgan axborot-ta'lim o'zaro ta'siri samarali aloqalar va ko'p tomonlama munosabatlarni tashkil etish.

So'nggi o'n yil ichida mahalliy oliy ta'limning o'ziga xos hodisasi korporativ universitetlarni yaratish va rivojlantirish ekanligi aniqlandi. Ta'lim, fan va ishlab chiqarish integratsiyasini amalga oshirish korporativ universitetlar doirasida quyidagilar ta'minlanadi: O`zbekistonning zamonaviy texnologik va iqtisodiy imkoniyatlari ko'lami, akademik va tarmoq fanlari, ta'lim sohasidagi milliy yutuqlar, sanoat va biznes. YUNESKOning hisob - kitoblariga ko'ra, korporativ ta'limning faol rivojlanishi zamonaviy kompaniyalarda intellektual kapitalning ortib borayotgan roli bilan bog'liq, shuning uchun zamonaviy korporativ universitet dunyoning yetakchi kompaniyalari bilan birgalikda tashkil etilgan o'quv-ilmiy klasterlar bilan o'ralgan universitetdir. Universitetlarni o'zgartirishning zamonaviy shakllari global hamjamiyatning o'sib borayotgan tendentsiyasi bilan bog'liq iqtisodiyot, siyosat, ekologiya va madaniyatni qamrab olgan. Ijtimoiy sheriklikning turli shakllari quyidagilarni ta'minlaydi:

- birinchidan, umumlashtirilgan intellektual va ijodkorlikni shakllantirish
- ikkinchidan, mintaqaviy mehnat bozori va ta'lim xizmatlari monitoringini tashkil etish maqsadida ish beruvchilar va ta'lim hamjamiyati o'rtasida doimiy hamkorlik tizimini rivojlantirish, oqilona mehnat bozorida professional bo'shliqlarni to'ldirish;
- uchinchidan, ish beruvchilarni rag'batlantiradigan mexanizmlarning ishlashi ilm-fan, ishlab chiqarish va ta'limning ijobiy tarqalishini ta'minlaydigan ta'lim muassasalariga sarmoya kiritish, ish beruvchilarning kasb-hunar ta'limi muassasalarini moliyalashtirish va boshqarishda ishtirok etish tajribasi;
- to'rtinchidan, yagona axborot-ta'lim makonini yaratish, ilmiy - ta'lim-ishlab chiqarish zanjirlariga CALS texnologiyalarini joriy etish.[3]

Tadqiqot shuni ko'rsatdiki, ilm-fan, ta'lim tizimi, faol ishlab chiqarish va Real biznesning rivojlanayotgan aloqalari:

- professor-o'qituvchilarining kasbiy o'sishini rag'batlantirish;

- texnik universitetlarning bitiruvchilariga martaba o'sishining aniq istiqboliga ega bo'lgan sanoat korxonalarida ish bilan ta'minlashni kafolatlash;
- ularning kasbiy darajasini shakllantirish va rivojlantirishga hissa qo'shish vakolatlar;
- oliy texnik ta'lim muassasalariga muhandislarni tayyorlash uchun kafolatlangan haq to'lanadigan buyurtmani taqdim etish, tajriba - o 'quv bazasini rivojlantirish, taqdim etilayotgan ta' lim darajasini oshirish va diversifikatsiyalash, o 'qituvchilar tarkibini moddiy qo' llab-quvvatlash darajasi va uning kasbini rag ' batlantirish, ta'limda yuqori malakali kadrlar tayyorlash;
- mutaxassislarga, ularni tayyorlash va qayta tayyorlashni rejalashtirish uchun ehtiyojlar; kasbga yo'naltirish yondashuvlarini o'zgartirish;
- ish beruvchilarni jalb qilish orqali mehnat bozori bilan aloqalarini kuchaytirish va bitiruvchilarga malaka va malaka talablarini ishlab chiqishda boshqa ijtimoiy sheriklar, bilimlarni monitoring qilish tizimlari, kasbiy mahorat va ko'nikmalar, korxonalarning rolini oshirish muayyan ishlab chiqarish talablariga javob beradigan vakolatlarni shakllantirish;
- ijtimoiy sheriklarni litsenziyalash va sertifikatlash tartib-qoidalari orqali ta'lim muassasalari faoliyatini boshqarish, nazorat qilish va baholashga jalb qilish;
- ta'lim muassasalarining o'zini o'zi boshqarishga o'tishiga ko'maklashish, ularning katta avtonomiyasini rag'batlantirish, iqtisodiy boshqaruv usullariga o'tish, shuningdek bitiruvchilarni ish bilan ta'minlash.[4]

Ta’lim jarayonida yangi bilimlarning fanlararo sintez jarayoni juda sekin kechib, ba’zida u bir qancha o’n yilliklarga teng davrni qamrab oladi. O’quv jarayonida o’qituvchi bir yoki bir necha mashg’ulot, yoki hatto bir necha daqiqa ichida talabani ilgari turli fanlariga oid o’zlashtirilgan bilimlarga tayanuvchi sub’ektiv yangi bilimga - olib kelishi kerak bo’ladi. Ya’ni, bilimlarni tayyor holatida berish emas, balki ularning sintezi uchun tegishli shart-sharoitlar yaratilishi kerak. Bu vazifani amalga oshirishning texnologik usullaridan biri bir sohaga oid bilimlarni boshqasiga olib o’tish bilan bog’liq bo’lib, u fanlararo aloqalarni o’rnatishning asosiy mexanizmi hisoblanadi desak mubolag’a bo’lmaydi.

**Adabiyotlar:**

1. Sh. M. Mirziyoev “Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir”. O’zbekiston-2018yil

2. Sh.M.Mirziyoyev “YANGI O'ZBEKISTON STRATEGIYASI”. -Toshkent. “O„zbekiston” nashriyoti, 2021. 464 bet.

3. Норенков И.П. Информационная поддержка наукоемких изделий. CALS- технологии / И.П.Норенков, П.К.Кузьмик. - М.: МГТУ им. Н.Э. Баумана, 2002. - 320 с.

4. Сазонова З.С. Организация самостоятельной работы студентов младших курсов / Вестник Московского автомобильно-дорожного института (государственного технического университета), вып. 2 // З.С.Сазонова, Н.В.Чечеткина. - М.: МАДИ (ГТУ), 2004. - С. 32-36

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqolada ta'lim, fan va ishlab chiqarish integratsiyasining tuzilishi, mazmunini ijtimoiy sheriklikning maxsus modeli sifatida ochib berish va zamonaviy talablarga javob beradigan muhandislik ta'limi sifatini ta'minlash, ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni hal qilishning asosiy mexanizmi keltirilgan .

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье представлена структура интеграции образования, науки и производства, раскрытие содержания как особой модели социального партнерства и обеспечение качества инженерного образования, отвечающего современным требованиям, как основного механизма решения социально-экономических задач .

**SUMMARY**

This article presents the structure of the integration of education, science and production, the disclosure of content as a special model of social partnership and ensuring the quality of engineering education that meets modern requirements as the main mechanism for solving socio-economic problems.

# HARBIYLASHTIRILGAN TA’LIM MUASSALARI KURSATLARINI HARBIY VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYASHDA JADIDCHILIK NAMOYONDALARINING O‘RNI

***Haydarov G‘.M.***
*O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi*

**Tayanch so‘zlar:**jadid, jadidchilikharbiyvatanparvarlik, motivatsiya, millat, e’tiqod.
**Ключевые слова:** джадид, джадидизм, военный патриотизм, мотивация, нация, вера.
**Key words:** jadid, jadidism, military patriotism, motivation, nation, faith.

Bugungi dolzarb siyosiy to’qnashuvlar avj olgan bir zamonda zamon talabi bo‘lib qolayotgan ko‘ksida vatan tuyg‘usi barq urayotgan yoshlar ayniqsa harbiy sohaga o‘zini bahshida qilgan,ko‘nglida harbiy vatanparvarlik tuyg‘usi yuksak bo‘lgan kursant va askarlar, safdor va serjant-u, ofitserlarni tarbiyalash hozirgi vaqtda o‘z so‘zini aytmoqda.

Harbiylashtirilgan ta’lim muassasalarida kursantlarning ongida harbiy vatanparvarlikni singdirish orqali xalqimizning tinch hayoti va mamlakat havfsizligi kafolati, mustaqil rivojlanish va ijtimoiy munosabatlarni yangilash yo‘liga qadam qo‘ygan Yangi O‘zbekiston mustaqiligini qo‘riqlaydigan Qurolli Kuchlarimizning tarixiy vazifasini to‘laqonli bajarish sanaladi.Harbiy vatanparvar avlod bu - har bir yosh avlod milliy ma’naviy-siyosiy, psixologik va jangovar xislatlarga ega bo‘lishi, Vatan himoyachisi majburiyatini chuqur anglaganlik holati tushuniladi.Bu esaO‘zbekiston Respublikasi turli faoliyatdagi va Qurolli Kuchlarida hizmat qilishga tayyorlash masalalarini muvaffaqiyatli hal etishga yordam beradi.

Harbiylashtirilgan ta’lim muassasalarida taxsil olayotgan kursantlarda harbiy vatanparvalik tarbiyasini shakllantirish uchun tinch va jangovar vaziyatdagi harbiy xizmat sharoitlarinio‘quv mashg‘ulotlarini olib borish real harbiy vaziyatga yaqin bo‘lgan psihologik sinovlar bilan bir qatorda tarixni bilishi, tarixni bilish orqali vatanparvarlik ruhi yanada yuksalishi, vatanparvarlik ayniqsa harbiy vatanparvarlik ruhini o‘zida jo qilganaskar vatan

himoyasi uchun har narsaga tayyor turishi muhim ahamiyat kasb etishi sir emas. Zotan tariximizning zarbdor jadidchisi Abdulla Qodiriy ta'biri bilan aytganda "Moziyga qaytib ish ko'rmoq hayrlik, deydilar".[1]

Bejizga fikrimizni yuqoridagi nasihat bilan davom ettirmadik. Bizning tariximiz uzoq o'tmishga egaki yoshlarimiz hozirgi zamon tili bilan aytganda "motivatsiya" oladigan jihatlarga boy bobolarimiz va ular bilan bog'liq hodisalar juda ko'p. Shulardan misoli tariqasida XIX asr oxiri va XX asr boshlarida yurtimiz tarixida o'chmas iz qoldirgan jadidchilik harakati to'g'risida va ularning faoliyati kursantlarimizning harbiy vatanparvarlik ruhini shakllantirishda o'zining yuksak o'rniga ega desak mubolag'a bo'mas.O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoyev ta'biri bilan aytganda– "Yangi O'zbekoston tushunchasida mujassam bo'lgan xalq orzusi tarixiy taraqqiyotning barcha davrlarida millatning yetuk vakillarini uni ro'yobga chiqarish yo'lida amaliy harakatlarga undab keldi…. Bu orzu Behbudiy va Avloniy, Xamza va Munavvarqori, Fitrat va Cho'lpon, Abdulla Qodiriy va Usmon Nosir kabi minglab jadid bobolarimizni uyg'otdi.Ularning xalq erkinligi va saodati yo'lida ezgu fikr, ezgu so'z va ezgu amallari uchun ulkan ma'naviy omil bo'ldi. Bu orzu ma'naviyat va ma'rifatni odamni nafaqat komillikka, erkin va farovon turmushga etaklovchi, balki xalqni milliy mustaqillikka eltuvchi beqiyos kuch sifatida anglab yetish imkonini berdi."[2]

Jismoniy tarbiyaning maqsadidan kelib chiqqan holda o'quvchi va talabalarni sog'lomlashtirish, chiniqtirish, jismoniy rivojlantirish, harakat malaka va ko'nikmalarini shakllantirish bo'yicha Jismoniy tarbiyaning asosiy vazifalari belgilanadi: jismoniy mashqlar va sportga oid maxsus bilimlar berish, Jismoniy mashq deb, jismoniy tarbiya qonuniyatlari talablariga javob beruvchi, ongli ravishda bajariladigan ixtiyoriy harakat faoliyatlarining turli turkumi tushuniladi. Bunday harakat faoliyatlari gimnastika, o'yinlar, sport, turizm mashqlari sifatida tarixan tizimlashtirildi, to'plandi va usluban to'ldirildi. Ularga gigienik bilim va ko'nikmalarni singdirish. Bu vazifa o'quvchi va talabalaga jismoniy mashg'ulotlarning foydasi xaqidagi, gigenik qoidalarga, dasturda ko'zda tutilgan barcha jismoniy mashqlarni to'g'ri bajarish qoidalariga rioya qilish xaqidagi zarur bilimlarni berishdan iborat. Bularning hammasi sog'liqni mustaxkamlashga, ularning gigiena qoidalarini bilishlari va ularga amal qilishlariga bevosita daxldor bo'lib, bunga maktab, oila, jamoatchilik hamda bolalarning o'zlarining birgalikdagi harakat bilan erishiladi. Jismoniy mashqlarga va sport mashqlariga jismoniy tarbiya darslari, kun tartibidagi tadbirlar hamda to'garak mashg'ulotlarida o'rgatiladi. Uning natijasida jismoniy rivojlanish ta'minlanadi. Shuningdek, o'quvchi va talabalarda sportga qiziqishlar shakllantirilib, sport turlariga jalb etiladi. Sog'liqni mustahkamlash, o'quvchilarni to'g'ri jismoniy rivojlantirishga va chiniqtirishga yordam berish. Tabiat omillari suv, quyosh, havo ta'sirida o'quvchilarni sog'ligini mustahkamlash, chiniqtirish hamda organizmni kasalliklarga chidamliligini orttirish. Jismoniy tarbiya mashg'ulotlarini imkoni boricha toza xavoda o'tkazish yoki sport zallarini toza havo bilan ta'minlanishini tashkil etish. O'quvchi va talabalarni suv muolajalari, suzish va cho'milish mashg'ulotlarini olib borish hamda quyoshga toblanish tadbirlarini boshqarish. Bu tadbirlarni sayrlar, ekskurstiyalar va turizm mashg'ulotlarida amalga oshiriladi. Bu vazifa ta'lim muassasasidagi barcha jismoniy madaniyat va sport ishlarining eng muhimi hisoblanadi. U har bir o'qituvchining, pedagoglar jamoasining diqqat markazida bo'lish kerak. Shuning uchun o'quvchi va talabalarning jismoniy jihatdan normal rivojlanishi kerak. Harakat, malakalari va ko'nikmalarini shakllantirish va takomillashtirish, yangi harakat turlariga va harakat faoliyatiga o'rgatish. O'quvchi va talabalarning jis moniy madaniyat dasturi mazmuni shunday tuzilganki, o'quvchilar jismoniy madaniyat darslarida, uyda, jismoniy madaniyat to'garaklarida va sport to'garaklarida muntazam shug'ullanib, yurish, yugurish, uloqtirish, tirmashish, muvozanat saqlash kabi hayotiy zarur harakat ko'nikmalarini sistemali tarzda egallay boradilar. Sanab o'tilgan barcha tadbirlar har tomonlama jismoniy rivojlanishiga, ularni mehnatga tayyorlashga yordam beradi. O'quvchi va

talabalarda harakat malaka va ko'nikmalarini shakllantiri shda ularni jinsi, yoshi va jismoniy tayyorgarligi hamda shaxsiy qobiliyatiga qarab yondashish zarur. Jismoniy fazilatlarni takomillashtirish. Tezkorlik, kuch, epchillik va chidamlilik hamda egiluvchanlik har bir kishi uchun zarur bo'lgan sifatlardir. Ular o'quvchi va talabalarda harakat ko'nikmalarining shakllanishi bilan uzviy bog'liqdir. Jismoniy mashqlarni qisqa yoki uzoq vaqt davomida turli sur'atda, turli murakkabliklar bilan o'tkazish yuqoridagi sifatlaming rivojlanishiga yordam beradi. Jismoniy fazilatlarni bir-biriga muvofiq holda rivojlantirish. Mashg'ulotlarni shug'ullanuvchilar shaxsiy qobiliyatlariga muvofiq tashkil etish hamda o'quvchilarni sport turlariga jalb etish. Aqliy va estetik sifatlarni tarbiyalash. Botirlik, qat'iylik, intizomlilik, jamoatchilik, do'stlik va o'rtoqlik xissini, madaniy xulq ko'nikmalarini, mehnatiga va ijtimoiy mulkka munosabatni tarbiyalash. Jismoniy tarbiyaning butun jarayoni bunday qimmatli axloqiy va irodaviy sifatlarni tarbiyalashga yordam beradi. Ko'pchilik jismoniy mashqlar, o'yin harakatlari dovyuraklik va do'stlik xislarini tarbiyalashga yordam beradi. Shuningdek, Vatanga muxabbat, vatanparvarlik, xis-tuyg'ularni shakllantirish va tarbiyalash. To'g'ri qomatni shakllantirish. To'rganda va yurganda qomatni to'g'ri tutish ko'nikmalarini shakllantirish. Qomatni to'g'ri shakllantirish murakkab va uzoq davom etuvchi jarayondir. Shunday ekan, bu sohada ijobiy natijalarga erishish uchun , tik to'rganda, yurganda qomatini to'g'ri tutishi masadga muvofiqdir; jismoniy mashqlarni keng qo'llash kerak; jismoniy madaniyat darslari mazmuniga albatta qomatni yaxshilashga oid mashqlarni, mashg'ulotlargacha bo'lgan gimnastikani, jismoniy madaniyat vaqtlarini, badan tarbiyani kiritish, o'quvchi va talabalarga o'zlari ustida tinmasdan jismoniy va aqliy mashg'ulotlar bilan ishlash hamda uyga tegishli vazifalar berish kerak. Berilgan vazifalarni o'z vaqtida tekshirish hamda amaliyotda sinab ko'rish shu asosida natijalarga erishish ko'zda tutiladi. O'quvchi va talabalarni aqliy va axloqiy tamondan keng doirada tarbiyalash muhim vazifalardan biridir chunki o'quvchi va talabalar ongi rivojlanish paytida bo'ladi. Tarbiyani yaxshi tomonga yo'naltira olgandagina kerakli natijalarga erishish mumkin. Jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarga jalb etish. O'quvchi va talabalarni ta'lim muassasalaridagina emas, balki uyda ham jismoniy mashqlarni sistemali ravishda bajarishga odatlantirib borishdan iborat. Bu muhim vazifani amalga oshirish uchun o'quvchi va talabalar bilan olib boriladigan barcha mashg'ulotlarni jonli, o'rganiladigan materialning mazmuni va shaklini qiziqarli, hayajonli qilish, mashg'ulot rahbarining samimiy muomalasi ostida o'tkazish, shug'ullanuvchilar o'zaro do'stona hamkorlik qilishlari uchun sharoit yaratish zarur. O'quvchi va talabalarni shaxsiy qiziqishlari va jismoniy qobiliyatlariga ko'ra ularni sport turlari bilan shug'ullanishga jalb etish. Shuningdek, yashash joylarida, sport to'garaklarga umumiy jismoniy tayyorgarlik va sport mashg'ulotlarni amalga oshirish kerakdir. O'quvchi va talabalarda tashkilotchilikni tarbiyalash, jismoniy madaniyat faoliyatini tayyorlash. Ta'lim muassasasi ommaviy jismoniy madaniyat va sport ishlarini muvaffaqiyatli olib borish, jismoniy madaniyat darslari hamda mashg'ulotlarni to'laqonli o'tkazishda o'quvchi va talabalar jismoniy madaniyat

faoliyatining o'qituvchiga doimiy yordami zarur. O'quvchi va talabalar orasida jismoniy madaniyat tashkilotchilari, sport to'garaklarida jamoa sardorlari, guruh boshliqlari saylanadi. Ular faol ishtirokchi ichidan tanlanadi. Jismoniy tarbiya va sport tadbirlarini tashkil etish va boshqarishda jismoniy madaniyat jamoasiga yaqindan yordam beradilar. Shuningdek, o'quvchi va talabalarni sportga jalb etish va jismoniy tarbiyaga qiziqishlarini orttirishda axamiyati kattadir.Jismoniy rivojlanish-tarbiyaning ta'sirida organizmda biologik shakllar va funkstiyalarning vujudga kelishi, o'zgarishi va takomillashuvidir. Bu jarayon organizm va uning yashash muhiti tuzilishi, o'zgarishi, miqdor va sifat qonuniyatlariga bo'ysunadi. Inson organizmini jismoniy jihatdan baquvvat qilish albatta organizmga berilayotgan jismoniy yuklamalarni meyorida hamda mashg'ulotlarni to'g'ri olib borish natijasida yuzaga keladi. Jismoniy harakatlarga o'rgatish jarayoni. Buning vazifasi-xaraktani bajarish va uni takomillashtirishdan to ko'nikmani vujudga kelishini ta'minlashdan iboratdir. Bu etapning to'laligicha ko'p marotabalab takrorlash jarayoni yotadi. Har bir takrorlash tashqi tomondan bir xilday ko'rinsada har safargisining mazmuni o'z ichiga yangi. Oldingisidan o'zgacharoq nimanidir olgan bo'ladi. Obrazli qilib aytganda, "takrorlash -takrorlashsiz", "mashq qilish-mashq qilishsiz" takrorlangandek bo'ladi. Aynan shundagina yangi harakat faoliyatining shakillanishi mezoni, poydevori yashiringandir. Shug'ullanuvchilarning ma'naviy xislatlarini tarkib toptirish va uni hayot, jamiyat, ehtiyoji bilan mehnat faoliyati bilan bog'lab olib borish zarur, jismoniy tarbiya jarayoni shug'ullanuvchilarni yangi jamiyat qurish uchun kurashda faol ishtirok etishga ruhlantirish lozim. Shug'ullanuvchilarni milliy istiqlol g'oyasi ruhida tarbiyalash uchun qanday yashayotgani,, nima haqida o'ylashi, kimlar bilan do'stligi ishlab chiqarishda qanday ishlashi, o'quv yurtida qanday o'qishi, oilada, jamoat joylarda o'zini tutishi bo'sh vaqtini qanday o'tkazishi va boshqalarni jismoniy tarbiya mutaxassislari to'liq bilishi kerak. Jismoniy tarbiya mutaxassislari shug'ullanuvchilarni jismoniy qobiliyatlar rivojlanganlik darajasini bilishi, shaxsiy xarakter xususiyatlarini, aql, idrok, xissiyot irodalarini axloqiy sifatlari va statik ehtiyojlardagi individual farqlarni o'rganish zarur. Mustaqil mashg'ulotlar jarayonlarida o'quvchi va talabalarda jismoniy tarbiya va sportga munosabati shakllanadi, jismoniy mashqlar, harakatlar va sport turlari bilan mustaqil shug'ullanish ko'nikmalari ortadi. Mustaqil mashg'ulotlarda hayotiy zarur harakatlar o'rgatilish bilan birga, jismoniy fazilatlar kuch, chidamlilik, egiluvchanlik, tezkorlik, chaqqonlik sifatlari takomllishtirib boriladi. Har bir jismoniy sifatlarni rivojlantirish natijasida organizda o'zgarishlar sodir bo'ladi. Inson tanasi azolari chiniqadi va qon aylanish doirasi yaxshilanish natijasida rivojlanadi.

Ta'lim muassasasidagi hamma xodimlar o'quvchi va talabalarni jismoniy tarbiyalashni tashkil etishning maqsadi, vazifalari, mazmuni va shakllarini to'g'ri tushunishlari, amaliy ishlarda o'z faoliyatlari asosida qatnashishlari, o'quvchilar va ota-onalar o'rtasida jismoniy madaniyat va sportni faol targ'ib qilishlari lozim. Jismoniy tarbiya o'qituvchilari quyidagi vazifalarni bajarishlari shart:

– dars yuksak darajada o'tishini ta'minlash va tegishli sinf jismoniy tarbiya dasturini to'liq bajarish;
– shifokor bilan birgalikda o'quvchilarni tibbiy tekshiruvidan o'z vaqtida o'tkazib borish va o'z ishlarida tibbiy tekshiruvi natijalarini xisobga olish;
– dars o'tkaziladigan joylarning tegishli sanitariya - gigiena holatida saqlanishini ta'minlash;
– o'quvchi va talabalarning hammasi jismoniy mashqlar bilan qulay kiyimlarda shug'ulanishlarga erishish;
– jismoniy tarbiya bo'yicha ta'lim muassasasidan tashqari ishlarni uyushtirish va o'tkazishda ishtirok etish hamda unga o'quvchi va talabalarni keng jalb qilish;
– o'quvchi va talabalarni jismoniy tarbiyalashning ahamiyati haqida ota - onalar o'rtasida tushuntirish ishlari olib borish;
– o'quvchi va talabalarni jismoniy tarbiyalash sohasidagi bilimlarini muntazam oshirib borish;
– o'quvchi va talabalarni jismoniy madaniyatga qiziqtirish va ularda jismoniy mashqlar bilan muntazam shug'ullanish odatlarni shakllantirish. O'qituvchilar o'z malakalarini oshirib borish uchun tajriba almashadilar, bir - birlarining darslarini tahlil etishni tashkil etadilar. Ta'lim muassasalarida jismoniy tarbiya va sport tadbirlarini tashkil etishda asosiy vazifalarni jismoniy madaniyat jamoasi amalga oshiradi. Jismoniy tarbiya o'qituvchilari jismoniy tarbiya darslari va kun tartibidagi jismoniy tarbiya tadbirlarini o'tkazadilar. Jismoniy tarbiyadan faol sportchi o'quvchilar hamda yoshlar jamiyati a'zolari va rahbarlari jismoniy tarbiya tadbirlari va sport musobaqalari, bayramlarini tashkil etishda, sayrlar, ekskurstiya va turizm, sayyohlik yurishlari o'tkazishda jismoniy tarbiya o'qituvchilariga yaqindan yordam beradilar. Shu bilan birga sportchi o'quvchilar boshqa o'quvchilarni sportga jalb etish va jismoniy tarbiyaga qiziqishlarini ortirishda muhim rol o'ynaydilar.

Xulosa qilib aytganda, ta'lim muassasalarida o'quvchi va talabalar bilan jismoniy tarbiya sport va sog'lomlashtirish tadbirlari tashkil etish bo'yicha olib borilgan ilmiy tadqiqot va pedagogik amaliyot ishlarimizda bir qator kerakli bo'lgan aniq xulosalar keltirildi:

1. Jismoniy tarbiya sport va sog'lomlashtirish shakllaridan o'quvchi va talabalar jismoniy tarbiya, sport va sog'lomlashtirish tadbirlarida samarali foydalanish maqsadga muvofiqdir.

2. Tabiat qo'ynida o'tkazilgan jismoniy tarbiya, sport va sog'lomlashtirish tadbirlarining jismoniy rivojlantirish va sog'lomlashtirish ta'siri muhim ahamiyatga egadir.

**Adabiyotlar:**

1. Adizov B. R., Khamroev A. R. Modeling activities of teachers when designing creative activities of students //Ilmiy xabarnoma. -C. 69.

2. Alisherovich M. N. Health and physical education in educational institutions technology of development measures //Конференции. - 2020.

3. Kh K. R., Shukurov R. S., Samadov S. S. The Inquiry On The Changes Of Ralations Towards The Basics Of The Culture Of Healthy Life In The Students Of Elective Courses //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. - 2021. - Т. 25. - №. 2. - С. 112-118.

4. Olimov S. The differentiation of education is an important factor of pedagogical technology. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 11, 2020 Part II ISSN 2056-5852

5. Olimov S.S. The innovation process is a priority in the development of pedagogical sciences. - 2021.

6. Азимова Н. Э. Роль профессионального педагога в подготовке гармонично развитой личности //Международный журнал гуманитарных и естественных наук.- 2018.

7. Арипова М., Носирова Ш. Инглиз тилини укитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш //Современное образование (Узбекистан). - 2014.

8. Ибрагимов А. К. Основа физкультурного образования школьников-знания по физической культуре //Рекомендовано к изданию Советом по качеству УралГУФК Протокол № 8 от 14 мая 2018 г. - 2018. - С. 128.

9. Муниров Н. А. Роль физической культуры и спорта в развитии учащихся //Проблемы науки. - 2021. - С. 47.

10. Муниров Н. А., Раджабов Э. Н. Учебные технологии, применяемые в обучении видам национальной борьбы кураш //Научный журнал. - 2019. - №. 6 (40).

11. Муниров Н. А., Раджабов Э. Н. Учебные технологии, применяемые в обучении видам национальной борьбы кураш //Научный журнал. - 2019. - №. 6 (40).

12. Муниров, Н. А. "Национальная борьба (Кураш)-одно из средств создания здоровой духовной среды среди молодёжи." УЧЁНЫЙ XXI ВЕКА 4 (2019): 69-70.

13. Олимов Ш.Ш., Ходжиева М. Ш. Возможности применения педагогических технологий в образовательном процессе //Молодежь и XXI век-2020. - 2020. - С. 228-231.

14. Сафаров Д. З. У., Хамроев Б. Х. Олий таълимда гимнастика дарсларини инновацион таълим технологиялар асосида ўқитиши самарадорлиги //Scientific progress. - 2021. - Т. 1.

**РЕЗЮМЕ**

Maqolada ta’lim muassasalarida jismoniy tarbiya, sport tadbirlarining maqsadi va vazifalari tadqiq etilgan. Jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlari jarayonida ta'lim berishning xususiyatlarining maqsadi o'quvchi va talabalarni organizmini jismoniy rivojlantirish va sog'lom turmush tarzi kechirish talablariga o'rgatishdan iborat bo'ladi. Shu bilan birga jismoniy tarbiya sport va sog'lomlashtirish tadbirlari mutaxassislik mashg'ulotlarini ijobiy o'zlashtirishga katta yordam beradi.

**РЕЗЮМЕ**

В статье исследованы цели и задачи физкультурно-спортивных мероприятий в образовательных учреждениях. Целью особенностей воспитания в процессе физкультурно-спортивной деятельности является обучение физически развитых и ведущих здоровый образ жизни учеников и студентов. В то же время физкультурно-спортивная и оздоровительная деятельность во многом способствует положительному усвоению профессиональной подготовки.

**SUMMARY**

The purpose and tasks of physical education and sports activities in educational institutions are studied in the article. The purpose of teaching features in the process of physical education and sports training is to teach pupils and students the requirements for physical development of the body and healthy lifestyle. At the same time, physical training, sports and wellness events will greatly help to master professional training.

# TALABALARIDA BELBOG‘LI KURASH MASHG‘ULOTLARINI TAKOMILLASHTIRISH MEXANIZIMLARI

***Tòlanov S.A.***
*Alfraganus university Sport faoliyati fakulteti 1-bosqich magistranti*

**Tayanch so‘zlar:** belbog‘li kurash, axloqiy-iroda tarbiyasi, o‘z-o‘zini tarbiyalash, munosabat, qadriyatlar, ko‘rsatmalar.

**Ключевые слова:** борьба на поясах, морально-волевое воспитание, самовоспитание, мироощущение, ценности, наставления.

**Key words:** belt wrestling, moral-will education, self-education, attitude, values, instructions.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev “Bugungi kunda sport va sog‘lomlashtirish jarayonlarining natijadorligi Yangi O‘zbekistonni barpo etish vazifalari bilan uzviy bog‘liq ekanini anglagan holda mas’uliyat bilan harakat qilishimiz lozim” deb ta’kidlab o‘tdi.

Oliy ta’lim muassasasi talabalarning jismoniy rivojlanishida belbog‘li kurash sport turi katta imkoniyatlar yaratadi. Belbog‘li kurash - bu jahon, Evropa, Osiyo mamlakatlari, avtonom respublikalar va ko‘p millatli O‘zbekiston chempionligi uchun musobaqalar o‘tkaziladigan sport turi.

Bu Talabalarning jismoniy va irodaviy fazilatlarni yuksak darajada shakllantirish nuqtai nazaridan belbog‘li kurash sport turi ko‘plab muxlislarni to‘pladi. Belbog‘li kurash bo‘yicha mashg‘ulotlar va musobaqa mashg‘ulotlari tajribasi jismoniy va irodali tayyorgarlikning o‘zaro bog‘liqligini aniq ko‘rish imkonini beradi.

Talabalarida belbog‘li kurash sog‘lom avlodni har tomonlama takomillashtirib borishda ham ahamiyati beqiyos. Belbog‘li kurash xalqni shakllantiruvchi tarixiy qadriyatlardan biridir. Kurash nafaqat sportchining jismoniy bellashuvidagi mahorat, balki talabalarni milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida tarbiyalash vositasidir. Belbog‘li kurashning ildizlari ham chuqur, tarixi uzoq o‘tmishga borib taqaladi. Yillar davomida kurashimiz mardlik va insonparvarlik falsafasini ilgari surdi. Belbog‘li kurashning mazmuni jasorat, halollik, to‘g‘rilik, g‘alaba va mag‘lubiyatni tan olish, raqibga, murabbiyga, tomoshabinga, hakamga hurmat ko‘rsatish kabi sport etikasi va insonparvarlik g‘oyalarini o‘z ichiga oladi.

Bugun O‘zbekistonda kurash, belbog‘li kurash, o‘zbek musobaqasi va milliy sportning boshqa turlari avvalgidan ko‘ra ommaviylashib, yoshlarimiz qalbidan chuqur joy egallab, ularni qayta tiklash, himoya qilish, rivojlantirish va keng namoyish etishdagi o‘rni bor. milliy qadriyatlarga aylanib bormoqda. Global miqyosda o‘tkaziladigan turli tadbirlarda ishtirok etishlari bilan butun dunyoga tanilmoqda.

Ta’lim muassasalarida jismoniy tarbiya va yoshlarni jismoniy tarbiyalash tizimini modernizatsiya qilish – o‘quvchilarni jismoniy tarbiya va sport bilan ta’minlash tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari, shuningdek, ta’lim tizimida majburiy jismoniy tarbiya samaradorligini oshirish bo‘yicha tavsiyalar amalga oshirildi. Bugungi kunda oliy ta’lim tizimidagi islohotlar o‘qituvchi va murabbiylarning bilimini chuqurlashtirish, jismoniy tarbiya va sport fanlarini o‘qitish metodikasini yangilashni taqozo etmoqda.

Chaqqonlik polvonning psixologik, ehtimol, irsiy moyilligi, uning zukkoligi, topqirligi, mantiqiyligi va jismoniy sifatlari va nozik mushaklari sezgirligi mavjudligida fikrlashning moslashuvchanligi bilan chambarchas bog‘liq. Bu jismoniy sifat o‘yin o‘rgatish usullaridan foydalanganda ko‘proq rivojlanadi. Yosh polvonlarning sport faoliyatini o‘z-o‘zini kuzatish va o‘z-o‘zini baholash natijalari buni tasdiqlaydi.

Olib borilgan tadqiqotlarga ko‘ra, Belbog‘li kurash bilan shug‘ullanuvchi Talabalarning sport mahoratining jadal o‘sishi jismoniy sifatlari yuqori darajada rivojlanganligi bilan bog‘liq. Mashg‘ulotlar va musobaqalar jarayonida kurashchi bir zumda harakat qilishi va turli xil motorli harakatlar arsenalini bajarishi kerak.

Belbog‘li kurash OTM talabalarning umumiy va maxsus jismoniy sifatlarini rivojlantirish mashg‘ulot jarayonining ustuvor yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi, chunki turli usullarni qo‘llash jarayonida organizmda turli funksional o‘zgarishlar ro‘y beradi, jismoniy ko‘rsatkichlar ortadi, bu esa shakllanishiga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi.

Oliy ta’lim muassasasi talabalarida belbog‘li kurash mashg‘ulotlarini takomillashtirish mexnizmlarining mavjud holatining tahlili, muammolari, ularning xususiyatlari va paydo bo‘lish sabablarini

Belbog‘li kurashning rivojlanishiga ta’sir ko‘rsatadigan va samarali choralarni talab qiladigan bir qator muammolar mavjud.

- Talabalarning belbog‘li kurash bo‘yicha yirik xalqaro musobaqalarga tayyorlashning ilmiy-uslubiy ta’minotining pastligi;
- Talabalarning belbog‘li kurash mexanizimlarini rivojlantiradigan bo‘limlari sonining etarli emasligi;
- sport hakamlari va murabbiylarini sport turi bo‘yicha tayyorlash, masofaviy raqamli texnologiyalardan foydalanish tizimi yetarli darajada rivojlanmagan;
- Universitetlarda ilmiy-uslubiy, tibbiy va biotibbiy ta’minlash tizimining sustligi;

– Jismoniy tarbiya va sport sohasidagi sportchilar, murabbiylar, sudyalar va mutaxassislarni yagona raqamli reyestrga kiritish, musobaqalar ishtirokchilari to‘g‘risidagi birlamchi ma’lumotlarni kiritish va yuklab olish, shuningdek, sport tadbirlarini o‘tkazish bayonnomalarini elektron shaklda yaratish uchun dasturiy ta’minotning mavjud emasligi;
– belbog‘li kurash bo‘yicha axborot ta’minoti tizimining yetarli darajada rivojlanmaganligi, axborot-targ‘ibot materiallari va nashrlarning muntazam chiqarilishining yo‘qligi, “Internet” axborot telekommunikatsiya tarmog‘ida, televideniye va boshqa ommaviy axborot vositalarida sport turiga oid ma’lumotlarning yetarli emasligi.

Talabalarida belbog‘li kurash mashg‘ulotlarini takomillashtirish sport “Sport (ing. sport - o‘yin) - jismoniy madaniyatning tarkibiy qismi, jismoniy tarbiya vositasi va usuli, jismoniy mashqlarniit turli majmualari bo‘yicha musobaqalar tashkil etish, tayyorlash va o‘tkazish tizimi. Sportning maqsadi kishilarning sog‘lig‘ini mustahkamlash va umumiy jismoniy rivojlantirish bilan birga Sport musobaqalarida yuqori natija va g‘alabalarga erishishdir.” va sog‘lomlashtirish tadbirlari yoshlarni axloqiy-irodaviy tarbiyalash sohasida muhim imkoniyatlarga ega: ijtimoiy shartli xulq-atvor modellarini shakllantirish imkoniyatini ta’minlash; sport birlashmalari faoliyatida tahsil olayotgan yoshlar hayotini alohida tashkil etishni rivojlantirish; mas’uliyat, o‘z-o‘zini intizom, me’yorlarga, qoidalarga bo‘ysunish qobiliyatini shakllantirish.

Talabalarining hayotida sport alohida o‘rin tutadi. Ma’naviy-irodaviy tarbiyaviy ahamiyatga ega bo‘lishida belbog‘li kurashning sportining ahamiyati muhum hisoblanadi. Olib borilgan tajriba sinov amaliyot shuni ko‘rsatadiki, belbog‘li kurash bo‘yicha tizimli mashg‘ulotlar nafaqat xarakterni jilovlash, axloqiy va irodaviy fazilatlarni rivojlantirish va salomatlikni yaxshilash, balki jang san’atiga bo‘lgan munosabatni qayta ko‘rib chiqish, ularning chuqur falsafiy, ijodiy, chinakam insonparvarlik mazmunini tushunish imkonini beradi.

Belbog‘li kurash “tarjimasida – “halol yo‘l bilan maqsadga erishish” talabalar mashg‘ulotlarida dastlabki bosqichida biz tomonidan kurashning ushbu turiga xos bo‘lgan harakat qobiliyatlarini tushunish va oddiy usullarning kombinatsiyalarini ishlab chiqishdan foydalangan holda amalga oshirildi. OTM talabalarning o‘z imkoniyatlarini anglashlari shaxsiy rivojlanishning asosiy sharti sifatida axloqiy-irodaviy tarbiya va o‘z-o‘zini tarbiyalash uchun zarur shart-sharoitlarni yaratishga imkon berdi.

Bugungi kunda sport va sog‘lomlashtirish jarayonlarining natijadorligi Yangi O‘zbekistonni barpo etish vazifalari bilan uzviy bog‘liq ekanini anglagan holda mas’uliyat bilan harakat qilishimiz tozim.

Talabalar asta-sekin o‘z ustlarida mustaqil ishlash orqali o‘z-o‘zini rivojlantirishning yuqori darajasiga, zarur sport natijalariga erishish juda qiyin ekanligini tushunishga erishdilar. Bunda asosiy jihat axloqiy va irodaviy

tarbiyaning muntazamligi va izchilligini belgilaydigan tabiiy muhit hisoblanadi. Shunday qilib, treningni birgalikda tahlil qilishni boshlar ekanmiz, biz talabalarga birinchi navbatda unda nima ishlaganligi va nimaga qo‘shimcha e’tibor talab qilish haqida o‘ylashlarini taklif qildik.

Pedagogik ishning juda muhim jihati - bu mukofot va jazoning uyg‘un kombinatsiyasi. Shuni tushunish kerakki, ushbu ta’sir choralarini avtota’limga aylantirishning asosiy shartlari o‘qituvchining etarlicha katta vakolatlari fonida ularni qo‘llashning adolatliligi va asosliligidir. OTM talabalarida belbog‘li kurash mashg‘ulot jarayonida turli musiqa, kino va adabiy asarlardan, milliy sport turlari hamda an’analardan foydalanish orqali o‘quvchilarning psixologik kayfiyatini, sport mashg‘ulotlariga tayyorgarlik ishtiyoqini sezilarli darajada oshirish imkonini beradi.

“Yoshlarni zamonaviy bilim va tajribalar, ezgu fazilatlar egasi bo‘lgan insonlar etib voyaga yetkazish, ta’lim sifatini tubdan yaxshilash maqsadida, avvalo, o‘quv dasturlari, metodik qo‘llanmalarni ilg‘or xalqaro mezonlarga moslashtirish, bolalarning tahliliy va kreativ fikrlash qobiliyatini rivojlantirish uchun ularga sermazmun va tushunarli darsliklar yaratish zarur”. OTM talabalarida belbog‘li kurash mashg‘ulotlarining asosiy taktik-texnik vositalarini o‘zlashtirish oyoq-qo‘llarning ishini uyg‘unlashtirish, to‘g‘ri texnikani shakllantirish, og‘irlik markazini zarur taqsimlash ko‘nikmalarini rivojlantirishni o‘z ichiga oladi. Bunday harakatlar talabalarning jiddiy ixtiyoriy harakatlari bilan bog‘liq bo‘lib, jiddiy chidamlilik, sabr-toqat va qat’iyatni talab qiladi. Tez o‘sishni kutgan ko‘plab talabalar uchun bu bosqich belbog‘li kurash bilan shug‘ullanish istagi barqarorligining muhim sinovi bo‘ldi. Bu erda o‘qituvchining asosiy vazifasi - pedagogik jarayonning xilma-xilligini ta’minlash, jismoniy faoliyatni og‘zaki tarbiya usullari bilan uyg‘unlashtirish zarurati, bu talabaning axloqiy va irodali o‘zini o‘zi tarbiyalashga bo‘lgan ehtiyojini amalga oshirishga imkon beradi.

Milliy qadriyatimiz bo‘lgan, vatanparvarlik va mardlik g‘oyalarini o‘zida mujassam etgan belbog‘li kurash jahonda sport turi sifatida e’tirof etildi. Shuningdek, to‘garaklar oliy ta’lim muassasalari talabalarini epchillikka, marraga erishishga, o‘zaro ahillik va do‘stlikka o‘rgatish hamda bo‘lajak belbog‘li kurashchilarni tarbiyalash maqsadida tashkil etilayotgani ham katta ahamiyatga ega.

Bu borada qator yutuqlarga erishildi, xalqimizga xos saxovatpeshalik, halollik va mehr-oqibat fazilatlarini yanada takomillashtirish, milliy qadriyatlar, g‘urur, iftixor, g‘urur va sadoqat tuyg‘ularini tarbiyalash maqsadida belbog‘li kurashni o‘rgatish bo‘yicha nazariy bilim va amaliy ko‘nikmalarni chuqur o‘zlashtirish maqsadiga erishiladi.

Oliy o‘quv yurtlari talabalari uchun belbog‘li kurash bo‘yicha mashg‘ulotlar alohida ahamiyatga ega, talabalarning axloqiy va irodaviy fazilatlarini rivojlantirish

uchun zarur shart-sharoitlarni mutlaqo yangi sharoitlarda yaratish va ularni mos ravishda moslashtirish uchun yaxshi imkoniyat berildi.

Milliy qadriyatlarimizni o‘zida mujassam etgan, vatanparvarlik va mardlik g‘oyalarini o‘zida mujassam etgan belbog‘li kurash sport turi sifatida jahonda e’tirof etilgan. Shuningdek, universitet talabalarga epchillikka, maqsadga erishishga, o‘zaro totuvlik va do‘stlikka o‘rgatish, shuningdek, belbog‘li kurash bo‘yicha nazariy bilim va amaliy ko‘nikmalarni, xalqimizga xos saxovat, halollik va mehr-oqibat fazilatlarini, milliy qadriyatlarni chuqur o‘rganishi lozim, g‘urur, iftixor, g‘urur va ko‘zlangan maqsadga pedagogik sifatlarni yanada takomillashtirish orqali erishiladi.

Oliy ta’lim muassasasi talabalarida belbog‘li kurash mashg‘ulotlarini takomillashtirish borasida o‘tqaziladigan nazariy trening mazmuni qo‘ydagilardan iborat.

Jismoniy rivojlanish va inson salomatligini mustahkamlash. Jismoniy tarbiya va sport haqida tushuncha. Jismoniy madaniyat shakllari. Jismoniy madaniyat mehnatsevarlik, iroda va hayotiy malaka va qobiliyatlarni tarbiyalash vositasi sifatida.

Gigiena. Gigiena va sanitariya tushunchasi. Tana parvarishi. Kiyim va poyafzal uchun gigienik talablar. Sport inshootlari gigienasi.

Tananing qattiqlashishi. Qattiqlashuvning ma’nosi va asosiy qoidalari. Havo, suv, quyosh bilan qattiqlashishi.

Tarix. Belbog‘li kurash qoidalari. Belbog‘li kurash tarixi. Terminologiya. Hakamlarning buyruqlari va imo-ishoralari. Jangning boshlanishi va oxiri. Taqiqlangan fokuslar. Texnika va taktika.

Taniqli mahalliy kurashchilar. Jahon chempionatlari, Evropa, Olimpiya o‘yinlari chempionlari va sovrindorlari.

Sport o‘ynash jarayonida o‘z-o‘zini nazorat qilish. O‘z-o‘zini nazorat qilishning mohiyati va uning sportdagi o‘rni. O‘z-o‘zini nazorat qilish kundaligi. Uning shakli va mazmuni.

Sport mashg‘ulotlari. Sport mashg‘ulotlari tushunchasi. Uning maqsadi, vazifalari va asosiy mazmuni. Umumiy va maxsus jismoniy tayyorgarlik. Texnik va taktik tayyorgarlik. Jismoniy mashqlar va ovqatlanishning roli.

Sport mashg‘ulotlarining asosiy vositalari. Jismoniy mashqlar. Tayyorgarlik, umumiy rivojlantiruvchi va maxsus mashqlar. Ko‘p qirrali o‘quv vositalari.

Jismoniy tarbiya. Jismoniy tarbiya tushunchasi. Uning mazmuni va turlari haqida asosiy ma’lumotlar. Asosiy jismoniy sifatlarning qisqacha tavsifi, ularning rivojlanish xususiyatlari.

Talabalarida belbog‘li kurash mashg‘ulotlarini uchun asosiy talablari va sport tasnifi, normalarini bajarish shartlari.

Talabalarida ijodiy fikrlashni rivojlantirish. Yaqin vaqtlargacha yosh sportchilarda birinchi navbatda jismoniy va texnik sifatlar: tezlik-kuch xususiyatlari, mashqlarni

texnik bajarish qobiliyati va chidamlilik shakllanishi umumiy qabul qilingan. Yosh sportchilarni tayyorlashning samarali tizimlarini ishlab chiqishga qaratilgan pedagogik tadqiqotlar, qoida tariqasida, yosh xususiyatlarini, sportchilarning sensorimotor faolligini, ularning morfologik ma'lumotlarini va fiziologik parametrlarini, ta'sirini hisobga olgan holda, vosita ko'nikmalarini shakllantirish jarayonini o'rganishga asoslangan.

Talabalarida mashg'ulotlarni qurish tamoyillari sifatida sportchining jismoniy rivojlanishini diversifikatsiya qilish, uning jamoada harakat qilish qobiliyatini shakllantirish, stressga chidamliligini rivojlantirish zarurligi to'g'risida qoidalar belgilandi.

Talabalarida ijodiy fikrlashni rivojlantirish aqliy operatsiyalarni shakllantirish va takomillashtirishni anglatadi: tahlil, sintez, taqqoslash va umumlashtirish, tasniflash, rejalashtirish, mavhumlashtirish, shuningdek, fikrlashning tanqidiylik, chuqurlik, moslashuvchanlik, kenglik, tezlik, o'zgaruvchanlik kabi xususiyatlariga ega bo'lish, shuningdek, tasavvurni rivojlantirish.

Talabalarida milliy mintaqaviy komponent Davlat ta'lim standartining milliy-mintaqaviy komponenti "Ta'lim to'g'risida" gi qonuniga muvofiq, qo'shimcha ta'limni modernizatsiya qilishning asosiy yo'nalishlarini hisobga olgan holda ishlab chiqilgan va ta'lim muassasalarida o'quv dasturlarini ishlab chiqish. Milliy komponentdan foydalanish shaxsning har tomonlama barkamol rivojlanishiga yordam beradi va vazifalarni hal qiladi:

Salomatlikni mustahkamlash.

Harakat qobiliyatlarini rivojlantirish: kuch, chidamlilik, tezlik, chaqqonlik, moslashuvchanlik.

Muhim ko'nikma va qobiliyatlarni o'rgatish.

Jismoniy tarbiya va sport sohasida zarur bilimlarni egallash.

Iroda, xarakter, ijodiy tashabbus, topqirlik, tezkor aqlni rivojlantirish.

Ular jamiyat tuyg'usini uyg'otadi.

Atrofdagi haqiqatni tezda boshqarish qobiliyati.

Talabaning aqliy va jismoniy rivojlanishi.

Jismoniy mashqlar bilan mustaqil shug'ullanish ehtiyoji va qobiliyatini oshirish.

Belbog'li kurashda maxsus mahorat.

Trening va haqiqiy raqobat jarayonida murabbiyning tavsiyalarini to'g'ri va o'z vaqtida bajarish qobiliyati.

Tezlik, chidamlilik, moslashuvchanlik, muvofiqlashtirish va kuch qobiliyatlarini guruhda, murabbiy bilan mustaqil ravishda rivojlantirish qobiliyati.

Xavf darajasini aniqlash va zarur sug'urta va o'zini o'zi sug'urtalash choralarini qo'llash qobiliyati, shuningdek jarohatlar va baxtsiz hodisalarning oldini olish vositalari va usullariga ega bo'lish.

Jismoniy mashqlarni mustaqil bajarishda xavfsizlik talablariga rioya qilish qobiliyati.

Sport va maxsus jihozlar.

Kurash zallarini jihozlash. Kurash uchun gilamcha, uning o‘lchamlari va ekspluatatsiya. Gilam va pol qoplamalarini parvarish qilish. Polvonning sport kiyimlari va poyabzallari, ularga g‘amxo‘rlik qiling. Kurash darslarida qo‘llaniladigan sport anjomlari arqon, to‘sin, shved devori, arqon, halqa, kurash qo‘g‘irchoqlari. Kurashchi sport anjomlaridan foydalanish metodikasi. Kurashchilarni tayyorlashda simulyatorlardan foydalanish. Ko‘chma gilamni zalga qo‘yish va uni mashg‘ulotlarga tayyorlash shinalar tarangligi, gilamlar.

Oliy o‘quv yurtlari talabalari uchun belbog‘li kurash bo‘yicha ijtimoiy-pedagogik jihatlarini mukammal o‘rganish va tadqiqot jarayonlarida amaliy qo‘llash talabalarning ilmiy va nazariy tayyorgarligini oshiradi.

Xulosa. Yuqoridagi fikrlarga asoslanib oliy ta’lim muassasasi talabalarida belbog‘li kurash mashg‘ulotlarini takomillashtirish mexnizmlarining mavjud holatiga tayanilgan holda oliy ta’lim muassasasi talabalarida belbog‘li kurash mashg‘ulotlarini takomillashtirish mexnizmlarining mohiyati va vazifalari ishimizning keyingi qismida bayon etiladi.

**Adabiyotlar:**

1. O’zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. – Toshkent: O’zbekiston, 2009. – 36 b.

2. Mirziyoev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag‘ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo‘shma majlisidagi nutqi. – Toshkent : O‘zbekiston, 2016. - 56 b.

3. Mirziyoev Sh.M. Yangi O‘zbekiston strategiyasi [Matn] / Sh.M. Mirziyoev. - Toshkent: “O’zbekiston” nashriyoti, 2021. - 464 b. 223-6

4. Mirziyoev Sh. Kurash milliy sport turini rivojlantirish va uning xalqaro nufuzini yanada oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida PQ-4881-son qaror. Toshkent. 2020 y. 4 noyabr.

5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning. 2020 yil 29 dekabrdagi¸ Oliy Majlisga Murojaatnomasi.

11. Mirzakulov Sh.A. Belbog‘li kurash nazariyasi va uslubiyati: / Sh.A. Mirzakulov. – O‘quv qo‘llanma. – Toshkent. – 2013. – 149 b;

12. Nurshin J. M., Salomov R. S., Kerimov F. A. O‘zbek kurashi.-T. O‘zJTI, 1993.-231 b.

13. Safarov O. O‘zbek xalq milliy o‘yinlari.-T.: o‘qituvchi, 1994.-216 b.

14. Sh.A.Mirzaqulov Belbog‘li kurash nazariyasi metodikasi T., 2015

15. Atoev A.Q. Milliy kurashni rivojlantirish. – Buxoro: Ziyo, 2008. – 144 b.

**РЕЗЮМЕ**

Belbog‘li kurash mashg‘ulotlari talabalar uchun xizmat qiladi kelgusida mashg‘ulotlarini to‘g‘ri rejalashtirishda qo‘l keladi.

**РЕЗЮМЕ**

Тренировки по борьбе на поясах полезны для студентов и помогут им спланировать свои тренировки в будущем.

**SUMMARY**

Regional belt training is useful for students to plan their future training.

# 15-16 YOSHLI DZYUDOCHILAR “DE-ASHI-BARAY” TEXNIK USULINI BAJARISHDAGI KINEMATIKSINING INDIVIDUAL KO‘RSATKICHLARI

***Tangriyev A.J.***
*TIPI, p.b.f.d.(PhD), dotsent*

**Tayanch so‘zlar:** kinematika, 3D MA tahlil, sagittal o‘q, diapazon, burchak.
**Ключевые слова:** книжность, 3D-анализ Ma, сагиттальная ось, диапазон, угол.
**Key words:** knimatics, 3D Ma analysis, sagittal axis, range, angle.

Dolzarbligi. Respublikamizda sportchilarning harakat tayyorgarligini rivojlantirish, yoshlar orasidan professional sportga iqtidorli sportchilarni jalb etish borasida muhim ishlar amalga oshirilmoqda. Shu bois, vatanimizda yakkakurash sport turlarini ommaviylashtirish va bog‘chadan kurash turlari bilan shug‘ullantirish bo‘yicha keng qamrovli ishlar olib borilmoqda. Dzyudo texnikasi sportchi mahoratining asosi hisoblanadi va ko‘p jihatdan uning imkoniyatlarini belgilab beradi. Bugungi kunda, amalga oshirilgan ilmiy izlanishlarda dzyudochilar tomonidan musobaqa mashqlarini texnik mahorat bilan amalga oshirishni takomillashtirishda majmuaviy yondashuv uslublaridan foydalanish tavsiya etilgan.

Perrin P. (2002) Dzyudo, raqsdan yaxshiroq, muvozanatni nazorat qilishda ishtirok etadigan sensorimotor moslashuvchanlikni rivojlantiradi, James L.P. (2016) Morote Seoi Nage dzyudo texnik usulining kinematik tahlili haqida batafsil tasvirlangan, shuningdek himoya qilish usullarini hal qiluvchi qarshi hujumlar bilan birlashtirish bo‘yicha ko‘rsatmalar bergan.

Mashg‘ulot jarayonida “De-ashi-baray” texnikasini takomillashtirish hamda hujum texnikasi kinematikasining asosiy qonuniyatlarini bilish lozim. Buning natijasida hujum harakatining kinematik ko‘rsatkichlari to‘g‘risidagi ma’lumotlarga ega bo‘lish murabbiyda “De-ashi-baray” texnikasini takomillashtirishda vosita va metodlarni to‘g‘ri tanlashga yordam beradi.

O‘zbekiston sportchilarini kompleks tayyorlash to‘g‘risida”gi Qarori va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 20-iyundagi 286-PQ “Dzyudo sport turini yanada rivojlantirish chora tadbirlari to‘g‘risida”gi Qarori,

Dzyudochilarning “De-ashi-baray” texnikasini kinematik tahlil qilish muhim ahamiyatga ega sanalib, bunday tahrirlar bizga hujum texnikasi samaradorligi haqida muhim ma’lumotlarni taqdim etishi mumkin va shu boisdan biz tanlagan “De-ashi-baray” texnikasining kinematik xususiyatlari mavzusi bugungi kunda dolzarb mavzulardan biri hisoblanadi.

Tadqiqotning maqsadi sport ustaligiga nomzod bo‘lgan talabalarning “De-ashi-baray” zarbasi texnikasining kinematik xususiyatlarini aniqlash.

Tadqiqotning vazifasi:

- sport ustaligiga nomzod dzyudochilarning “De-ashi-baray” texnikasining harakatlarining kinematik ko‘rsatkichlarini aniqlash.

- sport ustaligiga nomzod bo‘lgan dzyudochilarning “De-ashi-baray” texnikasining harakatlarining kinematik xususiyatlarini solishtirish.

Tadqiqot usullari va uning tashkil etish. Tadqiqot ishi O‘zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport univeritetida joylashgan “SPORT 360° 3D MA biomexanik labaratoriya”da olib borildi.

Tadqiqot ishida dzyudo sport turi bilan shug‘ullanib kelayotgan sport sport ustaligiga nomzod bo‘lgan yuqori malakali dzyudochilar ishtirok etdi. Tadqiqot davomida dzyudochilarga 15 daqiqa chigal yozdi mashqlardan so‘ng qanday tarzda “De-ashi-baray” texnikasi va 3D tahlil xususiyatlari to‘g‘risida tushunchalar berildi. Sinaluvchilarga imkon qadar “De-ashi-baray” texnikasining aniqligi va to‘g‘ri bajarish to‘g‘risida ko‘rsatma berildi.




*1-rasm. Butun tana bo’ylab sensor markerlarning o’rnatilish nuqtalari.*

Note: Detailed marker placement description. 1. Head (front) Centered on the forehead (front of the cap, helmet or head band). 2. Head (top) Centered on top of the head (top of the cap, helmet or head band). 3. Head (back) Centered on the back of the head (back of the cap, helmet or head band). 4. Right shoulder Acromion of the right scapula. 5. Left shoulder Acromion of the left scapula. 6. Right elbow Lateral epicondyle of the right humerus. 7. Left elbow Lateral epicondyle of the left humerus. 8. Right wrist on the right ulnar styloid process. 9. Left wrist on the left ulnar styloid process. 10. Right hip Greater trochanter of the right femur. 11. Left hip Greater trochanter of the left femur. 12. Right knee Lateral epicondyle of the right femur. 13. Left knee Lateral epicondyle of the left femur. 14. Right ankle Lateral malleolus of the right fibula. 15. Left ankle Lateral malleolus of the left fibula. 16. Right toes on the distal end of 2nd-3rd metatarsal bone of right foot. 17. Left toes on the distal end of 2nd-3rd metatarsal bone of left foot. 18. C7 C7 vertebra (most prominent protrusion when bending down the head). 19. S2 S2 vertebra (between left and right PSIS).

O‘tkazilgan tadqiqot natijalari tahlili. tadqiqot ishimizda sport ustaligiga nomzod hamda sport ustasi bo‘lgan dzyudochilarning De-ashi-baray texnikasini bajarish davomida umurtqa pog‘onasining sagittal o‘q bo‘ylab oldinga va orqaga egilishi bilan bog‘liq 3D biomexanik tahlil natijalari aks ettirilgan (2-rasm). A- sport ustachining harakatlari kinematikasi. B - sport ustaligiga nomzod karatechining harakatlari kinematikasi.



*1-rasm. "Mavashe-geri" zarbasi texnikasining 3D kinematik tahlili*



**UMURTQA EGILISH**
*Oldinga[+]/Orqaga[-]*
**Min** -8°
**Mak** 8°
**Diapazon** 16°

Dzyudochilarning de-ashi-baray texnik usulini bajarishdagi harakati davomida umurtqa pog‘onasining saggital o‘q bo‘ylab oldinga va orqaga egilishi bilan bog‘liq 3D biomexanik tahlil natijalari shuni ko‘rsatdiki, harakatning boshlang‘ich nuqtasida umurtqa pog‘onasi saggital o‘q bo‘ylab -8° burchak ostida joylashgan, harakat davomida ushbu ko‘rsatkich saggital o‘q bo‘ylab oldinga 8° dan 16° burchak osti oralig‘ida egilgan.



**YONGA EGILISH**
*O‘ngga [+]/Chapga[-]*
**Min** 0°
**Mak** 20°
**Diapazon** 20°

Dzyudochilarning de-ashi-baray texnik usulini bajarishdagi harakati davomida umurtqa pog‘onalari ko‘ndalang o‘q bo‘ylab yon tomonlarga egilishi bilan bog‘liq 3D biomexanik tahlil natijalari shuni ko‘rsatdiki, harakatning boshlang‘ich nuqtasida umurtqa pog‘onasi ko‘ndalang o‘q bo‘ylab 0° burchak ostida joylashgan, harakat davomida umurtqa pog‘onasi ko‘ndalang o‘q bo‘ylab chap yonga 20° dan 20° gacha burchak osti oralig‘ida yonga egilgan.



**BO‘YIN BUKULISH**
*Bukish[+]/Yozish[-]*
**Min** 20°
**Mak** 44°
**Diapazon** 24°

Dzyudochilarning de-ashi-baray texnik usulini bajarishdagi harakati davomida bo‘yinning saggital o‘q bo‘ylab oldinga va orqaga egilishi bilan bog‘liq 3D biomexanik tahlil natijalari shuni ko‘rsatdiki, harakatning boshlang‘ich nuqtasida bo‘yin pog‘onasi saggital o‘q bo‘ylab 20° burchak ostida joylashgan, harakat davomida ushbu ko‘rsatkich saggital o‘q bo‘ylab oldinga so‘ngra ortga ko‘chib 44° dan 24° burchak osti oralig‘ida yozilib bukilgan.




**YONGA EGILISH**
*O‘ngga [+]/Chapga[-]*
**Min** -2°
**Mak** 19°
**Diapazon** 20°

Dzyudochilarning de-ashi-baray texnik usulini bajarishdagi harakati davomida bo‘yinning ko‘ndalang o‘q bo‘ylab yon tomonlarga bukulishi bilan bog‘liq 3D biomexanik tahlil natijalari shuni ko‘rsatdiki, harakatning boshlang‘ich nuqtasida bo‘yin ko‘ndalang o‘q bo‘ylab chap tomonga -2° burchak ostida joylashgan, harakat davomida ushbu ko‘rsatkich 19° dan 20° burchak osti oralig‘ida tebrangan.




**AYLANISHI**
*O‘ngga [+]/Chapga[-]*
**Min** -8°
**Mak** 3°
**Diapazon** 11°

Dzyudochilarning de-ashi-baray texnik usulini bajarishdagi harakati davomida bo‘yinning yon tomonlarga gorizontal sath bo‘ylab burulishi bilan bog‘liq 3D biomexanik tahlil natijalari shuni ko‘rsatdiki, harakatning boshlang‘ich nuqtasida bo‘yin gorizontal sath bo‘ylab chap tomonga -8° burchak ostida joylashgan, harakat davomida ushbu ko‘rsatkich 3° dan 11° burchak osti oralig‘ida aylangan.



**YELKALAR BURULISHI**

*Oldinga[+]/Orqaga[-]*

| **CHAP** | **O‘NG** | |
|---|---|---|
| **Min** | - 40° | 0° |
| **Mak** | -25° | 162° |
| **Diapazon** | 15° | 162° |

Dzyudochilarning de-ashi-baray texnik usulini bajarishdagi harakati davomida o‘ng va chap qo‘llar yelka suyaklari saggital o‘q bo‘ylab oldinga va orqaga burulishi bilan bog‘liq 3D biomexanik tahlil natijalari shuni ko‘rsatdiki, harakatning boshlang‘ich nuqtasida o‘ng qo‘l yelka suyaklari saggital o‘q bo‘ylab old tomonga -40° burchak ostida joylashgan, harakat davomida ushbu ko‘rsatkich -25° dan 15° burchak osti oralig‘ida burilgan, chap qo‘l yelka suyaklari esa saggital o‘q bo‘ylab old tomonga 0° burchak ostida joylashgan, harakat davomida ushbu ko‘rsatkich 162° dan 162° burchak osti oralig‘ida ko‘rinishiga kelgan.



**YON TOMONGA SILJISHI**

| **CHAP** | **O‘NG** | |
|---|---|---|
| **Min** | 22° | -23° |
| **Mak** | 58° | 60° |
| **Diapazon** | 36° | 37° |

Dzyudochilarning de-ashi-baray texnik usulini bajarishdagi harakati davomida o‘ng va chap qo‘llar yelka suyaklari ko‘ndalang o‘q bo‘ylab yon tomonlarga siljishi bilan bog‘liq 3D biomexanik tahlil natijalari shuni ko‘rsatdiki, harakatning boshlang‘ich nuqtasida o‘ng qo‘l yelka suyaklari ko‘ndalang o‘q bo‘ylab 22° burchak ostida tashqariga siljigan, harakat davomida ushbu ko‘rsatkich ichkariga/tashqariga 58° dan 36° burchak osti oralig‘ida ko‘rinishiga kelgan, chap qo‘l yelka suyaklari esa ko‘ndalang o‘q bo‘ylab tashqariga tomonga -23° burchak ostida tashqariga siljigan, harakat davomida ushbu ko‘rsatkich 60° dan 37° burchak osti oralig‘ida ko‘rinishiga kelgan.



**TIRSAKLAR BUKULISH**

*Bukish[+]/Yozish[-]*

| | CHAP | O‘NG |
|---|---|---|
| **Min** | 98° | 97° |
| **Mak** | 114° | 125° |
| **Diapazon** | 16° | 27° |

Dzyudochilarning de-ashi-baray texnik usulini bajarishdagi harakati davomida o‘ng va chap qo‘llar tirsak bo‘g‘imlari tegishli tartibda saggital va ko‘ndalang o‘q bo‘ylab oldinga va orqaga bukulishi bilan bog‘liq 3D biomexanik tahlil natijalari shuni ko‘rsatdiki, harakatning boshlang‘ich nuqtasida o‘ng qo‘l tirsak bo‘g‘imi ko‘ndalang o‘q bo‘ylab old tomonga 98° burchak ostida joylashgan, harakat davomida ushbu ko‘rsatkich 114° dan 16° burchak osti oralig‘ida bukilgan, chap qo‘l yelka suyaklari esa saggital o‘q bo‘ylab old tomonga 97° burchak ostida bukilgan, harakat davomida ushbu ko‘rsatkich 125° dan 27° burchak osti oralig‘ida ko‘rinishiga kelgan.




**SON BUKULISH**

*Bukish[+]/Yozish[-]*

| | CHAP | O‘NG |
|---|---|---|
| **Min** | 0° | -15° |
| **Mak** | 17° | 14° |
| **Diapazon** | 17° | 28° |

Dzyudochilarning de-ashi-baray texnik usulini bajarishdagi harakati davomida o‘ng va chap oyoqlar son suyaklari saggital o‘q bo‘ylab oldinga va orqaga bukulishi bilan bog‘liq 3D biomexanik tahlil natijalari shuni ko‘rsatdiki, harakatning boshlang‘ich nuqtasida o‘ng oyoq son suyaklari saggital o‘q bo‘ylab 0° burchak ostida bukilgan, harakat davomida ushbu ko‘rsatkich 17° dan 17° burchak osti oralig‘ida ko‘rinishiga kelgan, chap oyoq son suyaklari esa saggital o‘q bo‘ylab -15° burchak ostida bukilgan, harakat davomida ushbu ko‘rsatkich 14° dan 28° burchak osti oralig‘ida ko‘rinishiga kelgan.




**YON TOMONGA SILJISHI**

*Tashqariga[+]/Ichkariga[-]*

| | CHAP | O‘NG |
|---|---|---|
| **Min** | 11° | 6° |
| **Mak** | 26° | 29° |
| **Diapazon** | 15° | 22° |

Dzyudochilarning de-ashi-baray texnik usulini bajarishdagi harakati davomida o‘ng va chap oyoq son suyaklari ko‘ndalang o‘q bo‘ylab yon tomonlarga siljishi bilan bog‘liq 3D biomexanik tahlil natijalari shuni ko‘rsatdiki, harakatning boshlang‘ich nuqtasida o‘ng oyoq son suyaklari ko‘ndalang o‘q bo‘ylab 11° burchak ostida joylashgan, harakat davomida ushbu ko‘rsatkich tashqarigaa 26° dan 15° burchak osti oralig‘iga siljigan, chap oyoq son suyaklari esa ko‘ndalang o‘q bo‘ylab tashqariga tomonga 6° burchak ostida joylashgan, harakat davomida ushbu ko‘rsatkich 29° dan 22° burchak osti oralig‘iga siljigan.




**TIZZALAR BUKULISH**

*Bukish[+]/Yozish[-]*

| | CHAP | O‘NG |
|---|---|---|
| **Min** | 20° | -5° |
| **Mak** | 51° | 14° |
| **Diapazon** | 30° | 21° |

Dzyudochilarning de-ashi-baray texnik usulini bajarishdagi harakati davomida o‘ng va chap oyoq tizza suyaklari saggital o‘q bo‘ylab oldinga va orqaga bukulishi bilan bog‘liq 3D biomexanik tahlil natijalari shuni ko‘rsatdiki, harakatning boshlang‘ich nuqtasida o‘ng oyoq tizza bo‘g‘imi saggital o‘q bo‘ylab 20° burchak ostida bukilgan, harakat davomida ushbu ko‘rsatkich 51° dan 30° burchak osti oralig‘ida bukilgan, chap oyoq tizza bo‘g‘imi esa saggital o‘q bo‘ylab -5° burchak ostida bukilgan, harakat davomida ushbu ko‘rsatkich 17° dan 21° burchak osti oralig‘ida ko‘rinishiga kelgan.




**TO‘PIQLAR BUKULISH**

*Yuqoriga[+]/Pastga[-]*

| | CHAP | O‘NG |
|---|---|---|
| **Min** | -4° | -10° |
| **Mak** | 23° | 3° |
| **Diapazon** | 27° | 13° |

Dzyudochilarning de-ashi-baray texnik usulini bajarishdagi harakati davomida o‘ng va chap oyoqlar to‘piq bo‘g‘imi saggital o‘q bo‘ylab oldinga va orqaga bukulishi bilan bog‘liq 3D biomexanik tahlil natijalari shuni ko‘rsatdiki, harakatning boshlang‘ich nuqtasida o‘ng oyoq to‘piq bo‘g‘imi saggital o‘q bo‘ylab -4° burchak ostida yuqorida joylashgan, harakat davomida ushbu ko‘rsatkich 23° dan 27° burchak osti oralig‘ida ko‘rinishiga kelgan, chap to‘piq bo‘g‘imi esa saggital o‘q bo‘ylab -10° burchak ostida yuqorida joylashgan, harakat davomida ushbu ko‘rsatkich 3° dan 13° burchak osti oralig‘ida ko‘rinishiga kelgan.

**Xulosa.** Tadqiqot ishimiz buyicha dzyudochilar hujum texnikasining 3D biomexanik tahlil asosida tadqiqot mavzusi bo‘yicha mamlakatimiz va chet el olimlarining o‘tqazgan tadqiqotlari tahlili bizga turli sport toifasidagi dzyudochilarning hujum texnik harakatlarini kinematik tahlil qilish zaruriyatini ochib berdi.

Sport ustaligiga nomzod dzyudochilarning harakati davomida o‘ng va chap qo‘llar yelka suyaklari sagital o‘q bo‘ylab oldinga va orqaga burulishi bilan bog‘liq 3D kinematik tahlil natijalari shuni ko‘rsatdiki, harakatning boshlang‘ich nuqtasida o‘ng qo‘l yelka suyaklari saggital o‘q bo‘ylab old tomonga -40° burchak ostida joylashgan, harakat davomida ushbu ko‘rsatkich -25° dan 15° burchak osti oralig‘ida burilgan, chap qo‘l yelka suyaklari esa saggital o‘q bo‘ylab old tomonga 0° burchak ostida joylashgan, harakat davomida ushbu ko‘rsatkich 162° dan 162° burchak osti oralig‘ida ko‘rinishiga kelgan

Yuqoridagilarni inobatga olgan holda ayta olamizki hujum texnikasini takomillashtirish uchun turli sport toifasiga ega bo‘lgan dzyudochilarning harakatlarini kinematik tahlil qilish texnik harakatlarning optimal modelini yaratishga imkon beradi va bu natijalardan dzyudo bo‘yicha mutahasislar foydalanish imkoniga ega bo‘ladilar.

**Adabiyotlar:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 20-iyundagi 286-PQ “Dzyudo sport turini yanada rivojlantirish chora tadbirlari to‘g‘risida”gi Qarori lex.uz

2. Arslonov Sh.A., Tangriyev A.J. Sport pedagogik mahoratini oshirish. (dzyudo). Darslik 2017 yil, 68-71 b.

3. Бакиев З.А., Тастанов Н.А. Индивидуализация технико-тактической подготовки борцов на основе автоматизированного анализа соревновательной деятельности// Педагогик таълим.-Тошкент, 2008. - №3. -С.125-130.

4. Perrin P, Deviterne D, Hugel F, Perrot C. Judo, better than dance, develops sensorimotor adaptabilities involved in balance control. Gait Posture. 2002; 15: 187-94.

5. James, L. P., & Coughlan, G. F. (2016). Kinematic analysis of the judo throw Morote Seoi Nage. Sports Biomechanics, 15(3), 283-296.

6. Miarka, B., Vecchio, F. B., Camey, S., & Franchini, E. (2013). Analysis of the kinematic parameters of the Uchi-mata technique in high-level judo athletes. Journal of Combat Sports and Martial Arts, 4(1), 23-29.

7. Salar Hariri, Heydar Sadeghi. Biomechanical Analysis of Mawashi-Geri Technique in Karate: Review Article Int J Sport Stud Hlth. 2018 October; 1(4): e84349. doi: 10.5812/intjssh.84349.

**РЕЗЮМЕ**

Ushbu maqolada dzyudo o'quvchilari o'rtasida "De-ashi-baray" texnikasining har tomonlama kinematik tahlili keltirilgan. Metodologiya texnika davomida ishtirokchilarning oyoq-qo'llarining burchak tezligi, traektoriyalari va kuch hosil bo'lishini ushlashga qaratilgan. Natijalar yangi boshlanuvchilar va tajribali amaliyotchilar o'rtasidagi kinematik naqshlarda sezilarli o'zgarishlarni aniqladilar, ikkinchisi esa samaraliroq energiya uzatish va yuqori zarba tezligini namoyish etdi. Muhokama "de-ashi-baray" texnikasining samaradorligini oshirishda to'g'ri moslashtirish va vaqtni belgilash muhimligini, shuningdek, noto'g'ri bajarilganda shikastlanish ehtimolini ta'kidlaydi. Tadqiqot natijalari murabbiylar va sportchilarga o'z mahoratini oshirish va dzyudo bo'yicha optimal natijalarga erishishda yordam beradigan tushunchalarni taqdim etadi.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье представлен комплексный кинематический анализ техники «Де-аши-барай» у занимающихся дзюдо. Методика была сосредоточена на регистрации угловых скоростей, траекторий и генерации силы конечностями участников во время выполнения техники. Результаты выявили значительные различия в кинематических закономерностях между новичками и опытными практикующими, причем последние демонстрируют более эффективную передачу энергии и

более высокие скорости удара. Обсуждение подчеркивает важность правильного выравнивания и расчета времени для максимизации эффективности техники «де-аши-барай», а также вероятность травмы при неправильном выполнении. Результаты исследования дают представление, которое может помочь тренерам и спортсменам в совершенствовании своих навыков и достижении оптимальных результатов в дзюдо.

**SUMMARY**

This article presents a comprehensive kinematic analysis of the "De-ashi-baray" technique among judo students. The methodology focused on capturing the angular velocities, trajectories, and force generation of the participants' limbs during the technique. The results revealed significant variations in the kinematic patterns between novice and experienced practitioners, with the latter demonstrating more efficient energy transfer and higher impact velocities. The discussion highlights the importance of proper alignment and timing in maximizing the effectiveness of the "de-ashi-baray" texniqui as well as the potential for injury if performed incorrectly. The study's findings offer insights that can aid coaches and athletes in refining their skills and achieving optimal performance in judo.

# AQL VA STRATEGIYA O‘YINI SHAXMAT

***Pardabayeva M.S.***
*Chirchiq davlat pedagogika universiteti*
*Jismoniy madaniyat fakulteti talabasi*

**Tayanch so‘zlar:** Shaxmat o‘yini, qoidalari,figuralari,shax va mat,shaxmat qaydnomasi, shaxmat o‘ynashning foydalari.

**Ключевые слова:** игра в шахматы, правила, фигуры, шахматы и мат, шахматные правила, преимущества игры в шахматы.

**Key words:** game of chess, rules, pieces, chess and checkmate, chess rules, advantages of playing chess.

Shaxmat - bu ikki o‘yinchi o‘rtasidagi strategik stol o‘yini bo‘lib, o‘yin taxtasida 64 katakka bo‘lingan 8x8 o‘lchamdagi maydonda o‘ynaladi. Har bir o‘yinchi 16 ta figura bilan boshlaydi: 1 ta shoh, 1 ta vazir, 2 ta rux, 2 ta fil, 2 ta ot va 8 ta piyoda. O‘yinning asosiy maqsadi raqibning shohini shax va mat qilib, yutishdir.

Shaxmat sport turini ommalashtirish va rivojlantirish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentinig bir qancha qarorlari qabul qilingan.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2021-yil 14-yanvardagi “Shaxmatni yanada rivojlantirish va ommaviylashtirish hamda shaxmatchilarni tayyorlash tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 5-avgustdagi “Shaxmatni yanada ommalashtirish va rivojlantirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”PQ-347-sonli qarori, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 8-maydagi PQ-150-son qarori, “2026 yil O‘zbekistonda bo‘lib o‘tadigan 46-Butunjahon shaxmat olimpiadasiga kompleks tayyorgarlik ko‘rish hamda shaxmatni ommaviy harakatga aylantirishga oid chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori qabul qilindi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 5-avgustdagi “Shaxmatni yanada ommalashtirish va rivojlantirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”PQ-347-sonli qarorida 30-iyun — O‘zbekiston Respublikasi yoshlari

kuni munosabati bilan bo‘lib o‘tgan uchrashuvda belgilab berilgan vazifalarning ijrosini ta’minlash, iqtidorli yoshlarni aniqlash, tanlash va saralash (seleksiya) hamda ularni professional shaxmatga jalb qilish, nufuzli xalqaro shaxmat musobaqalarida sovrinli o‘rinlarni egallash, jahon standartlariga mos keladigan shaxmat infratuzilmasini kengaytirish, shuningdek, Shaxmatni 2025-yilgacha rivojlantirish davlat dasturini izchil amalga oshirish maqsadida bir qancha vazifalar yuklatildi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 8-maydagi PQ-150-son qaroriga muvofiq, 2024-yil 1-yanvardan boshlab “Shaxmat stipendiyasi” ta’sis etildi.

Mamlakatimizda ilk bor o‘tkaziladigan Butunjahon shaxmat olimpiadasini yuqori saviyada tashkil etishga puxta tayyorgarlik ko‘rish, yangi avlod iste’dodli yosh shaxmatchilarni tayyorlash va jahon shaxmat maydoniga olib chiqish, shaxmatni aholi o‘rtasida yanada ommalashtirish maqsadida Prezident qarori qabul qilindi. Qarorga ko‘ra, 46-Butunjahon shaxmat olimpiadasi Samarqand shahrida o‘tkaziladi. 2024 yildan boshlab har yili professional shaxmat klublari o‘rtasida “O‘zbekiston birinchiligi” musobaqalari o‘tkazib boriladi.

“Maktab ligasi”, “Akademik litsey ligasi”, “Professional ta’lim muassasalari ligasi” va “Talabalar ligasi” musobaqalarida g‘olib bo‘lgan o‘quvchi-yoshlar va talabalar yil davomida har oyda bazaviy hisoblash miqdorining besh baravari miqdorida “Shaxmat stipendiyasi” bilan rag‘batlantiriladi.

Buning natijasida O‘zbekistonlik shaxmatchilarning so‘nggi bir yil davomida xalqaro arenalardagi sensatsion g‘alabalari ortidan O‘zbekiston – 2022-yilning eng yaxshi shaxmat mamlakati deb e’tirof etildi va eng yaxshi shaxmat mamlakatiga topshiriladigan "Tour D’or" – "Oltin minora" sovrini O‘zbekistonga topshirildi. Sovrinni O‘zbekiston shaxmat federatsiyasiga frantsiyalik mashhur grossmeyster Bashar Kuatli topshirdi.

Xalqaro shaxmat federatsiyasi – FIDE tomonidan tuzilgan jahon shaxmat reytingida O‘zbekiston ilk bor kuchli yigirmatalikka kirishga muvaffaq bo‘ldi. 2022-yil iyul oyidagi reytingga ko‘ra, O‘zbekiston shaxmat bo‘yicha jahon reytingida 19-o‘rinni egalladi.

2022-yil Hindistonning Chennay shahrida bo‘lib o‘tgan Butunjahon shaxmat olimpiadasida O‘zbekiston erkaklar terma jamoasi Niderlandiya jamoasi ustidan zafar qozonib, olamshumil g‘alaba – “Butunjahon shaxmat olimpiadasi chempioni” bo‘ldi. Bu tarixdagi birinchi chempionlik hisoblanadi.

“Fantastik beshlik” yoxud “Oltin avlod” chempionlari: Nodirbek Abdusattorov, Nodirbek Yakubboyev, Javohir Sindarov, Jahongir Vahidov va Shamsiddin Vohidovlardir.

Shaxmatning foydali taraflari.

Shaxmat dunyo bo‘ylab millionlab odamlar tomonidan o‘ynaladi va ko‘p jihatdan foydali hisoblanadi. Bu o‘yin nafaqat zavq va ko‘ngilochar maqsadlarda, balki inson aqli va qobiliyatlarini rivojlantirishda ham katta rol o‘ynaydi. Quyida shaxmatning bir nechta muhim foydali taraflari keltirilgan.

Yuqoridagi qarorlarning ijrosini ta’minlash maqsadida Chirchiq davlat pedagogika universitetida ham talaba yoshlarning bo‘sh vaqtini mazmunli tashkil etish va sportni ommalashtirish maqsadida 2023-yilning 15- sentabrda Chirchiq davlat pedagogika universiteti rektorining 01-206 sonli buyrug‘iga asosan sport seksiyalari tarkida shaxmat seksiyasi tashkil etildi. Shuningdek shu yilning 10-noyabrida universitetda “shaxmatklubi” tashkil etildi va o‘z faoliyatini yo‘lga qo‘ydi. Bugungi kunda shaxmat seksiyasi va klubi 100 dan ortiq talabalarni qamrab olgan.

Shuningdek jismoniy madaniyat fakulteti jismoniy madaniyat ta`lim yo‘nalishining o‘quv rejasida O‘quvchi yoshlar bilan shashka-shaxmat darslarini o‘tkazish metodikasi fani kiritilgan.Ushbu fanga 120-soat vaqt ajratilgan bo‘lib bundan, ma`ruza 6-soat, amaliy mashg‘ulot 48-soat, seminar 6-soat, mustaqil ta`lim 60-soat. Jismoniy madaniyat fakulteti talabalariga shaxmat darsidan yetuk mutaxasis o‘qituvchilar tahsil berishadi. Bulardan Yusupbayeva .A hamda Mamatqulov.R ustozlar o‘z bilimlarini shaxmat xonasida amaliy hamda nazariy tushunchalarni shaxmat o‘yinini o‘ynashga hamda ularni qiziqtirishga muaffaq bo‘lishdi. Chirchiq davlat pedagogika universitetida ham shaxmat sportiga qiziquvchi talabalar ko‘pligi tufayli universitetimizda “Shaxmat klubi” koordinatori tashabbusi bilan Amir Temur tavalludining 688-yilligi munosabati bilan talaba yoshlar o‘rtasida shaxmat musobaqsi ,9-may Xotira va qadirlash kuniga bag`ishlab musobaqa turniri uyushtirildi.Talabalar ligasi musobaqsi tashkil etildi.

1. Mantiqiy va tanqidiy fikrlashni rivojlantirish

Shaxmat o‘yini o‘yinchilardan oldindan rejalashtirish, strategik qarorlar qabul qilish va raqibining harakatlarini oldindan ko‘ra bilishni talab qiladi. Bu jarayonlar orqali o‘yinchilar mantiqiy va tanqidiy fikrlash ko‘nikmalarini rivojlantiradilar.

2. Muammolarni hal qilish qobiliyatini oshirish

Shaxmatda har bir yurish yangi muammolarni keltirib chiqaradi va o‘yinchi bu muammolarni hal qilish uchun samarali yechimlarni topishi kerak. Bu qobiliyat hayotning boshqa sohalarida ham muhim ahamiyatga ega.

3. Diqqat va Sabr-Toqatni Kuchaytirish

Shaxmat o‘yini davomida o‘yinchilar ko‘pincha uzoq vaqt davomida diqqatini jamlashi kerak bo‘ladi. Bu diqqatni jamlash va sabr-toqat qobiliyatlarini oshiradi, bu esa o‘quv va mehnat faoliyatida ham foydali bo‘ladi.

4. Yodda saqlash qobiliyatini rivojlantirish

Shaxmat o‘ynash davomida turli ochilishlar, taktikalar va kombinatsiyalarni eslab qolish talab qilinadi. Bu jarayon yodda saqlash qobiliyatini yaxshilaydi va xotirani mustahkamlaydi.

5. Yaratuvchanlikni Oshirish

Shaxmatda har bir o‘yin noyobdir va o‘yinchilar har safar yangi strategiyalar va taktikalarni qo‘llab, yaratuvchanliklarini namoyon etadilar. Bu esa ijodiy fikrlash qobiliyatini rivojlantiradi.

6. Raqibni tahlil qilish qobiliyatini rivojlantirish

Shaxmat o‘yinida raqibning harakatlarini tahlil qilish va uning niyatlarini oldindan bilish muhimdir. Bu qobiliyat hayotning boshqa sohalarida ham foydali bo‘lishi mumkin, masalan, ish muhitida yoki muzokaralarda.

7. Qaror qabul qilish qobiliyatini oshirish

Shaxmat o‘ynash jarayonida o‘yinchilar ko‘plab qarorlar qabul qilishadi, va bu qarorlar o‘yinning keyingi bosqichlariga ta'sir qiladi. Bu qobiliyat real hayotda tez va to‘g‘ri qarorlar qabul qilish qobiliyatini rivojlantiradi.

8. Ijtimoiy Ko‘nikmalarni Rivojlantirish

Shaxmat klublari va turnirlari orqali o‘yinchilar yangi odamlar bilan tanishish va muloqot qilish imkoniyatiga ega bo‘lishadi. Bu ijtimoiy ko‘nikmalarni rivojlantiradi va do‘stlik aloqalarini mustahkamlaydi.

9. Stressni Kamaytirish

Shaxmat o‘ynash o‘yinchilarni real hayotdagi muammolardan chalg‘itadi va ularga dam olish imkonini beradi. Bu esa stressni kamaytiradi va ruhiy holatni yaxshilaydi.

10. O‘zini-o‘zi Baho Berish Qobiliyatini Rivojlantirish

Shaxmat o‘ynash orqali o‘yinchilar o‘z muvaffaqiyatlarini va xatolarini tahlil qilishni o‘rganadilar. Bu o‘zini-o‘zi baholash qobiliyatini oshiradi va shaxsiy rivojlanishga yordam beradi.

-Shaxmat ochilishlari: Shaxmatda minglab turli ochilish variantlari mavjud, va ularning har biri o‘ziga xos strategiyaga ega.

-O‘yinlarning cheksizligi: Shaxmat o‘yinining mumkin bo‘lgan kombinatsiyalari soni $10^{123}$ ga teng bo‘lib, bu koinotdagi atomlar sonidan ham ko‘p.

- Durang holati: Shaxmat o‘yinida durang holatlari ham keng tarqalgan. Masalan, “pat” holati, 50 yurish qoidasi yoki uch marta takrorlangan pozitsiya natijasida durang e’lon qilinishi mumkin.

-Shaxmatning xalqaro tili: Shaxmat algebraik yozuvi butun dunyo bo‘ylab qabul qilingan bo‘lib, u o‘yinning xalqaro tilini tashkil etadi.

Shaxmatning foydalari ko‘p qirrali bo‘lib, u mantiqiy va tanqidiy fikrlashni rivojlantiradi, muammolarni hal qilish qobiliyatini oshiradi, yodda saqlash

va qaror qabul qilish qobiliyatlarini ham rivojlantiradi. Shaxmat bolalar va kattalar uchun ta'limiy ahamiyatga ega bo'lib, stressni kamaytirish va ijtimoiy ko'nikmalarni rivojlantirishda ham muhim rol o'ynaydi.

Xulosa. Shaxmat nafaqat aqliy mashqlar va zavq beradigan o'yin, balki ko'p jihatdan foydali bo'lib, inson aqli va qobiliyatlarini rivojlantiradi. U mantiqiy fikrlash, muammolarni hal qilish, diqqat va sabr-toqat, yodda saqlash, yaratuvchanlik, tahlil qilish, qaror qabul qilish, ijtimoiy ko'nikmalar, stressni kamaytirish va o'zini-o'zi baholash qobiliyatlarini rivojlantirishda katta rol o'ynaydi. Shuning uchun, shaxmat o'ynash har bir inson uchun foydali bo'lishi mumkin.Shaxmat dunyo bo'ylab ommalashgan va ko'plab musobaqalar o'tkaziladi. Bu o'yin nafaqat intellektual mashq sifatida, balki o'yinchilar o'rtasidagi strategik jang sifatida ham ahamiyatlidir. Shaxmat o'ynash nafaqat mantiqiy fikrlashni rivojlantiradi balkim intellektual foydalari va qiziqarli qoidalari tufayli butun dunyo bo'ylab millionlab odamlar orasida ommalashgan va sevimli o'yin bo'lib qolmoqda.

**Adabiyotlar:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2021-yil 14-yanvardagi "Shaxmatni yanada rivojlantirish va ommaviylashtirish hamda shaxmatchilarni tayyorlash tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 8-maydagi PQ-150-son qarori.

3. "2026 yil O'zbekistonda bo'lib o'tadigan 46-Butunjahon shaxmat olimpiadasiga kompleks tayyorgarlik ko'rish hamda shaxmatni ommaviy harakatga aylantirishga oid chora-tadbirlar to'g'risida"gi qarori.

4. Kasparov, Garry. My Great Predecessors Series. Everyman Chess, 2003-2006.

5. Silman, Jeremy. Silman's Complete Endgame Course: From Beginner to Master. Siles Press, 2007.

6. Science and scientific research in the modern world Maktabgacha Yoshdagi Bolalarning Jismoniy Rivojlanishida Harakatli O'yinlarni Ahamiyati. M.S.Pardabayeva.

7. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида рефлексив позицияни ривожлантиришнинг тузилиши, ўрни ва аҳамияти "Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў" илмий методологик журнали 2023 йил 6/3 сон, декабр ойи Б 225-232.

8. Абдурасулов , Ж. (2024). Ҳарбий жамоанинг психологик аспектлари. Бюллетень педагогов нового Узбекистана, 2(2), 59–65. извлечено от https://in-academy.uz/index. php/yopa/article / view/28149

**РЕЗЮМЕ**

Shaxmat intellektual mashq sifatida,hamda o'yinchilar o'rtasidagi strategik jang sifatida ham qiziqarli va foydalidir. Bu o'yin o'yinchilarga o'z aqliy va mantiqiy qobiliyatlarini rivojlantirish imkonini beradi va shaxmatni nafaqat bir o'yin, balki hayotiy dars sifatida ham qabul qilish mumkin.

**РЕЗЮМЕ**

Шахматы интересны и полезны и как интеллектуальное упражнение, и как стратегическая битва между игроками. Эта игра позволяет игрокам развивать свои умственные и логические способности, а шахматы – это не только игра, но и жизненный урок.

**SUMMARY**

Chess is interesting and useful both as an intellectual exercise and as a strategic battle between players. This game allows players to develop their mental and logical abilities and chess is not only a game but also a life lesson.

# BO‘LAJAK JISMONIY MADANIYAT O‘QITUVCHISIDA MA’NAVIY-AXLOQIY SIFATLARNI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK MEXANIZMLARI

***Ismoilov Yo.Q.***
*T.N.Qori Niyoziy nomidagi O‘zbekiston Pedagogika fanlari ilmiy-tadqiqot instituti mustaqil tadqiqotchisi*

**Tayanch so‘zlar:** modernizasiyalash, ma’naviy-axloqiy tarbiya, kasbiy kompetensiya, konsepsiya, talablar, qadriyat.

**Ключевые слова:** модернизация, духовно-нравственное воспитание, профессиональная компетентность, концепция, требования, ценность.

**Key words:** modernization, spiritual and moral education, professional competence, constitution, requirements, value.

Bo‘lajak jismoniy madaniyat o‘qituvchilari - pedagog talabalarni ma’naviy-axloqiy tarbiyalash borasida ma’naviy-ma’rifiy ishlarni modernizasiyalash ushbu tizimda jismoniy tarbiya va sport mashg‘ulotlari, musobaqalari, ta’lim jarayoni va madaniy-ma’rifiy tadbirlar integrasiyasini talab qiladi. Zero “yuksak ma’naviyatli talaba bu - ma’rifatli shaxs, ya’ni kuchli milliy o‘zlikka ega, o‘ziga yuklatilgan har qanday vazifaga mas’uliyat bilan yondashadigan, nafaqat o‘z taqdiri, balki boshqalarning taqdirini ham o‘ylaydigan, o‘z xalqining kelajagi uchun mas’ul, shuningdek, o‘zining milliy ma’naviyatidan kelib, umuminsoniy qadriyatlar bilan birga boshqa xalqlarning madaniyatini ham chuqur hurmat qiladigan shaxsdir. Ayni xususiyatlar yuksak ma’naviy-axloqli shaxsni tarbiyalashda yetakchi yo‘nalishlarni: Vatanga sadoqat, mas’uliyat, bag‘rikenglik, mehnatsevarlik, mehr-oqibatlilik, huquqiy madaniyat, irodalilik, innovasion fikrlashni belgilaydi” [1].

Bu esa jamiyatda jinoyatchilik, ekstremizm, terrorizm, korrupsiya, firibgarlik, radikalizm, ko‘zbo‘yamachilik, yolg‘onchilik, egosentrizm, axloqiy buzuqlik, oilaviy ajrimlar, mehr-oqibatning kamayishi, «ommaviy madaniyat»ga ko‘r-ko‘rona taqlid, loqaydlik, begonalashuv, o‘zibo‘larchilik, farzand tarbiyasida mas’uliyatsizlik, oilaviy qadriyatlar inqirozi, el-yurt taqdiriga befarqlik kabi

illatlar paydo bo‘lishining oldini oladi. Talaba yoshlarning hayotda o‘z o‘rnini topishga, kelajakka bo‘lgan ishonchi yanada oshadi.

Uzluksiz ma’naviy tarbiya Konsepsiyasida belgilangan Vatanga sadoqat fazilati sportchi talaba uchun O‘zbekistonning hozirgi hayoti va kelajagi uchun farzand sifatida javobgarlik hissini, o‘z Vatani bilan g‘ururlanishni ta’minlaydigan ijtimoiy-ma’naviy muhit, makon yaratilgandagina samarali shakllanadi. Buning uchun o‘quv va sport jamoalarida o‘zaro munosabatlarning ma’naviy-axloqiy asoslarini, o‘zaro ishonchni, o‘z-o‘zini hurmat qilishni va boshqalarning qadr-qimmati va huquqlarini hurmat qilishni ta’minlaydigan ma’naviy-axloqiy muhit yaratilishi lozim.

Bo’lajak jismoniy madaniyat o‘qituvchilari ma’naviy-axloqiy tarbiyaning ham obyekti, ham subyekti hisoblanishadi. Chunki birinchidan, obyekt sifatida oliy ta’lim muassasasi tomonidan ularda Uzluksiz ma’naviy tarbiya Konsepsiyasi asosida Vatanga sadoqat, tadbirkorlik, irodalilik, mafkuraviy immunitet, mehr-oqibatlilik, mas’uliyatlilik, tolerantlik, huquqiy madaniyat, innovasion fikrlash, mehnatsevarlik kabi muayyan ma’naviy-axloqiy kompetensiyalarni shakllantirish vazifasi yuklatilgan.

Subyekt sifatidagi xususiyati esa ularga o‘z kasbiy faoliyatida Uzluksiz ma’naviy tarbiya Konsepsiyasining uchinchi bosqichida umumiy o‘rta ta’lim muassasasi o‘quvchilarida yuqoridagi tayanch ma’naviy-axloqiy fazilat (kompetensiya)larni tarbiyalashga tayyorlash vazifasi yuklatilgan. Qolaversa, “Tarbiyachining o‘zi tarbiyalangan bo‘lishi kerak”, degan umume’tirof etilgan prinsip aynan manashu nuqtada o‘z joriylashuvini taqozo qiladi. Bo‘lajak jismoniy madaniyat o‘qituvchilarni tayyorlashga doir huquqiy-me’yoriy hujjatlarni o‘rganish davomida, 60112200 – “Jismoniy madaniyat” bakalavriat ta’lim yo‘nalishining malaka talablari o‘rganildi. Ushbu hujjat O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi huzuridagi Jismoniy madaniyat ta’limi bo‘yicha o‘quv-uslubiy birlashmalar faoliyatini Muvofiqlashtiruvchi Kengashning 2022 yil 29 avgustdagi 5 sonli yig‘ilishida muhokama qilinib, tasdiqlangan. O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligining 2022 yil 9 sentyabrdagi 302 sonli buyrug‘i bilan tasdiqlangan bo‘lib, O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha va maktab ta’limi hamda Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi tomonidan joriy etilgan.

60112200 – “Jismoniy madaniyat” bakalavriat ta’lim yo‘nalishi bo‘yicha bakalavlarning kasbiy kompetensiyalariga qo‘yilgan talablar ikki qismdan – umumiy va kasbiy kompetensiyalardan iborat. 6 ta umumiy kompetensiyalardan birinchisi “Davlat siyosatining dolzarb masalalarini bilishi, ijtimoiy-iqtisodiy muammolar va jarayonlarni mustaqil tahlil qila olishi” [2]. Sifatida belgilangan.

Ushbu kompetensiya bevosita ma’naviy-axloqiy tarbiya vazifalariga kirishi sababli unga alohida e’tibor qaratish taqozo qilinadi.

Malaka talablariga ko‘ra bo‘lajak jismoniy tarbiya o‘qituvchisi ma’naviy-ma’rifiy faoliyatda:

ma’naviy-ma’rifiy ishlarni rejalashtira olish, uni tashkil etish metodikasini egallash, o‘quvchilar ongiga milliy istiqlol g‘oyasini singdirish;

o‘quvchilarda mafkuraviy va axborot xurujlariga qarshi immunitetni yuzaga keltirish metod va texnologiyalarini bilishi;

globallashuv sharoitida kechayotgan jarayonlarda axborot kommunikasiya texnologiyalarining o‘rni va ta’siri haqida tushuntirishishlarini olib borish;

mahallalarda ma’naviy-axloqiy tarbiya masalaalari bo‘yicha individual suhbat o‘tkazish;

milliy urf-odat va marosimlarni o‘tkazishda, umuminsoniy qadriyatlar, mehr-muruvvat, bag‘rikenglik, vatanparvarlik, sadoqat kabi yuksak insoniy fazilatlarni ochib berish qobiliyatlariga ega bo‘lishi talab etiladi [3]. Ushbu malaka talablariga asoslanish birinchidan, O‘zbekiston Qonunida belgilangan ta’lim va tarbiya birligi prinsipini ta’minlashga, ikkinchidan, bo‘lajak jismoniy madaniyat o‘qituvchisiga ma’naviy-axloqiy tarbiyaning obyekti va subyekti sifatida yondoshuvning qonuniy asoslarini belgilab berdi.

UMTKning 64 bandida “Uzluksiz ma’naviy tarbiya tizimi samaradorligini oshirish va takomillashtirishga qaratilgan dissertasiyalar, ilmiy tadqiqotlar va izlanishlarni yo‘lga qo‘yish vazifasi yuklatilgan [4]. Bu bejiz emas, zero ushbu Konsepsiyaning chuqur ilmiy, texnologik asosda amaliyotga joriy qilinishi natijasida oliy ta’lim muassasalarida mustaqil fikrlash va qaror qabul qilish layoqatiga ega bo‘lgan yoshlarning ma’naviy kamol topishi uchun zarur bo‘lgan innovasion ijtimoiy-pedagogik sog‘lom va barqaror muhit yaratiladi.

Bo‘lajak jismoniy madaniyat o‘qituvchilarini ma’naviy-axloqiy tarbiyalashda UMTK prinsiplari asosida, jumladan, “ta’lim va tarbiyabirligi” prinsipi asosida amalga oshiriladi. Bu esa, ularning ixtisoslik bo‘yicha malaka talablarida belgilanganidek, ularni mustaqil ma’naviy-ma’rifiy faoliyatga o‘rgatishni, talabalarni milliy g‘oyaning maqsad vazifalari, qadriyatlar va ideallari bilan tanishtirish, ularda Uzluksiz ma’naviy tarbiya Konsepsiyasi bilan belgilangan kasbiy ma’naviyat kompetensiyalarini rivojlantirishdan iborat.

Bo‘lajak jismoniy madaniyat o‘qituvchilarining individual imkoniyatlarini rivojlantirish talaba shaxsiyatini shakllantirish uchun shart-sharoit yaratish, madaniy hordiq chiqarish faoliyatining asosiy vazifasi bo‘lib, nafaqat uning individual xususiyatlarini hisobga olish, balki ularning har jihatdan har tomonlama rivojlanishiga ko‘maklashish lozim. Har bir bo‘lajak jismoniy

madaniyat o‘qituvchisi o‘z imijini topishi kerak. Individuallik, o‘ziga xoslik shaxsga ma’naviy-axloqiy prinsiplarning asosiy toifalarida o‘zlarining shakllangan pozisiyalari va dunyoqarashiga ega bo‘lish imkonini beradi.

Sportchi talabalarning doim musobaqalar, mashg‘ulotlar sharoitida yashashi, rivojlanishi ularda kasbiy maqsadlar, kasbiy ma’naviyat mazmuni, shakllari va usullarini tanlashda subyektiv kuchlarga ega bo‘lishiga va uzluksiz ma’naviy tarbiya Konsepsiyasida belgilangan tayanch kompetensiyalarni qo‘llashni mashq qilishga yordam beradi.

Bo‘lajak jismoniy madaniyat o‘qituvchilarining individual va jamoaviy faoliyatiularning o‘zlariga xos xususiyatlarini va xarakterlaridagi drayver sifatlarni aniqlash hamda rivojlantirishga imkon beradi. Yakka jamoaviy mashg‘ulotlar talabalarning qobiliyatlarini ochib beradi, shaxsiyatining kuchli tomonlarini ko‘rsatadi. Sport faoliyatining muayyan turida muvaffaqiyatga erishish ularda iroda, mehnatsevarlik fazilatlarini rivojlanlantirishga hissa qo‘shadi, o‘z-o‘zini takomillashtirishni davom ettirishga undaydi.

Bunda fakultet, guruhlardagi ma’naviy-ma’rifiy ishlarni insonparvar shaxsga yo‘naltirilgan ijtimoiy-madaniy texnologiyalar bilan boyitish muhimdir. Komanda a’zolariga ishonish, o‘zini-o‘zi anglash va o‘zini namoyon qilishga bo‘lgan intilishlarini qo‘llab-quvvatlash – ortiqcha talabchanlik va haddan tashqari nazorat o‘rnini egallashi lozim. Nafaqat tashqi ta’sirlar, balki ichki motivasiya ma’naviy-axloqiy fazilatlarni rivojlantiradi. Shuning uchun ham individual yondashish talabalarning ma’naviy-axloqiy madaniyatini shakllantirishning muvaffaqiyatini ta’minlaydi.

Bo‘lajak jismoniy madaniyat o‘qituvchilarida tayanch ma’naviy-axloqiy fazilatlarni shakllantirish obyektiv va subyektiv omillarning birligida namoyon bo‘ladi: obyektiv – jamiyatning shaxsga qo‘yadigan milliy g‘oyaviy talablari va subyektiv – ya’ni shaxsning milliy g‘oyaviy qadriyat, fazilatlarga, jamiyat, ma’naviy va moddiy qadriyatlarga bo‘lgan munosabatida. Samarali tashkil qilingan ma’naviy-ma’rifiy ishlar, g‘oyaviy tarbiyaning eng muhim vazifasi, obyektiv g‘oyaviy talablarni shaxs xulq-atvorining subyektiv normasiga aylantirish, ya’ni g‘oyaviy tarbiyaning obyektiv va subyektiv prinsiplari amalda birlashtiriladi.

Bo‘lajak jismoniy madaniyat o‘qituvchilarining ma’naviy-ma’rifiy tadbirlarda ishtirok etishi, ularning ma’naviy-ma’rifiy bilim olishga intilishlari ma’naviy ehtiyojlarning o‘sishini rag’batlantiradi. Bu faoliyat daxldorlikni rivojlantirib, Vatan, milliy manfaatlar yo‘lida birlashishga, harakat qilishga, o‘zidagi ma’naviy fazilatlarni rivojlantirishga, ideallarga ega bo‘lishga,

jamoat vazifalarini bajarishda do‘stona, o‘zaro yordam uchun mas’uliyatni shakllantiradi.

**Adabiyotlar:**

1. Қодиров Қ. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида олий таълим муассасалари ғоявий тарбия тизимини модернизациялаш. Педагогика фанлари доктори (DcS) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Чирчиқ. 2021. 93 б.

2. 60112200– “Жисмоний маданият” бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2022 йил 29 августдаги 5 сонли йиғилишида тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 9 сентябрдаги 302 сонли буйруғи билан тасдиқланган. 7 бет.

3. 60112200– “Жисмоний маданият” бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2022 йил 29 августдаги 5 сонли йиғилишида тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 9 сентябрдаги 302 сонли буйруғи билан тасдиқланган. Тошкент, 2022. 6 бет.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз маънавий тарбия Концепциясини тасдиқлаш ва амалиётга жорий қилиш тўғрисида”ги 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон қарорига1-илова.

**РЕЗЮМЕ**

Mazkur maqolada jismoniy madaniyat o‘qituvchilarning kasbiy fazilatlari va tarbiya jarayonida yuzaga keladigan munosabatlarning izchilligi haqidagi ma’lumotlar bayon etilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье описаны профессиональные качества учителей физической культуры и системность взаимоотношений, возникающих в процессе обучения.

**SUMMARY**

This article describes the professional qualities of physical culture teachers and the consistency of relationships that arise in the process of education.

# ФИЗИЧЕСКАЯ ПОДГОТОВЛЕННОСТЬ И ФИЗИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФУТБОЛИСТОК

***Илясова Ф.Ф.***
*Магистр Ташкентского государственного педагогического университета имени Низами*

**Tayanch so‘zlar:** sport fiziologiyasi, jismoniy rivojlanish, sport faoliyati, fiziologik mexanizmlar, funktsional tayyorgarlik, aerob, anaerob alaktat va anaerob laktat mexanizmlar.

**Ключевые слова:** спортивная физиология, физическое развитие, спортивная деятельность, физиологические механизмы, функциональная готовность, аэробный, анаэробный алактатный и анаэробный лактатный механизмы.

**Key words:** sports physiology, physical development, sports activity, physiological mechanisms, functional readiness, aerobic, anaerobic lactate and anaerobic lactate mechanisms.

Как известно, футбол является одним из наиболее многокомпонентных видов спорта, что особенно характерно именно для игровых дисциплин. Все известные параметры работоспособности являются важными для работы футболистов и достижения ими высоких результатов.

Известно, что одним из важнейших факторов является физическая подготовленность футболисток, от которого зависит активность и эффективность командных, групповых и индивидуальных технико-тактических действий. Каким бы техничным и тактически грамотным не были футболистки, они никогда не добьются успеха без хорошей и разносторонней физической подготовленности. Не добьется успеха и команда, в которой физическая подготовленность даже одного игрока не будет соответствовать современным стандартам футбола.

Во-первых, потому, что в каждом игровом эпизоде несколько футболистов одновременно решают определенную игровую задачу. Для этого они должны выполнять согласованные по скорости, пространству и игровым действиям перемещения. И если хотя бы у одного из них нет соответствующих функциональных возможностей, то решить задачу игрового эпизода не удастся. Во-вторых, в игре каждая футболистка должна быстро и точно оценивать тактические ситуации, принимать точные решения и мгновенно реализовывать их.

Тактическая эффективность футболистов, у которых недостаточно развита быстрота реагирования на движущийся объект (соперник, партнер, мяч) или быстрота выбора, всегда будет низкой.

В-третьих, футбол становится все более атлетичной игрой, насыщенной активными парными и групповыми единоборствами. Выиграть борьбу за мяч, уйти от опасного столкновения, устоять на ногах после толчка соперника может только хорошо физически подготовленный футболист. Поэтому хорошая силовая подготовленность - неотъемлемое качество профессионального игрока. В-четвертых, в игре футболист выполняет до 100 рывков и ускорений преимущественно на отрезках от 5 до 20 м. Опередить на столь короткой дистанции соперника может только игрок, обладающий хорошей взрывной силой и скоростными способностями. Высокий уровень этих качеств обеспечит выигрыш времени, и, следовательно - выигрыш пространства. Поэтому хорошая скоросто-силовая подготовленность - это также неотъемлемое качество профессионального игрока. В-пятых, футбольный матч длится от 91 до 99 минут (не считая перерыва). Мяч находится в игре от 56 до 64 минут, и все это время выполняется работа, трудность которой для организма не сравнима с трудностью любого другого вида спорта. Сохранить высокую координацию движений в течение всего матча, уметь поддерживать высокую скорость рывков и ускорений с первой до последней минуты игры, не проигрывать силовые единоборства может только очень выносливый игрок. Поэтому отличная выносливость - тоже неотъемлемое качество профессионала.

В игре футболист должен выполнять много движений с максимальной амплитудой: удары, подкаты, финты. Они будут эффективными только тогда, когда у игрока будет хорошая гибкость. Отметим также, что хорошая гибкость - это косвенное свидетельство того, что мышцы футболиста эластичны и находятся в отличном состоянии. Такое состояние мышц предохраняет их от травматизма. Поэтому хорошая гибкость - это тоже неотъемлемое качество профессионального футболиста. В основе эффективного выполнения технических приемов лежат процессы внутримышечной и межмышечной координации, или координационные способности. От них зависит обучаемость игроков, особенно юных, технике футбола. Не может быть профессионального футболиста без хорошо развитых координационных способностей.

Все эти качества, вместе взятые, и составляют физическую подготовленность футболистов. Поэтому повышение уровня физической подготовленности - одна из важнейших задач, которую каждый день пытаются решить на тренировочных занятиях тренеры футбольных команд.

Зарубежные исследователи предлагают выделять три основных составляющих успеха: физиологические возможности, техническую оснащенность футболисток и мастерство строить и реализовывать тактическую модель

*Рис. 1. Соотношение ключевых игровых факторов*

матча. Каждой из этих составляющих он отводит равную часть в общем успехе (рис.1).

В вышеприведенной схеме, однако, трудно оценить роль психологических факторов, мотивации игрока и ряда других составляющих. В футболе мы предпочитаем выделять: а) факторы потенции; б) факторы реализации потенции (рис.2). К факторам потенции следует относить физиологические возможности спортсмена, в том числе генетически предопределенные способности, уровень тренированности на момент игры, хорошее питание с достаточным восполнением энергоресурсов и микроэлементов, общий уровень восстановления после сыгранных встреч, отсутствие срыва биоритмов и ряд других физиологических составляющих.

Следует отметить, что хорошая физическая готовность придает игроку уверенность в себе, что положительно отражается на его психологии. Психологически комфортное состояние, в свою очередь, создает должную мотивацию для игр и тренировок, способствующих укреплению физических кондиций. И, наконец, успешное выступление команды также поддерживает на хорошем уровне психологическое состояние футболисток.

*Рис. 2. Факторы успешного выступления команды*

Игра в футбол представляет собой «рваную» или перемежающуюся работу различной интенсивности на протяжении данного промежутка времени. Чтобы лучше понять ее физиологию, необходимо выделить отдельные компоненты этого вида деятельности. При игре в футбол задействованы в различной степени все три основных способа энергообеспечения - аэробный, анаэробный алактатный и анаэробный лактатный механизмы (лактат - молочная кислота).

А. Основные характеристики аэробного пути энергообеспечения

а) основной источник энергии - жирные кислоты и глюкоза, образующиеся, соответственно, при расщеплении жиров и полисахаридов (преимущественно гликогена) и использующиеся для синтеза аденозинтрифосфата (АТФ), который является главным поставщиком энергии в живых организмах; b) малая

интенсивность - может осуществляться работа низкой и средней мощности; c) низкая скорость развертывания - начинает включаться после 6-10 секунд работы, выходит на полную мощность в среднем через 1-2 минуты после начала работы; d) высокая эффективность - органические вещества полностью расщепляются до углекислого газа и воды, отдавая при этом большую часть энергии, содержащейся в них (из 1 молекулы глюкозы, например, образуется 38 молекул АТФ); e) высокая емкость - работа теоретически может совершаться до тех пор, пока в организме есть органические вещества, способные окисляться, а легкие и кровь поставлять кислород, необходимый для их окисления.

B. Основные характеристики анаэробного алактатного пути энергообеспечения

a) основной источник - запасы в мышцах АТФ и креатин-фосфата, которые могут распадаться очень быстро, генерируя значительную мышечную силу, зависящую, кроме того, от количества миофибрилл в действующих мышцах, способных сократиться одновременно; b) наиболее высокая интенсивность совершаемой работы - осуществляется работа большой мощности; c) наиболее высокая скорость развертывания - путь задействован в самом начале работы, когда другие пути энергообеспечения еще не успели включиться; d) достаточно высокая эффективность - креатинфосфат распадается полностью, а АТФ - достаточно полно для того, чтобы освободилась основная часть энергии, содержащейся в этих веществах; e) самая низкая емкость - запасы АТФ и КФ мышц расходуются за 6-8 секунд работы с максимальной мощностью.

C. Основные характеристики анаэробного лактатного (гликолитического) пути энергообеспечения

a) основной энергоисточник - глюкоза, окисляющаяся в отсутствие кислорода до воды и молочной кислоты, которая находится в жидких средах организма в виде иона лактата; b) средняя интенсивность выполняемой работы - выше, чем при аэробной работе, но ниже, чем при анаэробной алактатной работе; c) средняя скорость развертывания - путь включается, когда анаэробная алактатная работа достигает своего максимума, а аэробный путь еще не задействован, то есть через 2-4 секунды от начала работы; максимально функционирует в промежутке от 10 до 60 секунд работы средней интенсивности; d) низкая эффективность - в ходе гликолиза образуется всего 2 молекулы АТФ, а значительная часть не высвободившейся энергии содержится в химических связях иона лактата, который может окисляться дальше с выделением энергии, но только в присутствии кислорода; e) средняя емкость - путь при максимальном его включении, функционирует большее количество времени, в сравнении с анаэробным алактатным, но меньше по продолжительности, в сравнении с аэробным способом энергообразования. Это связано, прежде

всего, с накоплением в ходе гликолиза Н-иона в жидких средах организма и повышением кислотности (снижением pH), что ведет к мышечному утомлению, так как большинство ферментов, участвующих в мышечной работе, оптимально функционируют лишь в строго определенных границах pH.

Способность переносить процессы гликолиза неодинакова у различных спортсменов. Она зависит от активности ферментных и буферных (бикарбонатной, гемоглобиновой, белковой и фосфатной) систем организма и способности организма удалять продукты гликолиза [1].

Как подчеркнули выше, в силу достаточно большой продолжительности футбольного матча, по меньшей мере 90% энергии производится аэробным путем. Известно, что полевой игрок преодолевает в течение 90 минут матча дистанцию равную в среднем 8-12 км, а голкипер, примерно, 3-4 км.

Кроме того, футбольный матч включает в себя периоды и ситуации высокоинтенсивной (анаэробной) активности, когда имеет место накопление в мышцах спортсмена молочной кислоты. Таким образом, игроки нуждаются в периодах низкоинтенсивной активности для удаления лактата из работающих мышц.

Итак, еще раз подчеркнем, что вследствие большой продолжительности матча, работа футболисток в основном обусловлена аэробным метаболизмом.

Несмотря на то, что аэробный метаболизм доминирует в энергопроизводстве в течение игры, большинство решающих действий совершаются при помощи анаэробного метаболизма. Энергию, необходимую для выполнения коротких спринтерских рывков, прыжков, отборов мяча, участия в единоборствах, спортсмен получает анаэробным путем. Часто это имеет существенное значение для исхода матча.

Известны следующие факты: 1) на фоне работы, связанной с проявлением выносливости, каждый игрок выполняет 1000-1400 действий короткой продолжительности, с периодичностью, примерно, одно действие каждые 4-6 секунд; 2) в течение примерно каждых 90 секунд игрок выполняет спринтерский рывок средней продолжительностью 2-4 секунды. Дистанция, пробегаемая в течение спринтерских рывков, составляет 1-11% от общего расстояния, преодолеваемого во время матча; 3) время, за которое происходит преодоление кратковременных спуртов, составляет 0,5-3,0% эффективного игрового времени (т.е., времени, в течение которого футболист владеет мячом). Структура анаэробного типа активности за одну игру у футболиста включает, в среднем, 10-20 спринтерских рывков; высокоинтенсивный бег каждые 70 секунд; около 15 активных отборов мяча; 10 эпизодов игры головой; 50 моментов владения мячом; около 30 передач, а также смену ритма и поддержание полноценной концентрации для удержания баланса и контроля за мячом, с противодействием давлению защищающейся стороны; 4) полно-

ценные спринтерские рывки в 2 раза чаще совершаются крайними защитниками, в сравнении с центральными, а время их в 2,5 раза продолжительнее. Полузащитники и нападающие совершают также больше спуртов, в сравнении с центральными защитниками, в 1,6-1,7 раз продолжительнее по времени. Вообще, крайние игроки, играющие как в защите, так и в нападении, проводят в спринтерских рывках больше времени, в сравнении с центральными защитниками и полузащитниками [2].

Игроки высокого уровня используют анаэробную систему в большей степени, чем начинающие футболисты. Высокий показатель максимальной силы в верхних и нижних конечностях может способствовать профилактике футбольных травм. Более того, продемонстрировано, что введение элементов силового тренировочного режима снижает количество повреждений примерно на 50%.

В женском футболе действия с низкой интенсивностью составляют от 90 до 95% действий, а действия с высокой интенсивностью составляют от 10 до 5%. Поэтому различия между мужским и женским футболом, по-видимому, определяются технико-тактическим уровнем и условной составляющей, хотя другие исследования предполагают, что эта разница в техническом уровне кроется в неравенстве культурного процесса, где женщины поздно приобщаются к этому виду спорта. Одна из причин различий в производительности мужчин и женщин, по-видимому, связана с физиологией и биологией обоих полов. Более высокий процент жира, более низкий процент мышечной массы, а также низкий уровень гемоглобина у женщин означают, что различия в физической работоспособности меньше.

Менструальный цикл - кажется, это один из самых важных элементов, который следует учитывать при составлении программы тренировок для женщин, поскольку он влияет на производительность и появление травм.

На общем уровне улучшение физической работоспособности, по-видимому, происходит в первые дни после менструации, примерно через 6 дней после менструации, в то время как другие исследования показывают, что спортсменки более склонны к травмам во время менструальной фазы и во время овуляции, чем в фолликулярную фазу. Как мы видим, это сильно влияет на игроков. На мышечно-связочном уровне он, по-видимому, влияет на эти параметры, увеличивая риск травм.

